Шуҳрат

ШИНЕЛЛИ ЙИЛЛАР

РОМАН

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1975

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз2
Ш97

Учинчи нашри

Шуҳрат
Шинелли йиллар. Роман. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
592 б., расм.

Шуҳратнинг «Шинелли йиллар» романидаги бош қаҳрамон Элмурод оддий бир йигит, у келажак ҳақида, осойишта меҳнат ҳақида орзу қилишни яхши кўради.
Бироқ тез орада немис-фашист қўшинларининг Ватанимизга хиёнаткорона ҳужуми ҳақида хабар келади. Элмурод ҳам минглаб совет ватанпарварлари каби ўзининг бутун куч-қувватини ва билимини Гитлер босқинчиларига қарши курашга бағишлайди.
У ўқчи взвод командиридан то батальон командиригача бўлган йўлни шон-шараф билан босиб ўтиб, урушни забт этилган Берлинда тугатади.

Шухрат Годы в шинелях. Роман.

Ўз2

70303-138
8-Доп. 75

БИРИНЧИ ҚИСМ

I

«Балки, муҳаббат деганлари шудир? Бўлмаса нега юрагим арзиқади. Уни кўз олдимга келтирсам, қалбим гурс-гурс уради, ширин орзу вужудимни эркалаб ўтади. Чиндан ҳам муҳаббат шуми? Дейдиларки, одатда, севишганлар ўз кўнгилларини тил билан изҳор этмайдилар, имо-ишора ва баъзан қочириқ гаплар жуда яхши восита эмиш. Хўш, Муҳаррамда шундай аломатлар бормиди? Унинг кўнглида севги бор экан, нега сўнгги кунгача юзида бирор марта барқ урмади, икковимиз ҳам бир институтда ўқидик. У ҳам аълочи эди. Баъзан «Аълочилар тахтаси»да суратларимиз ёнма-ён ҳам қўйилиб қоларди, лекин шунда ҳам нега бирор ишора қилмади? Жилла бўлмаганда «Ўзимиз бир-биримиздан узоқ юрсак ҳам, суратимизни ёнма-ён қўйишибдими, а?» демади. Институтни битирганимда биринчи бўлиб табриклаган, қўлимни қаттиқ сиққан эди. Ёки шу ишора эдими?

Наҳотки, мен пайқамаган бўлсам? Ҳа, Лев Толстой «Анна Каренина»да Дарья Александровнанинг тили билан бекорга шундай демаган: «Сиз эркаклар, қизларни кўрасиз, суҳбатлашасиз. Кўнглингизда биронтасига бўлган севгингиз пишиб етгандан кейингина қўлини сўрайсиз. Бечора қизлар-чи! Доимо кутишда. Қизлик ҳаёси босиб, кўнглидаги бор севгисини ҳам очиқ айтолмайди. Сизнинг таклифингизга «йўқ» ёки «ҳа» деб жавоб беришга ҳақли, холос!»

Эҳтимол, Муҳаррам [illegible] ҳолатда бўлгандир? Менинг ҳарбийга жўнаш кунимиз энг яхши фурсат билиб, мендан бир парса ошитиш ниятида кузатиб чиқмадими-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кан? Шу билан ўз кўнглини изҳор қилмадимикан? Мен унинг бу ишини самимий дўстлик белгиси деб, хато қилмадимми? Унинг бу ишини оддий дўстлик деб билган эканман, нега поезд жилгач, кўнглим алланечук бўлиб кетди? Йўл-йўлакай хаёлимдан у узилмади. Ҳар разъезд, станциядаги қиз кўзимга у бўлиб кўринди. Нега назаримда, у ҳамон Тошкент станциясида қўл силкиб хайрлашаётгандек бўлиб туради? Нега Красноводскка келиб, пароход кутар эканман, поезд қичқирганини эшитиб, юрагим бир арзиқиб кетди, шу поездда Муҳаррам жўнагандек бўлди-ю, паровоз ўтхонасидан чиққан қора тутундек бир нарса кўнглимга соя солиб ўтди? Нега у кўз олдимдан кетмай қолди?

Шу муҳаббат бўлса керак!»

Элмурод шундай ўйлар селида ғарқ бўлиб, уйқуси қочди. Ўзича бирор аниқ фикга келолмас эди. Бу ўйлар шу даражада чувалиб кетдики, бора-бора у ҳеч бирини равшан тасаввур қилолмай қолди. Боятдан бери ғашига тегаётган аллакимнинг хуррак отиши ҳам энди унга эшитилмасди. Уйқу элитди. Ўйларининг охири, тоғлар этаги қирга туташгандек, тушга уланиб кетди...

— Подъём!

Ҳалигина ширин уйқунинг белапчагида аллаланаётган жангчилар дув кўтарилди, гўё сокин ўрмонда ногаҳон ўқ узилди. Ҳар ким тезроқ кийиниб ўзини ташқарига урар, казарманинг нариги бурчидан кимдир: «Иккинчи взвод, бўш келмайсан!» деб қичқирар, ўзи ҳам шоша-пиша кийинаётган бўлса керак, товушида бир нарсага уринаётганлик зарби бор.

Элмурод шошганидан бир оёғига шим почасини киймай обмотка ўраб қўйди. Уни чуватиб қайтиб кийгунича, деярли ҳамма ташқарига чиқиб «сафга тизилиш» командасини кутмоқда эди. Ахир обмотка ҳам икки қулоч бор-да! Ечиб, ўраш тўрт метр. Отделение командири унинг қошига келди:

— Кечикдингиз-ку!

Элмурод воқеани баён қилди. Командир ўзини тута олмай бирдан кулиб юборди.

Улар ташқарига чиққанда рота энди эрталабки зарядкага сафланмоқда, ёмғир роса қуймоқда эди. Бундан сал аввалроқ шамол ҳам ўз ҳиссасини қўшган бўлса керак, эшикдан бир ярим-икки метр ичкаригача даҳлиз сирғанчиқ ва ҳўл эди. Бир-биридан қулоч ёзса бармоқ учи етгу-

дек йироқликда турган жангчиларнинг фақат оқ [illegible] ингина тонг қоронгисида қанотларини силкитаётган оққушдек кўринар, қора ботинка, қир ўти рангидаги шимлари ва яланг бошлари алдамчи саҳарнинг сурма ранг тусига сингиб кетган эди.

Элмурод, машқ ҳар кунгидай ўн беш минут бўлмаса керак, деб ўйлади. Ахир ёмғир қуйиб турибди-ку. Ўн беш минут эмас, беш минутдаёқ ҳамма ёғингни шалаббо қилиб юбориши ҳеч ган эмас. Унинг устига, жангчилар шамоллаб қолиши мумкин...

Элмуроднинг ёнида турган жангчи бирдан йўталиб қолди. Элмурод ўзича «ана, бошланди» деб қўйди. Аммо бошқа ҳеч ким йўталмади. Марш ҳар кунгидай расамадли бўлди. Бирор киши «нега қисқартирилмади» ҳам демади. Гўё шундай бўлиши ҳам қарз, ҳам фарздай. Фақат баъзилар казармага — иккинчи қаватга кўтарилишда ёмғирда қолган товуқдай силкиниб, оёғини икки-уч марта кетмакет қаттиқроқ депсиди. Буни ҳам кечагина Элмурод қатори келган янгилар қилди. Эскилар уларни кўриб, мийиғида кулиб ўтди: «Ҳали шунгами? Шундай вақтлар бўладики, ўрдак бўлиб сузасан».

Элмурод казармага кўтарилаётиб, девордаги шиорга яна кўзи тушди. Унинг биринчиси Элмуродга кўпдан бери ошна — Армияда хизмат қилиш ҳар бир совет гражданининг муқаддас бурчи ҳақида эди. Аммо иккинчиси: «Қизил Армия шиддатли мактабдир» деган шиорни келганига беш кун бўлса ҳам маъносини чақолмас эди.

Бироқ, бугун ёмғирда одатдагича машқ бўлгач, бу шиорнинг остига Афлотуннинг калласи яшириб қўйилганига тушунди. «Шиддатли» деган сўзга урғу бериб, яна бир марта алоҳида диққат билан ўқиб ўтди.

Элмурод институтни имтиёзли диплом билан тамомлади. Кунлардан бирида Москвада Бутуниттифоқ физкультурачилар парадида бўлиб қайтган институтдоши Муҳаррамни кўриб қолди. Ундан Москва хотираларини сўзлаб беришни илтимос қилди. Горький номли истироҳат боғида кундузи учрашдилар, суҳбатлашдилар. Қандайдир сабаб билан яна бир учрашдилар. Элмурод кечқурунги сеанс кинога таклиф этган эди, «Фотима онам кўриб қолиб, тағин, калтагина сочимдан ҳам ажралмай», деб белидан пастга тушадиган сочининг учини ерга қараб туриб қўли билан тароқлади. Элмуроддан «Хато қиласиз» жавобини олгач, ялт этиб унга қаради, сабабини сўрамоқчи эди, Эл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мурод: «Бир куни батафсил гапириб берамап» деб сўзни қисқа қилди.

Фотима Элмуродга синфдош бир аёлнинг жияни бўлиб, аммасининг олдига бот-бот келиб турарди. Студентлар буни Элмуродга йўйган эдилар. Муҳаррам мана шу қизга ишора қилган эди...

Улар бошқа бир куни кечқурун учрашишга ваъдалашдилар. Элмурод уйга келиб, столи устида ҳарбий комиссарликнинг повесткасини кўрди. Демак, «Мумкин бўлса Кавказга юборсангиз» деган илтимоси ўрин топган. Эрталаб бориб жўнаш учун керакли ҳужжатларни олди. Шу куни оқшом Муҳаррам билан учрашди, кинога тушди. Уйига, Шайҳантаҳургача кузатиб бориб, водопровод будкаси ёнида узоқ суҳбатлашдилар... Элмурод Муҳаррам билан хайрлашиб Хадрага келганда, трамвайлар паркка кириб кетмоқда эди. Эртасига Красноводск орқали Тбилисига — ҳарбий хизматга жўнади.

II

Элмурод ранецни каравотнинг бош томонига осар экан, белкуракча ғилофининг тугмачасини қадаётган Дубенкога жиддий деди:

— Дунёда ҳали биз билмаган кўп нарса бор экан.

— Ҳаммасини биламан деб юрармидинг?

— Унчалик эмасу, ҳар ҳолда, ўн беш йил мобайнида анча нарса ўргангандирман, деб юрардим. Ҳали белкуракчанинг ғилофи бўлишини, пайтавани қандай ўраш кераклигини билмас эканмиз.

— Кеча мен ўйлаб кўрсам, Элмурод,— деди Дубенко ўтирганда эзилган ўрнини кафти билан текисларкан,— ҳарбий ҳаёт бутунлай бошқа дунё экан.

— Бошқаларни билмайману, шахсан мен, келганимдан буён ўтган умримнинг аввалгисига ҳозиргисини мутлақо ўхшатолмайман. Атрофга қарасам, ўз кишиларимиз. Ҳатто кўп машғулотлар бекорчиликдан қилинаётганга ўхшайди. Ҳар ҳолда бизни бу ҳаёт этик билан сув кечадиган ҳолга келтирадиган бўлди.

Эшик томондан командирнинг: «Машғулотга тайёрланинг!» деган овози келди. Ҳали ўринларини йиғиштириб улгурмаган жангчиларнинг ҳаракатида шошқалоқлик кўрипди. Дубенко белидаги камари тўқасининг ўнгки томо-

нидан остига бош бармоқларини суқиб, гимнастёркасининг гижимларини орқасига сидирди ва Элмурод ёнидан ўтар экан:

— Қани, юр дўстим, кетдик,— деди.

Кечқурун рота Ленин хонасида ашула ўрганди. Элмурод ҳам Дубенко билан ёнма-ён ўтириб, бошқа ашулалар қатори Шчорс ҳақидаги ашулани у каби ихлос ва муҳаббат билан ёзиб олди, ёдлашга киришди.

Бир жангчи кириб, янги кишилар келганини айтди. Бўш вақт бўлгани учун ҳамма дув этиб ўзини казармага урди. Элмурод ҳам чиқди. Аммо у баъзилар сингари уларнинг орасини ёриб кириб, ким қаердан келганини суриштирмади. Чунки у бу томонга ўзбеклар кам тушишини билар, ўрта осиёликларнинг деярли ҳаммаси Украина ва Белоруссияда хизмат қилишини кўп марта эшитган эди. Шунга қарамай, турган йигирма чоғлиқ кишининг ҳаммасига Ленин хонасидан чиқа туриб, бир назар ташлади. Бирорта ўзбекка ўхшаган кишини пайқамади. Улар ҳарбий форма ва ҳаётга анчадан бери кирган бўлсалар керак, янги уяга кўчирилган жўжалардек бегонасираб турмасдилар. «Булар ҳам олий ва ўрта маълумотлилар бўлса керак» деб ўйлади у. Худди шундайлар тунов куни дивизиянинг бошқа бир полкидан ҳам келган эди.

Элмурод каравотининг бош томонидан полк ҳовлисига қараган дераза рафига икки тирсагини қўйиб, бошини кафтлари орасига олганича, эртаги машғулот юзасидан китоб кўрар экан, биров орқасидан:

— Салом, Элмурод!— деб қолди. Ялт этиб орқасига қаради. Орқасида ўрта бўйли, қаншари сал паст, бурнининг учи тўмтоқ ва юмалоқ, кўпчилик ўзбекларга хос кулча юз, кенг пешона, қош-кўзи қора бўлса ҳам ўзи қорачадан келгани учун унчалик ажралиб назарга ташланмайдиган, белини брезент камар билан сиқиб боғлаган бир йигит турар эди. Элмурод «салом» деб ҳарбийча кўришиш учун қўлини чаккасига олган эди, у қўл узатди, кўришдилар. Элмурод ёнида турган бўш табуреткани тортиб, ўтиришга таклиф этди. Суҳбатда маълум бўлдики, у Тошкент индустриал институтини шу йил тугатган энергетик инженер экан. Ҳарбийга чақирилгунча Тошкентнинг йирик заводларидан бирида смена инженери бўлиб ишлаган. Элмуродни студентлигида, Тошкентда дарс тайёрлаб юрган чоқларида «Октябрь» ва Наримонов номли кутубхоналарда, баъзан Халқ кутубхонасида кўриб юрса ҳам, бир куни

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Октябрь» кутубхонасида Маяковский ҳақида доклад қилганида фамилиясини билиб олган экан. Ҳатто Элмуроднинг ўша доклади сўнггида қандай шеър ўқигани ҳам эсида бор эмиш.

Элмурод унинг ҳам оёгида ўзиникидай қўпол ҳарбий ботинка ва уникидай ҳаво ранг обмотка борлигини кўрди.

Улар жуда иноқлашиб кетдилар. Йўлдош ҳам Элмурод ва Дубенко каби билимли, муҳокамали, «Кўкламги заҳмат, қишки роҳат» деб узоқни кўзларди. Рус тилига чечан. Баъзан-баъзан украинча сўзлар аралаштириб, Дубенконинг қитигига тегар, «Запорожьелик Дунайнинг нарёғида» деган ашулани украинча айтиб қувонтирар, кулдирар эди. Бирор ёққа борар экан, украинчалаб: «Пишли Дубенко побалакаем» деб қўярди. Дубенко ҳам ундан ўрганган беш-олтита ўзбек сўзларини яримта-юрмита қилиб жавоб қайтарарди.

Кундан-кун очилиб бораётган ҳарбий таълим уфқига Элмурод адабиётчи-педагог, Дубенко иқтисодчи нуқтаи назаридан қарагандек, Йўлдош энергетик инженер сифатида яқинлашарди. Яқинда ўнта патрон жойланадиган магазинли ярим автомат СВТ винтовкасини ўргандилар. Майда қисмлари кўп, затвори мураккаб бўлса ҳам, уларга оғирлик қилмади. Лекин эмаклаган вақтда қарғанинг кўзидай-кўзидай тешикли кожухига тупроқ кириб, тозалашда қийнаши ва затворининг ҳужум пайтида чанг кириб, автоматик йўсинда ишламай қолиши ҳаммаларининг ҳам ҳафсалаларини пир қилди. Бир куни Элмурод «Интизом устави»ни Ленин хонасида ўқиб ўтирар экан, Йўлдош унинг елкасига қувонч билан бир урди:

— Биласизми, мен нима қилмоқчиман! СВТни тўла автоматик равишда электр қуввати билан отадиган қилиш мумкин.

У Элмуродга нотаниш терминларни ишлатиб, бир варақ қоғозга СВТнинг магазин ва затвор ўрнашган қисмини чизиб, тушунтира кетди. Айниқса бу кашф ҳарбий истеҳкомда қўлланилса, зўр фойда келтиришини алоҳида таъкидлади.

Йўлдош ўз режасини бошқа бир кишига айтишга ботинмади. Жангчилардан бири қулоғига чалиниб, сўраган эди:

— Шунчаки гап,— деган жавобни қайтарди. Аммо кун сайин режасини илмий асослашга уриниб, бўш вақтини ўшанга сарф қилар эди. Бир куни Элмурод:

— СВТни қачон истеҳкомга топширамиз?— деб тегишди.

Йўлдошга бу савол туғилмаган боланинг номини сўраётгандай оғир ботди. Дастрўмолини олиб терламаган манглайини артди. Ундан кейин бир жойи сал келишмай турганини айтиб, ташқарига чиқиб кетди.

Эртасига рота походга отланди. Бирор тугмаси узилса ёки кийими йиртилса, тикишга эҳтиёт қилиб, олиб юрилган фуражкадаги ип билан игнадан тортиб, жангчиларнинг кўрки ва айрилмас дўсти милтиққача — ҳаммаси жойжойига осилди, тақилди, солинди. Поход неча километрга эканини ҳеч ким билмас эди.

Улар шаҳардан анча ташқари чиқдилар. Рота йўлдан ўнгга қараб бурилди. Атроф сайҳон. Баҳор нафаси билан униб, гуркираб, ёзнинг ҳароратига тоб беролмай, танасидан нами қочган сап-сариқ кўкатлар кузнинг ёмғирида юз ювган, йилтирайди. Ерда тунов куни ёққан ёмғирнинг таъсири бор. Жангчиларнинг юришини оғирлаштирарди. Шунинг учун командир ҳам бир текисда юриш командасини бермади, уларнинг олдига тушиб ўзи йўл бошлади. Рота рўпарасида яланғоч кишидай гиёҳсиз, фақат кул ранг тошлари одам баданидаги сўгалдай бўртиб чиққан тарам-тарам тоғнинг этагида тўхтади. Жангчилар милтиқларини тўртта-тўрттадан козелга йиғиб, бир қатор тиздилар. Баъзилар ранецларини ечиб, баъзилар ечмай бошларига қўйиб, оёқларини харсанг ёки дўнгга қўйиб ётдилар.

Элмурод, Дубенко, Йўлдош бор озиқларини ранецдан олиб, ўртага ташладилар. Чоллар дастурхонидек ўрта бездилар. Унда Элмуроднинг шунча кундан бери аяб-аяб еб юрган қора кишмиши, Йўлдошнинг ёнғоқ мағизи, Дубенконинг лимонли конфети бор эди. Дубенкога кишмиш ёқди. Элмурод мағизга қўшиб еса яна ҳам ширин бўлишини айтди. У шундай қилиб, бир неча бор олгач, кулиб:

— Мана шундай кишмиш ўсган боғлар, жийдани сарғайтириб, апорни қизартирган, пахтани етилтириб, қовунни тўрлатган далалар хумор қилади-да, дўстим, икки йилгача. Бўлмаса «Ада, кел» деб хатга бармоқ изини туширадиган гўдак ўглимиз, «кечқурунлари зерикаман» дейдиган севган хотинимиз уйда қолибдими! Тоқмиз, тоқ. Тирноғимиз орасига бот-бот кирадиган кирдан бошқа

www.ziyouz.com kutubxonasi

оғирлиғимиз йўқ,— кулди Элмурод Дубенконинг кифтига қўлини ташлаб.

— Уйланмаганмисан?— деди Дубенко Йўлдошга.

— Йўқ. Ҳа, сен-чи?

— Уйланган ҳисоб. Тайёр. Бордик тўй. Шартимиз шундай. Мен борадиган йили у институтни тугатади. Нечага кирдинг?— сўради у.

— Ўн бешинчи йил,— Йўлдош шу вақтгача уйланмаганининг сабабини сўраб қоладими деб изоҳ беришга киришди.— Бизда ҳам ўқишни тугатиб уйланиш одат бўлиб қолди. Яна икки йилни бунга қўшиш керак.

— Яхшиликнинг кечи йўқ. Биз боргунча таниш қизларнинг кўпи якандай бир сидра ўрилиб, ўрнига янгиси етилиб туради. Ўшалардан биттасини «гаҳ» деб қўлга қўндиролмайсизми! Мана бу икки йилни улоққа боққан отдай силлиқ қилиб ўтказиб олайлик, тамом. Нима дединг сен, Дубенко?

— Албатта...

Шу маҳал қизиқчилиги билан анча тапилиб қолган, лекин мақтанчоқлиги, манманлиги туфайли кўплар ёқтирмайдиган енгил табиатли Мурзин келиб қолди. У ўзининг артистлик ҳам қилганини Элмурод биринчи марта қўл бериб кўришгандаёқ айтган эди. У гимнастёркада, бекамар. Обмоткасини қўлига думалоқ қилиб ўраб олган. У ўртадаги меваларни кўриб: «Бу музейга қачон кирдиларинг?» деди, бир оздан кейин ўтирганларга орқасини ўгирди, кўйлагини кўрсатиб қизиқчилик қилди:

— Бугун биз забт этган материкнинг аниқ харитаси!

Унинг кўйлагигача чиққан тер эгри-бугри ва оппоқ из солиб, қотиб қолган эди. Ҳақиқатан «соқов» харитага ўхшарди. Болалар кулишди. Элмурод Йўлдошнинг кифтига қараб, бу ҳолни кўрмади. Бу ҳолатдан фойдаланган Мурзин дарров тўқиди:

— Сенларнинг ўзларинг бетузсанлар, кўйлакларингга қаёқдан чиқсин?!

Отделение командири сержант Лобов Мурзиннинг походга чиқиш олдидан ва йўлда кўп сув ичганини айтди.

— Бундан фойда йўқ,— деди охирида.— Кўп сув ичиш походда кишини тез ҳолдан тойдиради.

Рота командири старший лейтенант Годин шу ергача бўлган юришга якун ясади. Юришнинг жанговар кунларда зўр аҳамияти борлигини, душман кўп вақтда қарши

кучни йўлдан тўзитиб юбориш, иложини топса қириб ташлашга ҳаракат қилишини айтди.

Рота йўлга тушди... Қуёш ғарбга оғиб, булутлар этагини қизартирмоқда. Баъзан қалин булутга кириб, йироқларни кеч кирганга ўхшаб қоронғилик босади. Елнинг салқини ҳам билина қолади, киши беихтиёр кўкка қарайди — қуёшни ахтаради. Дам ўтган сайин тоғлар чўққисини туман босиб, кўздан яширмоқда. Туманнинг бир тоғдан иккинчи тоққа судралиб ўтиши қуюқ тутуннинг айнан ўзи — кўзга очиқ ташланмоқда. Ана, анави тоғ этагида якка турган арчани туман босди, худди қалин қор ёққанга ўхшайди.

— Газы!— рота командирининг товуши янгради.

Ҳамма газ ниқобини кийиб, йўлда давом эта берди... Кимнингдир ниқоби хирилламоқда, аллакимники чийилламоқда. Дубенконики ҳар нафас олган сари «пиш-пиш» қиларди.

— Дубенко, газ ниқобинг ҳам кишмиш-кишмиш дейдими?— кулди Элмурод. Унинг товуши кўрпа остидан чиқаётгандек эшитиларди.

Қайтишнинг биринчи привалигача бўлган масофа Элмуродга жуда оғир ботди. Ранецга ортиқча нарса солиб қўйилгандай орқага тортади. Милтиқ ҳам одатдагидан оғирроқ кўринди. Баданида муздай тер пайдо бўлганини сезди. Тиззасининг кўзи кесак бўлиб қолибди.

Элмуродни ташвиш босди: «Етолмай, йиқилиб қолсам-а? Номус! Номус эр кишини ўлдиради-я!.. Ҳар бурчакда пичир-пичир гап бўлади: «У походда орқада қолибди!» Унда нима бўлади? Сўз суякдан, таёқ этдан ўтади. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Ёнимдаги кичкина жангчича ҳам йўқмаими?!»

Рота тоғларни қуюқ туман босиб, қуёш анави баланд чўққига энди ўтирганда етиб келди. Мурзин билан яна икки жангчи йўлда қолиб кетди, уларни олиб келишга бир сержант взвод командирининг буйруғи билан қолди.

Элмурод ботинкасини ечиб, оёги остига қаради — қизиқизил, «раҳминг келса, қўлингни тегизма» деяётгандай зирқиллайди. Товони тери қопланғандай без бўлиб қолган, фақат магзи огрийди. Панжалари орасида пуфакчалар пайдо бўлибди.

Эртасига Элмурод машғулотга чиқмади. Куни билан казармада бўлди. Уйига, Муҳаррамга хат ёзди. Муҳаррамга ёзган хатида бир оз ҳазил ҳам қилди: «Сиз жуда кўп

www.ziyouz.com kutubxonasi

хаёлимга келасиз. Мен ҳам Сизнинг хаёлингизга жилла бўлмаса ҳафтада бир марта тушармиканман. Ёки...»

Эртасига ҳам машғулотга чиқишга врач рухсат этмаганидан ротада дневальний қилиб қолдирдилар.

Йўлдош машғулотдан қувониб қайтди. Милтигини жойига қўйди-ю, ранец, газ ниқоб ва белкуракчасини йиғиштирмасданоқ, китоб мутолаа қилиб ўтирган Элмурод олдига келди.

— Беш! Беш!— деди.

Элмурод ҳеч нарса тушунмади.

— Мана, анави кун айтган чатоқ ерни мана бундай қилса менимча, тўғри келади.— Йўлдош қўлида тайёр тутиб турган ён дафтарчасини Элмуроднинг олдига қўйиб, ундаги формулани бир чеккадан уқтира бошлади.

Элмурод анчадан кейин гап СВТ ҳақида бораётганини пайқаб қолди.

— Яхши ният ярим мол. Бирор кўзли кишига дардингни айт, фикринг бўғоз бўлса, албатта туғади. Менингча, бўғоз — менинг ҳам кўзимга ташланиб турибди.

Дубенко уларга келиб қўшилди. Гап нима ҳақида кетаётганини фаҳмлаб, орага тушди.

— Сенга боя айтдим-ку, округга ёз деб, лозим топсалар ўзингни чақирадилар. Ортиқча камтарликнинг ҳожати йўқ. Ишлатилмаган трактор нинг уйилиб ётган темир-терсакдан нима фарқи бор?!

Эшикда Мурзин кўринди. Учраган жангчи билан саломлашар эди. У походдан тўғри санитария қисмига ётқизилган эди. Дубенко билан кўришди-да, Элмуродга қўл узата туриб, деди:

— Санчасти ҳам жуда зериктирадиган ер экан, у ёнбошдан бу ёнбошга ағдарила бериб, қовурғаларим бир-бирига мингашиб кетганга ўхшайди. Эрталаб туриб керишсам, қасир-қусур қилади. Яна курагим ҳам ёпишиб қолмасин деб, кеча куни билан ётмадим. Деворда осиғлиқ Кавказ харитасидаги шаҳарларнинг номларини санаб чиқдим.

— Нечта экан?— кулди Элмурод.

— Ҳа, нечта ҳам сановдим-а, эсимдан чиқди, ҳозир-ҳозир...

— Артистлигингда ҳам сўзларингни шунақа ёдлармидинг?— ярим ҳазил билан сўради Дубенко.

— Йўқ, бирпасда ёд қилиб олардим. Ошиқ ролини ўйнаганда-ку, атайин ёд ҳам қилмас эдим, ўзи калламга

кириб ўрнашаверарди. Истасанг, ўйнаган пьесаларимдан ошиқ монологларини ҳозир ҳам ўқиб беришим мумкин...

У аллақайси бир пьесадан монолог ўқиб кетди. Атрофдагилар унга қарашди, баъзилар кулди, биров орқадан луқма ташлади.

— Мурзин, бу «Поход» пьесасидан «Етиб боролмайман, олиб кетинг» монологими?

Ҳамма кулди. Мурзин монологини тугатиб, артистларча салом берди-да:

— Йўқ, «Тавба қилдим» монологи,— деди ва бошқаларга қўшилиб ўзи ҳам хандон ташлаб кулди.

— Ҳай, айтгандек, боя сенинг хатингни навбатчидан олган эдим.— Дубенко чўнтагидан иккита хат олиб столга ташлади.

Устидагисини Элмурод дарров таниди. Муҳаррамдан! Хатнинг иккинчиси бир ўртоғидан эди. Элмурод хатни ўқиётиб, сесканиб кетди. Ўртоғи ёзар эди: «...Кечаги дам олиш куни Рашиднинг тўйи бўлди. Сенларнинг институтингдан Муҳаррам деган қизни олди...» У ёғига кўзи ўтмади, қалби титради. Ранги ҳам ўзгарган бўлса керак, Дубенко: «Нима гап? Тинчликми?» деб сўради. «Тинчлик» деди-ю, Элмурод ҳанг-манг бўлиб қолди: «Йўғ-э, у эмасдир, институтда яна қандай Муҳаррам бор?» Хатни ўқишда давом этди. Бу фикрни аниқловчи бошқа жумла йўқ эди.

Муҳаррамнинг мактубини ўқиди. Ҳеч гап йўқ,— илгариги руҳ, илгариги самимият! «Бошқа Муҳаррам, эҳтимол, шу йил киргандардандир!» деб ўйлади. Аммо кўнгли осойиш топмади. Ўртоғини ҳазил қилди деса, унинг Муҳаррам билан хат алоқаси борлигини ҳеч кимга ёзмаган, бу ўртоғи ҳам билмас эди.

Элмурод хат ёзган ўртоғи орқали бу воқеани аниқлашга қарор қилди.

III

Қисм лагерга кўчди.

Лагерь шаҳардан ўн беш километр ташқарида, тор тагига жойланган. Шарқи-жанубий томон айдана кетган тог. Улар шунчалик яқинки, баландликдан сирғиб тушган сариқ харсанг парчалари, кунга тескари оралиқдаги ҳали эриб битмаган қорлар, харсанглар орасидан ёриб чиққан

www.ziyouz.com kutubxonasi

майда дарахтлар аниқ кўринади. Тогдан эриб тушган қор ва ирмоқлардан каттагина анҳор ҳосил бўлган. Шу анҳор лагерни тогдан ажратиб туради. Табиий чегара ҳосил қилади. Лагернинг ғарби-шимолий томони, ўқтин-ўқтин учраб қоладиган тепаликларни ҳисобга олмаганда, кўз илғамас яйлов. Бу яйловга ҳар йили Тбилиси гарнизонининг ҳарбий қисмлари кўчиб чиқади. Улар бир-бирларига жуда ҳам яқин ўрнашмасалар ҳам, сигналлари эшитилиб, бориш-келиш қилишади.

Биринчи рота, эски жангчиларнинг айтишича, ўтган йилги ўрнига жойлашган. Бу ернинг тоққа қараган томонига тут дарахтлари қатор ўтқазилган, худди шундай тутлар билан бўлинмалар бир-биридан чегараланади.

Бир ҳафта жойлашиш билан ўтди...

Элмурод палаткага кирди. Палатка шам ёруғида эртакларда учрайдиган гўзаллик ва файз кашф этган. Милтиқлар пайвасининг қирраси, ерга ётқизилган қум шамда йилтиллар, сўри устига ёзилган ўриннинг бош томонидаги уни тепага чўзиқайтириб қўйилган ёстиқлар, токчадаги котелоклар, тахтадан ясалган рапча устига тизилган ботинка мойи ва чўтка — бу кичик, нуқул эркаклардан иборат оиланинг аҳил, озода ҳаётидан хабар берарди.

Палаткада Дубенко нимадир ўқиб ўтирарди.

— Мумкинми?— сўради эшикдан кимдир.

Иккала ўртоқ товушни таниб, дик этиб ўрнидан турди-да, гимнастёркасини текислади. Эшикда рота командири старший лейтенант Годин кўринди.

— Салом! Йигитлар қани? Ўтиринглар!

— Ташқарида юришибди, чақирайми?— жавоб қайтарди Элмурод.

Старший лейтенант чақириш керакмаслигини айтиб, улар ёнига ўтирди. Уларнинг ҳол-аҳволлари, хат алоқалари, овқат, дам олишлари ҳақида сўраб бўлгач, ишга кўчди:

— Эртага станокли пулемётдан отамиз-а? Эсларингдами? Отиш қоидаларини кўздан кечириб қўйдингларми?

— Бўлмаса-чи, ўртоқ старший лейтенант,— жавоб берди иккаласи бараварига.

— Эртага округ штабидан генерал келиши кутилади. Эҳтимол отишга иштирок этар. Ҳеч чўчимаслик керак, жуда олтин одам, солдатларни ўғлидан яхши кўради. Ўтган йил чиққанида жангчилар билан ашула айтиша бериб чартатган.

Отделение аъзолари старший лейтенант борлигини пайқаб, ундан рухсат сўраб, бирин-кетин кириб келишди. Суҳбат яна жангчиларнинг шахсий ҳаётига кўчди. Старший лейтенант генералдан чўчимасликни яна бир марта таъкидлаб, палатадан чиқди. Жангчилар шу ҳақда анча тортишгач, кечки йўқламага дув кўтарилдилар.

Тонг бўзариб ёришди. Ёлғон тонгда адашиб йўлга чиққан булутлар таралди. Кўк тиниқлашди. Элмурод кечаси отбойдан кейин анча вақт ухлолмаган эди, хаёлидан генерал кетмади.

Бўлинма машқ жойи — стрельбишега келиб пулемётларнинг қанчалик нишонга тўғри келишини синаб боққанда, уч машина полк штабига ўтиб кетди. Сал ўтмай «Генерал келибди, палаткаларни айланиб юрган эмиш», деган гап тарқалди.

Старший лейтенант Годин бугунги отиш қоидаларини билмаган кишини пулемётга яқинлаштирмаяжагини айтиб, бир чеккадан машқни ижро этишга жангчиларни чақира бошлади. Қолган взвод ва отделениелар отиш чизиғидан нарида, ёлғондакам ўқ билан пулемётда машқ қилиб турдилар. Атрофда янграётган кичик командирларнинг товушлари бир-бирларини босиб кетарди:

— Юриб бораётган машинага ўн икки ўқда, қисқа очередь билан, огонь!

— Разряжай!

— Навбатдаги жангчилар, пулемётга!

— Жой алмашинг!

Отиш чизиғидан рота командирининг товуши эшитилди:

— Навбатдаги отделение, менинг ҳузуримга!

Сержант Лобов отделениесини бошлаб бориб, жангчиларнинг мазкур машқ юзасидан отишга тайёр эканини доклад қилди. Командир отиш қоидасини бир-бир сўраб чиқди. Бир чеккадан пулемётга чақирди. Биринчи бўлиб Дубенко ва Элмуроднинг юраги орқасига тортиб кетди, баданида майин титроқ турганини пайқади. Аранг ўзини босиб, пулемётга ётди.

Элмурод ўзи кутганидан ҳам яхши кўрсаткич берди. Ўн иккита патроннинг ўн биттасини уч қисқа очередда нишонга жойлади. Командир телефонда эшитган хабарига ишонмагандай бўлди, нишонни олдириб кўрди. Қарғанинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўздай-кўздай ўн бир тешик седанадай сочилиб ётар эди. Нишон янги, ҳали бошқа одам отмаган экан, бу жуда камдан-кам учрайдиган аъло отиш эди. Элмуроднинг ўзи ҳам ишонмади. Қалби то командирнинг ўзи санаб, «Тўғри!» дегунча дук-дук уриб турди. Сўнгра Дубенко пулемётга ётди. Элмурод иккинчи номер бўлди. У Элмуродга:

— Сирини айт, қани, қанақа қилиб отдинг,— дер эди.

Дубенко нишонга саккиз ўқ жойлади. Бу ҳам ёмон эмас. Элмуроднинг ўн бир ўқ жойлагани барча бўлинмаларга баҳор елидек тезда ёйилиб кетди. Баъзилар ишонмай, машқ қилиб турган еридан келиб, қайтадан сўраб кетди. Танаффусда жангчилар ўзаро тортишдилар:

— Бўлмаган гап, жангчиларни қизиқтиришяпти,— деди Мурзин гайирлик қилаётгандек. Элмуроднинг бу муваффақияти унинг иззат-нафсига теккан эди. У ҳам анча тайёрлик кўрган, бугунги отишда бир иш кўрсатмоқчи, оғизга тушиб допг таратишни мўлжаллаган, лекин кўнглидагидай отолмаган эди.

— Кўзимиз олдида командирнинг ўзи санади.

— Командирнинг амакиваччасимидики, уникини оширади.

— Омад.

— Бўлмаган гап. Буғдой экқан буғдой, арпа экқан арпа олади. Яхши машқ қилган, эрталаб ҳамма махорка чекиб юрганда ҳам пулемётни палатка орқасига олиб, машқ қилиб юрувди.

— Кўзи қора, яхши кўради,— деди биров орқадан. Дув кулги кўтарилди.

— Демак, сен билан мен ҳечам тегиза олмас эканмизда,— деди кўк кўзли бир жангчи орқадан кулиб.

Мурзин қарасаки, кўпчилик унинг томонига ўтмайдиган, дарров йўлини қилди:

— Қани, кўзларингни менга кўрсатинглар, кимнинг нечта тегизишини айтиб бераман!— деб ўртага ёриб тушди у. Қизиқчилик қилиб ҳамманинг кўзини қараб чиқди.— Ҳаммангнинг ҳам мазанг йўқ. Кўзларингни бўя!

Қуёш тик кўтарилиб, дарахтларнинг сояси қисқарди. Иссиқдан майсаларнинг боши эгилди. Узоқ-узоқлар жимирлайди. Гоҳо учиб қолган чигирткаларнинг қаноти товланади. Машқ учун қазилган ерлардан буғ кўтарилади. Жангчилар май байрами олдидан олган панамаларини бостириброқ кийган, баъзилари ҳўллаб олган. Бот терлайдиган жангчиларнинг кўйлагига «Европа харитаси» чизилмоқда.

Отиш охирига яқинлашмоқда.

— Ўртоқ старший лейтенант, генерал келяпти!— деди биринчи бўлиб кўрган, энг четда машқ қилаётган отделение командири.

Рота командири жангчиларга кийимларини тузатишни, қуролларни яна қайта текислаб тартибга солиб қўйишни буюрди. Генералнинг етиб келишига ўттиз метрча қолганда югуриб бориб, бўлинманинг қилаётган машғулоти ҳақида рапорт берди. Генерал жангчилар билан саломлашди, машғулотни кўздан кечирди. Пулемёт тепасига бориб отаётганларни томоша қилди. Унинг ёнида полк командири, комиссари, яна бир қанча нотаниш командирлар бор эди. Генерал рота командирига қараб деди:

— Сизда мерганлар кўп эмиш. Бугун станокли пулемёт мергани ҳам чиқибди деб эшитдик.— Генерал комиссарга қаради, у тасдиқлагач, давом этди:— Ўша мерганни менга кўрсатинг-чи!— кулди генерал.

Бошқаларнинг юзида ҳам табассум пайдо бўлди.

— Бундайлардан бир эмас, бир нечта бор, ўртоқ генерал,— жавоб берди старший лейтенант Годин.

Старший лейтенант Годин Элмуродни чақирди. У чопганича келиб, устав бўйича унвон жиҳатидан юқори бўлган генералдан рухсат сўраб, старший лейтенантга мурожаат этди:

— Жангчи Нодиров чақирувингизга кўра келди!

У михлаб қўйгандек қотиб турар эди. Юракда ҳаяжон, фикри чувалашар: нимага керак бўлдим экан?

Генерал юқори унвонли кишилар суҳбатида бўлмаган оддий жангчиларни кўп кўрганидан, Элмуроднинг ҳолатини дарров пайқади:

— Чақирилишдан олдин ким бўлиб ишлагансиз?

— Студент, ўқитувчи, ўртоқ генерал!

— Қайси фандан дарс берар эдингиз?

— Адабиётдан, ўртоқ генерал!

— Лермонтов, Лев Толстойнинг солдат ва офицер бўлганини билсангиз керак. Пушкин яхши чавандоз, мерган бўлган дейдилар. Умуман ёзувчилар ҳарбий ҳаракатларни яхши кўрадилар, шундай эмасми?

— Шундай, ўртоқ генерал!

— Сизни ҳам яхши кўрасиз, деб эшитдим.

Элмурод жавоб бермади, ерга қаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Биз учун ҳам бир отиб берсин-а, подполковник,— деди генерал.

Подполковник — полк командири бош иргади. Элмурод индамади. Старший лейтенант ижро этишга рухсат сўраб, Элмурод билан пулемётга яқинлашди. Бу маҳал Элмурод ўзини анча тутиб олган, кеча старший лейтенантнинг: «Солдатларни жуда яхши кўради, ўтган йили жангчилар билан тоза ашула айтишиб, чарчатган» деган қулоғи остидан кетмас эди.

Элмурод бугунги машқни яна такрорлаш учун пулемётга ётар экан, генерал шошилмасликни таъкидлади:

— Бизни бу ерда йўқ деб фараз қилинг:

Элмурод пулемёт тепкисини уч марта босди-ю, «тр... р... р... тр...р...р, тр...р» деганини эшитди, холос. Лекин қандай қилиб пулемёт ёнидан турганини билмади. Даҳшатга учраган кишидек кўзини катта очиб, оғир-оғир нафас олди. Телефон ўрнашган ертўлага тикилиб турди. Рота командирининг овози ҳадеганда эшитилиб етмагач, муздай тер босди, кўз олди жимирланиб кетди.

Рота командири ертўладан бошини чиқариб: «Ўн иккита, ўртоқ генерал!» деди. Генерал ялт этиб Элмуродга қаради. Старший лейтенант нишонни тутиб турган жангчини келишга буюрган бўлса керак, у ўз ертўласидан чиқиб, нишон билан чопиб келарди. Генерал нишонни олиб кўздан кечирди. Ўқларнинг седанадай сочилиб тушгани уни жуда ҳам қувонтириб юборди.

— Нишон машинанинг бутун ери қолмабди-ку, ўртоқ жангчи! Илгари ҳам отиб юрармидингиз?

— Йўқ, ўртоқ генерал!

— Боягиси ўн биттамиди? Мана шу сўнггисини ҳисобга ёзинг,— кулиб давом этди генерал,— ҳисобга олиш дафтарингизнинг бир чеккасига «гувоҳ фалончилар» деб бизни тиркаб қўйинг. Бу кишини пулемёт батальонига ўтказиш керак.

Старший лейтенант гўё у ҳозир ўтиб кетаётгандай дабдурустдан деди:

— Милтиқдан ҳам яхши отади. Маълумоти олий, ўртоқ генерал!

— Ҳа, айтгандай, булар олий маълумотлилар-а? Ёдимдан чиқибди. Ундай бўлса СВТни автоматик отадиган қиламан деб уринаётган ҳам сиздадир? Яқинда унинг округга ёзган хатини менга кўрсатишди. Яхши уриниш.

— Менда, ўртоқ генерал!

Генерал Йўлдошни чақириб суҳбатлашди. Элмурод билан Йўлдош генерал ҳузуридан жўнашар экан, генералнинг: «Яхши йигитлар — армиянинг ҳусни! Кузга бориб, буларни кичик командир қилиб чиқарамиз-а, кейинги инструкцияни олдингизми?» деганини эшитишди.

Бўлинма саф билан тушликка қайтди.

Овқатдан сўнг полк кенг майдонга тизилди. Генерал қисқа нутқ сўзлаб, жангчиларни ҳарбий техникани тўлатўкис ўрганишга чақирди.

— Жангчи Нодиров!— Генерал Элмуродни ўз ҳузурига таклиф этди ва унинг фазилатларини айтиб, мақтади. Сўнгра полкка «Смирно!» командасини бериб, Элмуродга ташаккур эълон қилди ва ёнидан ўз соатини чиқариб тақдим этди. Бағрига босиб ўпди. Бу ҳаммаси Элмуродга тушдай туюларди, у ўз кўзларига ишонмас эди.

IV

— Кел, ўша Муҳаррамнинг бўлмаса, бошқаси-да, қиз оти қуриб котибдими! Қайрилмаганга қайишма. Қўли кумуш, оёғи тилламиди, мунча куявердинг. Юрагинг ўшанда қолган бўлса сўра, заказной билан юборсин, ўзимизга керак,— деди Суннат. Элмурод ҳадеганда ёриша бермагач, сўз оҳангини ўзгартирди.— Ўзинг ўйлаб кўр, сенга ваъда бермаган, «Кутмасам ажал ўқи ёш кўксимга тегсин» домаган бўлса, бир кеча кинога чиқибди-ю, икки-учта хат ёзибди. Хўш, шу билан сеники бўлди-қўйдими? Ахир дунёда ўртоқчилик, таниш-билишлик ҳам бор. Сенингча, ёлғиз муҳаббат бору, бошқа ҳеч нарса йўқ. Мана ўзи ёзиб турибдики, «Армияга кетаётган кунингиз кўнглингиз учун бир кинога чиқувдим. Хатни бўлса, мусофирчиликда яхши армак, «институтдошлигимизни ҳурмат қилиб ҳам ёзмади», деманг деб ака-сингилларча самимият билан канда қилмадим». Тағин нима десин? «Ўша куплар севган эдим, кейин айнадим. Қарасам, бу йигит сиздан яхшироқ экан» десинми? Ахир айтибди-ку: «Ўн йилликдан бу ёққа алоқамиз бор эди, вақти соати шу кунга келган экан, тўй бўлсин» деб. Ҳой, менга қара, сенингча йигити бор қиз биров билан гаплашмайдими, хат ёзишмайдими? Сенга дуч келган қизнинг шўри қурсин! Оғзига қулф, қўлига занжир, оёғига кишан солар экансан. Мана яна айтяптики: «Лозим топсангиз ака-сингиллардек хат алоқасида бўлаверамиз».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Раҳмат ўшанга, сенинг шундай хатингга чидабди. Жуда маданиятли, одобли қиз экан. Бошқаси бўлса, шу гапингга табиатингни намозшом қилиб юборарди. Сен ҳам кўрпага қараб оёқ узат-да, зўрликми!

Элмуродга шу сўнгги сўз оғир ботди. «Зўрликми!» Суннатга қаради, у жиддий эди. Кўнглидан ўтди: «Рост, нимаси менга алам қилади? Бўйнига марварид, оёгига амиркон туфли олиб бердиму, ваъда бериб, сўнгра айнадими!»

Суннат сўзида давом этар эди:

— Сал кулиб қараган қизга тапша ўзингизни ташлаб, «Ўлсам уволим бўйнингга» деяверасанми? Ошиқ-маъшуқлар ҳақидаги достонларни ўқийвериб, кўнгилни ҳам шакдай нозик қилиб олгансиз дейман. Ҳар нарсанинг маромн бор. Бундоқ суруштир, кўнглига қўл сол: дук-дук урадими, йўқми. Агар генерал шундай кўнглинг бўшлигини билсами, соатини қайтиб олади, у сени боевой деб ўйлаган. Ҳали нишона қилмаган мевани ҳисобга киритасанми? Аввал тарбия қил, гулласин, ундан кейин мевасига сават тўқисанг арзийди... Ҳой, менга қара, агар шунақа қилиб ўтираверсанг, ҳозир жўнаб қоламан. Мен сенинг ҳасратингни эшитгани келганим йўқ. Қани, бўл, рухсат ол, анави мен кеча танишган хонага кириб, озроқ-озроқ отамиз. Томоғим қақраб кетди. Мотам либосини еч, хунук кўриниб кетяпти!

Элмуроднинг юрагида «муҳаббат» билан «айрилиқ» иккиси курашарди. У, Суннат олдига қўйган хатларни йиғиштириб, чўнтагига солди. Тобут кетидан бораётган кишидек бошини эгиб, Суннатнинг орқасидан кетди. Йўлда сержант Лобовни учратиб, рухсат олди.

Кечки йўқламага ҳам етиб келиши эҳтимол эканини ётиғи билан айтди.

Суннат Элмуроднинг бир томда варрак учириб, бир кўчада ошиқ ўйнаб катта бўлган ўртоғи. У иккинчи йил Тбилисида, темирйўлчилар батальонида хизмат қиларди. Лагерга кўчгунча Элмурод у билан дам олиш кунлари жавоб олиб шаҳарга чиққанида кўришиб турарди. Улар яхши сирдош эди. Баъзан, севган қизларидан келган хатнинг қалбга бориб теккан жойларини бир-бирларига ўқиб берардилар.

Суннат иш билан дивизия штабига келган эди. Уларнинг бўлинмаси темир йўлга яқин жойда турар, далага кўчмас эди. Бугун ўртоғини кўргани, у билан Тошкент

ҳаётини эслаш ниятида эди. Элмуроднинг хат олиб, паришон тургани устидан чиқди. Элмурод дардини очиб солди, юрагини кимга айтиб бўшатишни билмай турган эди. Йўлдошнинг бундай гаплар билан иши йўқ. Дубенкога ёрилгиси келмади. Юрак дардини русчалаб тушунтиришни ҳам айтинг! Суннат бунга жуда мос. У ёшлигидан сирдош, севги можаросини бошидан кечирган ва ҳозир ҳам ўша қизи билан муҳаббат ипига боғлиқ эди.

— Муҳаббат икки ёқдан бўлмаса уч пул. Муҳаббат икки кўнгил орасига ёқилган чироқ,— деди Суннат ва дўстининг елкасига уриб давом этди:— Оббо, дўстим-эй, шунақа қилиб туғилмаган бузоққа охур солиб юрибман десин. Парво қилма. Омон-эсон Тошкент борайлик, бировнинг суқи тушмаганидан топиб бераман. Кўрибсанки, у ҳам шайдо, сен ҳам. Мени дуо қилаверасанлар.

Улар сув ёқалаб бориб пастликка тушдилар, ўнгга бурилдилар, бир оз юргач, тоғ бағрида бир нечта уйлар кўринди.

— Биз борадиган ҳув анави беригиси. Уй эгаси ажойиб танти хотин, айтганингни тайёр қилади. Кеча бирга юрган командирим билан роса тортишдик. Эрталаб турсам, бошим ўзимники эмас, бировникига ўхшайди. Қитдай қилдиму, сенинг олдингга жўнадим. Ҳали ҳам карахт бор.— Элмуродга ҳуҳлади у, бир оз юргач давом этди:— Бу ердан шаҳарга қайтишим билан младший лейтенантликка имтиҳонимиз бошланади. Ҳозир июнми, июль, йўқ, августда демобилизация ҳақида буйруқ чиқса керак. Хайр Кавказ, қаердасан Тошкент деб жўнаб қоламан. Эндиги йилга сен ҳам, сўнгра олдинма-кейин тўйни бошлаймиз. Насиб қилса ўзим бошлаб бераман. Унгача сен қиз танлайсан. Нима дединг-а?— Элмуроднинг кифтига урди.— Икки йил ҳам ўтиб кетди.

Улар эшикни тақиллатишган эди, ўрта бўйли ёшгина грузин хотин келиб очди. Салом бериб ичкари киришди. Хона ўртача жиҳозланган, аммо покиза эди. Хона ўртасига қўйилган стол атрофига ўтиришди. Суннат Элмуродни таништирди. Тўрт ёшлардаги қирра бурунли, қоп-қора кўзли, жингалак сочли бола келиб Суннатнинг тиззасига тармашди:

— Амаки, Ило тоғам қачон келади, айтиб юборасизми?

— Албатта, албатта,— деди Суннат ва Элмуродга изоҳ берди:— Бу хотиннинг укаси бизда хизмат қилади. Мен билан жуда иноқ, шу ернинг адресини менга ўша берган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кириб, албатта кўр, деган эди. Жуда одамохун оила экан, Кечадан бери меҳмон қилади. Ўртоқларинг бўлса, марҳамат, олиб кел, дейди. Эри вино заводида экспедитор экан, командировкага кетибди. Конидан чиқишимни қара, «Вино берай, олиб кет, укам билан бирга ичасан» деб ўтирибди.

— Олиб кет,— деди Элмурод.

— Қисмда ичиб қўйиб, бир бало бўлмайлик, деб юрагим чўчиб турибди.

Хотин пима овқат исташларини сўради. Суннат ҳозирча вино билан кечадан қолган балиқни беришни айтиб, овқатни ўз ихтиёрига ташлади. Хотин яна қистади. Суннат кулиб деди:

— Тошкентча палов десам қилолмайсиз, нонини билмайсиз, пима буюрай, келинг, кавказча кабоб қилиб қўя қолинг. Тезроқ пишади.

Хотин ўртага бандли кичик гулдор хумчада вино билан икки стакан олиб келиб қўйди, балиқни кесиб тозалади.

Суннат винони стаканларга қуйиб, ичишга таклиф этди. Ичишди. Яна қуйиб ўртага қўйди.

Иккала ўртоқ биттадан балиқ бўлагини олдиларига олиб закуска қилдилар. Элмуроднинг стаканида озроқ қолганини кўрган Суннат олдига қайтариб итарди:

— Оқ ур-да, бугун дам олиш куни-ку. Қўрқсанг устидан бир кафт чой чайнаб юбор, ҳиди келмайди. Ният учун кўтаргандан кейин оқ уриш керак, бўлмаса ният стакандагидай адоғига етмайди.

Элмурод қолганини ҳўплади. Руҳи енгиллашиб, сўзга кирди. Учинчи стаканни қуйиб қўйиб, гапга тушиб кетдилар. Гапирилмаган гап қолмади.

— Энди бизнинг келажак таъмин этилган,— деди Элмурод,— ўқиш бўлса тугади, ҳарбий бурч ҳам тугайди. Қани, кел, шу ҳаётимизнинг боқийлиги ва унинг яна ҳам гуллаб-яшнаши учун ичамиз!

Икки ўртоқ бир қўлига қадаҳ, иккинчи қўлига мезбон хотин янгигина олиб келган кабобдан олиб, энди винони ярмигача шимирган эди, полк трубачиси тревога чалиб қолди. Стаканлар ярим-яримлигича қолди. Ирғиб ўринларидан турдилар. Элмурод хайрлашувни ҳам ёддан чиқариб, қозиқдан панамасини олганича қисмга чопди. Полк территориясига етмасданоқ, бир жангчидан Германиянинг бизга қарши уруш бошлаганини эшитди. Умид косаси қўлидан тушиб, чил-чил сипган кишидек, турган ерида қотиб қолди. Баданига зирқироқ югурди, кўз ўнгини тумап қоп-

лади. Бир оздан сўнг ўзини тутиб «Номард!» деди-ю, тишини ғижирлатиб, қўлини мушт қилганича, дадил қадам ташлаб илгари кетди.

V

Урушнинг биринчи ҳафтасидаёқ биринчи ротани Боку пиёда аскарлар мактабига жўнатдилар.

Боку пиёда аскарлар мактаби шаҳарнинг бир четига ўрнашган бўлиб, унинг кунгай корпуслари казарма ва машғулот учун мослаб солинган, катта клуб, бой кутубхона ва турли лабораторияларга эга.

Элмурод ҳаётида яна янги, курсантлик ҳаёти бошланди. Янги ер, янги дўст-ёрлар, янги командирлар.

Взвод командири лейтенант Куземко шу мактабни ўтган йили аъло тугатгани учун мактабнинг ўзида қолдирилган эди. У баланд бўйли, кўкракдор, от чакакли, тез-тез ўйнаб турадиган катта-катта кўзли, 27—30 ёшлардаги соғлом йигит. Бирор нарсани тушунтирар экан, кўзлари катта очилиб, бир ерга тикилиб қолар, лаблари чўччайиб бурушиқ ҳосил қилар эди. У, биринчи куни взводни Ленин хонасига тўплаб, мактаб анъаналари, унинг қисмдан фарқи, мактаб раҳбарларининг унвон ва фамилиялари билан таништирди. Ўзини взводга тақдим этди. Курсантлар билан бир-бир танишиб чиқди. Ўша куниёқ ботинкани этикка алмаштирди, қизил аскарлик петлицаси ўрнига курсантлик петлицасини тиктирди. Панамаларни йиғиб, фуражка тарқатди. Курсантлар ичида то ҳаммани синагунча, вақтинча бўлса ҳам, отделение командирлари белгилади, ўзига ёрдамчи тайинлади.

Шу ондаёқ курсантлар ўртасида танишиш бошланди.

— Қанча ўқир эканмиз? Аввалгидай икки йилмикин?— Қизиқиб қолди Мурзин.

— Нима, биз ўгай ўғилми,— деди Дубенко,— айвонга чиқариб қўяди. Бу уруш бизга «мерос» бўлиб келяпти: умуман айтганда тарихдан норозиман, ҳар авлодга бир уруш тўғри келади. Ўтган урушда отам қатнашган бўлса, бунда мен қатнашадиганга ўхшайман. Эҳтимол, қайси бир бобом Наполеонни тириқтиргандир. Очиғини айтганда, аввалги урушда Англия билан Франция номардлик қилди. Ўша маҳалда германни енгдими, қўл-оёғини чандиб ташлаш керак эди. «Енгилди, тавба қилди, бу ёқда ғолиб чиққан биз бор-ку, нима қила олар эди» деб қўлида ўқлан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган тўппонча билан қўйиб юборишди. Мана сенга тавба! Франциянинг бошини еди, Англиянинг мажагини чиқаришга сал қолди. Мана бугун бизнинг устимизга от солди.

— Бу гал, ҳассасини бир йўқотган кўрлар, ўйлашиб муомала қилишса керак,— салмоқлади Пўлдош.

— Йўқ, бу гал ҳам ўшандай қилишсин!— Дубенко папирос тутатиб, яна гап бошлади.— Бу гал шундай қилиш керакки, бизнинг бола-чақаларимиз бундай «мерос»ни кўрмасин. Ким билади, ҳали биздан қайси биримиз тирик қоламиз. Бу касофат ҳазилакам қоплон эмас. Бизни кўп олиб бориб-олиб келади.

— Ҳали биз муддати ҳақида гапириб ўтирибмиз, зарур бўлиб қолса, битиришингга ўн кун қолганда, оддий солдат қилиб жангга солиб юбораверади. Эшикда ит ириллаб турганда, сени меҳмон қилиб тўрга чиқариб қўядими! Пайти келгунча машқни қилиб, учинчига компотни ичаверасан,— деди Элмурод.

Баъзи курсантлар командирларни тутиб, ўқиш муддати, қандай унвонли командир бўлиб чиқишини сўрар, улар ҳам ё кулиб қўя қолишар, ёки «ҳарбий сир» деб ўтиб кетишар эди. Чунки ҳали уларга аниқ кўрсатма келмаган, фақат, қисқартирилган программа билан машғулот ўтказилиб, пишита берилсин, дейилган эди.

Элмуродга машғулотлар оғир туюлмади. Кўпи қисмда ўтганларни такрорлашдан, уни чуқурлатишдан иборат эди. Интизом қисмдагидан кучли, уставнинг моддаси эмас, ҳатто вергулигача назарда тутилар, ижроси қаттиқ қўллик билан талаб этилар эди. Бу баъзи бир курсантларга ёқмас, улар жириллар эдилар: «Бу формализм!»

Сал вақт ўтмай, эски курсантларни муддатидан аввал битиртириб юбордилар. Улар ўз хоҳиши билан мактабга кирган, келажак, истиқбол қуёшини шу ҳарбий хизматда кўришни орзу қилган, қариб ёки жанг майдонида ўлса, ҳарбий формада дафн этилишини умид этган ёшлар эди. Элмурод уларнинг биринчи куни машқдан келаётганини кўриб, «Буларга етишга бизга йўл бўлсин» деб қўйди. Ўзини шунча таълим олган бўлишига қарамай, улар олдида дадасининг кийим-бошини кийиб юрган боладай қўпол, уқувсиз сезарди. Улар кетгач, ўрнига энди сафарбар этилган кишилар келди. Булар шу ерга келиб форма кийдилар. Аммо бундайлар унчалик кўп эмас, бир-икки ротагина эди. Сал вақт ўтмай, Элмуродлар бўлинмаси кўзга ташланадиган, ановларга қараганда, бежирим кўриниб қолди.

Кечки сайрда ашула ҳам ҳавони тўлдириб жаранглаётгандай... Бир куни рота командири лейтенант Данильченко Эльмуродни, кутмаганда, идорага чақириб қолди. Элмурод «Бирор гуноҳ содир бўлган экану, пайқамаган эканманда» деб, шу бир ҳафта ичида қилган барча ишларини бир-бир хаёлидан ўтказди. Ёки кечаги дам олиш куни кўчага чиққанда қилган қитдай дорисини эшитганмикин! Мушук искаб тополмайдиган бир четда эди-ку.

Лейтенант Данильченко кўп маҳал ҳузурига интизом бузувчиларни чақирар эди. У товушини ортиқча баланд чиқариб койимас, салмоқлаб, киноялы сўзлар билан етмиш икки томирга игна тиққандан баттар жонини ҳалқумига келтирар, уларнинг беодоблиги уставнинг қайси моддасига тўғри келса, ўша ерни очиб, баланд товуш билан ўқишга буюрар, гуноҳкор ўз айбидан ўзи терга ботар, у бўлса, ерга қараб туриб: «Бу нима, Наполеон учун ёзилганми?!» дер эди. Гуноҳкор «энди гауптвахтага кетдим» деб турганида, бирдан дарсдан сўраб қолар, сал тутилса «Интизом бузадиган кучни мана бунга ишлатиш керак. Ажал эшик тақиллатганда тамба бўлади!» деб изза қилар эди. Сўнгра чиқиб кетишга ижозат этар ва қандай бурилиб, қадам ташлашини кузатиб турар, сал буздими, таққа тўхтатар, шуни ҳам уддалай олмагани учун яна тергай бошлар эди. Унга гуноҳ билан рўпара бўлган одам қаттиқ хижолат бўлар эди. Шундай бўлса ҳам, унинг собиқ курсантларидан тарбияси учун миннатдорлик билдириб жуда кўплаб хат келар, ҳатто баъзилари очиқ равишда: «Сизнинг тергашингизнинг фойдасини кечаги жангда ўз кўзим билан кўрдим» дер эди. Бир куни шундай хатлардан бирини саф олдида ўқиб берди. Ҳалигина «тергов»дан чиққан бир курсант, бўзариб ерга қаради.

Элмурод унинг олдига кирганда, у қандайдир китоб ўқиб ўтирар эди. Сал бошини кўтариб:

— Биз сизни отделение командирлигига тавсия этдик,— деди у Элмуродга қарамай, шу чоқ бошининг ярадан сўнг сийрак соч бўлиб қолгани кўзга ташланди. У сўзни чертиб гапирар, товушнинг зарбидан ориқ — ингичка юзининг чакка томирлари бўртиб чиқар эди. Унинг ҳаракати ва сўз товлашидан ичидан пишган, уддабурон экани дарров сезилди. Элмурод институтда психологиядан лекция тинглар экан, профессор Иванов: «Киши характерини белгиловчи омиллардан бири унинг нутқи» деган эди. Кўз юракнинг кўзгуси бўлса, нутқ бошдаги фикрнинг мезони.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Буни Элмурод яхши билар эди. Курсантлардан ҳам унинг характерига доир кўп парса эшитган эди. «Данильченко тутганини кесади, айтганини қилади».

— Армияда интеллигентлик кетмайди. Қаттиқ қўлроқ бўлинг. Биламан, сиз интеллигентларга бу жуда оғир. Пайти келди, ўрганиш керак,— деди яна Данильченко. Энг сўнг Элмуроднинг фикрини ҳам сўрамай ер остидан бир қаради-да, чиқиб кетиши мумкинлигини айтди.

Элмуродга рота командири ёқмади: қалампир, тили аччиқ, ҳар гапни писанда қилгандай бураб гапиради. Аразлаган кишига ўхшаб бетингга қарамайди. Бундоқ очилиб гапиравер, топшириғингни ўтамайман, сен ким бўлдинг, деяётган киши борми!

Элмурод отделениесининг қуролларини қўздан кечириб, баъзи курсантларга кўрсатма бериб чиқар экан, рота навбатчиси унга учта хат берди. Эшик очилиб, бирдан ичкарига урган шамолдан бир оз баҳри очилди. Хатларни қўздан кечирар экан, ўзига ўзи деди: «Шунча кундан бери тиқ этган хабар йўқ эди. Бирдан учта қалин хат келди. Булар ҳам уруш ғалваси билан бўлиб, энди ўзини тутиб олибди шекилли?»

Аввал Суннатникини очди. Унинг хати ўзидай шўх, ҳар жумладан ҳазил-мутойиба барқ уриб турар эди. У ўзининг қисми билан Украинада эканини, порох дуди димоғини ачитаётганини, авиобомбалардан ҳамма ер илматешик бўлганини гапириб келиб, улар қураётган кўприкка немис десант ташлаганини ҳикоя қилиб кетарди. Хат охирида: «Ўша кунги кабоб билан винога ачинаман» дебди.

Сўнгра Муҳаррамнинг хатини очди. Муҳаррамнинг хатида майин бир хўрсиниш, урушнинг таъсири тез ёйила бошлашидан ўксиш бор эди. Элмуроднинг таниш-билиш ва синфдошларидан кимлар ҳарбийга олинганини санабди. Сўнгра қисқача қилиб, эрининг бир ҳафта бурун эшелон билан аллақаёққа жўнатилганини қистириб ўтган. «Институтимизнинг янги биносини кўчиб келган олий ҳарбий мактабга бўшатиб бердилар. Исмини айтсам бўлмас, хат ножўя одамлар қўлига тушиши мумкин» дебди. Тез-тез хат ёзиб туришини ўтиниб сўрабди.

Уйдан келган хатда ҳам қуюқ дуойи салом. Меҳрибон она шому саҳар, дастурхон сўнггида, кетган бандаи мўмин қаторида соғ-саломат бўлишини, душманнинг тезроқ дф этилишини умид қилиб турганини ёзибди. Хат ора:

«Биз уруш бўлсин дебмизми, ўғлим, кўргилик, чидаймиз. Ҳар вақт бировга қасд қилган паст бўлган, иншоолло, бу ҳам ўзи қазиган чоҳга ўзи тушгай. Иншоолло, яхши кун, яхши соатда соғ-саломат дийдор кўришайлик», дебди.

Элмуроднинг қалбини бу хат эзиб юборди. Онасининг тоғдай юраги, қуёшдай иссиқ меҳри олдида ўзини ожиз сезгандай бўлди. «Кексалар қайғусини юрагида, ёшлар тилида тутади» деди-ю, ирғиб ўрнидан туриб, ҳовлига чиқиб кетди.

Ташқари кузнинг хўмрайган осмони остида маъюс эди. Ҳалигина ёмғир томчилаб ўтган бўлса керак, корпус олдидаги дарахтлар баргида томчилар шудрингдай йилтиллайди, ҳўл асфальт йўлка ёнидаги дарахтларни ўзида акс эттиради. Ёмғир томчилари билан ювилган ҳавонинг покиза еллари баданни чимчилаб ўтади, гоҳ сескантиради.

Элмурод нима қилишини билмай деворга суяниб, хаёл суриб қолди.

Йўлдош орқадан аста келиб, Элмуроднинг кўзини икки қўли билан бекитди.

— Йўлдош!— деди Элмурод.

— Қаёқдан билдингиз?

— Бу ердаги танишларим ичида сизникидан кафти кичик киши йўқ. Дубенконики маълум, бармоқлари ўқловдай. Хўш, қандай янгиликлар бор?

— Бизга яна икки ой қўшиб қўйишибди, миномётчи бўлар эканмиз. Сизлар-чи?

— Бизники аввалгича — олти ой. Кеча машиначи келиб ҳаммамиздан ўлчов олиб кетди. Баъзилар: «Энди битиришимизга оз қолди, командирга соч қўйиш керак», деб, сартарошга истеъфо беришди. Кубиклар сотиб олишяпти. Буйруқ келиб қолса керак. Уйдан хат олдим. Сизга ҳам салом дейишибди, сингилларимиз бир-бирларини топишиб, жуда иноқлашиб кетишган эмиш.

Бир оз жимликдан кейин Йўлдош деди:

— Ҳали Дубенконн кўрдим. Хафа. Бомбардимонда отаси ўлибди. Жавоб беришса бир онамни кўриб келар эдим, деб комиссарнинг олдига кетаётган экан.

— Оғир бўлибди-ку. Уруш бу хилда кетаверса, аёлларнинг ҳам шинель кийиши турган гап.

Йўлдош миномётдан отишга боришмоқчи эканини айтиб, хайрлашди.

Элмуроднинг: «Шояд Йўлдош билан бир қисмга туш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сам, дардлашиб юрар эдик» деган умиди ҳам совун кўпигидай тез ўчди. Эҳтимол Дубенко билан бирга бўлар, у ҳам чакки йигит эмас, юраги тоза.

VI

Биринчи қор битирувчиларнинг йўлига пойдоз бўлди. Имтиҳонлар берилиб, округдан буйруқ кутиб ўтган кунлар жуда ҳам салмоқли туюлди. Курсантлар тушгача наридан-бери машғулот қилишар, сўнгра шаҳарга чиқиб, йўл ва мустақил ҳаёт учун керакли нарсалар — чамадон, одеколон, тароқ, устара, топилса портупея ёки эплик камар, кубиклар, командир петлицаси харид қиладилар. Кино-театрларга изгийдилар. Ширакайф бўлиб келувчилар ҳам йўқ эмас. Улардан бирини Данильченко «Хом сув ич огриги қилади» деб уч суткага қамади. Иккитасини комендатурадан олиб келдилар. Сал кунда уларни сўроқлаб келувчи қизлар ҳам дарвоза олдида кўрина бошлади. Ҳатто улар мазкур курсантнинг корпуси, батальон ва ротасигача билар эди. Бу лейтенант Данильченконинг ғазабини қайнатди шекилли, эрталаб туришдан сал бурун тревога эълон қилди. Ҳаммани ротанинг ўзида сафга тизиб, умум «тергов» бошлади. Бўйнида иллати борларнинг оёғи қалтиради, тили дудуқланди, «Бир қадам олдинга чиқинг!» дейишидаёқ тер босди, юраги дукдук урди.

— Тойга тўқим урсанг, эгар синади,— деди Данильченко одатича салмоқлаб ва ҳижжалаб, ҳаммага қараб:— Сизнинг битиришингизнинг ўзи ҳарбий сир. Сиз буни биринчи марта учраган сатангга айтасиз. У мактаб эшигига келиб, сизнинг рота ва взводингизни айтиб йўқлайди. Бу хоинликнинг боши. Хоин ҳарбий ҳаётда ортиқча без, уни кесиб ташлайдилар.

Данильченко асабий эди. Гарчанд кучаниб гапирмаса ҳам, ориқ юзидаги йўғон томирлари бўртиб чиқар, кўзи пирпирар эди. Уни ғазабдан тер босди. Чаккасига тушган майин сочини силаб, қулоғи орқасига ўтказди. Бир неча дақиқа индамай, ҳаммага қараб турди. Сўнгра, шу куни шаҳарга чиқишни тақиқлади. Иши жуда зарурлар учун рухсатномага ўзи қўл қўйди, тилхат олгандай огоҳлантириб чиқарди. Шу куни ўтиб кета туриб, Элмуродни идорага таклиф этди. Элмурод кириб, ротани яхши кўрсаткичлар билан тугатган Мурзин билан Махаловни кўрди. Бир оздан сўнг яна икки киши кирди. Данильченко янгигина фуражкасини олди, сийрак ва нимжон сочлари бошига ёпишиб ётарди. У ҳаммани бир-бир кўздан кечиргач, ҳар вақтдаги оҳанг билан дабдурустдан:

— Биз сизни мактабда командир бўлиб қолишга тавсия этганмиз. Эртага комиссия қайта имтиҳон олади,— деди. Махалов бир нарса демоқчи бўлган эди:— Мен сизга гапириш учун рухсат берганим йўқ!— деб оғзига урди. Лекин ўзи ҳам ҳеч нарса демай, чиқиб кетишлари мумкинлигини айтди.

Кечга яқин Элмурод қайта кириб мактабда қолишга хоҳиши йўқлигини изҳор этган эди, анча вақтгача эшитмаган кишидек бўлиб турди-да, сўнгра деди:

— Сиз қолмасангиз, у қолмаса, Наполеон келиб командирлик қиладими? Армияда ҳар ким ўз хоҳиши билан ишга тайинланмайди.

— Истовчилар бор-ку...

— Нима? Уларни олиб қолиб, Каспий қирғоғида шағал тердирамизми?

Элмуродга гапириш учун ўрин қолмаган эди. Эртасига лейтенант Куземко билан Данильченко келиб, уни лейтенант унвони ва взвод командири вазифаси билан табриклади.

— Кубиклар борми?— ҳазил қилди Данильченко.

Шу куни кечқурун старшина тикувчидан келтирилган кийим-бошларни тарқатди. Кийимлар кечаги курсантларга командирлик салобати берди. Чокига қўйиб тикилган қизил хошиялар формага ҳусн бўлиб тушган. Шинелни тикишга тикувчилар улгура олмагани учун оддий қизил аскарларникидан берилди. Баъзиларнинг кўнгли тўлмади. Агар яна уч кун шу ерда турса, командирча қилиб қайта тиктириш нияти борлигини ҳам изҳор қилдилар. Бири: «Парадга чиқасанми, фронтга бўлаверади-да!» деса, «Душманга қурол билан эмас, салобат билан ҳам таъсир этиш керак. Кўчадан ушлаб, йўлдан кийинтириб келибди, демасин фриц», деб жавоб берарди бошқаси.

Овқатдан кейин клубда буйруқни ўқиб эшиттирдилар.

Клуб эшигида Дубенко билан Элмурод учрашиб қолди. Бир-бирларини табрикладилар. Дубенко курсант бўлган рота ҳам битирган эди. У қандайдир бир қисмга та-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йинланган эди. Элмурод Дубенконинг қувонч билан ёниб турган йирик кўзларида ғурур ўқиди. Ҳаракатида ҳаяжон ва шўхлик бор эди.

— Хўш, биздан командир чиқар эканми?— кулди Элмурод, Тбилисидаги суҳбатни эслаб.

Дубенко дарров тушунди. Қалин лаби табассумдан ёйилиб, кўзлари чақнади.

— Сен кичик командир чиқармикан, деб шубҳаланган эдинг, лейтенант чиқар экан-ку. Кифтингга қара, тог кўтартудай. Форма ярашибди,— унинг елкасига уриб қўйди Элмурод.

— Кичик командирлик қийин,— деди Дубенко.

— Бу гапинг тўғри. У ҳар вақт жангчи билан... Айтаман-ку совет кишиларининг тирноғидан кема ясаса бўлади, деб. Бир йил бурун биздан командир-лейтенант чиқади, деб ким ўйларди? Форма кийгизиб кўрсатсанг, суратга тушса бўлади, дердилар.

— Мен лейтенант бўлганим учун эмас, Ватанимнинг оғир кунларида йиртиғига ямоқ бўлганим учун хурсандман.

— Мана бу сара гап. Кишининг қадри амали ва унвони билан эмас, Ватанига, халқига қилган хизмати билан ўлчанади. Яшашнинг том маъноси шу!— деди Элмурод дадил ва шижоат билан.

Икки ўртоқ бир-бирини маъқуллашиб кўл олишди.

VII

Бугун дам олиш куни бўлгани учун Элмурод бафуржа турди. Ётган ерида деразадан ташқарига қаради: ойнага гул битган, ҳеч нарса кўринмас эди. Нозик дидли рассомларни ҳам ҳайратда қолдирадиган ойнадаги нақш хаёлини банд этди. «Тошкентда ҳам шундай совуқмикан? Бизнинг қўш равоқли дераза ҳам музлаганмикан?»

Элмурод эринибгина ўрнидан қўзғалди-да, ўтириб, узоқ керишди. Танаси совуқдан увишди шекилли, бир сесканиб, қўлларини икки ёнига соллантириб, йигиб ёзди. Каравот четига ўтириб кийинди, коридорда қизаргунча ювинди, ҳўл сочиқ билан кўкрак, бўйин ва ягрипларини обдон ишқалаб, қонини бетга тептирди. Дам олиш кунлари киядиган гимнастёркасига ёқа тикиб кийди. Бундан икки ҳафта бурун командирлар составига хос формада

қайта тиктирган шинелини тизғасига қўйиб, тугмаларини тиш пороши билан йилтиллатди, фуражкасидаги иккита кичик мис тугмача ва юлдузни ҳам унутмади. Каравот оёғи томонидаги кирза этигини бир четга олиб қўйиб экан, ўзича «Бугун сен ҳам дам ол, икки ҳафтадан бери босим қум кечавериб чарчагандирсан» деди ва хром этигини кийди.

Элмуроднинг взводи ҳам батальон билан икки ҳафтали дала машқига чиққан эди. Бу гал мактабга қабул қилинганлар пуқул ҳарбийга янги чақирилганлар бўлгани учун мактаб атрофида қилинадиган машғулотлар билан қаноатланиб бўлмас эди. Элмуродларни битиргандан сўнг яхши муваффақияти учун муддатидан олдин «старший лейтенант» унвони берилган ва батальон ўқув бўлимининг бошлиғи вазифасига кўтарилган Данильченко, мактаб бошлиғига алоҳида рапорт ёзиб, батальонни икки ҳафталик машққа олиб чиқишни илтимос қилди. У ерда Данильченконинг ўзи батальон командири билан бирга қатъий жадвал асосида машғулот ўтказди, қайтар чоғида ҳар ротани алоҳида-алоҳида кўздан кечирди.

Элмурод ана шу машқдан кеча қайтган, шаҳарни анча соғиниб қолган эди. Шунинг учун ўзига зеб бериб киймоқчи бўлди. Квартирасини қулфлаш олдидан хром этигини, янги бўлишига қарамай, мойлади. Қўнжига солиб қўйган бир парча духобани олиб, ярқиратгунча артди.

У нонуштага қилгани мактаб дарвозаси қаршисидаги командирлар ошхонасига бурилар экан, уни бир қиз: «Ўртоқ лейтенант, сизни бир минутга мумкинми?» деб тўхтатди. Қиз унинг ротасидан бир курсантни сўради. Мумкин бўлса чақириб беришни илтимос қилди. Қиз кўринишдан озарбайжон бўлса керак, русча гапирар, гап-сўзларидан анчагина саводли эканлиги кўриниб турар эди.

Элмурод нонуштадан аввал чақириб беришни лозим топиб, мактаб дарвозаси томон бурилган эди, қиз уни тўхтатди. Иши жуда ҳам шошилинч эмас, нонуштадан кейин чақириб берса ҳам кечикмаслигини айтиб, йўлдан қолдиргани учун узр сўради.

Элмурод ошхонага кириб нонушта буюрди-ю, ўзини бир парсадан кечикиб қолаётгандай ҳис этди.

Қиз сўраган курсант, ҳақиқатда, Элмуродга қўшни, иккинчи взводда ўқир эди. Гарчанд у курсант билан алоқаси бўлмаса ҳам, уни бокулик экани бир маҳал қулоғига

www.ziyouz.com kutubxonasi

чалинган, далада машғулот ўтказар эканлар, у разведкага бориб «душман» томоннинг бир қўл пулемётини ўлжа қилиб келиб, Данильченконинг ташаккурига муяссар бўлган эди. Шунинг учун унинг фамилиясини Элмурод биларди.

Элмурод ошхонадан чиқиб, мактабга ўтиб бораркан, қиз уни илиқ табассум билан дарвозагача кузатиб қолди. У, Элмуродга боягидан ҳам ёқимли, кўркам кўриниб кетди, ширин табассуми кўнглининг нозик ерларига етиб бориб, мойдек сингди. Унинг оппоқ бетидаги қуюқ қора қоши, қорачиғи йирикдан келган ўйноқи кўзлари Элмуродга Муҳаррамни эслатди. Бироқ бунинг бўйи пастроқ, ўзи тиқмачоқдай эди. Кийинишидан нозик табиатлиги, баланд дидлилиги кўриниб турарди.

Одатда кўпчилик қизларнинг ҳусни танишиб, суҳбатлашиб, дўстлашиб кетганингдан кейин очилади. Бир вақт қарабсанки, у сенга ёқиб қолибди. Лекин Элмурод бу қизни кўриши билан юраги «шув» этиб, шу пайтгача бўлмаган қандайдир зирқирашга ўхшаш титроқ ичидан тўлқин уриб чиқди. Нафаси тиқилгандек бўлди. Шу пайт қизнинг юзига қаради, лекин боягидай тикилишга қурби етмади, кўзини олди. Унинг нимаси бунчалик мафтун этди? Дунёда гўзал қизлар камми? Бунга ўхшаш қизларнинг нечтасини кўрган, ҳамсуҳбати бўлган, лекин ҳеч бири бунчалик дарров кўзига ташланиб, ўзига жалб этмаганди. Демак, бу қизнинг нимасидир ҳеч кимда йўқ даражада жозибадор. Лекин нимаси? Буни Элмурод ҳозирча айтолмасди.

Қиз сўраган йигит казармада йўқ эди. Элмурод синчиклаб қаради, курсантларнинг бўш вақтини ўтказадиган Ленин хонасида ҳам кўринмади. Дуч келган бир курсантга уни топиб келишни буюрди-да, ўзи идорага бурилди. У йигит взвод командири лейтенант Махалов олдида уйига бориб келиши учун рухсат сўраб турар эди. Элмуродни кўриши билан қоматини ростлаб, салом берди. Лейтенант Махалов ниманидир баҳона қилиб, рухсат беришга тихирлик қиларди. У: «Едимдан кўтарилибди, атайин қилганим йўқ» деб изоҳ берар, огоҳлантирилгандан сўнг қўл пулемётини тозалаб қўйганини айтиб авф сўрар эди.

— Разведкадаги иши учун бир гапча жавоб бер, энди яна рўй берса, бундан кейин кўчага чиқиш йўқ,— деди Элмурод ўртага тушиб.

Махалов Элмуродга «шундайми» дегандай қаради ва деди:

— Лейтенант ўртага тушди, бўлмаса...

У йигит рухсатномани олиб идорадан чиқар экан, лейтенант Элмуродга ҳам ташаккур айтишни унутмади. Элмурод бир оз ул-бул нарсага айланишган бўлди-ю, ўзини ташқарига олди. Ҳалиги курсант — Абдураҳмоновни қўлида чўтка ва крем билан ҳовлидан қайтиб келаётганини кўрди. Уни бир чеккага имлаб, эшикда одам кутиб турганини айтди. Унинг ҳаракатида яна шошқалоқлик кўрина бошлади. Бир оздан сўнг ташқарига ўқдай отилди.

Элмурод уни қувонтирганидан фахрланди-ю, лекин ичида нимадир узилгандек бўлди, эрмагидан айрилган боладек зерикди. Қаёққа боришини билмай қолди. Рухсат сўраб, мурожаат этган икки курсантга жавоб берди. «Эҳтимол, уларни ҳам эшикда кимдан чақиртиришни билмай севган қизи кутиб тургандир. Эҳтимол, уйда энди ширин тили чиққан ўғли «Ҳозир дадам келади!» деб эшикка жовдираб талпинаётгандир. Эҳтимол, кекса онаси, бир қошиқ қондан балоғатга етказган онаси интизордир? Мен-ку, яқинларимни кўришдан маҳрумман, улар узоқда, нима учун мумкин бўлгач, буларга рухсат этмаслик керак?»— Элмуроднинг хаёлидан ўтди.

Элмуроднинг ёдига Йўлдош тушди. У, шу ҳафта битирган, СВТ ҳақидаги фикрлари ва қуроллар қисмининг икир-чикирларигача батафсил билиши мактаб қурол устахонаси бошлиғининг диққатини ўзига тортди. Имтиҳон пайтида шахсан унинг ўзи иштирок этиб, жуда ҳам қойил қолди. Мактаб бошлиғига рапорт ёзиб, уни устахонада қолдиришини илтимос қилди. Хуллас, устахонада олиб қолди.

Элмурод кириб борганда Йўлдош бинафша ранг комбинезонда қандайдир пулемётни қора мойга беланиб, қисмларга ажратар эди. Олдида немисча очиқ китоб. Улар кўришишди. Йўлдош қўли мой бўлгани учун билагини тутди.

— Янги форма қутлуг бўлсин. Пулемёт ҳам янги шекилли?— деди Элмурод.

— Ҳа, ҳаммаси янги. Ҳув бирда Боку тепасида пайдо бўлган, кейин уриб туширилган самолёт бор эди-ку, бу ўшанинг пулемёти,— деди Йўлдош пулемётнинг стволини олиб.— Билиб қўйсак зиён қилмас. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ. Бизни доим бу ерга боғлаб қўйибдими, тўғ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ри эмасми, нима дедингиз? Кеча ағайин қизил аскарлар уйига бориб, китобини олиб келдим.

Элмурод китобни олиб, очиқ турган суратга қаради.

— Бу станокка ўрнатилгани,— деди китобга қараб Йўлдош,— самолётда ўзига жойлар экан. Фарқи шу.

— Тилига тушуняпсизми?

— Институтда ўқиганимнинг фойдаси энди тегкандай. Шу чоққача ишлатишга тўғри келмаган эди. Яхшилаб билиб олмаганимга энди афсусланяпман.

— Коржомани ечсангиз,— деди Элмурод Йўлдошнинг комбинезонига имо қилиб,— бир шаҳар айланиб келсак дедим, киши зерикиб кетди-ку.

— Сиз — командир, бизнинг димоғдан ҳали курсантлик ҳавоси кетгани йўқ!

— Беҳазил. Қани бўлинг!

— Бугун чиқолмайман, китобни кечга топшириишим керак. Ҳали икки марта ҳам кўздан кечирганим йўқ.

Элмурод яна бир оз томоша қилиб ўтиргач, устахонадан чиқди.

Элмурод тушки овқатни еб, шаҳар жўнади. Марказий кўчалардан бирининг бошида трамвайдан тушиб, аста томошалаб кетди. Магазинлар бўш, витриналар қуруқ, баъзиларининг ойнаси синиб, ўрнига фанер қоқилган, эшик ромлари бу йил кузда ремонт қилинмаганидан бўёғининг ранги ўчган, бадбуруш. Девордаги оҳаклар шўралаб, парра-парра бўлиб кўчиб тушган.

Элмурод кино томонга жўнади. У ойнадаги кино кўргазмасини қизиқиб томоша қилар экан, рўпарадан Абдураҳмоновнинг бояги қиз билан ёнма-ён келаётганини кўрди. Ўзини кўрмаганга солди. Абдураҳмонов тўппа-тўғри келиб, унинг олдида тўхтади ва унга мурожаат этди:

— Кинога кирасизми, ўртоқ лейтенант?

— Ҳозирча бир фикрга келганим йўқ.

— Жуда яхши дейишади. Кирсангиз бизда ортиқча билет бор. Бемалол.

Элмурод уч қадамча нарида турган эрталабки қизга ер остидан қаради. «У нима деркан? Тағин йигити бўлса...»

— Ўртоқ лейтенант,— деб яна гап бошлади кулимсираб Абдураҳмонов,— кечирасиз, эрталаб чақириб берганингиз учун раҳмат айтиш ҳам эсимга келмабди. Маданиятдан сал...

Элмурод ҳечқиси йўқлигини айтар экан, кулгидан ўзини одоб билан тийиб турган қизга кўзи тушди. У кулгисини сездирмаслик учун бежирим сумкасидан четларига гажим тутилган рўмолчасини олиб, чиройли лабларининг бурчини артди. Кўзи унинг кулаётганини фош қилиб турарди. Элмурод яна бир марта:

— Айби йўқ, турмушда бўлади,— деб кишилар тўдасидан ажралишга ҳаракат қилиб, икки қадам олдинга юрди.

Абдураҳмонов унга эргашди. Қизи ёнига бориб тўхтади-да, икки қадам наридан ўтиб бораётган Элмуродга қараб, ярим уялиш, саросима билан деди:

— Кечирасиз, ўртоқ лейтенант, бир гуноҳимга афв сўраб, яна бир гуноҳ қилиб қўйибман. Синглимни таништириш ёдимдан чиқибди. Танишинг, бу киши менинг синглим Зебо бўлади.

Элмурод у билан танишар экан, қиз отини айтиб, қўл узатди.

Улар кино олдига боргач, Абдураҳмонов Элмуродни яна қистади. Зебо ҳам таклиф этди. Элмурод нима қилишини билмас эди. Икки гул ўртасида чақир тиканак бўлмасмикан?

— Келадиган одамингиз бўлса, бемалол. Бўш бўлсангиз марҳамат, биз билан бўлинг,— деди Зебо очиқ юз билан.

Бу гап Элмуродни синаётгандай жаранглади. Элмурод энди йўқ деса кишиси бордай маъно чиқарди. Буни у фаҳмлади. Энди кинога киришдан бошқа иложи қолмаган эди.

Фойеда Абдураҳмонов ўртада юрди. Ҳар тўғрида гаплашишди. Ганга Зебо аралашиб турди. Зебо Элмуроднинг қаердан экани, ҳарбий хизматдан олдинги касби билан қизиқди. Унинг ҳали йўлда олган китобини кўриб: «Албатта, адабиётчи бўлсангиз керак?» деб тегишди.

— Ўзингиз ҳам ёзсангиз керак-а?— кулиб қўйди у.

Элмурод фақат ўқитувчи, адабиётни севувчи эканини айтди. Қиз ўзининг ҳам санъаткор бўлишга ихлоси бўлса ҳам, отасининг орзуси билан медицина институтига киргани айтди.

— Битирганмисиз?— Элмурод сўради-ю, ўзи нам тортди: бўйига қараб тўн бич-да!

Қиз аввалига «Битирганга ўхшайманми?!» дегандай қараб, сўнг жавоб берди.

— Уруш пайти, барвақтроқ битиртириб юборишларми деб ўйлагандим,— ўзини енгиллатди Элмурод.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қандай юрган бўлсалар, залда ҳам шундай ўтирдилар. Фильм жанговар ҳаётдан эди. Элмуроднинг хаёлини бир савол банд қилган эди: «Зебо Абдураҳмоновга ким?» Гап-сўзларидан севган қизига ўхшамайди. Синглиси деса қадди-қомат, юз тузилишлари ҳам ўхшамайди. Йигит новча ва хипча бўйли, қиз унинг акси — паст бўйли ва бўлиқ. Фақат кўзларининг милки ва қошларининг туташлиги сал ўхшашади. Товушларида ҳам яқинлик бордай, шу холос.

Улар кинодан чиққач, анча ергача жим бордилар. Гўё ҳамма гап тамом бўлгандай.

— Уруш пайтида уруш ҳақида томоша кўриш кишини ваҳимага солади. Бундай пайтда маиший, анавинақа кинолар бўлса,— деди бирдан Зебо, кино оғир юк бўлиб қадрдини босгандай хўрсиниш билан.

— Аксинча эмасми? Кўпроқ шунақани кўрсатса, халқ ўрнак олади,— деди Абдураҳмонов.

— Кишининг эти ўлади денг,— кулиб қўйди Элмурод,— анавинақа кинолар кишини нозик қилиб қўяди.

Зебо ўзининг «анавинақа» сўзини Элмурод ҳам ишлатганини кўриб, ялт этиб унга қаради. Элмурод ҳам «анавинақа» сўзини ишқ-муҳаббат маъносида тўғри тушунган эди. Кўзлар бирдан учрашди. Зебо бирдан қизариб кетди, ерга қаради.

Улар икки трамвай изи кесишадиган ерда хайрлашдилар. Абдураҳмонов Элмуродни уйига таклиф этди. Шу боғчанинг орқасида, яқин эканини қайта-қайта такрорлади.

Элмурод трамвайга тушса, юраги сиқиладигандай пиёда жўнади. Минг хил ўйлар билан ётоғига етиб келганини сезмади.

Пол ювилган, печка ёқилганидан хона иссиқ ва покиза эди. Элмурод шинелини ечди-ю, камарини сал бўшатиб, ёқа тугмасини чиқариб, оёғи остига газета ёзиб, каравотга чўзилди. Фикри бирор нарсани жамғариб олгунча бўлмай, кўзи уйқуга кетди.

Элмурод связной курсантининг эшик тақиллатишидан чўчиб уйғонди. У кириб Данильченко чақираётганини айтди. Элмурод қанча ухлаганини билмасди, хонанинг қоронғилигидан алламаҳал бўлиб қолгандир деб ўйлади. Шинелини кифтига ташлаб, йўл-йўлакай енгини кийганича мактабга чопди. Данильченко казармани айланиб юрган экан. У, Элмуроднинг саломига алик олар-олмас, деди:

— Деразаларни сиз учун Наполеон ниқоблайдими?

Элмурод «қайси деразаларни экан?» деб ажабланди. Ротадан тақсимотига тушган взвод территориясидаги икки дераза у курсантлик вақти — уруш бошидаёқ қалин қора қоғоз тутиб ниқобланган эди. Данильченко Элмуродни бошлаб бориб, ўша икки деразадан бирининг сал кўчган бир қарича ерини кўрсатди. Аммо ундан ташқарига ёруғ тушиши гумон эди. У рамга ёпишгандек турарди. Қаёқдан кўра қолди экан? Элмуроднинг: «шундан ҳам ташқарига ёруғ тушадими?» деган фикрини англагандай, Данильченко уни ўзи билан бирга юришга таклиф этди. Кўчага дарвоза орқали айланиб чиқди-да, худди ўша ерни кўрсатди. Элмурод у ердан ёруғ тушаётганини зўрға пайқади.

— Сўнгги пушаймондан олдинги эҳтиёт яхши. Бирортасининг қўли тегиб кетса, тамом, сув урган тўғон билан баравар. Элликта рапорт чекиб ташланган папирос гилзасича қадр топмайди... Ҳозир беркитинг.

— Хўп бўлади!

Элмуродга Данильченконинг гаплари аввалгидай қўпол ботмасди. Унинг гапи шахсий ғурур, амалпарастлик, менсимасликдан бутунлай узоқ, мактаб иши билан чамбарчас боғлиқ эканини Элмурод командир бўлгач, тўла англади. Ундаги хислат ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик экан. Тонгда, курсантлар туришидан аввал чиқсангиз ҳам, отбойдан сўнг ҳам у батальон роталаридан бирида юради. Кундузи-ку, ҳеч қаёққа қўзғамагандай, батальондаги курсантлар уни қай маҳалда ухлашини билмай, кўп вақт бир-бирларидан сўрайдилар. Ҳар бир командир ундан ҳайиқади, унинг салобатини сезади. У, ўз командирларини қадрлашни она бургутдай яхши билади.

Элмурод деразани ниқоблаб, батальоннинг ўқув бўлимига кириб, Данильченкога доклад қилди. Чиқиб кетишга рухсат сўраган эди, Данильченко ўтиришни таклиф этди. Бир оз ўтгач, деди:

— Нега ҳеч кимга қўшилмайсиз, одамовисиз? Командирлар ҳар дам олиш куни тўпланишиб ҳордиқ чиқаришади, улар ичида сиз йўқ. Клубда, танцада кам кўринасиз. Бир-икки марта шаҳарда ёлғиз юрганингизни кўрдим. Бу яхши эмас. Вақтида ўйнаб-кулиш, ҳордиқ чиқариш керак.

Элмурод «Ўйин-кулгини яхши кўрган одам ганиряпти» дегандай пичинг билан қараб турди. Данильченко нарсаларини йиғиштирди, ўрнидан тураётиб, яна бир марта «Яхши эмас» деб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани, кетдик,— деди у.

— Қаёққа, ўртоқ старший лейтенант?

— Меникига, сенга бир гапим бор. Ёки сеникига кирамизми? Ҳойнаҳой сеники бўйдоқчасига яланғоч, совуқ ҳам бўлса керак, меникига кириб қўя қоламиз.

— Йўқ, ўртоқ старший лейтенант, хонамиз иссиқ.

— Янаги галга кирамиз. Қани, юр?

Элмурод унинг бирдан «сен»га ўтишидан ажабланди. Уставнинг вергулигача ёд билган бу одам бировни ҳеч қачон сенсирамас эди. Бировни сенсираганини эшитса: «Уставда «сен» сўзи йўқ!» дерди.

Данильченко уйига кириши билан бутунлай бошқа кишига айланди. Камгаплиги ҳам йўқолди, қизиқчи ҳам бўлди-қўйди. Шинелини ечар-ечмас хотинига деди:

— Олиб келадиганингни олиб кел, биз ичкари хонада бўламиз.— У сийрак ва юмшоқ сочини ҳар вақтдагидек ҳадеб орқасига силар эди. Хотинига топшириқ бергач, буфетдан яримта ароқни олиб, Элмуродни ичкарига имо қилди.

Ичкари хона бежирим ва шинам эди. Данильченко ароқни тақ этиб столга қўяр экан, деди:

— Кўп шўх нарса-да. Одамни ҳам шўх қилади. Бироқ сал аччиқроқ, тўғримасми? Аччиғи ҳам дуруст, бўлмаса хотинлар ҳам ичавериб, эрини зериктирар эди. Тўғримми?— Овқат олиб кирган хотинига мурожаат этди.

Хотин вилка, пичоқ келтириб ўртага қўйди.

— Тошкентлик ўзбек деганим мана шу йигит,— деди Данильченко Элмуродни кўрсатиб,— қачон кўрсам ёлғиз ўзи юради. Взводида ўралишгани-ўралишган. Бошқалардай бирор куп кайф билан саломлашиб ўтганини билмайман. Бугун чақиртирсам ҳам уйида. Монах бўлиб қоладими деган хавфим бор.

— Соғинадиган кишиси бордир-да. Ўшанинг хаёли билан иккита бўлиб юрса керак,— деди хотин эрининг олдига рюмкаларни қўяр экан.

— Лекин бунисини билмайман. Сенда бир гапим бор демасам келмайдиган...— Рюмкаларга ароқ қуя бошлади Данильченко.— Қани, бир-икки рюмкадан ичайлик-чи, дардинг бўлса, кейин учирма қилиб қолар. Қани ол, умримиз ҳам шу рюмкадагидай бедор ва тиниқ бўлсин.

Элмурод жуда ноқулай аҳволда қолган эди. У қаршисида ўтирган кишининг Данильченко эканлигига мутлақо ишонмасди.

VIII

Ерда на қор, на нам бор. Каспий тўлқинлари билан ўйнашган изғирин бетингни ялайди. Қумларни чирпирак қилиб аллақаёқларга олиб кетади. Бу Бокунинг оддий қиши.

Элмурод казармага кирганда, рота энди нонуштадан чиқиб келмоқда эди. Курсантларни кўздан кечирди. Баъзиларининг ёқасини қайта тикишни, баъзиларига тугмаларини йилтиллатишни буюрди. Элмурод рота идорасида қизғин тортишув устидан чиқди.

— Шулар биланми, ҳечам урушга кирмасдим. Буларни атакага кўтариб бўладими. Окопда туриб «ура!» демаса, бошқа ишдан худо асрасин. Шармандa қилади кишини,— деди бўғилиб лейтенант Мурзин.

— Шармандa қиладиган бўлса, тарбиялаб, қилмайдитан қил. Сени нима учун командир тайинлаб, қўлингга топшириб қўйибди,— деди унинг кўзига тик қараб Махалов.

— Қанақа қилиб? Зоопаркдан шер харид қилиб, юрагини қовуриб бераманми? Ўзи ҳаракат қилмагандан кейин нима қиласан?

— Демоқчисанки, кўппак югургани билан този бўлмайди, шундайми?! Бекор айтибсан. Бундан саккиз ой аввал ўзинг ким эдинг?! Станокли пулемёт замонини йиғолмаганинг ёдингдан чиқдими?! Ўзинг нўноқсан, ношудсан. Ҳали қараб тургин, булардан қанақа ажойиб командирлар чиқади. Бошқа взводлардан сеникининг фарқи нима? Баравар, ҳаммаси бир дарахтнинг новдаси. Қаёққа эгсанг, ўша ёққа кетади. Бевақт турган бўлпдай бефойда гапларни кўп гапираверасану, ишингнинг самараси йўқ.— Дабдурустдан тўкиб солди лейтенант Махалов, кўзини унга қадаб. Қўлини уришга тайёрланаётгандай мушт қилиб олди. Дам ўтмай кўзига қон қуйилди.— Тузук курсант эдинг, ёмон командир чиқдинг. Сув бетидаги мойдай йилтиллайверасан.

Элмурод Махаловнинг ёнига ўтирди. Унинг юзида Махалов билан ҳамфикрлиги кўриниб турарди.

— Тўғри!— деди Элмурод стол устидаги «Красная звезда» газетасини кўздан кечирар экан.— Курсантларимизга нима қилибди: Берлингача борса бўлади!

— Шулар билан-а?— гапни бўлди Мурзин.

— Ҳа, хўш? Уларга нима қилибди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тинчлик вақти бўлса, уларни ҳарбий мактабга олмас эдилар,— деди бепарво Мурзин.

— Эҳтимол шундай бўларди. Лекин бу ёмон командир чиқади деган гап эмас. Наполеонни командири гауптвахтага қамаганда, орқасидан деган экан: «Шояд шунақаси йўқ бўлиб кетса!» Кейинчалик қанақа командир бўлганини билсанг керак. Суворовнинг отаси ҳам ўғлининг улуғ лашкарбоши эмас, оддий ҳарбий киши бўлишига ҳам ишонмаган. Ёлғиз бир дўсти: «Ўғлинг биздан кўра кўп иш кўрсатади» деган, бўлмаса, Суворовнинг отаси ҳам кичкина одаммас, генерал бўлган. Кишини билиш қийин. Магнит ҳам темирга яқинлаштирилганда маълум бўлади-да.

Гарчанд Мурзин Элмуроднинг гапи ҳақ эканига ишонса ҳам, тан бермади, «ҳа, шундай, сенники тўғри» дейишга иззат-нафси йўл қўймади. У шуҳратпараст, кишиларнинг ўзи ҳақида нима деб ўйлаши билан иши йўқ, фақат улар олдида йилтиллашни, билағон бўлиб кўринишни яхши кўради. Бу унга қўндоқда теккан касал. Ўзига тўқ хонадоннинг ёлғиз ўғли бўлган Мурзин отанинг тантиқ эркаси ва отанинг арзандаси эди. Уни пуф-пуфлаб, пайпаслаб, нима деса кўнглига қараб, нима истаса оғзига тутиб, бир сўз айтса, нотўғри бўлса ҳам «тўғри, тўғри, қандай ақллисан!» деб мақтадилар, талтайтирдилар. Бу —«Мен билағон эканман» деган фикр, улар ўйлаганча, кейинчалик йўқолмай, аксинча, илдиз отиб кетди, у ўзига зеб берадиган бўлиб қолди. Наридан-бери ўрта мактабни битирди-ю, «Пул топиш, маишат қилиш керак!» деган шиор билан ишлаб кетди. Минг эшикка бош суқиб чиқди. Биронта иш унга ёқмади, арзимаган қийинчилик олдида инграб, унча-мунча муваффақиятлари учун оғиз кўпиртириб юрди. У беқўним эди. Бирор ерда узоқ ишлолмас, «эскиб кетдим» деб ариза тутарди, ёки бўшатилишини сезиб, олдини оларди. Яна ота ҳисобига беш-ўн кун таралабедод қилар, бошқа иш қидирар эди. Бир куз отасининг қаттиқ сиқуви остида институтга кирди. Бир курсни тугатмай, ташлаб кетди. У ерда драм тўгарагига қатнашиб, артистликка ишқибоз бўлиб қолган эди. Унинг қадди-қомати, бўйи бастининг келишгани, айниқса турли рақсларни ширин табассум, чаққон ҳаракат билан ўташи, ялпоқ товуши бир оз талантдан дарак берарди. Гарчанд бўйи ўзига ярашса ҳам, саҳна учун сал пастлик қилар, бунинг учун

баъзан ичида ўксиб юрар эди. Озми-кўпми бу соҳада ҳам ишлади, аввалига бир оз омади келгандек, энди ўз ўрнини топгандек бўлди, лекин оз вақт ичида ўринсиз ҳазил ва мақтанчоқлиги учун кишиларни ўзидан бездириб, режиссёр билан гап-сўзга бориб қолди, «ўз билимдон»лигидан тили куйди. Шундай бўлса ҳам, ҳамон «ўз билимдон»лигини қўймас, ҳамон йилтиллаб, бошқалардан ажралиб туришга уринар эди. Мактабни битиришга яқин гимнастёрка билан галифе шим тикиш учун ўлчашга тикувчилар келганда уларнинг энка-тенкасини чиқарди. Не-не илтимос, не-не эслатишлар берди. Айниқса, галифенинг болдири оёққа жипс ёпишиб, икки ёнидаги қанотлари кенгроқ, бир оз салқиб турадиган бўлишини алоҳида таъкидлади, савлат билан папирос тутди. «Хўп-хўп!» деганича кулиб кетишди тикувчилар.

У чакки ўқимади. Мактабдаги драм тўгарагида, клуб ишларида актив қатнашди, комиссарга ёқиб қолди. Оммавий ишларда кўмаги тегишини кўзда тутиб комиссар уни мактабда олиб қолишга тавсия этди. У аввалига қараганда анча ўзгарган, аввалгидек бесўнақай ҳазиллар қилмас, бемаъни қизиқчилиги билан кишиларнинг гашига тегмас эди. Бу нарса уруш бошлангач пайдо бўлди, уни бошқа бир одамга алмаштириб қўйилганга ўхшарди...

Элмурод «бу урушнинг тазйиқи» деса, Маҳалов «Данильченконинг қаттиқ қўллиги — интизоми оқибати» дейди.

Гарчанд Мурзин бу суҳбатда икки ҳамкасабаси томонидан эзилган бўлса ҳам, зўр шамол букиб кетиб, яна ўнгланишга уринаётган ўтдек қаддини ростлаб ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлди-ю, тилига сўз келмасди. Бу орада казармада навбатчининг: «Рота, смирно!» деган товуши эшитилди. Учала командир ҳам баравар ташқарига отилдилар. Данильченко рапорт қабул қилмоқда эди.

— Қани, бўлинмани ҳовлига олиб чиқинглар, оёғини кўрайлик. Берлинда бўладиган парадда уялтирмайдими?— деди кулиб Данильченко.

Элмурод уни биринчи марта иш вақтида шундай кўриши эди. У Элмуродга қараб барчага эшиттириб деди:— Кеча театрда тартиб бузувчилар ҳам бўлибдими?

Жавоб олмай идорага кириб кетди. Кеча рота

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Фронт» пьесасини кўриш учун театрга борган, икки курсант шинель олиш пайтида бир киши билан гапга борган эди. «Бугун кечасидаги танни каллайи саҳарлаб қаёқдан эшита қолибди. Бу одам ер тагида илон қимирласа, билади», деб ўйлади Элмурод.

IX

Зебо ваъдалашган ерга келганда, Элмурод кутиб турарди.

Элмурод ўтган гал хайрлашаётиб: «Бир ерга таклиф этсам борасизми?» деб кулган, Зебо: «Қанақа жой экан ўзи?» деб қайта сўраганда:

«Қизил Армия уйига, танцага» деган, Зебо: «Қалай бўларкин, яхши танца тушолмайман-ку, яна сизни хижолатга қўймай?» деб бир оз эркалик қилган, кейин: «Қизарсангиз айб ўзингизда» дея розилик билдирган эди.

Элмурод Зебо қаршисига юриб унга қўл узатаркан:

— Мана шу кўйлагингиз жуда ярашади-да. Мен ҳам шуни билгандек бир дона атир гул ола келгандим, марҳамат!— деди ва унга баҳор кўркини ўзида яшнатиб турган бир дона қизил гул тақдим этди.

— Билгансиз-да.

— Ҳа, кўнглимдан ўтказган эдим.

— Шу кўйлагини киярди, дебми?

— Йўқ, шу кўйлагини кийса экан, деб.

— Киймаганимда нима қилардингиз, «Нега ўшани киймадинг?» дермидингиз?

— Ҳечам!

— Наҳотки?

— Рост. Қандай қилиб айтардим?

— Дидингизни билдим...

— Кечирасиз, Зебо, ган хонаси келди, айтдим, бўлмаса мен учун ҳар қандай кўйлакда ҳам гўзалсиз.

Улар ёнма-ён боришарди. Зебо гулни яна бир кўздан кечирди, «Шундайми?» дегандек кўзини сузиб қўйди, бурнига олиб бориб ҳидлади, яна нодир нарсадек кўзи олдида товлади:

— Яхши гул экан. Қўйинг, тақмай, бекорга нобуд бўлади, яхшиси сувга солиб қўяман, диркиллаб туради,— деб Зебо гулнинг бандига қоғоз ўради.— Қўлимнинг иссиғи уриб, қуриб қолмасин.

— Бевақт бўлса ҳам сизнинг кўксингизда қовжирагани яхши. Биласизми, чўлда очилган якка гул нима деб нола қилган экан: «Саҳрода гул бўлиб очилганимдан, чаманда ўт бўлиб унганим яхши эди».

— Яъни?

— Яъни, бу гулнинг хонангизда, сувда ёлғиз қолиб хунибийрон бўлганидан, бир кеч бўлса ҳам кўксингизда яшаганига нима етсин! Гулнинг ҳусни ҳам инсон билан!

— Майли, сиз учун тақаман. Аслида гул тақишни ёқтирмайман, нима учундир иқим севмайди.

— Бу сизнинг оғир йилларда эсингизни таниганингиздан.

— Эҳтимол, Еленанинг отаси ҳам шундай девди. Ҳа, айтганча, уни ҳам олиб ўтайлик. Ҳойнаҳой, Мурзин ҳам келар-ку!

— Келса керак, ўйин-кулгидан қолмайди, жони-ку! Лекин ўзи билан гаплашганим йўқ,— деди Элмурод ёқтирмагандай.

Аслида Еленанинг Мурзин билан танишишига ўзи сабаб бўлган эди: бир учрашувга Зебо дугонаси Елена билан келиб қолди. (Ҳеч ажралишнинг иложи бўлмаганмиш!) Бирга театрга кирдилар. У ерда Мурзин юрарди. Биринчи танаффусдан кейиноқ Мурзин Элмуродни бир четга чақириб, Еленанинг кимлигини суриштириб қолди, «Мен билан таништир» деб туриб олди. Зебодан суриштирса: «Мумкин, юрадиган йигити йўқ» деди. Ундан кейинги танаффусда иккисини таништирдилар. Бежирим кийинган, силлиқ йигит Мурзин Еленага ҳам ёқиб қолган эди. Учинчи танаффусда Мурзин унинг ёнида нимаанидир маъқуллаб, у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Томошадан кейин Мурзин ундан рухсат олиб, уйига кузатиб кетди. Эртасига Элмуродни ротада «ишлар жойида» деган маънони англатувчи табассум билан кутиб олди. Элмуроднинг «Куда хурсандсан-ку!» деганига, «Албатта! Заб иш бўлди-да, дўстим», деган жавобни берди.

— Елена ҳам гул тақишни ёқтирмайдими?— деди Элмурод пастаккина зинадан Зебонинг тирсагидан ушлаб чиқараркан.

— Аксинча,— деди Зебо кулиб,— у гул жинниси. Ёз бўйи гулга тўймагандек қиши билан суратига боқади. Турли-туман гул, чечакларнинг суратидан деворида бўш жой йўқ. Баъзан: «Буни қара, рост ҳиди бор-да?!» деб қўяди. «Сурат-ку!» десам, «Ҳа, суратидан ҳиди келмас

www.ziyouz.com kutubxonasi

эканми? У менинг наздимда тирик!» дейди. «Киши астойдил меҳру муҳаббат билан термилса, ҳиди ҳам анқиб димоққа урармиш, қалби, руҳи сезармиш. Рост, инон!» деб доим мени ишонтирарди. Шу тўғрими?

— Шундай туюлиши мумкин, бу унинг ихлосидан. Демак, Еленанинг табиати позик, диди баланд экан. Мурзин ҳақида ҳеч ёриладими? Кўришиб турадими? Мурзининг юрагига қўл солсам, кейинги вақтда нидо чиқмайди. Назаримда, бизлардан ҳам сир тутишмоқчи шекилли.

— Оғир ботадими деб ҳеч сўрашга тилим бормайди.

Шундай бўлса ҳам Еленанинг уйи йўл устида бўлганидан уникига бурилишди. Еленанинг ўзи йўлларини тўсиб чиқди.

— Биз сеникига келяпмиз,— деди Зебо уни бағрига босиб.

— Марҳамат, марҳамат!— деди Елена қувониб.

— Йўқ, кирмаймиз. Кийиниб чиқ!— деди Зебо, қаерга кетаётганларини айтди,— Мурзин ҳам бўлади.

— Демак, ҳечам бормас эканман!

Элмурод билан Зебо «ялт» этиб унинг кўзига қарашди. Уларнинг бу ҳайрона қарапи «Сабаб? Ўзи нима ган?» деган маънони ифодаларди. «Елена сабаби йўқ» дегандек писанд қилмай, Зебо кўксидаги гулни ўйнарди, охир у ган чалғитди:

— Яхши гул экан, қаёқдан олдинг?

Зебо жавоб ўрнида Элмуродга қаради.

— Тақса арзийдиган гул.

Зебо «Кўрдингизми, гулни Елена қанақа яхши билади. Сиз ҳам уни менга атаб олганингизда шунақа ноёб эканини билганмидингиз?» дегандек Элмуродга қараб қўйди. Лекин унинг юзида бошқа маънони: «У бормаса, қани ўзимиз кетдик» деган маънони уқди. Елена синашта дугонаси бўлганидан Зебо дангал сўраб қўя қолди:

— Ҳазилингни қўй, бўл. Тез кийиниб чиқ, кетдик. Ахир у сени севади.

— Ким? Мурзинми?— деди бирдан жонланиб Елена,— у ҳеч кимни севолмайди, ёлғиз ўзини севади.

— Атта...а...иг!— деди Зебо бўшашиб.

— Ҳа, аттанг! Лекин у билан орам узилгани учун эмас, у билан танишганим учун аттанг!

Еленанинг аламли очиқ гапи Элмуродга оғир ботди, ахир иккисини у таништирган эди-да!

— Айб бизда, Елена!— деди у.

— Йўқ, йўқ! Ўзимда. Сиз унинг юрагини қаёқдан билибсиз.

Елена улар билан қувноқ хайрлашиб, йўлига кетди. Элмурод қалбида Мурзиндан нафратланиб қўйди. Икки севишганнинг гапи қовушмади. Элмурод Еленани Мурзин билан таништирганидан хафа бўлса, Зебо уни ўзи билан бирга ўша куни олиб келганидан пушаймон. Уларнинг кўнгил ғашлиги Қизил Армия уйига келиб, бир-икки танца тушганларидан кейин ёзилиб кетди.

Мурзин бу кечага кечроқ, бир неча танца ўтгандан кейин келди. Ҳар вақтдагидек ўзига зеб бериб кийинган. Мактабни битираётганида тикдирган кўркам галифе шими эгнида, козероги кичик, қизил жиякли фуражка чаккада, унинг ёнидан бир тутам сочи патила бўлиб чиқиб турибди. Ширакайф. Кавказча қилтириқ мўйловини дам ўтмай бошмалдоғининг орасига олиб силаб қўяди. Танишларига назокат билан бош иргаб, зал тўрига ўтиб борди. Бир танца ўтгунча томоша қилиб, кузатиб турди. Кейин бир қизни мўлжалга олиб олдига борди-да, ўйинга таклиф этди. Уни доирага олиб кирди, керагидан ортиқроқ чирпирак қилиб ўйин тушди. Чиндан ҳам у яхши танца тушарди. Ора-сира жуфтининг қулоғига нимадир деб кулиб қўярди, одам йўқроқ жойга суриб бориб, ҳаммаиинг кўзи олдида маҳорат билан айлантириб кетарди, кишиларнинг диққатини ўзига тортарди. Лекин нима учундир қиз келаси гал Мурзин таклиф этганда розилик бермади, ҳатто юзида кезиб турган табассумни йиғиштириб, хомушгина жавоб қайтарди. Шундан кейин Мурзин бир четга ўтиб турди, савлат тўкиб папирос чекди. Тапаффус пайтида Элмуродлар олдига келиб, боя узоқдан бош иргаб кўришган бўлса ҳам қўл берди. Анча гаплашиб юрди. Ўйин бошлангач, Зебони танцага таклиф этди. Яна бир ўйинга таклиф этган эди, Элмуроднинг ёдига Еленадан эшитган гап тушди-ю, узиб олди:

— Елена қани?

— Бўлмади.

— Сенга ўзи одам иси ёқадими?

Мурзин сиртига юқтирмай «Сен билмайсан!» деди-ю, нарига юриб кетди. Бир оздан кейин музикачиларга бориб «Бариня» заказ қилди. Дастлаб якка ўзи ўртага тушиб, йўрғалаб кетди, йўл-йўлакай камарини бўшатиб, қўнжи, оёғи ости, сонларига уриб, чапак чалиб маҳорат билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўйнай бошлади. У жуда чаққон, эпчиллик билан ўйнарди. Салдан кейин боя ўйин тушган қизнинг олдига бориб, минг бир муқом билан ўртага таклиф этди, унинг атрофида парвона бўлиб, яна ўз санъатини кўрсатди. Кейин бир четга чиқиб терини артди, ҳаммани қойил қолдирганига амин бўлиб, «мана мен қанақаман» дегандек кулиб, Элмуроднинг олдига келди.

— Кетдикми?— деди.

— Йўқ, биз бир оз бўламиз.

— Мен кетдим.— У мағрур чиқиб кетди.

— Елена ундан ажралиб адашмаган. Қандай такаббур, манман!— деб қўйди орқасидан Зебо.

— Ҳуснига маст,— қўшимча қилди Элмурод.

Зебо «Сиз-чи? Сиз ўз ҳуснингизга мағрур эмасмисиз? Сиз шу кўчага кириб кетмайсизми? Кирманг, кирманг! Бу йўл хатарли, ҳозирги йўлингиз тўғри, яхши» дегандек эркаланиб табассум қилди...

Зебонинг шўх қараши, қувноқ кулгиси, Элмуродни ҳали маълум бўлмаган севинч тўла, бахт-саодат тўла бир оламга имлади. Бу янги оламнинг олтин дарвозаси ўша куни, Зебо Абдураҳмоновни чақириб беришни илтимос қилган куни очилганга ўхшайди. У тасодифнинг бу тотли дақиқаларидан бениҳоя миннатдор. Ўша кундан бошлаб унинг юрагида аллақандай янги, ёқимли ва жўшқин бир ҳис-туйғу пайдо бўлган. Шу ёқимли ҳис билан хушбахт. Энди унга тонгдан кун ботгунча курсантлар билан машғулот ўтказиш, ярим тунгача эртаги куп учун ҳозирлик кўриш, машқ қилиш аввалгидек оғир ботмайди, кеч ётса ҳам эрталаб енгил тортиб туради, Зебони эслаш билан кўнгли гул-гул очилиб кетади. Ундан шу кунларда биров: «Бахт борми ва у нима?» деб сўраса, сира ўйламай ва иккиланмай: «Ҳа, у бор, у — севги!» деб жавоб берарди ва Зебони тилга олиш билан исбот қилиб бергандек бўларди.

Элмурод Зебони кузатиб қўйиб, иссиқ бир бўса ҳарорати билан қайтиб келгач, узоқ вақт ухлолмади. Хаёлидан Зебо кетмади. Унинг бугун: «Тошкент гўзал шаҳарми? Сиз қанақа галстукни яхши кўрасиз? Мен ҳаво ранг, умуман одмисини ёқтираман. Тошкентдаги Комсомол кўлида моторли қайиқ борми? Бизни муддатидан олдин выпуск қилармишлар, бирга жанг қилсак-а?» деганлари, шўх, ёқимли табассумлари ва сўнгги бўса чоғи сира кўз олдидан кетмасди. Эртаги машғулотлари ёдига тушиб,

«ётиш керак!» деди-ю, ўрнига кирди, адёлни қулоғигача тортди. Лекин бирпасда нафаси қайтиб, хона димга ўхшаб кетди. Устини очиб ташлади. Бу билан ҳам бўлмади, ўрнидан туриб чироқ ёқди. Хонанинг у бошидан-бу бошига юрди. Бир оз эти жунжиди... Яна ўрнига кирди. Аллаималарни ўйлаб, ўзини чалғитмоқчи, шу йўсинда ухламоқчи бўлди. Ҳаммаси қизиқ темир устига сачратилган сув томчиларидек тезда беиз ғойиб бўларди, яна Зебо ўз салобати, кўркамлиги, назокати, латофати ва табассуми билан хаёлини чулғаб келарди, фикрини қамраб оларди... Шу ҳолатда мисдек қизиб, Элмурод узоқ ётди, чироқни ўчирмай, ухлаб қолди...

Худди Элмуроддек Зебо ҳам уйига қайтиб, ўз хатти-ҳаракатини, Элмурод билан қилган суҳбатини муҳокама қиларди. Юрагида чуввос уриб қуюндек кезиб юрган, қирғоқдан тошишга интилаётган ҳаяжонни аранг босиб, фикр юритарди. У нуқул бир нарсани такрорларди: «Ўшанақа бўлганда киши шунақа бўладими?» Лекин «ўшанақа бўлганда» ибораси-ни «киши севиб қолса...» ибораси билан алмаштиришга журъат этолмасди. Гўё шундай деса, кимдир: «Ҳали шунақами?! Қўлга тушдинг-ку, энди қалайсан?» деб таъна қилаётгандек бўларди. Унинг ҳаяжони, юрагидаги жўшқин ҳис керагидан ортиқ эди. «Чиндан унинг севган қизи йўқми? Мени севадими? Чинакам севадими ёки мусофирликнинг диққинафаслигидан ўзини менга яқин тутиб юрибдими? Ўзи яхши, ўқимишли, камтар йигит, менга ёқади, лекин мен унга ёқаманми? Эҳтимол, бошқа кишиси бордир?»— Зебонинг хаёли худди шу манзилга келганда, юраги тарс ёрилиб кетай деди, худди биров: «Шундай, энди топдинг, унинг ўз кишиси бор», деяётгандай ўтирган ўрнидан иргиб туриб кетди. Кўнгли бунга бовар қилмасди. «Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!» дерди, тасалли берарди. Яна ширин хаёллар чулғаб, учқур қанотларида аллақаёқларга олиб кетарди. Бу хаёлларнинг сўнгги йўқ... Бу хаёллар нурга кўмиб, гулга ўраб, кўркам чаманларда етаклаб юрарди. У шу дақиқада бутун оламни унутган, фақат Элмуроднинг хаёли билан банд эди. Ҳаёт ҳар қачонгидан кўра кўркам ва ёркин эди, дунёда айрилиқ, қайғу, алам, уруш, қон, изтироб, ўлим йўқ эди, фақат гўзаллик, бахт ва севги бор эди, холос! У зўр бериб: «Мени чиндан яхши кўрадими?» дерди. Шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб чиқишини астойдил истарди, орзу қиларди. Унинг шайдоси бўлиб қолганига шубҳаси йўқ эди. Нега илгари ҳеч кимни севмай яшаб юрганидан ажабланарди.

Зебо ҳар хил хаёллар гирдобида бўғилиб кетди. Ўрнидан туриб паридан-бери кийинди-да, ҳовлини айланиб келди. Юлдузлар чаманига термилди, ҳовли ўртасидаги ўзи экқан гуллар тепасида қараб турди, унинг этагидаги водопроводдан юзини ювди, ҳоврини босгандай бўлди. Лекин яна хонасига кириш билан нафаси қайтди. Ўзини чалғитиш ниятида радиони қўйди. Унинг бахтига Москва концерт берарди. Бу куй тугамасданоқ қўшни хонадан онаси:

— Ёт, қизим, алламаҳал бўлди, эртага эшитарсан,— деди.

— Хўп-хўп, онажон!— дея Зебо радиони пасайтирди. Тагида ўтириб қулоқ солди. Ашула гоҳ қулоғига кирарди, гоҳ маъшуқона хаёл фикрини ўгирлаб, чалғитиб кетарди...

У эрталаб енгил тортиб турди, шубҳалар энди эзмасди. Институтига етмасданоқ йўлдан Элмуродга телефон қилди. Трубкани олган мактаб навбатчисига аввалгидай тортиниб турмасдан ўз номини айтди ва шу бугун учрашувга соат тайинлади. Элмуродни таниган навбатчи: «Сал кечикса, яна кетиб қолманг» деб тегишди-да, хабар беришга ваъда қилди.

Зебо Элмуродни бир кечадаёқ жуда соғиниб қолган эди!

X

«Ҳайт» деган туяга мадор.

Зебо госпиталга ўз хоҳиши билан фельдшер бўлиб киргач, онасига ҳам иш топилиб қолди. Бир куни Зебо онасига маслаҳат солди:

— Бизнинг мудофаа фондига берадиган пулимиз йўқ. Тўғри, сиз касалвандсиз, лекин сизга лойиқ бир иш топдим. Ҳам ўзингизга эрмак, ҳам армияга нафи бор.

— Хўш-хўш?— деди кампир онаси.

— Тикув машинамиз бўлса бор, госпиталда ямоқ ишлари жуда кўп. Ямоққи, сиз ўйлагандай эскилар эмас. Ярадор бўлганда йиртилган, ўқ, осколка текканда тешилган солдатларнинг кийимлари.

Она рози бўлиб, ҳар ҳафта талай-талай шим, гимнастёркаларни қўлдан чиқарарди. Госпиталь комиссари Қизил Армия кунида ташаккур ҳам эълон қилди. У ўзида

йўқ шод. Ямоқ ишлари камайгач, ювилган кийимларга дазмол босишди, кучи етганча ювишди. Шу баҳона билан ўзини ҳам ўша ердаги докторларга боқтириб, анча дармонга кириб қолди.

Мана у ҳозир ҳам кеча келтирилган кийимларга ямоқ солиб, устидан дазмол урмоқда. Уйининг иссиғи ва дазмолнинг тафтидан қизариб кетган. Кексалик ва касаллик билан ажин босган пешонаси остидаги кўзлари чуқур ботган. Олдинги тишлари тушганидан лабининг икки бурчи ичига кириб, юзининг бурушиқлари билан туташиб кетган. Унинг ишидаги ҳозирги шижоат ва ихчам ҳаракатини кўрган киши бетидаги ажинларни диққат билан ишлаётганидан, дейди.

Зебо шошилиб эшикдан кирди.

— Элмурод келмадими?— сўради у.

— Йўқ, нима эди?— таажжубланди онаси.

— Келиши керак эди. Кечроқ бораман, деган эди. Бугун телефонда чақираман деб, чақирмади. Нимага дараги бўлмади экан, а?

— Уруш вақти, қизим!.. Гоҳо ўзинг ҳам кечки овқатга етиб келаман деб, тун яримга қоласан-ку.

Зебо паришон ҳолда пиджагини гардеробга қўйди. Унинг қулоғи орқасидаги майингина сочлари нам бўйнига елимланган гажакдек ёпишган эди. Ойнага қараб ўзини тузатди. Дуррачаси билан тўшига ёпишган кўйлагини сал кўтариб елпиди. Онаси унинг бутун ҳаракатини таъқиб қилиб турарди. Нимага ҳам таъқиб қилмасин? Сал кеч қолса чироқ ўчирмай кутиб ўтиради, неча марта кўчага чиқиб келади. Унинг Элмурод билан муносабатини бошлаб, шунчаки, танишлик бўлса керак, акасини кўриб юришга баҳона, деб ўйлади. Кечқурунлари учрашаётганини қиз албатта яширган эди. Ўғли мактабни битириб кетгач, «Элмурод билан энди учрашмаса керак» деб юрган эди. Бир куни қизи жуда хомуш қайтди. Овқатдан тотинган бўлди-ю, емади. Ортиқча гап ҳам гапирмади. «Тобинг қочдими?» деганига қудуқдан сув тортгандай мушкуллик билан «Йўқ, чарчадим!» деди. Кечаси ухлолмади. Унинг каравоти ғирч-ғирчидан онанинг уйқуси ўчиб кетди. Ўша маҳал не хаёлларга бормади! Ўзи ухлагандай бўлса ҳам, ундан кўзини узмади. Бир вақт Зебо босинқираб қолди:

«Элмурод, қайиғингизни беринг, мен ҳам тушай, шу ният билан мени қирғоққа олиб келдингизми?»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Онанинг барча ташвишли ўйлари совун кўпигидай ўчди. Воқеа равшан эди. Энди Элмуродни ўйлаб фикрга чўмди. Ўғлини кўргани борганида уни учратган, ҳатто бир гал унинг квартирасида ўғли учаласи анча ўтиришган, гаплашган эди. Бир йигитдай қадди-қомати ва юриш-туриши бор.

Эрталаб нонушта вақтида қизининг қўйнига қўл солди. Она бўлгандан кейин қизи юк кўтарса, унинг бели қайишади-да!

— Элмуродни кўриб турибсанми? Ҳали ҳам шу ердами? Бечорани аканг кетганидан кейин бир марта ҳам бориб кўрмадик. Айтади-да, ишлари борида келишаркан, деб.

— Кўрмайман,— деди Зебо ва кўнглидан Элмуроднинг кеча ваъда бериб, келмагани ўтди,— яхши йигит, хабар олиб турсак ёмон бўлмасди.

Зебо ўзидан парироққа итариб қўйган бўш стаканни хаёл билан яна олдига тортди.

— Бўш бўлса керак,— изоҳ берди онаси.

Зебо қизариб кетди. Онанинг фикри-зикри қизида бўлиб, бўшаган стаканга чой қуйишни ҳам унутди, қизини хижолат қилиб қўйганидан ўнгайсизланди. У энди очиқ гаплашишга қарор қилди:

— Зебо, азизим, қизимсан, сенинг шодлигинг менинг шодлигим. Сенинг бир кунлик чиқарган иситмант мени ўринга михлайди...— Қизига разм солиб, яна давом этди.— Элмурод билан яқинлигингни мендан яширмасанг, у ҳам ўз уйидай келиб кетаверса.

Зебо ўз муҳаббати ҳақида ҳеч ким билан маслаҳатлашишни, бировга фош қилишни истамасди. Бунинг боиси шу эдики, унинг пазарида, бу муҳаббат ҳеч кимникига ўхшамас, бинобарин, ҳеч ким уни тўла ва бутун тераплиги билан тасаввур этолмас эди. Қисман у ҳақли эди. Зотан, асрлар фожиаси ва қувонч бўлган муҳаббат жуда қадимий нарса бўлса ҳам, ҳар бир юракда мисли кўрилмаган ўзига хослик билан барқ уради. Зебо ана шуни бошидан кечирмоқда, умрида илк марта бошидан кечирмоқда эди. У Элмуродни астойдил севиб қолган эди. Зебо севиклисининг хаёли билангина яшашни истамас, унга севимли бўлиш ва севишгина кифоя эмас эди. У ўз севгилиси билан қирғоғигача лим-лим тўлиб чиққан муҳаббати ҳақида тўйиб-тўйиб суҳбатлашгиси, кенг тўшларига бошини қўйиб ҳасратлашгиси, ҳатто ўпгиси келарди. Ахир

у ўқиган китобларда муҳаббат шундай тасвирланган-да!

Мана шундай сирли юракни қандай қилиб бировга айтади. Юрак сири-ку бу!

Бунинг устига, Элмурод муҳаббати уни ташвишлантирмас, балки, қалбини қандайдир илиқ нур, жўшқин ҳаёт завқи билан тўлдирар эди. У севиб, севимли бўлгандан мамнун эди, бахтиёр эди. Энди у, шу кунгача ҳеч кимни севолмаганидан, тўғриси, севмаганидан ажабланарди. Севгисиз юрган дугоналари кўзига ғалати, ҳаётнинг энг зарур ва олижаноб нарсасидан маҳрум кишилардек бўлиб кўринарди. Уларнинг ҳаётида нуқсон деб фақат шуни биларди. Севгига мафтун бирон дугонасини кўрар экан, унга бахтиёр кишиларга боққандек суқланиб, ҳавас билан боқарди ва ўзининг ҳам ўшандай руҳ билан яшаётганидан янада қувониб кетарди. Ана шунда Элмурод яна ҳам кўркам, янада меҳрибон бўлиб кўз олдига келарди, шу чоқ қошида бўлмаса, хаёлида суратини чизиб, фикран суҳбатлашарди, қалбидан барқ уриб офтоб чиқарди, яшнаб кетарди.

Мана шундай сирли юракни қандай қилиб бировга очади, тилига чиқарса, тили куядиган кўринади, завқи камайиб қолаётганга ўхшайди, у ботинолмайди.

Шуларни бир-бир кўнглидан ўтказди-ю, Зебо яна қизариб кетди. Чакка сочларини тузатиш баҳонаси билан кўзини беркитди. Танасида муздай бир нарса югурди. Эрта баҳор ели ўйнаган баррадай қалбидаги титроқни босиб, аранг деди:

— Қанақа яқинлик?

— Қўй, қизим, яширма, дардни яширсанг иситмаси ошкора қилади. Ҳаммасини биламан.

Зебо бу гапни бир учрашганда Элмуродга айтди. У розилик бермади. Кинодан қайтишгач, Зебо Элмуроддан эшик очилгунча қараб туришини илтимос қилди. Она чиқди. Кўришди. Элмуродни қўймади, ичкарига олиб кирди. Олдига дастурхон ёзар экан:

— Сен катта ўғлим, Камол кичик ўғлим. Киши ўз уйига киргани ҳам тортинадими?— деди. Шу-шу Элмурод бемалол Зебоникига келадиган бўлди. Кўчада кутиб, кўп кўнгилсизликларга сабаб бўладиган ваъдаларни уйга кўчирди. У келади. Зебо кийинади, бирга чиқиб кетадилар. Қайтишда она қўлига топшириб кетади.

Зебо дазмолни онаси қўлидан олиб боса кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Секинроқ юрсанг бўлмайдими, қизим!— деди она қўли билан Зебонинг икки кураги ўртасига ёпишган кўйлагини кўчирар экан.— Келса биров қувиб юборармиди. Бирпас ўтирса, ўтирарди-да.

— Кун иссиқ, пиджаксиз кетай дейману, кечасига қолсам совуқ еймаи деб қўрқаман.

— Баҳор-да, қизим, бундан буён кун исийверади,— қизини оғир ҳолатдан чиқаришга тиришди она.— Соат нечаларда келаман деган эди?

— Ишқилиб, театрга борамиз, деган эди.

— Бўлмаса, келиб қолади. Сен ўзинг дазмолни тугатиб қўя қол, мен овқатга қарай.

— Кеча-бугун жуда кўп ярадор келди. Немислар жанубий фронтда яна ҳужумга кўчган эмиш.

— Ҳужумга кўчмай умри қисқа бўлсин,— деди она нафратланиб ва даҳлизга чиқди. Нимандир тарелкага уриб олди.

Зебо эшик тақилладими деб ҳовли томонга қаради. Атрофида аллакимнинг ўрни бўш тургандай кўринди.

Зебо дазмол остига ёзилган адёлни олиб тахлади. Дазмол шнурини суқиб қўйилган еридан чиқариб, бир чеккага йиғиштириб қўйди.

Хона жимжит. Катта осма соатнинг товуши тиниқ жаранглайди. Зебо этажеркадан китоб олиб мутолаа қилмоқчи бўлди-ю, лекин кўзи хат юзида яхмалак отиб, фикри ҳеч нарсани қабул қилмади. Китоб варағининг бошқа бетига ўтиб, эслаб боқса, ҳеч нарса ёдида қолмабди. У ташвишланди: пега бунчалик кечикди экан!

Эшик аста тақиллади. Зебо: «Ана келди!» деганини ўзи билмай қолди...

Элмурод кириб, кечирим сўради. Унинг орқасидан кирган Зебонинг онаси ўтиришга таклиф этди. У Зебога «кеч қолмаймизми?» деган маънода қаради.

— Терлаб кетибсиз, дам олинг,— деди Зебо.

— Ҳа, бир оз терладим. Кун ҳам иссиғу, курсантлар билан қўшимча дарс қилган эдим. Тутилиб қолишимнинг сабаби ҳам шу.

— Дам олиш куни-я?

— Ҳа, буларнинг кўпи кечагина ҳарбийга чақирилганлар. Шундай қилиб бормасанг программани ўзлаштириб бўлмайди.

Элмурод портупеясини текислар экан, бўриқиб кетганига изоҳ берди:

— Кун ҳам исиб кетди.

У гимнастёрканинг камар остига йиғилган буришларини орқасига йиғиштириб, кийимини тузатди.

Она даҳлизга чиқиб кетди. Элмурод уни синчиклаб кузатгач, деди:

— Театрга кеч қоламиз-ку, бўлмайсизми?

— Барибир кеч қолдик,— соатига қаради Зебо,— соат олти.

Шаҳарда ҳаракат кеч соат 10 гача бўлгани учун театрлар барвақт бошланар эди. Кўп спектакллар қисқартирилган, вақтга мосланган эди.

Элмурод ҳамон тикка турарди. Нима учундир ўтирса кеч қолаётгандай. Кўришни аҳд қилиб қўйганидан бўлса керак, театрга кеч қолганидан кўнгли ўксиди.

— Театрга кеч қолишда айб менда, агар кинога ҳам кечиксак айб сизда бўлади,— деди кулиб Элмурод, унинг қўлини устидан ушлаб, сиқиб қўйди.

— Ўтир, ўғлим, қаёққа борсанглар ҳам овқатланиб боринглар. Оч қорингга гап ёқмайди,— деди кириб она.

— Келиш олдидан овқатланган эдим.

— Ҳа, унинг йўлда тушиб қолди. Бизнинг овқатдан ҳам еб кўр, оғзингга ёқармикан. Ёқса айтасан, қилиб бераверaман.

Она столга овқат келтирди.

Улар овқатланиб, ташқарига чиққанда кун ботган, уфқ ним қизил, азим дарахтларнинг учи йилтиллар эди. Ўткинчиларнинг ҳаракатида кечга тараддуд кўринар, аёлларнинг тўр халтасида барглари чиқиб турган кўкатлар баҳор майсазорини эсга солар эди. Улар трамвайга тушмасдан, тўғри кесиб чиқишга қарор қилишди.

— Қанақа фильм экан?— сўради Зебо.

— Сиз яхши кўрган анавинақа фильм.

Зебо ўзининг термини «анавинақа»ни эшитгач, Элмуроднинг юзига кулиб қаради. Элмурод жавоб ўрнида қўлтиқлаб бораётган қўлини аста сиқиб қўйди. Кўзлар учрашди, юзларга табассум югурди. Демак, муҳаббатдан баҳс этади.

— Тошкентда ҳам анавинақа томошаларни кўп кўрармидингиз?

— Кўрардим.

— Ўшанда ҳам икки кишими?

— Ҳа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳар маҳал икки киши экансиз-да?

— Бир киши зерикади. Нима учундир анавинақа томошаларни, айниқса, икки киши бўлиб кўргинг келади.

— Ўша киши ҳали ҳам борми?

— Ҳа, бор.

Зебо елдирим тезлигида унга қаради.

— Хат ёзадими?

— Ёзади десаям бўлади.

Автомобиль улар орқасидан сигнал бериб қолди. Элмурод Зебонинг тирсагидан аста ушлаб, четга тортди. Машина ўтиб кетди.

— Кам ёзадими? Сиз кўпроқ ёзсангиз бўлмайдими?

— Бефойда. Ажралишганмиз. Тўғриси, мендан яхшироққа теккан.

— Сизни севмасмиди?

— Севмагандирки, эр қилиб кетибди-да.

— Севмаса пега юради?

— Унчалигини билмадим. Одамлар тақдир дейди, менимча, бунинг тақдирга алоқаси йўқ, ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратади.

Элмурод қоқилиб кетди.

— Тош ётган эканми?— сўради орқасига қараб Зебо.

— Севгидан тапирганим учун, севгидан бир марта қоқилганимни силлиқ йўл ҳам ёдимга солди.

У Зебога кулиб қаради. Кеч қоронғисида Зебонинг юз ҳолатини пайқамади, ёниб турган кўзини аниқ кўрди, холос...

— «Маскарад»,— кинога кира беришдаги афишани ўқиди Зебо.

Элмурод жойни кўрсатиб, Зебони ўтиришга таклиф этди. Улар иккинчи сигналга етиб келишган эди.

— Буни қаранг,— атрофига кўз югуртириб, деди Элмурод,— акангиз билан биринчи марта кирган кунимиз бор-ку, худди ўша ердамиз-а. Қани, менинг ўрнимга ким ўтирар экан.

Элмурод сўзини тугатмасданоқ, бир капитан унинг ўрнини ишғол қилди.

— Мана шу уч қатор ҳарбийлар учун,— деди Зебо ва қайилиб қолган барини тўғрилаб давом этди. —Шу маҳал Камол қаерда экан? Бир ойдан бери хат йўқ.

— Яхши йигит. Мен ундан жуда хурсандман.

— Нима учун?

Элмурод кулиб, деди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чунки мени сиз билан таништирган. Мен яхши кўрган киши узоқ умр суради.

— Демак, Камол ҳам?

— Ҳа, албатта.

— Айтганингиз келсин. Иккаланглар ҳам кўп умр кўринглар.

— Сиз-чи?

— Билмадим. Мен яхши кўрган кишининг танишлари узоқ яшайдими, йўқми?— Зебо эркалик қилди.

— Сиз ҳам узоқ яшайсиз. Юзга кирасиз.

— Шундайми?— Зебо Элмуроднинг кифтига мулойимгина қилиб бошини қўйди.— Ўшанда сиз ҳам бирга бўлармикансиз?

— Сизнингча-чи?— Элмуроднинг бадани қизиди, қалбида ҳаяжон қўзғалди.

Чироқ ўчди.

— Менга қолса, ундан ҳам кўпга киринг.

Зебонинг товушида эркаланишнинг юмшоқ оҳанглари товланар эди. Элмурод қўлининг учи билан астагина унинг юзига уриб қўйди...

Улар кинодан чиққанда кўчада одамлар сийраклашиб, трамвай сўнгги сафарга ўтмоқда эди. Тун қора. Юлдузлар чарақлайди. Назоратчи прожекторларнинг нурлари осмонда бир-бирларига мингашади, бир-бирларини қайчилайди. Бинолар деразасидан нур тушмайди, ҳаммаси ниқобланган. Трамвайнинг лампочкаси кўк. Боғчалар ҳурпайиб, жуссали бинолар ваҳимали кўринади. Кишилар папиросини кафтига олиб чекади. Патруллар ўз постларини эгаллаган.

— Эркаклар бераҳм бўлади,— гап бошлади Зебо.

— Кимга нисбатан?

— Умуман.

— Хато қиласиз. Бу фильмнинг таъсири. Тўғри, эркаклар душманга нисбатан аёллардан кўра бераҳм ва дадилроқ. Бўлмаса бунчалик урушиб бўлмас эди.

Улар қўлтиқлашиб келиб, Зеболар дарвозасига етганда ажралишди. Аммо Элмурод ҳамон Зебонинг иссиқ ва юмшоқ қўлини кафтида тутиб турарди. Кўзлар «энди хайрлашамиз-а?» дегандек бир-бирига термилишган. Шунда Зебо деди:

— Институтнинг пастки курслари шаҳар атрофида мудофаа қуришга ёрдамлашгани чиқиб кетган. Бизнинг курсни ҳам жўнайди деган гап бор.

— Кўп вақт бўласизларми? Соғинтириб қўйманг тағин?..

— Албатта соғинтираман,— эркаланди Зебо, гўё неча кунга кетиш ўз ихтиёрида бўлган кишилардек.

— Кетиш олдидан бир телефон қилинг-а!

— Ҳеч чақириб беришмайди. Гап сўрашгани-сўрашган: «Кими бўласиз? Соғиндингизми? Қаерда кутасиз? Соат нечага айтиб юборай? Исмингиз нима?» дейишади. Ўзингиз чақиринг. Сизни қаердан топиб бўлади, эртаю кеч далада, курсантлар билан бўласиз.

— Қўрқманг, сиз учун вақт топилади,— тегажоқлик қилди Элмурод.

— Шундайми?— деди Зебо бошини кўтариб, Элмуродга суқли табассум туҳфа қилганича. Элмурод: «Шундай» деди-ю, уни бағрига босди, чанқоқ лаблар жипслашди.

XI

Душман Нальчик остонасида. Шимолий Кавказ жанг майдонига айланган. Информбюро одатдагича: «Оғир жанглардан сўнг Н. шаҳри ташлаб чиқилди» ёки «Маҳаллий аҳамиятга эга жанглар бўлди» деб хабар беради. Боку осмони тинч. Каспий денгизида пароходлар қатнови баҳорга нисбатан кўпайди. Аллақаёқлардан уларнинг бортларида устига брезент ёпилган нарсалар келтирадилар. Баъзилар «Самолёт» деса, кимдир «Самолёт бўлса шуйдоқ ҳам учиб ўтар эди, танк, ўзиюрар замбараклар бўлса керак» дейди. Хуллас, ҳеч ким аниқ билмайди. Элмурод поход ёки дала машқига чиққанда кўриб юрадиган Болажар, Вольчи Воротадаги қиши билан турган запас қисмлар қаёққадир жўнаган.

Шаҳарда тез-тез машқ тревогалари бўлиб туради. Ҳар хонадонинг томида қум тўлатилган яшик, ёнида белкурак, чанғак ва қизилга бўялган челак бор. Ҳовлисида ёки эшигига яқин очиқроқ ерда эҳтиёт юзасидан оғзи тор, ичи кенг бошпана кавланган. Тунлари ҳар ҳовли эшигида ўша ерда яшовчилардан навбатчилар тайинланади — бегона кирмасин деб.

Элмурод взводини битиртириб, яна янги курсантлар қабул қилар экан, қотма, қирғий бурун, шалпанг қулоқ, от чакак, оёқлари гавдасига нисбатан бесўнақай катта бир жангчи келиб, унинг қаршисида тўхтади. Танишини уч-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ратган кишидек гапга лаб жуфтлади-ю, яна шарт орқасига бурилиб кетди. Бир оздан кейин қараса ўша курсант тўрт-беш кишини атрофига тўплаб нимадир айтиб кулдиряпти, ҳаммадан олдин ўзи овози борича қаҳ-қаҳ солади. Элмуродни кўриб, баъзи курсантлар сингари тортинмади, балки уни суҳбатга таклиф этди. Элмурод иши борлигини айтиб, ўтиб кетди. Кечқурун шу курсант яна олдига кириб келди. Бу гал тўғри гап бошлади.

— Менинг фамилиям Бондарь. Фронтда бўлганман, яраланганман, орденим ҳам бор. Мени ўзингизга связной қилиб олмайсизми, ўртоқ лейтенант? Ишларни дўндириб ташлардим-да.

Унинг очиқ сўзлари Элмуродга кор қилди. У ҳеч бунақасини учратмаган эди.

— Масалан, қандай ишларни?— деди кулиб Элмурод.

— Ҳар қанақасини! Ажални кишаплаб тур, десангиз ҳам уддалайман. Бу қўллар кўпни кўрган,— деди у бармоқлари ингичка ва узун қўлларини олдинга чўзиб.

Ана шунда Элмуроднинг кўзи унинг қўлидаги нина билан чекиб ишланган лангар суратига тушди. Бармоқларига ҳам ҳарфлар ёзилган эди. Унинг табиатидаги шалоқликка мана шу ёзувлар гувоҳлик бергандек бўлиб турарди. Лекин айни бир вақтда унинг нимасидир кишини ўзига тортарди. Элмурод «Ажойиб йигит!» деб кўнглидан ўтказган ва унга: «Қани ўқий боринг-чи, бир гап бўлар» деб жавоб берган бўлса ҳам, у шу кундан бошлаб ўзини Элмуродга авра-астардек яқин тута бошлади, ёнидан жилмай қолди. Мактабда тревога бўлиб қолса, ернинг остидан бўлса ҳам Элмуродни топиб келади. Буни сезган Дапильченко: «Связнойнинг ажойибини топибсиз,— деди бир куни унга,— тегирмонга тушса, бутун чиқади. Элмурод «нега бунча жонкуяр, чаққон» деб суриштирса, унинг ўз режаси бор экан. У келиши билан Элмуроднинг қанақалигини суриштирибди, айниқса, чекмаслигини эшитгач, «шу одати яхши экан» дебди. «Нега?» дейишса, «Ҳадемай фронт тушамиз. Чекмайдиганнинг ёнида бўлсанг, бир ташвишдан холи бўласан» дебди кулгига олиб. Шу куниёқ связной бўлиш тараддудига тушиб қолибди. «Бу режали ва тегирмондан бутун чиқадиган» связнойнинг қилиқлари унга эриш, баъзан ўзи ҳам кўзига хунук кўринарди. Лекин шу билан унинг нимасинидир иқи суйиб қолган, юраги ҳам тоғдай кўринарди. Ана шу связной куни кеча винтовкасининг шомполини тушириб қўйди. Элмуроднинг

қулоғига етгунча, ёнида яна битта запаси билан аллақаердан топиб келтирибди. Элмурод аччиқланди, қаттиқ сиқди.

— Ўзингникини топ. Буларни жой-жойига элтиб қўй.

— Мана бу ўзимники,— бирини кўрсатди у,— буниси ғарбий дарвозанинг нариги томонидан топиб олдим. Жойига қўй десангиз, элтиб ташлайман, лекин увол.

— Сен ўзингникини йўқотгансан, бу бировларники.

— Марҳамат, эгаси бўлса олсин, қаерда номери, ёки белгиси бор. Мен йўқотганим йўқ, бу шунчаки гап.

Элмурод ожиз қолди. Шомполнинг номери йўққи милтиғининг номерига солиштириб боқса! Бунинг устига, «мен шомпол йўқотдим» дегувчи ҳам йўқ.

Лейтенант Мурзин ҳамон курсантлардан порови. Ўтган галги курсант қабул қилишда «сенлар танлаб, пачоқлари менга қолган» деб баҳона қилган эди. Бу гал «умуман яхшилар ротага тушмади, дурустлар биринчи мобилизациядаёқ олиниб бўлган экан», деди. Унга ҳеч ким ёқмайди — ҳамма ношуд, ландавур, қобилиятсиз.

— Шунинг учун ҳам чекинаяпмиз,— дейди.

— Чекинаётганимиз рост, аммо айб солдатлардами ёки сенга ўхшаган ҳамма нарсани «билағон» командирлардами — бу номаълум,— жиғига тегади Махалов.

— Албатта солдатда!— бўйнига айб тушаётгандай дарров жавоб қайтарди у.

— Фронтга тушмагунча, буни билиш қийин,— Элмурод Мурзиннинг дилини оғритмай жавоб берди.

— Нимаси қийин?— дейди Мурзин.— Кўриниб турган нарса, шу ердаки камарнинг учи қайси томонда туришини билмайдими, тамом!

— Фронт бал-маскарад эмас, яланғоч бўлса ҳам ёв қувган қадрли. Душман савлатдан эмас, куч, юрак, фаҳмдан, эпчилликдан ҳуркади. Ажаб гапларни гапирасанда!— Махалов силтаб ташлади.

Мурзин шу оддий нарсага тушунмаган ҳамкасбларидан аччиқланади, бўйин томирларини ўқловдай қилиб бўгилади. Махалов унга сари газабланади. Битириб кетган курсантларнинг хатини, эшитганларини пеш қилади. Мурзин эса «Бу ҳаммаси мақтаниш, хатга ёзилиши лозим бўлган нарсалар» дейди.

Элмурод иккаласини келиштирмоқчи бўлса ҳам, Мурзиннинг ноҳақ даъволарини хаспўшлашни ёқтирмади,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарши чиқса, барибир, Мурзин хатосига иқрор бўлмайди, чўп ушлаб, таёқ деб ўқталади.

Мурзин бор билимини курсантга бермоқ истайди, аммо йўлида учраган қитдай тўсиқ ҳам унга тоғдай туюлади. У айтса-ю, курсант уқиб ола қолса, ўзининг ҳам шундай қийинчиликлар билан командир бўлганини унутади. Ҳатто «Мен шунақа бўлсам ўқимасдим» дейди. Махалов сал қизиққон демаса, мутолаали, муҳокамали, ўз ишига жонкуяр. Идорада терга ботиб, эртаги дарсга тайёрланади, курсантларни чақириб, танбеҳ беради. Баъзан ўзидан ёши катта курсантга тушунтириб қолса, у чиқиб кетгач орқасидан кулади: «Мендай ўғли бўлса керак».

Баъзан Элмуродникига кириб қолади: «Ёпилғинг борми, мотор ишдан чиқди»— у ичишни яхши кўради. Маош олинган ҳафта ҳар кеч кўчада — шаҳарда. Қандайдир ашулани хиргойи қилиб қайтади. Хонасига ўтиб кетар экан, Элмуроднинг эшигини бир қоқиши бор: «ДОТ — 58, ишлар қалай?» Улар ўз хоналарини ДОТ деб атар, квартира номерини қўшиб айтишади. Кимдир шуни расм қилган. Ўтган йили қишда бир ҳафта ёқилғисиз қолиб, хоналар совуқ бўлган экан, эҳтимол ўшанда қўйилган бўлса. Унинг бу уриб ўтишидан Зебо икки марта чўчиди. Ёқасининг туташган ерини аста кўтариб тўшига туфлади, «Нима ган?» дегандай Элмуродга қаради. У кулди ва изоҳ берди:

— Истеҳком қурган қиз ҳам шунақа қўрқадими?

— Қизларнинг юраги бўш бўлади,— деди Зебо.

— Ўша ДОТ ёки ДЗОТлардан бирига ўтқазиб, «Душман йўлини тўс» дейишса, нима қилардингиз?

— Ўтира берардим.

— Қўрқмасдан-а? Қайси юрак билан?

— Ўзимникига сизникини қўшиб.

— Меникини қаёқдан олардингиз. Мен бу ердаман-ку?

— Менимча, вужудингиз бу ерда бўлса ҳам, юрагингиз менда эди. Ё нотўғрими?

— Эҳтимол!— кулди Элмурод.

XII

Элмурод Кусаридан қайтиб мактабни танимади. Мактаб эмас, ҳарбий қисмга ўхшарди. Ўзи пиёдалар командири бўлса ҳам учувчилар пилоткасини кийган командирлар, политруклар пайдо бўлган. Уларнинг ҳаракатида ётсираш, шу маҳалгача мактаб саҳнида бўлмаган қўлтиқлашиб юришлар бор. Бир-бирлари билан кам саломлашадилар: кўриб, кўрмасликка солиб ўтишади. Баъзилари: «Фронтда юра бериб мамлакат ичкарисининг одати ёддан кўтарилибди» дейди. Улар ичида орден, медалликлар ҳам йўқ эмас. Ўзи ёш бўлса ҳам старший лейтенант, капитан унвонлилар бор. Уларнинг муомаласи жуда кескин, сўз аро тинмай сўкина берадилар, одат бўлиб қолганмиш. Улар қаршисида мактаб командирлари ювош, одобли, ажралиб турадилар.

Курсантлар ҳам қурамалашган. Курсантлик петлицаси қизил, қора, кўк петлицаларга, фуражка, пилотка, панама, турли жиякли фуражкаларга аралашган. Булар ҳаммаси Элмуродга галати кўринди, аммо улар курсантлардан кўра кўпни кўрган, порох ҳидлаган, қон кечган кечаги фронтчилар эди. Улар кийим-бошларига кам эътибор беришади. Бунга фронт сабаб бўлса керак.

Элмурод командировкадан қайтгани ва буюрилган отларни олиб келгани ҳақида полковник Ягунов ҳузурига кириб доклад қилди. У, бу кунда учта пиёдалар мактабидан ташкил топган икки бригаданинг бирига командир эди. Отлар янги ташкил топган батальонларга тақсимланди.

— Қайси батальонга тушганингизни биласизми?— сўради полковник.

— Йўқ, ўртоқ полковник,— деди Элмурод.

— Штабга кириб учрашинг.

— Хўп!

Штаб ғужғон. Кимга мурожаат этишни билмайди киши. Элмурод мактабнинг тўртинчи қисм бошлиғига мурожаат этган эди, у Элмурод танимаган бир кишининг номини айтиб, ўшанга боришини буюрди.

Ажабо! Бир ҳафтада шунча ўзгариш. Элмуродни Кусарига от олиб келиш учун бир отделение билан юборгаётганларида, мактабда бригада тузилиши ҳақида миш-миш ган бор эди, холос. Отлар ҳам ўша бригада учун эканини Элмурод биларди. Аммо бундай тус-тўполон бўлишини хаёлига келтирмаган эди. Унинг хаёлидан взводи ўтди: тарқатиб юбормадилармикан?

Элмурод взводидан хабар олишга шошилиб, капитанга кечроқ учрашмоқчи бўлди. Штабдан чиқиши билан старший лейтенант Данильченко дуч келди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Келдингизми, яхши! Ротани қабул қилинг,— деди у.

— Қаерда?— Элмурод воқеага дарров тушунди.

— Ўша корпуснинг ўзида. Батальонимиз аввалгича — иккинчи.— У мийиғида кулди.— Сизни тўртинчи батальонга штаб бошлиғининг иккинчи ёрдамчиси қилишган экан, ажратиб, ўзимга олдим. Ротага қўйдим. Ёки ўша ер тузукмиди?

Элмурод индамади. Фронт учун қайси бири дуруст? У билмайди.

Данильченко штабга кириб кетди.

Казарма аввалгидек тинч ва гавжум эмас. Дневальний Элмуродга салом ҳам бермади. Кириб-чиқиб юрган командир деб ўйлаган бўлса керак.

Казарма кўчишга тайёрланиб арава кутиб турган хўжаликка ўхшарди. Бугун машғулотга чиқишмаган бўлса керак — милтиқлар жойида мойланганича турибди. Одамларнинг чеҳрасида оғир турғунлик, уларнинг ҳаракатлари тетик, ҳар ким бир нарса билан машғул.

— Ўртоқ лейтенант, бормисиз? Мени бошқа бўлинмага ўтказиб юборишди. У ер менга ёқмайди,— деганича югуриб келди связной Бондарь.

— Кўрамиз!

— Барибир урушга кираётганимизда сизнинг бўлинмангизга ўтиб оламан. Беному нишон йўқолди деб юра беришади. Старшина бўлармишман...

— Ёмонми?!

— Қозон-товоққа тоқатим борми! Қачонгача хўжаликчилар билан одамнинг оз, кўп олдинг, нега кеч келдинг, деб ғижиллашаман. Э... э... Қўйинг, умрим фашистнинг башарасини кўрмай ўтади.

— Ўйлашиб кўрамиз,— Элмурод идорага бурилди.

Бондарь ўзича гапириб қолди:

— Барибир сиздан ажралолмайман.

— Янги пост билан табриклайман,— Элмуродни қарши олди Махалов.

— Ўзи пима ган, бундоқ ётиғи билан тушунтир.

— Кўриб турганинг янгилик. Бригада бўлиб кетдик. Данильченко — комбат, сен, мен — ротний. Яна битта лейтенант ҳам бор. Янги лейтенант Шиловни сенга ёрдамчи қилиб тайинлашди.

— Қайси Шилов? Ўзимда битирганми?

Элмурод Махаловнинг тасдиғини олгач, кўнгли тинчи-

ди. Шилов унинг яхши курсант ва отделение командирларидан бири бўлиб, мактабни аъло битиргани учун ўша маҳалда янги ташкил топган учинчи пиёдалар мактабига взвод командири қилиб қолдирилган эди. Яхши йигит. Михдай. Анча тажриба ҳам орттирган бўлса керак.

— Мурзин қаёққа кетди?— хотиржам сўради Элмурод.

— Ўша-да, сенинг Бондарингни олиб кетган. Тўртинчи батальонда рота ёрдамчиси. Данильченко сенинг ўрнингга уни юборди.

Махалов Элмуродга Данильченкодан эшитган жой алмашиш масаласини гапириб берди. Мурзин тоза хитлик қилибди, ярасига туз сепилибди: «Штаб тақсимлаганича турсин... Бу ўзбошимчалик...» дебди, сўнгра ПНШ-2[1] лавозимига эканини эшитиб, бағрига шамол теккан экан, йўқ, у ерга боргач, нима учундир рота командирига ёрдамчи қилиб тайинлабдилар. Данильченкони шундан бери «эгоист, такаббур» дермиш.

Лейтенант Шилов ўз взводининг ярог-аслаҳасини мактабга топшириб келгач, ротани Элмуродга таништирди, тўғриси, ротани унга ўтказди. Ротада Элмуроднинг ўз взводидаги жангчиларнинг деярли ҳаммаси бор эди. Бу Элмуродни қувонтирди. Қолганлари Мурзин взводидан бўлиб, яна беш-ўнта янгилар ҳам бор эди. У взвод командирларидан фақат биттасини танирди. Фамилиясини энди билди: Багдасарян. Русчани арман талаффузи билан гапиради. Шилов унинг олдида укасига ўхшарди: Багдасарянинг юзлари оппоқ, қошлари туташган қоп-қора, бургут кўз, яғриндор, гавдали йигит эди.

Элмурод Данильченкога ротани қабул қилиб, танишиб чиққани ҳақида доклад қилди.

— Бўлинмани чавандознинг отидай тут, бригадага оғир вазифа юклатилиши кутилади. Курсантлар бригадаси деган номи бор.

— Қачон жўнар эканмиз?

— Артиллерия йўқ, олдик жўнаймиз. Эҳтимол бугун. Тайёр тур. Қизинг билан хайрлаша бер.— Данильченко энди бемалол «сен»ларди, сўзларидан ўзига яқин тутгани яққол сезиларди.

Элмурод Шиловга топшириқ бериб, йироққа жилмаслигини таъкидлади-да, ўзи Зебоникига жўнади. Элмурод отларни Кусаридан, унинг отаси бухгалтер бўлган совхоздан

[1] ПНШ-2 — штаб бошлиғининг иккинчи ёрдамчиси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

олган эди. Унинг отаси шу совхозда эканини борганда билди. Ота ўтқизгани жой тополмади. Ҳаммани суриштирди. Роса меҳмон қилди. Йўлгача кузатиб чиқди. Оиласига озроқ дон-дун ва хат бериб юборди.

Ҳатто Элмуроднинг қилаётган ишида тажрибасизлигини пайқаб, унга йўл билган бир кекса чўпонни қўшиб берди. Яхши ҳам ўша кекса чўпон бор экан, бўлмаса кечаси тунашга яйлов тополмай тоза қийналарди. Бир юз ўттиз учта отни — оёқли молни очиқ далада кечаси ҳам асраш, ҳам ўтлатиш ўзи бўладими! Бунинг устига, Элмурод бу ерларни билмайди.

Зебо уйда йўқ эди. Институтга кетган экан. Бир оз фурсат ўтар-ўтмас кириб келди. Элмуродларнинг фронтга жўнашини эшитган бўлса керак, ташвиш ва ҳаяжонда сўради.

— Қачон жўнайсизлар?— унинг кўзига ёш тўлди.— Кеча борсам йўқ экансиз. Шунақаям бўладими, командировкага кетяпман ҳам демабсиз-а...

— Ҳарбий сир,— деди кулиб Элмурод ва шу билан қутулмоқчи бўлди.

— Ҳарбий сир бўлса биз том бошига чиқиб жар солармидик!

— Тўсатдан жўнаб қолдим.

— Дадангга меҳмон бўлибди,— гапга аралашди она.

Зебо дадасининг соғлиғини, турар ерининг шарт-шароитини суриштирди. Албатта, Элмурод ёмон демайди. Икки кунда нима ҳам кўрдики, бутун бир районнинг яхши-ёмонлигини айтиб берса!

— Энди мактаб бўлмасмишми?— Зебо яна гапни мактабга бурди. Ҳамма кетадими?

Ҳозирча ҳамма.

Онанинг ҳаракатида хафалик аломати бор эди. Гапга аралашгиси келмади. Бу ўғли фронтда, мана, Элмурод ҳам кетяпти. Айрилиқ нақадар оғир. Игна бўлиб санчилади баданга.

Она Элмуроднинг эски фуражкасидан тортиб кирза этигигача бир сидра қараб чиқди. У, бу хилдаги кийимда ҳеч келмаган эди. Хайрлашгани келган бўлса керак, деб ўйлади она.

— Баъзи ортиқча нарсаларимни шу ерда қолдирсам дөвдим,— деди Элмурод.

— Марҳамат, бош устига,— сал бўлса она-бола баравар айтай деди.

Элмурод Зебо билан квартирасига бориб нарсаларни олиб келди. Ўрдубодийнинг «Дўнушан шаҳар» романини унга тақдим этди. Дам олиш куни киядиган кийимини, шу икки йил ичида тўплаган китобларини Тошкентдан олиб келган чамадонига ихчам қилиб жойлади. Кичик тахтага адресини ёзиб михлади. Онанинг илтимоси билан яна бир қоғозга ўз адресини ёзиб қолдирмоқчи бўлди. Лекин Зебо Элмуроднинг яқинда тақдим этган каттагина суратини узатиб: «Шунинг орқасига ёзинг. Биз ҳаёт эканмиз бу йўқолмайди» деди. Элмурод унинг илтимосини ўтади.

Элмурод ташқарига чиққач, хайрлашиш учун орқасига ўгирилди.

— Хайрлашгани бошқа келмайсанми?— деди она.

— Аниқ айтолмайман.

Онанинг элбурутдан хайр-хўш қилгиси келмади. Элмуродга оғир ботишини ўйлади. Аммо ундан ёшга тўлган кўзларини олмас эди. Ким билади, дилида нима гаплари бор!

— Ойи, мендан хавотирланманг, Элмурод билан бўламан,— деди Зебо у билан ёнма-ён кўчага чиқар экан.

Она йиғлаб хайрлашди.

Элмурод ва Зебонинг сояси ўзларидан икки баравар узун бўлиб ёнларига тушар эди. Қаршидан қўлтиқтаёқли кечаги ҳарбий чиқди. Унга йўл бериб ўтдилар. Зебо гапидан адашди. Қўлтиқтаёқли киши ўтиб кетгач, унинг орқасидан қаради. У, Зебо билан болалигида бирга ўқиган соғлом, кўркам йигит эди. Лаънати уруш!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИНЧИ ҚИСМ

Ҳаёту эркликни севган ҳар инсон,
Шу йўлда курашар ҳар соат, ҳар он.
Гёте «Фауст»

I

Элмуроднинг ротаси туни билан ухламади. Биринчи куни мудофаа тутган ўридан уни кеча тунда бригада командири полковник Ягунов бу ерга кўчирди; вазият шуни талаб этди.

Энди уни илгарига, Чкало қишлоғининг бўсағасига кўчирдилар. Чап томондан катта чўққа ўтади, ўнг томони Малғобек тоғининг тўлқинланиб тушиб келган қуюн-қуруқ этаги. Унда тўртинчи батальон мудофаада. Орқа томонда, сойда артиллерия. Кўчанинг нариги томони яна баландлик бўлиб, унда 159-полк ичидан буён туради.

Элмурод батальон командири Дапильченкодан участка олгач, взводларни тақсимлаб, теэда окоп қазишга буюрди. Чунки разведка хупук хабар келтирган эди. Кечаси ой чиққунча янги позицияни эгаллаб, тонггача тиззадан келадиган окоплар тайёр бўлди. Тонг отди. Олдинга чиқарилган охрана ҳеч қандай хабар келтирмади: демак тинчлик. Куни бўйи осмондан самолёт аримади. Зениткалар ҳали етиб келмаганидан хабардор бўлса керак, истаганича бомба ташлади. Тўпчиларга жабр бўлди. Икки батарея ишдан чиққан эмиш.

Иккинчи туни жангчиларнинг ўзлариёқ яна окоп ковлашга тушишди. Бомбардимон пайтида лозим бўлган бошпана ва алоқа йўлларигача тайёр эди. Бондарь ҳам писарь билан КП (команда пункти) ни тайёрлади.

— Мана, ўртоқ лейтенант, қабул қилинг,— деди Бондарь ертўланинг устунини қўли билан силкиб.— Устида фил ўйнатса кўтаради. Кузатув пункти ҳам тайёр.

Элмурод индамади. У чарчаган эди. Бир чеккага суянди. Бондарь писарни аста ташқарига имо қилди. Бир оздан сўнг қучоқларини тўлдириб пичан олиб келдилар. Ертўла пичаннинг хушбўй ҳидига тўлди. Сўри устига пичан ёзаётган Бондарь Элмуродга мурожаат қилди:

— Марҳамат, ўртоқ лейтенант! Дам олишингиз мумкин.

— Ухлаб қолсам, Шилов штабдан қайтгач, уйғотинг,— Элмурод камарини бўшатиб, ёқасининг тугмасини ечди-да, тўппончасини қорни устига сурганича, чалқанча чўзилди.

Шилов штабдан қайтди. Элмуродни уйғотишга кўзи қиймади. Зарур хабар ҳам йўқ эди. Уйғонгунича кутиб ўтирди.

Элмурод Шилов билан ротани айланиб чиқди. Станокли пулемётларнинг отиш майдонини кўздан кечирди. Кожух учун сув эҳтиёт қилишни буюрди. Зарур вақтда лаббай тошилмай қолмасин!

— Сен ротанинг мудофаа схемасини штабга юбор. Мен Махаловнинг олдига ўтиб келаман. Хўжайин чақириб қолса одам юбор. Кўз-қулоқ бўлиб тур,— деди Элмурод Шиловга.— Қани, Бондарь, кетдик, ё сен қоласанми?

— Уставда связной командирдан ажралсин дейилмаган,— кулди у, автоматини учи билан пастга қилиб орқасига осар экан.

— Мурзин кўрса олиб қолади-да.

Бондарь индамади. Элмуроднинг хаёлидан уни ажратиб ўзига олганида Мурзиннинг то шу ерга етиб келгунча — поездда отган учирмқлари ўтди. У ҳеч чидолмас эди. Поезд қаерда тўхтамасин, у Элмурод қаршисига келар, ҳалигина пари юлинган уккидек ўшшайиб қарар эди. Қани энди ҳуқуқи бўлса-ю, Бондарни қайтариб олиб, Элмуродга: «Хўш, энди қалайсан?» деса, хуморидан чиқса. Не иложки, рота командири унинг хоҳишига қарши борди. Бондарни тошширишга буйруқ берди.

Элмурод Махалов ерига ўтиши билан окоплар атрофини ниқоблаётган, текислаётган ва гурунглашиб ўтирган жангчиларни кўрди. Унда ҳам ер ковлаш тугаган эди.

Махалов уни очиқ юз билан кутиб олди:

— Хўш, хўжалигинг қалай?

— Дуруст.

— Кеча ҳеч парса йўқотганинг йўқми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бир киши ўлди, иккитаси яраланди. Сенда-чи?

— Сал ёмонроқ. Бир станокли пулемёт кишилари билан сафдан чиқди. Бомба тўғри окопга тушса бўладими: парча-парча қилиб юборибди,— Махаловнинг товушида ачиниш аломати бор эди.

Элмурод унинг кўнглини кўтарди:

— Шунинг учун уруш дейилади-да! Давлат бесиёсат, уруш беқурбон бўлмайди.

Махалов тамаки ўради.

— Чек!

— Чекмайман.

— Ҳа, айтганча сен чекмайсан-а,— Махалов тутатди.— Данильченконинг олдида бўлганинг йўқми?

— Йўқ.

— Окопларни келиб кўрмади ҳам.

— Катта хўжайин чақиртирган эди, қайтмаган бўлса керак.

Разведкачи «рама» кетган томондан самолётларнинг товуши келди. Уларнинг товуши «рама»никига ўхшамас, чўзиқроқ эди. Бондарь уларни дарров танийди — маркасигача айтиб беради. «Юнкерс»ми, «Хейнкель?»

Элмурод ва Махалов кўз тикишди. Тўққиз самолёт учга бўлиниб, уч бурчак шаклида текис оқиб келарди.

— Яна...— деди Махалов ва чекиб тугатмаган папиросини устма-уст тортиб, бурнидан бурқсатиб чиқарди. Папиросини ерга ташлаб, оёгининг учи билан эзди. Папирос аллақачон тупроққа қоришиб кетган бўлса ҳам ҳамон ўша ерни оёги билан асабий эзғиларди.

Биринчи туркумдаги уч самолёт йўл-йўлакай шўнғиб, иккитадан бомба ташлади. Тўпчиларнинг орқа томонидан аввал чанг кўринди, сўнгра гумбурлаган овоз келди.

— Бошланди!— Махалов тамаки ўради. Соатига қарали,— ҳали қоронғи тушишига ўн икки соат бор.

— Ҳар бирида ўн биттадан ўн еттитагача бомбаси бор. Тўрт-беш марта шўнғиши мумкин,— деди Бондарь ўз-ўзича.

Элмурод уларнинг тартиб билан кетма-кет боришини кузатди. Улар уч томонга бўлинди. Учтаси 159-полк томонга, учтаси тўпчилар ва штаб ўрнашган томонга кетди. Яна учтаси Элмурод билан Махалов ротаси тепасида айлана бошлади.

— Қирувчиларсиз-а. Бемалол кезишини қара! Зенитчилар нимага жим? Улар кўргазмага келтирилганми!— деди Махалов.

— Пайт пойласа керак,— деди Элмурод самолётлардан кўзини олмай.

— Қачон пайти бўлади? Бомбаси тугаб, қайтиб кетгандами? Ҳамма ёқ остин-устун бўлгандами?

Бомбардимон бошланди. Ер титрайди. Чанг, ер сават-ётгандай бурқсайди. Гоҳ дарахт қарсиллаб синади. Биринчи самолёт қандай, қай шаклда шўнғиса, қолган иккитаси ҳам унинг изидан боради. Зенитчаларнинг жаҳи очилди. Уларнинг ўқи осмонда оппоқ тутун чиқариб гоҳ самолёт ёнида, гоҳ бўш ҳавода ёрилади. Самолётлар бепарво. Элмурод ротасининг орқа томонини шиббалаётган учтаси зенитчадан чўчиди шекилли, рота устига чекинди, бомба ташлади.

— Мен кетдим,— деди Элмурод. У энди бошпанадан чиққан эди, ўзига қараб шўнғиб келаётган самолётга кўзи тушди. Ўзини ерга ташлади. Ундан йигирма беш метрча нарида икки бомба портлади. Учаласи ўтиб кетгунча бошини кўтармади. Визиллаган бомба унинг устига тушиб келаётгандек ўхшарди.

Улар туриб этакларини қоқишди. Ротага келгунча яна бир-икки марта ернинг юрагига қулоқ солишга тўғри келди. Юзларига тупроқ ёпишган. Портлаш зарбидан қулоғи биров унга бақиргандай гувилларди. Қалби титрайди. Бомба энди унинг ротаси жойлашган ерда ҳам бот-бот ёрилмоқда. Ертўла устунига осиб қўйилган котелок тебранади. Тупроқ шовиллаб тўкилади! Самолётнинг чиқириб шўнғиши кишини сескантиради, Элмурод бомба тушаётганда бошини қуйи қилиб, кўзини чирт юмса ҳам, тушгач, орқасидан қарайди: «Зиён еткизмадими?» Унга энди самолётларнинг қанотидаги оқ билан солинган крест ҳам яққол кўринади. Икки моторининг ости тутундан қорайган. Самолёт рота тепасидан нарироқ кетар экан, Элмурод кўкрагини тўлатиб нафас олади, аммо кўзини ундан узмайди. Самолётлар кетига бурилса юраги орқасига тортиб кетади. «Қани бизнинг самолётлар? Нега қаршисига чиқмайдилар?»

Самолётларнинг бир тўпи кетади, иккинчиси келади. Улар бригада тепасидаёқ ўрин алмашадилар. Яна ўша ҳол, ўша дабдаба. Ана, зенитка бирини қон қақшатди. Қуюқ тутунли аланга чиқариб, гуриллаганича кўчага

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушди. Элмурод ёнаётган самолётга қараб «аҳ-а» деб қўйди. Ёнида турган Бондарь ва писарнинг юзида ҳам мамнунлик аломатини ўқиди.

Бирдан Элмурод турган бошпана ёнида визиллаган овоз эшитилди. Улар баравар энгашдилар. Бомба улардан сал нарига тушиб, портлади. Устлари тупроққа тўлди. Бош кўтариб қоқишди, Элмуроднинг оғзига ҳам тупроқ киргандай бўлди. Тишини тишига босган эди, тижирлади. Бир-икки туфлади, енги билан лабини артди. Бўйнига тушган тупроқни силкиди.

Тушга бориб бомбардимон яна кучайди. Яна учтаси қўшилди. Олтита бўлиб тўпчилар ва зенит артиллерияси ўрнашган ерни ғалвир қилиб юбордилар. Улар ёнига иккита қирувчи самолёт ҳам қўшилди. Улар кўринган ҳар бир кишини қуварди. Ҳар шўпғиганда чинқириғи кишининг қулоғини битирарди. Пулемётидан ўқ сочади, ёки бир қанотини сал кўтариб бошини чиқаради-да, қўлини мушт қилиб кўрсатади. У шунчалик паст тушадики, учувчининг бошидаги чарм қалпоғи, сариқ қўлқопигача аниқ кўринади.

Элмурод бу хўрликка чидолмади: токай дўқ қилиб ўтади! Нега жавоб қайтариш мумкин эмас!

У, бошпанадан чиқиб, алоқа йўли орқали самолёт кўп шўнғиётган учинчи взводга кетди. Багдасарян автоматини маҳкам тутамлаганча осмонга қараб ўтирарди. Юзларига чанг ўтирган. У Элмуродни кўриб жонланди, унга илтифот кўрсатиш учун қўзғалди.

— Команда беринг, взвод бирдан ўт очишга тайёрлансин. Қачонгача юмронқозиқдек у ер-бу ердан бошимизни чиқариб, кўзимизни милтиллатамиз. Бас, муштини онасига кўрсатсин,— деди Элмурод.

Чап томонда бомба портлади. Командир қичқирди. Аллакимнинг овози келди, яна жим бўлди. Яна портлаш, яна...

Багдасарян команда берди, унда-бунда милтиқларнинг найзаси кўринди, офтобда ярқиради. Самолёт шўнғишга ўзини чоглаб, олдинга ўтиб кетди. Бу унинг боядан бери қилаётган одати эди.

— Диққат қилинг!— деди Элмурод ва бир оз самолётга қараб тургач бақирди:— Залпом огонь!

Самолёт ҳеч нарса билмагандек икки сидра ўқ сочиб ўтиб кетди. Зиён топмади. Атрофдан жангчиларнинг товуши келди.

— Сал қолди.

— Бир ёнсайди!

Шу вақт Элмурод қўшни окопдан лейтенант Низомовнинг овозини эшитиб қолди:

— Бўларканми? Бекорга қаердалигимизни пайқаб, бетинч қилади.

— Жим! Буйруқ муҳокама этилмасин!— деди Элмурод Низомов эшитгудек қилиб.

Бу орада қирувчи самолёт яна шўнғишга ўтди. Взвод ўт очди. Бефойда. Элмурод Низомов взводидаги станокли пулемётни ҳам осмонга отишга мослади. Яна бир взводни қўшди.

— Огонь!— қўлини оғзига қўйиб бақирди Элмурод.

Баравар ўқ узилди. Бўлмади. Аммо самолётлар энди аввалгидай ерни сийпаш даражасида пастга тушмас, мушт кўрсатмасди. Охир чўчиб бошқа ёққа ўтиб кетди. Жангчилар енгил нафас олди. Элмурод ҳам бошидан чанг-тўзон ўтирган каскасини олиб, юз-кўз ва пешона-бўйинларидан терини артди. Кейин жангчиларга мамнун боқиб, деди:

— Ахир қувиб юбордик-а, лаънатиларни!

Элмуродга қараб турган жангчиларнинг юзида табассум таралди. Элмурод уларга раҳмат айтиб, ўз команда пунктига қайтаркан, лейтенант Низомов ертўласи ёнидан ўтиб қолди. Бирдан яна Низомовнинг товуши қулоғига чалинди, диққатини тортди.

— Фашистлар? Фашист техникага бой. Бирорта солдати пиёда юрмайди, иложини топса, ҳожатхонага ҳам машинада боради. Ҳали олти қувурли миномётини кўрмабсиз, ўн минут ўққа тутган ерини ўпириб юборади. Анови фронтда бир ўққа тутса, бир взводдан беш кишигина омон қолибмиз. Тангадек осколкаси текканига етти ой госпиталда ётибман, заҳри бор эканми денг!

Элмурод суҳбат нимадан бошланганини билмаса ҳам, бу гапдан эпсаси қотди. Аввалига бир йўталиб, кейин кўринин берди. Низомов қизариқиргандек бўлди.

— Инлар яхшими, азаматлар! Фрицни ҳам қўрқитиб, қувиб юбордик-а! Ҳали осмондаги техникаси экан-ку, ердагисини ҳам суриб ташлаймиз. Қурбимиз етади, техникамиз ҳам бор. Шу топда бир оз етишмай турибди-да! Шундаймасми?

— Шундай!— деди жангчилар.

Элмурод жангчилар билан қуюқ хайрлашиб, лейтенант Низомовга мулойимгина қилиб деди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани, менга взводингизни кўрсатинг.

Элмурод холироқ ергача индамай борди, кейин ерга ўтирди ва Низомовни ҳам таклиф этди.

— Шу узунқулоқ гапларни тўхтатсангиз, ўртоқ Низомов, сариқ чақалик нафи йўқ.

— Жангчиларнинг қулоғи пишиб турсин деб...— Низомов дудуқлана бошлаган эди, Элмурод унинг оғзидан сўзини юлиб олди:

— Бунақа пишитиш керак эмас! Бу ёлғиз ваҳимага сабаб бўлади. Тушундингизми? Шундай бўлсин!

Элмурод ўрнидан туриб, Низомовнинг кўзига қаради ва «Сиздан буни кутмовдим!» деди-ю, жўнаб кетди. Низомовда туришга мажол йўқ эди.

Минг ташвишлар билан кеч ҳам кирди. Бомбардимон тинди. Окопларда жонли ҳаракат бошланди. Ҳар ким ўз дардини айтиб йиғлайди: кимни неча марта тупроқ кўмган. Фалончи нега ўлди-ю, пистончи нега яродор бўлди. Кимдир отган ўқининг қирувчи самолётга теккани билан мағрурланади, кимдир бомба парчаси тешиб ўтган шинелини ҳаммага кўрсатади, баданига тегмаганидан ажабланади.

Элмурод штабга маълумот берди: ўлганлар 8 та, яродор 15 та. Бир миномёт ишдан чиққан. Командирлар бутун. Йўл-йўриқ олади: позицияни мустаҳкамлаб, кишиларни эҳтиёт қил, кўздан кечир, кўнглини кўтар!

Ажабо, нима билан?

Бу ҳол бир ҳафта давом этди.

Элмурод анча киши йўқотди. Артиллерия заифлашди. Батальон команда пунктига бомба тушиб штаб бошлиғи ва яна икки киши ўлди. Данильченко кузатиш пунктида экан. Сал аввал чиқиб кетганидан хурсанд. «Ўлсам ҳам кўзим очиқ кетарди, ҳали немис билан қилишадиган ҳисоб-китобим бор» дейди.

Бир маҳал кечқурун Махалов келди. Қовоғидан қор ёғади. Салом ўрнига: «Шу ҳам уруш бўлибдими? Бу хўрлик-ку!» деди. Ширакайф. Юзлари ювилмаган, ўсиқ тирноғига кир тўлган, қўллари ҳам кирдан тарам-тарам. Таклиф кутмасдан ўтирди. Тақ этиб ёнига сувдонини чиқариб қўйди.

— Қон бўлиб кетдим. Худо ҳақи, юрагим сиқилиб ўлиб қоламан. Нимага бизни бу ерга ўтқизиб қўйибди? Душман

ўтирган ерга олиб бормайдими, нимадан қўрқади?— жавоб кутмай бир чеккада турган кружкани олиб сувдонидан қуйди:— Мен кетдим, соғ бўлайлик.— Элмуродга ҳам тутди.— Хўш, нега индамайсан? Бирор янгилик борми? Ёки шу ерда тупроқ ялаб ўлиб кетамизми?

— Шу ер Грознийга дарвоза эмиш. Нима бўлса бўлсин, душман ҳужумини тўхтатиш лозим экан.

— Шу аҳволдами?— кружкага қўл узатди Махалов.

Элмурод жавоб бермади. Уни бошдан-оёқ кўздан кечирди. У аввалги Махалов эмас эди. Қўполлашган, муомаласи тўнг, ҳаракатида мужмаллик бор.

Суҳбат қовушмас эди. Бондарь билан унинг связнойи ниманидир эшикда тортишар, ўжарлик аралаш қаҳ-қаҳ уриб кулар эдилар. Улар бомбардимонни кўрмагандай бепарво. Бири хотин кишини мақтаса, иккинчиси ёмонлайди:

— Бир хотиннинг макри қирқ эшакка юк.

— Бир оғиз ширин сўзи қилични қинига киритади.

Махалов сувдонни олиб эшикка отди:

— Витя, олиб қўй.— Элмуродга қаради.— Бундай ётишимиз яхшимас. Ерга қараб бўлмайди, ҳамма ёқ бомбадан ўпқир-чўпқир бўлиб кетган. Нима, биз бу ерда шу чуқурларга сув тўлдириб, ўрдак боқамизми!

Данильченко кирди. Юзида руҳий ҳорғинлик аломати. Саломлашгач, аста ўтирди.

— Янгилик шу: душман танклари шу томонга бурилган. Бугун-эрта тўқинишсак керак. ПТРларни кўздан кечириб қўйинглар. Ҳойнаҳой кетида автоматчилари ҳам бор. Бу шубҳасиз.

— Танкка қарши тўплар келдими?— деди Махалов.

— Бир қисми келди. Фақат кечаси келтиришяпти. Кундузи қанақалигини кўриб турибсизлар-ку, ҳатто яродорларни қувяпти. Ёпилғили ишшалар олиб келинди. Тақсимлашяпти. Бир соатдан кейин олишинглар мумкин.

Улар бошқа фронтдаги аҳволлар, сафдан чиққан қурол, кишилар ҳақида бир оз гаплашдилар. Сўнг тарқалдилар.

Эртасига душманнинг ердан ҳужумини кутдилар. Дарак йўқ. Бомбардимончилар ҳам кам.

Жангчиларда ўзларини тартибга солиш ҳаракати бошланди. Бир-бирларининг соқолларини оладилар, бошларигача қўшиб ювинадилар. Сув ташиш бехавотир. Бомбар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даладан кўтарилган чанглар худди уларнинг танасига ёпишганга ўхшарди.

— Тупроқ ўйнаганмисан? Ё гўрдан чиқдингми?— дейди бири.

— Йўқ, опам лойдан ясаган, энди сирим кўчянти.

— Шу ҳам урушга кирадими?

— Ҳа, бўлмаса-чи? Урвоғига чидаган юпқа қилади. Кишилар севган ерининг тупроғини босиб юрса, биз бошга кўтарамиз.

Элмурод ротани айланади. Жангчилар билан суҳбатлашади. Улар энди яхши ухлаган, хурмодай бўртган, бирига: «Нега уйингга хат ёзмайсан?» деб ясама дўқ урса, иккинчисига: «Бомбардимонда уй адресинг ёдингдан чиқмадими?» деб тегишади.

II

Элмуродни қош қорайганда штабга чақирдилар. Унда дивизия батальонининг барча рота командирлари бор эди. Ертўла тутунга тўлган, штабда ишлатиладиган билакдай йўғон шам бурчакда аранг милтиллаб кўринади. Дам ўтмай чекадилар. Данильченко заргар диққати билан ниманидир ёзмоқда. Ёқасининг илгаги чиқариғлиқ. Унинг сийрак сочли боши йилтиллайди. Штаб писари қандайдир буйруқнинг нусхасини кўпайтирмоқда. Ҳеч ким билан иши йўқ — бошидан фуражкаси ҳам олинмаган. Ертўла сокин. Кимнидир кутадилар.

Махалов Элмуродга ёнидан жой кўрсатди. У ўтирар экан, ғап кутгандай кўзига боқди. Улар кечаги жангдан сўнг кўришмаган эдилар.

— Нима ғап?— деди аста Элмурод.

Махалов жавоб ўрнида елкасини қисди, оғзидан гуп этиб спирт ҳиди келди.

Эшикдаги навбатчининг:

— Ким у?— деган товуши келди.

Данильченко бирдан бошини кўтариб кира беришга қаради. Эшикда полковник Ягунов адъютанти билан кўринди. Чекаётганлар папиросини ташлади. Ҳамма оёққа қалқиб саломлашди. Ягунов бош кийимини олиб, тепакал бошидаги онда-сонда қолган соч толаларини текислади. Кўли ҳам ўргангандек сочи кўпроқ орқа томонини текисларди. У ҳам трубкасига тамаки тўлдирди.

— Ҳаммаси шуми?— деди командирларга қараб тутунидан қисилган кўзларини каттароқ очиб Ягунов.

Данильченко ўрнидан туриб, одоб билан:

— Ҳа, шу!— деди.

— Кам-ку.

— Олтита командир йўқотдим.

— Жангчилардан қанча?

— Бугунги билан ўн процентга етади. Кўп, ўртоқ полковник.

— Ҳм...— деди полковник ва хипчин билан этигининг учини ўйнаб ўтирган адъютантига боқди:— Тўртинчида қанча эди?

— Бугунги маълумотни ҳали топширганлари йўқ. Аввалгисига яқин эди.

— Менга штаб бошлиғи керак, менинг штаб бошлиғим ҳалок бўлган, ўртоқ полковник,— деди Данильченко бир оздан кейин.

— Биламан, рапортингни олдим. Одам йўқ. Менинг штабим бутун деб ўйлайсанми? Ҳатто «Виллис»имдан ҳам ажралдим,— кулди у.

Полковник Ягунов трубкасини этигининг остига уриб қоқди ва тамакили гулдор халтачасига солиб, ёнига қўйди. Атроф-теваракка қараб чиқди.

— Авиаразведканинг маълумотига қараганда, душман биз тарафга иккинчи эшелонини бурган. Кечаги бир ҳафта немис Маздок томондаги самолётларини бизга ташлаган эди. Яна қайтиб олди, у ерда бизникилар ҳужум тараддудида. Бизга шундай вазифа юклатилди: қимир этмай туриб бериш. Мен самолёт чақирдим. Бугундан ваъда қилдилар. Политруклар, вазифанинг муҳимлиги ҳар бир жангчигача етказилсин, ишлаб чиқилсин. Душманга қарши курош ватанпарварлик бурчи, ботирлик, виждон бурчи эканини билсинлар. Ўлим бору чекиниш йўқ!— У трубкасига тамаки тиқди.— Ташқаридан ҳозирча куч кутманглар, боридан тўғри фойдаланинглар.

— Чекишга рухсат этинг, ўртоқ полковник,— деди Махалов, полковник жим қолганидан фойдаланиб.

— Марҳамат, марҳамат, бемалол!

Чекувчилар ёнини кавлай кетди.

— Ҳар бир жангчида танкка қарши граната бўлсин. Ёнилғили шишалар етарли бўлса керак?— Данильченкога қаради Ягунов. Тасдиқлаш жавобини олгач, давом этди.— Кичик командирлар ҳар вақт станокли пулемёт

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёнида ёки унга яқин турсин. Позициялар яна қайта кўздан кечирилсин ва менга аниқ маълумот берилсин.

... Ягунов ҳаммага жавоб бериб, Элмуродни олиб қолди.

— Бугун разведка ва сапёрлар сизнинг хўжалигингиз орқали ўтиб, олдинни миналаштиради. Сиз охранангизни сал орқага суринг.

У тунги пропуск ва отзивни айтди. Элмурод хайрлашди.

— Шуни штаб бошлиги қилиб ола қолсанг бўлмайдими?— деди Ягупов Данильченкога Элмурод чиқиб кетгач.— Оёқ-қўлликкина кўринади.

— Мўлжалим бор. Аммо ўрнига киши йўқ. Бўлинмаси жуда масъулиятли ерда.

Эрталаб Элмурод рота агитатори Борисовни чақириб, Ягупов ҳузурида бўлган суҳбатни маълум қилди. Бу Борисовга янги материал.

Элмурод ротанинг ўнг қанотига ўтиб борар экан, Борисовнинг бир ертўлада қилаётган суҳбатини эшитди. У бугун эрталаб бўлган воқеадан жуда усталик билан фойдаланарди. Эрталаб «мессер» хотин-қизлар учадиган «кукурузник» самолётининг кетидан қувиб келиб, тумшуғи билан ерга санчилган эди.

— Шу эрталаб «мессер»га қўл тегизмай ер тишлатган қизни олинг,— дер эди Борисов,— бу маҳорат, энчиллик, уддабуронлик. У, албатта оддий совет қизи. Сиздек-биздек бирор ерда ўқиган ёки ишлаган. Бундоқ қараса, душман уни ҳамма нарсасидан: элидан, давлатидан, ёшлигининг шон-шуҳратидан, орзу-ҳавасидан маҳрум қилмоқчи, немис кўчадан кеккайиб ўтса, у икки букчайиб туриши керак. Бу, албатта, унга ўлимдан оғир, у бошини тик кўтариб, кўкрак кериб юришга, мағрур овоз билан гапиришга ўрганган. Шу номус уни майдонга отлантирган, самолётда учишга мажбур этган. Хўш, сен айт, Баранович, онангни ким ўлдирди, ким уй-жойингни кулга айлантирди? Душман! Сенинг яшнаган далангдан йироқ қилган, иссиқ ўрнингни совутган, бола-чақангни дом-дараксиз қилган ким, Горкунов? Душман! Мана сен, Турдиев, ўрта осиёликсан, сенинг уй ичинг соғ, аммо бетинч, қийналмоқда. Сен ҳам юртингни кун сари соғинасан. Бунинг ҳаммасига ким сабабчи? Душман! Демак, бу душман — ҳаммамизнинг душманимиз. Уни бепоён мамлакатимизга кирган оёғини қирқиб, изини қириб ташламас эканмиз, бизга

аввалги фароғат йўқ. Биз юртимизни қанчалик севсак, унинг душманига қарши шунчалик бешафқат бўлишимиз керак. Мана шу анҳорнинг нариги бетидаги душман бугун бизни, эртага бола-чақа, ота-онамизни қирмоқчи, уйимизнинг тўрига қонли этиги билан чиқиб, бош қўйган пар ёстиғимизни остига тўшаб ўтирмоқчи, азиз дастурхонимизни пайтава қилмоқчи. Агар биз яшашни истар эканмиз, уни ўлдиришимиз керак. Бизга Ватан, партия, эл шундай қил, дейди, шунинг учун қўлимизга қурол тутиб, пешонамиздан ўпди.

Элмурод ичида «Яша Борисов!» деди-ю, халақит бермаслик учун нарига ўтиб кетди.

Тушга бориб душман ҳужум бошлади...

III

Душман артиллерияси ярим соатдан мўл ер қўпориб, тупроқни кўкка устун қилди. Олти қувурли миномёт қутуриб, қопарга киши тополмаган итдек тусмол билан ҳар томонга ҳуриди. Текис кафтдаги сўгалдек бўртиб, бошлаб кўзга ташланадиган бир тепаликнинг қаншарини тушириб юборди.

Кўкда самолётлар пайдо бўлди. Сичқон пойлаган мушукдек душман томондан кўзини узмай турган жангчилар уларнинг қачон ва қайси томондан келиб қолганини пайқамай, тортиша кетдилар:

— Бизники!

— Йўқ, фриц!

Самолётлар жуда юксакда, икки ёқдан ора-чора тўплар отилиб турганидан унинг товуши эшитилмас, хира кўринар, қуёш нури қанотида синар эди.

Энди уруш кўраётган Турдиев «бизники!» дейишни қўймасди. У гарчанд самолёт хилини тоза ажратолмаса ҳам, «душман» дейишга тили бормас, гўё шундай деса, устига бомба тушиб, тупроққа кўмаётгандай бўларди. Бир ҳафталик бомбардимон қалбини кийикдай ҳуркович, симобдай бетинч қилиб қўйган. Осмонга самолёт чиқдими, бас, ранги ўчиб, кўзини ундан олмайди. Сўнгги кунларда самолётларимизнинг кўкда пайдо бўлиши кўнглига умид учқуни ташлайдиган бўлди. Шундан бери осмонга чиққан ҳамма самолётни «бизники», «бизники» деб кўнглига далда беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай пайтларда кўп жанг кўрган, милтиқ қўндоғи тирала бериб, кўкраги бир қават чарм боғлаган Горкунов фронтда расм бўлган ибора билан жавоб беради:

— «Бизники», қани менинг каскам?

У ҳозир ҳам шундай жавоб берди. Унинг жавоби барчанинг оғзига қулф солди.

Горкунов ўйлагандек «самолёт душманники, бомбаси бизники» бўлиб чиқмади. Самолётлар душман томонга шўнғиганда маълум бўлдики, ўзимизнинг «ильюшин»— штурмчилар экан. Бир оздан сўнг қаноти билан ер ўпгудай бўлиб, уларнинг тепасидан визиллаб ўтиб кетди. Унинг қанотларидаги беш қиррали юлдузни аниқ кўрган Турдиев севинчдан бақириб юборди:

— Айтмадимми бизники деб! Юлдузини кўрдингми, ёнади-я, ёнади!— Унинг қайроқпусха бошидан каска орқасига сирганди. Унга каска ярашмасди.

Душман томонда нимадир ёнди, портлади, номаълум тилда қандайдир қий-чув кўтарилди.

— Мана самолёт ҳам кетди. Яна фрицнинг томирига қон югуради. Ҳозир ини бузилган аридек гувиллашиб қолади. Кўзингга қара, бола, прицелда адашма!— деди ўзи ҳам прицелини кўздан кечириб Горкунов.

— Прицели қўйиқли, хотиржам бўлаверинг,— мамнун жавоб берди Турдиев рус тилини яримта-юримта қилиб.

— Сендан хотиржам бўлиш қийин, ука, биттаси кечаги ишингми, немис яқинланган сари бурнинг билан ер ковлайсан-а... Ҳой, мен сенга айтаман-ку, ҳар вақт дадил бўл, дадил! Ўзингни қўлга ол! Шайтон ўтдан, ўқ ботирдан қўрқади. Танин танк қирувчиликка ўтказинг деганинг қизиқ. Кўрдингми, улар қаерда ётибди, ҳув ана, йўл ёқасида, жаханнамнинг дарвозасида. Ё жаҳаннам ўтида ёнади, ё ўзи душманга бу дунёни жаҳаннам қилади,— деди Горкунов.

Турдиев олдинга қараб, ўзидан анча йироқ турган танк қирувчиларни кўрди. Улар Ягуновнинг кечаги буйруғидан кейин олдинга ташланган. Уларнинг қуроли ёнилғи солинган шиша-ю, танкка қарши граната. Улар алоҳида окоп қазиб, йўл ёқасига маржондек тизилганлар, гоҳ-гоҳ милтиқларининг найзаси қимирлаб қолади. Кечаги жангда ҳам улар анча иш берди. Немис танклари узоққа боқиб, мудофаани ўққа тутиб, шундоқ йўл ёқасида ётган овчини кўрмай қолди. Бирин-кетин ёна бошлади — граната гусеницасини узиб юборса, ёнилғиси шиша ёндирди.

Турдиев бу ажойиб лавҳанинг завқидан баҳраманд бўлмаган эди. У танк чиқишида кўз олмай турди-ю, ота бошлаши билан бошини қуйи солиб олди. Кўзини чирт юмиб, ўқтин-ўқтин ўқ узди. Қаёққа тушганини кўрмади. Горкунов, бундоқ қараса, у бошини ишнелнинг ёқасига ўраб олган. Юраги шув этиб кетди — унга ўқ тегдимикан? «Турдиев, Турдиев!» деди. У индамади. Яна чақирди, охири у «Ҳа?» деди. Ёқасининг бир чеккасини очиб Горкуновга қаради. Ранги қув ўчиб кетган, бамисоли девор. Ёқасини ушлаб турган қўли дир-дир титрар эди. Горкунов бошидан яраланган бўлса керак деб, кўмаклашмоқчи бўлди. Чўнтагидан шахсий тиббий пакетини олиб, энди қизил ишини суғурган эди, душман автоматчилари яқинлашиб қолди. «Ма, ўзинг боғлаб ол!» деб унга пакетни ирғитган эди, Турдиев «Нима?» деб унга қаради. Горкунов пайзабозликка кириб кетди. У қолди. Душман ҳужуми даф этилгандан сўнг келиб қараса, Турдиев отган гильзаларини санаб ўтирибди, ҳаммаси беш дона. Ҳеч қаери яраланмаган. Горкунов ҳайрон бўлди.

— Мен сени ярадор бўлибсан деб ўтирибман. Бу нима қилиқ, жангчи ҳам шунақа бўладими, уят!— деди у салмоқлаб.

Турдиев нима дейишини билмади. Синиқ ва паст товуш билан:

— Кўзимга бир нарса тушган эди,— деди-ю, қизариб кетди.

Горкунов билдики, у қўрққан. Ҳа, у қўрққан. Ёш кўнгли ўксимасин, деб унга қаттиқ гапиргиси келмади. Ахир унинг ҳам шу тенги ўғли фронтда. Ким билади, ҳозир қаерда, қандай аҳволда? Эҳтимол аллақачон нобуд бўлгандир. «У ҳам шу сингари душман ҳужумида бошини буркаб ётармикан?» деган ўй кўнглига ўт ташлади ва биров «ҳа» деяётгандай, дарров ўзини қўлга олди, ўзига-ўзи далда берди: «Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Менинг ўғлим-а! Пархоменко қисмида душманни қийқиртирган қизил гвардиячининг ўғли-я!» У яна Турдиевга қаради. Ўғли билан шаҳар кезганлари, қиш оқшомлари ярим кечагача қилишган суҳбатларини эслади. У отасининг суҳбатини севар, гражданлар урушига доир лавҳаларни севиб тинглар эди. Бир куни «Пархоменко» деган китобни кўтариб келди. Ўқиб тўхтаган ерини буклаб қўйган экан, аста очиб: «Ота, шу ерда ёзилганларнинг ҳаммасида сен ҳам бирга бўлганмисан-а? Энди ҳеч армонинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқдир-а? Орденингни қаерда олгансан?» деди ва китобни варақлаб душман билан кучли тўқнашув бўлган шаҳар ва қишлоқларни бир-бир санади. У ҳарбий китобларни севарди... Ўғил эмас, олтин!

Горкунов биринчилардан бўлиб колхозга кирди. Кулаклар хуруж қилганда уларга қарши қурол кўтарганлар орасида Горкунов ҳам бор эди. Акасини ўша кезлари, «кимдир» қирда чавоқлаб кетди. У, Горкуновнинг бир қориндан бахт талашиб тушган ҳам акаси, ҳам маслаҳатгўйи эди. Куйди, ёнди. Акасининг тракторини минди. Шу билан вайрона кўнглида гул битгандек бўлди... Колхознинг данғиллама биноларида у қўйган ғишт бор. Пойдеворга цементни ўзи қориб берган. Уфққа ёнбошлаган кўз илғамас семиз далаларда у очган қўриқ, кўкартирган мева бор. У ҳаётдан мамнун эди... Уруш бошланган куни ўғли тушки овқатда кўринмай қолди. Кечқурун келиб: «Ота, менга оқ йўл тила!» деди ва олдига ҳарбий комиссарлик қоғозини ташлади. Эртасига жўнади-кетди. Хайрлашаётиб ўпишгани ҳали ҳам ёдида. Тунов куни тушида яна ўпишди. Шундан бери кўнгли бетинч. Қисмга келган кундан буён жуссаси ихчам, товуши ингичкароқ йигитни учратса ўғлининг хаёли босади, ялт этиб қарайди... Эски позициядан шу ҳозирги ўтирган ерга кўчар эканлар, кимдир ингичка товуш билан сув сўраб қолди. Унинг товуши Горкуновнинг ўғлини эслатди. Сувдонини узата туриб, бетига қараса, ёшгина бир бола. (Ҳа, унинг кўзига йигит эмас, бола кўринди). Кўзи ёнади. Сувни ичди-ю, кўкрагига қўлини қўйиб, раҳмат айтди. Шу маҳал Элмурод походда пишган, порох тутунига димоғи ошна жангчиларни тўплаб, ёш жангчиларни ўз ёнларида тутиб, ҳатто ўз оталиқларига олишни таклиф этди. Горкунов жойига қайтиб келаётиб, ҳалиги сув сўраган йигитни яна кўрди. Бир нима демоқчи бўлган эди, у сувга кетаётганини айтиб, сувдонни сўради. Сувдан қайтди-ю, унинг олдидан кетмай қўя қолди. Кейин билса, фамилияси Турдиев, ўзбек экан. Унинг аллақаери ўғлига ўхшайди, аммо қаери эканини Горкунов ҳамон билмайди. Окопни ҳам ёнма-ён қазишди, мудофаа тутишди. Бомбардимон пайтида бирга бўлишди. Турдиев анча довюрак кўринди. Бироқ, ёнидаги окопга бомба тушиб, бир жангчини ўлдириб, уни тупроққа қорганидан кейин устидан самолёт ўтса, кўзини чирт юмиб оладиган бўлиб қолди. Учинчи куни Горкунов унинг қулоғидан чиқиб турган пахтани кўрди. Мактабда, машқ пайтида ПТР — танкка қарши қуролдан отганда

ўқ зарби уни ярим метр орқага силтаб ташлаганини эслади.

— Исминг нима? — деди Горкунов унинг бетидаги ҳар кунгидан кўра ўзгачароқ нурланишни кўриб.

— Турдиев.

— Йўқ, исминг.

— Мамажон.

— Яхши, Мамажон, — деди Горкунов ва бир нарса демоқчи бўлди-ю, бир оз ўйланиб қолди. Душман томонга кўз тикди. — Мен Миша десам хафа бўлмайсанми?

— Нега хафа бўлай, барибир. Сиз шуни маъқул кўрсангиз, майли!

— Гап маъқуллигида эмас, Турдиев, менинг Миша деган ўғлим бор. Сенинг баъзи ҳаракатларинг ўшанга ўхшаб кетади. Соғиндим. Сен ўғлим эмас, укам бўласан, — «ўғлим» дейишга тили бормади: ўғли ҳаёт-ку! Исмини тилга олиб турса, бас.

— У қаёқда?

— Фронтда.

— Хат ёзиб турадими?

— Ҳа,— деди бўшашиб Горкунов. Кўнглидан икки ойдан бери хат олмагани ўтди. «Йўқ» деса, ўғли: «Нега ундай дейсан, айб ўзингда, адресингнинг тез-тез ўзгаришидан кўр. Гоҳ фронтда, гоҳ госпиталда бўлиб қоласан» деяётгандай бўлди.

Орқада икки-уч мина портлади. Яна жим бўлди. Ўнг томондаги қишлоқ яна ёнмоқда, оловнинг тили илондек бурқсиб кўкка интилади, тутун оғир таралади.

— Қишлоққа яна ўт кетибди-ку? — деди Турдиев энди пайқаб.

— Душман — бойқуш. Оёғи етган ерни хароб қилади.

У ҳам қишлоққа қаради, бир неча бино ўт кетиш туфайли босиб қолган, баъзиси тутунга чулғаниб ҳамон бурқсайди, энг четидагиси — яқинигина снаряд тушган бўлса керак, гуриллаб ёнарди.

— Миша, Украина томонда бўлганмисан?

— Йўқ.

— Бу-ку, кичик бир қишлоқ. У ерда бутун-бутун шаҳарларнинг кулини кўкка совурди, бойлигини каламушдай ин-инига ташиб кетди. Далалар чигиртка ёпирилган экинзорга ўхшайди: қуп-қуруқ. Сен у ерларни ҳали кўрганинг йўқ. Шунинг учун ҳам бошингни буркаб, душманга эмас,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўкка қараб отасан, мен-чи, мен бирор ўқимни бўш кетганини кўрсам, юрагим ачийди.

Турдиевга Горкуновнинг гапи ғалати туюлди: «Наҳотки, немис шунақа бераҳм бўлса, бекорга ҳаммани ўлдириб, шаҳар ёқа берса, ахир у ҳам одам-ку, унинг ҳам бола-чақаси, уй-жойи бордир». У қишлоғида экан, бир маҳал германнинг ўқимишли, ишбилармон халқ эканини аллакимдандир эшитган эди. Шундан бери «немис» деса, унинг кўз олдига шаҳардан чиқиб, байрам кечаси маъруза қилган коверкот костюмли, галстук тақкан киши келарди. Горкунов душманнинг кирдикорини гапирар экан, ичида «Жилла бунчалик бўлмаса керак» деди. Аммо очиқ айтолмади.

— Душман душманлигини қилади-да,— деди Турдиев Горкуновнинг фикрини қувватламоқчи бўлиб.

— Бу гапинг тўғри!— деб Горкунов унинг кўзига кўзини жиддий тикди.— Гап унинг душманлигида эмас, дунёда энди уруш бўлаётгани йўқ. У ёлғиз Совет давлатига қарши эмас, у сенга, менга, ҳаммага қарши. Бу бойваччаларнинг фикрича, ёлғиз у сара-ю, қолган миллатлар пачоқ. У бошқаларни оёғининг учи билан кўрсатади. Мен гўшт ейман, сен суяк тозала, мен аравада ўтираман, сен торт, дейди. Мен сени назар-писанд қилмайман, сен менинг ҳурматимни бажо келтир, дейди. Мана шунинг учун у ҳаммани душмани.

Орқа томондан Элмуроднинг товуши келди:

— Мен айтдимми, вассалом. — Бир оз ўтиб, яқинроқдан яна гапирди. — Старшина, эртага яна шунақа овқат тайёрласанг, мендан яхшилик кўрмайсан. Бу ерда ёвғон шўрва ичадиган парҳезлилар йўқ. Лейтенант Шиловни менга чақиринг!

— Салом, ўртоқ Горкунов, — деди Элмурод келиб ва унинг кифтига ёпишиб ётган намхуш тупроқни қоқди. — Совуқми?

— Сиз, ёшларга билмайман қандай, аммо менга сал салқин, кексалик! — шинелини елкасига ташлаб олган Горкуновнинг кулгидан кўзи қисилди.

— Қани энди сизга ўхшаган кексадан кўпроқ бўлса, бир ойдан сўнг Берлинга борадиган катта кўчага тушиб олармидик... Қандай кекса эканлигингизни кеча кўрдим. Раҳмат! Мана буларни шунақа жанг қилишга ўргатиш керак,— деди Элмурод Турдиевни кўрсатиб.

— Ёш, ўртоқ лейтенант, душман зулмидан қовурғаси қайишмаган.

Шу вақт узоққа отар тўпларимиз душманни қаттиқ ўққа тутди. Бир снаряд портлаши босилмай, иккинчиси ҳуштак чалиб учарди. Душман позицияси бодроққа ўхшаб потиларди. Кўкни чанг-тўзон босди. Ҳалигина кўриниб турган дарахтлар кўздан ғойиб бўлди. Узоқдан, боғ кўчада пода келаётганга ўхшарди. Ҳалигача ўзининг янги позицияларини фош қилиб қўйишдан қўрққан батальон тўплари ҳам тилга кирди. Уларнинг отилишидан «гуп-гуп» этиб чиққан товуш яққол эшитилар ва стволи оғзида ҳосил бўлган аланга баҳор чақмоғидек «ялт-ялт» қилар эди.

— Ҳалиги қарзини узянти, — деди Элмурод ва команда пунктига қараб кетди.

Горкунов унинг орқасидан қараб, Турдиевга деди:

— Юрагида ўти бор, солдатники яхши кўрадими, зўр командир бўлишидан нишона шу!

Дарахтлар орасида, йўлда, майдонда душман танклари кўринди. Улар жанговар тартибда таралиб келар эди. Тўпидан ҳар ўқ узганда, қаттиқ йўталган кишидек бутун гавдаси билан сесканарди. Пулемёти тинмай бодроқ сочар, стволи оғзидан ўт ўчмас эди.

— Менга қара! Бугун кечагидай қилсанг кўрасан! — деди Горкунов Турдиевга ва кетидан кулди,— Миша деган унақа бўлиши керак эмас!

Танк пайдо бўлганда Йўлдош артдивизион командири билан телефонда гаплашмоқда эди. Йўлдош телефон трубкасини «хўп, хўп!» деб алоқачига қайтиб берди. Бўйнига осиғлиқ дурбинини чап қўли билан ушлаб қаддини ростлади-да, тўплар турган томонга кетди. Кузатув пунктига ўтиб дурбиндан қаради. Ўрмалашиб келаётган танкларни санади.

— Диққат! Диққат! Тўплардан ниқоблар олинсин. Снарядлар устма-уст отишга тайёрлансин!

У яна танк келаётган майдонга қаради. Унинг танкка қарши тўплари ёпиқ позицияда эди.

Тўпчилар тўплар устига ниқоб қилиб ташланган ўт ва шохларни олдилар. Стволларини отишга ўнглаб кўтардилар.

Танклар кенг, очиқ майдонга чиқди. Бошқа батареялар ўтга тутди. Гусеницалари ишдан чиққан бир-икки танк турган еридан ўт очарди. Ана бири ёнди, яна бири ишдан чиқиб тўхтади, бир оздан кейин унга ўт кетди.

Олдинги танк йўл ёқасига ва олдинга ташланган танк қирувчилардан 200—250 метргача яқин келди. Атрофда тинмай портлаш. Ҳуштак чалиб ўтган миналар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўлдош дурбинини чап қўлига олиб, ўн қўлини юқори кўтарди.

— Расчёт, диққат!

Қўлини кўтарганча бир неча лаҳза турди, кўзи танкларда. Қўлини силтаб пастга туширар экан, баланд овоз билан команда берди:

— Огонь!

Иккала тўп ҳам ишга тушди. Йўлдош кўзини танклардан узмай, илгаридан тайёрлаб қўйилган ориентирлар бўйича ўт очишга кетма-кет команда берарди. Шу вақтгача оғзига сўк солиб ўтирган бошқа замбараклар ҳам сайрай кетди. Танклар кенг даланинг ҳар ерига тўплаб қўйилган хаста гугурт чаққандек бирин-кетин ёнар, ҳали олов ҳалқумидан тутмаганлар ҳамон ўрмаларди.

— Огонь!

— Огонь!

Тўпчи командирларнинг товуши янграр, снарядлар ернинг кекирдагидан тутамлаб, кўкка қараб суғурар, портлар эди.

Йўлдошнинг товуши гумбурлашлар ичида эшитилмасди. Энди у ёлғиз қўлини силташ билан команда берарди: Огонь! Огонь!

Танклар танк қирувчи жангчиларнинг окопига яқинлашмоқда. Мана, мана, уларни окопда эзиб ташлайди, уларнинг милтиғи бот-бот қимирламоқда, гоҳо бошлари ҳам кўриниб қолади.

Йўлдош тўпчиларига қараб бақирди:

— Тўпларни очиқ позицияга олиб чиқинг!

Тўпчилар шу командани кутиб тургандек, бирдан тўпларига ёпишдилар. Олдинга ғилдиратиб қолдилар. Олтинчи номер тўпчи янги позицияга снаряд таширди. Энди улар танкни, танк буларни очиқ кўрарди.

Тўплар яна ишга тушди. Бу вақтда команда бериш ортиқча. Наводчик ўз рамзи билан нишонга ола беради.

Жанггоҳ қизиб кетди. Тўплар ёнида снаряд ёрилади. У ҳеч кимни чўчитмасди. Ўқлар «шит-шит» этиб ер ўпади, новчароқ ўтларнинг шарт этиб белини узади. Снарядлар шигиллаб келиб, гумбурлаб тўфон кўтаради. Портлаш зарбидан ҳосил бўлган тўзон жангчиларнинг бетига, кийимбошига ўтиради, оғзига кириб, тишлари орасида ғичирлайди.

Биринчи тўпнинг наводчиги сариқ мўйловли солдат ўзининг қизиқ ва чаққон ҳаракатлари билан Йўлдошнинг

диққатини тортди. У, шу ролни ўйнаётган артистга ўхшайди. Унинг каскаси остидан тўзғиган сочи ва қип-қизариб бўйни кўринади. У кеча ҳам шундай бўзариб, ўзича сўкиниб, икки танкнинг бахтини қора қилган эди. Йўлдош уни яхши кўради, фамилияси билан эмас, «амаки» деб мурожаат этади. Кеча жангдан кейин Йўлдош: «Амаки деганимга хафа бўлмайсизми?» деган эди, «Бир замонлар, ёшлигимда, «Ванька артиллерист» дердилар, энди «амаки» десалар нима қилибди?» деди ва будённийнамо мўйловини силаб қўйди. Мўйлов унга улуғворлик бахш этарди. Мўйлов билан фахрланса керак, бўш қолди дегунча уни силар ва учини бурар эди. Ҳозир унинг мўйлови тўзғиган, текислашга вақти йўқ. Эҳтимол, эсига ҳам келмас. Унинг ҳаракатини диққат билан кузатган киши, ҳовлиқиб қолибди, дейиши мумкин. Аммо у одат бўлиб қолган машқини такрорлайди, холос. Уни эски армия хизмати, гражданлар уруши шунга ўргатган.

Ана у сафдан чиқди. Бети билан душманга қараб йиқилди. Йўлдош унинг ўрнини ўзи олди — бошқа киши йўқ эди. Бир неча дақиқа жим қолган тўп душманга яна жаҳаннам оташи йўллай бошлади.

— Ол, насибанг экан, кейин ўпкалаб юрма! — дерди Йўлдош ҳар ўқ узганда. Унинг кўзига қон қуйилган, юз томирлари бўртган эди.

Танк қирувчилар камоли жасорат билан ҳужумга ўтганда Элмурод команда пунктида эди. Кўзини рўй бераётган вазиятдан бир нафас ҳам узмай, гоҳ взводлардан келган связнойларни, гоҳ Бондарни бўлинмаларга ғизиллатиб турди. Командирлардан қаттиқ, жанговар интизом талаб этди, бемаҳал ўт очган бир бўлинмани койиди. Телефон кам чақирар, баъзан Данильченко вазиятни маъруза қилишни талаб этар эди. Товушида ўша палағда оҳанг, ҳамон сўзларини бураб-бураб ташлайди. Ҳали ҳам «устав» деган сўзни тез-тез ишлатади. Танклар очиқ майдонга чиққач, БУПнинг[1] аллақайси моддасини айтиб, ўшанга риоя қилишни буюрди. Элмурод кейин билса — ёдига туширса, «автоматчиларни танкдан ажрат» деган экан.

— Бондарь! — деди Элмурод.— Ҳув кўрдингми, ориентир учдан икки эллик сўлда, қандайдир ҳаракат бор. Ҳужумга тайёрланмоқда. Миномётга айт, иккаласи ҳам бутун зарбини ўша ёққа бурсин.

[1] БУП — пиёдаларнинг жанговар устави.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бондарь «Есть!» деганича алоқа йўллари орқали учди.

Танклар ҳамон илгариламоқда. Танк қирувчи ва артиллериянинг маҳорати яхши. Йигирмадан ортиқ танкнинг ярмидан кўпи ер тишлади. Майдон оташгоҳга айланмоқда, душман автоматчилари ҳамон танклар орқасида. Баъзи бўлинмалари ёнган танкдан узилиб ерга қапишди. Ҳамма ёқни «тир... р... р, тир... р... р» босиб кетди. Танк қирувчиларнинг даҳшатли ҳужуми уларни орқадан чиқиб «ваҳ!» дегандек ҳуркитди. Элмурод улар ичида аллақайсиларнинг нимадир бақираётганини, тўппончалик қўлини шу томонга чўзаётганини кўрди. Товуши эшитилмас эди. «Офицер олға ундаяпти шекилли» деб ўйлади. Аммо ҳеч ким қимир этмасди. Уларнинг қўрғони — танк ёнмоқда, у билан бирга уларнинг бутун жасорати — ҳарбий маҳорати ва ботирлиги куймоқда, кул бўлиб сочилмоқда, тутун бўлиб кўкка совурилмоқда эди. Олдидаги икки танкнинг мипага учраганини кўрган кейингиси йўлини ўзгартирди. Ер тишлаб, офицерга хитлик қилаётган автоматчилар унга эргашуви мумкин эди. Буни Элмурод ҳисобга олди:

— Пулемёт взводининг связнойи, менга қара, — деди Элмурод.

Унга жиккаккина бир жангчи кўз қадади.

— Биринчи расчётга айт, ҳув анави ётганларни кўряпсанми, ўшаларни бош кўтартирмасликка ҳаракат қилсин.

Ўзи ҳам унинг кетидан чиқиб жўнади. Ана, автоматчилар кўтарилди, танкка эргашди, қоп-қора автоматларини қоринларига қўйиб, дуч келган томонга ўқ ёгдирмоқдалар. Горкунов Турдиевга: «Кўрдингми, сенинг ўқинг ҳам тегиши мумкин, рост чирпирак бўлиб агдарилдими» деяётганда, Элмурод уларнинг орқасидан туриб бақириб қолди:

— Барча қуроллардан огонь!

Турдиев чўчиб тушди, сўнгра «мен ҳам душманнинг бирини тўнғиз қўптирдим» дегандек саросима аралаш жовдираб турган кўзини Элмуродга тикди. Ҳаяжонининг зўридан бўлса керак, милтиқ тутган қўли аста титрарди. У Горкуновнинг кўрсатиши билан ўт кетган танкдан чиқиб, орқасига қочаётган фрицни нишонга олган эди.

Автоматчилар олдидаги танк сафдан чиқди. Аммо автоматчилар энди ётмади, ҳамон ўқ узиб, ҳатто сал энгашмай босиб келарди. Баъзилари биров икки оёғига боғланган арқонни бирдан силтаб тортгандек, гуп йиқиларди. Орқадагиси уни босиб ўтар, Геббельс унга атаб нашр этган «Немис солдати учун қисқача немис-рус ҳарбий луғати»дан ёдлаб

олган «рус сдавайся! Руки вверх!» сўзини такрорлар, олға интилар эди.

— Огонь, Огонь! — бақирарди Элмурод ва автоматидан тинмай ўқ сочарди. Дам ўтмай ўзидан сал йироқда бўлган станокли пулемётга «бирор ҳодиса рўй берса ўзим...» дегандек кўз ташлар эди.

Икки оралиқ масофаси қисқаргани сари, икки ёқдан ҳам қурбон сони ошар эди. Оралиқ даҳшат, қиёмат тусига кирарди.

Элмурод атакага тайёргарлик кўриш — гранаталарни ҳозирлаш ва милтиқларни тўла ўқлаш ҳақида команда берди. Бир неча дақиқадан сўнг ўлган бир жангчининг найзали милтиғини олиб, ротани атакага бошлади, бор товуши билан ҳайқирди:

— Рота, за мной в атаку!

IV

Шу куни душман уч бор ҳужум қилди. Қуёш ярадорлардай қонли этагини судраб уфққа бош қўйганда сўнгги отишмалар давом этарди. Чанг аралаш тутун ҳалқа-ҳалқа бўлиб кўкка, осойишта бўшлиққа интилар эди. Ўликларнинг пурсиз бетларига қўниб, яна ҳам хунук тусга киритар эди. Тупроқ қон, ўтлар қон, милтиқ, автоматларнинг сопи қон. Найзаларнинг синган учлари узилган калтакесак думидай ерда ётарди.

Элмурод бирпас ўтиргач, кўзларининг қисилиб кетаётганини сезди. Тушидами ёки хаёлидами, ишқилиб, аллақандай англаб бўлмас нарсалар кўз ўнгидан ўтар, ҳеч бирини эслаб қололмас эди. Бирдан хаёл эшигини Зебонинг юмшоқ қўллари қоқди. Чақмоқдек ялт этиб кўнглини ёритди. Бригада Бокудан тревога билан тунда жўнаган туфайли у билан сўнгги бор хайрлаша олмаганини эслади. Хайрлашиш чоғида Зебо йиғлармиди? Сўнгги сўзи шима бўлар эди: эҳтимол бўйнига қўлини ташлаб, атрофдагиларга парво қилмай ўпар, «Мен сени севаман. Тошлар эриб, дарёлар қуриб кетгунча бўлса ҳам кутаман. Қалбим, таним, жоним, руҳим — ҳаммаси, ҳаммаси сеники. Ғалаба кунини кутгандек сени ҳам орзиқиб кутаман» дермиди? Аттанг, минг аттанг, хайрлашолмади. Элмурод чамадонини уникига элтиб ташлаган куни у бирга келди. Қаёққа борса, бирга бўлди. Квартирада нималар ҳақидадир суҳбатлашдилар, китоб ўқидилар. Ёшлик, севги-садоқат ҳақида қизғин баҳс-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашдилар. Ўша куни Зебо ётиб қолди. Элмурод унга каравотга, ўзига полга ўрин қилар экан, кўнмади. Элмуродни каравотга ётқизиб, ўзи ердаги жойни олди. Алламаҳалгача ухламадилар, яна уруш, ҳаёт, умр ҳақида суҳбатлашдилар. Элмурод уйқуга кетган экан, бир замон кўзини очса, Зебо унинг адёлларини тузатиб, ёстиғини тўғрилаянти. Элмурод: «Совуқ эмас-ку!» деса, «Шундай бўлса ҳам...» деб жавоб қайтарди. Уйқу қочиб, яна суҳбатлашдилар. Шуларнинг ҳаммаси Элмуродга ҳозир бўлиб ўтгандек туюлди. Шу он у ўзини ўша кечада ўтиргандек ҳис этди. Зебонинг қулоғига яна нималардир демоқчи бўлди — гапининг чаласи қолганга ўхшарди. Шундай дақиқа, шундай кечанинг гапи ҳеч тугармикан? Севгани билан суҳбатлашиб гапи адо бўлган киши бормикан?

Эртасига Зебо уйига бориб, оиласини тинчитиб, хотиржам қилиб келди ва кечгача Элмуроддан ажралмади. У мактабга кириб кетар экан, кечаси чала қолган китобни мутолаа қилиб, Элмуроднинг чиқишини кутди. Кечқурун, эрталаб учрашишни ваъда қилиб оддийгина хайрлашди. Шу кечаси Элмурод сафарга отланди... На Зебо, на она билан хайрлашди. Станциядан уларга хат жўнатди. Шу-шу ҳеч кимдан хат йўқ. Тошкентга хат бориб, жавоб қайтгунча туғилган боланинг чилласи чиқади. Нега Зебо ёзмайди? «Жоним билан ёзаман, ўқиб улгурсанг бас, саводимни шунга ишлатмасам, нимага ишлатаман? Хотиржам бўл» деган эди. Наҳотки, энди унутган бўлса, йўқ, тош эриб сув бўлару, у сўзидан қайтмайди!

Бир неча дақиқадан кейин Элмурод ташқарига чиқди: ракета сийраклашган, тун ҳалигидан анча ёришган, юлдузлар баттарин нурсиз, ой уфқдан энди бош кўтарибди. Уйғонган ел жизғанак, қўланса ҳидни димоққа зўрлаб уради. Қишлоқнинг бир нечта хаталари ҳамон милтиллаб ёнади, гоҳо қирсиллаган овоз чиқади. Уни ўчирувчи киши йўқ, аҳолиси аллақачон кўчган, қолганлари немис келишидан бир неча кун аввал тоққа чиқиб кетган. Бир-иккита хонадон қолган экан, бригада шу атрофда мудофаа тутгач, «бу ерда уруш бўларкан» деди-ю, боласини опичлаб, керакли нарсасини замбилгалтакка солиб, қаёққадир жўнади. Ҳозир бўм-бўш, гоҳо битта-яримта мушук у ёқ-бу ёққа ўтиб қолади.

Сойлик томондан келаётган тетик ва янгроқ овоз Элмуроднинг ўйини бузди. У тинглади. Борисов қаҳрамонликка чақирувчи шеър ўқиб келарди:

— Раҳмат Борисов! Бу шеърни ҳар куни жангчиларга ўқиб бериб туриш керак,— деди Элмурод унга кўришгани қўл узатаркан.

— Овқат ўрнига ўтадими? — кулди Борисов.

— Руҳий озиқ, моддий озиқдан қолишмайди.

— Сўзнинг дами қиличдан ўткир,— кейин қўшиб қўйди у.— Бугун фрицни тоза қирдикми-а, кўнгил тўқ.

— Бу гапингиз тўғри,— тасдиқлади Борисов,— танк бизга етиб келгунча қорним очиб турувди, танклар қирилиб битгандан кейин мундоқ қарасам, тўйиб қолибман.

Лейтенант кўзини ҳалигина ўликлар ётган майдоннинг (ҳозир улар йиғилиб битган) бир бурчига — танк қирувчилар ётган томонга тикди. Ҳеч нарса кўрмаса ҳам ундан биров чиқиб келаётгандай кўзини олмади.

— Турдиевни танийсизми? Элатингиз-чи? — деди Борисов ва Элмуроддан «ҳа» жавобини олгач, кулиб давом этди: — ўзида йўқ шод. Бир гитлерчини нишонга олибди. Йиқилишларини қилиб беради. Окопдан чиқиб келаётсам: «бир саволим бор, сўрасам майлими?» деб қолди.

«Ҳа, хўш?» дедим. «Кеча, патриот, патриот, дедингиз, ҳали яна бир-икки кишидан қулоғимга кирди. Лейтенантимиз ҳам кўп ишлатадилар. Шу нима дегани?» деди.

— Тушунтирдингизми? — уни бўлди Элмурод.

— Тушунтирганда қандоқки, дилига нақш қилиб ўйиб қўйдим.

— Бугун нечта ўлдирибди?

— Битта шекилли, сўрамадим.

— Эртага бешга етказади.

Штабдан одам келиб, Элмуродни чақириб кетди.

Данильченкони мудроқ босган экан, Элмуроднинг келганлиги ҳақидаги докладидан чўчиб, кўзини очди. Кўзлари ич-ичига тушиб кетган, қонталашган. Чироқнинг қия тушган нуридаими ёки ўзи шундайми, қовоғининг ости Элмуродга кўкаргандек кўринди. Ихчам елкалари яна ҳам кичкина тортиб кетган, бурнига чертса йиқилгудай чарчаган бўлса ҳам, ўзини тетик тутишга, ҳар вақтдагидек муомалада бўлишга тиришар эди. Буни Элмурод «ўтиринг» дейишиданоқ билди.

— Телефонингиз бузилганми? — сўради Данильченко.

Элмурод: «Яна нега сизлашга кўчди?» деб ажабланди;

— Йўқ. Гапираётган эди.

— Ертўладамидингиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элмурод қаердалигини айтди. Данильченко уни нима учундир энди кўраётган кишисидай этигидан тортиб козирёги атакада дарз кетган фуражкасигача қараб чиқди. «Нима излаяпти? Бу ер мактаб эмас-ку, тугмача, тўқа ва юлдузларнинг ярқирашини, гимнастёрканинг силлиқ туриши, икки ёқанинг паст-баланд тикилишини текширса?» деган хаёл Элмуроднинг кўнглидан ўтди. Данильченко бошқа кишиларни чиқиб туришга таклиф этди, Элмурод «Сирли гани бор шекилли?» деб ўйлади.

— Найзабозликда жангчилар дурустми? — ўзи кўрмай, бировдан эшитган кишидек сўради Данильченко.

— Чакки эмас, олиб кириб турса бўлади,— оҳиста жавоб берди Элмурод.

— Уставни бузиб қилган бу ўзбошимчалигингиз учун виговор эълон қиламан,— деди Данильченко ва стол устидаги «Красная звезда» газетасини олиб Элмуродга тутди:— Командир бўлинмасини ўзи бошлаб атакага олиб кириш эмас, уни кузатиб туриши ва бошқариши керак. Яхши ҳам жангчиларингиз пухта, чиниққан, бўлмаса, бўлинмангиз капут эди!

— Есть виговор! — Элмурод иргиб туриб, қўлини чаккасига олиб, устав талабини адо этди. Газетани қўлига олиб, кўз ташлади. Унда «Жангда командирнинг ўрни» деган мақола босилган эди. Комбат ўқишга буюрди. Элмурод тик турганича бир сидра кўз югуртириб чиқди. Баъзи ерларининг ўзи қора ҳарфлар билан терилган бўлишига қарамай, остига қизил қалам билан чизилган. Бу Данильченконинг иши. У шунақаларни яхши кўрарди. Мақолада бўлинмасини ўзи атакага бошлаб кириб, орқада нима бўлаётганини билмаган командир танқид қилинарди. Данильченко айтгандай командир орқароқда бўлиши, ихтиёрида бўлган қуролларнинг ўт очишини бошқариши, ўзида йўқ, аммо шу дақиқада зарур бўлган қуролларнинг қаёққа қараб ўқ йўллашини тегишли бўлинма командирларидан талаб этиши кераклиги ёзилган эди.

Элмурод газетани ўқиб бўлгач, столга қўйди.

— Буни кўринг,— у Элмуроднинг олдига бир варақ қоғоз сурди,— ҳамманикидан сизнинг ротангизда талафот кўп.

— Чунки душман асосий зарбани менинг районимга қаратган эди,— изоҳ берди Элмурод.

— Жуда ҳам сиз ўйлаганча эмас,— салмоқлади комбат. У яна Элмуродга чўкиб кетган ҳорғин кўзларини тикиб, анча маҳалгача ундан олмади.

Элмуроднинг кўзига унинг худди шундай тикилиш билан бугун атака чоғида ўз резервини бошлаб келиб, кўмакка ташлагани, орқасидан телефон аппарати билан югуриб юрган телефонист қўлидан трубкани олиб, бригада штабидан ниманидир қаттиқ туриб талаб қилгани, бир оздан кейин душманнинг чекиниш томони артиллериямиз ўти билан титиб юборилгани кўриниб кетди. Данильченко ҳамон кўзини лейтенантдан олмас эди. Орага нафас олиш эшитилгудай жимлик чўкди. Иккисининг ҳам димоғидан ҳаво урилиб ўтарди, майин хириллаш овози чиқарди. Элмурод ўнғайсизланди, оғзи билан ҳам нафас ола бошлади. Буни Данильченко пайқади:

— Бурнингга атаканинг порохи тўлганга ўхшайди,— у энди сенлади ва аста қўзғалиб типпа-тик турган Элмуродни қучоқлади, бағрига босди. Икки елкасидан ушлаб, бир-икки силкиди.

— Яша! Жасурона атаканг учун ташаккур эълон қиламан. Полковник Ягуновнинг ҳам ташаккурини қабул эт.

— Ягунов яраланибди, деб эшитдим, тўғримй?

— Тўғри-ку, лекин жангчилар билмасин. Уни яхши кўрадилар,— деди комбат ва Элмуроднинг сўроғи билан маъюсланган юзига табассум нурини чиқариб давом этди.— Бригада штаби билан келишдик. Улар рози. Штаб бошлиғи вазифасини ҳозироқ ўтказиб олишинг мумкин.

Элмурод бир вақт ичида устма-уст қалашган виговор, ташаккур, мансаб қаршисида эсанкираб қолди. На «ҳа», на «йўқ» дейишини биларди.

V

Қуршов!

Элмурод мактабда командир экан, бу сўзнинг қанчалик маъноси борлигини хаёл кўзгусида жонлантириб кўрмаган экан. Мана уч кунки, бу сўз бўлинмаларда, ҳар жангчининг оғзида, Элмурод бу сўзни эшитса, матраб билан урилиб, тўрга ўралган бедананинг патиллаши кўз олдига келади, у, бедананинг ҳамма вақт овчи қўлига туша бермагани, энди тўрни пайпаслаб бориб, хиппа бўғаман деб турганда «пар» этиб учиб кетганини ҳам биларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элмурод биринчи куниёқ Борисов ва бошқа агитаторларни йиғиб, жангчилар орасида кўз-қулоқ бўлиб туришни, агитация ишларини яна ҳам кучайтиришни буюрди. Кечқурун комсомоллар билан бирликда партия мажлиси чақириб вазиятни муҳокама қилишни тайинлади. Мажлисда ўзи ҳам иштирок этди. Мажлис Борисовни кеча ўлган партия ташкилотчисининг ўрнига батальон партия ташкилотчиси қилиб сайлади. Данильченко бригада штабига чақирилгани учун мажлисда бўлмади. Тонгга яқин хуноб бўлиб қайтди. Одатдагидан ташқари камгап, саволларга ҳам қисқа, тўмтоқ жавоб бериши билан Элмуродни ёрилмас чипқондек қийнаб юборди. Овқатланар экан, «Ягуновнинг яраси оғир, ўжарлик қилиб штабда ўтирибди» деди. «Бу ёғини ўзинг топ!» дегандай одати бўйича солдатчасига овқатланишга киришди.

Эрталаб тўртинчи батальонга душман ҳужум қилаётгани ҳақида хабар келди. Сал вақт ўтмай замбарак ўқларининг ерни шопиришидан ҳосил бўлган тутун аралаш чанг тоғ орқасида кўриниб, гумбурлаши эшитилди. Элмурод Мурзинни эслади. Мурзин ўша батальонда. У Мурзинни мактабда Махалов билан тортишганидан бери, нима учундир, арава михдек тани ингичка, бошн — қалпоғи япалоқ шаклда тасаввур қилади, унинг бежирим, ихчамлигини унутади. Бу Мурзиннинг ўжарлиги, ўзини бошқалардан билимдонроқ тутгани туфайли бўлса керак. Элмурод у билан фронта келгандан бери кўришгани йўқ.

Тўртинчи батальон биқинида бошланган ҳужумдан сўнг, Элмурод кутгандек, душман бу иккинчи батальонга қарши ҳужумга кўчмади. Яна жимлик чўкди, оддий фронт ҳаёти борлиқни қоплади. Гоҳо-гоҳо пақ-пуқ этган милтиқ ўқлари эшитилиб қолади.

Кечга яқин Данильченко кириб келди. Унинг ёноқ суяклари яна ҳам бўртган эди. Ориқ киши сал гўшт қочирса ҳам, дарров кўзга ташланар экан.

— Полковник ўлибди,— деди у.

— А?!—Элмурод сўзни тўла эшитган ва маъносига тушунган бўлса ҳам, аллапечук беихтиёр сўради. Оғзи очиқлигича қолиб, кўзлари бақрайди. Ярага ёпишган латтани шартта сидириб олгандай борлиғи зирқиради, тилигача музлаб кетди.—Яраси енгил эди шекилли?

— Эвакуация қилишга кўнмаганини эшитган эдинг. Бугун бир-икки марта ҳушидан кетибди. Шунда ҳам

штабдан кетмабди. Ахир бўлмагач, бир ҳушидан кетганда санитар самолётига олиб учишган экан, госпиталга етмай, вафот этибди.

Элмурод орага чўккан сокинликни бузиш жиноятдай, аста ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Алоқа йўлларидан юриб кетди. Аммо кимнинг олдига, қаерга боришини аниқ билмасди.

Горкуновнинг шоша-пиша туриб қарши олиши уни тўхташга мажбур этди. У, ўз ротаси билан бир-икки кундан бери кўришмаган, қариндошинникига борган бола ўз уйини соғингандек соғинган эди. У қўл олиб кўришди. Бир оз кўнгли ёришди. Рашиднинг қарши томондан келаётганини кўриб, Турдиевнинг қўлини анча маҳал қўйиб юбормай турди. У Турдиевнинг қизариб кетганини сезмас эди. Бу ўша, 159-полкдан кеча ўтиб келган сержант Рашид, ўзбек, тошкентлик. Кеча Элмурод у билан суҳбат қилган эди. Элмуроднинг кўнгил пинҳасига тош отган, ўкситган, Муҳаррамнинг эри! Кутилмаган тасодиф. Унинг севганига уйланган рақиб, бугун ўз қўлида, ундан кўмак ва шафқат истайди. У, кеча Элмурод билан учрашганда ўз элатини топганидан қувонди, солдатга хос софдиллик билан юрак-бағрини командирга очиб солди. Элмурод ўзининг унинг хотини Муҳаррамга институтдошлигини айтди, бироқ Муҳаррамга бўлган муҳаббатини яширди. Рашид Муҳаррамнинг институтдоши қўлида урушажаги, ундан доимо эҳтиром кўриб туришига қалби ишонди, қувонди. Элмуроднинг ичини эски севги рашки тирнаб, кўнглига тун қоронғилиги чўкди. Рашиднинг: «Хотиним билан турган уч ой никоҳ оқшомидай тотли ўтди. Ҳузур муҳаббат, садоқатда экан!» дегани Элмуродга жуда ҳам оғир ботди. «Жўрттага шундай деяпти, воқеадан хабардор экан» деб англади. Аммо янглиш бўлиб чиқди. Унинг сўзларидаги бунчалик тўлқин, гурур, самимият ҳали васлига термилиб тўймаган ёш хотиннинг соғинини тўла ифодаси муҳаббати ва нафасининг ҳарорати экан. Қачонлардир севгандек бўлиб юрган ва кейинчалик номаълум сабаб билан бошқага теккан қизнинг фазилатларини ўз рақиби оғзидан эшитиш нақадар даҳшат эканини Элмурод бутун вужуди билан ҳис этди. Лекин юрагига қулоқ солса, Муҳаррамнинг севгиси қалбида аллақачон сўниб битган. Уни ўйласа, кўз олдига Зебо келади. Муҳаррам қачонлардир кўрилган яхши тушга ўхшайди. Бироқ мана шу кўҳна севгининг оқибатини ўйлар экан, нафсониятига тегар, йи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гитлик ғурурига путур еткавган, севгисини рад этгани ва рад этилишига сабаб бўлган кишига нисбатан кек ва рашк қўзғарди. Бу ғурур рашки унинг кўзига шунчалар ширин сўз қилиб турган ҳамшаҳарини хунук кўрсатарди, ғашини келтирарди.

Мана шу ғашни келтирувчи одам унга холисона қўлини узатиб келмоқда. Элмурод у билан кўришди.

Элмурод қалбидаги рашк тўфонини сездириб қўйишдан ҳайиқиб, Рашидга ортиқча гап ташламади.

— Ўртоқ Горкунов, Турдиевнинг бурни ер кавлай берганидан учи тўмтоқлашиб қолибдими?—деди у Турдиевнинг елкасига қўлини қўйиб.

Турдиев уялиб ерга қаради. Горкунов гап Турдиевнинг юраксизлиги ҳақида бораётганини фаҳмлади:

— Йўқ, ўртоқ лейтенант, душманга чўзилиб қарайверганидан, буни кўринг, боши юқорига узунчоқ гортиб кетяпти,—Горкунов унинг бошидан каскасини олиб, қайроқ пусха бошини кўрсатди, баравар кулишди.

— Вақт-бевақт қарайвермасин, кўзмунчоқдай ўртасидан тешиб қўяди. Немиснинг ўқи ҳам одамига тегади-я.

— Ажалим етган бўлса тегади-да, бўлмаса нимани тегади, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади,—деди Турдиев.

Рашид кулгидан очилган лабини йиғиб, деди:

— Эҳтимол бу ростдир, лекин ўринсиз ҳаракат ажални чақириши ҳам мумкин. Эҳтиёт шарт. Лекин эҳтиётни қўрқоқликдан фарқ қилиш керак.

Рашиднинг гапи гарчанд холис ва муҳокамали бўлса ҳам, нима учундир Элмуродга тиканли туюлди. Унинг товуши қулоғига хунук эшитилди. Рашид кечадан бери Элмуродга бесўнақайга ўхшаб кўринарди.

— Миша,—Горкунов командир олдида ўзи яхши кўрган исм билан атаб қўйгани учун тезда тўғрилади,—Турдиев анча эҳтиёткор. Об-ҳавога қараб ўзгариб турадиган барометрнинг ўзи, жангнинг боришига қараб хатти-ҳаракат қиладиган бўлиб қолди.

— Ундай бўлса дуруст,— кулди Элмурод,— у энди «патриот» сўзининг том маъносини билади, шундай эмасми, Турдиев?

— Билмагандан кейин...

— Сўраб жуда тўғри қилгансан. Фронт ёлғиз қон тўкиш майдонигина эмас, тарбия мактаби ҳам. Бу ерда кишилар ўлим кўриб, қон кечиб ҳаётнинг туб маъносига

етадилар. Урушдан сўнг кишиларнинг ўз қишлоқларига, шаҳарларига ҳаётий тажриба орттириб, ақли ошиб қайтишлари ҳеч шубҳасиз.

— Эри доимо ёнида бўлганида унчалик қадрламаган хотинлар ҳам, урушдан сўнг эрини қаттиқроқ қучоқлайдиган, серноз, сермулозамат бўлади денг?—тегишди Рашид.

— Худди шундай, эрлар ҳам. Сизники жуда бошқача кутиб олса керак, ҳали кўнглига заҳа етиб, муҳаббат ўрнини ҳаётий чидам, оппавий ташвиш алмашмаган, шабнам ювган майсадай диркиллаб турган пайти. Бу яқинда хат олганингиз йўқми? Тошкентда қандай янгиликлар бормиш?

Элмурод унга киноялиқ боқди. Кўзидаги оғир дардни яшириш учун бошқа томонга қаради.

Рашид кўкрак чўнтагидан хат олиб Элмуродга узатди... Ўша таниш хат, ўша «д, р, у» ҳарфларининг думи гажак ҳуснихат. Шундай чиройли хатларнинг озмунчаси Элмурод қўлидан ўтганми? Худди шундай хатлардан бири унга жаҳаннам азобига солган, тириклай ўлдириб, фикри ўйини банд қилиб ташлаган эмасми? Ана шу ҳуснихат Рашидга, қонуний эрга, умр тилаб меҳру вафо тўла соғиниш изҳор этади, ўйлаб ётиб кўрган тушларини баён қилади. Шу қалам эгаси билармиканки, Рашид ўз оёғи билан рақиби олдига келди? Борди-ю, Элмурод қасос олса, бу сир унга, Муҳаррамга умрбод сир қолиб кетар, мотам тутар, Элмуродга самимий дўстидек муомалада бўлар, унинг жанговар лавҳалар ҳақидаги суҳбатларини мароқ билан тинглаб, ҳатто «эримдан бирорта ёдгорлик келтирмадингизми» деб сўрар, эрини кўрмагани учун Элмуроддан миннатдор ҳам бўлар. Рашк! Хоин рашк, нималарни бунёдга келтиришга қобил эмассан.

Элмурод хатни қайтариб берди. Рашиднинг пошнаси нимпаб сийлган этигидан тортиб, ранги кетган, юлдузсиз пилоткасигача қайта қараб чиқди. У маъсум ва гўдакдек бегуноҳ кўринди. Кечаси рашк туфайли хаёлига келган режалари шу дақиқада Элмуроднинг ўзига ҳам эриш кўриниб кетди. Ўзича «Қизиқ!» деб қўйди.

Штабга келиб, соқоллари ўсиб кетган Мурзинни кўрди. Мактабдаги олифта-риндлигидан асар ҳам қолмаган. У шу уч-тўрт кун ичида тузуккина ювинмаган ва сочига тароқ тегмаганидан бадбашара бўлиб кетган. Портупеялик сербар камари йўқ, солдат камари билан белини бўшгина

www.ziyouz.com kutubxonasi

боғлаган, кўйлаги салқи-салқи бўлиб ётибди. Ҳорғин кўзлари уйқусизликдан ботиб кетган, бирор нарса сўраётган боланинг кўзидек маъсум мўлтирар эди. Элмурод унинг бу ҳолга тушиб қолганини кўриб, мактабда Махалов билан масала талашган ўжар, худбин Мўрзинни тасаввур қилолмас эди. Наҳотки киши шунчалик ўзгариб, бошқа оламга кириб кетса! Элмурод ойна топиб ўз башарасига қарагиси келди, аммо ойна ҳеч кимда йўқ эди.

— Батальон дурустми?—сўради Элмурод.

Мурзин жавоб ўрнида қўл силтади.

— Ҳеч ким қолмадими?

— Ҳа, шундай деса ҳам бўлади, ҳеч ким қолгани йўқ, ярадор кўп. Бригада штаби билан алоқа узилди. Икки ўртага фашист суқилиб кирди, шу кечаси батальон қирилиб битса керак.

Элмурод унинг қочиб келганини билди. Мурзин мактабда командир экан, ҳамма курсантни ношудликда, қўрқоқликда айблагани ёдига тушди. Унга: «Энди қалайсан, сен ношудга чиқарганлар қолиб, ўзинг қочиб қолибсанку» демоқчи бўлди. Аммо юмшоқ кўнгиллигидан ботинмади. Эҳтимол, Махалов бўлганда дерди, аламдан чиқарди.

— Энди нима қилмоқчисан?— деди ётиғи билан Элмурод.

Мурзин нима деб жавоб қайтаришни билмади. У бундай савол берилишини ҳали хаёлига ҳам келтирмаган, мактабдош дўстларим қулоч ёзиб қарши олар «у бўлинма бўлмаса, мана бу бўлинма-да», деб ёнларида қолдирадилар, деб ўйлаган эди. Дабдурустдан берилган бу савол оғир юк бўлиб тўшидан босди, дилига наштар бўлиб санчилди. Бу ёққа келиш олдидан қилган ширин умидлари елга совурилди.

— Ким билади...—секин деди у.

— Ким биладинг нимаси, кичкина бола бўлиб қолдингми! Бўлинмангдан қочиб келгин-да, яна ким биладими?! Танангга ўйлаб гапирапсанми?!

Мурзин отишма тугалиши билан бу ёққа қочар экан, бу томонини ўйламаган, ёлғиз ўз жони кўзига кўриниб кетган эди. Энди ҳушёр тортди. Энди ҳеч ким унга бутунлай бошқа қолиндаги қувватли, ўзбилармон, иззатнафсли, ўзига ишонган киши деб эмас, ҳамманинг кўз олдида шарманда, ожиз махлуқ деб қараши хаёлидан ўтди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ўлим шунчалик даҳшатлими? Мендан ажралиб, тўғриси, мен ташлаб келган, ҳаёт ва мамоти менинг қўлимга топширилган жангчиларнинг жони меникидек ширинмасми? Улар мени, бу ёққа қочар эканман, нима деб ўйладилар экан. Агар менинг қочиб кетаётганимни билганларида, албатта, улар ичида йўлимни тўсиб «Хўш, йўл бўлсин?» дегувчи топилар эди, шу алпозда мен кимга керакман? Бу аҳволда нима кун кўрдим, ҳатто ўлимим ҳам инсонга хос бўлмаслиги турган гап?» ўзича ўйлади Мурзин. Қаршисида аввалгидан кўра яна қорайган, бироқ гўшт қочирса ҳам, қарашлари ироданинг кучи билан ёнган, ўрта бўйли, ихчам Элмурод, шу топда унга жуда ҳам қудратли, қаҳрамон каби кўриниб кетди. Унинг ҳозир чўп ўйнаб ўтирган оддий бармоқлари бошқаларникидан, айниқса Мурзинникидан ўзгача, кўйлагининг ранги уникига ўхшамайди, яхши ва қимматбаҳо матодан тикилгандай кўринади. Иккаласининг ҳам бир маҳал бир омбордан олингани ҳақидаги тарих унга ёлғонга ўхшаб туюлади. «Ҳар ҳолда мен ундан жуда ҳам қуйи зинада эмасман. Унинг сўзларидаги мағрур оҳанг, менинг товушимдаги синиқликдан фарқ қилса-да, у мен билан очиқ юз билан гаплашяптику». Мурзин ўзи билан ўзи ички кураш олиб бориб аста-аста ғайратланди, қалбига ишонч руҳи оқди. Бундан бир соатлар чамаси аввал бу ёққа келиш учун турли режалар тузаётган Мурзинни ўзи эмас, бошқа киши сифатида тасаввур қилди. У Мурзинда қандайдир ноҳақлик бор, у қочоқ, ҳозир ўзи билан ўзи гаплашаётган бу Мурзин эса бошқа киши, бу ҳали ҳаёт учун яроқли, фақат дўстини кўришга келган командир Мурзин! Қаршисида Элмурод ўтирганини унутди. Кафтлари орасига бошини олиб, сочларини чангаллаб эзғилади. Шундоқ ҳам бу яқин кунларда тароқ тегмаган сочи бир неча йил ўргимчак босиб ётган ҳужра бурчагига ўхшаб кетди. Қандайдир майда нарса тўкилди. Тишларини бир-бирига босиб қаттиқ оғриққа дучор бўлган кишидек ғижинди, қисиқ лабларидан пушаймонликни ифодаловчи инграш чиқди: «Мен нима қилдим-а? Мен нима қилдим?!» Сочларини тинмай ғижимлаётган бармоқлари бир ерда тўхтади, кўзи бир нуқтага қадалди, ўйга чўмди: «Мен нима қилдим? Наҳотки мен, қочоқ, қўрқоқ! Наҳотки мен, шуни ўзимга раво кўрдим? Мени кишилар ичидан таплаб мактабга қабул қилганларида комиссия кўзига қандай кўринган эканман? Наҳотки, менинг қалбим ўшанда ҳам шундай эди? Мени

командир деб қўлимга бир юз эллик олти кишининг тақдирини топширганларида менинг боқишим, муомаламдан қандай маъно чиққан экан».

Ахир у бир замон Махаловга «Чекинишимизнинг сабаби мана шундай қўрқоқ, пошуд жангчи, курсант ва сўнгра командирлар» деб таъна қилган эмасмиди! Махалов: «Энди қалайсан, довюрак командир? Сен ишонмаган, пошудликда айблаган собиқ курсантлар окопда, ўз мудофаа линиясида қолиб, сен холироқ жой қидириб, жуфтакни ростлаб қолибсан-ку!» деяётгандек бўлди. Қаршисида Махалов тургандай «ялт» этиб бош кўтарди, Элмуродни кўриб ўзининг ўтиришидан хижолат тортди. Элмурод унга тикилиб қарамай, қўлидаги кичик чўпни ўйнаб ўтирарди.

Мурзин шу ўйлардан кейин ўзидан ўзи уялди, хижолат тортди, ўз аҳволига ўзи ачинди.

Бирдан эрта кузнинг салқин ели ертўлага урди. Мурзинга муздек тегди. У бошини кўтарди. Кўкраги тўлиб нафас олди. Эшикдан ташқарига қаради: қоп-қора тун, юлдузлар чарақлайди. Кишилар ҳаракати сезилади. «Демак кишилар одатдагича ҳаёт кечирмоқда. Ёлғиз меники ундан чиққан» деди ўзига Мурзин. У, ўз ҳаётида биринчи марта ҳеч кимга ён бермаган манманлиги билан кураштарди.

Мурзиннинг ҳаёт уфқини босиб ётган туман тарқалиб, кундуз равшанлиги қалбини чулғади. Қилмишлари босинқираб кўрилган даҳшатли тушу, у энди тонг билан уйғонди.

— Мен кетаман,— деди Мурзин оҳистагина.

— Менга қара, тулкилик қилма. Қочиб келганинг рост. Энди қаёққа борасан: агар ўз бўлинмангга қайтмай, бошқа ерга борадиган бўлсанг, хомтама бўлма, сен учун осмон узоқ, ер қаттиқ. Энди ўзбошимчалигингни қўй, солдат кучига ишон, уни сев, қадрла, у билан ҳамнафас бўл. Сенинг енгилтаклигинг, жангчиларнинг кучига баҳо бермаслигинг қочоқликкача олиб келди, хоинлик ботқоғига судради, ўз жонингни ширин қилиб қўйди. Айрилганни айиқ, бўлинганни бўри ейди. Ҳали кеч эмас. Енгиқлик қозон ёпиқлигича қолсин, бўлинмангга қайт, виждонингга қулоқ сол, уни чақага сотиб бўлгама! Қайт, бўлинмангга қайт, сенинг қисматинг у билан чамбарчас боғланган, ундан ажралганинг — ўлганинг! Қайт, қайт! Сенинг кўзингга шафқат ва илтифот алангга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си бўлиб кўринаётган парса илдизидан аллақачон юлиб ташланган сап-сариқ ўт! Алданма! Қайт!

Мурзин қуролсизлантирилган асир ҳолига келди. Тили танглайига ёпишди. Энди изоҳ беришга ҳожат йўқ эди. Мурзин ўзича, «Энди юрагимни батамом очиб ташлар эканман» деб ўйлади, аммо Элмуроднинг сўзида ҳаммаси айтилиб бўлгани учун нима дейишини билмади. Бирдан қатъий фикрга келган кишидек бир оҳангда:

— Кетаман! Бўлинмамга кетаман!— деди ва ташқарига ўқдек отилди.

Элмурод унинг кетидан ертўла оғзига югуриб чиқди, чақирди. Аммо у, аллақачон тун қоронғилигига сингиб ғойиб бўлган эди. Фақат анча йироқда аллакимнинг йиқила-қўпа кетаётган шарпасини зўрға кўзи илғади.

— Мурзин! Мурзин!

VI

— Менинг фикрим шу: энди иккиланиб ўтиришнинг фурсати ўтди,— деди Элмурод жиддий,— энди қаршилик ҳалокатга олиб боради, саноқли одам ва яроғ-аслаҳа қолди. Қандай бўлмасин шу пайтда, шу куч билан ёриб ўтиш ва ҳаракатдаги қисмга қўшилиш керак. Бугун тундан қолсак кечикамиз, била туриб ўзимизни ўтга ташлаган бўламиз.

— Бебуйруқ қандай бўлади?— деди Мурзин.

У беш кун буруноқ шомдан кейин тўртинчи батальоннинг қолдиғини олиб, бир печта командир билан чекинган ва иккинчи батальонга келиб қўшилган эди. Душманнинг уч тарафдан қуршаб, зўр куч билан омбурдек қиса бериши шуни талаб этган, Мурзиннинг бу тадбирини Данильченко билан Элмурод ҳам маъқул топган эди. Чорасиз қолиб, қурбон бўлишдан қутулиш имкони бор экан, кучни сақлаб, қайта қаршиликка кўчиш мақбул. Бу тадбирли уринишни Элмурод табриклади, Мурзиннинг қўлини сиқди.

Худди шундай вазият ҳозир иккинчи батальоннинг бошига тушган. Бригада штабини душман узиб ташлади, қўлинларнинг аҳволи уч кундан бери номаълум. Алоқа боғлаш учун юборилган кишилар оқибатсиз қайтди, ҳатто бир печа киши ҳалок бўлди. Уч кундан бери душман узлуксиз сиқиб, батальоннинг кучини анча қирқиб қўйди. Овқат танқис. Жонга теккан сўк концентрати

ҳам танқис бўлиб қолган. Энди четдан кўмак кутиш бефойда эди. Бу орада Данильченко биқинидан оғир яраланди, енгил контузияланди ҳам. У ҳамон ҳушсиз, батальоннинг тақдир компасининг стрелкаси ёлғиз Элмуродни кўрсатар, ундан нажот маёғини кўтариб олдинга тушишни талаб этар эди. У рота командирларини штабга тўплаб, вазиятни муҳокама қилди, ўз фикрини баён этди. Мурзиннинг «Бебуйруқ қандай бўлади?» деган саволи, Элмуродга сутдан оғзи куйган кишининг қатиқни пуфлаб ичишини хотирлатди.

— Қандай буйруқ? Кимдан буйруқ кутамиз?— деди Элмурод.— Мана шу буйруқ йўқлигидан мен сизларни тўпладим, бўлмаса, сизларнинг нима ҳожатларингиз бор эди. Аллақачон йўл-йўриқ олган бўлар эдинглар.

— Оғир қуролларни нима қиламиз?— сўради Йўлдош ва унинг хаёлидан бугун кечга яқин шериги ишдан чиқиб, икки тўпчи билан қолган якка танкотар замбараги ўтди.

Йўлдош артиллерия бўлинмасида бўлиб, бригаданинг қуршовда қолиш хавфи туғилганда полковник Ягуповнинг буйруғи билан иккинчи батальонга ташланган эди.

— Аввал бўлинманинг тақдирини ҳал қилайлик, оғир қуроллар масаласи бир гап бўлар,— деди Йўлдошга жавобан Элмурод.

— Менимча,— деди кутмаганда лейтенант Низомов юрак ютиб, дадиллик билан,— позициямиз яхши, чекинишга ҳали эрта. Ўқ бўлса ҳали бор. Яна бир-икки кун бахтимизни синаб кўрайлик.

Шу кунгача бирон тузук иш кўрсатмаган лейтенант Низомовнинг бу журъатидан Элмурод ҳайрон бўлди. Элмурод уни яхши билмас, назарида ўртамиёна командирдек кўзга ташланиб юрар эди. Ҳатто бугун у ўз взводи билан батальонга панд беришига сал қолди: душман унинг взводини сиқиб келди. Шу пайт бирдан взводда қаршилик сусайди, бундан фойдаланган душман ҳужумни кучайтириб, ўша ёқдан ичкари киришига сал қолди, яхши ҳам лейтенант Махаловнинг қаноти унга туташ экан, ёрдамга келиб қолди. Элмурод ҳамон Низомов взводида рўй берган бу ҳодисани тушуниб етмайди. Ўзича унинг бўшанглигига йўйди. Унинг ҳозирги журъати кесакдан чақмоқ чиқишдек ҳайратли нарса эди. Шунинг учун унинг бу сўзига ишонқирамаган бир йўсинда деди:

— Кейин-чи? Кейин қўл кўтарамизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега? Кўмак келиб қолар!— деди Низомов гўл кишидек.

— Йўқ, ўртоқ Низомов, биз таваккал қилолмаймиз. Таваккалнинг туби тош, бошингни урсанг ёрилади.

Низомов бўшашиб тушди.

— Майли, яна ўзинглар биласизлар,— деди аранг.

Батальон куч-қувват ва ўқ-дори борида қандай бўлмасин ёриб ўтишга қарор қилди. Элмурод буйруқсиз чекиниш масъулиятини ва батальон командирлигини ўз зиммасига олди. Энди, қайси томонга қараб силжиш, душманнинг заиф жойини аниқлаш керак эди. Бунинг қанчалик мушкул эканини ёлғиз ҳарбий ҳаётни тўла англаган, ҳар дақиқанинг шундай пайтларда қанчалик қимматлигини тасаввур этган одам билади.

Махалов шарққа қараб илтилиш, мудофаа тутиб ётган қисмлардан бирига қўшилишни маслаҳат кўрди:

— Бунда душманнинг орқасидан бориб анча эсанкиратган, ташвишга солган бўламиз. Бу анча енгил, бошқа қандай йўл ҳам бор?

— Менингча, аксини қилиш керак,— деди Элмурод стол устидаги кеча қўлга туширилган, ҳар сантиметрида беш километрни кўрсатадиган душман харитасига қаламининг учини қўйиб,— душманнинг қанча илгарилаб кетгани бизга номаълум. У ҳужумга ўтар экан, барча техникасини олиб кетди. Орқада ҳар ҳолда кам кучи қолди. Шунинг учун аввал ғарбга, сўнгра ўнгга, мана бу ўрмонга бурилсак, ундан ўтиб мудофаа тутаётган армиянинг қанотидан бориб чиқамиз,— Элмурод харитани Махаловга яқин сурди ва ўз маршрутини қалам учи билан чизиб кўрсатди.

— Душманнинг рўпарасидан ҳужум қиламизми?

— Кўринишда шундай, лекин биз жангга кирмасдан, иложи борича четлаб ўтишга уринамиз.

Бир тўхтамга келиб, тарқалишдилар.

Қоронғи тушиши билан бўлинмалар позициялардан олиниб, тегирмон ўрнашган пастликка тўпланди.

Батальон маълум ерга боргунча орқа томонни эҳтиёт қилиб туриш учун қолдирилаётган Махалов ва Йўлдошни чақириб Элмурод деди:

— Нариси билан бир соат турсанглар бўлади, мен тепаликдан ошиб олсам, бас. Кўп тутилманглар, душман билан ўчакишманг. Йўлдош, сизнинг замбарагингизни қолдиришга тўғри келади. Лекин уни яроқсиз қилиб қолдиришни унутманг. Мабодо снарядлар ишлатилмас экан, сувга ташланг, токи душман топиб ишлатмасин. Махаловга берилган миномётчиларга кўмаклашинг. Агар ярадорлар бўлиб қолса мутлақо қолдирилмасин, эҳтиётдан бир жуфт носилка ҳам қолдиряпман.

На Махалов ва на Йўлдош ўз фикрини баён этди. Ҳаммаси илгаридан келишиб қўйилгандек «кетишингиз мумкин» командасини кутиб турдилар. Элмурод энлик камаридаги сувдонини олиб, Махаловга тутди:

— Ич, руҳингни тетиклаб ол, лекин кейин қизишма.

Махаловдан кейин Йўлдош икки-уч қисқа-қисқа симирди, каскасини олиб ҳидлади.

— Хайр, кўришгунча омон бўлинглар!— қўл узатди Элмурод, бир-бир қўл сиқиб хайрлашди.— Махалов, дўстим, қизишма, оғир бўл. Биламан, чекиниш оғир, аммо бошқа чорамиз йўқ, кишиларни сақла.

Батальон йўлга чиқди. Элмурод тегирмон олдидаги кўприк бошида туриб ўтувчиларни кўздан кечирди, бу — саф билан ҳаракат қилиш одатдаги тунги походга ўхшамас, ҳамманинг ҳаракати вазиятнинг вазмин тоши остига босилган, лаблар муҳр урилгандай жим. Оёқлари остида эзиладиган нарса бордай қадамларини эҳтиёт билан босадилар, қарашларида маъюслик ва ғамгинлик бўлмаса ҳам кўп маъноли жиддийлик виқори бор.

Элмурод энг орқада бораётган Борисовни чақириб, нималардир деди. Борисов бир неча марта «Есть!» деганича, яна ўз ерига чопиб кетди. Кимдир кўприкнинг қарши томонидан шошиб кела бошлади. Элмурод олға чиқарилган охрананинг алоқачиси бўлса керак, деб ўйлади.

У Рашид эди.

— Хўш?— деди Элмурод.

— Ўтирган еримизда тамаки халтам қола берибди.

У югургунча пастликка тушиб кетди. Элмурод унинг орқасидан қандайдир похуш назар билан қараб қолди. Шундай мушкул дақиқаларда унинг бу ерда юриши Элмуроднинг ғашини келтирарди. Рашид жардан қайтиб чиқди да, ўтиб борар экан, бир оз тўхтаб:

— Руҳингиз қалай, ўртоқ лейтенант?— деди.

Бу сўз Элмуроднинг кўнглидаги қизғанч чўғини босган кулни учириб юборди, жўрттага унга тегажаклик қилаётгандек туюлди. Совуққина: «Дуруст» деб жавоб қайтарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рашид жўнаб кетди, Элмурод сўнгги дақиқагача уни кузатиб қолди.

Элмурод орқада ҳеч ким қолмаганига ишонгач, йирик одимлар билан илгари босиб кетди. Унинг орқасида бораётган Бондарнинг қўпол ва катта оёқлари ерга бесўнақай тушиб, гашини келтирувчи овоз чиқарарди.

Батальон, душман мудофаа тутиб ётган қишлоқни ўнгда қолдириб, қирга қараб йўл олди. Ер баҳорда ҳайдалганича қолиб кетганидан тартибли ҳаракат қилиш оғир эди. Батальон анча сочилган. Уларнинг ҳаракатини қаршидаги узала кетган тепа ўз гавдаси билан душман соқчилари ва пистирмаларининг кўзидан асрайди.

Туннинг кўр ойдин эканидан Элмурод хурсанд. У энг олдинда, ўзи йўл бошлаб боради. Қишлоқ уйлари ва унинг атрофидаги дарахтлар мудҳиш кўринади. Қаердадир ит ҳуриди, коинотнинг тинчлигини шугина бузади. Қишлоқдан бир ўқ узилди. Сал ўтмай қўл пулемёти бир неча сидра ўқ ёғдирди. У, батальондан анча нари, орқа томонга келиб тушар, ерга «шип-шип» қадалар эди. Элмурод ётишга команда берди. Ҳамма турган ерида ўтирди, ётди. Бир неча минутдан кейин яна йўлда давом этдилар. Элмурод Махаловга йўлни қишлоқдан яна ҳам чапроқ олиш ҳақида одам юборди. Компасига қараб мўлжал қилган маршрутдан тоймаганига қаноат ҳосил қилгач, юришни тезлатиш ҳақида команда берди. Ярим соатлар чамаси ўзи бошлаб боргач, четга чиқиб батальонни кўздан кечирди, улар чўзилиб кетган эди.

— Илдам-илдам қадамланглар!

— Дам олсак яхши бўларди, ўртоқ лейтенант,—деди жуда ҳам таралиб кетган бир бўлинмадан кимдир. Элмурод эшитса ҳам индамади.

Йўл-йўлакай командирларни ҳузурига чақириб, ўз бўлинмаларини қўлда тутишни, орқада қолишга йўл қўймасликни буюрди. Ўзига маълум, синалган жангчи ва кичик командирлардан бир команда тузиб, орқа томонга ташлади. Улар орқада қолувчиларга ёрдамлашади. Ўзи олдинга ўтиб, яна ҳам шиддат билан одимлай кетди.

— Мендан қолинмасин, маълум дистанция сақлансин.

Узоқда зенитканинг ўқи ёрилади, қон-қора тунда бирпас машъалдек ялт этиб, яна денгизга отилган тошдек зим-зиё бўлиб кетади. Унинг шуъласи батальонгача етиб келади, товуш, тун осойишта бўлса ҳам масофанинг ҳамласида сўнади, ғойиб бўлади.

Элмурод смена олиб келиб ярадорларни кўтарувчиларни алмаштирди. Олдинда бораётган ва ҳамон ҳушсиз ётган Данильченконинг юзига «ўлиб қолмаганмикан» деб, энгашиб қаради — йўқ, у нафас олар, аммо у севиб, ҳурматлаган бўлинмасининг ҳозирги вазиятидан бехабар, кимлар кўтариб, қаёққа олиб бораётганини пайқамас эди. У, Элмуродга бегона бўлган оламда яшар, унинг учун батальоннинг бутун машаққатлари, орзу-ниятлари, заҳматли туйғулари, ширин ўйлари ёт эди.

Элмурод яна олдинга ўтиб кетди. Унга Борисов дуч келди.

— Ўртоқ лейтенант, одамлар белкурак ва газ пиқобларни ташлаб кетишяпти.

Бу хабар ҳали замон Элмуродга бўйсунмай ўз хоҳишлари билан ҳар томонга тўзиб кетадиган, гражданлар урушни йилларида кўп рўй берган ва у ўқиган китоблардаги ҳодисаларга ўхшаб кетди: «Наҳотки шундай бўлса, сал туриб қуролларни ҳам ташлай берсалар-а!»

— Командирларга шу буйруқни топшир: ҳар бир ташлаб кетилган асбоб ва қурол учун трибуналга топширамаи.

Бондарь Элмуроднинг буйругини олиб қоронғиликда ғойиб бўлди. Ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, батальон орқасини бир отделение билан қўриқлаб келаётган Борисов Рашидни яна ҳам мудҳишроқ хабар билан юборди. Рашид жуда хотиржамлик билан Элмуродни бир четга имлаб, деди:

— Ўртоқ лейтенант! Лейтенант Низомов бир неча жангчилар билан орқада қоляпти. Шунча гапирсак қулоқ солмайди, «Ўргатманг командирга!» дейди. Ҳозир биздан ҳам кейинда.

Элмурод сесканиб кетди. Назарида бу орқада қолиш газ пиқобларни ташлашдан кейинги яна бир босқич эди.

— Низомовни менга чақиринг,— деди у кўп ўйламай.

— Есть!

Элмурод Рашидни жўнатиб, сафдан бир четга чиқди. Батальоннинг ўтишини кузатиб турди. Чиндан ҳам кишилар анча сочилган, уларнинг толиққани кўриниб турарди. Бу нарса уни анча босди. Шундай бўлса ҳам Низомовга кўз тутди. У ҳадеганда келавермаганидан кейин, «улар анча орқада қолиб кетган экан-да» деган фикрга келди. Сой бўйига батальон етиши билан привал эълон қилди. Кашандалар бошларини шинель билан ўраб

www.ziyouz.com kutubxonasi

чекишди. Сойга чўккан қалин туман узоқни кўрсатмас, баданга елимдек ёпишар, йўл зарбидан бўртган, ҳорган юзларда қиров боғлар эди. Олди кишиларни мудроқ босди, совуқдан баданлар увиша бошлади. Шу маҳал лейтенант Низомов оқсоқланиб Элмудорнинг олдига келди:

— Чақирган экансиз.

Бу маҳал Элмурод бояги шаҳдидан тушиб қолган эди.

— Хўш, элат, нима гап, орқада қолиб кетаётган эмишсиз?

— Этик оёғимни уриб қўйибди, ўртоқ лейтенант.

— Ана холос!

— Қачон чақа қилганини ўзим ҳам билмайман, бундоқ ечиб қарасам, шилиниб кетибди.

— Яхши бўлмабди, эҳтиёт қилиш керак эди,— Элмурод бирдан лейтенант Низомовнинг ҳам газ ниқоби йўқлигини пайқаб қолди:— газ ниқобингиз қани?

Ана шунда Низомов эсанкирагандек бўлди. Лекин ўзини дарров тутиб олиб, деди:

— Ертўлада ёдимдан чиқиб қолибди.

— Ёлғон!— деди кимдир сал наридан ва қоронғида улар қаршисига юриб кела берди. У Рашид эди. Етиб келиб Низомовга газ ниқобни узатди:— Мана-ку, нега ёлғон гапирасиз, лейтенант!

Кейин Рашид уни йўлда Низомов ташлаганини айтди.

Элмурод титраб кетди, лекин ўзини босиб сўради:

— Сизникими?

Низомовнинг жавоб беришга кучи етмади, бошини қуйи солди.

— Баракалла!— деди кесатиб Элмурод.— Жангчиларга шунақа ибрат кўрсатяпман денг?!

Низомов нимадир деб изоҳ бермоқчи бўлган эди, Элмурод унинг оғзига урди:

— Бўлди! Бўлди! Изоҳ берманг. Ишёқмаслик ҳам эви билан! Колоннанинг олдида борасиз, взводингизни олдинга олиб ўтинг!

Лейтенант Низомов ҳазин товуш билан «Есть!» деганича оқсоқланиб тун қоронғисида кўздан йўқолди.

— Яхши қилдингиз, ўртоқ лейтенант! Беш-ўнта ўзига ўхшаган билан орқада судралаверіб бизни хуноб қилиб юборди,— деди Рашид мамнун ва Низомов бутунлай кўздан ғойиб бўлгач, атрофга назар ташлаб аста қўшиб қўйди:— Шу лейтенантингизнинг нияти бузуқми дейман-да!

Шу хунук фикр ўзи хуш кўрмаган кишининг оғзидан чиққани учун ҳам Элмуродга унча ёқинқирамади. Шундай бўлса-да, «Наҳотки?..» деб кўнглидан ўтказди. Лекин Низомовнинг шундай шароитда қўлидан бир иш келишига ишонмади. Рашидга қараб:

— Ваҳима қилманг!— деди.

Рашид индамай жойига кетди.

Элмуроднн ҳаммадан олдинга юборилган разведканинг ҳадегапда қайтмаётгани ташвишлантирарди. Шу билан бир вақтда, ўзининг ҳам қаттиқ чарчаганини ҳис қилиб борарди, кўзлари қисилар, эти увишарди, тез-тез эснаб турарди. Бошида нимадир ғувиллар, аллақандай боши-кети йўқ фикрлар бири кириб, бири чиқар, уларнинг тушми ёки ўнгми эканини гоҳ ажратолмас эди. Ниҳоят разведка қайтди. Улар келтирган маълумот Элмуроднн қаноатлантирмади. Уни ҳаммадан ҳам ўрмон оғзидаги қишлоқнинг гарнизони ва ўрмон даханасининг миналаштирилган-миналаштирилмаганлиги қизиқтирар эди.

Махаловнинг шу вақтгача етиб келиб қўшилмагани устига бу разведканинг тўмтоқ хабари Элмуродга иккинчи қайғу бўлиб тушди. Энди яна разведка уюштириш ва Махаловни кутиш керак эди. Тонг эса яқинлашиб келмоқда, фурсат зиқ. Бироқ бу икки нарсани ҳал этмай давом этиш, қишлоқни тўла разведка қилмай ҳужум бошлаш ўт билан ўйнашишдай хавфли эди. Борди-ю, ўрмонга ўтиб олса, Махаловнинг тақдири қандай бўлади? Унинг келиб қўшилиши шарт. Ахир Махалов унинг ўнг қўли, синалган жанговар дўсти. Унингсиз бир томонини ел ураётгандай сезади. Яна разведка юборди. Улар билан йўлда учрашажагини айтди. Бир неча минут ётгач, топг ёришувидан қўрқиб, тавакқал билан йўлга тушди. Батальон қўзғалар экан:

— Ҳеч бир нарса унутиб қолдирилмасин!— деб буйруқ берди, бу билан ҳали Борисов хабар берган «тушириб қолдиришлар»га барҳам берилсин демоқчи эди.

Батальон оғир юрди. Жангчилар оёқларининг безиллаб қолганидан бўлса керак, ўрдакдек лапанглаб юрардилар. Ярадорларни кўтаришдан бўйин товловчилар кўрина бошлади. Элмурод уларнинг шу ергача душман қаршилигига учрамай келишдан қувонмай, норозилик қилганлари учун ичдан ўкинди. Ахир душман қишлоқда, иссиқ хоналарда ётишни яхши кўрмаганда, батальон ҳали

www.ziyouz.com kutubxonasi

аллақаерда жанг қилиб ётарди. Тўғри, батальон кутилмаган маршрут билан кўп километрларни ортиқча босди, бутун-бутун қишлоқ, йўлларни йироқдан айланиб ўтиб қийналди, аммо буларнинг барчаси ҳозирча яхшиликка хизмат қиляпти-ку! Кечаги оқшомдай булар бугун кесиб ўтган йўлда душман танклари турганда нима бўларди? Ахир бу хилда чекиниш омад-ку!

Разведка қишлоққа кириб, қайтиб чиқишида душман пистирмасига дуч келиб, ўзини фош қилиб қўйди. Икки кишини қурбон бериб қайтди. Энди қандай бўлмасин ҳужумга ўтиш керак эди. Тонг қоронғиси ғанимат. Маҳаллани кутиб ўтириш ортиқча. Унга томон юборилган икки киши тайинланган ергача бориб, ҳеч қандай хабар олмай қайтди.

Элмурод ярадорларни анча берида қолдирди. Қўлидаги бор кучини учга тақсимлаб, ҳар бирига ҳали разведкадан чиққан кишилардан берди. Ўзи резерв билан қолиб, асосий ядрони — миномётчи ва сапёрларни ўзи билан ўтказишни мўлжаллади.

Батальон ёлғон тонг қоронғисида уч томондан бостириб қишлоққа кирди. Лейтенант Шиловга биринчи бўлиб дуч келган қишлоқ кишиси қишлоқдаги фрицнинг кўпчилиги ўрмон даҳанасида мудофаа тутишини айтди. Улар ўрмондан, партизанлар ҳужумидан ўзини эҳтиёт қилармиш. Демак фриц буларга орқа ўгирган.

Ярим соатдан мўл давом этган тартибсиз жанг тинди. Душман паланартиш қаршилик кўрсатиб, орқа томонга чекинди. Элмурод асосий ядрони бошлаб кирар экан, унда-бунда ётган ўликларни, сочилаб ётган ҳарбий анжомларни кўрди. Ярадорларни олиб бораётганларни тезда ўрмонга ўтишга буюрди. Ўзи бир неча одам билан қишлоқнинг катта кўчасига чиқди. Бирор кишини учратиб, ундан ўрмон йўлини сўрамоқчи эди. Аммо аҳолидан бирон киши кўринмас, ёлғиз жангчиларгина у ёқдан-бу ёққа югуриб ўз бурчларини ўтар эдилар.

Батальон ўрмонга кирди. Элмурод ўрмон оғзида кузатиб турар экан, узоқдан кимнингдир юк орқалаб келаётганини кўриб қолди. Кўзини олмай қараб турди. Яқинлашгач, унинг немислигини билди, орқасида Турдиев милтиқ ўқталиб жилмайганича келмоқда. Фрицга бир чамадон ва яна нималардир ортган.

— Бу нима?— сўради Элмурод.

— Шу нарсалар билан қочиб кетаётган экан, ўртоқ

лейтенант, қишлоқдан чиққач, зўрға ушлаб олдим. Жуда тишлоғич кўппаги экан, буни қаранг,— Турдиев тиш ботиб, моматалоқ бўлиб кетган чап қўлини кўрсатди.

Фриц унга қия боққан эди, милтиғини ўқталиб сўкди, «Юр!» деган маънода қўндоқ билан орқасига туртди. Немиснинг қўлидаги чамадон ерга тушиб, очилиб кетди. Ичидан турли кийим-бош, ҳатто болаларнинг эски қалпоқчаси ҳам чиқди. Шу лаҳзада қаёқдандир пайдо бўлган Горкунов Турдиевни туртиб:

— Кўрдингми, бу муттаҳам нималаргача йиғиб-талаб юради? Бу шунақа очкўз,— деди.

Турдиев Горкуновнинг гитлерчилар «вабо, ҳамма ёқни қуритади» деганини кўп эшитган эди. Лекин, «унчалик бўлмаса керак, ахир у ҳам одам-ку» деб ўйлаган эди ўзича. Шу чоқ бу сариқ гитлерчи унга жуда пасткаш, тумшуғи билан ахлат титиб турган итдек хунук, жирканч кўриниб кетди. У шу ерга олиб келгунга қадар буни билмаган, у оддий кишидай бўлиб кўринган экан. «Шу нарсаларни олишга қўли борибдими, Горкунов айтгандек, ҳамма ёқни вайрон қилиши мумкин; бадбахт, пасткаш очкўзга бу ҳеч гап эмас» деган ўй бошидан ўтди. «Юр!» дейишни ҳам хайф билиб, оёғи билан орқасига тепди-да, ўрмон томонни кўрсатди. Бирдан хаёлига «Бу ўрмонда нима қилади? Ҳали боқиш ҳам керак бўлар?» деган фикр келди. Отиб ташлашга ҳозирланган эди, Элмурод тўхтатиб қолди.

Батальоннинг бу ерда туриши хавфли эди. Элмурод ўрмон ичкарисига кириш ҳақида буйруқ берди.

Элмурод қаёқдандир бир қишлоқ киши билан бошлашиб келди. Мурзиннинг уйғоқ ётганини кўриб:

— Уйқинг пишдими?— деди.

Мурзин «Ҳали ухлаганим йўқ» дейишни мақбул кўрмай, «ҳа» деб қўя қолди.

— Мен бу томондаги охраналарни кўздан кечириб чиқдим, сен мана бу ёқдагиларни текшириб чиқсанг. Яна ғафлатда қолмайлик. Лекин жангчиларни қаттиқ қойима, ҳаммамиз ҳам жуда толиқдик, ухлаб қолганлари ҳам бўлиши мумкин,— деди Элмурод уйқусизлик ва йўл азобидан қизариб кетган кўзларини Мурзинга тикиб.

Мурзин ўрнидан туриб, кийим-бошларини тузатди-да, Элмурод кўрсатган томонга қараб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элмурод ўзи билан келган қишлоқ кишисига деди:

— Демак, бошқа йўл йўқ, шундайми?

— Менинг билганим шу,— чолнинг бетидаги ўргимчак уясидек ажинлари қисилди,— ҳар ҳолда чакки йўл эмас. Бир вақтлар одамлар қатнаб турарди.

— Ўзингиз ҳеч юрганмисиз?

— Бир марта ўтган эдим. Бунга анча йил бўлди. Қатнаб юрган бирорта бошқа одам олсангиз яна ҳам яхши бўларди, тўғри бошлаб чиқарди.

— Йўқ, отахон,— деди кескинлик билан Элмурод,— бу юмушни ҳар кимга ишониб бўлмайди. Колхоз раиси сизни маъқул кўрди. Ахир у бошқа одамни бериши мумкин эди. Демак, сиз бошлаб чиқишингиз керак.

Батальон ўрмонга чекингач, Элмурод қишлоққа кириб, раисни топди. Ундан ўрмондан Н. шаҳрига чиқиш йўлларини сўради. У бир қанча маслаҳат бергач, шу чолни ёнига қўшди. Элмурод чолнинг кўпдан бери устара тегмаган соқоли, тусини йўқотган кийим-бошларини кўздан кечириб, раисга умидсиз назар ташлади, раис ҳам чолга сездирмай кичик бир имо билан: «Кексалигига қарама!» деди.

Элмурод чол билан анча вақт жим қолди. Танасида ҳоргинлик ҳукмрон бўла бошлади. Устма-уст икки-уч эснади, уйқусизликдан қизариб, чарчашдан ич-ичига тушиб кетган кўзларини ёш босди.

Батальон ширин уйқуда. Кимдир ундан нарироқда хуррак отиб ухлайди. Элмурод хурракни ёқтирмаса ҳам шу онда хуррак отиб ухлаётган кишига ҳаваси келди, лекин вақт ғанимат. Батальонни уйғотиб, чол етакчилигида йўлга тушди. Бирор соатлар юрилгач, Элмуродга ярадорлардан тўрт кишининг жони узилганини айтдилар. У бир дақиқа хабар берувчига кўз тикиб қолди. Бу билан «Нега сал барвақт айтмадинг, энди мен нима қилишим мумкин? Ҳа, айтганча, Данильченко улар ичида йўқми? У эмасми?» дегандай бўлди. Хабар берувчи билан бирга ярадорлар олдига борди. Ўликни ҳамон кўтариб борувчи жангчилар унга қарадилар. Уларнинг бу боқиши «ортиқча юк кўтариб боряпмиз, энди қолдирсак бўларди» деган маънони ифодаларди. Буни Элмурод дарров англади. Батальонга дам олиш учун буйруқ берди. Ўликлар ерга қўйилди.

Батальон яна йўлга тушди.

VII

Махалов, Элмурод таъкидлагандек, бирор соатлар чамаси вақт ўтгач, ротаси билан қишлоқдан чиқди-ю, тўхташга мажбур бўлди. Душман унинг изига тушган эди. Махалов олдинига буни душман кузатувчиларининг қўққисдан хавотирсираб очган ўти, деб ўйлади. Ротага «Ёт!» командасини бериб, ўзи орқага ўтди. Шу маҳал рота орқасида келаётган охранадан жангчи келиб: Сойга душман автоматчилари тушди. Бир взводга яқин. Яна душман мудофаасида ҳам қандайдир ташвишли жонланиш бор» деди. Сал ўтмай, унинг гапи тасдиқланди. Душман автоматчилари сой томонда кўриниб, ўт очдилар. Улар ротанинг орқа охранасини асосий куч ҳисоблаб, ўзларини фош этиб қўйдилар. Махалов худди шуни кутгандай, кузатувчиларни Йўлдош билан шу ерда қолдириб, ора-сира ўқ очиб, «қаршилик» билдиришни таъкидлади-да, ротани парига бошлаб кетди. У ўзига қулай жой изларди. Ҳадемай, у шундай жойни топди. Бу бир неча кун давомида қўшни полкнинг қандайдир бўлинмаси мудофаа тутган тепалик эди. У ерда тайёр окоплар ва алоқа йўллари бор эди. Лейтенант Махалов ротасини шу ерга мудофаага ўтказди. Ўзи дарров рота орқа томонини кўздан кечирди. Кечирди-ю, хурсанд бўлиб кетди. Орқа томонда одам ҳатлаб ўтолмайдиган кенгликда сув оқарди. Лейтенант бу томондан хотиржам бўлди. Тепаликка қайтиб келиб, папирос тутатди. Бўлинмаларнинг вазифасини, жойини аниқлаб бериб, Йўлдошни охрана билан аста шу тепаликка чақириб олди. У жанг қабул қилишга тайёрланар эди.

— Мудофаа тутдингми?— деди Йўлдош ишнинг жуда жиддий тус олганини пайқаб.— Жанг қиламизми?

— Мажбур қилинса. Ахир буларни эргаштириб қаёққа борамиз, батальоннинг думи остига бошлаб борамизми?— деди кулибгина Махалов.

У орқасига тушган душманни вақтида пайқаб олгани, мудофаа учун қулай ўрин топганидан мамнун эди. У папиросни икки кафтига яширганича узун-узун тортиб, ҳалигина душман пайдо бўлган томондан, унинг орқасида ёнаётган қишлоқдан кўз олмасди. Шуълалар кўзини қамаштириб, ундан беридаги паст-баландликларда душман ҳаракатини кўришга халақит берарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шу маҳал одамларга ўтни олиб келиб берган афсонавий Прометейдан ҳам хафаман,— деди Махалов ва туриб пастга тушиб кетди. Олдинга ташланган икки жангчининг бир ёпига ўрмалаб бориб ётди-да:— Хўш, қарчиғай, чўқишадиган кўринамизми?— деди ва ўзи ҳам кўз тикди.

— Шупақага ўхшайди. Юмронқозиқдай ундан-мундан бош чиқаришиб туришибди.

Бир неча лаҳзадан кейин лейтенантнинг кўзи қоронғиликка кўникиб, харсангни бутадан, бутани одамдан фарқ қила бошлади.

Душман уларнинг орқасидан шу ергача келиб, ниманингдир маслаҳатида тўхтаган, Махаловнинг мудофаага ўтирганини пайқаган кўринарди. Шу хилда тонггача ўтиришга, эҳтимол, душман тайёрдир, лекин лейтенант ҳеч бунга кўнолмасди. Қўзғалиб кетиши яна мумкин эмас, чунки душман унинг изига тушган. У ўйлаб, кузатишга қарор берди.

— Асриян,— деди у жангчига, кўзини душмандан олмай,— прожекторларнинг кечаси осмонни қайчилаганини кўрганмисан? Ўшандай тунни титкила!

— Ўзим ҳам шу вақт кўзимнинг тўртта бўлмаганига хафаман.

— Ҳали сенинг ҳам кўзинг иккитами?— деб гапни бурди лейтенант.

Асриян буни дарров тушуниб, жавоб қайтарди:

— Тўртта десам бўлади. Сўзни бир ерга қўйганмиз, ЗАГСдан ўтишимиз қолган, холос.

— Дурустсан. Мана шунақа кунларда эсласанг тортган машаққатларинг ҳам, баданингга совун суриб, устидан сув қуйгандек, бир зумда ювилиб кетади.

— Жуда тўғри айтдингиз, тссс... мотор товуши келяпти.

У сўзлаб бўлгунча мотор товуши аниқлашиб, иккита мотоцикл йўлдан фронт орқа томонига ўтиб кетди. Лейтенант Махалов яна бир оз кузатиб ётди-да, бир қарорга келолмадими, тепаликка қайтди. Йўлдошни ҳузурига чақирди.

— Биз унинг ҳужумини кутиб ўтиролмаймиз. Эҳтимол у тонггача кутар, ўзимиз атака қиламиз. Сен иккинчи взводни олиб, сувни ёқалаб бор, қўққисдан ҳужум қил, мен миномётдан чалғитиб тураман.

— Есть!

Йўлдош взводни олиб, сув ёқалаб кетар экан, лейтенант Махалов миномётдан бир неча ўт очиб, душманнинг диққатини ўзига тортди. Шу йўсинда давом эттиришни миномётчиларга буюриб, ўзи ўнтача автоматчини олиб, Асриянниг олдига кетди. У бориб етиши билан Йўлдош ўт очди. Душман чувиллаб қолди. Бирдан «Ура!» янгради. Янада ваҳималироқ бўлиши учун Махалов ҳам ўз автоматчилари билан ётган ерида «Ура!» деб ҳайқирди. Бир неча дақиқалик қисқа-қисқа отишма ва портлашдан кейин майдон тинчиди. Душман қишлоққа чекиниб, у ердан пулемётдан ўт очди. Осмонга кетма-кет ракета чиқара бошлади. Ҳамма ёқ мурда рангига кирди. Взвод тепаликка ўтиб кетиб, пастдан Йўлдош битта ярадор немис билан чиқиб келди. Немис ўнг қўлидан яраланган бўлса ҳам, нима учундир, икки букчайиб оқсоқланарди. Уни қанчалик сўроққа тутмасинлар, тузукроқ бир парса ололмадилар. У ё ўлгудек бефаросат, гўл, лақма, ейишичишдан бошқани билмаган, ёки тирноқ-тирноғигача заҳар босиб кетган душман солдат эди. Бунинг устига, русчани билмаганидек, булар ҳам немисчани тузукқина гапиролмас эдилар. Шунча урининлардан кейин Махалов, Йўлдош атака қилган автоматчиларнинг сони қирқта эканини аниқлади. «Нима қилмоқчи эдинглар?» деган саволга немис елкасини қисиб қўя қолди. Махаловнинг куфури ошиб кетди.

— Олиб бор, бети қурсин!— деди Йўлдошга.

Бу орада душман яна жонланиб қолди. Бу гал олағовур зўр эди. Ракета кетидан ракета чиқарарди. Ҳатто уларнинг узуқ-юлуқ сўзлари бемалол эшитилиб турарди.

— Ари уясига чўп тиқилган экан!— деди Йўлдош.

— Ғувиллагани яхши,— деди нима учундир Махалов ва командирларни йиғиб, йўл-йўриқ берди.

Салдан кейин душман ҳужум бошлади. У икки томондан қамраб келарди. Лейтенант Махалов шошмай душманни қарши олди. Олдинга ташланган кузатувчи жангчилар онда-сонда ўқ уза-уза тепаликка чекиниб келдилар.

— Юзга яқин,— деди Асриян, Махалов ёнидан жой олар экан.

Душман ўқ узмасди. Унинг ўрмалаб келиб, бирдан ўққа тутмоқчи ва ваҳимага туширмоқчи экани яққол кўриниб турарди. Рота ҳам сабр билан кутди. Бундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

атакаларни у, албатта биринчи кўриши эмасди. Кўз бемалол илғайдиган бўлганда Махалов атайин: «Батальон, диққат!» деб бақирди, яна бир лаҳзадан сўнг «Огонь!» деб қичқирди. Ҳамма қуролдан ўқ ёғдирилди. Тун қўйни ёришиб кетди. Гўё қора лас чодирга йилтироқ игналар келиб қадаларди. Тоғ акс-садо берди. Душман ётиб қолди ва ўқ очди. Энди икки томондан учган чўғ игналар бир-бирига қадалишарди. Отишма узоқ давом этмай тўхтади. Махалов душманнинг қайта ҳужумини кутди. Лекин ҳадеганда такрорланмади.

Махалов ёнига Йўлдошни чақириб маслаҳатлашдида, «Командасиз битта ҳам ўқ отилмасин. Окоплар, ўқ нуқталари шиддатли мудофаага тайёрлансин!» деб командирларга буйруқ берди. Кичик бир группани эҳтиётдан орқа томонга олиб ташлади.

Белкураклар ишга тушиб, иш қизиб кетди. Махалов ўз маррасини кўздан кечириб чиқди. Душман яна атакага кўчиб қолди. Ҳужум кучли бўлди. Душман Махаловни қишлоқдаги мудофаадан кўчган батальон деб ўйлаган бўлса керак, унинг каттагина куч билан, яхши тайёрланиб ҳужум бошлагани кўриниб турарди. У аввалига миномётдан қаттиқ ўтга тутди. Бу орада тепаликка ўрмалай бошлади. Буни Махалов кузатув пунктидан аниқ кўриб турарди.

— Ана, яқинлашиб қолди.

— Орқасидан яна келишяпти,— деб унга доклад қила бошладилар.

Аммо у чурқ этмасди. Унга сари командирларнинг тинкаси қуриб яна киши юборар, ўт очишга рухсат сўрар эдилар.

Махалов эшитмагандек ё индамай қўя қолар ёки босиқлик билан: «Сабр қилсин!» деб жавоб қайтарарди. Душман ҳамон ўрмаларди. Сабри чидамаган бир командир эса ўзи елиб келди. Шошиб доклад қилди:

— Менинг томонимни ҳозир атака қилади, ахир.

— Нега постингизни ташлаб келдингиз, ким чақирди сизни? Жўнанг жойингизга!

Командир: «Бунинг эси жойидами?» дегандек ажиб бир қараб, порози бўлганича жойига қайтиб кетди. Махалов бир кўзини қисиб, душман билан ўзининг орали-ғини чамалаб кўрди. Рўмолчаси билан манглайини артди. У терлаб кетган, бутун асаби бир мушт бўлган эди. Баданида майин титроқ ҳам бордай сезди. «Наҳот қўрқ-

япман?» деб яшин тезлигида хаёлидан ўтказди ва яна ўзи «йўғ-э!» деб раддия берди. Бу фикри ўйи, диққати, асаби, руҳининг бир нуқтага тўпланганининг оқибати эди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, беихтиёр қўлини мушт қилиб олган эди.

— Кўп-ку...— деб бехос гапириб қолди ёнидаги жангчи.

— Ҳа, ўн киши бир кишининг атакасини қайтармоқчимидингиз. Упдан кўра автоматингизни сидирғасига отадиган қилиб қўйинг.

— Қўйинглиқ.

— Тамом, нимага ваҳимага бериляпсиз!

Жангчи уялиб кетди. Ахир жангда «ваҳимачи» бўлишдек даҳшат борми!

Махалов ҳамон тишларини бир-бирига қаттиқ босиб, лабларини қимтиганича, киприк қоқмай кузатарди. Душман у мўлжаллаган ерга келиб ётиб олди.

— Пулемётлар! Огонь!— деб рўйи-рост туриб ҳайқирди у ва атрофида турган связнойларга қўшимча, ҳар бўлинмага ўзига хос буйруқ бериб жўната бошлади.

Ўт жуда аҳиллик билан очилган эди. Ахир уларнинг бармоқлари бир неча минутдан бери тепкида турибди-да! Ёлғиз буйруққа муҳтож эдилар.

Душман бир сапчиганича, ётиб қолди. Шиддатли қаршилик кўрсатиб турди-ю, бошини кўтариб атакага ўтолмади. Аста-секин орқага тисарилиб, яна миномётини ишга солди. Бунга ҳам қаноат қилмай, пулемётдан ялтироқ ранго-ранг из қолдирувчи ўқлар билан ота бошлади. Мушаклар осмонда бир-бирини қуварди. Бу душманнинг ваҳима солишга кўчганини кўрсатарди. Фрицнинг бу қилиқларига кўлдан бери ошна ва синашта жангчилар окоплардан сал бош чиқариб:

— Фашистнинг жазаваси тутди,— дейишди, яна бири қўшди:

— Алам қилса, туз сеп!

Душман «етарли ваҳима солдим» деб ўйлади шекилли яна, жанг майдонини совутмай ҳужумга кўчиб қолди. Бу гал ўқни аямай йўл-йўлакай отиб, рўйирост келарди. Бу ҳақиқатан ҳам даҳшатлироқ кўринарди. Махалов аччиқни аччиқ кесади, деб ўйлади шекилли, боягидан ҳам беришга келгунча қўйиб берди. Унга сари душман сурбетлик билан интилиб келаверди. У окопларга яқин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашуви билан миномётлари отишини тўхтатди. Махалов шуни кутиб тургандек бирдан ҳамма қуролларидан ўт очиб, қаршилик кўрсатди. Олди душман автоматчилари окопларга сакраб улгурди.

Найзабозлик бошланди. Худди шу маҳалда Йўлдош орқа томонга қўйилган группани бошлаб келиб, окопдаги душман билан унинг орқасидан кўмакка келаётган пастдагиларини ажратиб қўйди, уларни ўққа тутди: Окопдаги жанг ўн минутлар чамаси чўзилиб, тинчиди. Душман қириб ташланган эди. Яна ўқ пастга қаратилди, душман даф бўлди. Бу тенгсиз жанг ғалабаси жангчиларнинг руҳини кўтариб юборди. Ўз кучларига яна ишонч орттирди. Тезда душман мурдаларини бир чеккага йиғиштириб ташлаб, окопларни тартибга солиб олдилар. Яродорларни боғлаб, запас окопларга ётқизиб қўйдилар. Яна душман томонга кўз тикдилар.

— Йўлдош, қойил қилдинг. Ташаббусингга тан бераман, яша!—деб Махалов Йўлдошни қучоқлаб ўпди. Икки дўст ўпишишди.

— Менгамас, жангчи-автоматчиларингга қойил қол!

— Мен уларга доим қойилман. Улар менинг суянган тоғим!

Махалов командирларни йиғиб:

— Тўлқин бошланди, демак сув тубидаги хатарлар юзага чиқади. Бошланишини кўрдик. Энди такрорланаверади. Уларни даф қилиб, мудофаада ўтира бериш бизнинг вазифа эмас. Кенгашилган фикр — қуйма фикр дейдилар. Кенгашиб олсак. Менинг фикрим шундай, лейтенант Йўлдош Отаев ротани олиб жўнайди. Мен бир группа киши билан шу ерда қоламан. Душманни алаҳситиб тураман. Шундай қилмасак душман биздан ажралмайди, уларни бошлаб батальонга олиб бориш — жиноят, бу хоиннинг иши.

Бир оз жимликдан кейин боя постини ташлаб доклад билан Махаловга келган младший лейтенант:

— Мен ўз взводим билан қоламан. Сиз ротани олиб кетинг,— деб оёқ тираб, қаттиқ туриб олди.

— Ўртоқ Отаев ҳам қолмоқчи. Лекин мен буни овозга қўймоқчимасман. Ўзим қоламан.

Хира булутдан кўк юзи ёришиб, шамол турди. Иссиқ қон ва порох ҳиди димоққа урди.

Рота қўзғалишга ҳозирлик кўрар экан, душман яна ҳужумга ўтиб қолди. Бу гал у Йўлдош раҳбарлик қилаётган флангдан бошлади. Бу галгиси қанчалик тез ва шиддат билан бошланган бўлса, шунчалик суръат билан бостирилди ва охирида лейтенант Йўлдош контратакага ўз фланги билан кўтарилиб, уни анча нарига улоқтириб ташлади. Ўз группасини аста-секин позицияларига чекинишга буйруқ берар экан:

— Ўлдирилган немис солдатларининг йўл-йўлакай автоматларини, этик қўнжларидан патронларини йиғиштириб олинг,—деб алоҳида таъкидлади ва бу иш бажарилгунча ҳужум етиб келган позициясида душманга ўқ узиб, қаршилик қилиб турди.

У қайтиб келиши билан Махалов:

— Қани жўна, вақт кетди. Ҳадемай, тонг отиб қолади!— деди.

Йўлдош ҳар вақтдагидек оғирлик билан индамади. Махалов ўзи билан ўн киши олиб қолиб, қолганларни орқа томонга жўнатди.

— Кам-ку?— деди Йўлдош, Махаловнинг кишиларига бир назар ташлаб. У, ҳеч бўлмаганда йигирма бешўттиз киши билан ёки бирорта взвод билан қолади, деб ўйлаганидан жуда ҳайрон бўлди.

Махалов жавоб бермади.

— Ўқдан кўпроқ қолдир,— деб илтимос қилди у.

— Майдондан йиғиштирилган ўлжалар ҳам қолдирилди.

— Яхши.

— Кўп тутилма, лейтенант,— деди Йўлдош нечундир хомуш.

— Имкон бўлди — сени қувиб етаман.

Лейтенант Йўлдош ротани кўздан кечириб, ўтказиб юборди-да, ўзи лейтенант Махалов билан бир неча дақиқага қолди. Нима деб хайрлашувини билмасди. Ичида қандайдир куч: «Уни энди қайта кўрмайсан, энди қайта кўрмайсан!» деяётганга ўхшарди. «Шу тўғрими?» дегандек Махаловнинг кўзига қаради. Қоронғида ҳеч нарса кўрмади, у ҳар вақтдагидек оғир, узоқлашиб бораётган ротасига кўз тикиб турарди. Суяги бузуқ, кам гўшт юзи қия тушган ой нурида қандайдир мудҳиш, жуда жиддий кўринди. «Хафами у? Нега? Ўксияптими?» деб ўйлади Йўлдош.

— Хўш, лейтенант?..— деб гап бошлади Махалов, бироқ ҳеч нарса демай, унинг кўзларига кўз қадади.

Икки ўртоқ — икки лейтенант гарчанд бир-бирлари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг кўзларига боқиб, нима деяётганларини уқишолмаса ҳам, бир лаҳза, фақат бир лаҳза тик тикилишиб қолишди. Йўлдош Махаловнинг бу тикилиш сукунатидан: «Хайр дўстим, кўришмасак яхши-ёмон гапларим учун узр. Дўстларга менинг самимий саломларимни топшир. Менга ишонинг, сизларни гафлатда қолдирмайман, сўнгги томчи қоним қолгунча дўстлар хизматига тайёрман, мендан хавотирланманглар» деган маънони тушунди ва Йўлдошнинг кўнглига шундай фикр келди: «Омон бўл, вазифани шараф билан бажариб қайт. Вазифанг мушкул, аммо сен бунга лойиқсан, сенга ишонамиз, сени биламиз, зафар ёр бўлсин!»

Ҳақиқатан ҳам бу бир лаҳзалик тикилишдан сўнг тиллар сўзга келмади. Иккови ҳам бу лаҳза давомида бир-бирининг фикрини уқиб бўлган эди. Шунинг учун сукунат сўнгида сўзсиз бир-бирларини қучоқларига ташландилар, қовурғалар қирсиллади, лабларда бўсалар чақмоқ чақди, ўпка тўлди. Ҳатто Йўлдошнинг кўзида ёш кўринди. У шу лаҳзада дўстининг у учун, ҳув анави салмоқлаб кетаётган кишилар учун, бундан 2—3 соат муқаддам йўлга чиққан Элмурод, Данильченко, Мурзин ва барча батальон жангчилари учун ўлимга қолаётганини пайқагандек бўлди. Шунинг учун кўзига ёш келди. Буни Махалов пайқаб қолаётгандек кўзини яшириб, унинг қучоғига ташланди, яна ўпди, яна қаттиқроқ қучоқлади. Охир:

— Хайр!—дея олди зўрға, қўлини сиқди, парироқ бориб, қўл силкиди. Махалов ҳам қўл силкиб турарди. Унинг бу қўл силкиб туриши Йўлдошнинг хотирасида умрбод қолди. Узоқлашиб, Махалов кўздан ғойиб бўлганда ҳам, Йўлдош уни доим шундай тасаввур этарди.

Махалов теналикка қайтиб, ҳар битта жангчини яна бир-бир кўздан кечирди, ҳар бирининг мудофаа участкасини кўрсатиб берди. Окоп четига энгагини қўйиши билан кўзи мизғиди. Қанча вақт ўтганини билмади-ю, ёнидаги жангчиларнинг қуйидаги сўзлари қулоғига кирди. Аввалига тушимда деб, ўйлади, кейин кўзини очиб, аста қараса — ўнги. Тинглади:

— Уйғотма дейман сенга!

— Ахир ўрмалашиб қолди-ку.

— Энди кўрдингми! Ўрмалашгани билан ҳали ҳужумга ўтадими, йўқми? Қўй, бир оз тиниқиб олсин. Бугун ҳазилакам чарчагани йўқ.

— Тортишманглар, мен уйғоқман,— деди у.— Ўзи нима гап?

Жангчилар индамай душманга кўз тикишди. Дарҳақиқат, душман ғивирлаб қолган эди: ҳадемай, ҳужумга кўчди. Совуққонлик билан қарши олиб ўққа тутиш натижасида у атакагача етиб келолмай, қайтиб кетди.

Шундан сўнг душман тонггача ҳужум этмади, лекин гоҳ у ёндан, гоҳ бу ёндан тўрт-беш автоматчи ташлаб қитмирлик қилиб, мижжа қоқтирмади. Шусиз ҳам анча ёруғ тунни мушак отиб, ёритиб турди.

— Немисда туни билан отиб чиқадиган мушакчи лавозими борми дейман-да. Туни билан тинмайди-я, занғар!— деди жангчи Содиқов.

— Ҳавасинг келдими?— кулгига олди Асриян.— Истасанг биз ҳам шунақа вазифани сенга юклаймиз.

— Ҳавасиммас, ғашим келяпти.

— Ғашинг келса, қарама!

— Анавининг гапини кўр,— тажанг бўлди жангчи ва суҳбатдошига заҳарли қараб, нарига сурилиб кетди.

Тонг отди. Уфқда пахта тўзонига ўхшаган бир тутам булут кўринди, сал ўтмай олов бўлиб ёнди. Тонг сукунатида узоқдаги замбарак отишмаларининг портлашлари янада тиниқроқ эшитилди. «Узоқ, анча узоқлашибди фронт» деб кўнглидан ўтказди Махалов. У тонг отишидан, кун бошланишидан хурсанд эмасди. Ахир куннинг ташвиши тунникидан ортиқроқ-да!

Нонушта вақти ўтгунча душман чурқ этмади. Бу жимлик яхшилик нишонаси эмасди. Бу бўрон олдидаги сокинликни эслатарди. Худди шундай бўлиб чиқди. Душман миномётдан яхшигина ўққа тутиб, кетидан ҳужумга ўтди. Миномёт Махаловни икки кишидан ажратди. Ҳужумни зўр билан қайтариб, яна бир кишини йўқотди. Жангчи Содиқов бу тўқнашувда ажойиб матонат ва қаҳрамонлик кўрсатди. Нима бўлди-ю, унинг автомати тиқилиб, ўқ узолмай қолди. Бу ўқсиз ораликни кўрган бир тўда душман ўша ёққа ташланди. Содиқов бир неча лаҳза автоматини тузатишга уриниб, душманнинг окопларга яқинлашганини сезмай қолди. Дарров ёнига тайёрлаб қўйган гранатадан иккитасини кетма-кет улоқтирди. Барибир иккитаси окопга тушишга улгурди. У, бирини автоматнинг қўндоғи билан бошига солиб сулайтирди, сулайтирди-ю, автоматнинг қўндоғи ҳам у билан бирга

www.ziyouz.com kutubxonasi

ерга учиб тушди. Иккинчи немис шундоққина ёнида шошиб автоматига ўқ жойларди. Содиқов ҳеч нарсани ўйламай, шақ этиб уни бир калла қилди, кетидан ўзини устига ташлаб, босиб тушди. Асриян унга кўмакка етиб келди. Содиқов ҳаллослаб, қора терга ботиб туриб келарди. Давангидай фриц қоп-қора қонига беланиб, унинг оёғи остида ётарди. Содиқовнинг қўлида унинг автомати.

— Алмаш қилдик. Даюснинг боши қаттиқ экан, бир урсам автоматимнинг қўндоғи синиб кетибди-я!

— Секинроқ-да, бу уришингда қўндоқ дубдан бўлса ҳам дош бермайди,— кулди Асриян.

— Жуда ҳам қаттиқ урганим йўқ эди.

— Боши қовундек иккига бўлиниб кетибди-ку, қаттиқ урмаганмиш.

— Қаттиқ-қаттиқ уравер, қурол топиб бериш менга тан,— деди уларни наридан кузатиб турган Махалов мамнун кулиб.— Ҳеч тап тортма!

— Менинг окопимга тумшуғини тиқиб нима қилади, бошим ёрилмасин деса, узоқдан отиша берсин. Насибасини шундоғам юбориб тураман,— деди руҳи жуда кўтарилиб кетган Содиқов. Унинг уйқусизликдан бир тундаёқ ориқлаб кетган, тўзон ва порох тутунлари қўнган юзида табассум кезарди.

Атака яна такрорланди. Кетма-кет бўлаётган ҳужумлар даҳшатидан қўрқиб қолган бир жангчи келиб, Махаловга дудуқлана бошлади. У, Махаловнинг сувсиз қудуқдек чўкиб кетган кўзларидан, ҳорғин қарашларидан, оғир-оғир кўз юмишларидан тўқнашвериш унинг ҳам жонига тегди, бир оғиз сўз кифоя деб ўйладими, энди қаршилик кўрсатишнинг фойдаси йўқ, деган мазмунда алланималар деди. Бу Махалов бошида кутмаганда чақилган чақмоқ эди. Унинг ҳорғин кўзлари керилиб, пешонаси тиришди, бутун баданини титроқ босди, қўллари муштга тугилди-ю, тили сўзга келмай, фақат «Қўрқоқ, хоин!» дея олди. «Ўн кишининг номуси ва фахри учун бир одамни қурбон қилиш жиноят эмас» деган фикр ўтди кўнглидан.

— Йўқол, дейман! Йўқол!— деди унинг сўррайиб турганини кўрган лейтенант.— Жонинг ширин кўринмай қолдими, қўрқоқ! Кет, кўзимга кўринма!

Шу маҳал Содиқов: «Танк, ўртоқ лейтенант!» деб доклад қилиб қолди. Лекин Махаловга узоқдан ўрмалаб келаётган дашҳатли танкдан кўра, қаршисидаги қўрқоқ жангчи хавфлироқ ва бадбахтроқ кўринарди.

— Ўртоқлар,— деди жангчиларга қараб,— мана бу ҳамроҳимиз қаршилик кўрсатишни энди бефойда ҳисоблайди, сиз нима дейсиз?

— Бу қўрқоқлик.

— Қўрқоқлик — жангда хоинлик.

— Хоинга ўлим!

— Тўғри, ҳукм шу!— деди Махалов нафрат тошган кўзларини хоинга тикиб. Хоиннинг башараси мурда тусини олиб бўлган эди. У нималардир деб дудуқланарди. Асриян келиб, унинг қўлидан автоматини тортиб олди. Хоин бақириб окопдан чиқди-ю, душман томонга чопа бошлади.

— Хоиннинг ризқи шу!— деди Махалов автоматидан унга қарата қисқа ўқ узиб.

Хоин юзини чангаллаганича чимирилиб мукка тушди. Ерни чангаллаб бирпас типирчилади-ю, сўнгра жим бўлди.

Бу маҳал учта танк очиқ майдонга чиққан, тепани пишонга олиб ўқ уза-уза гурсиллаб келарди. Махаловнинг ҳаммадан ҳам қўрққан нарсаси шу эди. Ахир на бир дона танкка қарши гранатаси ва на ёнилғили шишаси бор эди-да! У ҳамон ҳалиги хоиннинг гапидан титрар, газабидан ўзини тийиб ололмас эди. Унинг назарида ҳалиги хоин шу танкни ҳайдаб келаётгандек кўринарди. Унга сари лейтенантнинг нафрати оловланиб, нима қилаётганини билмасди. Шу пайт унинг ёдига танкнинг энг нозик ерларидан бири ҳайдовчи қараб келадиган энсиз тирқиш экани тушди-ю, ўша тешикларга қараб ўқ ёғдиришни шерикларига буюрди. Ахир ҳайдовчининг кўзи ўша тешиклар қаршисида-да! Ўзи ҳам ёнидаги милтиқни олиб, ўқ уза кетди. Лекин унинг ёнидаги Содиқов ўт очмай нима биландир ивирсирди. Бундоқ қараса, бир неча қўл гранаталарини бир қилиб, бир-бирига чандираяпти. «Ҳа? Тўғри-тўғри!» деди у беихтиёр ва ўзи бу ишга киришди. Асриянга бақирди.

— Пулемётга ўт!

Асриян ҳозиргина ҳалок бўлган жангчининг панжасидан тепкини аранг ажратди, унинг қўли ҳали иссиқ эди, тепкидан панжасини тортганда, пулемёт яна бир сидра ўқ ёғдирди. «Ўлсанг ҳам отасан-а, дўстим, юрагингда қасосинг шунча кўпмиди!» деб қўйди Асриян унинг ўрнига ўтиб, пулемётни тўғрилар экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Асриян, автоматчиларни танклардан ажратиш керак!— яна ҳайқирди Махалов.

Асриян пулемётини кўтарганича флангга ўтиб кетди. У ердан туриб, танклар кетидан қумурсқадек ўрмалашиб келаётган автоматчиларга ўқ ёғдирди. Атрофига бир-пикки мина келиб тушиши билан «нишонга олдинг-а, хумпар!» деб яна жойини алмаштирди. Бу гал тепаликнинг флангидан анча наридаги чуқурга тушиб душманни худди ён бағридан ўққа тутарди. Бу ер жуда ўнг эди, автоматчилар гўё унинг кафтида эди. Бу қулай позициянинг икки-уч сидирға ўқи душман автоматчиларини ҳаракатдан тўхтатиб, ётишга мажбур этди. Бу айни муддао эди. Махалов унга қараб, ёришган юз билан «Яша!» деб бақирди. Командирнинг ташаккури Асриянни яна ғайратлантириб юборди, у янада шиддатлироқ ўқ уза кетди.

Автоматчилардан ажралган танк тепаликка суръат билан етиб келиб, ўқ отишни тўхтатди-да, окоплар устидан юриб, гусеницалари билан эзғилай бошлади, окопларнинг, алоқа йўлларининг чети нураб, тупроққа тўлди. Содиқов танкнинг ўз устига бостириб келишини кутиб ўтирмади-да, траншея ичидан унга қараб отилди. У мўлжалга олган танк бир ерда туриб олиб, занжирлари устида гир айланарди. У шунчалик яқинлашиб бордики, ўз гранатаси парчасидан зарар кўриши хаёлига ҳам келмади. У фақат бир парсадан: гранатаси мўлжалга тегмай қолишидан, меҳнати бекорга кетишидан қўрқарди. Яраланиш, ҳалок бўлиш, нечундир шу онда ўйига келмасди. У гранатасини ирғитишга кўтарганда, танк манглайидаги оқ крест шунчалик аниқ ва катта кўриндики, унинг шунақа эканини ҳеч пайқамаган экан. Шу дақиқада у крест кўзига жуда ҳам мудҳиш кўриниб кетди. Кўринди-ю, гранатани қанақа қилиб ирғитганини ўзи билмади, фақат салдан сўнг кучли гумбурлашни ва қандайдир темир бўлакларини шарақлаб кетганини эшитди. Бошқа ҳеч нарсани билмади. Бир вақт кўзини очса, тепасида лейтенант Махалов билан младший сержант Асриян турибди. Махаловнинг боши боғланган, Асриянинг сўл қўли бўйнига осилган. Атроф жимжит. Уни бошқа жойга кўтариб келтиришибди. У граната ташлаган танк гурилаб қора тутун чиқариб ёнмоқда, ундан нарида яна бири қаққайиб турарди. Унинг шодлиги беҳад эди. Яраларининг оғриғини ҳам унутди.

— Ким ёқди?— мамнун сўради у.

— Асриян. Сувдонида озроқ спирти бор экан, қуйиб ёқди.

— Ремонт қилолмайдиган бўлсин дедим,— кулди Асриян.

Гарчанд бу гал душман икки танкидан ажралиб, анча талафот кўрган бўлса ҳам, махаловчиларнинг аҳволи танг эди. Бу жанг унга жуда қимматга тушди. Иккита танкининг ишдан чиққанини кўрган душман аламзадалик билан ўлган-тирилганига қарамай, ёпирилиб келди. Бу маҳалда жанг қилишга лаёқатли ёлғиз ўзи қолган эди. У эсанкирамай, ақли-ҳушини бир ерга тўплаб, узун окопнинг гоҳ у бошига, гоҳ бу бошига югуриб, эгалари сафдан чиққан қўл пулемёти ва автоматлардан ўқ узарди. Ярадорлар магазинга ўқ жойлаб бериб туришди. Душман чекиниб, шунақа, миномёт ўқига тутдики, Махалов, тепа чўкиб кетди, деб ўйлади. Отишма тугагач, бундоқ қараса, Содиқовдан бошқа барча ярадорлар қирилиб битибди. Тасодиф Содиқовни асраб қолибди. Эҳтимол, ажал, унинг беҳушлигини кўриб, мурда ҳисоблагандир. Бир маҳал Асриян қўлини бўйнига осиб, сойликдан чиқиб келди. У шу тўқнашувнинг ўзида беш йиллик касалдек жуда озиб кетган эди, Асриянга асти-аста ўхшамасди. У билан юз йиллар учрашмагандай, қучоқлашиб кўришди-да, «мен ҳам унга ўхшаб озиб кетгандирман» деган ўй билан сўради:

— Мен қалайман, озиб кетибманми?

— Йўқ, яхши, мен-чи?

— Сен ҳам яхши.

Бугун Махаловга кун жуда ҳам узун кўриниб кетди. Қуёш осмон гумбазига қадалган нурли нақшдай асти бир ердан қўзгалмаётганга ўхшайди. Эҳа... ҳали кечга, қош қорайишига анча-мунча соат бор. Энди уч атака қайтарилди. Ким билади, ҳали печтаси олдинда! Яна танк ташласа-чи? Нега энди атакасини такрорламасин? Анави тупроққа қоришиб ётган уюмлар танк гусеницаларидан узилиб тушган кўмакеш ярадор шерикларининг гўштлари, суяклари эмасми! Энди лейтенантнинг кечгача бардош беришга асти кўзи етмай қолди. Зотан, ротани кузатганда ҳам уни қувиб етишга кўзи етмаган, ҳалок бўлиш учун, танланган маррасини ҳимоя қилиб ҳалок бўлиш учун қолаётганини бир карра кўнглидан ўтказган эди. Бу ўлимнинг аниқ ва муқаррар эканини энди тўла

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўкис ҳис қилди. Ҳис қилди-ю, ҳаётнинг бутун кўркамлиги ва латофатини шу лаҳза тасаввур этгандек бўлди, у билан видолашувга мажбур эканини тушунди. Бошқа илож йўқ эди. Бошқа йўл ўлимдан кўра даҳшатлироқ эди! Ўлим! Ўлим — хунук зарурат! Йўқ, хунук эмас, шу онда у айни зарурат. Шу дақиқа шарафли зарурат! Шундай ўлиш керакки, у инсончасига бўлсин, виждонинг қийналмасин, ўзинг рози бўлиб кет!

— Асриян,— деди у,— сен энди жўна.

— Қаёққа, ўртоқ лейтенант? — ҳеч нарса тушунмади Асриян.

— Рота орқасидан. Тунга ҳали узоқ. Ўқларимиз тугади ҳисоб. Тугамаганда ҳам икковимизнинг қўлимиздан нима иш келади? Содиқовнинг аҳволини ўзинг кўриб турибсан, бекорга икковимизнинг ҳалок бўлишимиз инсофдан эмас. Сен кет. Мен қоламан. Мен гов бўлиб тураман.

— Йўқ, ўртоқ лейтенант, сиз кетинг, мен қоламан. Сиз командир, сизнинг мендан кўра фойдангиз ҳали кўп тегади.

— Биласанми,— деди лейтенант Асриянинг ҳадеганда ён бермаслигига энди иқрор бўлиб,— денгизчиларда қандай одат бор? Кема фалокатга учраганда, капитани ҳаммадан кейин уни ташлаб чиқади.

— У денгизчилар-да!

— Тўғри, бу денгизчилар одати. Лекин мен ҳам бир замонлар денгизчи бўлишни орзу қилгандим. Энди ана шу орзумга кўра, ҳеч бўлмаса, шу ерда денгизчилардек иш тутмоқчиман, ундан кейин,— бирдан лейтенантнинг юзига кулги чиқди,— ундан кейин, сенинг севган қизинг бор. У сени кутяпти.

— Тўғри, у мени кутяпти. Лекин жоним ширинлик қилиб командиримни оғир жангда ёлғиз ташлаб кетганимни билса, мени кутмай қўйиши ҳеч гап эмас, ўртоқ лейтенант.

— Ахир сен ташлаб кетаётганинг йўқ, мен ўзим рухсат этяпман. Ҳалиги қаҳрамонлигингнинг ўзи сен учун кифоя! Акс ҳолда ҳаммамиз қирилиб кетардик. Сен кет.

— Йўқ, мен кетмайман, кетолмайман, ўртоқ лейтенант, ахир ўзингиз ўйлаб...

— Буюраман: ҳозир, шу дақиқа жўнаб кет, ротанинг изидан жўна, батальонга қўшил. Жанг тафсилотини комбатга доклад қил! — деди Махалов тик қотиб, товушига салобат ва команда руҳини бериб.

Асриян унинг важоҳатига, ёниб турган кўзларига қараб, таклиф буйруққа айланганини англади, энди важ кўрсатиш бефойда эканига иқрор бўлди. Чунки буйруқ важ талаб этмайди, сўзсиз бажарилади, охири:

— Есть, ўртоқ лейтенант! — деди, шундай деди-ю, севимли командирининг кўзига тикилганча қотиб қолди. У командирининг нима мақсадда қолаётганини унинг важоҳатидан уқиб олганди.

Махалов: «Хайр, оқ йўл!» деб қўл узатди, элчи ҳамроҳининг қўлини сиқди, бағрига босди. Сўнг икки кифтига қўлларини ташлаб, деди:

— Комбатга салом айт. Мен ундан миннатдорман. Мен ундан ана шундай оғир вазифани ишониб топширгани учун миннатдорман. Худди шундай деб айт. Жангчиларимга ташаккуримни топшир, мен улардан мингдан-минг розиман.

— Есть! Ҳар ҳолда ўзингиз қолиб яхши қилмаяпсиз, ўртоқ лейтенант, мен қолишим керак эди.

Махалов индамади. Асриян Содиқов билан бориб хайрлашди-да, йўлга тушди.

— Ўзингни эҳтиёт қил,— деди лейтенант у анча узоқлашгач.

— Сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг. Қалтис аҳволда қоляпсиз, менга бало ҳам урмайди.

Махалов Содиқовнинг қошига келиб, унинг аҳволини сўради. У бир неча жойидан яраланган, қимирлашга мадори йўқ эди, лекин ёнаётган душман танкини завқ билан томоша қилиб ётарди. Ўз меҳнатининг самарасини кўришдан гаштли нарса борми!

Лейтенант қолган ўқларни бир ерга тўплади, магазинларга жойлади. Яна қидириб кетди. Борлари ҳам танк ҳужумида тупроққа кўмилиб кетган эди. Излаб-излаб бир жуфтгина қўл гранатаси топиб келди. Унинг ҳам бирини боя пулемёт тепкисини қўлидан чиқармай, ҳалок бўлган жангчининг ёнидан ечиб олди. Гранаталарни ҳам бир кўздан кечириб, автомати ёнига қўйди. «Сен кузатиб тур!» деб душманни Содиқовга топширди-да, унинг белкуракчасини олиб, пулемётчини кўмгани кетди. Уни қўлидан келганича, яхшилаб кўмди. Қайтиб Содиқовнинг олдига келди.

— Бу ёқдаги ишларимиз тугади. Ўқ ҳам тугади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сену мен, мана шу ўқ-дори қолди. Қош қорайгунча бардош беролсак, душман безовта қилмай турса, марра бизники, биз ютамиз. Аслида шундоқ ҳам биз ютдикку-я!

— Нима қиламиз, рота кетидан кетамиз дейсизми?

— Бўлмаса-чи. Улар маррага етиб олди. Бизнинг ҳам иш битди.

— Мен-чи, мен юролмайман-ку?

— Ташвишланма, дўстим, ташлаб кетмайман. Мана бу юрак, мана бу ерда виждон бор,— деди кўкраги билан сўл биқинини кўрсатиб,— улар ҳеч кимга хиёнат қилмаган. Уларга ишонишинг мумкин, улар дўстга хиёнат қилмайди.

Лейтенант Махаловнинг нима учундир шу вақтда ҳадеб, гапиравергиси келарди. Унинг бошига шу маҳалгача келмаган жуда қизиқ фикрлар ёпилиб келмоқда эди. Бундан ўзи ҳам ажабланарди. Унинг алланималар ҳақида фикр юритгиси, мулоҳаза этгиси, бошидан кечирган оддий воқеларни ҳам завқ билан ҳикоя қилгиси келарди. Ҳаётдаги ҳар бир парса, ҳар бир ҳодиса ажойиб суҳбат мавзуи бўлиб кўринарди, диққатини тортади. Лекин ундан «нега шундай?» деб сўралса, балки ўзи жавоб беролмасди. Содиқов унинг сергап бўлиб қолганидан ажабланарди. Ахир бу камгап, суҳбат севмас лейтенантни энди кўраётгани йўқ. Унда курсант бўлган, фронтгача сафардош бўлган. Лекин унинг бунчалик илҳом билан сўзлашини, кўтаринки руҳини биринчи кўриши эди. У нималар ҳақида гапирмади! Унинг дастидан болалигида қоғоздан қайиқ қилиб, қўшни майдонидан ўтадиган ариқчада оқизгани ҳам қолмади.

Улар бирпас жим қолишди, кейин яна бошқа бир мавзуда суҳбатлашиб кетишди. Уларнинг бахтига душман пидо бермай жим ётарди. Фақат кузатувчилар гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан бош кўтариб қоларди. Шу сукунат кун оққунча давом этди. Кун оғиб, кўкда булутлар юра бошлагач, улар ҳаракатга келиб қолди. Махалов автоматини елкасига тиради. Бир-икки қисқа-қисқа ўқ узиб қўйди.

— Ўртоқ лейтенант,— деди Содиқов,— менда ҳеч парса йўқ-ку, жилла бўлмаса тўппончангизни бериб қўйинг. Жангчи ҳам мудофаада беқурол ётадими,— кулди Содиқов қон қочган, касалсимон ҳорғин юзларини йилтиллатиб.

— Марҳамат!— тўппончасини узатди лейтенант.

Содиқов оғирлигини сипагандек тўппончани ушлаб кўрди-да, кейин ўқини кўздан кечирди.

— Бут бўлса керак,— деди лейтенант.

— Бут. Еттита.

— Биттаси ҳисобланмайди.

Содиқов «Нечук?» деб сўрамади, унинг нима демоқчи эканини тушунган эди. Командир, «бундай оғир дамларда олтитасини душманга отасан, биттасини ўзинг учун олиб қоласан» демоқчи эди.

Душман қисқа-қисқа югуриш билан босиб келарди, Махалов қанча аяб, тежаб отмасин, ўқи у кутгандан тез тугаб борарди. Ана душман 70—80 метрли масофада ўқ узмоқда. Ана 2—3 таси ундан ҳам берига келиб қолди. Махалов улардан бирини пойлаб ўқ узди, у энди сапчиши билан мук тушди, йиқилганича турмади. Ана, бошини кўтармади, қўлидан автомати тушиб кетди. Ана, яна бири ер тишлади. Ана, биттаси яраланиб, ёнидан бинтини олди. Анави бирининг илгарилашга юраги бўлмадими, нуқул ётган еридан ўқ узади. Махалов уни нишонга олди: ётиб сув ичаётгандек бошини қуйи эгди-ю, бошини кўтармади, қўлидан автомати тушиб кетди. Ана, анави тепача ёнидан пулемёт сайраб қолди. Уни йўқотиш керак. Махалов нишонга олди, тепкини босди, аммо отилмади. Махаловнинг юраги шиғ этиб кетди: «Наҳот тугаган бўлса!» магазинни очди, қаради. Чиндан ҳам ўқ тугаган эди, нима қилиш керак? Унинг кўзи жавдиради. Тезда чора кўриш керак эди, акс ҳолда ҳализамон улар етиб келиб асир оладилар. «Асир!» Махаловнинг кўз олди қоронғилашиб, бадани жимирлади. «Йўқ!» деб рад этди у шу заҳоти,—асирликдан ўлим афзал! Олдидаги икки гранатани кўздан кечирди. Бутун умиди шунда эди. Бирини олиб кучи борича ирғитди, унинг портлашини кутмай иккинчисини тезликда қўлтиғи остига олиб, иккала қўлини сал юқори кўтарди. «Таслим бўламан! Таслим бўламан!» деб бақирди. Ундан кўзини узмай турган Содиқовга қараб:

— Хайр, дўстим, мен кетдим,— деди ва сакраб окопдан чиқди.

Иккала қўлини елкасидан сал юқори кўтариб, гранатани қўлтиғида маҳкам қисганича юриб бораверди. Унга ўқ узмадилар. У салмоқли қадамлар билан душман қошига бориб тўхтади. «Асир»нинг офицер погонини кўриб, кўплар қизиқиб, уни ўраб келишди. Улар атрофини қа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лингина ўрагач, лейтенант Махалов гранатани қаттиқ бир сиқди-да, портлатиб юборди.

Унинг ўлими душманга жуда қимматга тушди!

Окопда ўтирган Содиқов командирининг бутун ҳаракатини кузатиб турди. Граната портлаб, бир неча фрицнинг қон-қора қонга беланиб ер тишлаганини кўргач, ўзича: «Бизникилар мана бундай асир тушадилар. Яша, ўртоқ лейтенант! Қойил қилдинг!» деб қўйди. Товуш чиқармай душманнинг ўзига яқинлашувини кутиб ётди. Улар кун бўйи қаршилик кўрсатган бу тепаликни томоша қилишга кўтарилганларида Содиқов тўппончасини қўлида ушлаб тайёр турарди. Улар яқинлашуви билан аранг окоп четига тармашиб қад кўтарди-да, нишон олиб олти ўқ узди ва еттинчи ўқни ўз чаккасига бўшатди.

VIII

Сафарга отланган киши, одатда йўлга чиққунча ь йўлнинг ярмигача орқа томонининг ўйи билан банд бўлади, сафарга кўрган хозирликларини хаёлидан ўтказади, яхши томони билан қувониб, ноқулай томонидан ташвишланади. Йўлнинг иккинчи ярмидан кейин борилажак манзилнинг ширин туйғулари гоҳ қалбни эркалайди, гоҳ мўжмал шубҳалар қавариб хаёл кўзгусига ташланади.

Элмурод худди шу аҳволда эди. У назарида лозим йўлнинг ярмини кўнгилдагидек босиб ўтди. У томоннинг ташвишлари ва баъзи енгил хотиралари из йўқота бошлади. Энди унинг бутун диққатини йўлнинг иккинчи ярми — фронт линиясидан ўтиш қоплаб олган.

У, кўзғалишга буйруқ бермоқчи бўлар экан, колхоз раиси келиб қолди. Унинг колхози душмандан қочиб келиб, шу ўрмонда ҳаёт кечираркан. Элмурод уларни кеча учратган ва кўмак олган эди. Раис улар чиқмоқчи бўлган шаҳарни кеча немислар ишғол этганини айтди. Бу билан Элмуроднинг режаси ўз кучини йўқотган эди. Энди тездан маршрутни ўзгартириш керак эди. Бу эса ишни шу ердан қайта бошлашни талаб этарди. Бу ҳақда раис билан узоқ суҳбатлашди. Қўлидаги харитани бир неча бор очиб, турли белги қўйди. Шу ерга бошлаб келган чолга маслаҳат солди.

— Яхшиси,— деди раис,— мен айтган йўл бир оз машаққатли бўлса ҳам, ўлим ва қирилиш даҳшатидан холи. Бу маршрут Элмуроднинг харитага ошна кўзига аллақачон ташланган бўлса ҳам, масофанинг икки баравар узайиб кетиши, ботқоқликдан ўтиш, сўнгра бир тоғни ишғол қилиш ташвиши юрагини безиллатарди.

Элмурод икки маршрут бўйича разведка юборишга қарор қилган ва юборган эди. Улардан бири кечасиёқ раиснинг шаҳарни душман ишғол қилганлиги ҳақидаги фикрини қувватлаб қайтди. Иккинчиси эса ёлғиз ботқоқлик олдигача бориб, қайтган. Элмурод шу маршрут бўйича кетишга қарор қилган бўлса ҳам, уни ярадорлар масаласи ташвишга соларди. Нима қилиш керак? Илтимос қилса раис олиб қолармикан? Ўзи билан бирга олса, қийналиб қолмайдими?

«Раис йўқ демаса керак. Бир маҳаллар урушган, бундай аҳволларни кўплаб бошидан кечиргани аниқ» деб ўйлади Элмурод. Раиснинг ярадорларни олиб қолишига ишонч ва қаноат ҳосил қилгач, Элмурод ўз фикрини баён этди.

Раис иккиланмай қабул этди. Кишиларини чақириб, ярадорларни хоналарга тақсимлаб берди. Аммо колхозида тиббий ходим йўқлигини айтиб, дори-дармон ҳам қолдиришини сўради:

Бу бизнинг келажак ишимиз учун ҳам кўмак бўларди,— деди қўшимча қилиб раис.

— Бош устига, битта фельдшерни қолдиришим мумкин.

Элмурод кечаёқ раисга ваъда қилган, қишлоқда қўлга туширилган ўлжа қуролларни топширди.

Элмурод қўзғалишга буйруқ бериб, ўзи Данильченко олтилган хонага кириб борди. Данильченко шу куни оқшом ҳушига келган бўлса-да, ҳали ўзини тўла тасаввур этолмас, фақат қаердалигини бир марта сўради, холос. Буни унинг камгаплигидан деб бўлмас эди. У бутунлай дармонсизланган, гапиришга лаб очар экан, масхаралаб кулаётган кишига ўхшаб, юзлари буришади. Кўзлари чуқур ҳовузча тубида қолган озгина сувдай милтиллайди.

Элмурод хайрлашар экан, у қўзғалишга уринди, ёғоч каравотнинг четига қўйилган ранглар қўлининг томирлари бўртиб чиқди, зўриққандек юзига ним қизиллик югурди. Элмурод қўзғалиш керак эмаслигини айтиб, ўзи унга эргашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Элмурод...— деди Данильченко, у бошқа ёққа қараб тургандек хитоб қилиб.— Раҳмат! Уйимга хат ёз. Яраланиб қолганимни айтма, барибир мен ўлмайман. А? Шундаймасми?— ёнида турган колхозчига мурожаат этди, теран қудуқдан сув тортгандек ўзини зўрлаб кулди,— шундай, ўлмайман, ҳали барвақт. Иш билан қолди, де. Хайр! хайр! Қаерда кўришамиз? Йўлда учрашмасак, Берлинни мўлжал қилавер. Менга ҳам ўша ер тузук кўринади,— деб яна илжайди.

Бир талай ергача Элмуроднинг кўз олдидан Данильченко билан хайрлашгани кетмади. У тақдим этган дурбинни қўлида тутиб, томоша қиларди. Қандай қилиб кўзига ёш келиб қолганини ҳамон эслолмайди. Данильченконинг «Йўлда учрашмасак, Берлинни мўлжал қилавер» дегани қалбининг тубига қўрғошин бўлиб қуйилди. Уни кўз олдига келтирар экан, шу сўзни яна қайта эшитаётгандек бўлди. У ярадорларни қолдирганидан анча сигил тортган бўлса ҳам, Данильченконинг бирга эмаслиги ширин ўйларига тикан бўлиб ботади, бир ёнидан шамол ураётгандек туюлади, кўзи беихтиёр уни қидиради.

Батальон кечга яқин олдиндан назарда тутилган дарё ёқасига етиб келди. Дарё харитада кўрсатилгандан бир оз бошқачароқ эди: харитада қирғоқ қуруқ ва тиккароқ, унга боргунча бўлган 40—50 метр қамиш билан қопланган ботқоқлик эди. Атрофга қиргоқ ва сув оқимини разведка қилиш учун юборилган кишилар бирор яхшилик тониб келмади. Бу ерларга бу яқин йиллар ичида инсон оёғи етмаган эди. Элмурод ўрта бармоқ йўғонлигида ёғоч кесиб, ботқоқликнинг чуқурлигини синамоқчи бўлиб икки метрча ботқоқлик ичкарисига кирган эди, бир жуфт тустовуқ «парр» этиб кўкка кўтарилди. Ҳамма уларнинг бошқа қушларникига ўхшамаган қўпол қанот қоқишига термилиб қолди. Улар дарёнинг париги бетидаги чакалакзорга тушди.

— Бу томонларга овчи кам келса керак,— деди Горкунов,— аслида отиш керак эди-ю, лекин пайти эмас-да... Бекор кетди. Гўшти ҳам қўзипикидай бўлади.

— Саратонда тошга ёпса, пишади,— деди Рашид,

— У сизнинг томонда.

Элмурод ботқоқликдан ўн қадам ҳам боролмади: аталасифат ботқоқлик бошланди. Бир оёғи кутмаганда ботиб кетиб, таёқли қўли билан ёнбошлаб қолди. Суюқ лой қўлжига тўлди, шу вақт димоғи балчиқнинг қўлансалигини пайқади, бадани сесканди. Орқасига қайтди. Ундан нарида шу вазифани ўтаётган лейтенант Шилов ҳам аллақачон орқасига қайтиб, этигини бир сиқим барг билан артар эди.

Элмурод бундай ўйлаб қараса, жангчилар жуда ҳолдан тойган. Ҳозир бирор иш бошлаб, ботқоқликдан кечишга тайёрлик кўриш инсофдан эмас. У командирларни йиғиб, эрталабгача дам олажакларини билдирди:

— Жангчиларни ҳеч нарса билан машғул қилманг, фақат дам олсин!— деди яна таъкидлаб.

Ўзи ҳам Бондарь билан бир четга ўтиб чўзилди. Чарчаган бўлса ҳам нима учундир, кўзга уйқу келмас, батальон тақдири хаёлини чулғаб, фикрини бўларди: фронт линиясидан ўтишга қулай жой топа оладими? Узоқ тўқнашувга тўғри келса, ўқ-дори етадими?

Элмурод шу ўйлар билан узоқ ётиб, энди кўзи илинган эди, кимнингдир: «Комбат қаерда? Комбат қаерда?» деган ташвишли товуши қулоғига кириб қолди. Элмурод сапчиб турди:

— Мен бу ордаман. Нима гап?

Жангчи ҳаллослаб келиб, нафаси тиқилиб гапира кетди.

— Ўртоқ лейтенант, биз охранада эдик. Бир вақт қарасак ўнтача одам бизга қараб келяпти. Олдингига смена деб турдик. Йўқ, смена эмас, лейтенант бор-ку, ҳа, оти нима эди-я, анави-чи, юзларига ҳуснбузар тошиб кетган.

— Низомовми?

— Ҳа, ҳа. Ўша!

— Хўш, хўш?

— Ёнида ўнтача жангчи, «Йўл бўлсин?» десак, «Разведкага кетяпмиз» дейди. Сержант ишонмади. Чунки уларнинг турқи бузуқ, ҳаракатлари бесаранжомроқ эди. «Бизнинг хабаримиз йўқ-ку» деб ўтказмаяжагини айтди. Лейтенант: «Командирнинг гапига ишонмайсанми?» деб жеркиб солди. Ўтиб кетди. Орқасидан қараб турсак нарироқ бориб, қадамларини тезлатиб қолишди. Сержант: «Булар қочиб кетяпти, чоп, комбатга хабар бер» деди.

— Югуринг, сержантга айтинг, икки киши билан изига тушсин. Биз ҳозир етиб борамиз. Бондарь!

— Лаббай!

— Шиловга айт, бир взводини кўтарсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элмурод кийиниб бўлгунича, Шилов «Қандай хизмат буюрасиз?» деб етиб келди. Элмурод воқеани тушунтирди ва охирида деди:

— Йўлини тўсинг, қайтаринг!

Жангчиларнинг ташвишли чақириғи билан Элмуроднинг кўзидан қочган уйқу тонггача ҳам кипригига қўнмади. У Шиловнинг қайтишини сабрсизлик билан кутди. Лекин ундан дарак йўқ эди. Тонг ҳам отди, қушлар сайроғи ўрмонни тутди. Қани Шилов қайтса! Ташвишланиб, яна бир отделение юборди. Дам ўтмай ўша томонга қулоқ тутди; у Низомовнинг кишилари билан қаршилик кўрсатишидан қўрқарди. Ахир хоинликни бўйнига олган қуролли кишилар индамай қўл кўтара қолармикан? Йўқ, у ўйлаганча бўлиб чиқмади. Лейтенант Шилов Низомовни кишилари билан қуролсизлантириб олиб келиб қолди. Фақат Шиловнинг бир киприси елкасидан яраланибди.

Шилов ҳам кета туриб ўйлабди: орқасидан қувиб бориб, товуш берса, албатта мақсадга тушунади-ю, ўқ билан қарши олади, ўқ билан қарши олмаган тақдирда ҳам қочиб қолиши мумкин. Шунинг учун у қочоқларнинг маршрутини аниқлаб, чакалакзор оралаб бўлса ҳам ёнидан ўтиб, олдидан тўсиб чиқибди, ўраб турибди. «Кўтар қўлингни! Қуролларга тақилманг, отиласиз!» деб буйруқ берибди. Иккитаси қочган экан, бирини ўқ билан ер тишлатибди, иккинчиси ўқ узиб қаршилик билдирибди, бир кишини яралабди. Охир унинг ўзини ҳам оёғидан отиб, ушлаб олибдилар.

— Учиб кетишяпти, зўрга етиб олибман,— деди сўнгида лейтенант Шилов.

— Оёқларини этик урган-да, юриш қийин, ёлғиз чопиш керак,— кесатди Элмурод.

Низомов Элмуроднинг юзига қаролмас, бошини қуйи солиб турарди. Элмурод қўлини мушт тугиб олган, нафратидан титрар, аччиқ бир сўз билан бутун аламини тўкиб солмоқ истарди. Лекин ўшандай залварли сўз тилига келмас, тилига келган сўзлар жуда сийқа бўлиб кўринар эди. У титраганча Низомовга яқинлашди-да, зарб билан унинг командирлик петлицасини юлиб олди. Низомов уради деб ўйлади шекилли, шундай ҳам сиқиқ бўйнини япада елкалари ичига олди.

— Қўрқма, сени уриб, қўлини булғайдиган кини йўқ! Қани айт-чи,— деди Элмурод унинг даҳанидан кўтариб

сўппиқ кўзларига ғазабли кўзларини тикиб. Даҳанини тутган қўли асабдан титрар, ранги бир оз оқариқираган эди.— Қани айт-чи, қаёққа кетаётган эдинг? Душмандан паноҳ излабми? Чикалода охирги ўққача жанг қилмоқчи бўлувдинг-ку, ё ҳаммаси найрангмиди, сенга айтяпман, менга қара, найрангмиди? Ўзинг асир тушиб, бошқаларни қириб юбормоқчимидинг? Походда орқада қолишинг ҳам бежиз эмас экан-да? Оёғингни этик ургани ҳам ёлғондир ҳали. Ет-чи этикни, қани!

Ана шунда Низомов типирчилаб қолди. Элмурод унинг ҳаракатидан пайқадики, оёғини этик ургани ҳам ёлғон, шу баҳона билан орқада қолиб, кейин қочмоқчи бўлган.

— Демак ҳаммаси найранг эди дегин! Хоинлик учун тузган режаларим эди дегин! Ҳей, қўрқоқ! Сотқин!

Элмурод ана шу сўнгги сўзни бутун вужуди титраб-қақшаб айтди, ҳатто тишлари ғичирлаб кетди. Шу сўздан кейин ёниб турган чироқни уйдан олиб чиқиб кетгандек Низомов кўнглига бирдан қоронғилик чўкди. Кўз олди жимирлашиб, гангиб қолди. Элмуроднинг оёғига ташланиб, ёлвора бошлади.

— Билмабман!.. Хато қилдим, кечиринг... Шайтон йўлдан урди. Ериб ўтишимизга ишонмадим, қўрқдим.

— Қўрқдим? Қўрқоқни эса фронтда отиб ташлайдилар.

— Раҳм қилинг, Элмурод, ҳамшаҳармиз.

— Менинг сендақа ҳамшаҳарим йўқ! Лейтенант Шилов, олинг хоинни! Ади-бади айтишиб ўтирадиган пайт эмас.

Ярим соатдан кейин батальон саф тортди. Борисов комбат Элмуроднинг буйруғини баланд товуш билан ўқиб эшиттирди. Низомов отиб ташланди.

— Вақт ғанимат, ўртоқлар,— деди кейин Элмурод.— Нима бўлса бўлсин, шу ботқоқ оша дарёдан ўтишимиз керак. Анча дам олдик, қани ишга!

Элмурод дарахт кесиб, ботқоқликка ётқизишга буйруқ берди. Болтадан бошқа кесишга лаёқатли асбоб йўқ эди. У ҳам ҳар взводда икки-учтадан ортиқ эмас. Элмурод кичик белкуракларнинг ён дами билан шох буташга рухсат этди.

Болталарнинг товуши ўрмоннинг аллақаерида акс-садо берарди. Вояан бери тепада чуғурлашиб турган қушларнинг товуши энди узоқдан келади. Шохлар кеси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ, йиқилгунча бўлмай, ундаги қушларнинг уясин «тап-тап» ерга тушарди, баъзилари шох бутоғига шундай пухта қурилганки, шохни судрасанг ҳам жойидан қўзғалмасди. Уяси бузилишини кўрган қушлар, инига илон киргандай фарёд уриб чириллашар, бир ерда тек туролмай шохдан шохга ўтишар эди. Буларнинг ташвишли, чиқироқ товушлари узоқдагиларни эшиттирмас, уларникига бориб қўшилмай, алоҳида ажралиб турарди. Уларнинг чирқиллашида беватанликнинг аниқ, ҳазин мунги бор эди.

«Ҳатто қушлар беватанликнинг дардини сезадилар, унинг меҳри билан ёнадилар. Улардан устун, ҳаёт ўзаги инсон-чи, инсон! Ватан! Ватан! Нақадар муътабар ва табаррук сўз. Ватансиз инсон — куйсиз булбул, баҳорсиз табиат — қалбсиз вужуд!» — деди ўз дилида Элмурод ва ҳушига келгандек бирдан жойидан сапчиб, йўл ясалаётган томонга кетди. У шу замон номаълум бир ерда эканини, атрофида душман борлигини унутди. Бутун борлиғи билан ишга киришиб кетди. Жангчилар қўлидан шох, ёғочларни олиб ботқоқ устига ташлар, тенгилар, бошқасини яна кўндалангига қўяр эди. Ботқоқлиқдан чиқаётган қўланса ҳид унга ортиқ таъсир қилмас, бетюзларига сачраши сескантирмас эди. Қушлар товушни қулоғига кирмас, улар бошқа бир олам эди. Фикрини ҳали кўзга ташланмаган дарё оқими, қарши қирғоқ ва ундан нари давом этадиган йўл бутунлай банд қилиб олган эди. Хаританинг кўрсатишича, нариги қирғоқ бу томондан юксак ва қуруқ бўлиши керак, чунки тог этаги. «Борди-ю, шундай бўлиб чиқмаса, у томонга ҳам шох ётқизиш зарурати тугилиб қолса, нақадар мушкул иш бўлади. Эҳтимол оқимга қараб юзиш, қарши томондан қуруқ қирғоқ топишга тўғри келар» деб ўйлади Элмурод. У, энди кечишнинг кенглигига диққат қилмай, энсиз йўл ясар, нима бўлса ҳам қирғоққа чиқиш; қарши қирғоққа назар ташлаш ташвишига тушиб қолган эди.

У қирғоққа чиқди. Сувнинг оқимидан ҳам аввал қарши томонга қаради. Лабининг бурчидан бошланган майин табассуми кўзига бориб қуйилди, кўзи ҳам кулди. Кўзининг милкидаги қуриган кичик лой кўчиб ерга тушди. Тишлари кўринди. Дурбинни кўзига қўйиб, яна ҳам синчиклаб атроф-теваракни кўздан кечирди. Сўнгра юзини ювиб, орқасига қайтди. Жангчилар йўлни кенгайтирар эдилар...

Ботқоқлик устига солинган йўл битди. Ҳали қарши қирғоққа ўтиш ташвиши — асосий қийинчилик олдинда эди.

Ўрта кузнинг игналовчи салқини туриб қолган. Бир неча кунки, совуқ сув кишини сескантиради. Шинелга ўралмай ётган кишининг бадани увишади, гимнастёркаси мудрингдан, дазмоллаш учун сув пуркалган кийимбошдай нам тортиб қолади.

Қани шу пайт ҳеч бўлмаса, икки донагина қайиқ бўлса! Эски бўлса ҳам майли. Беш киши ўрнига уч кишидан ўтишга рози. Ботқоқликка йўл ясашга киришиш билан Элмурод бу ҳақда ўйлаган ва қирғоқ бўйлаб икки томонга кишилар юборган эди. Аммо улар қуруқ қайтди. Шу яқин атрофда бирорта қишлоқ, ҳеч бўлмаса балиқчилар чайласи бўлмаганига ҳамма ажабланарди.

— Бондарь! — чақирди Элмурод. — Енингга яна уч кишини ол, нариги бетга сузиб ўт, разведка қил. Қани денгизчи эканлигингни кўрсат, сувни ҳам ичдадан буён соғиниб қолгандирсан.

Бондарга «Қани денгизчи эканлигингни кўрсат» жумласи ёқиб кетди, юзи ёришди. Истаган кишисини олиш ҳуқуқи берилганидан миннатдор бўлди. Элмурод унга киши ажратиб беришга қобил эмас, ким қандай сузади — билмас эди. Ҳар ҳолда Бондарга кераткча киши топилишига ишонарди.

Жангчилар этик, ботинкаларига ёпишган сассиқ балчиқни қирғоққа чиқиб ювар, дарахт шохларидан ҳўл япроқларни сидириб у билан артар эди. Кимдир қоғоз билан артар экан, ёнида турган жангчи қўлидан тортиб олди:

— Бу қоғоз-ку! Чекишга йўқу, сен оёқ артасанми? Кеча мен япроққа ўраб чекдим. Менга бер, ўрнига этигингни ювиб берсам ҳам майли...

Элмурод, лейтенант Шиловни чақириб, атрофга қўйилган охраналарни ўз ротасидаги кишилар билан алмаштириш ва тунга қолсак ўзи навбатчилик қилишни буюрар экан, разведкачиларнинг ўртоқлари билан хайрлашаётган, қолаётганларнинг оқ йўл ва муваффақият тилаётганини эшитди.

— Чўмилишни орзу қилаётган эдинг, мана муродингга етдинг, — деди биров Бондарга.

Уни кимдир бўлди:

— Муздаккина, ҳовринг чиқади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, бўлмаса-чи, бизнинг муз ёриб сувга тушадиган вақтимиз. Мен умрим бино бўлиб, илиқ сувга бет ювган эмасман.

Элмурод жангчиларга дам олишни буюрди. Ўзи разведкага кетаётганлар билан бирга қирғоққа ўтди. Уларнинг бири-кетин сувга тушишларига, сузишларига мадад берадигандек ҳаракатларидан кўзини олмади, таъқиб этиб борди. Биринчи бўлиб сувга тушган Бондарь қуюқ мойланган автоматини бўйни оша елкасига осиб, бир қўлида кийим-бошларини юқори кўтариб, ўзга қўли билан оқимга қараб сузиб кетди. Сувнинг тўлқинида кўриниб бораётган икки курагининг ўртаси баъзан кўриниб кетар, баъзан кўмилиб кетар, баъзан қаддини ростлаган кишиникидек бўлиб кўринади. Ундан ўрнак олган бошқалар ҳам сувга тушдилар, унга тақлид қилиб ортидан кетдилар. Кимнингдир буюм ушлаган қўли сувга ботиб кетди. Яна кимнингдир боши бот-бот сувга шўнғиб турарди. Ҳадемай, уларнинг боши сув юзида юзиб юрган қурбақа саллаларига ўхшаб кетди. Элмурод Бондарнинг қирғоққа тирмашаётганини дурбинда аниқ кўриб, беихтиёр «Есть!» деб юборди. Севинчдан кўзи порлаб, ёнига қаради: лейтенант Мурзин, мўйловининг учини ямлаганча Горкунов, унинг ёнида Турдиев ва ундан нарироқда Рашид турар эди. Элмурод уларнинг ҳам кўзида ўз қувончининг ифодасини топди.

Элмурод қайта дарёга қарагандa, разведкачиларнинг деярли ҳаммаси қирғоққа ёпишиб турарди. Кимдир кийим-бошини қирғоққа отди. Боядан бери ваҳимага ўхшаб кўринаётган дарё энди Элмуроднинг амрига бўйсунган, ювошдек, қарши қирғоғи ҳам яқиндек туюлди. Ойпа сипиқларидек жимирлаётган, гоҳо ўпқонга дуч келиб буралиб, пайча ҳосил қилаётган сув энди тинч ва осойишта кўринарди.

Элмурод, разведкачилар кўздан ғойиб бўлгач, бағридан бир нарсаси узилган кишидек орқага қайтди. Бондарнинг қарши қирғоққа тирмашиб турганини кўрганда ичичидан тўлқин уриб келган севинчининг қаёққа изсиз йўл солганини ўзи ҳам билмай қолди. Нима учундир ўша қирғоқдан кимдир уни ўзига маъюс-маъюс имлаётгандек, дардини тушунтиролмай қалбдан қийналаётгандек туюларди. Элмуроднинг ёнида турган Горкунов осмонга қараб турган кўзларини қуйи олиб, яна кўкка боқди.

— Анавиларни қаранг, ҳатто қушлар душман билан яшашни истамайдилар. Улар ҳам севикли хўжалари билан шарққа кўчмоқда,— деди Горкунов.

Элмуроднинг хаёли бўлинди. У ҳам қушлар ортидан қаради. Уч-тўрттаси орқароқда қолиб борарди.

— Кечикибди,—деди Рашид.

— Етиб олади. Уларни йўлда ҳеч ким бомбардимон қилмайди,— деди хомуш Элмурод.

Суҳбат узилди. Элмурод қулайроқ ер топиб чўзилди. Бирдан, Махалов ва унинг бўлинмаси шамол қувган булутдек фикрини банд этди «Нега у узилиб қолди? Биздан кейин уни душман бутунлай қуршаб олдимикан? Мумкин эмас. Жуда ҳам қаттиқ отишма бўлгани йўқ-ку! Эҳтимол бўлгандир! Биз тез йироқлашиб кетдик. Наҳотки, биттаси ҳам қутулиб чиқолмаган бўлса!

Қарши қирғоқни кузатиб туриш учун қўйилган жангчи кечга яқин разведкачилардан бирининг келгани ва комбатнинг чақираётганини айтди. Разведкачи Элмуродни кўриши билан терга ботган юзларини ботиб бораётган қуёшнинг сўнгги шуълаларида йилтиллатиб, пималардир деди. Элмурод эшитмади. Шамол у томонга эсарди. У қўлини оғзига карнай қилиб такрорлади. Элмурод унинг бирталай сўзидан: «Ҳаммаси жойида... лейтенант...» деганинигина эшитди. Сал ўтмай қарши қирғоқда ўндан ортиқ одам йиғилди. Элмурод ажабланди: Ажабо, улар ким? Қишлоқликлар деса, ҳарбий кийимда-ку!

Элмурод дурбиндан қаради. Ҳақиқатан ҳарбий кишилар эди. Бироқ танимади. Махаловни излади. У кўринмас эди. Кутмаганда кўзи Йўлдошга тушди. Юраги аллапечук урди. Яна ҳам аниқроқ кўриш учун дурбиннинг регуляторини ўнг-сўлга сурди. Лекин биринчи галдагидан аниқроқ кўринишга муяссар бўлмади. Ўша туриши мароми экан. Йўлдош қўл силтар, яна пималардир гапирар, Элмурод сув шовқинида эшитмас эди. Бу ҳам табриклаб қўл силтади, жавоб қайтарувчилар кўпайди. Улар бир кичик қайиқни кўтариб юқорига ўтиб кетдилар. Унинг кетидан яна икки қайиқ кўринди. Олдинма-кейин сувга тушириб, Элмуродга томон суза бошладилар. Элмурод ўзида йўқ шод. Қуршовдан чиққандан бери кўнглининг бир чеккасини хира қилиб ётган Махалов, Йўлдош ва уларнинг бўлинмаларидан энди хотиржам бўлди. Ўз кўзи билан биринчи қайиқда сузиб келаётган Йўлдошни кўриб турибди. Демак, Махалов бўлинма билан қолиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

буни юборган, уни ҳам албатта, бугун кўради, бағрига босиб-босиб қучоқлайди, ўпади, қаёққа йўқолиб кетганинг сўрайди, яна қучоқлайди, ўпади.

Мана-мана қайиқ қирғоққа етади. Йўлдошнинг қанштари паст юзи, соқоллари ўсган тўмтоқ энгаги аниқ кўринди. Автомат камаридан гимнастёркасининг елкасига тушган узун қоратир из ҳам тўла кўзга ташланмоқда. Элмурод ўз кўзларига ишонмади. Қайиқ қирғоққа етар-етмас унга қўл чўзди, ўзига тортди. Йўлдошнинг бир оёғи балчиққа ботиб кетди. Аммо бунга на ўзи, на Элмурод парво қилди. Элатлар ўзбекчасига қучоқлашиб кўришишди, русчасига ўпишишди. Элмурод дарров сўради:

— Махалов қани, бўлинма қаерда?

Йўлдош бу саволни кутган эди. Бу савол жуда оғир савол эди. Йўлдош узоқ ўйламади. Йўлда тайёрлаб қўйган жавобини айтди:

— Сиздан сўнг жанг қилишга мажбур бўлдик.

— Қаттиқ жанг бўлдими? Махалов омонми? Кўп қурбон бердингларми?

Элмурод жавоб кутмай, кетма-кет савол ёғдириб ташлади. Йўлдош жавоб бермади. Очиғини айтишга ботинмади. Фақат: «Ҳа, яхшигина жанг бўлди» деди-ю, кечувга тайёрланаётган жангчиларга қаради. Элмуродни қандайдир даҳшат босиб келаётгандек, кўнгли хира бўлди-ю, хунук хабарни сезгандек Йўлдошга бир қараб, парига одимлаб кетди.

— Командирларни менга чақир,— деди Бондарга.

Элмурод бошқа нарса сўрамай, кечувни бошқаришга киришди. Кечув икки соатга яқин чўзилди. Оқшом қорасини дарёга сурмадай ёпирилиб, пага-пага булутлар тоғ бошларига чўкаётганда, Элмурод ва яна икки жангчи энг сўнгги бўлиб қарши қирғоққа ўтдилар.

Мағрур дарёнинг кечки жимлигидаги шовқини уларнинг сўнгги сўзларини ўз тўлқинида йироқларга олиб кетди.

IX

— Махаловдан ажралганимдан кейин яна душманга дуч келдим. Маршрутни ўзгартиришга мажбур бўлдим,— ҳикоя қиларди Йўлдош.— Ўз билгимча ҳаракат қилишдан ўзга чора қолмаган эди. Худди шундай ҳам қилдим. Тонггача йўл юрдим. Куни билан кунгабоқар орасига кириб ётдик. Энди борар жойим аниқ эди. Кундузи ўткинчидан ҳаммасини аниқлаб олган эдим. Икки ярадорни йўлда кўмдим. Баъзиларни дуч келган қишлоқда қолдирдим. «Эҳтиёт қилинг, немис хабар топмасин» десак, «Биламиз, болам, биламиз, энди кўраётганимиз йўқ» дейишади. Ўрмонга кирдиму, жонга ором сувни югурди. Ундан ана шу сиз ўтган дарёга рўпара келдик. Қани энди бирор кўприк ёки кечувга қулай ер бўлса! Энди сузиб ўтишдан бошқа чора қолмаган эди. Минг азобу уқубат билан сузиб ўтдик. Мана шу вақтгача кийим-бош қуритиш билан оворамиз,— деб сўзини тугатди Йўлдош.

Элмурод кўп ҳам ўйга бормай уйқуга кетди. Тушида Рашид билан нимадир талашаётиб, чўчиб уйғонди. Ёнига қараб Бондарнинг гужанак бўлиб ухлаб ётганини кўрди. Ўзи ҳам бир ётганча, бошқа ёққа ағдарилмай, уйғонибди. Бошқа ухлолмади. Муҳаррам билан бўлган тарих, Рашидга нисбатан тутган кек ва рашкини ўйлаб кетди. Аммо нима учундир Рашид кўз олдига келган сари юраги сиқилгандек, бировга айтига тиқилиб эснаётгандек бўлади. Рашиднинг сўнгги кунлардаги жуда ҳам меҳрибонлиги унга ғалати туюлади: гўё у гуноҳ қилгану, энди афв сўраётганга ўхшайди. Элмуроддан нари кетгиси келмайди, ҳатто унга отилган ўққа кўкрак тутишга тайёрдек кўринади. У буюрган ишини сидқидиллик билан тез ва аниқ ўтайди. Ботқоқликка йўл солар пайтда оғир-оғир ҳода ва қўпол шохларнинг бир томонини тиззасидан лойга ботиб кўтарган ўша бўлди. Ҳамма ишлар битгач, Элмурод ювинар экан, унга шилдирама хитой қоғозга ўралган исли ироқи совун тутди: «Тошкентдан келаётганимда хотиним «ювиниб юрарсиз» деб берганди» деб қўшимча ҳам қилди. Батальон бутунлай кечувдан ўтиб бўлмагунча, Элмурод билан ўрмалашиб, унинг буйруқ ва кўрсатмаларини бўлинма ҳамда айрим кишилар томонидан тўла-тўкис ўталишига кўмаклашди. Йўлда бўлса, Элмуроднинг соқоли ўсиб кетганини вино қилиб, яхши устараси борлигини, рухсат берса, эртага олиб қўяжагини айтди. Элмурод бу ҳаракатларнинг барчасини ҳамшаҳарлик ва самимий дўстликнинг куртаклари деб билса ҳам, йигитлик ғурури, ноймол бўлган навқирон муҳаббатининг дардли хотиралари қалбига тинчлик бермасди. Бу дўстлик сўнгида нуқсаймон ва ҳақоратланиш кўрарди.

Элмурод юзининг совқотганини пайқаб, қўл билан ишқалади, устига ёпган шинелини кўпдаланг қилиб, бир учи билан энгагигача беркитди. Ёнларини қўли билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бөеди. Яна ўйини Рашид олиб қочди: «Менинг хотини билан муҳаббат улфати эканимни билса, менга нисбатан бўлган меҳрибончилиги қандай тусга кирар экан? Шубҳа йўқ, ўзгаради! Ахир у шарқлик, қони қизиқ киши! Агар рашк қилмаса, демак яхши севмайди. Севгининг рашксиз бўлиши — гулнинг тикансиз бўлиши билан баравар. Севги бор ерда, рашк бор! Бу икки ҳис бир-бирисиз яшамайди. Воқеани очаман. Ортиқ чидолмайман. Борди-ю, аввалги муомала, меҳрибонлиги ва дўстлигида қолаверса-чи?»

Элмурод ўзини гўё воқеани очса, кўнгли бўшайдигандек ҳис этарди. Шунда Рашид ҳам аччиқ бир сўз айтади. Ора очилади. Шундан кейин бошланган дўстлик самимий бўлади, деб ўйларди Элмурод, «Кўнглимдаги ғашлик, рашк йўқолади» дерди.

Кимнингдир қаттиқ аксаси Элмуродни чўчитди. Шу чоқ баданининг анча увишганини сезиб, Бондарнинг устини тузатди-да, шинелини ёпиниб ўрнидан турди. Ҳамма донг қотиб ухларди. Кечқурун тоғларга чўккан булутлар қўзғалган, йироқларда қалин туман чайқалади, нам этагини тоғ қиясидаги яккам-дуккам арчаларга илаштириб ўтади. Шарқ уфқида тонгдан дарак берувчи оқиш шуъла бор. Гўё уфқнинг ортида гулхан ёнади-ю, унинг энг сўнгги мадорсиз нурлари ўта ергача ўтиб келиб, ҳолдан тояди.

Элмурод оғир машаққатларга шерик бўлиб келаётган қуролдош дўстларини кўздан кечириб, айлана бошлади. Элмурод ўзи нарига аганаб, шинели устидан тушиб, ёлғиз гимнастёрка билан ётган жангчини кўрди. У оёқларининг тиззасини бурчак қилиб йиғиштириб олган, қўлларини чалиштириб қўйнига суққан. Унга энганди, энди шинелини олиб, устига ёпмоқчи бўлган эди, бу одамнинг Рашид эканини таниб қолди. Қалбидаги рашк: «Қўй, кераксиз, ёта берсин» дерди. Командирлик бурчи эса, ўраб қўйишга ундарди. Элмурод бир неча дақиқа иккиланиб турди. Ички бир куч «Ёп, ўра, уят, шундай кўриб, қараб ўтишинг» деди ва унга ўради. Бироқ нимадир қалби тубидан ларзага келди, зирқиради...

Эрталаб батальон орқасига қўйилган эҳтиёт постидаги жангчилардан бири Асриянни бошлаб келиб қолди. Асриян Махалов билан хайрлашгач, замбараклар товушини нишон олиб, йўлга тушган, адаша-адаша Элмурод қўйган охранага тасодифан дуч келиб қолган эди. У шу бир неча

кун ичида ориқлаб, кўзлари ич-ичига чўкиб кетган, фақат гўдакнинг товонидай гўштдор бурнигина сўррайиб қолган. Унинг бир қўли бўйнига осиғлиқ. Тикандек соқоллари ўсган, кийим-бошига одам қараб бўлмайди: чанг, лой ва яна аллақандай доғлар босиб кетган. Ў Элмурод қаршисига оғир ўтириб, бутун воқеани батафсил ҳикоя қилиб берди.

— Мен узоқдан анча куватиб турдим. Улар ҳалок бўлди. Махалов охирги граната билан душман яқин ўраб келганда, ўзини портлатиб юборди,— деди Асриян докладининг сўнггида ва йиғлаб юборди.

— Мард шундай мардона ўлади, дўстим! Йиғлама, фахрлан! Ажойиб йигит эди, юрагида ўти бор йигит эди,— деди-ю, Элмуроднинг ўзи ҳам йиғлаб юборди.

Асриянни бағрига босиб, соқоллари ўсган, бир неча кун ичида сув кўрмаган юзларидан ўпди. Яна юзига, кўзига боқди. Кўнглидан ўтди: «Қуршовдан чиққанимизга мана бир ҳафта бўлди. Наҳот, шу бир ҳафтада киши шунча ўзгариб кетса?..» Лекин, нима учундир, шу лаҳза кўз олдига сотқин Низомовнинг жирканч вужуди келди-ю, Махаловга ва сафдошларига бўлган ачинишини янада яллиғлатиб юборди.

Шу вақт кеча Йўлдош юборган разведка душманнинг икки қисми туташган ораликдан ўтиш мумкинлигини аниқлаб келиб қолди, Элмуроднинг диққатини бўлди. Йўлга тайёрлик бошланди...

Батальон фронт линиясига бир-икки километр қолганда кўп тўхтаб қолди. Қайта юборилган разведка ҳамон жим эди. Разведкачилар отажак ракетани кузатиш учун тоққа чиқарилган жангчи бир неча марта алмашинди. Мана, сўнггисининг ҳам бир томонга қарайверіб кўзи тиниб кетди шекилли, смена кутгандек тез-тез пастга, батальон турган тоғ оралиғига қарайди.

Элмурод деярли бир ерда ўтирмайди. Батальонни бўлажак ҳужумга тайёрлар, гоҳ Асриядан махаловчиларнинг жанг тафсилотини сўраб қолар эди. Ҳар жангчини бир-бир эсларга уринарди. Ахир разведка шу хабарни келтирди: «Тайинланган ерга етдим. Кузатдим. Куч билан мақсадга етиш мумкин. Мудофаа тутиб кузатмоқдаман. Сиздан топшириқ олган уч жангчи фронт линиясидан ўтиб кетди. Қўшимча буйруқ кутаман. Шилов».

Элмурод «мени кут» деган буйруқни қайтарди, батальон йўлга тушди... Энди тўплар овози эмас, милтиқ ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

кичик калибрли миналарнинг портлашлари ҳам бемалол эшитилар эди. Ўша томондан эсган елда порох анқиди. Кўкка ҳалқа-ҳалқа бўлиб кўтарилаётган тўзон ва тутун аниқ кўринади. Элмурод батальонни сойда қолдирди. Йўлдош, Мурзин, Борисов билан лейтенант Шилов кузатиб ётган тепаликка чиқиб, дурбин билан атроф-теваракни кўздан кечирди. Ундан анча ўнгда ва олдинда бўлган йўлда ҳаракат қайнарди, кишилар хавотирланмай қатнарди. Йўл ёқасида нималардир ниқоблаб қўйилган, олдида соқчи ҳам бор. Булар фрицлар эди.

Элмурод қанча уринмасин, душманнинг олдинги қаторини кўролмади. Тўлқинланиб кетган тоғлар унинг назарини тўсарди. Бир неча дақиқа кузатув билан ўтди. Устма-уст учта кўк ракета кўкка из чизди. Улар анча йироқда эди. Элмурод Йўлдошга қараб қувончидан:

— Есть!— деб юборди.

Дурбинини гилофига солиб, пастга тушар экан, лейтенант Шилонга буйруқ берди.

— Батальон олдида борасан. Душман бизни пайқаб қолса, барча автоматчиларни атрофга сочиб юбор, ваҳима сол, эсанкират. Бундай вақтда ваҳима, артиллерия тайёрлигининг ўрнини босади.

— Есть!

Элмурод мудофаада турган икки душман қисмининг оралиғидан ўтиб бораётганини ҳисобга олиб, икки ёнига қўл пулемёти билан кучайтирилган муҳофаза ташлади.

Қаршида қизил ракета юлдуздек учиб, душман томонга гажак бўлиб тушди. Сал ўтмай қиёмат қўпди. Артиллерия шундай ишга тушдики, товушга қараб қанча километрга отаётганини белгиловчи Горкунов ҳам, ҳатто қайси калибрли тўп эканини фарқ қилолмай қолди. Бир снарядниг портлаши кенг дала бағрига сингиб боргунча бўлмай ўзгаси унга уланиб, ундан ҳам ларзали, бўғиқ овоз билан гумбурлайди. Улар бир-бирига қўшилиб кишининг онги, руҳи, сезгиси ва бутун вужудини зирқиратадиган товуш пайдо қилади. Бурқсиб кўкка кўтарилаётган тўзон бир неча дақиқада қуёшни хом сурндек тўсди. Улар кечки тумандек қалқиди, янги портлаш зарбидан уюм-уюм эски пахтадек тебранади. Йироқ-йироқлар акс садо беради, душман ҳам ора-чора жавоб қайтаради.

Бирдан олдинда, кўп ҳам узоқ бўлмаган масофада бир неча автомат тариллаб қолди. Унга яна бир неча

бошқа автомат жавоб қайтарди. Отишма бошланиб кетди. Элмурод Йўлдош олиб бораётган бўлинманинг жангга кирганини кўзи билан кўрди, бир неча ўқ ёнига келиб тушди. Элмурод сапчиш билан олга ташланишини буюриб, одам юборди. Кетидан ўз ҳузуридаги автоматчилар билан илгарилади. Бўлинмаларга узилиб қолмасликни қатъий буюрди. Жангчилар ўз бўлинмаси билан тараллиб, бир тепаликдан иккинчи тепаликка энгашганича югуриб ўтар, йўл-йўлакай ўқ узар эди. Элмурод бир баланд тепалик орқасидан олдинни аниқ кўрди. Тоғнинг сойга тақаладиган этагидаги бута ва чакалакзорни мўлжал қилиб, ўша томонга йўл тутишни буюрди. Элмурод найтдан фойдаланиб, бўлинмани сойга бошлади. Душманнинг изидан боринга ўқи ва кучи камлигидан ботинмас эди. Тўполон ичида кимдир Элмуродни қидирар эди.

— Мен бу ерда,— деб бақирди Элмурод.

Бир жангчи ўн метрча наридан энгашганича югуриб келиб, ўзини Элмурод ёнига ташлади. У қайноқ самовардай «пин-пин» этиб нафас олар, терлаб кетган эди. Элмурод уни таниди, у қисм билан алоқа боғлашга юборилган уч жангчи — разведкачининг бири эди. Жангчи сўзларни тўла айтишга нафаси етмай, бўлиб-бўлиб деди:

— Генерал ёриб ўтмай, ҳужум қилишни, атакага тайёрлик кўришни буюрди. Рўпарадан атака қилувчи қисмга фланғдан ёрдам бе...

Жангчи сўзини тугатмасдан, сал нарига мина тушди. Ҳамма ерга ётди, портлаш ўтгач, бош кўтардилар. Фақат разведкачи ҳамон ётар эди. У қайта бош кўтармас бўлиб ётар эди...

Элмурод буйруққа тушуниб етган эди. Сойликка ўтиб бораётган бўлинмасини тўхтатди. Ўқни тежаш, вақтинча мудофаа тутишни буюрди. Бир взводни Йўлдошга кўмакка ташлади. Мурзинга бўлинмаси билан душман орқасига ўтишни топширди. Генерал буйруғини командирларга етказди. Генерал штабига ўқ, мина сўраб киши юборди.

Ярим соат отишма билан ўтди. Элмурод бу паст-баланд ерда атрофига қараб бўлинмаларни кўрмас, назарини тепаликлар тўсарди. Бирдан қизил ракета чиққан томондан кўк ракета отилди. Сал ўтмай тепалик орқасида: «Ура!» садоларини эшитди. Қисқа-қисқа отишма ва портлаш яна авж олди. У, борган сари яқинлашиб келарди. Элмурод бир оз огоҳлантириб тургач, батальонни

www.ziyouz.com kutubxonasi

атакага кўтарди. Бу чоқда у, Данильченконинг ротани атакага ўзи бошлагани учун бир маҳал қилган танбеҳини унутган эди.

Пастдан ҳамон яқинлашиб келаётган янгроқ «ура»га Элмурод батальонининг садоси қўшилди. Бу ҳайқириб оқиб келаётган қудратли жўшқин дарёга шўх анҳор қўшилгандек бир бутунликни ташкил этди. Бу «ура» бунёдга келганидан бери шу каби овозни эшитмаган кўҳна ва мағрур тоғнинг акс садоси билан яна ҳам осмонни ларзага келтирарди. Гўё тўғон бузилган, энди қаршида тошқинни тўхтата олувчи куч йўқ эди!

Қисм ҳам, батальон ҳам душман мудофаасини ёриб ичкарилаб кетди. Ортда қолган блиндажларда ҳамон найзабозлик борарди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда автоматларнинг галма-гал қисқа-қисқа тариллаши, гоҳ қўл гранатанинг портлаши, баъзан аллақаёқдан адашиб тушган снаряднинг ер қўпориши эшитилиб қоларди.

Элмуроднинг ўнг флангида бир тўда душман автоматчилари тепалик орқасидан кўриниб қолди. Флангни қимоя қилиб борувчилар Мурзин бўлинмаси бўлиб, ўқининг тугаб бораётгани ҳақида ҳалигина хабар келган эди. Улар бир неча дақиқа қаршилик қилиб тургач, нолож орқадаги окопларга аста-секин чекина бошлади. Бир жангчи ҳаммадан сўнг қолиб, якка ўзи анча отишди, бир-икки граната ҳам ирғитди. Кейин отишдан тақка тўхтаб қолди, атрофига кўмак кутгандек назар ташлади, ўнида ҳеч кимни кўрмаганиданми ёки кўмак ололмаганиданми орқасига қараб эмаклай бошлади. Элмурод унинг нақадар азоб билан чекинаётганини кўрди. Бир взводни шу ёққа буриш учун пастга буйруғини олиб кетган Бондарни кутиб ўтирмай, атрофида бўлган бешўнта жангчи билан кўмакка ташланди. Ўзига кўмак келаётганини кўрган ҳалиги жангчи тутун ва чангдан қорайиб кетган юзига кулги чиқариб, оппоқ тишларини кўрсатди. Жангчилар унга тенглашиши билан ўрнидан туриб, автоматини чап қўлига олиб, ўнг қўлига граната тутамлагунича илгарилаб кетди. Аммо гранатасини ташлолмай, қоқиб бораётган ерида тақка тўхтаб, керишгандек юзини чангаллаб бир чимирилди-ю, ёнига буралиб йиқилаётганда орқасидан етиб борган Элмурод суяб қолди. Унинг билан бирга борувчи жангчилар ўтиб кетди, ундан сал кейинроқ Бондарь ҳам йигирматача киши билан: «Буйруғингиз ўталди, лейтенант» деб йўл-йўлакай ўқ отиб олдинга кетди. Отишма кучайди. Ўқлар Элмурод атрофида «чирт-чирт» сачрар эди. У бунда туришни ортиқча билиб, суяб қолган ярадорини қучоқлаганича сойга олиб тушиб кетди. Ерга ётқизганидагина унинг Рашид эканини билди, шу дақиқагача юзига назар ташламаган экан. Бундан бир неча дақиқагина бурун унинг юз-кўзи, кимлиги эмас, фидокорона хизмати Элмуродни мафтун этган эди. Аммо шу фидокор, ботир йигитнинг рақиби Рашид бўлиб чиқиши кўнглини бир тарз қилди. Ахир Элмурод уни хуш кўрмас эди-да! Энди-чи, энди! Эҳтимол, у олиб чиқмаганда яна бир дайди ўқ бутунлай нобуд қиларди. «Борди-ю, ўқ теккан замон Рашид эканини билганингда нима қилардинг? Олиб чиқишга кўнглинг тортиб, қўлинг борармиди? Индамай олға ўтиб кетишга журъат этармидинг? Қалбинг, руҳинг, шунга қобилмиди?»— шу фикрлар учаётган ўқлардек хаёлидан бирин-кетин ўтди. Хаёл тарозусининг иккинчи палласида: «Ҳа, албатта олиб чиқардинг. Аввало у сенинг фидокор, қаҳрамон, ўз бурчини садоқат билан ўтаган жангчинг, қуролдош дўстинг, атакада елкадош ҳамроҳинг, сен ният қилган манзилга етиш учун курашган заҳматкаш сафдошинг» деган салмоқли фикр ётарди. Бу икки ички кураш бир неча дақиқа қонли найзалар кўтариб олишди. Командирлик бурчи, солдат ҳаётининг тер ва заҳмат билан бунёдга келган дўстлиги, Рашиднинг сидқидиллик билан қилган хизматлари асрлар тўфонига бардош берган қоядай мағрур турарди. Бу иккинчи куч эди. Охир, шу сўнгиси енгди. Элмурод ўзига ўзи: «Рашид аввало жангчи — инсон», деди-ю, чўнтагидан тиббий пакетини олиб, Рашиднинг ўқ теккан бошини авайлаб боглади ва орқага олиб кетди.

X

Автоматчилар асир олинган бир тўда фрицларни қуршаб, орқага олиб ўтдилар. Уларнинг башараси, саратонда боғ кўчада, «хоммопиш» ўйнаган исқирт болаларникидек тупроқ, сариқ сочлари туғилгандан сўйилгунгача бир марта ювилмаган қўйнинг ўсиқ юнгидай ифлос, бетартиб, кўпларининг пилоткаси йўқ. Жануб қуёшининг ҳароратига тоб беролмай тусини йўқотган ғижим-ғижим мундирнинг тугмачалари узилган, ёқавайрон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳалигина сукутга чўккан жанг майдонида ҳамон димоғ ёргудек аччиқ тутун аңқийди. Сойда тўзон тумандек сузади. Санитарлар ярадорларни йиғиштириб бўлган. Горкунов билан Турдиев бомба ёки каттароқ снаряд портлашидан ҳосил бўлган сой ёқасидаги чуқурликни ўртоқлик қабри учун мосламоқда.

— Эринчоқлик қилма, Миша, чуқурроқ қазийвер, неча ерда бўйингни кўмадиган окоплар ҳам қазиб қолдирдинг-да. Бу, марҳумларинг сўнгги ётоғи, бомба портлаш товушидан қулоғи тинчроқ ётсин. Тирикликда эҳтиёжлари ҳам етар,— деди Горкунов белкуракни оёғи билан бўтзигача ерга ботириб. Сўнгра шағал аралаш нам тупроқни ташқарига иргитди.

— Яхши жой танладик: сой бўйи, дарахт ости. Баҳор чоғи куртак барт ёзиб, қушлар наъма қилганда руҳи шодланади,— деди Турдиев.

— Ватан бахт-саодати ва озодлиги учун ҳаётини қурбон қилганлар учун бу ҳам оз. Қабри атрофига олтиндан панжара, гавҳардан қубба қўйса арзийди.

Улар ёнига келиб қолган Борисов гапга аралашди:

— Ҳали ҳаммасини қиладилар. Уруш тугасин, ўртоқлик мозори атрофида турли-туман гуллар, ҳайкалларга бой сайлгоҳлар бунёдга келтирадилар. Кишилар бош кийимларини қўлга олиб, эслаб ўтадилар, миннатдорликларини изҳор қиладилар.

Жангчилар қабрни расмадга келтиргач, терларини енгларига арта-арта ташқарига чиқдилар. Кўмиш маросимига киришлар йиғилди. Жанггоҳдан йиғиб келинган ўликлар бирин-кетин туширилди. Баъзиларининг қони ҳали қотмаган, баъзиларидан ҳамон оқади. Икки кишининг ким эканини аниқлаб бўлмади. Минанинг тўппа-тўғри келиб тушишидан бутун бадани парча-парча бўлиб кетган. Кимдир: «Сергеенко, у ўша томонга бораётган эди», деса, бошқа биров: «Уни ўзим кўрдим, яраланиб санбатга кетди, бу Сидоров» дейди. Яна кимдир: «Сидоров тирик, асирларни ҳайдаб кетди», деб изоҳ беради. Аммо ҳеч ким уларнинг кимлигини аниқ айтолмади. Уларнинг қони, узуқ-узуқ таъна йиғиб қабрга қўйилди. Улар тириклигида бир сувдошдан сув ичиб, бир котелокдан овқатланиб, чўнтак қоқиб ўралган тамакини бирга чекишган қуролдош ажралмас дўст эди, қабрда ҳам шундай ётдилар. Аммо уларнинг қисмидан: «Фалончи дом-дараксиз йўқолди» деган хабарни олган кекса онаси ёки

севимли хотини: «Адашиб бошқа қисмга ўтиб қолгандир, яраланиб кетганини биров кўрмаган бўлса, дарак чиқиб қолади» деб ўйлайди, йиллаб кутади. Кўрган тушларини кишиларга айтиб, таъбирини сўрайди, фол очтиради. Кўнглини эзиб келган шайтоний хаёлларни зўр билан ўзидан йироқлатади. Ҳар қайтган фронтчидан уни сўрайди, қорахатни кўрсатиб ўқитиб боқади. Уруш ҳам тугар, ҳаёт ўз изига тушиб ҳам кетар, лекин муштипар она ёки севимли хотини ҳамон кутади. Гитлерга лаънатлар ўқиб, аллақачон чириб битган ўғлига ёки эрига умр тилайди. Аммо бирон киши: «Қўй, йиғлама, ортиқ кутма, уни ўз қўлим билан фалон ерга кўмганман» деёлмайди!..

Полк командири ва Элмуроднинг қисқа видолашув нутқидан кейин, автоматчилар взводи қурбонлар шаънига бир йўла уч марта ўқ узиб, салют берди.

Қабр устига тортилган нам тупроқ буғланар эди... Элмурод мижжасида симобдай қалқиб турган сўнгги ёш томчини қорайиб кетган оқ батис дастрўмолига артиб, чақириб келган жангчи билан генерал ҳузурига кетди. Мурзин билан Йўлдошга батальонда окоп ишларини тезлатишни буюрди.

Элмурод штабга кириб борганда олдинги хонада почтальон бир лейтенант билан хатларни кўздан кечирар эди.

—...Ўлган... бор. Ярадор, ярадор, ўлган, бор, бор, бор, ярадор...

Элмуроднинг келганини хабар қилган адъютант уни генерал олдига бошлаб кирди.

Оддий бир хона. Ўртада бурчакли стол, атрофига стуллар қўйилган. Устига харита ёзиғлиқ, телефонлар... Тепа томонда пардаси кўтариб қўйилган, очилмас деразадан полга ноёбдоздек нур тушиб туради. Дераза ойнасига крест шаклида қоғоз лента ёпиштирилган. Деразанинг чап томонига диван қўйилган, устида қандайдир китоб очиқ ётибди. Диван тепасида оддий қозиқ, унда генералнинг зардан ўрилган тизимчали, козероги ихчам фуражкаси осилган. Бурчакда Ленининг иш столида тушган сурати.

Элмурод ҳарбий одат бўйича доклад қилди. Генерал очиқ юз билан қабул қилиб, ўтиришга жой кўрсатди. Элмурод генерални кирган замони таниди. У, Элмуродга соат тақдим этган генерал эди. Аммо генерал уни тани-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мади. Қаёқдан ҳам эсласин? У, бу ярим йил ичида озмунча киши билан учрашиб, суҳбатлашиб, мукофотлар берганми! У, Элмурод билан урушдан бир ойгина бурун учрашган эди, бу орада уруш бошланиб, не-не ажойиб, ширин, эслаганда кўнгил ором оладиган хотираларни унуттириб юборди. У маҳалда Элмурод оддий жангчи, лейтенант бўлиш етти ухлаб, тушига ҳам кирмаган эди. Ранг-рўйи, хатти-ҳаракатида, албатта, сезиларли ўзгариш бўлса керак.

Одатда киши йиллар ўтиши билан ўзгаради. Аммо уруш вақтида-чи? Бутунлай бошқача. Айниқса фронтда кунлар, ҳатто бир неча соат ичида киши ёшига ёш қўшилгандай ўзгаради. Улғайиш қонунига бўйсунмай қўяди. Шу муддат ичида нимадир сендан мутлақо қайтмас бўлиб кетади. Қандайдир янги туйғу, руҳ, хислат келиб қўшилади, юзларга ажин кириб, сочда оқ толалар пайдо бўлади. Нарса ва кишиларга бўлган қарашинг ўзгариб кетади. Буни ташқаридан кузатиб борган киши эслатмаса, ўзинг пайқамайсан. Гўё шундай эди ва шундай бўлиши зарурдай тасаввур қиласан, аслида эса, бу ўзгариш бир неча кун ичида бунёдга келганини эслатгандагина иқрор бўласан. Элмуроднинг ҳаёти ҳам худди шундай бўлган эди. Оддий зиёлининг ҳарбий машқ ва таълимнинг барча машаққатли чиғириғидан ўтиши, янги касб, кутилмаган жанг ҳаракатлари уни, албатта ўзгартириб юборган эди. Буни фақат Элмуроднинг ўзигина ва у билан доим бирга юрган кишигина сезмаслиги мумкин. Ҳақиқатан ҳам у ўзини ўша генерал кўрган вақтдаги Элмуродман, деб тасаввур қиларди. Шунинг учун ҳам генералнинг танимаганига ажабланди. Аммо ҳарбий ҳаёт ўз тамғасини босган эди. Элмурод эслатишга ботинмас эди. Суҳбат батальоннинг бугунги ҳаётига келгач, Элмуроднинг шахсий турмушига кўчди. Энди соатни олиб ўртага қўйиш ва тарих — хотиранц эслатишдан уялмаслиги мумкин эди. Элмурод худди шундай қилди.

Генерал соат стол устига қўйилиши биланоқ, уни таниди, Элмурод гапини тугатмай, ўрнидан туриб унга яқинлашди.

— Ўз жангчим, ўша вақтдаёқ бошқалардан сени айириб хато қилмаган экапман. Лейтенант... лейтенант... комбат... хурсандман! Жуда хурсандман! — У Элмуроднинг билакларидан унлаб завқ ва қувонч тўлқини билан силкиди.

Рашид авайлаб устара юргизган бўлишига қарамай, бир-икки ерини кесиб олган ҳорғин юзига сўнгги ҳафтада мириқиб ухламаган кўзларига чуқур меҳр ва зеҳн билан қаради:— Демак биз эски танишмиз, жуда яхши! Оғир кунларда шарафли жангдан кейин кўришганимизга хурсандман, жуда хурсандман. Оддий жангчини сал вақтдан кейин лейтенант унвони билан комбат вазифасида учратиш жуда қизиқ, йўқ, шараф...

Генерал йўқотган ўғлини тўсатдан топган ота севинчи ва меҳрибонлиги билан гапирар эди.

Генерал Элмуродни эшикка кузатиб борар экан, адъютант майор Следов келганини айтди.

— Кирсин, кирсин!— деди генерал ва Элмуродга қараб давом этди:— Бу сен билан атака қилишган полкнинг командири. Яхши одам, лочин. Дивизияга қўйса арзийди. Москва яқинида урушган. Солдатча қалби бор, камтар одам. Бу унинг штаби. Ҳозир сен билан таништираман, бирпасда сенлашиб кетади.

Майор эшикдан яна рухсат сўраб кирди. У устав бўйича кийинган, ювиниб-тараниган, ўрта ёшлардан ўтган гўштдор киши эди. Энлик камарининг юлдузли тўқаси йилтилларди, у кирини билан оёқ кийим мойининг ҳиди гуркиради. Генерал унга Элмуродни тақдим этди:

— Ғойибдан кўмакка етиб келган батальоннинг командири, танишинг.

Майор қўл узатар экан:

— Биз майдонда кўришганмиз,— деди.

Улар майдонда эмас, кўмиш маросимида учрашган эдилар. Нима учундир майор, ўртоқлик мозорида, демади.

— Одатда яхши кишилар таништиришни кутмай дўстлашиб кетадилар,— деди генерал Элмуродни кутиб олгандаги вазиятда.

Суҳбат бугунги жанг, бўлинмаларнинг шижоати, дуч келган шароитга қараб мустақил ҳаракат қилгани, айрим жангчиларнинг маҳорат ва қаҳрамонлиги ҳақида борди. Охири Элмуроднинг батальонига бориб тақалди.

— Батальон жуда толиққан, руҳан эзилган кўринади, ўртоқ генерал,— деди майор, дам бериш керак. Жангчиларнинг соқоллари ўсиб, кийим-бошлари ифлос бўлиб кетибди. Ўзларини тартибга солсинлар.

— Шундай қилдик,— деди генерал ва нимадир ўйлаб қолди,— ҳа, лейтенант, кишиларни мукофотга тақ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дим эт. Рўйхат эрталабга тайёр бўлсин, ўзим билан олиб кетаман.

— Хўп!

— Майор, батальон сенинг ихтиёрингда бўлсин, расмийлаштир.

Суҳбат мавзуи шу ердаги дивизия ва полкнинг ички ишларига кўчиши билан Элмурод кетишга рухсат сўради.

— Бор, бор, дам ол! Жангчиларингга менинг ташаккуримни билдир, мен сизлардан хурсандман,— деди генерал хайрлашар экан.— Вақт топсанг кечки овқатга бизга кел, яна гаплашамиз.

Элмурод чиқиб кетгач, генерал, майорга ўзи бошлаган ишнинг самарасини кўриб турган командирлардек деди:

— Мен унга бир вақт соат совға қилган эканман. Ҳозир эслашдик. У чоқда жангчи эди.

— Генерал совғаси солдатни ботирликка ундайди.

Ўз шаънига айтилган сўздан генерал маъноли қилиб, мийиғида кулиб қўйди. Столдан, устига «Гвардейские» деб ёзилган папирос қутисини олиб, аввал майорга тутиб, кейин ўзи чекди...

...Батальон аҳолиси қаёққадир кўчиб кетган кичик қишлоқнинг уйларига жойлашди. Қишлоқ олдинги позициядан уч километргина орқада бўлишига қарамай, жангчилар уни кирган замонлариёқ ўқ етмас узоқ мамлакат ичкариси ҳисоблаб, ўзларини енгил сеза бошладилар. Гумбурлаши эшитилиб турган тўплар уларнинг қулоғига кирмаса, ёнларидан ўқ визиллаб ўтиб, осколка визиллаб турмаса, бас, демак орқа томон. Уларнинг тобланган қалби шунга ўрганган. Душман отган гранатани ёрилгунча ердан олиб, яна ўзига қайтариб отмаган, кийимини ўқ тешиб ўтганда ҳам бепарво олға югуравермаган мамлакат ичкарисидаги кишиларга бу ер олдинги қатордай ваҳими беради. Бу ерда ҳам оғир бомбалар зарбадан деразалар титрайди, юзига ёпиқ эшиклар очилиб кетади.

Батальон бўлинмалари Элмурод кўрсатувича соч-соқол олиш, ювиниш, кийим-бошларни тозалашга киришди.

Элмурод яхшилаб ювиниб, кийим-бошларини тозалагач, ўрнига Йўлдошни қолдириб, Рашиддан хабар олгани санбатга кетди. Санбат батальондан кейинги хуторга жойлашган эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Айнаб қайтган кексадай кузнинг аччиқ ва бераҳм кечки шамоли зўрга бандига илиниб турган сап-сариқ япроқларни шарт-шарт узиб ерга отади. Пишмаган нимжон новдаларни истаган томонга эгиб ўйнайди. Элмурод сайҳон ерга чиқди. Тизза кўмар ўтлар бу йил ўрилмаган. Уларни солдатларнинг бетартиб ҳаракати пайҳон қилган, ерга қайиштирган. Юмронқозиқлар бир неча ерга уясидан тупроқ чиқариб ташлаган, уюлиб ётибди.

Элмурод сўқмоқ йўлдан борарди. Ундан салгина наридан асосий йўл ўтарди. У эндигина тепаликдан ошган эди, катта йўлда ҳарбий форма кийган хотин киши кўринди. У дадил қадам босса ҳам юбкада ўнғайсизланаётгани кўзга ташланарди. Элмуродга у иссиққина кўринди. Қаеридир Зебога ўхшайди. Бу ўхшашлик Элмуродни яхшироқ қарашга ундади, ёшгина врач қиз! Кўкрагида Қизил Юлдуз ордени ҳам бор. «Яша!» деб қўйди ичида Элмурод ва у тўғрисига келиши билан честь берди. Аммо врач жавоб қайтармай, бепарвогина ўтиб кетди. Элмуродга оғир ботди. «Мағрурланиш ҳам эви билан-да» деб кўнглидан ўтказди, орқасидан нафратлангансимон бир қараб қўйди... «Қани, шунақалар Данильченконинг қўлига тушса! Менинг қўлимга тушиб қолса ҳам ўзим билардим. Нақ уставни қўлтиқтумор қилиб бўйнига осиб қўярдим!» деди у ўзича дудуқланиб ва қадамини жадаллаб босди.

Элмурод Рашидни энг четдаги хонадан топди. У ҳали эвакуация қилинмаган эди. Бир томондан унинг шу ердалигидан қувонган бўлса-да, шу вақтгача эвакуация этилмаганига ҳайрон бўлди. Тиббий ходимлар яраси оғирлигини айтиб, самолётда эвакуация қилмоқчи эканликларини билдирдилар.

— Чакка суяги зарар топган, машинанинг лақ-лақини кўтаролмайди,— деди врач ва аллақандай лотинча терминлар ишлатиб, ўз фикрини тасдиқлашга тиришди.

Аммо Элмурод у сўзларни умрида эшитмаганидан ҳеч нарса тушунмади, фақат Рашиднинг яраси оғир экан, деган фикрга келди.

Элмурод Рашид билан узоқ суҳбатлашиш, унинг руҳини кўтариш ниятида келган эди. Рашиднинг оғирлигини кўриб, бу фикрдан қайтди. Уни кўп гапга солишни, толиқтиришни истамади. Бир-икки оғиз сўз билан унинг руҳини сўраб, кўнглини кўтарди. Батальон келиб қўшилган полкнинг бир командиридан олган янги адресини берди. Хат ёзиб туришни илтимос қилди. Рашид Муҳаррамнинг адресини бериб, деди:

— Хат ёзинг, ўртоқ лейтенант, илтимос қиламан, ёзинг, ярамнинг енгиллигини айтинг. Менга ишонмайди, «оғир бўлса ҳам мендан яширяпти» деб ортиқча куяди. Укаси яраланиб, госпиталда ўлгандан бери, юрак олдириб қўйган. Укаси ҳам ярам енгил, хавотирланманг, бориб қоламан» деб ёзарди. Ёзасиз-а, ўртоқ лейтенант? Ёзинг, албатта ёзинг.

Бу, Элмуродга таниш адрес бўлса ҳам, сир бой бермай, олиб планшетига солди. Албатта ёзажагини, ҳатто Рашиднинг қилган қаҳрамонликларигача ёзажагини айтди.

— Йўқ, йўқ,— деб қаршилик билдирди Рашид,— фақат енгил яраланиб кетганимни ёзсангиз бўлади. Мен қилган ишда қаҳрамонлик йўқ, мен солдатлик бурчимни ўтадим, холос.

Элмурод унинг тезроқ тузалиб қайтишига умид билдириб, хайрлашиб чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧИНЧИ ҚИСМ

Титра сен эй, ўзга эл қўшини
Россиянинг ўғиллари қўзғалди.

А. Пушкин.

I

Ювиниб-тараниб, тоза кийинган қиз, заргар қўлидан эндигина чиққан узукка ўхшайди. Хусусан олдинги линияда улар кам бўлади.

Анна Ивановнанинг пайдо бўлиши бунга яққол мисол бўлди; батальоннинг энчил жангчилари эндигина ювиниб, соч-соқолларини олиб бўлиб, «оғир карвонлари» ҳали давом эттирар экан, хутор қаршисидан ҳарбий формада бир аёл тушиб кела берди. У аёл жуда катта қудратга эга магнитдай деярли барчанинг нигоҳини ўзига қаратди.

— Яхшигина майда қадам эканми? Ҳамма ёқни муаттар қилиб кетди-я! — деди бош яланг жангчи қиз ўтиб кетгач ва атир ҳидига кўкрагини тўлдириб нафас олди.

— Хомтама бўлма, ёнига йўлатмайди, погонини кўрдингми, қўш-қўш юлдузлиг-а! — шеригининг умидини узди иккинчи солдат.— Сенга тегадигани шу, атири. Тўйиб ҳидла. Озроғини рўмолчангга тугиб ҳам ол. Ётар олдингда ўрнингга пуркайсан.

— Қачондан бери сипо бўлиб қолдинг? — таъна қилди бош яланги.— Қизлардан гап кетса оғзингни йиғиштириб ололмасдинг-ку! Мунча!

Ҳозиргина иссиқ ҳаммомдан чиқиб, роҳатланиб ўтирган Мурзин хатанинг кичкина, очилмас тўрт кўзли деразасидан қизни кўриб қолди. Манглайидан терини артиб, қаршисига чиқишга шошилди. Ўзини тузатди, оройиш берди. Нима учундир юраги ҳовлиқар, тез-тез урар эди. Юзига қон тепган. У даҳлизни айланиб чиққунча, Бондарь қизнинг йўлини тўсган, у билан нима ҳақдадир илжайиб гаплашар эди. Мурзиннинг бу томонга келаётганини кўрди-ю, эпчил қотиб, қиздан йироқлашди. Унинг мактабда бўлган воқеадан бери Мурзин билан юзма-юз бўлишга тоқати йўқ эди. Мурзин «ҳали Элмурод айтган доктор шу бўлса керак» деган фикрга келди. Қўлини чаккасига олиб, мулойим саломлашди:

— Сиз, доктор Кравцова бўлмоқчи керак? — деди қўлини олиб ва ўзини таништирди.

— Шундай. Мен сизни танимадим,— деди қиз қўпроқ товуш билан қатъий,— биз кўришганмизми?

— Йўқ, доктор,— деб гапни черта бошлади Мурзин,— менга ҳали комбат айтган эди.

— У йўқми?

— У ҳозиргина санбатга кетди.

— Мен ўша ёқдан келяпман. Кўрмадим.

— Кўрсангиз ҳам танимагансиз. Погонасида қалпоқчаси йўқ,— деб кулди Мурзин,— лейтенантга келмаяпти.

«Лейтенант» сўзи врач Кравцованинг ёдига сайҳонликнинг нари ёғида учратган кишини келтирди. «У лейтенантмиди?— деб ўйлади қиз.— Ўша бўлса-я, тоза уят бўлди-да!»

— Хатага кираверинг, у келиб қолади,— деди Мурзин мулозамат кўрсатиб.

У йўл бошлади. Кравцова унга эргашди. Хатага киргач, Мурзин унга синчиклаб разм солди: бир похини сал силкитсанг барча шохларидан ҳам дув тўкиладиган пишган ўрикдек етилган сўлқилдоқ ва бўйдоргина қиз. Унинг юлдузи иссиқ эди. Унинг юлдузини иссиқ қилиб турган чатишган, ингичка нозик қошларими, узун ва қуюқ киприклари орасидан ўз ҳуснига ишонч билан порлаб турган бўта кўзларими ёки чимчилагандек жажжи бурни атрофига седанадек сочилган беш-ўнта билинар-билинмас сепкилларими — Мурзин ажрата олмади. Эҳтимол, пилоткаси остидан чиқиб турган қорамтир сочлари билан ҳамиша кулгидан аримаган қалин, кўркам лабларидир?

Врач Кравцова тортинмай суҳбатлашарди, гўё у бегона бўлинмага келмаган, балки Мурзин унинг меҳмони эди. Бу эса унинг ҳарбий ҳаётнинг аччиқ-чучугига кўникадиган, бу ранго-ранг ҳарбий ҳаётда кўп нарсаларни бошидан кечирганидан далолат берарди. Ҳали, бугун у санбатда экан, бирдан «бир батальон қуршовдан чиқибди» деган гап тарқалди. Ҳадемай, шу батальондан ярадорлар кела бошлади. Бош врач унга қараб: «Анна Ива-

www.ziyouz.com kutubxonasi

новна, қабул қилинг» деди. Анна Ивановна уларни кўриши билан бош врач нимага имо қилаётганини пайқади. Бу яродорлар бошқалардан машаққат чеккан қарашлари, ҳориганлиги ва қолаверса кир-чирлари билан фарқ қиларди. Анна Ивановна ёнига икки-учта санитарни олиб тезда яраларни қайта боғлай бошлади, шу замонийёқ чўмилтириш зарурлигини айтиб, сув иситишга киши юборди. Яродорлар товсиллагач, санбат командири уни ҳузурига чақириб, шу батальонга санвзвод командири бўлиб боражагини билдирди. У қувонч билан қабул қилди, фақат: «Улар бизнинг полкда бўладиларми?» деб сўради. У ўз полкидан ажралишни истамас эди. Ахир бунда озмунча ёру дўстлар борми?

— Жуда азият чеккандирсизлар? — деди Кравцова батальоннинг қуршовдан чиқишини ҳикоя қилар экан Мурзин. Мурзин худди шу сўроқни кутиб тургандек ёришиб кетди, ғурур билан шундай ҳам текис турган нам сочини устидан силаб қўйди. «Батальонни олиб чиққан жанговар офицерлардан бири мана мен бўламан. Қоматимни кўриб қўй, армонда қолма!» дегандек оёққа турди. Дарпарданинг четини кўтариб ташқари қаради. Гимнастёркасини тузатиб, нима учундир ёқасини аста тортиб, қисқа-қисқа мағрур йўталиб қўйди.

— Албатта,— деди у, ва «мақтаниб қўйганим қизда хунук таассурот қолдирмасин» деган ўй билан яна қўшди.— Азият чекмай жанг қилиб бўладими! Ким азият чекмайди! Ким қийналмаяпти! Масалан, сизни олайлик. Бегонанинг қонига қўл уриб, ярасига малҳам бўлиш, унинг азоб чекаётган юз-кўзига қараш ўнғай ишми! Менга дард чекаётган ярадорнинг кўзига қарашдан передовойда жанг қилиш енгил. Гарчанд ҳар дақиқа тепангда ажал муаллақ тигини кўтариб турса-да, лекин менга шу енгил.

Кравцова жанговар командирлар билан кўп суҳбат қилмаганиданми, ҳайтовур, Мурзин унинг назарида лаҳза сари юксалиб, ажойиб қаҳрамон тусига кириб бормоқда эди. Хусусан унинг бу сўнгги сўзи гарчанд мақтанганнамо айтилган бўлса-да, шак туғдирмади; печа-печа танк атакалари, осмон ҳужумларига бардош берган, қуршовдан матонат билан чиқиб келган офицер шунча ҳам фахрланмасинми!

Элмурод кириб, Кравцовани дарров таниди: кўп такаллуф кўрсатмай:

— Анна Ивановна,— деди, (у Кравцовани санбатда ҳамма шундай деб чақиришларини эшитиб келган эди.) — Взводни ўзингиз тузасиз. Бизда йўқ. Лейтенант Мурзин, сиз бу кишига кўмаклашинг. Штаб бошлиғи олдига бошлаб боринг.

Элмурод жадал иши бор кишидай чиқиб кетди. Унинг қўрслиги, кишининг юзига қарамай гапириши Анна Ивановнага ёқмади, «командирим сен бўлсанг, кўрар куним қандай бўларди» деган ўй кўнглидан кечди.

— У ҳар вақт ҳам шунақами? — деб сўради.

Мурзин пайтдан фойдаланиб, Анна Ивановнанинг меҳрини ўзига қаратиб олгиси, боя хаёлидан ўтган бир режага замин тайёрламоқчи бўлди ва:

— Ҳа, бир оз мағрурроқ,— деди.

— Бир оз эмас, керагидан анчагина ортиқча,— деди қиз ва бу ерга келганига ачинди. Кайфи бузилди.

— Командирнинг буйруғини бажармоқ керак,— деди кулиб Мурзин. Унинг буйруқ эгасини менсимагани, қизга такаллуф кўрсатаётгани сезилиб турарди.— Қани кетдик.

Мурзин истеҳзо билан кулиб жойидан қўзғалди. Анна Ивановна хомуш эди. Мурзин сўз билан унинг пинжига кириб, кўнглини овламоқ пайти етганини пайқади. У мамнуният билан кулиб, Кравцова қошига келди. Белидаги энлик камари остига қўл суқиб, деди:

— Мен баъзи кишиларга ажабланаман. Сал иш қилдими, дарров димоғдор бўлиб кетади, кибри ҳавонинг йўлига киради. Ўзингни бос, осмонга қарашни сенга ким қўйибди, кўзингга чўп тушади!

— Тўғри айтдингиз, кўзига чўп тушади. Жабр-жабр ўзига бўлади.

Шу кундан бошлаб, Мурзин Анна Ивановнанинг серқатнов меҳмони бўлиб қолди. Уч кун кейин соқол олдирганда қалдиргоч қанот пусха ингичка мўйлов ҳам қўйди. Икки кунда бир ёқа алмаштирадиган бўлди. Санитария взводи тузилган куннинг эртасига нима бўлди-ю, батальон штаби икки санитар жангчини чақириб, интендантга кўмаклашишни буюрди. Бундан Анна Ивановна хафа бўлди, аммо «мағрур» комбатнинг олдига арз билан киришни истамади. У билан учрашувдан қочарди. Шу куни одати бўйича ясаниб-тусаниб, назокат билан савлат тўкиб келган Мурзинга юрагини бўшатди:

— Шундай ҳам вақт етишмайди. Эрта-индин жангга кирсак нима бўлади? Ҳали бирортаси яра боғлашни ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зуккина билмайди. Наҳот бошқа бўлинмада одам топилмаса! Бу ҳаммаси ўша мағрур комбатнинг иши!

Жонсизга жон борми! Бу гап Мурзинга мойдек ёқди. Санитария взводи устидан ҳомийликни ичида ўзига олди-ю, ўша куни кечқурун штабга кириб борди. Элмурод ташкилий масалалар билан банд бўлиб, штабда йўқ эди. Штаб бошлиғи қилиб тайинланган Йўлдош ёлғиз ўтирарди. Бу айни муддао. Мурзин тўғри унинг олдига борди. Ингичка, қилтириқ мўйловини кечагина одат қилганидек бошмалдоғининг ёни билан сийпаб, узоқдан, муқаддимаси билан гап бошлади. Врачнинг ёшлигини, взводнинг янгигина тузилганини, жангда бу бўлинмага ҳам анча оғир ҳисса тушажагини, батальонни севган ҳар бир командирнинг бу взводни мустаҳкамлашга кўмаклашиши лозимлигини, батальонда якка-ёлғиз бўлган қизни ўкситиш яхши эмаслигини имкон борича ётиғи билан гапириб чиқди. Бироқ Йўлдош аввалига бепарвогина тинглади. Кейин диққат қилса, Мурзин нимагадир шама қиляпти.

— Ўзи нима гап? — деди у ўз ишидан бош кўтариб, ручкасини сиёҳдонда қолдирди.— Санвзводни биров ёмонлабдими?

— Ўша икки киши ўрнига мен ўн киши берардим. Уларнинг айни машғулот қилаётган вақти экан. Улар ҳали хом. Ҳеч нарса билишмайди,— Мурзин Анна Ивановна айтган гапларни деярли такрорлаб чиқди.

— Қанақа икки киши?!— деди энди ишини биратўла тўхтатиб Йўлдош.

— Кеча санвзводдан икки кишини интендантга олиб берибсизлару?

— Ҳа, жуда зарур бўлиб қолган эди. Вақт зиқ эди. Комбатнинг ўзи олган.

Мурзинга бошқа гап учун ўрин қолмади. Шундай бўлса ҳам бу ишнинг яхши бўлмаганини таъкидлади. Йўлдош қулоқ солиб турди-да, эшикни кўрсатиб:

— Ана, комбатнинг ўзи келяпти, ўзига айтинг,— деди.

Элмурод кирди, кўришди. Аммо Мурзиннинг унга гапиришга юраги бетламади. У Чикалодаги воқеадан бери Элмуроддан қаттиқ ҳайиқарди, унга кўз тўқнаштиришга ботинмасди. Оғиз жуфтлади-ю, бўлмади, бошқа ёққа бурди:

— Рашидни жўнатишибди, бугун самолёт бўлибди.— деди.

— Эшитдим,— деди Элмурод.

Мурзин энди ўша ҳақда гаплашмоқчи бўлди-ю, яна журъат этолмади. Анна Ивановна ҳузурига келиб:

— Штабда бўлдим. Ҳаммасини айтдим. Элмуродга ҳам маъқул тушди. Бундан кейин бундай бемаъпилик такрорланмайди,— деди ва Анна Ивановнадан ташаккур олди.

— Сизга хизмат этишга тайёрман,— деди у очиқ юз билан худди: «Совет Иттифоқига хизмат қиламан» дегандек ҳар бир сўзини чертиб.

Кравцова кулиб юборди. Мурзиннинг кулгиси иржайишга айланиб, ноқулай аҳволда қолди. Бу ҳолатдан чиқиш учун илтимос қилди:

— Анна Ивановна кечаги куйингизни яна бир чалиб бермайсизми?

— Ўша куй сизга ёқдими?

Кравцова ажабланди: «Наҳотки шу енгил, унчалик серзавқ бўлмаган куй унга ёққан бўлса?» Лекин «бу куй унчалик эмас-ку» дейишга тили бормади. Девордан гитарани оларкан, деди:

— Мен сизга бошқа нарса чалиб бераман.

— Марҳамат. Лекин лирик бўлсин.

— Кечаги лирик эмас эди-ку?

— Йўғ-э... лирик бўлмаса ҳам яхши эди.

Анна Ивановна фронтга ўз гитараси билан келган, уни ёнидан қўймайди. Санбатда дугоналари ҳар кеч унга тинчлик беришмасди. У санбатдан бу ёққа кўчаркан, гитарасини авайлаб қўлтиқлаб олганда, дугоналари: «Бизнинг консерватория кўчяпти», деб кулишган эди. У биринчи куниёқ зерикиб қолди. Гитарасини дарров қўлига олди. Бир гал Мурзин унинг чалаётганини эшитиб, эшикда туриб қолди. У қандайдир ашулани хиргойи қиларди. Мурзин кириши билан қизариб, гитарани жойига илиб қўйди. «Шундоқ гапиришиб ўтирамиз» деди. Мурзин қистаган эди, бир куй чалиб берди. Лекин, Мурзин қанча зўрламасин ашула айтмади, «игнаси ярамайди, эскиган» деб кулди.

Анна Ивановна чалишдан аввал гитаранинг қулоғи тепасида бўлган шоҳи лентадан боғланган бантигини текислади, пайпаслади. Хаёлида куй танлади. Мурзиннинг куй танлашдаги нўноқлиги уни кўп ўйлашга мажбур этди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Илҳом келмаяптими? — кулди Мурзин.

— Ҳа,— деди Кравцова ҳам кулиб,— нима чалишга ҳайронман.

— Ўзингизга ёққан биронтасини чалаверинг-да, бу Чайковский залими?

— У ерда чалинадиган нарса олдиндан маълум бўлади.

— Бўлди, мен ҳам эрталикни бугун айтиб кетаман.

Анна Ивановна майин бир куйни бошлади. Аввалига сокин бошланган, кишининг беғам, беташвиш, шўх кунларини эслатадиган куй, бориб-бориб жуда авжга чиқиб кетди. Ана шу пайтда созанданинг сочлари серкиллаб икки юзи ўт бўлиб ёнди, кўзлари чақнади. Бироқ бу куй салдан кейин алам туйғусини ифодалаб келиб, фожиа фарёдларига айланиб кетди, секин-секин сўнди. Анна Ивановна ҳалигача тик тутиб турган бошини гитара устига аста эгди. Ўйга чўмиб қолди, Мурзин унинг нозик бўйнига ёпишган паришон соч толаларини томоша қиларди.

Кравцова бош кўтариб:

— Оғир куй, чалмай дейману, ўзим яхши кўраман,— деди.

— Ҳақиқатан яхши экан,— деди Мурзин гарчанд куй унда тузуккина таассурот қолдирмаган бўлса ҳам, созанданинг кўнгли учун. У одатда, шўх, енгил, тез бориб етадиган куйларни ёқтирарди.

— Бугунга шу етар,— деди Кравцова.

— Сизни ортиқча безовта қилмай қўя қолай, ташаккур!

Улар бирга овқатланишди. Овқатдан кейин яна узоқ суҳбатлашдилар. Уфқни қиялаб борувчи куз қуёши тикка кўтарилмай тоғлар орқасидан ўтаркан, жуда тез кеч бўлиб қоларди. Тушдан оғди дегунча тоғлар нарёғида кимдир катта гулхан ёқаётгандек, шуъласи тоғлар бошида сариқ бўлиб кўринади. Юксак дарахтлар бошини олтинлатади. Мурзин куннинг ўтганини пайқамади. Одатда киши куннинг шундай сезилмай ўтганини яхши кўради. У бениҳоя бахтиёр эди. Қош қорайгач, Анна Ивановна билан қаттиққина кўл сиқиб хайрлашар экан:

— Сизга ҳалал бераётганим йўқми?— деди.

— Мутлақо! Мутлақо! Аксинча, сизсиз зерикиб қолардим.

Мурзин шодлигидан парироқ бориб, ўзича қандайдир ашулани ғингиллаб айтиб кетди.

У, шу кечаси «ўзининг» Анна Ивановнаси ҳақида узоқ ўйлади. «Ажойиб нарса» деди этигининг бир пойини тортаётиб. Унинг ётгиси келмасди. Бирпас ўйга чўмиб қолди. Ўзидан парироқда пишиллаб ухлаётган связнойи ҳам ҳар кунгидай бугун унинг ғашини келтирмас, у ҳам кўзига чиройли кўринди. Уни уйғотиб, унга нималардир демоқчи бўлди-ю, лекин яна бу фикридан қайтди. Ечган бир пой этигини яна кийди. Ташқарига чиқиб, эти увишгунча юрди. Хонасига қайтиб, ечиниб, устига шинель тортаркан, яна «Ажойиб нарса бу Анна Ивановна!» деб қўйди. Бутун вужуди жимирлаб келиб, кенг керишди, оппоқ тишлари кўриниб кулди, иккала қўлини боши остига қўйиб, кўзини шифтга тикди. Аммо яна узоқ вақт ухлолмади.

Эртасига куни билан ўз ротасида машғулот ўтказди. Лекин хаёли тез-тез Анна Ивановнага бўлиниб турди. Унинг ёнига олиб борадиган йўлга қараб қўярди. Машғулотларни тугатди-ю, ювиниб-тараниб уникига югурди. Суҳбатга мавзу ҳам танлаб қўйган эди. Анна Ивановпаникида Элмуродни кўриб бутун режалари бузилиб кетди. Юраги орқасига тортди.

— Мана, Мурзин ҳам келиб қолди. Маша ўзи айтсин,— деди Элмурод Мурзин кириши билан.— У бизга қуршов олдидагина қўшилган, бошқа батальонда эди.

— Шундай!— деди-ю, Мурзиннинг юраги шув этиб кетди. «Чикалодаги воқеани очиб солган бўлса-я», деган ваҳима босди.

— Анна Ивановна нима учун батальон катта машғулот ўтказяпти? Ахир жанг кўрган собиқ курсантлар экан-ку, деяптилар. Мен бўлсам «ҳаммаси курсантлар эмас, бошқа қисмдан ўтган, тузуккина машғулот кўрган-кўрмагани бизга номаълум бўлганлари ҳам бор. Кўздан ўтказяпмиз, таваккалнинг таги тахир» деймап. Шундаймасми?

— Сизни сўрадим. Сизни ҳам бошқа бўлинмадан ўтган дейди,— гапга аралашди Кравцова.— Шунақами?

— Шундай!— деди ўзини тутиб олиб Мурзин.

— Сиз, ҳар вақт комбат билан биргамиз, деган эдингиз, шекилли?

Мурзиннинг ёдига ёлғонлагани тушди. Лекин тезда ўзини қуруққа олиб чиқди:

— Ахир, бир бригададамиз-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элмурод ичида «бу тоза мақтанган шекилли, ҳеч ким йўғида» деб ўйлади-ю, уни қиз олдида қизартиришни ўзига эп кўрмади.

— Бу маънода тўғри!

Элмурод Мурзинни яна бирор хижолатга солиб қўймаслик учун кетишга тайёрланди. Чиқиб кетаётиб Анна Ивановнага деди:

— Ҳали айтганимни қаттиқ туриб талаб қилинг. Носилкаларнинг ҳаммасини эртагаёқ олдириб келтиринг. Жангга кирганда шошиб қолмайлик.

— Хўп,— деди Кравцова.— Анави уч кишини нима қиламиз, алмаштириб берасизми?

— Жуда нимжонми?

— Биттаси нимжонроқ. Вазминроқ жангчи йўлиқиб қолса, жанг майдонидан олиб чиқишда қийналади. Иккитаси ёш жиҳатидан тўғри келмайди. Ёшроққа алмаштиринг.

— Майли! Бошқа талабингиз йўқми?

— Ҳозирча йўқ,— деди кулиб Анна Ивановна.

— Бўлмаса, ҳозирча хайр!— деди Элмурод қўлини чаккасига олиб бориб.

— Бугун жуда чарчабсиз-а?— деди Анна Ивановна Элмурод чиқиб кетгач, Мурзинга.

— Йўғ-э,— деди у,— чарчаш қанақа бўлади ўзи. Шохлими? Ё кўзи пешонасида бўладими?

Мурзин қувноқ руҳга киришга, ўзини Анна Ивановна ҳузурида эркин тутишга интилар эди. Аслида Элмуроднинг суҳбатидан қолган дуд ҳали кўнглидан аримаганди. Кравцованинг «Чарчабсизми?» деб сўрашига сабаб бўлган парса ҳам унинг юзидаги ўпанинг изи эди.

Суҳбат қовушмасди. Нима учундир, Мурзин куни билан тайёрлаган сўзларини ёдига келтиролмас, хаёли тизгинини тутқизмас эди.

— Комбат нимага келган экан?— деди Мурзин, лекин бу саволидан ўзи хижолат тортди.

— Мен иш билан олдига кирган эдим, «Қани, хўш, қандай ўрнашдингиз?» деб менинг хатамни кўргани, взводнинг иши билан танишгани бирга келди. Бугун дуруст, яхши туш кўриб чиққанга ўхшайди.

— Баъзан шунақа қиш осмонидай ялт этиб очилиб, ҳам қолади.

Бориб-бориб суҳбат асл изига тушиб олди, Мурзин қалдирғоч қанот нусха мўйловини тез-тез силаб турди. Бугун

Мурзин учун Кравцованинг яна бир янги латофати очилди. Унинг тиши бениҳоя оппоқ ва кўркам экан.

Ортасига Анна Ивановна ўз взводи билан далада ярадорларни қандай қилиб жанг майдонидан олиб чиқиш ҳақида машқ ўтказади. Дарс жуда кўнгилли ўтди. Бир санитар ярадорни судраб чиқишдан кўра, ўзи «ярадор» бўлиб, бошқалар уни олиб чиқишини яхши кўрарди. Тантан ўзини ерга ташлар: «Мени олиб кетинглар, нобуд бўлмай, уйда иккита қизим билан она-болали эчким бор», деб ҳаммани кулдирар эди. Санитар келиб судрай бошларкан, оғирлигини соларди. Санитар ташлаб кетса, яна бақирарди. У Кравцовадан танбеҳ олди, машғулотнинг охиригача бир оғиз сўз гапирмай, яна ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Ёнидаги шериги: «Анна Ивановна тилингни суғуриб олдими, нега гапирмайсан?» деса, жиддий туриб: «Бугунги норма тугаган!» деб жилмайди.

Ротаси билан машғулотдан қайтаётган Мурзин Анна Ивановнани кўриб, бўлинмасини ёрдамчисига топшириб юборди. Табассум билан унинг олдига келди. Томоша қилиб турди.

Машғулот тугагач, иккови даладан бирга қайтишди.

Сал тепалик келаркан, Мурзин Анна Ивановнанинг тирсагидан аста ушлаб, кўмаклашгандек бўларди. Тепаликдан чиқиб бўлгач ҳам унинг қўлини анча ергача қўйиб юбормасди. Баъзан Анна Ивановна қаршилик билдирмас, баъзан унга кўз қирини ташлаб, қалин лабларининг бурчи билан куларди-да, аста «раҳмат» деб қўлини ёнига тушириб олар эди. Йўлни қисқа қиламан деб тўғрисига кетдилар, кўприксиз каттагина саёз ариққа дуч келиб қолдилар. Иккови бир-бирига қараб кулишди.

— Жуда яқин экан-а?— деди Кравцова.

— Кўлмасам-чи,— деди-ю, Мурзин Анна Ивановнани даст қўлига кўтариб сувга тушиб кетди.

Кравцова аввалига қаршилик кўрсатгандек бўлди, лекин Мурзиннинг сувга тушиб бўлганини кўриб индамай қўя қолди. Париги ботга ўтиб бўлгач, порози бўлгандек лунжини шишириб, эркаланибгина:

— Рицарь!— деди.

Мурзин ўзида йўқ шод эди. Қўнжи сувга тўлганига ҳам парво қилмасди. Бир-икки қадам қўйиши билан этигидан гирчиллаган овоз чиқиб, тақимида пуфак пайдо бўлди. Кравцова қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Наҳот сезмаган бўлсангиз?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мурзин этигини ечиб сувни тўкди, пайтавасини сиқиб, қайтадан кийиб олди.

Хуторга етиб келгач, Анна Ивановна ўз сафар халтасидан бир жуфт янги пайтава олиб, Мурзинга тутди:

— Алмаштириб олинг, оёғингиз ишдан чиқади.

— Юриб келолмайдиган бўлиб қолади деб ташвишланяпсизми? Оёғим ишдан чиқса, судралиб бўлса ҳам қошингизга келиб тураман, сиз кўкрагимдан итариб, эшигингизни ёпиб олмасангиз бас!— деди кулиб Мурзин ва кетидан қўшди:— Ўзимда бор.

— Бўлмаса жўпанг. Бундоқ ўтирманг, алмаштириб олинг.

— Ҳеч нарса қилмайди. Тотли дақиқаларнинг гувоҳику бу!

— Жўпанг! Жўпанг,— деди Анна Ивановна кулиб, унинг қўлтигидан ушлаб турғизмоқчи бўлди.— Бу ўтиришингизда шоир бўлиб кетадиганга ўхшайсиз. Сўзларингиз ниҳол ёзянти.

— Шоир бўлсам ёмонми? Ҳамма шеърларимни ёлғиз сизга бағишлардим.

— Бўлди! Бўлди! Бачкана бўлманг.

Мурзин тегиша-тегиша туриб кетди. У умрида шундай хурсанд бўлган кунини эслолмасди. Шу дақиқада хўмрайиб турган анави тоғ ҳам, булутли осмон ҳам, ҳар қадамда кишининг оёғига ўралашадиган сап-сариқ ўтлар ҳам, ерда ётган тошлар ҳам — ҳамма-ҳаммаси унинг кўзига гўзал бўлиб кўринарди. Ҳамма-ҳаммасига нима учундир ташаккур айтгиси келарди. Анна Ивановнанинг аввал қалинроқ кўринган лаби ҳам юпқа тортиб кўзига ташланди. У бениҳоя гўзал. Тўрт қитъада битта. Уни яратган табиат наққоши иккинчи яна бир шундайни яратишдан ожиз бўлса керак. У бир Анна Ивановнани яратгану, нафосат ҳақидаги туйғусидан ажралган.

Мурзин кечгача маст кишидек бўлиб юрди.

Мурзиннинг кўз олдидан ҳалиги анҳор кетмасди. Анна Ивановна ҳамон унинг қўлида эркалангансимон қаршилик қилиб кўзларига тикилади, оппоқ қўллари билан уни кўкрагидан итариб, жажжи оёқларини ёқимли типирчилатади. Бу лавҳанинг ҳаммаси унинг хаёлига қаттиқ ўрнашиб қолган эди. «Ўша оппоқ, нозик қўллар қачон бўлмасин менинг бақувват бўйнимга илон бўлиб чирмашар, ўша қалин, ағдарма кўркам лаблар лабларимга ёпишиб оташ сочар, ўша туташ ингичка қошлар сузилиб жавдираган оўта кўзлари чақнаб, ўша сўлқилдоқ-диркиллама бадан, куплар келарки, бағримда тўлғанар» деб хаёлидан ўтказди да, қувона-қувона ўрнига чўзилди.

Аммо уйқу аллақаёқларда санқиб юрарди.

II

Элмурод Рашиднинг олдидан қайтгач, ортиқча қайғурмаса ҳам, нима учундир, уч-тўрт кундан кейин унинг ўрни йўқланди. Бир-икки марта «Бондарь» дейман деб «Рашид!» деб юборди. Рашидга берган ваъдасига кўра, Муҳаррамга хат ёзди. Лекин хат ўнгайлик билан кўчмади. Бир неча ойдан бери мукаммалроқ, кўнгил баҳра оладиган хат ёзмай юриб, бирдан «эринг ярадор бўлди, аммо хафа бўлма, урушчилик» дейиши, назарида Муҳаррам, «Менинг эрим эканини билгансан, рашк қилгансан. Жўрттага огир соҳага уни қўйиб, аламдан чиқмоқчи бўлгансану, лекин менинг бахтимга ўлмай, ярадор бўлган. Бўлмаса нега ўзинг яраланмадинг? Худо кўрсатмасин, бир нарса бўлса, икки қўлим сенинг ёқангда!» деб тепасида соч ёйиб турганга ўхшарди.

Элмурод хатни ёзолмади. Минг хил хаёлларга борди, у хатни йиртиб ташлади. Эртасига яна бошлади. Бу гал Муҳаррам шахтидан тушган, гўё эрининг ярадор бўлишини билган ёки аввалроқ эшитган кишидек: «Майдондан олиб чиққанингиз учун раҳмат. Бу яхшилигингизни сира унутмайман» дер эди. Бугунги хати кечагисидан фарқ қилмаса ҳам, энди юборишга қарор берди. Зебога ёзганини ҳам ёнига қўшиб, Бондарга тутди:

— Албатта, шу бугун жўпат!

Бондарь эшикдан чиқиши билан, унинг назарида хат бориб етган, ҳализамон Зебо қулоч ёзиб кириб: «Шунча кундан бери қаёқда қолдингиз, хат ҳам ёзмадингиз!» деб бўйнига ташланадиган, кетидан Муҳаррам кириб кўз ёши қиладигандай бўлди.

Элмуроднинг ўйини кириб келган полк алоқачиси чалғитди:

— Ўртоқ лейтенант, батальонни олиб борар экансиз.

Элмурод батальонни сафга тизиб, йўлга чиққанда қош қорайган, кузнинг хира осмонида ёруғ юлдузлар жимирлашар эди. Уфқни ўз гавдаси билан тўсган паст-баланд тоғлар қоп-қорайиб, ридо кийгандек силлиқ кўринади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнгги япроқлар шитирлаб тўкилади. Қушлар товуши эшитилмайди. Замбаракларнинг гумбурлаши уларни йироқ-йироқларга қувган, уяларини дарахти билан бирга ағанатган.

Батальон пастликдан юқорига кўтарилар экан, юлдуз учди. Бир лаҳзага қизил из қолдириб, тепалик орқасида ғойиб бўлди. Буни деярли барча кўрди. Кимдир унинг орқасидан қарайман, деб қоқилиб кетди.

Турдиевнинг эсига қачонлардир эшитгани — «Осмондаги ҳар бир юлдуз бир кишиники, юлдузи учса, киши ўлади» деган фикр келиб тушди. Колонна олдида бораётган Элмуродга эшитиларли қилиб, деди:

— Кимнингдир юлдузи учди, биров ўлади.

Ўлимларни кўравериб, эти ўлиб қолганданми Элмурод индамади, тўғриси, у бундай иримларга ишонмас эди, ичида-ичида кулибгина қўя қолди. Бу одатни Горкунов билар экан, аввалига кулиб, сўнгра деди:

— Агар учган юлдузга тенг одам ўладиган бўлса, аллақачон осмондаги юлдузлар етишмай қоларди. Бу шунчаки гап!

— Ундан кейин, бизнинг юлдузлар учадиган вақт ўтди,— деди Элмурод,— бундан буёқ душманники учаниучган. Бизники, ҳув анавига ўхшаб ярқираверади,— у шундоққина тепалик устида турган ёруғ юлдузни кўрсатди:— Кўрдингми, қандай ярқироқ!

Элмурод полкдан ўз батальонига участка олиб, мудофаага ўтирганда, тонг ёришиб қолган эди. Йироқ-йироқларда чанг-тўзон минораси кўтарилади, сўнгра товуш янграйди. Баъзи пулемётлар сурункасига отиб қолади.

Душман куч билан қўлда тутиб турган «Яланг тоғ» бу атрофда энг баланд, ҳарбий тил билан айтганда, устунлик ролини ўйнарди. Кеча бу тоғ учун қилинган ҳужум бекор кетган эди.

Элмурод полк штабидан қайтиб, командирларни йиғди.

— Ким альпинизмдан хабардор?— тўсатдан савол ташлади.

Ҳеч ким ҳарбийларга хос чаққонлик билан жавоб бермади. Бу ҳол Элмуродга ёқмади:

— Ҳаммангиз ҳам яланг далада туғилганмисизлар?

— Мен ҳаваскорлардан бўлганман,— деди Мурзин.

— Ҳаваскор-ку, мен ҳам бўлганман, ҳеч тоққа ўрмалаганмисан?— деди кўзи кулиб Элмурод. Кўнглидан «хайрият, хабардор киши бор экан» деган фикр ўтди.

— Бир-икки марта. Айтиб берайми?

— Айтишнинг кераги йўқ, бугун амалда кўрсатасан,— деди Элмурод ва батальон олдига қўйилган вазифани тушунтирди:

— Қисқаси шу «Яланг тоғ»ни олишимиз керак. Мурзин, сен разведка билан бўласан. Батальонни ўша тоққа душман кутмаган мана бу ёқдан олиб чиқиш сенинг бўйнингга.— Элмурод планшетининг целлулоиди остига қўйилган харитадан кўрсатди:— Қайси бўлинмада альпинист бўлса, лейтенант Мурзин ихтиёрига юборилсин.

Мурзин этигини ечиб, қаёқдандир топган енгил ботинкани кийиб, камарини чиқариб ташлади, белига арқонни боғлаб, автоматини халақит бермайдиган қилиб, орқасига осди. Бир жангчини энгаштириб, елкаси оша тоққа тирмашди. У жуда асталик билан кўтариларди. Ҳар чиқиқ тошни ушлаб, тирмашишдан аввал уни бир-икки тортиб, силтаб кўрар, баъзиси кўчиб қўлидан тушиб кетар, йўл-йўлакай бошқа дўмбоқ тошларга урилар эди... Қўлини ишонч билан бир катта тошга қўйган эди, мўрт чиқиб, думалаб кетди. Яхши ҳам ёнроқда эди, бўлмаса ўзини ҳам олиб тушиб кетарди. У катта харсанг ушалиши билан бақирди:

— Қочинглар!

У харсанг бошқаларга урилиб, ерга тушгунча чанг-тўзон кўтарилиб, кучликкина гумбурлаш пайдо қилди. Мурзин тепасидан келаётгандай бир зумга кўзини юмди. Оёғи бақувват тошда, қўли пухта тошни ушлаб турган бўлса ҳам, пастга қараб, юраги шувиллаб кетди. Ўзининг анча баланд кўтарилиб қолганини шунда билди. Уни пастдагилар нафас ютиб кузатарди. У пастдан қараган кишига дарахтга ўхшаб, уя ясаётган қизилиштонга ўхшаб кўринарди. У баланд кўтарилгани сари этагини шамол кўпчитарди.

Мурзин мўлжал қилган сайҳон ерга чиқиб, енгил нафас олди. Энди астойдил пастга қаради. Одатланмаганидан юраги дов бермас, аллақаерлари жизиллар, қўлининг бир неча ери тимдаланган эди. Икки-уч йўғон харсангни кўздан кечириб, бир учи пастда қолган арқонни белидан ечиб, бирига чигил солиб боғлади. Пастга қараб мамнун жилмайди. Бу жилмайиш «ҳаммаси тайёр, бирпас дамимни олай, сўнгра сиз ҳам чиқасиз» деган маънони ифодаларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У, арқон боғлаган тошнинг четига ўтириб, атрофни кўздан кечирди...

Мурзин пастга бақирди:

— Қани, енгилроғинг чиқ. Бу ер шунақа гўзалки, бир томонга қарасанг Наполеон, иккинчи томонга қарасанг Вильгельм II нинг қабри кўринади.

— Гитлерга тайёрлангани кўринмайдими?— кулди Борисов пастдан.

— Вильгельмнинг ёнида битта очиғи бор, ўша Гитлерга бўлса керак.

— Йўқ, Гитлер Германия торлигидан бизга ҳужум қилган, қабрига лойиқ ерни ўзимиз берамиз. Совет кишилари сахий!— деди Борисов.

Кулги кўтарилди.

— Унинг қабрида гиёҳ кўкармас дейман. Кўкарса ҳам илон билан чаёнга заҳар беради-да,— деди бир жангчи белига арқон боғлар экан.

Мурзин уни торта бошлади. Оғирлигини кўриб:

— Сендан бошқа енгилроғи йўқмиди?— деди Мурзин пастдагиларни кўздан кечириб, ҳаммаси ҳам гавдали кишилар, танлашда бақувватроғини атай олгани ёдига тушди. Тоғда гавдали, бақувватлар керак бўлади, деб ўйлагану, биринчи кишини тоққа тортиб олиш ўз бўйнига тушишини билмаган экан. Чиққан жангчи Мурзинга бир яримта келарди. У белидан арқонни ечиб, пастга ташлар экан:

— Оғирсан дейсиз, мана энди, тортишда иш бераман-да,— деди ва пастга қараб давом этди:— Саша! Қоронғи тушмай тезроқ чиқ. Уйдан хат йўқ деб ташвишланаётган эдинг, бола-чақангни кўриб оласан.

— Яхшилаб қара, сигирим туққанмикан?— жавоб қайтарди Саша дегани.

— Ҳа, хотининг соғиб, қаймоғини сенга олиб қўйипти.

Мурзин яна бир киши чиқишида тортишиб, ундан кейин ортиқчалик қилиб қолди. Чиққан жангчиларнинг ўзлари бир-бирларини торта бошладилар. Бешинчи бўлиб кўтарилган жангчи, чиқиши билан атрофга олазарак қараб:

— Ана тоғу, мана тоғ! Шунча тоғнинг нимага кераги бор экан?— деди.

Аммо жавоб берувчи бўлмади.

Пастда Борисов ва яна икки жангчи қолиб, қолганлар Мурзиннинг олдига кўтарилдилар. Борисов учун куп бот-

ди, Мурзин ҳали қуёшни кўриб турарди. Тоғ чўққилари сўнгги шуълалар билан шафақланса ҳам Борисов кеч кирган ҳисоблаб, батальон йўлдан тоймаслик учун қаршисига киши чиқарди. Тун оққач, батальон келди. Бу маҳал кузнинг хира булутлари кўкни тўсган, йироқ-йироқдаги тоғлар бир сафга тизилиб, қалин юксак девордай туташ кўринарди.

Батальон ёлғон тонг ёришиши билан разведкачилар каби бир неча ердан тоққа кўтарила бошлади. Сўнгги жангчи кўтарилиб, қуролларга навбат келганда қуёш юксак тоғдан уч газ бўйи тикка чиққан эди. Горкуновдан олдин чиққан Турдиев, баланд тоғ тепасида биринчи марта бўлишиданми ёки қизиқибми, ҳарнечук атрофга суқли-суқли қарар, Горкуновдан: «Шу ерларда ҳам одам бўлганми? Бўлса нима учун бўлган, бу ерда ҳеч ким яшамайди-ку?!» деб сўради.

Элмурод бўлинмаларни топшириқлар билан бўлиб юборди.

Батальон соат учда ҳужумга ўтди. Тўсатдан бошланган миномёт ўти ва кетма-кет янграган «урра»ли атака орқа томоннинг чуқур жарлигидан хотиржам бўлиб мудофаа тутган душманни эсанкиратиб қўйди. Атака узоқ чўзилмади. Қўққисдан қилинган ҳужум ўз самарасини кўрсатди. Қош қорайганча «Яланг тоғ» ишғол қилинган, полк алоқачиси аллақачон донесение олиб кетган эди.

Бу жанг Турдиевда ажойиб таассурот қолдирди. У эртасига завқини гапириб тугатолмасди:

— Бизнинг «урра»миз анови ёқлардан ҳам келди. Битта ўқ учта-тўртта бўлиб эшитилади. Мен тоғ ағдарилиб тушяптими, дебман. Ҳамма ёқ гумбурлаб кетди.

— Фрицнинг шунақа қилиб юрагини ёрмасак ҳам бўлмайди. Пастга қочса яна яхши. Орқасидан бир тош юмалатиб юборсанг, вассалом, тош ўз ишини қилади. Лейтенант Шиловни кўрдингми, нима қилди. Жар ёқасига сиқиб борди-ю, отиб ўтирмай орқасидан тепиб юбора қолди. Тоғда гоҳо ўқ ишлатмай урушса ҳам бўлади-да,— деди Горкунов, мўйловини силаб.

III

Элмурод старший лейтенант унвонини олгани ҳақида фронт штабидан буйруқ келган куни жабҳа бўйлаб тинчлик бошланди. Мана, ҳадемай, бир ой бўлади, ҳамон тинч-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик. Бу орада мукофотланганларга орден, медаллар топширилди. Элмурод ҳаммани мукофотга тақдим этганда, ўзини тушириб қолдиртан эди. Ахир қандай қилиб ўзини-ўзи тақдим этсин. Мукофот варағининг сўнгига ўзи учун ўзи қўл қўядими! Комбатнинг тушиб қолганини полкда ҳам ҳеч ким пайқамабди, ўтказиб юборишибди. Корпус штабига борганда генерал қўл қўйиш олдидан мундоқ қараса, батальонни қуршовдан олиб чиққан командир йўқ. Дарров телефон қилибди: «Батальон бирин-сирин ўзи чиқиб келганми?», «Йўқ, ҳамма бўлинмаларни комбат баравар олиб чиққан». «Нега бўлмаса комбат мукофотланганлар ичида йўқ?» Дарҳақиқат полк командири майор Следов рўйхатни қараса, Элмурод йўқ. Элмуродни чақириб: «Нега ўзингиз йўқсиз?» деди. Йўқлигини аниқ билган Элмурод ажаблангандек: «Шундоқ эканми?» деб кулди ва қўшди: «Батальоннинг мукофотланган менинг мукофотланганим», сўнгра сабабини айтиб берди. Майор Следов «Шундай экан, имо-ишора қилиш керак эди» деганича, варақани ўзи тўлдирди.

— Хўш, нимага тақдим этсам бўлар экан?— аста кулди.

— «Жасурлик учун» медали бўлади,— дарров жавоб берди Элмурод.

— «Жангговар хизматлари учун-чи?»— унинг камтарлик қилганини пайқатан майор ундан ҳам камтарроқ бўлган медални тилга олди.— Медаль бўлиб қолса, қўл остингиздагилар кўкрагида орден кўриб «майор хасислик қилди» деб ўкиниб қоларсиз.

— Мутлақо!— жиддий деди Элмурод.— Аксинча, қувонаман. Урушнинг қийинчиликлари уларнинг бўйнида.

— Масъулияти сиз билан бизда.

Мукофот топширилган куни майор Элмуродни табриклаб: «Энди рўйхатдан тушиб қолсангиз, куясиз!» деб кулди.

Элмурод сиёсий донесение ёзиб, конвертга солгандагина, жуда кўп ўтириб қолганини пайқади. Бондарь кечки овқат тараддудида эди. Элмурод партияга ариза берган, бугун бюродан ўтиш куни бўлгани учун овқатга қарамай, жўнади.

Элмурод борганда, бюро тўпланган, кимнингдир номзодини овозга қўймоқда эдилар.

— Мумкинми? Кечирасиз, баъзи сабаблар билан кечикдим,— деди ва бошидан пилоткасини олиб бир чеккага ўтирди.

Борисов раислик қиларди. Элмурод «ҳозир менинг аризамни кўришса керак» деб ўйлади. Бундоқ бўлиб чиқмади. Бир жангчиникини, кейин бир командир, яна икки оддий жангчиникини кўриб, сўнгра Элмуродни президиум столи ёнига таклиф этдилар. Элмурод ўтирганларга қаради. Ўтиргалар барчаси унинг қўл остидаги кишилар эди.

Шундай бўлса ҳам бир оз ўзини йўқотгандек бўлди, юзига қизиллик югуриб ўтди. Борисов анкета савол-жавоблари билан ўтирганларни таништиргач, Элмуроддан биографиясини айтиб беришни сўради:

— Қисқача қилиб.

«Қисқача қилиб» сўзи Элмуродга ғалати туюлди. Борисов айтса-айтмаса унинг биографияси шундоқ ҳам қисқача. Энди ҳаёт бошлаган ёш йигитда қандай биография ҳам бўлсин!

«Аврора» подшоҳ Қишлик саройини ўққа тутган оқшомдан роса икки йил бурун доя уни Тошкентда йўргаклаган эди. Отаси бир тешикдан учта ин ўтказиб, кичик уйда косибчилик қиларди... Ленин ўлганини мактабда эшитиб, уйига йиғлаб келди. У Ленинни катта одам ва ҳамма кишиларнинг муаллими эканини ўқитувчисидан кўп эшитарди. Дарс тайёрлаганларида китобдаги суратини томоша қилар, бир кўришни орзу этарди.

Ундан кейин бўйнига лоладай қизил бўйинбоғ тақиб пионер бўлди. Дўмбира орқасидан «Ленин бобомиз ўлган бўлса ҳам, ленинизм тирикдир!» деб ашула айтди. Байрам кечалари ухламасдан тонг оттириб, пионер гулханларининг ҳеч биридан қолмади. Ўрта мактабни битириб, институтга кирди, комсомолга ўтди. Ўз хоҳиши билан Катта Фарғона каналига агитатор бўлиб кетди. Институтни битирган йили армия сафига ўз хоҳиши билан келди. Жангчи бўлди, курсант бўлди, мана ҳозир офицер.

Элмурод биографиясини Борисов кутганидан ҳам қисқа қилганда ҳамма ҳайрон бўлди. Лекин ҳеч нарса тушиб қолмаган эди. Берилган саволлар ҳам Элмурод кутгандан нарига ўтмади.

Бюро тарқалиб, Борисов уни табриклаганда, Элмурод ҳаётда ўзини яна бир нечона юқори кўтарилгандек ҳис қилди. Энди у батальон учун ёлғиз қўмондонлик олдида эмас, партия олдида ҳам жавобгар. У шуларни ўйлар экан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаётида жуда катта ўзгариш бўлгани, бу ўзгариш ундан янада жонкуярлик билан хизмат қилишни, вақти келар экан, шу партия номи билан ҳалок бўлишга ҳам тайёр туришини қалби билан туярди.

Турдиев рота агитатори ва Борисовдан Горкуповнинг «Яланг тоғ»да бир ўзи беш фрицни найзага олганини эшитди. У Горкуповнинг кўзига қараб ботирлик, қўрқмасликка хос ҳеч нима кўрмади. Унинг юзи-кўзи ва юриш-туришида бошқа жангчиларникидан фарқ қиладиган бирор нарса йўқ эди. Унда ҳам кўпчилик руслардаги каби оддий кўкимтир кўз, ҳеч кимникидан тафовут қилмайдиган қош-қовоқ ва гавда. Ганириш учун баъзилар каби сўз ҳам танламас, баъзан гайри ахлоқ сўзларни тап тортмай ишлата беради. Тупов кун Элмурод олдида ишлатганини ўз қулоғи билан эшитди. Унинг қаҳрамонлик сири қаерда? Нима учун у тирик фрицни бемалол найзага олаверади-ю, Турдиев пойлаб отишга энди чўчимаса ҳам, найзабозликка юраги бетламайди! Бунда бир сир бўлса керак.

Турдиев қанча ўйламасин охирига етмади. Ўзини қаноатлантирарли жавоб тополмади. Қишлоқда эшитганидек қаҳрамон улкан гавдали, бақувват бўлади, деса, бу белгиларнинг ҳеч бири Горкуповда йўқ. Турдиев, қаҳрамон эртакдагидек бўлади, деган фикридан қайтди, Горкуповнинг ўзи бирда айтгандек: «Қаҳрамонлик учун душманга нисбатан нафратлана билиш ва уй-жойинг билан бола-чақанг, ота-онанг, ёру дўстингнинг хурсандлигини кўзлашинг кифоя. Шунинг ўзи сени ўлимдан устун, душмандан ғолиб қўяди»,

Турдиев ўзича шу фикр тўғри деди-ю, разведкага юборишларини сўраб, штабга борди.

— Сабаб?— деди Элмурод, кутилмаган бу ботирликдан.

— Мен ҳам бир иш қилиб қўяй,— деди у.

— Ротада қилиб бўлмас эканми?

Турдиев нима дейишини билмай қолди. У сўнгги кунларда рота жим қолиб, разведкачилар ҳамманинг оғзига тушганидан «разведкада қилган ишинг яққол кўринади» деб ўйларди. Икки марта оғиз жуфтлаб бу фикрини гапиролмади.

— Бир боргим келиб қолди,— деди охир.

Разведкага игна тешигидан ўтадиган эпчил, дарёдан ҳатлайдиган чаққон киши керак. Буни Элмурод билади. Турдиевга қараб бу хислатдан ҳеч бирини кўрмади. Бироқ йўқ дейишга тили бормай, керак бўлганда чақиражагини айтиб, жўнатди. Аммо бир ой ўтса ҳам ҳеч ким Турдиевга «Разведкага борар экансан, командир чақиряпти» демади. Иккинчи марта комбатга учрашувга ботинолмади. Бир куни эрталаб дарё ёқасига сувга борса, у ҳар куни сув оладиган ердан эллик метр юқорида бир мурда қирғоққа илиниб ётибди. Табиати тирриқ бўлиб кетди, ўша мурдадан ўтиб, котелок ботирмоқчи бўлиб, дарё бўйлаб кетди. Котелокни сувга ботириши билан қарши томондан «Хальт!» деган товуш эшитди. Бош кўтариб қаради: қарши қирғоқда бир немис автомат ўқталиб турарди. У ҳам сувга келган бўлса керак, оёғи остида сувдонлар бор. Нима қилишини билмай қолди. Елкасидан автоматини олиб отиш учун вақт керак, қочса отади. «Нима бўлса-бўлди, бир иш қилмайманми» деган фикр бошидан чақмоқ тезлигида ўтди. Бир қўлини кўтариб, бир қўлдаги котелокни шундоққина оёғи остига қўйди, сўнгра унисини ҳам кўтарди. Немис рус тилини ярим-ёрти билар экан, ўз олдига ўтишини буюрди.

Турдиев сузишни билмаслигини айтиб, олдида турган қайиқда ўтиб, олиб кетишини аранг тушунтирди.

Немис аввалига кўнмагандай бўзрайиб турди. Турдиевнинг бош-оёғига кўз югуртди. Назарида Турдиев нимжон, ҳеч қандай айёрлик қўлидан келмайдиган, содда кўринди. Иккинчи томондан бу хизмати учун оладиган крест ордени кўзига кўриниб кетдими, бир қўли билан автоматни ўқталиб, иккинчиси билан қайиқни тўғрилади. Қайиққа тушиб, Турдиевга қараб суза бошлади. У қирғоққа етгунча, Турдиев қимир этмади. Қайиқ бу қирғоққа тақалиши билан фрицнинг устига ўзини ташлади, қўшалоқ бўлиб қайиқ ичига йиқилипди. Бир неча дақиқали қисқа олишувдан кейин Турдиев фрицнинг оғзи-бурнини қоп-қора қон қилиб, асир олди. Аммо бу вақтда қайиқ қирғоқдан йироқлашиб, беланчакдай дарёда сузиб борарди. Турдиев автомат билан ўзи томондаги қирғоқни кўрсатиб, буюрди.

— Бу ёққа ҳайда!

Автомати аллақачон сувга тушиб кетиб, эси оққан фриц Турдиев айтганича қилишга мажбур бўлди. Эшкак ураркан, «отиб қўймасин» деб бот-бот орқасига қарарди. Турдиев асирни тўғри батальон штабига олиб жўнади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қаердан ушладинг? Қўлингдаги сув нимаси?— деди Элмурод.

Турдиев бир қўлида сувли котелок ушлаб турарди.

— Сувга чиққан экан, хом ичма, ичбуруғ қилади, деб қайнатиб берган суви билан олиб келдим,— деди руҳи тетик Турдиев.

Элмурод ундан биринчи марта ҳазил эшитгани учун яхшигина кулди. Асир ҳеч нарса тушунмай, кўзи олмакесак терарди.

Турдиев бўлган воқеани гапириб берди. Бондарь ичаги узилгудай кулиб, деди:

— Крестли бўлай деган экану, бўлманти-да! Ҳа, фриц, биз сендан кўра айёрроқмиз. Турдиев кўзингга содда, кичкинагина кўрингандир-да, а? Бизнинг кичкинамиз ҳам катта-катта иш қилаверади. Крест таққинг келдими? Мана, бир чўнтаги бор, осиб қўяйми?— Бондарь чўнтагидан бир қисим немис крестларини олиб, унга кўрсатди.

У жанг пайтида қўлига тушганларини ўйин қилиб олиб юрарди. Элмурод ундан хабардор, ҳатто кеча разведкага келиб, асир тушган семиз биттасига Бондарь ўнтачасини тақиб, «Герингни ушладик!» деб тегишган эди.

Элмурод индамай асирни кўздан кечирди. Ундан Турдиевга қаради. Асир унга иккита келарди. Элмурод Турдиевнинг «разведкага юбормайди», деб ўпкалаб юрганини бир неча марта эшитган эди. Унинг елкасига қўлини қўйиб, кулди:

— Иш кўрсатиш учун разведкага бориш шарт эмас. Бунинг разведкадан нимаси кам?

Турдиев «разведкага юборинг» деб қилган талабини юзига солганиданми ёки ҳозирги ишининг муваффақиятиданми, қизариб, терга ботди. Бир сўз демади.

— Телефон,— деди алоқачи ва трубкани Элмуродга тутди.

— Ҳамма жой-жойига!— деди Элмурод ва отилиб ташқарига чиқди.

Душман ҳеч қандай артиллерия тайёрлигисиз ҳужумга ўтган эди. Элмурод бошидан енгил ярадор бўлиб қайтди. Тиббий пунктга бормай, команда пунктига келиб, чўзилди. У толиққан эди. Руҳи енгил бўлиб уйғонди. Қаршисида ўтирган Анна Ивановнани кўриб, ўзини тартибга солди.

— Сизни яраланди деб эшитиб келган эдим, ухлаб ётган экансиз уйғотмадим,— деди Анна Ивановна.— Кечикиб келганим учун кечиринг. Ярангиз оғирми, қани бир кўрай.

— Сал ялаб ўтган.

Анна Ивановна Элмуроднинг бошини қайта боғлади. Элмуроднинг ўзи айтгандай енгил, терисини ялаб ўтган эди.

Анна Ивановна кетгач, Элмуроднинг яраланганини эшитиб, Турдиев келиб қолди. Элмуроднинг бинт билан ўраб танлаган бошини кўриб жуда қўрқиб кетди.

— Ие, ёмон бўлибди-ку! Оғирмасми?— деди шошиб.

— Қўрқма, элат! Енгил. Доктори тушкур, эҳтимоли қилиб боғлаб кетди. Ҳа, айтгандай, Турдиев, сен докторимизни кўрдингми? Сенга жуда ўхшаб кетади. Тавба, икки миллат кишиси ҳам шунчалик бир-бирига ўхшаш бўладими?— деб кулди охирида Элмурод.

— Менинг сингилим йўқ. Бўлгану, болалигида қуйиб кетган.

— Қуйиб кетган?— ажабланди Элмурод.

— Ҳа, босмачилар уйимизга ўт қўйганда бешик-мешиги билан қуйиб кетган.

— Ёмон бўлган экан-ку! Бечора!— таассуф билдирди Элмурод.

Турдиев машъум тарихнинг тафсилотини эслаётгандек бошини қуйи солди. Бу орада роталардан маълумот олиб келган связнойлар суҳбатнинг белига тепди. Ҳаёл гирдобида ғарқ Турдиев, қалби тирналганича, «тузалиб кетинг тезроқ Элмурод ака!» деди-ю, ертўладан чиқди.

Кечга бориб Бондарнинг йўқлити билинди. Роталарга телефон қилди. Тиббий ёрдам пунктидан хабар олдирди. Ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Нима учундир ҳалок бўлганлар орасини қараш эсига келмаган экан, қош қорайишидан аввалроқ кишп юборди. Блиндаждан чиққани йўқ эди дегувчилар ҳам бор эди. Аммо контратака чоғида Элмурод уни ўз ёнида кўрган эди. Демак, «бепому нишон йўқолди»— фронтда на ўлик ва на тириклар қаторида борларни шундай дейдилар.

Кечки овқат пайтида ўрни жуда ҳам йўқланди. Писарь овқат тайёрлаш учун масаллиқнинг бирини топса, бирини тополмасди. Концентратни консерва билан қовурмаган, деб тагига олдириб қўйди. Блиндажни дуд ва қўланса ҳид босиб, туриб бўлмади. Овқатдан куйинди ҳиди келарди. Элмурод ер экан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бондарь, Бондарь! Сенсиз ишимиз чатоқ. Асл пазанда экансан, билмай юрарканмиз,— деди.

— Шиддат билан қувиб боргану, қуршовда қолиб асир тушган, бўлмаса шу вақтгача дараги чиқиб қоларди.

— Қуршовда қолган бўлса, ўлди деган сўз. У ҳеч ҳам тирик асир тушмайди.

— Мумкинми? Полундра! Совет солдати, албатта тирик асир тушмайди, ким ўзи у тирик асир тушадиган?— Бондарь ичкарига отилиб кирди. Ҳамма ҳайрон қолди. Биринчи бўлиб, Элмурод қучоқлаб ўпди:

— Тирикмисан, қаёқда қолдинг?

— Узун тарих,— деди Бондарь ва столга ўтирди,— ичаклар ҳам қапишиб, ёпишиб кетди. Бир қўйни тирик ютишга тайёрман.

Овқат ейилиб бўлгач, Бондарь ҳикояга кўчди:

— Сиз билан бирга эдим, шундай эмасми, ўртоқ старший лейтенант. Бир маҳал сизни йўқотиб қўйдим. Олдинда бўлсангиз керак деб чопиб кетдим. Ҳеч қаерда йўқсиз. Кейин ён-веримга қарасам бизникилар йўқ, ҳамма кетиб бўлибди, гўрковдай, мурдалар орасида ёлғиз ўзим юрибман. Икки танк кўриниб қолди. Тўғри мен томонга келяпти. Қўлимда автомат, бир жуфт граната бор, холос! Нима қилишим мумкин? Бир хаёл билан мурдалар қаторига ётиб ҳам олайми, дедим, тағин йиғиштирсалар қўлга тушиб қоламан, деб юрагим дов бермади. Нима бўлса ҳам ўз томонимизга ўтиб олай деб югурдим. Етиб келишнинг иложи йўқ. Танк аллақачон очиққа чиққан. Пулемётини бир босса, вассалом, Бондарь дунёдан ўтади. Бундоқ қарасам, олдинда иккита пичан гарами қўрғондай турибди. Югура ичига ўзимни урдим. Танк қайтгач, чиқиб келаверай ҳам дедиму, фрицларнинг ҳаракатини кўриб, ташлаб келгим келмади, биратўласи разведка ҳам қилиб кета қолай, дедим. Кичкинагина тешик очиб, қараб ётдим. Қайси окопда нечта солдати боридан, қаерга неча калибрли миномёт ўрнатганигача кўрдим. Лекин ёнимда қаламим йўқлиги тоза алам қилди. Шундоқ ҳам ёд қилиб олдим. Қоронги тушиб, кўз кўрмайдиган бўлгач, «қаёқдасан батальоним» деб келавердим. Лекин бир ўққа тутса борми, сал бўлса тамом бўлай деган эдим. Ҳаммадан ўзимизникиларнинг дўқи ошиб тушди. «Бондарман, разведкадан келяпман» десам ҳам ишонмай қўлимни кўтартирдилар. Ўзимизникига қўл кўтарса, ҳеч нарса қилмайди-а?

IV

Элмуроднинг яраси баҳона бўлди-ю, Анна Ивановнанинг олдига кун оралаб борадиган бўлиб қолди. Унинг ярасини Кравцованинг ўзи ечиб боғларди. Ишга киришиш олдидан операцияга тайёрланаётган хирургдек қўлларини астойдил совунлаб ювар, яна қандайдир суюқлик билан чайқар, жуда-жуда эҳтиёт билан ярасидан докани кўчирар, ёпишиб қолган бўлса, устидан илиқ сув билан ҳўллаб, юмшагунча кутиб турар, дори қўйиб қайта боғларкан, «Қаттиқ сиқиб қўймадимми?» деб сўраб қўяр эди. Унинг бу меҳрибонлигини Элмурод, албатта, беташаккур қолдирмас эди. Бу ташаккур Анна Ивановнани сал олдинга эгилишга, табассум билан оппоқ тишларини салгина кўрсатиб, «Марҳамат!» дейишга мажбур этарди. Яра боғланиб бўлгандан кейин ҳам Элмурод баъзан тутилиб қоларди. Суҳбат турли мавзуларда борарди. Бунинг сабабини кўпдан бери қизлар билан гаплашиб, улар билангина бўладиган суҳбатдан қалбга оқадиган майин, оромбахш руҳдан баҳраманд бўлмаганида кўрарди.

Анна Ивановна эса Элмурод билан суҳбатлашувга ҳар вақт муштоқ эди. Хусусан, Элмуроднинг Фарғонада кўп марта бўлгани ва уни яхши билиши Аннага ёқарди. Унинг гап-сўзларидаги босиқлик, муҳокама уни мафтун этарди.

Уни бир нарса жуда ажаблантирарди: биринчи кунги Элмуроднинг мағрурлиги, қўрслиги қаёққа кетди? У бир кунгина шундай бўлдими ёки шундай эди-ю, энди Аннанинг хушмуомаласи қаршисида унинг ҳузурида қўллашга ботинмайдими? Нечук? Ойни этак билан ёпиб бўладими! Мурзин эса буни «Элмуроднинг маневри» дейди.

— Фарғона водийсини жуда гўзал дейдилар, шунақами? Ёзда ариқларида мева тўлиб оқармиш,— деди бир куни Кравцова.

— Фарғона — Ўзбекистоннинг холи, ҳусни. Ўзбекистонга борган киши Фарғонани айланмаса, Ўзбекистонда бўлдим демаса ҳам бўлади. Ҳар туп мевасидан бол томади. Кишиларини айтинг: хушчақчақ, улфат. Меҳмон деса жонини бериб юборади, аскияга-ку, асти суяги йўқ. Тонготар қилиб айтишади. Шунақа қаҳ-қаҳ солиб беғубор кулишадики, дарахтларда тунаган қушлар чўчиб, қанот қоқади! Қизлари сизга ўхшаган бодомқовоқ, бўта кўз бўлади. Уларнинг суҳбатини айтмайсизми!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен фарғоналикларга ўхшайманми?— жонланиб сўради Анна Ивановна.

— Сизнинг руслигингизни билмаган киши гумон қилиши мумкин. Миллий кийимда турсангиз-ку, албатта ўзбечка дейди. Сизнинг юз тузилишингизда русникига ўхшамаган нишоналар кўп. Жануб руслари шунақа бўлади, дейишади.

— Йўқ, биз асл москвалик,— деди фахр билан Кравцова ва кулиб давом этди:— Эҳтимол ўзбечкадирман. Бўлиши мумкинмасми?

— Нега?

— Фарғона қизларининг миллий кийими қанақа бўлади? Чиройлими? Киножурналларда кўрсатишганига тўғри келадими? Ҳар вақт шунақа юришадими? Ўшанақа бўлса яхши, менга ёқади. Сочларини қирқ кокил қилиб ўришларини айтинг. Ўргунча зерикиб кетишар?

— Аксинча, меҳр билан, завқ-шавқ билан ўришади. Соч уларнинг кўркидан бири-ку!

— Иш вақтида ҳам, далада ҳам ўшандоқ юришадими, халақит берар олдига туша бериб?

— Йўқ, уйга ташлаб кетишади,— деди қаҳ-қаҳ уриб кулиб Элмурод. Яраси тиришиб, оғриб кетди.— Бошларига бирам чиройли чамбарак қилиб олишадики, бу яна ҳам ҳуснларига ҳусн қўшади. Уларнинг шу чамбарак билан пахтазорда ишлашларини кўрсангиз, кўм-кўк денгизда сув парилари юрибди дейсиз. Шундай ашулалар қилишадики, дала қулоғи қоматга келади. Серзавқ бўладилар.

— Йигитларнинг жони экан-да!

— Бўлмасам-чи! Йигитлари улардан шўх!

— Бунчалик мақташингиздан сиз ҳам фарғоналикка ўхшайсиз.

— Йўқ. Мен тошкентликман.

— Тошкент қизлари серзавқ, йигитлари шўх бўлмайдими?

— Буларнинг хислати яна бошқача. Қўйинг-чи, Ўзбекистоннинг ёмон ери йўқ. Роҳатижон ўлка. Қишидан баҳор ҳиди келади. Ҳа, бормаган экансиз-да.

— Армондаман, уруш тугади бораман. Айниқса, Фарғонага.

— Марҳамат. Томоша қилдиришим мумкин.

Элмурод бутун суҳбат давомида Анна Ивановнанинг руҳида қандайдир ўзгариш сезди. Бундай руҳ туғилиб ўсган қишлоқ-шаҳаридан кўпдан бери чиқиб кетган, унга

қайтолмай армонда юрган кишиларда бўлади. У хусусан «Фарғона» сўзини тилга олганда алланечук бўлиб кетади, лабидан бол томади. Бу унинг Фарғона ҳақида биринчи сўраши эмас. Тунов кунлари ҳам бир-икки сўраган эди. Фарғонада яқин кишиси борми? Ўзи ҳам ўшаларга ўхшаб кетади, деб ўйлади у. Ота-онаси ўша ёққа эвакуация бўлганми деса, онаси ўлган, отаси ҳарбий, давлат хавфсизлиги органларида ишлармиш. Нечун у Фарғонани бунчалик кўп сўрайди? Ҳар ҳолда бу бежиз эмас!

— Фарғонада босмачилар изгиган даврларни сиз билмассиз-а?

— Йўқ.

— Халқ жуда бетинч бўлган дейишади. Бутун-бутун қишлоқлар ёниб кетган экан. Бойсунда Иброҳимбек ушланган, унинг сўроғида дадам иштирок этган. У вақтда мен кичкина қиз бола эдим. Кўзларидан қон томади, дейди...

Бир куни Элмурод ярасини боғлатгани кеч келди. Ўша куни полк штабида мажлис бўлганди. Аввалига у Анна Ивановнани безовта қилишни эп кўрмади. Бир оз ўйланиб турди. Кеча ҳам бормаганини (кеча бориши керак эди) эслаб «ярам бугун ҳам туни билан оғриб чиқмасин» деган фикрда боришга қарор қилди.

У кўприкдан ўтиши билан ўша томондан келаётган Мурзинга кўзи тушди. Мурзиннинг «у ертўлага» серқатнов эканини биларди. Кўнгилнинг бу ер фронт экани билан қанчалик иши бор! Табиатнинг ёзилмаган шунча кўп қонунлари борки, улар вақти билан бизни ўзларига бўйсунишга мажбур этадилар!

Мурзин Элмуродни кўриб четга бурилди. Пастликка тушиб кетди. Бир оздан кейин у ердан бош кўтариб, Элмуродни кузатди. Элмурод буни пайқади. «Бу нима тентаклик?» деб кўнглидан ўтказди, лекин ортиқча аҳамият бермай, бенарвонига Анна Ивановна ертўласига ўтиб кетди. Ертўлага кираётиб, Мурзин томонга кўз қирини ташлади: Мурзин эса ҳамон ўша тепалик орқасидан ўгрилиб қараб турарди. «Бу нима қилгани бўлди» деб ўйлади яна.

Мурзиннинг юраги «гуп-гуп» ура бошлади. Ўзининг бугун Кравцова томонидан совуққина кутиб олинганини эслади. Эслади-ю, тилигача музлаб кетди. «Ҳм... ган бу ёқда экан-да!» деди қўлини мушт қилиб. У жойида қотиб қолди. Йўлига кетиш хаёлига келмасди. Пастликдан чиқиб, Элмуроднинг изидан кетди. Нарироқ бориб тўхтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўғрига ўхшаб атрофга бир сидра назар ташлаб, Кравцова ертўласининг орқа томонига ўтди. Ҳадемай қош қорайди. Ертўлада шам ёнди. Мурзин ертўланинг бош томонидаги тутун чиқиши учун қўйилган туйнукка қулоқ тутиб ётди. У ердан ертўланинг бир бурчагигина кўринарди, холос. Ўн минутча жим ўтди. Бу орада Аннанинг «қотибди» дегани эшитилди. Нимадир қирсиллади. Бир оздан кейин бир санитар ертўлага кирди, врач билан нималарнидир гаплашди. Унинг хирилдоқ овозини эшитолмади. Элмурод унгами, Анна Ивановнагами (санитарга бўлса керак) сенсираб гапирди:

— Соянгга қараб бўй ўлчама!

Санитар чиқиб кетди. Анна Ивановна деди:

— Тузалиб қолибди. Икки марта келсангиз — вассалом! Лекин вақти-вақтида.

— Кечиксам бўлмайдими?

— Бўлмайди.

Мурзиннинг кўз олдига шу гапдан кейин Аннанинг очилиб кулаётгани келди. «Хўмрайиш бизга-ю, табассум унга асраб қўйилган экан-да! Яхши! Яхши!» деди ичида Мурзин. Янада ерга қапишди. Унинг бутун вужуди қулоққа айланиб кетган эди. Тун салқинини сезмас, аксинча, терлаб кетган эди. Кўйлагининг икки кураги ўртаси чипчип баданига ёпишарди.

— О, вақт кетиб қолибди-ку,— деди Элмурод. (У соатига қаради шекилли),— мен борай. Бугун жуда чарчадим.

— Қаёққа шошасиз. Борасиз-да! Гитара чалиб берайми, чарчаган бўлсангиз?

Элмуроднинг нима деганини Мурзин эшитолмади. Бир оздан кейин, гитаранинг торлари титради. Майин, ёқимли оҳанг туйнукдан бураліб чиқаётгандек бўлди. Бу куй тугагач, Анна сўрамасдан бошқа куйни бошлаб юборди. Бу куй Мурзинга таниш ўша, ўша мунгли, фожиа фарёдлари билан тугалланадиган куй эди. «Бу куй билан бир вақтлар менинг кўнглимни овлаган эдинг, энди уникига тузоқ қўяяпсанми?» деб кўнглидан ўтказди Мурзин.

— Раҳмат, Анна Ивановна! Хайр, яхши тушлар кўриб ётинг!— деди Элмурод.

Мурзин ётган еридан иргиб туриб югура кетди. Узоқдан ертўла оғзига кўз тикди. Бир оздан кейин Элмурод, унинг кетидан шинелини елкасига солиб Анна Ивановна чиқди. Улар гаплашиб анча ергача боришди. Кейин тўхташди. Яна нималарнидир сўзлашишди. Мурзин қанча уринмасин, бирорта сўзни эшитолмади. Унга фақат маъносиз ғўнғиллаш етиб келарди. Бирдан Анна Ивановна ўзининг жарангдор товуши билан қаҳ-қаҳ уриб қолди. Элмуроднинг кулгини босиб: «Шунақа мақтанчоқ ҳар вақт бекорчига ўйинчоқ!» дегани Мурзингача етиб келди. Улар ажралишди.

Анна Ивановнанинг майда қадам билан дикиллаб орқага қайтишидан унинг бу учрашувдан жуда хурсанд экани кўриниб турарди. Жуда бўлмаганда Мурзин шундай деб ўйлади. У жуда шошиб қолган эди. Йўлини тўсиб чиқай деди-ю, қандайдир ички бир куч унга йўл қўймади. Анна Ивановна ертўласига кириб кетгунча уни кузатиб борди. Кириб кетгач ҳам кўзини у эшикдан ололмай қараб қолди. У қарама-қарши ўйлар тўфонида гарқ эди. Оғир юк кўтарган кишидай аранг ўтирган еридан қўзгалди. Унинг табиати тирриқ. Кўнглига тасалли берадиган бирор баҳона тополмасди. «Наҳотки уни севиб қолган?»— шу фикри бошида ғувилларди.

У, шу кечаси касал кишидек инграй-инграй зўрға ухлаган бўлса ҳам, эрталаб тиниқиб турди. Мудҳиш туш кўрганга ўхшарди. Машғулотга кетди. Лекин кеч тушиши билан яна кўнгли ғашлана бошлади. Тун унинг қалбига чўкаётганга ўхшарди. Анна Ивановна ертўласига боришга оёғи тортмасди, иззат-нафсини биров бераҳмларча топтаётгандек кўринди. Штабга бориб, аввал Элмуроднинг кўзларига боқмоқчи, гумонига яраша бирор маъно топмоқчи бўлди. Штабга кетди. Элмурод йўқ эди. Ёлғиз Йўлдош полк штабига маълумот тайёрларди. Мурзинни кўриб, ишдан бошини кўтарди-да:

— Нега ротангиз ҳалигача бугунги маълумотни бермади?— деди. Бир оздан кейин яна гапирди:— Комбатни кўрдингизми? Сизни йўқлаганди.

— Йўқ. Нима иши бор экан?

— Билмадим.

Мурзин штабдан чиқди. Нимага керак бўлиб қолдим экан? Кравцовани бутунлай эгаллаш учун тирноқ орасидан кир қидириб, уни обрўсизлантирмоқчи шекилли? Кетмайди!

Ротасига қайтиши билан рота писари:

— Мен сизни қидириб юрибман, ўртоқ лейтенант. Бугунги маълумотга имзо чекиб юборинг,— деди.

Мурзин ўқимасданоқ қўл қўйди. Писарь ундаги бун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай тантиликни биринчи марта кўриши эди. Эшикдан чиқар экан, мийигида кулиб қўйди.

Мурзин яна ўтиролмади. Элмуроднинг штабда йўқлиги уни баттар хит қиларди. У албатта ўша ерда! Эҳтимол, шу маҳал кечагидай сирли ва хушсуҳбат авжидадир!

Мурзиннинг Анна Ивановна ҳузурига боргиси келади, юраги орзиқади, лекин Элмуроднинг у ердалиги кўз олдига келса, шаҳдидан қайтади, ботиполмайди. «Агар Элмуроддан тилимнинг қисиқ жойи бўлмаса эди,— деб ўйлади,— бостириб борардим. Беллашиб кўрсин эди унда! Лаънати Чикало! Бахтимга қулф урянсан, қулф! Қаёқдан ҳам сени кўрдим!»

— Володя,— деди у ётган связнойига,— борми?

Ётган солдат эринибгина қўзғалди-да, бош томонида турган сафар халтасидан сувдонни олиб, Мурзиннинг олдига думалатди.

— Қуй!— деди Мурзин.— Бугун нима, парҳезинг борми.

— Тобим қочиб турибди, ўртоқ лейтенант!— деди солдат.

Мурзин сувдонни олиб кружкага тўлдириб қуйди-да, битта симирди. Бир оздан кейин спирт ўз кучини кўрсатди. Юраги дадиллашди, кўзлари ёнди. Лекин кўнгли ҳамон хира. Бу кўнгил хиралик диққинафасликка айланди. У ким биландир юрагини ёриб гаплашишни истарди.

— Володя, ўлдингми, мундоқ туриб ўтирсанг-чи?

— А-а?— деди Володя уйқу аралаш тушунмай. Инграб бошқа ёнбошига агдарилди. Салдан сўнг хурраги эшитилди. Мурзиннинг гаши келди. Шу маҳалда унинг қулоғига пашшанинг гингиллаши ҳам ёқмасди.

— Володя!— деди бақириб.

Володя унинг нимага чақирганини тушунган кишидек хуррак отмай қўйди.

Мурзин унга қараб хаёл суриб турди-да, яна қуйиб ичди. Буниси уни фикрлашдан маҳрум этди...

Эрталаб гаранг бўлиб турди. Боши ёрилиб кетай дерди. Сувдонни силкитиб кўрди — йўқ! Қани эллик граммгина бўлса!

— Володя!— деди у эшикка қараб.

Ҳеч ким йўқ эди. Кеча биров дўппослаб ташлаган кишидек бутун бадани шол-шол. Эшикка чиқди. Тиниқкина кун бошланмоқда.

— Володяни кўрмадингми?— деди Мурзин ўтиб кетаётган солдатдан. Йўқ, жавобини олиб ертўлага кирди. Бирпас бошини чангаллаб ўтирди. Бирдан ертўла бурчагида турган котелокка кўзи тушиб, унга интилди. Олиб ярмигача симирди. Муздай сув кўзини мошдек очди. Яна нимяси фикр қила бошлади, ўзи тетикланди. Володя нонушта кўтариб кирди. Мурзиннинг овқатга хуши йўқ эди. «Ўзинг уравер» деб ишора қилди.

— Бугун нечанчи?— сўради Мурзин бир нарса ёдига тушгандек.

— Чоршанба, йигирма биринчи.

— Очкоми! Ҳа-ҳа-ҳа!— нечундир қувониб кетди Мурзин. Шипелига қўл узатди.— Мен учинчи взводда бўламан.

У ташқари чиқди. Тиниқ, қуёшли кун. Муздай, тоза ҳаводан тананг яйрайди. Офтоб кишига ёқади.

— Мурзин!— деб чақирди биров узоқдан.

Мурзин ўнг ёққа қараб, ўзи томон келаётган Элмуродни кўрди. Кутиб турди. У етиб келди.

— Нега жадвални буздинг?— деди Элмурод қўл узатаётиб.

— Қандай жадвални?— тушиб қолди Мурзин.

— Ана холос! Эсимда ҳам йўқ дегин. Кичик командирларинг сени кутиб ўтиришибди.

Мурзин дарров эслади: у бугун ўз кичик командирлари билан «ТТ» пистолети ҳақида суҳбат ўтказиши керак эди. Элмурод Мурзиннинг кайфи борлигини сезди. Нордон нарса чайнагандек юзи буришиб кетди.

— Нега ичдинг? Эрталабдан-а! Шунинг учун ҳам ёдингда йўқ экан! Жўна, кўринма, кичик командирларга бунақа ибратнинг кераги йўқ.

Мурзин «ҳали шундайми?» дегандек унга бир қаради. У қаёққа кетишини билмасди. Ўйлаб туриб, нима бўлса ҳам маърузот ўтказишга қарор қилди.

— Керакмас, кириб ёт, маърузотни ўзим ўтказаман,— деди Элмурод ва ўша томонга илдам қадамлар билан кетди.

«Энди бундан бу ёқ менинг товонимни босаверарсан,— Мурзин Элмуроднинг адолатли огоҳлантиришидан қийиқ хулоса чиқара бошлади.— Демак бу ҳам уни севади... Бу ҳаммаси рашкнинг кўринишлари. Ахир у менинг Анна Ивановна билан қалинлигимни биларди. Нечук билмасин? Гарчанд мен унга Аннани севишимни айтмаган бўлсам ам биларди. Албатта биларди! Эҳ, лаънати Чикало!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тушдан кейин Элмурод рота командирларининг қисқача мажлисини ўтказди. Интизомнинг сустлашиб кетаётганини, бунга баъзи командирларнинг ўзлари ибрат кўрсатаётганларини, сиёсий ва жанговар машғулот жадваллари бузилаётганини, баъзиларнинг ичкиликка хуруж қила бошлаганини, қуролларнинг ҳафталаб тозаланмаётганини сўзлади.

— Масалан, лейтенант Мурзин!..— деди Элмурод.

Мурзин бундан кейинги сўзни эшитмади. Унинг мағрур қалби яксон бўлиб, фақат эркалашнигина эшитишга муштоқ қулоқлари том битди. Элмуроднинг лаби қимирлаётганини кўриб турарди холос. Тағин нималар деди у, Мурзин кейин ҳам эслолмади. У мажлисдан жуда эзилиб қайтди. Унга ҳам алам қиларди, ҳам ғазаби қайнарди. Гўё, у қаттиқ ҳақоратланган, ҳа, таҳқид қилинмаган, балки ҳақоратланган! У чидолмасди. Аламдан чиқмоққа қурби етмасди. Элмуродга қандай қилиб қарши боради! Ахир Чикало фожиасини фақат угина билади!

У ертўлага қайтиб, «Нима бўлса бўлди, номим ёмонга чиқар бўлса чиқди. Қорадан ўтадиган ранг йўқ» деб тоза ичди. Ўзи билан ўзи олишди, ўйларининг чеки йўқ эди. Тепса тебранмас тўнига кириб олди. Юзини шилиб ташлашга қарор қилди. Ухлаб қолди. Сўнг уйқуси ўчиб, бошқа ётолмади. Турди-да, юзини муздай сувга ювиб, Анна Ивановна ҳузурига кетди.

Атроф-теварак қоронғилашиб қолган. Унда-мунда мушаклар ярқирайди. Улар олдида юлдуз нурсиздек. Жимжит. Анна Ивановна тасмадек узала кетган йўлга қаради. Ҳалигина шу йўлдан Элмурод кетди. Унинг қир-дала елларида тобланган қорамағиз ва доимо қирилган тоза юзи кўз олдидан лип этиб ўтди. Ўтди-ю, юраги орзиққандек бўлиб кетди... Қачонлардир қўрсдек таассурот қолдирган «ўша» Элмурод унинг кўз олдига баъзан келади-ю, «бу» Элмуродга қараб асло ўхшашлигини тополмайди. Бир йигит бўлса шунчалик бўлади.

Кравцова аста-секин юра бошлади. Ҳеч ким йўқ. Юлдуз аёз кўкда чаман. Атроф сув қуйгандек сокин. У жуда кўп юрди, чарчагунча юрди. У, ҳалигина Элмуродни кузатиб чиққан оромбахш, файзли ертўласига киргиси келмасди. Юраги сиқиларди. Оламни нидога тўлдириб ҳайқиргиси, барала қўйиб ашула айтгиси келарди.

Узоқда шарпа кўринди. Кравцова унга тикилди. Шарпа яқинлашгач, юришидан таниди, чўчигандек бўлди. Бирдан ертўласига югуриб кириб кетгиси келиб қолди. Лекин бу ҳаракатининг кўпгилсиз оқибатидан ҳайиқди.

— Оҳо... Шу вақтгача юрибсиз, ўзи тинчликми?— деди етиб келиб Мурзин. У йўлда ўзини тутиб олган эди.

— Тинчлик. Тинчлик бўлмай нима бўларди.

— Сизга меҳмонга келяпман.

— Бош устига эди-ю, лекин сал тобим қочиб турибди.

— Докторни-я?

— Иложим қанча!— деди Анна Ивановна маъюс.— Докторлар оғримайди деб сизга ким айтди. Уларнинг жони савилми?

— Ҳазиллашяпман, Анна Ивановна! Дорига келган эдим. Бошим ёрилиб кетай деянти.

Анна Ивановна унинг кайфи борлигини сезиб, «кўп эзмалик қилаверма» дегандек, индамай олдига тушиб ертўлага кирди. Қизил крест аломатли брезент сумкани тутиб, дори олди-да, Мурзинга тутди. Ўзи эса огир ўтирди. Мурзин уни бошдан-оёқ кўздан кечириб:

— Раҳмат! Соғайиб кетинг,— деди ва ўзини эшикка олди. Ертўладан чиқиши билан дорини улоқтириб ташлади.

Анна Ивановнанинг касалини баҳона қилиб, Мурзин эртасига яна келди. «Эҳтимол, кайфим борлигидан совуқ кутгандир» деб ўйлади. Йўлида ёши ўтиброқ қолган бир санитарни учратиб, Анна Ивановнанинг соғлигини сўради.

— Унга нима қилибди? Ҳалигина комбат билан гурунглашиб ўтирган эди,— деди санитар ҳайратда.

— Кеча кечқурун касал эди-ку.

— О... кечқурунми?— деди кулиб санитар.— Кечқурун, касалга ўхшаб ўйга чўмадиган бўлиб қолган. Дорисини сиз ёшлар биларсизлар!

Санитар, бу сўнгги жумланинг маъносини очиб берувчи бир табассум билан унга кўз қирини ташлади-да, йўлига кета берди. Мурзин тушунди. Унинг кўнглида икки фикр жавлон урарди: бири кекса санитарнинг имо-ишораси, яъни Анна Ивановнанинг кимгадир бўлган севгиси. Иккинчиси Аннанинг тунда касалман деб уни алдагани. У кимни севади-ю, нечун Мурзинни алдади?

Мурзин икки ўйнинг олишувида Кравцова ертўласига кириб борди. Лекин Анна Ивановна бугун ҳам уни совуқ қина қарши олди. У китоб мутолаа қилиб ўтирарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қўлингиздаги қандай китоб? Жуда қизиқ бўлса керак?— деди Мурзин суҳбатга дастак қилиб.

— Нега қизиқ бўлсин? Эҳтимол, бутунлай аксидир.

— Ҳечам-да! Ёш қизларнинг ажойиб романларни топиб ўқишларини яхши биламан,— деди Мурзин зўраки кулги ва қувонч билан.

— Фақат романлар қизиқ бўладими? Ҳаёт учун фойдали китобларнинг ҳаммаси қизиқ эмасми?

— Ҳар вақт эмас! Масалан, қизлар қаерда ва қайси институтда бўлишмасин, кўп вақтларини бадиий китоблар ўқиш билан ўтказадилар.

— Бу табиий ҳол. Бадиий китоб — ҳаёт. Ҳаётни билиш ва ундан ўзининг лойиқ ўрнини топишга интилиш ҳар бир кишининг умиди.

— Эҳтимол шундайдир. Аммо, лекин улар нуқул муҳаббат романларини ўқийдилар.

— Ажабланадиган жойи йўқ,— деди Анна Ивановна ва қизиқиб ўз фикрини ҳимоя қилди.— Бу даврда уларнинг илми гўзалликдан, ақли маъсумаликдан, кўнгли пинҳонликдан иборат бўлади.

— Мана! Мана! Шу жавобингиздан сизнинг ҳам шунақа китобларни мудрагўнча ўқиганингиз кўриниб турибди,— Мурзин очилиб кетди. У энди Кравцованинг суҳбатида самимийлик кўрарди.

— Йинкор этмайман — ўқиганман. Ҳаётни севмаган киши романларни ёмон кўради. Ундақаларнинг ўнтаси оғир кунда битта ничоққа сон бўлмайди. О... мен ҳаётнинг шайдосиман. Бу китоб эса ҳаёт мафтунларининг компаси,— деди кўтаринки руҳ билан Кравцова ва ўқиб турган «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ёпиб, муқовасини унга тутди.

— О... сизни ҳам Элмурод сеҳрлабди!— деди Мурзин.

Анна Ивановна бу ганни ўзича тушунди: Элмуродни севиб қолибсиз! Қалби бир энтикиб, бир оздан кейин ўзига келди. «Мурзин, Элмуродни яхши кўриб қолганимни билармикан?» деган ўй ўтди Анна Ивановна хаёлидан. Шу парса хаёлидан ўтди-ю, Мурзин билан суҳбатлашгиси келмай қолди. Орага совуқ жимлик чўкди. Мурзин бу совуқликнинг боисини билгандек, гумоплари чинга айлангандек бўлди. Мурзин қисқагина хайрлашиб чиқиб кетди.

Унинг ошиқ қалби аламдан зирқирарди.

* *
*

Элмурод яраси тузалгач, Анна Ивановнанинг олдига келмай қўйди. Кравцова эса унга ўрганиб қолган, ҳар кеч кимнидир кутгандек кўзлари эшикка қараб жовдирарди, юраги орзиқарди.

Бугун эрталабдан бери важ қидиради-ю, тополмайди. Мана бугун беш кун бўлди уни кўргани йўқ. Беш кун! Бу беш куннинг олдида йил нима!

У важ излаш билан машгул экан, эшикда Бондарь кўринди. Унинг қаёқдандир келаётиб киргани юз-кўзидан кўриниб турарди. Буни ўзи ҳам тасдиқлади:

— Интендантга борган эдим. Лаънати, нуқул бизга ёнилғидан кам беради... Ўтиб кета туриб, бир кириб чиқмайманми, дедим.

— Раҳмат! Жуда яхши қилибсиз-да. Шунақа кўп ичасизларми? Комбат ҳам яхши кўрадими?— Анна Ивановна ўсмоқчилади. У, фронтда «ёнилғи» деб ичимликни айтишларини яхши биларди.

— Ким ёмон кўради! Буни йигитнинг марди ичади. Тани-жони соғ бўлса-ю ичмаса, у йигит йигитмас. Нима, комбатимиз бировдан камми? Ўзидай сарасини танлаб ичади, қўлига тушганни бизга ўхшаб ичиб кетавермайди.

— Мен ҳеч кўрмайман-ку?

— Ган шунда-да: ич, биров кўрмасин! Ичиш ҳам бир санъат. Бизнинг комбат катта санъаткор. Қаерда, қачон, ким билан ичишни билади.

— Жуда комбатингизни мақтаб юбордингиз. Шунақа яхши кўрасизми?— деди кулиб Анна. Унга Бондарнинг гаплари жуда ёқиб тушган, лаблари ин қочирган эди.

— Уни ким ёмон кўради? Шундай командирни! Қўлидаги соатини ким берган, биласизми? Генерал!— бир оз пауза қилиб туриб давом этди Бондарь.— Ё сиз ёмон кўрасизми? Ёмон кўрмассиз! Ёлгиз Мурзин тентаклик қилиб, унга ўчакишиб юрибди-да. Ўчи борми, нима бало! Шундаям комбат унга ёмон қарамайди. «Яланг тоғ» даги хизмати учун мукофотга тақдим этди. Юраги тоғ!

Бондарь ҳамма воқеадан хабардор эди. Жўрттага шундай деди. Анна Ивановна ҳам бирор сўз айтмоқни ортиқча билди. Лекин у учун Мурзиннинг Элмуродга нек сақлаб юргани янгилик эди. Бу кўнглини хира қилди: «Ҳадемай, ҳужум бошланади, худо кўрсатмасин, Мурзин енгилтак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик қилиб Элмуроднинг кетига тушса-я» фикрини чулғаб олди бу ўй. «Элмуродни огоҳлантириб қўйиш керак» деб. ўзини босди. Бондарь ганни бошқа томонга чалғитди.

— Юринг бизга! Бу ер жуда жимжит экан. Жимжитликни ёмон кўраман. Мурда ётган уй жимжит бўлади,— у энди кирган кишидек атрофга назар ташлаб чиқди.— Лекин эшикдан кирган киши бу ерда соҳибжамол жонон туришини дарров фаҳмлайди. Жонон бўлганда ҳам мевачка, озодаси туради. Буни қаранг, идишлар устига докалар ёпилган. Ёстиқ устидаги тўрни қаёқдан ола қолдингиз? Хотин-қизларни жуда яхши кўраман-да. Номини тилга олсам, оғзимда бол эриётгандай бўлади. Бунча ширин бўлмасанглар! Қаерга позик оёқларингиз етса, ўша ерга файз киради.

— Жуда бачкана бўлиб кетдингиз, суюлманг. Йигитли жой салобатли, қаҳрамон руҳли бўлади.

— Шундайми? Ундай бўлса, марҳамат бизга, салобат ва қаҳрамон руҳли хонага. Унда нуқул салобат билан қаҳрамонлик қайнайди-ю, назокатдан қатра йўқ.

— Қаҳрамонликнинг ўзи назокат туғдириши мумкин. Ташвишланмасангиз ҳам бўлади.

— Қўйинг,— деди Бондарь Аннанинг боришга мойил бўлиб турганини кўриб,— қаҳрамонлик назокат туғдирмасину, иккиси қўшилиб қўя қолсин. Қани кетдик.

Бондарь чиқаётиб Анна Ивановнанинг тирсагидан одоб билан тутди. Кравцова бу «шалоқ» йигитнинг бунчалик ибо билан қилаётган ҳаракатидан кулгиси қистади. «Бу ҳаммаси менинг Элмуродга яқинлигим туфайли. Ҳа, тулки!» деб ўйлади ва деди:

— Ҳаммага ҳам шунақамисиз?

— Бўлмаса-чи! Қиз — биллур қадаҳ. Эҳтиёт қилмасанг, қўлингдан тушиб кетади.

— Ҳа-ҳа, эҳтиёт бўлинг, яна шу биллур қадаҳдан заҳар ҳўплаб қўйманг.

— Одатда ундан мазали шароб ичадилар,— дея Бондарь Анна Ивановнанинг кўзига тикилди. Бу тикилиш «Биламан-биламан, мендан яширмай қўя қол, Элмуродга ана шу қадаҳда шароб тутишга тайёрсан. Уни соғинганингни ҳам кўзингдан кўриб турибман. Ноз қилмай юравер» дер эди. «Эҳ!— деб қўйди ичида яна у.— Комбатимиз ҳам ажойиб одам-да! Шундай жонон «гаҳ» деса, «чаҳ» деб қўлига қўнай деб турибди-ю, ўзини четга олиб қочади. Эй, сендан нима кетди — тўшинга тортмайсанми, беллари

қирсиллаб кетмайдими? Бу ернинг оти фронт, бугун бормиз, эртага йўқ! Буни қара, жоду кўзлари сузилиб кетяпти. Бел ҳам бир тутам. Унинг устига, камар билан сиқиб қўйганини қара. Қиз бўлса, шунчалик бўлар-да! Ана латофат, ана назокат! Менга сал ён берганда қурбони бўлиб кетардим. Нега комбат эмасман. Нақ, буйруқ билан бўлса ҳам ўзимга қаратиб олардим!»

— Нега менга мунча тикилиб қолдингиз?— нов билан ҳазиллашди Анна.

— Гўзалларга қараса кишининг кўнгли яйрайди, дейишади.

— Шунақаларни ҳам биласизми!

— Билганда қандай! Бу лаънати Гитлер барчасига қон сачратиб қўйди-ку, Анна Ивановна! Батальонимизда битта сиз. Сизга қарамасак, кимга қараймиз. Кўзимиз рентген нури эмаски, тўсиқларни ўтиб бориб, шаҳарлардаги қизларни кўрса!

Улар кириб борганда Элмурод ўз ертўласида ҳафсала билан китоб мутолаа қиларди. Меҳмонни кўриб, қаршисига турди. Самимий кўришди. Бондарь уларни ёлғиз қўйиб, ўзини ташқарига олди. Элмурод унинг орқасидан чиқиб чақирди-да, унга нимадир деди. Бу орада Анна Ивановна очиқ турган китобга қараб, шуларни ўқиди: «Марксизм-ленинизмнинг кучи ва аҳамияти шундаки, у жамият моддий ҳаётининг ривожланиши учун зарур нарсаларни тўғри акс эттирадиган илғор назарияга таянади, назарияни ўзига муносиб юксакликка кўтаради ва назариянинг сафарбар қилувчилик, уюштирувчилик ва ўзгартирувчилик кучидан батамом фойдаланишни ўз вазифаси деб билади».

— Тўртинчи боб-ку,— деди Анна Ивановна Элмурод кириши билан,— индамасдан ўтиб кета берар экансиз-да?

— Ишга қўним — хирмонга унум,— дея кулди Элмурод,— шу кунлар мутолаа ғанимат. Ахир ҳар вақт мудофаада ўтира бермасмиз. Сиз ҳам анчагина кўриб қўйгандирсиз?

— Сизга етиб бўладими, сиз лочинсиз!

Кравцова Элмуроднинг ўтиб кетганидан рашк қилмади, балки фахрланди. Унинг бунчалик босиқ мутолаасини кўриб кўнглидан ўтказди: «Китоб — ақл қайроғи. Қўли кучли бирни енгса, билими кучли мингни енгади, хусусан марксизм-ленинизмни эгаллаган киши».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар бир оз суҳбатдан кейин бирга китоб ўқишди. Бир-бирларига саволлар беришди. Бир-бирларининг фикрларини тўлдиришди. Анна Ивановна жуда мамнун бўлиб қайтди. Элмурод билан ўз ертўласи оғзида хайрлашар экан (Элмурод уни кузатиб келган эди), унинг қўлини қаттиқ сиқди.

— Эртага мотикида тайёрлаймиз,— деб қолди.

Элмурод розилик билдирди. Эртасига у келганда Мурзин ўтирарди. Ҳалигача сокин ўтирган Анна Ивановнада жонланиш бошланди. Кўзлари ёнди. Унга стул тутди. Бунинг барчасини Мурзин кузатиб турди-ю, ўзининг жуда совуқ кутиб олинганини эслаб, бир оғзина ўтириб, чиқиб кетди. У ўзгариб чиқиб кетди. Бу Элмуродни ажаблантирди. У Анна Ивановна олдидан қайтгач, Мурзинни чақиртирди. Ҳадеганда уни топиб келолмадилар. У, бу маҳалда сой бўйига тушиб, пиғини икки кафти орасига олиб, хаёл дарёсида оқарди. У бутун уринишлари бекор кетганига бугун тўла ишонди. Ишонди-ю, умид косаси чил-чил синди, синиқлари қалбини қонатди.

Элмурод иш юзасидан гапланиб бўлгач, бояги қилган одобсизлигини ёдига солди.

— Эҳтимол беодобликдир,— деди ўзини босиб Мурзин,— иззат-нафсингга теккан бўлса, мени кечир! Мен шундай қилишга мажбур эдим. Бошқа илож йўқ эди. Мен... мен ўша дақиқагача ўзимни бахтли ҳисоблардим... у мени севади, деб ўйлардим. Ўша дақиқа хато қилганимни кўрсатди, очиқ кўрсатди... мен алданган экапман... у бошқа бировни севаркан.

— Бошқа бировни?— такрорлади Элмурод.— У бирор ким экан?

— Нега ўзингни гўлликка соласан! Кимни бўларди, сени! Келишинг билан жонланишини, кўзларидан севинч тошишини кўрмадингми?

— Сенга шундай кўринган.

— Мен тўдак эмасман, Элмурод! Мен унинг совуқроқ эканини билардим. Бу унинг табиати дердим. Бора-бора мени яхши кўриб кетар, деб ундан умид узмасдим. Лекин бугун аниқ кўрдимки, у мен ўйлаганча совуқ эмас, фақат менгагина шундай экан... У сени севади, виждонимни гаров қўйиб айтаманки, у сени севади!..

— Ахир мен унга бироита илинжи бўлгудай сўз айтиб, ҳаракат қилганим йўқ-ку!

— Буни ўзидан сўрайсан. Ниманг ёқиб қолганини мен

билмайман, лекин сени севиб қолганига аминман,— қизишиб гапирарди Мурзин. Шу қизишишида: «У аввало сенинг қорамағиз ҳуснингга мафтун бўлди, кейин сенинг жанговар командир, ахлоқли йигит, ўқимишли эканингни билиб қалбини бағишлади» деб юборишига сал қолди. Маънолиги халақит берди. Унинг бошида қарама-қарши ўй, турли-туман фикр довули кезарди. Мурзин янада қизишиб, бўртиб, давом этди:— Мен уни яхши биламан. У яхши қиз, кўнгли тоза. Сен бўлмаганингда мени севарди. Севиб келаётган эди. Албатта севарди. Менинг очиқ кўнгиллик қилиб, алқиётганим учун кечир. Ҳозир мени тентак бўлиб қолибди десанг ҳам майли. Ҳозир гапираману, бошқа гапирмайман. Мен уни севардим, тунлари ёлғиз унинг суратини хаёлимда чизиб чиқардим. У билан суҳбатда бўлган онларим энг тотли, энг бахтли онларим эди. Ҳаммаси тушимдай ўтди. Майли, Элмурод, майли! Менга бўлмади, сен сев. Севса арзийди... Қувон!.. Мен шундай бахтсизман. Шундай! Мени қизлар севмайди. Бу биринчиси эмас! Нима учун шундай, Элмурод, айт-чи, нима учун улар мени севмайди?

— Бекорчи гапларни қўйсанг-чи, Мурзин!— деди Элмурод унинг гапидан ўнғайсизланиб, ётиғи билан жиддий.

— Йўқ, сен бунга ишон. Бу ҳақ гап. Мени қизлар севмайди. Аввалига севгандай бўладилар, кейин айниб қоладилар.

Элмурод «Сенинг манманлигинг, худбинлигинг сабаб эмасмикан?» демоқчи бўлди-ю, унинг кўзларида тўлиб турган ёшни кўриб:

— Йўқ, сен хато қиласан. Сени севса бўлади,— деди.

— Қўй, сен менинг кўнглим учун ёлғон гапирма.

Элмуроднинг унга раҳми келди, далда бермоқчи бўлди:

— Агар менинг учун сендан совутган бўлса, менинг бошим боғлиқлигини, жондан севган қизим борлигини унга айтишинг мумкин.

— Бу иш менинг қўлимдан келмайди, Элмурод. Бу, ундан менга қайт, деган сўз. Зўрлаб севдириш — мутлақо бино қўриш. Фақат сендан илтимосим шу: агар чиндан севган қизинг бўлса, уни йўлдан оздирма, шудринг ювган лоладек шаънига доғ туширма, побуд этма!

Мурзин ўпкаси тўлиб, елиб кетди. Бир четга бориб ўтирди. У йиғларди. Ёшини кўрсатишдан уялди. Бир неча дақиқадан кейин ўзини тутиб олиб, Элмуродга қараб, ичида «хаш сенимми!» деб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элмурод ҳамон ўша ерда ҳайрон турарди. У Мурзиннинг ҳолига ачинишни ҳам, қиз муҳаббатига сазовор бўлгани учун қувонишни ҳам билмасди.

«Анна чиндан мени севадими?» деб хаёлидан ўтказди Элмурод ва фахр билан қалби тепди.

V

«Анна Ивановна Элмуродни жасорати учун севди. Ахир батальонни қуршовдан олиб чиққан бўйдоқ қаҳрамон бу ёқда турсину, мени танласинми? Шундай қилиш керакки, у тан берсин. Яна ўзимга қайтиб келсин. Элмурод, менинг севган қизим борлигини айт, шунда мендан совийди, дейди. Йўқ! Бу сохта метод! Бу йигит иши эмас. Зўрлаб ўзингни севдиролмайсан. Агар астойдил севиб қолган бўлса, бони боғлиқлигига қараркансан? Буни севги дейдилар-а! У шундай маъданки, унча-мунча иссиққа эримайди. Шундай қилиб унинг қўлидан тортиб олиш керакки, тан бериб юборсин!» деб ўйларди Мурзин. Ошиқ қалбининг даъвосини ғолиб жанг билан муродга етказмоқчи эди. Сталинград жанглари уни шунга ундарди. Уларга ҳаваси келарди. Ҳаваси келарди-ю, шунга маҳорати, кучи, уқуви етадими — ўйлаб кўрмас эди. «Шон-шараф! Оҳ, шон-шараф» дерди у нуқул.

— Сталинградда ишлар аъло-ку, Элмурод, қани шу маҳалда ўша ерда бўлсангу, оламшумул ишлар қилиб ташласанг!— деди у ва яна қилтириқ мўйловини силаб қўйди.

Мурзиннинг гапи Элмуродга батальоннинг ишини, унинг олдида турган вазифаларини камситиш, жуда бўлмаганда менсимаслик бўлиб туюлди.

— Бу ерда ўшанақа ишлар қилиб бўлмас эканми?

— Қани бу ерда Сталинградга ўхшаган стратегик жой.

— Бизнинг орқамизда Боку, Ўрта Осиё, қолаверса Москвага олиб борувчи йўл бор. Бу бизнинг фронтни сал бўлсин бошқа фронтдан камситмайди. Ундан кейин Кавказда ҳам иккинчи Сталинград қилиш мумкин.

— Қандай қилиб?

— Бу сен ва менга ўхшаган командирларнинг иши. Бўлинмамизни жангда қанча яхши ўрнили бошқарсак, шунчалик унга яқинлашган бўламиз.

— Шон-шараф келтирадиган жангни бу фронтда қилиб бўлмайди. Сталинградда бўлсам ўзим билардим.

Элмуродга кор қилди. Истеҳзо билан кулди:

— Нега бўлмаса Чикалода кўрсатмадинг?

Мурзин қизариб кетди. Атрофдагиларга кўз ташлаб чиқди. Улар сезмаган, ҳар ким ўз иши билан машғул: телефонист ички ёқа тикар, Бондарь қаёққадир чиқиб кетган эди.

Элмурод ертўлада ўтирганларга бир сидра назар ташлаб, ниманидир, баҳона қилиб ташқарига чиқди. Тўғриси, мана шундай масала ҳақида жангчилар олдида гаплашишни маъқул топмаган эди. Унинг кетидан Мурзин ҳам чиқди.

Ҳаво булут. Икки-уч кун аввал ёққан қор эриб битган. Баъзи-баъзи ерларда оқариб кўринарди. Ер лой. Аҳён-аҳёнда жангчиларнинг каскалари кўриниб қолади. Салқин ел бет ялайди. Аллақаерда қарға, қорлар эриб кетганидан зорланиб қағиллайди.

— Бўлмаса таваккал қилиб бир иш бошла. Шояд шундан кейин номинг чиқса,— Мурзинга қараб кулди Элмурод.

— Йўқ! Шу шон-шарафни ҳаёт қолиб ўз кўзларим билан кўрмоқ, юрагим билан туймоқ истайман.

— Демак сен ёлғиз шуҳратпараст эмас, худбинсан ҳам — ҳамма касофат мана шунда. Шунинг учун сен қалбинг билан командир эмассан. Меҳмонга келган кишидек иззат-ҳурмат талабсан. Сенинг жиндак ишингни ҳам кўкка кўтариб мақтасалар, кўз-кўз қилсалар, минбарга таклиф қилсалар, учрашувлар ўтказсалар, газетада суратларинг чиқса, номингни қуюқ, ўқлоғидай йўғон ҳарфлар билан ёзсалар. Сен шуни унутма! Биз шуҳрат учун яшамаймиз, бу учун яшаш керак эмас. Биз виждон бурчини ўтасак бас. Биздан кейин қолганлар ва келадиганлар «инсон эди, инсондек яшаб, ўз бурчини ўтаб кетди» десалар бўлгани. Шон-шараф учун яшашнинг нима кераги бор! Сен шуҳрат учун курашма, шуҳрат сенинг ишингдан ўзи келиб чиқсин.

Элмурод қизиб кетди. Хаёлидаги фикр жамланиб, маълум шаклга тушиб, тилига келгунча, баъзан лаблари сўзсиз очилиб-ёпиларди.

Мурзинга Элмурод ҳали замон Чикалодаги воқеани айтиб, юзига соладиган, яна бу билан ҳам қаноатланмай, аллакимларга хабар қилиб шармандасини чиқарадиганга ўхшаб кетди. У, Элмуроднинг жаҳли чиққанини кўрди. Югуриб келган Бондарь унинг жонига оро кирди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўртоқ старший лейтенант, артистлар келди; кечга концерт берармиш. Борамизми? Ичида биттаси бор, энди қўяверасиз, лиқ этиб ютиб юборгинг келади киши?

— Мана шундай ўртоқ Мурзин. Газетани кўриб турасанми? Дон-Кихот бўлишингга сал қолибди. Мен Борисовга айтаман, китоблар беради, ўқиб тур.

Мурзин Дон-Кихотнинг кимлигини биларди, қизариб кетди. Бондарь ҳеч нарса тушунмай бўзрайиб турарди.

VI

Элмурод концертдан жуда хурсанд қайтди. Бир неча ҳафтадан бери «моғор босиб» окопда мудофаа тутиб ётганини унутди. Гарчанд концертда ижро этилган номерларнинг кўпини аввалари бир неча марта концерт кечаларида ва радиодан эшитган бўлса ҳам, нима учундир, бу ерда, фронтда жуда ҳам қаттиқ таъсир қилди. Мундоқ қараса, ўзининг концертда ўтирганини унутиб, хаёли аллақаёқларга чувалиб кетибди. Бўлмаса Муқимийнинг «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадур»ини энди эшитяптими! Минг марта эшитгандир! Лекин ҳеч қачон бугунгидай таъсир қилмаган эди. Кейинчалик билса, ҳамма ўзбек ашулаларини соғиниб қолган экан. Ҳеч бирини «мана бунисн менга ёқмади» дейишга ботинмади. «Битта мен шундайми» деб жангчиларга назар ташласа, улар ҳам камоли ихлос билан тингламоқда, астойдил қарсак чаладилар, ҳатто баъзилар қарсак чалаётиб ўриндиқларидан туриб кетадилар.

Ошна ашулаларнинг дилрабо куйи, ҳофизнинг тоза ва ширали овози Элмуроднинг юрагига баҳор нашъаларидек қуйилди, гўзаллар латофатидан меҳр уйғотди. У куйнинг сеҳрига берилиб, интизор кўзларини нозик юмди, бошини қуйи солди. Унинг руҳи ашуланинг гоҳ жўшқин, гоҳ ипакдек, пурдек майин тўлқинида оқиб борарди, унинг баданидан она тупроқ интизорлиги, жанг-жадал суронлари ҳордиғини сугуриб олаётгандек бўлди. Она куйларнинг соғинш меҳри мақомдан титради, куйлар мавжланди, жилвалар берди, анорни сиққандек қалбни эзиб келиб, кўзларига беихтиёр икки томчи ёш чиқарди.

Анна Ивановна ёнида ўтирган ҳамроҳи Турдиевга аста:

— Комбат йиғлаяпти,— деди.

— Майли, қўявер,— деб жавоб берди Турдиев ва Элмуродга айб тақилаётгандек ҳис этди-ю, раҳми келди, жавобини дарров тузатди: — Йўғ-эй, нега йиғласин!

Концерт охирида қор ёға бошлади. Жангчилар қимир этмади. Артистлар анча кўникиб қолган экан, давом эттиравердилар.

Концерт тугагач, Элмурод артистларни ўз ертўласига таклиф этди. Лекин улар билан тўйиб суҳбатлашолмади, уни полк штабига чақириб қолдилар.

Элмурод штабда тутилиб қолди. У, штабдан Йўлдош ва яна бир рус киши билан чиқди. Рус кишининг бутун кийими янги эди. Уни кўрган киши, албатта шу ҳафта ичи ҳарбий форма кийган деб ўйларди. Унинг солдатча камари ҳали оҳордан тушмаган, сал ҳаракати билан ғирчиллар эди. Қулоқчинининг бирон ери ҳали ғижим бўлмаган. Унинг оққа яқин сариқ юзи шинель қулоқчинининг кул ранг тусидан унча ажралиб турмасди. Юзидаги кулгичи аллақандай юмшоқ кўнгиллигидан далолат бераётганга ўхшайди. У сал табассум қилса кулгичи чуқур ботиб, нурли вазмин кўзига «нега сен кулмайсан» деяётгандек бўлади. Бу икки аъзо бир-бирига қарама-қаршидек кўринади.

У, Элмурод билан Йўлдошнинг ўртасида келарди. Элмурод унинг анча жуссали, қадамларининг кенглигини штабдан чиққач, Йўлдошга таққослаб кўргач билди. Лекин ёш жиҳатидан Йўлдошдан ўн беш ёшларча катталиги бор эди.

— Бу Элмурод батальонига янги тайинланган комиссар Георгий Матвеевич Ракитин эди.

Ракитин, Элмурод штабга чақирилганда батальонга тайинланиб, Йўлдош билан бирга дивизия штабида бўлажак йиғилишни кутиб ўтирарди. Элмуродга Йўлдош таништирди. У ҳали тузуккина танишиб етмаган эди, адъютант уларни дивизия командири ҳузурига таклиф этиб қолди. Полк, батальон ва айрим роталарнинг командир ва штаб бошлиқлари комиссарлари билан бирга йиғилган эди. Йиғилиш узоқ чўзилди. Йиғилиш давомида Ракитин баъзи комиссарлар сингари ўз фикр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларн билан чиқмади. Фақат қулоқ солиб ўтирди. Йиғилиш тугаб, ташқарига чиқилгандан кейин ҳам Элмурод йиғилишнинг унда қандай таассурот қолдирганини пайқаб ололмади. Хуллас, Элмурод Ракитин тўғрисида бир фикрга келолмади. Уни биринчи қарашдаёқ билиб бўлмайдиган ўзига хос қалб тузилиши ва феъл-атворга эга кишилар рўйхатига киритиб қўйди. У севимли командири Данильченкони ҳам худди шу комиссардай узоқ вақтгача тушуниб етмаган эди.

Дивизия штабидан анча узоқлашиб, батальон ўрнашган жойга етишгач, суҳбат самимий тус олди.

— Порохда димоғи куймаганлар кўпми? — деди Ракитин.

— Бор,— жавоб берди Элмурод ва Йўлдошга қаради.

Бу билан «Сени ёдингизда йўқми?» демоқчи эди. Йўлдош кифтини қисди.

— Улар эскиларга аралаштириб юборилганми?

— Ҳа. Улар ҳам мудофаа отишмаларида анча тобига келиб қолди. Эскиларнинг ҳикоялари қулоқларини пишитиб қўйди.

Иссиқ хонадан чиққанлариданми, салқин уларнинг этини увиштирди. Қуёш гарчанд булут остида бўлса ҳам тоғ ортига ўтгани сезилиб турибди. Юксак тоғдан шўнғиган изғирин сайҳон ерларнинг қуруқ қорини учиради, алоқа йўллари, окопларга тўплайди. Ғувиллаб аллақаёқларга ўтиб кетади.

Салқин ҳаммадан комиссарнинг юзида тиниқ акс этди. Юзининг қизиллик бериб турган томирлари гунафшага яқин тусга кирди. Кўзи остидаги устара тегмаган сариқ майин туклари тикка турганга ўхшаб кўринади. Бу Элмуродда «комиссар яқин орада изғиринли очиқ ҳавода бўлмаган экан» деган фикрни туғдирди. Ракитиннинг ўзи ҳам совуқ ўтганини сезиб, шинели чўнтагидан оппоқ рўмолчасини олиб, изғиридан сал ёшланган кўзларини артди. Кафти билан юзини ишқалаб қўйди.

— Москвада унчалик совуқ эмасми?— сўради Элмурод. У комиссарнинг Москвада госпиталда ётганини штабда эшитган эди.

— Совуқ. Лекин халқнинг душманга бўлган нафрати совуқнинг заҳридан кучли бўлгани учунми, ортиқча сезилмайди.

— Москванинг ўзи қалай? — савол ташлади, бодан бери ниманидир хаёлида кўзини узоққа тикиб келаётган Йўлдош. У энди кўзини комиссар оғзига тикиб қолган эди.

— Албатта аввалгидек магазинларнинг дераза-ларига қўйилган кўргазмалари йўқ,— кулди Ракитин,— михлаб, қум билан тўлдирилган. Кўчада кишилар кам юради. Кишиларнинг юзида, кўзида, қадам ташлашида, ҳаяти-ҳаракатида унинг бахтига қасд қилган кучга қарши қудрат ва қасос акси бор. Улар жуда жиддий ва бир умр ҳазил-мутойиба қилмаган кишиларга ўхшайдилар. Ленинград шоссесидаги баррикада ҳали ҳам турибди.

— Бомбардимондан кўп зарар топмаганми? — комиссарнинг сўзини бўлиб сўради Элмурод. Унинг юраги «Ленинград шоссесидаги баррикада ҳали ҳам турибди» дегандан кейин, унга Москва анчагина зарар топгандек бўлиб кетди. У 1939 йилда Москвада бўлган, ана шу шосседа бир танишининг боғчасига борган эди. Элмуроднинг хаёлидан барча кўрганлари ўтди.

— Йўқ. Кўп зарар топмаган. Онда-сонда кўринади. Университет сал кўпроқ зарар кўрган. Баъзан ўтиб қолган битта-яримта самолётни демаса, душман Москвага киролгани йўқ.

Аллақаёқдан дайдиб келган изғирин қуруқ қорларни чирпирак қилиб, уч кишининг кўзи аралаш бетига урди. Артиндилар. Ҳамон жим. Гўё ҳаммалари Москва ҳақидаги ўйлари билан банд.

— Батальон «ВКП(б) тарихини» ўрганяпти деб эшитдим,— бирдан сўраб қолди комиссар.

— Ленининг биографиясини ҳам,— деди Йўлдош.

— Шундай— жавоб берди Элмурод,— учинчи бобга келишди. Ўрганишяпти. Баъзи командирларга ёқинқирамади,— « фронтда тарих ўрганиш, ажабо! Кўпроқ қуролларни ўргатайлик» дейишади. Мен «аввал оғзини қайра» дедим, буйруқ бердим, партком менн қувватлади.

— Тўғри қилгансиз,—деб уни қўлтиқлади комиссар,— жангчининг оғзи қайралса, ўқи нишонга бехато тегадиган бўлади.

Улар ертўлага кириб боришди. Ҳарбийларнинг туриб қарши олганларини кўриб, артистлар ҳам оёққа қалқдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бирга ўтиришолмаганим учун кечиринглар. Мунча тутилиб қолар эканман, асли ошни ўзингларга айтиб кетсам, қилаверар экансизлар. Лекин савзимиз йўқ: ўрнига лавлаги соламиз.

— Сизсиз бошлаб юборганмиз. Дон-дун олиб келиб қолишди. Қарасам манави оғайним гаранг,—деди танбурчи кайфдан қизариб кетган кўзлари билан Бондарни кўрсатиб,—кейин бошлаб юбордик. Бузилган бўлса икки тан.

Элмурод комиссарга артистларни таништирди. Комиссар бир қадаҳгина ароқ ичди. Бошқа ичмади. Лекин баравар суҳбатлашди. Баъзан Элмурод артистлар билан ўзбекча гаплашиб, ундан кечирим сўрар экан у: «Бемалол, бемалол, гаплаша беринг», деб тушунадиган кишидек қулоқ солиб ўтирди.

— Она тилингизни соғиниб қолган кўринасиз,— деди кулиб Ракитин. Унинг кулгичи чуқур ботди.

— Шуниси ҳам бор,—жавоб қайтарди Элмурод. Аслида Элмурод жуда ҳам соғинганидан эмас, артистларнинг русчага анча нўноқлиги учун ўзбекча гапиришаётган эди.

— Анави герман урушида асир тушиб кетган бир солдат,— деб гапга аралашди комиссар,— икки йил она тилида тузуккина гаплашмаганидан, юртига қайтганда, бир ҳафтагача кишиларнинг оғзига термилиб севимли ашуласини эшитгандек, сўзларидан завқланганини бир вақт ҳикоя қилиб берган эди. Чегарадан ўтиб, икки кишининг она тилидаги суҳбатини тинглаб, кўзидан ёш чиқиб кетган экан. Киши она тилини юртини соғингандек соғинади.

Элмурод қадаҳларга қуйиб, ўз қадаҳини комиссарга қаратиб чўзди-да, деди:

— Шу улуғ халқ учун, шу улуғ халқнинг бой тили учун!

Ҳамма симирди.

Сал ўтмай танбурчи ош сузиб кирди:

— Ютқиздик. Икки ош бизнинг бўйинда, қарзмиз.

— Хўш?—деди Элмурод.

— Сал бўшроқ бўлибди. Лавлагингиз алдади шекилли.

— Қачон узасиз?— кулди Элмурод.

— Истаган вақтингизда.

— Хўп, эслаб қўйинг, Тошкентда. Тинчобдаги чойхонада. Йўлдош, кундаликка ёзиб қўйинг. Битта ош ҳам қарз қилиб қўйдик. Мана шунақа меҳмон бўлиб келиб, қарз ҳам бўлиб кетасиз.

— Омонлик бўлса бас,—деди танбурчи ва ош сузишга кетиб, ичилмай қолган қадаҳни олиб давом этди:— Омон-эсон Тошкентда дийдор кўришишимиз учун!

Комиссар Элмуроднинг таклиф қилишига қарамай дам олмади, «бир умрга етадиган дамни олиб бўлганмиз» деб кўпмади.

У госпиталда узоқ даволанган эди.

Георгий Матвеевич асли агроном. Совхозлар халқ комиссарлиги ҳузурида сиёсий бўлимлар ташкил қилингач, нима бўлди-ю, шу соҳага ўтиб қолди. Аввал экинларнинг ниш уришидан хирмонигача бўлган жараённи тўрт кўз бўлиб кузатган бўлса, энди кишиларнинг қалбини, қарашини, руҳини ўргана бошлади. У бир совхозда агроном экан, ҳафталаб ер бошида қолиб кетишини кўриб, «Георгий Матвеевич буғдойларни операция қилиб юрибди» деб кулишарди. Баъзан бригадир шундай дерди:

— Хўш, Георгий Матвеевич, бизнинг буғдойлар билан гаплашдингизми, нима дейишади?

— Сиздан нолишяпти, парваришларининг мазаси йўқ, дейди. Ҳали бирор марта сизни ер бошида кўрмаганлари ҳам бормиш,—деб жавоб қайтарар ва чўкиб қолган участкаларни қандай қилиб тиклаб олишни маслаҳат берар, керак бўлса дори-дармон юборар эди.

— Георгий Матвеевич, шуларга оёқ чиқариб беришингизу, ариза ёзишни ўргатишингиз қолди, холос. Шунда ўзлари келиб арз қила берарди,—деб кулишса, Ракитин сал бўлсин жиддийлигини бузмай, жавоб қайтарарди:

— Сал қолди, сабр қилинг. Совет олимлари ҳали кўп нарсани очиб беради. Мичуриннинг мухлисларимиз-а, эсдан чиқарманг.

Георгий Матвеевич сиёсий бўлимга ўтгандан кейин ҳам ўз касбини қўймади. Энди икки томондан раҳбарлик қилди. Унинг келишини эшитсалар ҳам сиёсий-тарбиявий ишларни, ҳам дала ишларини, албатта бир кўздан кечириб қўярдилар. У далани айланмай кетмасди. Сиёсий ўқишга қатнашмаётган бирорта киши ҳақида гап бўлиб қолса, у билан суҳбат қиларди ва албатта унинг экинини бориб кўрарди, сўнгида хулосалаб дерди:

— Кўрдингларми, сиёсий билими паст кишининг экини ҳам тузук бўлмайди. Бу иккиси бир-бирига боғлиқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошқалар ҳайрон бўлишарди. Ракитин сабабини батафсил тушунтириб берарди.

У «сиёсий ходим—киши қалбининг инженери бўлсин» деган шиор билан яшарди. Суҳбатларда бу иборани кўп такрорларди. Бу соҳада намуна кўрсатиш ва билимини ошириш мақсадида, бир қиш психология муаллими ёллаб, уйида ўқиди. Яна аллақандай китобларни мутолаа қилди. Буни кўриб баъзилар «кекса студент» деб кулишарди. У эса бўйнига олиб, шундай жавоб қиларди: Ҳа, бизнинг давр умрбод студент бўлишни талаб этади. Сергей Ивановични танийсиз-а? Бир вақтлар Совет давлатининг яшаб қолиши учун устун бўлган кишилардан бири. Нега энди турмушдан узилиб, аввалги мавқеини йўқотиб қўйди? Ўқишга юбордилар, турли баҳоналар билан қайтиб келди. Муаллим ёлладилар, ёқтирмади. Хуллас «студентлик»ни ёқтирмади. Бир оёғи билан сагана тошини босиб турган кишиларнинг ғанини қилди.

Охири нима бўлди, мана кўриб турибсиз, кишилар эътиборидан тушиб қолди. Албатта оч-яланғоч қолмайди. Лекин «кекса студентлик»ни бўйнига олганда эди, ўзи суяб қолган ҳокимиятга яна ҳазилакам фойдаси тегмас эди. Эҳтимол, бизнинг қишлоқ бугунгидан кўра ободонроқ, колхозларимиз бадавлатроқ бўларди. Ҳа, бизнинг давр умрбод студентликни талаб этади. Ундан кейин сибр-ҳаволик ёмон. Пешонангни олиб бориб тошга урарди».

Георгий Матвеевич уруш бошланиши олдида саломатлиги туфайли курорт-санаторийга ҳозирлик кўрарди. У чамадонини кўтариб кўчага чиқди-ю, уруш бошланганини эшитиб, орқасига қайтди. Йўлланмани хотинига бериб, «олиб қўй, урушдан кейин борамиз» деб кулди. Бир ҳафта ўтгач, фронтга жўнади. Унга бирдан политрук унвони бердилар. Ротада ишлади. Смоленск томонида жангда бўлди. Ундан Москва остоналаригача чекинди. Москва мудофаасида қатнашди. У сиёсий раҳбар бўлган рота ҳар куни душманнинг бешлаб атакасини қайтарди. Шундай атакалардан бирида яраланди. Госпиталда узоқ ётди. Москвадан бу фронтга йўлланма олар экан, у ҳужумга ўтган бирорта фронтни сўради. Сиёсий бўлимдагилар «сиз боргунча улар ҳам бошлаб қолади», деб жавоб қайтарди ва қўшимча қилдилар: «Бизнинг мудофаа ҳужум учун бир босқич».

Йўқ, у келгунча ҳужум бошланмади. Унга тайин қилинган штаблар у келганда ҳамон жойида эди. Ракитин

мудофаада узоқ ётганиданми, нима учундир, уни ёқтирмас, сўраганларга «болаларимни соғиндим» деб жавоб қайтарар эди. «Мудофаанинг унга нима алоқаси бор?» десалар, «Ахир ҳужумга ўтмай, қандай қилиб Берлинга бориб бўлади. Берлиндан уйга қайтамиз-да!» дерди.

VII

Аёл ўзбекчалаб:

— Тезроқ келинг, Элмурод ака, бўлмаса кетиб қоламиз,— деди ва кетидан «Танимадингиз-а!» деб қаҳқаҳлаб кулди. Номини айтмай трубкани илиб қўйди. Элмуродга қандайдир таниш товушга ўхшаб кетди. У бу ерда нима қилсин!

Элмурод минг ўйда штабга кириб борди. «Наҳот у бўлса!» деган хаёл уни тарк этмасди. «Эҳтимол, эри учун менга даъвогар ҳам бўлиб келгандир. Бир ками шу эди!»

Элмурод адашмаган экан. Ҳақиқатан ҳам Муҳаррам экан, штабда ўтирарди. Элмуродни кўриши билан ўрнидан туриб, очиқ юз ва ширин табассум билан қаршисига юрди. Қаттиқ қўл сиқиб кўришди.

— Бормисиз, таклиф қилмасак келай ҳам демайсиз,— деди Муҳаррам.—Тани жонингиз соғми? Бардам юрибсизми? Жанглар билан ҳорманг!

— Ҳали ҳоригунимизча йўқ,—табассумига оғир табассум билан жавоб қайтарди Элмурод.—Нечук? Қандай шамол учирди? Саломат юрибсизларми? Бормисизлар дунёда?

— Бор бўлганда қандай! Мана, сизларни соғиниб, кўргани келдик.

Элмурод хаёлидан Муҳаррам билан бўлган учрашувлар ўтди ва унинг эр қилиб кетгани ҳақидаги хат кўз олдидан жимир-жимир ўтиб нари кетмай қолди. «Ҳа, соғинасан-а соғинасан, соғинадиган бўлганингда эр қилиб кетармидинг,—деди ичида Элмурод,—билдим, анча очилиб кетибсан, гапларинг ҳам ўзгарибди. Илгари бунчалик шаддод эмасдинг. Ёки илгари ҳам шунақа эдингу, мен билмасмидим?»

— Раҳмат, унутмабсизлар,—деди Элмурод,—мени унутиб юборгандирсиз девдим.

— Наҳотки ўз жангчиларимизни унутсак,—дея гапга умумий тус берди Муҳаррам.— Сизларга совға-саломлар олиб келдик. Мен қўшни дивизияга тонширишим керак

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Сизнинг шу ердалигингизни эшитиб, бу ёққа юбо-ришларини илтимос қилдим. Ё сиз қаршимисиз?

— Нега? Жуда хурсандман,—деди Элмурод лоқайдгина.

Муҳаррам қишлик пальтода. Бошидаги тивит рўмоли елкасига туширилган. Иссиқдан бўртган юзлари тарам-тарам қизил. Зулукдек қоп-қора, бежирим, ингичка қошлари янада қорайиб кўринади. Бодомқовоқлари остидаги қора кўзлари мамнун-мамнун кулади, юзлари кулади, гўзал ғунча лаблари кулади. У илгариги Элмурод билган Муҳаррамга ҳеч ўхшамас, нимасидир ўзгаргай, нимаси ўзгарган—Элмурод қараб айтолмайди. Унда жувонлик кўрки барқ уради. Кўзларидаги аввалги ҳурковичлиги, тортинчоқлиги барҳам еган. Қарашларида ҳаётда ўз мавқеини тўла аниқлаб олган хотинлардек ишонч, бардамлик мавжуд.

Элмурод уни яхшигина кузатиб, ундан бирор ўкинши изларини, Элмуродни «ташлаб» турмуш қилиб кетганидан зигирдек бўлсин ийманиш туйғусини кўрмади. «Эрининг яраланганини билмайди, билса, бунчалик хандон солиб кулмас, ҳеч бўлмаганда бунчалик узоқ табассум билан жовдираб қаршимда турмасди. Наҳот эрининг тақдирига шунчалик бефарқ бўлса!»—кўнглидан ўтди Элмуроднинг.

Улар ташқарига чиқдилар. Ҳаво булут. Изғирин бет ялайди. Тунов кунги совуқдан ер бети қирмоч боғлаган. Кечаги қор қўним топмай енгил ел билан изғиб юради. Текис ерларда қолган юқи шамолдан тилим-тилим. Тоғлар боши оппоқ. Баъзан булутлардан ажратиб бўлмайди. Муҳаррам тивит рўмолини елкасидан олиб, бошига ўради. Пальтосининг юқори тугмасини қадади:

— Анча совуғ-а?—деди ва қўлқонини кийди.

— Нозиксизлар-да. Бўлмаса унчалик совуқ эмас.

— Сизга ҳарбий форма ярашибди, Элмурод ака, чиндан. Шундай Тошкентга кириб борсангиз кўплар танимайди.

— Шу жумладан сиз ҳам. Шундай эмасми? Таниб ҳам нима қиласиз?!

— Мунча серпичинг бўлиб кетибсиз. Менда аламингиз борми! Шундан шунга кўргани келибману, меҳмон деб аямайсиз ҳам. Шунчаям қаҳрингиз тошми!!—деди Муҳаррам эркаланиб.—Бунақалингизни билсам келмасдим.

Муҳаррам атайин эркаланар эди. Бўлмаса, у Элмуроднинг ўзидан жуда қаттиқ хафа бўлганини яхши биларди.

Ҳатто унинг бир хатида: «Сиз золимсиз. Кўкрагимга чиқиб, баланд пошнали туфлиларингиз билан тепганингизда «ғинг» десам номардман» дегани ёдида. Лекин Муҳаррам унинг бунчалик узоқ кек сақлаб юришини ўйламаган эди. Ҳатто бир маҳал кўнглидан: «Наҳотки, у мени севарди! Йўқолган пичоқнинг сопи олтин бўлаётгани йўқми?» деган фикрни ўтказганди. У энди Элмуроднинг кўзларида муҳаббатдан кўра таҳқирланган кишининг изтиробларини, рўёбга чиқмаган орзунинг аламларини, иложсиз кечирмаларини, дардини тарк этолмаган юракнинг киноясини ўқиди. Ана шу дақиқада Муҳаррам унга биринчи марта ачинди. Унинг юрагида алам изи қолдирганидан афсусланди. Афсусланди-ю, руҳида шу дақиқагача бўлган қувноқлик ўрнини маъюслик олди. Буни Элмурод эрининг ярадорлиги ёдига тушганидан деб ўйлади. Лекин тўла қаноат қилмай, узоқдан савол ташлади: «Қани, нима деркин? Рашиднинг яраланганини айтиб қолармикин». Кейин, Рашиднинг соғлиғи ҳам уни қизиқтирарди. Ахир ундан ҳалигача бирорта хат олгани йўқ-да!

— Кўп бўлдими Тошкентдан чиққанларингга?

— Бир ойдан ошди.

— Шунча узоқ йўл юрдингларми?

— Йўлда-ку тутилмадик. Фронтга келганимизга ҳам анча бўлиб қолди. Дивизияма-дивизия совға-салом топшириб юрибмиз-да.

— Тасодифан сени кўриб қолдик денг. Бирортадан сўраш хаёлингизга ҳам келмагандир?—деди жўрттага Элмурод.

— Шундай деб ўйлайсизми?—қизиқиб сўради Муҳаррам.

— Албатта, шаксиз. Менга ўхшаган танишингиз дунёда камми! Рашидни суриштиришни ҳечам унутмагайсиз, мен бунга аминман!

— Лекин тополмадим. Айтишларича, унинг қисми мамлакат ичкарирогига дам олиш учун жўнатилган эмиш. Кеча бир хат ёзиб юбордим. Барибир мен жавобини бу ерда ололмайман. Аниқ турар жойим йўқ. Қаердалигини билсам, қайтишда кўриб кетардим.

— Албатта яхши бўларди,—деди Элмурод унинг Рашиднинг яраланганлигидан хабарсиз эканлигига тўла ишониб ва «сир»ни очиб қўймаслик учун тиришди.— Қандай бахтли йигитлар бор-а, дунёда! Хотини фронт бўйлаб қидириб юради! Тағин қандай хотин!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бўлди! Бўлди! Ҳали тошманг. Сизники ҳам мендан кам меҳрибон бўлмайди.

— Эҳтимол.

— Мана кўрасиз. Ўзим сув ичса томоғидан кўринадиган дўндиққинасини топиб бераман. Лекин менга ишонсангиз.

— Мен-ку, сизга ундан ҳам зўрроғини ишонган эдиму, лекин сиз қабул этмадингиз.

Элмуроднинг «юрагимни ишонган эдим» дейишга тили бормади. Лекин Элмурод бир маҳал Тошкентда кўришганларида айтолмаган, «ўша вақтда айтсам балки у мени ташлаб кетмасди» деб ўйлаган армонини очиб ташлади. Муҳаррам жавоб қайтармади, фақат «ҳали шундаймиди?» дегандек сунъий бир қараш қилди-да, ердан бир кафт қор олиб думалоқлай бошлади.

— Болалигингизда қорбўрон ўйнаганмисиз?—деди Муҳаррам.

Бу саволнинг маъносига Элмурод тушунмади—«Нима демоқчи?» деб ўйлади. Муҳаррам жавоб кутмай, давом этди:

— Мен тозаям ўйнардим. Бир куни қўшни боланинг пешонасини ғурра қилиб қўйибман. Кечгача уйга киролмай қочиб юрдим. Отамдан қўрқардим. Жаҳллари тез эди. Барибир кечқурун ҳам киролмадим, холамникига кетдим. Бу ёқда тоза мени излашибди-я. Эртасига энди индашмас, деб келсам, онам йиғлаган, отам аллақайси қариндошимизникига мени излаб кетибди. Келиб тоза урганлар-а, ўшандан кейин ҳеч қорбўрон ўйнамаганман. Қорни кўрсам, ўша кунлар эсимга тушади. Тозаям жинни бўлган эканман-да, Элмурод ака? Бир гуноҳ қилишга-ку қилдим, қочиб кетмасам нима қилар экан. Шунда отам қўшни боланинг пешанасини ғурра қилганим учун урганмикинлар ёки айтмасдан холамникига қочиб кетганим учун урганмикинлар? Ҳали-ҳали билмайман.

Элмурод бу ёшлик ҳикояси ниманинг муқаддимаси, нима сабабдан айтилаётганини билмасди. Лоқайдгина:

— Ўзларидан сўраб олмаган экансиз-да,—деди.

— Ҳа, шуни айтинг-а.

— Агар сиз болангизни урадиган бўлсангиз, аввал сабабини тушунтиринг. Кейинчалик у ҳам бировлардан сўраб юрмасин.

— Сиз тушунтирармидингиз?

— Мен аввал онасини топиб олай-чи.

Ўнг флангда кетма-кет узилган икки-уч ўқ суҳбатни бўлди. Муҳаррам «нима гап?» дегандек ҳамроҳига қаради. Улар батальон мудофаасига кириб қолган эдилар.

— Қорбўрон ўйнаган қиз ҳам қўрқадими? Юраверинг. Мен кафил. Бу томонларда, ёшлари улғайиб қолганиданми, ҳайтовур, қорбўрондан ўқ бўронни аъло кўришади,—кулиб деди Элмурод.

Улар батальон штабига кириб борганларида, роталарга кишиларнинг бир қисмини сойликка тўплаш ҳақида буйруқ кетган эди. Штаб бошлиғи Йўлдош ясама столга мук тушиб нималардир чизарди. Меҳмонни кўриши билан ўрнидан туриб, очиқ юз билан қарши олди. Жой кўрсатиб, столдан қоғозларни йиғиштирди. «Артистлардан бирини илибди-да» деган ножўя фикр Бондарнинг кўнглидан ўтди. У Муҳаррамни бошдан-оёқ ғирром кўзидан кечирди. Эшикка чиқиб кета туриб, телефонистнинг тирсагини туртиб қўйди.

Тушдан кейин митинг очилди. Митингни оча туриб, комиссар Ракитин қисқача нутқ сўзлади. Халқлар дўстлиги ҳақида, мамлакат ичкарисининг фидокорона меҳнати ва фронтчилар учун қилаётган ғамхўрлиги ҳақида гапириб келиб, деди:

— Она-Ватанимизнинг икки жонажон фарзанди бор. Бири олов қучоғида туриб пўлат қуяди, далада трактор суради. Иккинчи фарзанди ўқ бўронлари ичида магрурона кезиб жанг қилади. Иккиси бир бўлиб она-Ватан эркини, бахтини, истиқболини ҳимоя қилади. Мана бугун ўша фарзандлардан бири совға-салом билан ўз вакилини бизга — жанговар оғасига йўллабди. Мана шу совға-саломни топшириш учун сўз Ўзбекистон делегациясининг аъзоси ўртоқ Муҳаррам Ҳасановага берилади.

Муҳаррам Элмуроднинг ёнида ўтирар эди. Турар экан, қўшнисининг қўлини сиқиб қўйди. У қисқагина сўзлади. Аввало қуёшли Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан салом топширди. Салом қарсаклар билан қарши олинди. Муҳаррам равон гапирарди. Унинг бундай нутқни биринчи марта сўзламаётганлиги кўриниб турарди. У ўзини жуда эркин тутарди. Фикри равон оқарди:

— Биламан, бизнинг совғамиз сизларнинг жанговар хизматларингиз қаршисида арзимас бир нарса, Ўзбекистон боғларининг нозу неъматларининг барчасини келтириб тўксак ҳам кам. Бу бизнинг сизларга бўлган меҳримизнинг рамзи деб қабул этинг. Биз сизларни ғалаба билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз она шаҳарларингизда, чаман боғларингизда кутамиз... Ўзбек халқи ҳам барча совет халқлари каби сизнинг ғалабангизга тўла ишонади. Ғалаба сари, олға ўртоқлар!

Муҳаррамга жавобни жангчилардан Турдиев бериши керак эди, Борисов уни қанча ўқитмасин, қовуштиролмасди. «Тўртта одам олдида гапирганмасман, тилим қотиб қолган» деб тоза тихирлик қилди. Охири кўнди-ю, лекин сўз хаёлига келса ҳам тилига чиқмас эди. Ракитин унга сўз берар экан, ўрнидан турди-ю, атрофга бир қараб, ҳижжалаб ўтирганини ҳам унутиб қўйди!

— Жангчи ўртоқлар,—деди-ю, тўхтаб қолди. Ҳадеб энгагини қашир, энгагини қашиётган қўли титрарди. Ҳамма уни кутарди. Ахири шундай деёлди:—Мен немиснинг қочганини ўз кўзим билан кўрдим. Энди уни «вийт» дегунча қўймаймиз. Қувганимиз қувган, урганимиз урган! Тўғримасми, ўртоқлар?

Ҳамма чапак чалиб юборди, орадан қувонч кулгиси кўтарилди. Нутқ ҳам тугади. Муҳаррам келиб, унинг қўлини сиқди. «Раҳмат, ўртоқ Турдиев, мен сизнинг сўзингизни ўзбек халқига топшираман» деди. Турдиев ажабланарди—у нима сўз қилди-ю нимасини ўзбек халқига топширади, бу жувон?

Митинг тарқалар экан, Элмурод Муҳаррамнинг тирсагидан ушлаб, деди:

— Нотиқ бўлиб кетибсиз-ку!

— Ҳа, нима деб ўйловдингиз. Эрини, ака-укасини фронтга жўнатган хотин-қизлар дастрўмол харид қилиб, кўз ёшидан қўли бўшамайди девдингизми?

— Унчалик эмас-ку, ҳар ҳолда...

— Ҳали уларнинг заводларда ишлашини кўрмабсиз. Шунча кучни бу митти-митти қиз-жувонлар қаёқдан олянти дейсиз, кунни кун, тунни тун дейишмайди. «Фронтга жўнатинг!» деганлари ундан кўп.

— Бунақаларини кўрдик.

— Қалай, ёмонми!

— Яхши,—деди Элмурод.

Мотор товуши келди. Орқа томондан иккита «У—2» самолёти кўринди.

— Мана шу самолётларда ҳам қизлар учади,—деди Элмурод уларни кўрсатиб.

Самолёт душман томонга ўтиб кетди. Бир оздан кейин портлашлар эшитилди.

— Бомба ташлаятгитми?— сўради Муҳаррам қулоқ солиб.

— Йўқ, қорбўрон ўйнашяпти,— кулди Элмурод Муҳаррамнинг ҳайратда қолганини кўриб:—Албатта шоколад ташлаётгани йўқ,—деб яна кулгига олди.

Элмурод кечга томон Муҳаррам билан Тошкент янгиликлари, танин-билиш, делегациядаги бошқа кишилар ҳақида суҳбатлашиб ўтирди. Унинг ўз ҳаёти ҳақида ҳам сўрашни унутмади. У сўнгги вақтгача мактабда директор экан. Яқинда райкомга олибдилар. Хотин-қизлар ўртасида ишларкан.

— Ишим шарафли, сизлар билан бир сафдаман,—деб кулди.

— Ҳойнаҳой, бугун бизда қоласиз,—деди Элмурод суҳбат охирида,—юринг, мен сизни врачимиз олдига олиб қўяй. Ажойиб қиз.

— Бу ерда ҳам қизсиз эмасман денг? Яна менга қочиришлар қиласиз.

— Унинг эгаси бор,—деди Элмурод ва Аннанинг атрофида парвона бўлиб юрган Мурзинни кўз олдидан ўтказди.

Ташқарига чиққач, Муҳаррам деди:

— Қўлтиқлаб олсам майлими?

— Эрингиздан қўрқмасангиз.

— У менга ишонади.

— Мен бўлсам, сизга юрагимни ҳам ишонаман!

Иккови бир-бирига қаради.

— Кўп чўқий берманг, ўзим сизга дўндиққинасини топиб қўяман. Қайтишингиз билан таништираман,—деди Муҳаррам.

Элмурод «шундайми?» дегандек жилмайиб қўйди.

Концертга Анна Ивановна ҳам борган эди. Нотаниш, лекин ёқимли куйлар уни ўзи кўрмаган, бироқ кўпдан бери орзу қилган Ўзбекистон боғларидан, чаманларидан, пахтазорларидан бошлаб ўтгандек бўлди. «Рассом бўлганимда шу куйларда тасвирланган бўстоннинг суратини ҳеч адашмасдан чизиб берардим» деб хаёлидан ўтказди. Ҳақиқатан куйлар жуда жозибалими ёки бошқа бир сабаби борми? У ўзбек куйларини, тўғри, кам эшитган, шунда ҳам радиодан. У студент экан, Москвада ўзбек санъати ва адабиётининг декадаси бўлди. Уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

орзиқиб кутган эди, лекин практикада бўлиб декадани кўролмади. У армонда эди. Ёки шу армони уддалганидан қувониб, шу қувонч таассурот кучини бўрттириб юбордими? У бутун концерт давомида Элмуроддан кўзини узмади. Элмуроднинг қандай завқ билан томоша қилаётганини ёш болалардек қувона-қувона чапак чалишини кузатди. Эҳтимол, Элмуроднинг шодлиги унга юққандир. Ёки Элмуродни яхши кўриб қолганидан, унинг опа қуйлари ҳам шундай ёқимли таассурот қолдирдими? Ахир севган кишингнинг ўзи эмас, унинг кўчаси ҳам, эшиги тепасидаги номери ҳам чиройли кўринади-да!

Анна Ивановна девордаги гитарасини олиб, кечаси эшитган куйлардан биттасини чалмоқчи бўлди. Бу «Рўмолим» эди. У кеча йўлда кета туриб ҳам, бир-икки оғзаки такрорлаган эди. Куй енгилгина кўчгандек бўлди. Қаеридир етишмади, чиқмади. Яна такрорлади. Яна чиқмади. Яна бошидан бошлади. Охири куй бир бутунликни ташкил этди. Анна Ивановна жуда қувониб кетди. Куйни завқ билан яна чалди. Жозибалироқ чиққандек бўлди. Шу дақиқада Элмурод унга янада кўркам, севимлироқ кўриниб кетди. «Ахир у менинг севишимни билармикан? Элмурод! Эҳ, Элмурод! Нега билмайсан? Ахир тилим бўлмаса, кўзим, қарашим гапириб турибди-ку! Яранг тузалгунча тортган ташвишларимни жиндак бўлса ҳам ҳис этсанг экан! Ярангдан эски докани кўчирар эканман, бутун баданим зирқираб кетарди. Қандай қилсам, беозор бўларкин деб, куйиб-пишардим. Наҳот шулардан ҳам сезмасанг!»

Ертўладан жуда узоқ бўлмаган оралиқда нимадир портлади. Ертўла атрофидан зах тупроқ шувиллаб тўкилди. Кишиларнинг бетартиб товуши эшитилди. Жуда яқиндан-ку? Анна Ивановна чаққонгина ўрнидан туриб, гитарани жойига илди, энди эшикка бурилган эди, чиқаверишда Элмурод кўринди.

— Қўрқманг, Анна Ивановна, душман сизнинг ертўлангизга бостириб келгунча қўймаймиз. Булар ўзимизникилар,— деди Элмурод ва Анна Ивановнанинг қарашидан: «Қандай қилиб ўзимизникилар? Бу ерда нега отишади?» деган маънони уқиб яна изоҳ берди,— дарёдан балиқ тутишяпти. Граната ташлашди. Меҳмонларга қовуриб бермоқчимиз.

— Мен сизнинг келишингиз шарафига берилган са-

лютми дебман,— кулди Анна Ивановна ва «худди кутганимда келдинг» деб кўнглидан ўтказди. Кўзлари ёнди.

— Йўқ! Йўқ! Менинг нимам учун салют берсинлар? — Элмурод эшикка қараб деди: — Муҳаррам, келаверинг! Мана меҳмонлардан бири — Муҳаррам Ҳасанова, ҳамшаҳарим, институтдошим. Бу киши бизнинг батальон врачи, санвзводимизнинг командири Анна Ивановна Кравцова. Танишинглар.

Анна Ивановна:

— Жуда яхши! Жуда яхши,— дея Муҳаррамнинг қаршисига юрди, бошлаб қўл узатди.

Кўришдилар. Элмурод бунчалик тетажаклик қилиб гаплашган врачга Муҳаррам синчиклаб қаради. Кўнглидан ёш қизларда бўладиган рашкли фикр ўтди.

— Бу киши туни билан сизга меҳмон. Биздан кўра бу ер хавфсизроқ. Отамлашиб ётасизлар. Ундан кейин, Ўзбекистон ҳаётини, ўзбек урф-одатларини билишга қизиқаётган эдингиз. Бу киши мендан яхшироқ билади — тарихчи! Марҳамат, сўрай берасиз.

У, Муҳаррамни кўриши билан Рашид ёдига тушиб кўнгли хиралашган бўлса ҳам, шу дақиқада жуда хурсанд эди. Фақат Рашид ҳақидаги хабарни қандай қилиб маълум қилишни билмасди. «Майли, ҳозирча қувона тур, вақти соати билан айтарман. Айтиб ҳам нима қилдим? Хунук хабарни етказишдан ҳам кўнгилсиз нарса борми? Кейин хатимдан ўзи билиб олар!» деган фикрда эди у.

— Ўзбекистоннинг нимаси бу кишини қизиқтиради? — деди Муҳаррам Элмуродга қараб, унинг чеҳрасида табассум кезарди.

— Қизлари, йигитлари, олма-анори, ҳамма-ҳаммаси,— дея жавоб берди Элмурод ва ертўла ўртасидаги ясама курсига ўтирди. Муҳаррамни ҳам таклиф этди.

— О, бизнинг йигитлар жуда шўх бўлади,— деди Муҳаррам ўтираётиб,— битта намунаси мана қошингизда турибди. Қизлар офати!

— Агар шўхи бу киши бўлса, ювошини қизлар кинога таклиф этса, «ўзинглар бориб кела қолинглар» деркан-да,— деди Анна Ивановна ҳам кулиб, у юрак дардини шу жумлада айтиб солган эди.

— Бу киши ювошми? Агар фронтга тушиб шундай бўлиб қолган бўлмаса.

— Эҳтимол. Фронт ҳам бир мактаб,— деди Анна ўзига тасалли бериб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элмуроднинг кўзи Аннаники билан ногоҳ тўқнашди. Анна юзини четга бурди, қизариб кетди.

— Мен энди борай, яна қидириб юришмасин. Сизлар шўх йигитлар ҳақидами, оқсоқ Темурнинг золимлиги ҳақидами — бемалол гаплашиб ўтиринглар. Қизларнинг аммаси, келинларнинг янгаси бўлиб мен нима қилдим.

— Қачондан бери қизларнинг суҳбатидан қочадиган бўлиб қолдингиз?— кулиб унга тегишди Муҳаррам.

— Сиз ташлаб, эр қилиб кетганингиздан бери,— деди Элмурод чин аралаш ҳазил билан ўзбек тилида ва Аннадан афв сўради.

— Кечирасиз, ўзбекча гапирганим учун. Сир!

Такаббурона бир кулди-да, чиқиб кетди.

Анна Ивановна аввалига Муҳаррамдан қаттиқ ҳадиксираган эди. Севган қизи бўлса унга сир бериб қўйишдан кўра даҳшатли нарса борми! У Муҳаррамдан кўп нарсани ўсмоқчилаб сўради. Унинг жавоблари оҳангига, сўзларига диққат қилди. Йўқ, Анна Ивановнанинг шубҳаси тонги тумандек тарала бошлади. Кўнгли меҳмондан сув ичди. У эри борлигини, эрининг шу фронтда урушаётганини ва уни бир кўриш иштиёқида кўп сурштирганини айтганда Кравцованинг кўнгли жуда ҳам жойига тушди. Энди у билан бемалол дардлашуви мумкин эди. Шундай бўлса ҳам ўзининг пинҳон севгисини фош қилишга ботинмади. Балки Муҳаррам бунинг юрагини билгач, ҳамшаҳарим дебми ёки қизга ачинибми, Элмуродга оғзидан гуллаб қўяр. Унда нима бўлади? Балки Элмурод севмас!

Шундай бўлса ҳам Анна Ивановна Элмуродни комбат сифатида кўплар ҳурмат этишини айтди, унинг таржимаи ҳоли, гражданликдаги ҳаёти билан жангчилар қизиқишини важ қилиб, кўп нарсаларни билиб олди.

Эрталаб нонушта қилишар экан, Кравцова сўради:

— Севган қизини танийсизми?

— Қизи йўқ бўлса керак.

— Хат олиб туради-ку?

— Сингляси ёзар. Синглим бор деганини эшитган эдим.

Анна Ивановна Элмуроднинг яқинда аёл кишн қўли билан ёзилган хат олганини билган, шундан бери кўнглининг бир бурчи хира бўлиб ётар эди. Муҳаррамнинг

бу жавобидан кейин қандайдир ички бир товуш: «Мана энди бу томондан ҳам хотиржам бўлдинг!» дерди.

Муҳаррам Элмурод келиб қолар, деб нонуштадан кейин анча пойлаб ўтирди. Ваъдаси ҳам шундай эди. Қараса, вақт кетяпти. Анна Ивановна билан хайрлашиб, штабга борди. Штабда Йўлдошдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У Элмуроднинг ҳали замон келиб қолишини айтди. Анча пойладилар. Келмади. Йўлдошга меҳмонни термилтириб қўйиб, иш қилиш жуда ноқулай кўринди. Қоғоз-чертёжларини йиғиштириб, қутига солди-да, телефонистга роталардан сурштиришни буюрди. Бир неча жойга телефон қилгач:

— Иккинчида экан, ҳалигина чиқиб кетибди. Келиб қолади,— деди Йўлдош.

— Тошкентликлар кўпми?— сўради Муҳаррам.

— Мену, Элмурод. Қуршов олдидан бир Рашид деган сержант бошқа полкдан ўтиб келган эди. Шу сўнгги жангда яраланиб кетди.

Муҳаррамнинг қулоғи динг бўлди. Унга тикилди:

— Рашид?! — деди у чала эшитгандек.

— Ҳа, Рашид.

— Фамилиясини билмайсизми?

— Мен икки мартагина кўрдим, холос. Элмурод билса керак. Ҳар вақт у билан бирга эди. Адашмасам, яраланганда ҳам майдондан Элмурод олиб чиққан. Шундай деб қулоғимга киргандек бўлган эди. Танийсизми?

— Менинг эримнинг ҳам оти Рашид. Яна ўша бўлмасин?

— Эҳтимол.

— Башараси қанақа?

Муҳаррам жуда шошиб қолган эди. Унинг кўз олдига қонли майдону, эрининг чўзилиб ётгани келди. Муҳаррамнинг юраги орқасига тортиб, эти увушиб кетди. Йўлдош Рашидни эс-эс эсларди. Унинг устига бировнинг портретини чизиб беришга жуда нўноқ эди. Қанча уринмасин, унинг бирор характерли чизиғини айтиб беролмади. Тўғриси, уни эслолмасди. Муҳаррам айтган белгиларга ҳам жуда мужмал жавоб берди. Муҳаррамнинг тоқати тоқ, Элмуроднинг йўлига кўзи тўрт эди. Тақ этса, эшикка қарарди.

— Оғир яраланганмиди?— маъюс сўради Муҳаррам.

— Мен сизни ташвишга солиб қўйдим-а, Муҳаррам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

хоп? Эҳтимол у эмасдир. Тошкентда Рашид битта дейсизми?

— Шундайку-я!.. У бўлса, Элмурод сизга аллақачон айтган бўларди. У эмасдир. Ташвишланманг!

Йўлдош ногиҳон бошлаб қўйган кўнгилсизликдан жуда хижолатда эди.

Ертўлага Бондарь кирди.

— Комбат қани?— сўради Йўлдош.

Бондарь жавоб бериб улгурмаган ҳам эдики, эшикда Элмуроднинг ўзи кўринди. Муҳаррам йиғлаб унга ташланди.

— Нега эримнинг яраланганини мендан яширдингиз?

Элмурод шошиб қолди, унинг елкасидан тутди:

— Нега яшираман? Хафа бўласиз, деб кеча айтмовдим. Бугун айтмоқчи эдим.

Муҳаррам Элмуроднинг қўлига «шилқ» этиб тушди.

— Сув бер!— деди Элмурод Бондарга.

Йўлдошдан бошқа ҳамма — Бондарь, телефонист, старшина ҳайрон бўлиб турарди.

VIII

Турдиев ертўланинг безгак тутгандек титрашидан чўчиб уйғонди. У бу яқин икки ой ичида уйқусидан безовта бўлиб уйғонганини билмайди. Тўғри, гоҳ-гоҳ душман қўли қичиб, битта-яримта мина ташлаб қўярди. Баъзан кечалари чалқанча ётиб, хаёли қочади, қишлоғи, колхози ёдига тушади. Ёдига тушади-ю, ирғиб ўрнидан туриб узундан-узоқ хат ёзади. Уни кўрган Горкунов: «Рузвельтнинг конгрессга мактубими?» деб кулади. Турдиев ҳам фронт ҳаётида ўз ўрнини топиб қолган, унчамунча одамнинг ҳазилига бардош бериб, омбурдек узиб жавоб қайтаради. Мабодо Горкунов унинг Чикалодаги бурни билан ер кавлашларини эсига солса ёки кўзини чирт юмиб, ўқ узганларини қилиб берса, энди ўзига ҳам кор қилади, қотиб-қотиб кулади. Унга Борисовнинг меҳнати кўп сингди. Горкуновникини-ку чегараси йўқ. Горкунов унинг идрокига қойил қолса, Борисов тил ўрганишга бўлган қобилияти ва хотирасига тан берарди.

Ҳа, Турдиев фронтнинг аччиқ ҳаётига кўникиб қолган. Шунинг учун ҳам, у ертўлани безгак тутгандек титрашидан чўчиб уйғонди-ю, ҳайрон бўлмади. Аввалига, тушим эмасми, деган фикр хаёлидан ўтди. Аммо ертўла тирқишларидан ҳали шувиллаб тушиб бўлмаган тупроқ фикрини бўлди. Туши эмаслигига иқрор бўлгач, ўзидан сал нарида ётган Горкуновга қаради. У ҳам бошини кўтарган эди. Икковининг кўзи: «Нима ган?» дегандек бир-бирига қадалди. Одатда, фронтда бундай вақтларда тезда қуролни олиб ташқарига чиқилади. Улар ҳам худди шундай қилдилар.

Сал ўтмай душман мудофаасининг уфқида устма-уст яллиғ кўтарилди, кейин гумбурлаш эшитилди. Навбатма-навбат бири олиб, бири қўяётган бомбардимон узоқ чўзилди. Тонг ёришди. Ердан кўтарилган чанг-тўзон оғир-оғир қалқди. Душман мудофаасининг уфқини кўриб бўлмай қолди. Худди улуғ майдонда буғдой шопирилаётганга ўхшарди. Ертўланинг чеккаларидан шувшув тупроқ тўкилди. Устунга илиғлиқ котелоклар бир-бирига урилиб, баъзиси ерга тушиб кетди.

— Яшавор, беш қирра юлдузликларимиз,— деди Турдиев ва Горкуновга қараб давом этди:— Бу ерда зилзила, у ерларда роса белашчак десангиз-чи! Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр, дейдилар.

— Ҳали бу кам. Нега ёниқ чироғимизга пуфлайди? Ўзиники ўчмаса асти ҳисобмас,—деди Горкунов.

Икки-учта катта бомба устма-уст портлади, сўнгига яна ундан ҳам зўрроғи қўшилди. Ер кетма-кет силкиниб кетди. Узоқда вулқондек бўлиб кўкка кўтарилган тупроқ тўнтариғлиқ воронкадек ерга чўкди, осмонда туман-тўзон қолди.

Бомбардимон кучайгандан кучайиб борди. Унга узоққа отар замбаракларнинг наъраси қўшилди. Тўплар ҳам бир соат чамаси жазава қилди. Ерни парча-парча ўйиб кўкка отди... Бу манзарани юқори бир ердан кузатиб турган киши ёқа ушларди. «Ер ўз ўқидан кўчиб, бирор жойи илиниб қолгану, кучли бўрон эса уни учириш тараддудида уриняпти» деб ўйларди.

Турдиев барчасини кузата туриб, комиссар Ракитиннинг куни кеча ўтказган суҳбатини эслади. У қуролларимизнинг кундан-кун кўпайиб, тараққий топиб бораётганини, жангчиларимизнинг тобланиб, маънавий руҳи ўсиб бораётганини, душманнинг эса кенг фронтда сочилиб, ҳолдан тояётганини сўзлаб, қаттиқ жангга тайёр туришни уқтирган эди. Шунда бир жангчи: «Қани ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаттиқроқ жанг қиладиган тўқиниш, қачон бошланади? Ёта бериб моғор босиб кетдик-ку!» деб ўзича тўнғиллади. Комиссар «яқин қолди», деди-ю, вақтини айтмади, лекин кечқурун буйруқ келди: «Эртага фронт ҳужумга кўчади». Мана, эрта ҳам бўлди. Ҳужумнинг тайёрлигини Турдиев ўз кўзи билан кузатмоқда, барча фронт кузатмоқда.

Жарликда моторлар гуриллади. Сал ўтмай танкларимиз саф тортиб майдонга чиқди. Танклар бир текисда, жуда ҳам шошмай, салмоқлаб борарди. Турдиев кузатиб турди. У шу вақтгача бунча танкимизнинг қатор бўлиб майдонга кириб келганини кўрмаган эди. Ракитин танклар ишлаб чиқаришимизнинг ой сари ўсиб бораётганини суҳбатида айтганда тасаввур қилолмаган эди. Нуқул кўз олдига Чикалодаги немис танклари келади-ю, кресги таъбини хира қиларди. Мана, танкларни эринмай бир-бир санади, юлдузини аниқ кўриб турибди. Танклар йўлдан мудофаа олдига чиққач, жанговар тартиб олиб, таралди. Улар устидан отиб тўп ва миномётларимиз ҳамон отарди. Улар ёнига танклар ҳам қўшилиб турди. Мотор овози ва портлаш оламни тутди. Шу вақт Турдиев: «Ҳужумга тайёрланинг!» деган командани эшитди. Бу команда тонгдаги хўрозлар қичқиришидай тезда бирини бири илиб, оғизма-оғиз мудофаанинг у бошигача ўтиб кетди. Турдиев эстафета маррасида команда берилишини кутган кишидек кўзини команда пункти томондан узмади. Команда ҳам берилди: Кўк ракета учди. Ҳозиргача фақат каскаларигина кўриниб турган кишилар оёққа қалқдилар. Турдиев биринчи бўлиб олдинда борини ниятида эди. Бундоқ қараса, ундан ҳам олдинда кечаги «ўша тўқнашини қачон бошланади» деган йигит пилдиллаб кетяпти. Улар танкларни қувиб кетдилар. Танклар душман мудофаасининг олдинги қаторини бир совуриб чиққач, ичкарига кириб кетди. Худди шунингдек тўпларимиз ўз ўқларини яна ҳам орқага кўчирдилар. Осмонда эса ўнга яқин қирувчи самолётларимиз душман орқа томонини назорат остига олиб, баъзан шўнгиб ишлаб ҳам турарди. Осмоннинг анави бурчида ҳаво жанги борарди. Душман ерда бор кучини тўплаб ишга солди. Лекин селдек кўчган танкларимиз уларни нишонга олар ёки тўппа-тўғри босиб бориб, мажақлаб кетар эди.

Танклар йироқлашиб, уларни автоматчилар кузатиб

кетгач, олдинги қаторда қисқа ва қонли найзабозлик бошланди.

Турдиев кечаги ҳафта найзали милтиғини автоматга алмаштирганига бир лаҳза ачинди. «Автомат яхши нарсаку-я, лекин шу тонда милтиқ керак эди-да» деди у ўзича. Анов тоғда Горкуновнинг учта гитлерчини устма-уст найзага олгани нур тезлигида хаёлидан ўтди. Хаёлидан ўтказаётиб, бундоқ қараса, бир фриц алоқа йўлидан пилдиллаганича қаршисига келяпти. Зумда фикрини йиғиб, унга ўқ узди. Аммо фрицнинг ўқ теккандан кейинми ёки олдинми йиқилганини пайқамади. Фақат икки марта оёқ силтаганини кўрди. Ғириллаб бориб, қўлидан қуролини олди. Ўқи бор-йўғини аниқлагунча йўқ эди, қаёқдандир учган ўқ бўйнига осиғлиқ ўз автоматининг қўндоғини учириб кетди. Бир лаҳза энгашди. Атрофга кўз ташлади. Бўйнидан автоматини чиқариб ташлаб, фрицники билан олдинга қараб кетди. Икки-уч ертўлани четлаб ўтиб алоқа йўлидан кетарди. Унинг атрофдаги кишилар билан иши йўқдай. У гўё мустақил урушарди. Ўзидан йигирма метр нарида Горкуновни кўриб қолди. У ҳамон, «ўзимизнинг рус милтиғимиз яхши» деб, бешотарни қўймасди. Турдиев унга қараб бурилиши билан, унинг ёнидан чиқиб қолган гитлерчини кўрди. Гитлерчи энди Горкуновни нишонга олган эди ҳамки, Турдиев бор овози билан: «Хальт» деб бақирди. Гитлерчи чўчиди, ўқ узишга фикрини йиққунча бўлмай, Турдиев унга ташланди. Зарб билан босиб тушди. Қайси бирининг дир автоматидан ўқ узилди, лекин ҳавога учди. Анча олишишди. Турдиевнинг қўлини гитлерчи гарчча тишлади. Турдиев: «Тишлама, ҳезалак!» деб қўлини унинг оғзидан шахт билан тортиб, энди муштга жуфтлаган эди, тепасида Горкуновни кўрди... Гитлерчи саранжомланди.

— Ўқинг йўқми?— сўради Горкунов.

Шу саволдан кейин Турдиев бир парсага ҳайрон бўлди: гитлерчини-ку, «Хальт!» деб чўчитгани тўғри, энди нега отиб қўя қолмай, устига ўзини ташлади! Ўқ бўлса бор эди. У бу саволга ҳамон жавоб беролмасди. «Олға, олға! Қуролдошлар, олға!» деган товуш эшитилди. Турдиев бундоқ қараб, кўзларига қон қуйилиб кетган, ўнг қўлида тўппонча, чап қўлида граната тутган Ракитинни кўрди. У ўнтача жангчи билан олдинда яловдордек учиб борарди. Турдиевнинг қалбида шу онгача кўрилмаган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳис пайдо бўлиб, бу ҳис уни Ракитин томонга ғурур билан ундарди. У беихтиёр, гўё комиссардан кейин такрорлаш зарурдек ўз-ўзига икки марта «олға-олға» деди-ю, Ракитиннинг кетидан югурди. Ракитин буни кўрди, қайрилиб бир қаради, қурум босган юзлари ёришди, кўзлари порлади...

Уч соатлар чамаси давом этган жангдан кейин бўлинма қишлоққа кирди. Ойлар мобайнида цементлаб ишланган Дотлар, сахий рус ўрмонининг сурх ёғочларидан ишланган Дзотлар ўпирилган ўрадек бўлиб орқада қолди. Ерга кўмилган танклар қувурлари қийшайиб ҳар ерҳар ерда ётарди. Мажақланган тўп, пулемётлар сочилиб кетибди. Ана бир пулемётнинг уч оёғи фотоаппаратнинг оёғидек тикка турганча қолибди. Ажабо, қандай қилиб устидаги пулемёти учиб кетиб ўзи қолибди! Ёнида бақа ранг шинелли икки немис мукка тушганича ётибди. Эгаси ташлаб қочган зениткалар қувури кўкка қараб пола қилаётгандек. Олдида бир неча яшик снарядлар отишга тайёрланганича қола берибди. Солдатлари қани?

Ракитин жангчиларни қишлоққа бошлаб кириши билан, қисқагина қилиб бундай вақтларда қандай жанг олиб бориш кераклигини тушунтирди-да, кишиларни бўлиб юборди. Ҳамон отишма борарди. Душманнинг қандай чекинаётганини навбатма-навбат кўкка илон тилини чўзаётган уйларнинг алангасидан билиш мумкин эди. Ўт қўйилган уйлар биров остидан титаётган гулхандек, лов-лов этиб осмонга дам уради. Ўз ўлжасини зўр иштаҳа билан қамрайди. Қора тутун буруқсаб, қип-қизил аланганн кўмади, бураліб кўтарилади, тутун аралаш зарб билан отилган чўғлар сўниб, пастга шўнғийди.

Турдиев ўтда қолган кишидек, олдинга отилди. Кўчада ётган бир от ўлигининг устидан ҳатлаб ўтаман деб, нарёғида ётган фриц мурдасининг қорнига оёқ ташлаганини билмай қолди. Орқасига бир қараб қўйди. Икки кўчанинг чорраҳасига чиқиб, бундоқ қараса, нариги бошдаги бир қўра ёнмоқда, холос, «демак, бу томонларга ўт қўйгани улгурмапти» деган ўй бошидан ўтди.

Бу ўй билан ўзига далда бергунча йўқ эди, бир фашист қўлида катта машъала билан четан девордан ўзини кўчага ташлади. Ташлади-ю, машъала билан қарши қўранинг қамиш томи остига югурди, ўт туташтирди. Унга ҳам қаноат қилмади шекилли, граната ирғитди. Аланга гуп кўтарилди.

Турдиев бу воқеанинг бир неча дақиқада ўтганини кўриб, шошиб қолди. Уни шартта отай деди-ю, нима учундир бу билан қаноат қилмайдигандек кўринди. У бир тўхтамга келгунча бўлмай кўчанинг у бошида яна биттаси пайдо бўлди. Турдиев ўзини девор панасига олди. У, аввал, кейин пайдо бўлган душманни нишонга олиб, мана бу кўз олдида ўт қўйган жиноятчини тириклайин бир сазойи қилмоқчи бўлди. Назарида, мана бунисининг гуноҳи уникидан оғирроқ кўринди. Ўқ узди. У, немис йиқилиши билан бунисига қараса, машъаласини ташлаб, зинғиллаганича қочиб кетяпти. Кетидан қувди. Бир сидра қисқа ўқ узди. Немис ўзини таппа ерга ташлаб, яна туриб қочди. Бир девордан ошди. Турдиев кетидан ташлади. Яна қувди. Немис орқасига қарамай бир граната ирғитди. Турдиев уни ёнлаб ўтди. Яна қувди. Энди етиб, ёқасига чанг ташлашга мўлжаллаган эди ҳам, немис автоматини ирғитиб орқасига ўгирилди-ю, «Гитлер капут! Гитлер капут!» деб қўл кўтарди. Турдиев ҳеч нарса демасдан унинг кўкрак чўнтаги тепасидаги қанот ёзиб турган бургут суратини узиб олиб, ерга отди.

Турдиев унинг ҳаракатига тушунмай, ҳаллослаб турарди. Фриц ҳаллослашдан кўра, безгак тутган кишидек шақиллаб титрарди.

Турдиев уни қўлга тирик туширишга туширди-ю, кейин нима қилишни билмай қолди. Кўзини мўлтиллатиб отиб ташлай деса, нега уни қувиб шу ергача келди. Барибир аламдан чиқмайдиган бўлиб кўринди. Аччиқ-аччиқ, илон пўст ташлайдиган қилиб гапирай деса, тилини билмайди. Билганда ҳам, унга гап кор қилармиди!

Турдиев аламига чидолмай, ёниб турган уйларни қўлини пуқиб кўрсатди, зўр бир гап билан узиб олмоқчи бўлди-ю, титраб, фақат «Бойқуш! Бойқуш, офат!» деди холос. Лекин бу билан ҳам қалби енгил тортмади, фриц жим турарди. Чидолмади, бир мушт солди, немис каловланиб бориб йиқилди. Ётган ерида яна: «Гитлер капут!» деб қўл кўтарди. Турдиев туришга имо қилди. У турди-ю, Турдиевга яқин келолмай жойида қотиб қолди. Турдиев унга қараб одимлар экан, фриц, яна мушт тушаётгандек кўзини пирпиратди. Яқиндан бир ўқ чақпади. Ялт қарашди.

— Эй занғар, ишдан қўйдинг,— деди ҳали жанг давом этаётган Турдиевнинг ёдига тушиб ва қаршидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиққан таниш жангчига: «Ол, буни!» деди-ю, елиб кетди.

Турдиев кўчага чиқди. Бола қичқириғи қулоғига кирди. Товуш келган томонга чопди. Эшик олдида бир кампир қонга беланиб, кўча томонга судралар эди. Турдиевни кўрди-ю, хиралашиб бораётган кўзларини қуруққа ташланган балиқнинг оғзидай катта очиб, сўнгги марта олға талпинди, лекин оғзидан сўзи чиқмай қолди. Фақат қўли билан ичкари томонни кўрсатолди. У кирди, эмизикли бир бола остонада бирғиллаб ётарди. Қонга беланган. Шу даражада қонга беланган эдики, эндигина она қорнидан тушганга ўхшарди. Турдиев уни даст кўтариб олди. Лекин қаеридан қон оқаётганини билолмади. Ташқарига чиқди. Боланинг онасини қидираётгандек атрофга жовдиради. Бехтиёр кампир ётган эшикка йўл олди. Кампир ҳамон тирик эди. Болани Турдиев қўлида кўрди-ю, адашган болани ўз эгасига топширган кишидек мамнун термилди. Болани Турдиев қўлида кўриш кучигина уни шу онгача тирик ушлаб тургандек, шилқ этиб бошини ерга қўйди. Жон берди. Турдиев нима қилишини билмасди. Болани кўтариб кўчага чиқди. Бирдан тиббий пункт ёдига тушди-ю, боланинг ҳаёти фақат ўша ердагина сақланиб қоладигандек югурди. Бола ҳамон шомдаги чумчуқдек чирқиллар, бир нарсадан қаттиқ чўчиётгандек энтикиб тушар, баъзан Турдиевга тикилиб жим қолар эди. Икки-уч ўқ худди Турдиевнинг ёнгинасида чирт-чирт этиб ер ялади. У, ўгирилиб қаради. Ўзини бир четга олди. Алангларди. Яна ўқ учди. Ўқ учган томонга қараб, чердакда бақа ранг шинелнинг барини кўриб қолди. Болани аста ерга ётқизди. Бола баттар бирғиллади. Назарида болани қонга белаб кетган шу бақа ранг шинелли бўлиб кўринди-ю, кўчанинг чети бўйлаб, чердакка йўл олди. Остидан қулоқ солди: биттами? Қисирлаган чўплар товуши қулоғига чалинди. Кетидан автомат ўқи узилди. Турдиевнинг барини ялаб ўтди, у пастроқ буқинди. Энди белидан граната сини олиб, отишга ҳозирлик кўрган эди, қаёқдандир бир ўқ чақнади-ю, бир нарса чердакдан шалоп этиб унинг олдига тушди. Бундоқ қараса, немисниг ўлиги. Кўчанинг нариги бетида, четан деворнинг остидан бир қизил аскар кулиб қаддини ростлар эди.

Турдиев гранатасини белига қистириб, болани олгани келганда, у ўлиб қолган эди. Шунча ўликларни кўриб мижжасига нам чиқмаган Турдиев бирдан йиғлаб юборди. Унинг товушига немисни отган бояги жангчи келди. Масалага тушунди-ю, чурқ этолмади. Турдиев бир болага қаради, бир чердакдан учиб тушган немис мурдасига қаради. Болани ўлик бўлса ҳам немис кўзидан узоқроқ тутай деб ўйладими, ҳайтовур, уни кўтариб қаёққадир жўнади. Бояги жангчи орқасидан қараб қолди.

IX

Турдиевнинг ҳозирги важоҳатини кўрган киши уни бир умр дилхушлик қилмаган, бировга икки оғиз ширин сўз айтиб, эркаламаган, ҳатто, кулги-табассум нима билмаган, ҳаётини қовоқ солиб, «ҳушингга келса шуман» деб ўтказганлар қаторига қўшиб қўяди. Фриц отиб кетган ҳалиги гўдакнинг чирқиллаши, эшикдаги онанинг маъсум боқишлари кўз олдидан кетмасди. Гўё она ҳамон ўша ерда ётади. Аввалига уни кампир деб ўйлаган эди, жанг тингандан кейин бориб кўрса, ёшгина жувон, фақат сочлари бевақт оқарган, юзларига ажин кирган экан.

Турдиев нафаси бўғилиб эшикка чиқиши билан врач Анна Ивановна дуч келди:

— Гўдакни асраб қололмабсиз-да?

Турдиев шу саволдан яна ҳам изтиробга келди. Титраб-қақшаб юрагини очиб солди:

— Мана шу алам қилянти. Гўдакни-я, гўдакни отди, худди кўзимнинг олдида отди. Қандай қилиб қўли борди экан, ўртоқ доктор?— Турдиевнинг томоғига ёнғоқдек бир нарса тиқилиб келди, димоғи ачиди, кўзига ёш тўлди. Товуши бутунлай ўзгариб деди:— Бу лаънати душманлар нуқул гўдакка ўч бўладими дейман.

— Шупақага ўхшайди, ўртоқ Турдиев, менинг онамни ҳам отиб кетишган экан гўдаклигимда.

— Сизнинг-а? Кимлар?

— Ҳа, менинг. Босмачилар.

Анна Ивановнанинг ранги ўзгарди. Узун бир воқеани эслагандек кўзлари бир нуқтага тикилди. Юз ўгириб олди. Бир зумдан кейин: «Шундай, ўртоқ Турдиев!» деди-ю, хомуш одимлаб кетди. Турдиев унинг орқасидан қараб, раҳми келиб қолди. «Бечора, бунинг ҳам дарди ичида экан», деб кўнглидан ўтказди.

Турдиев жўралари қошига хомуш кириб борди. Ҳамон унинг кўз олдида қўлида жон берган гўдак турар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу гўдак бир маҳаллар босмачилар қишлоққа ўт қўйиб, вайрона қилиб қочганда, онаси билан қолиб кетган синглиси Мастурани ёдига солди. Йўқ, ёдига солмади, балки худди ўшанинг ўзи бўлиб кўринди. Кўринди-ю, юрак-бағри баттар эзилиб кетди. Ўша гўдакни яна бир марта кўргиси, мўлтиллаб турган мунчоқ кўзларига боққиси келди. Эҳтимол, шу гўдак ўша синглисининг ўзидир! Турдиев ўша ўз синглисини ҳамон эмадиган гўдакдек тасаввур этарди. Уни охирги марта онаси бағрида қандай кўрган бўлса шундай хотирасида қолган. У вақтда Турдиевнинг ўзи беш яшар зийраккина бола эди. Боғдан узумлар узиб чиқиб, синглисига ғужумлаб шимдирарди. У эндигина қиҳ-қиҳлаб куладиган бўлган эди. Нима бўлди-ю, Турдиевни ота ўзи билан қўшни қишлоқдаги қариндошларникига меҳмонга олиб кетди. Уч кундан кейин улар келганда қишлоқ вайрон бўлган, баъзи биполари ҳамон бурқсиб ёнарди. Улар ўз кўрғонларига кириб остонада отилиб ётган онани кўрдилар. Синглиси Мастура ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Уни уйда қолиб ёниб кетганини ҳам, босмачилар олиб кетганини ҳам аниқлолмадилар. Босмачилар йиғлоқи гўдакни бошига урсинми! Ҳамма ёқни остин-устун қилиб қидирдилар, қишлоқда омон қолганлардан суриштирдилар, қўшни қишлоқларга одам юбордилар — ҳеч қаердан изини тополмадилар. Уни уйда қолиб куйиб кетганга чиқардилар. Лекин кимдир: «Босмачиларни қувиб кетган қизил аскарлар олиб кетган бўлмасин?» деди. Бунга кўнчилик ишонмади. «Қизил аскарлар эмизикли болани нима қилсин? Ана, Болтабойнинг иккала гўдаги кўрғонида қолибди-ку. Уни олмапти-ку», деди яна аллаким. Хуллас, ҳар ким ҳар нарса деди-ю, лекин Мастурадан аниқ хабар берувчи киши бўлмади. Мана бугунги гўдак, Турдиевнинг назарида ўша синглиси Мастуранинг ўзи эди. У синглисини топди, лекин уни асраб қололмади. Гўё синглиси ўз қўлида, ўзининг кўз олдида ҳалок бўлгандек бўлди. Бу жуда ҳам даҳшатли эди! Унинг хаёлида бугун жанг қилаётган гитлерчилар билан Мастуранинг фожиасига сабабчи бўлган босмачилар бир-бири билан қоришиб кетган. Босмачиларни кўрмаганиданми, уларни ўйласа, ҳалигина қишлоқдан қувиб чиқарилган бақа ранг шинелли немислар кўз олдига келарди. У худди синглисининг қотилини энди топгандай титраб-қақшаб қасосга интиларди. Шу дақиқада унинг

учун дунёда ўлим, қўрқув эмас, фақат қасос, қурбон бўлган синглисининг қасосигина яшарди...

Унинг хаёлига Анна Ивановнанинг ҳалиги сўзи соя ташларди. «Наҳотки шу доктор ҳам унинг синглиси Мастура сингари гражданлар уруши йилларининг тақдир севмай, улоқтириб ташлаган бахтсизларидан бири? Қандай қилиб? Ҳаммадан унинг онасини ҳам босмачилар отиб кетгани қизиқ. Улар томонда ҳам босмачи бўлганми? Отаси-чи? Отаси қаёқда қолибди? Нега бировга бериб қўя қолибди. Асли ҳаммасини сўрасам бўлар экан. Ўзи қаерлик?» деган ўйлар бошида уяси бузилган арилардек ғувиллашиб қолди. Энди синглиси шу доктор бўлиб кўзига кўринди, Элмуроднинг бир маҳал «докторимиз сенга ўхшаб кетади» дегани ёдига тушди. Бу эслашдан кўзлари яна ҳам яшнаб кетди. Лекин шу маҳал шинели этагига кўзи тушиб, тангадек қора доғни кўрди-ю, унинг ҳалиги гўдак қони эканини англаб, яна юраги орқасига тортиб кетди.

X

Зебо Элмурод билан хайрлашолмай қолганидан анча вақтгача ўксиб юрди. У «Элмурод кетиш кунини мендан сир тутди» деб гумон қиларди. Кетгандан кейин бир ойдан ортиқроқ хат бўлмади. Шунда унинг йиғлаган кунлари ҳам бўлди. Унинг қош-қовоғига қарайвериб, она бечора ҳолдан толди.

— Болам, куймоқ ҳам эви билан-да,— унинг «куймоқ» дейишга тили бормасди, қизининг жароҳатини тирнашдан қўрқарди.— Ранги рўйингни қарагин, сарғайиб кетибди. Куйгандан кўра, соғлиғини тила! Ўлмаган қул бир куни эшик қоқиб кириб келади,— деди она.

Онанинг ўгити бир-икки кунгагина малҳам бўларди. Яна унинг бошида минг хил ўй кеза бошларди. Биринчи хат келди-ю, у ўзини тутиб олди. Элмурод анча тасалли бериб ёзган эди. Элмурод ҳадемай, қулоч ёзиб кириб келадигандай кўриниб қолди. Зебо хат устига хат ёзди. Хат олди. Хуллас кўника бошлади. У ҳижроннинг бунчалик жаллод бўлишини илгари ҳеч хаёлига келтириб кўрмаган экан. Агар биров шундай қийин бўлади деса, Элмуроднинг бўйнига осилиб ҳўнг-ҳўнг йиглармиди!— у тасаввур этолмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У кўникиб ўзини тутиб, кўнгли жойига тушгандан кейин ўзига кела бошлади: рангига қон югурди, лабларида кулги кезди.

Мана бир неча кунки, уларни муддатидан олдин институтни битиртириб юбордилар. Бир куни дарсдан сўнг тўсатдан лекция залида мажлис бўлиб қолди. Фронт врачларга муҳтож эканини қисқагина гапириб, директор буйруқ ўқиди. (Қисқартирилган программа билан дарс ўтилиши бежиз эмасди. Бу ҳақда турли фикрлар юрарди). Ҳарбий комиссарлик чақириб, унвон билан табриклади, қисмларга тақсимлади. Зебо санитар поездга тушди. Кеча бош врач Иван Иванович у билан суҳбат ўтказди. Шу яқин купларда сафарга чиқажакларини билдирди.

Бугун ҳам Зебо станцияга кетган. Нима учундир тутилиб қолди. Она унинг кечикишидан безовталанарди. Гоҳ-гоҳ эшикка чиқиб келарди.

Зебо шинелини билагига солиб кириб келди. Она уни кўрди-ю, гинахонликка тушди:

— Мунча кечикмасанг, болам. Онаизорингнинг кўзи тўрт бўлиб ўтирганини билмайсанми? Камол аканг икки ойдан бери хат ёзмаса, сен ҳар куни шунақа кечикиб келсанг. Нима, онангда қасдларинг борми?

Она кўзига чиққан икки томчи ёшини рўмолининг учига артди.

— Вой, ойижон-эй, бунча жизғинак бўлаверасиз. Поездда бугун бош врач дарс ўтказди. Поезд госпиталь эмас-да. Ундан чиқиб, машиначидаги шинелимни олдим,— деди Зебо ва шинелини кийиб, ойна олдида айланди-да, онасига эркаланди:— Ярашибдими, ойижон?

— Ҳа, қуббадай, болам. Яхши кунларда кийиб адо қил.

Онанинг гина-кудурати саратон ёмғиридек тез ўтиб бўлган эди. У ёзилиб, қизи билан овқатланди. Овқатдан кейин Зебо янги шинелига погонлар тақиб, бир ўртоғиникига «ўзини кўрсатиб келгани» кетди.

— Барвақтроқ қайт, болам,— деб қолди она.

Кўча муюлишида бошига тивит рўмол ўраган бир жувон билан кексароқ бир кишига дуч келди. Жувон кекса кишидан нимадир сўрагану, у жавоб беролмай турган бўлса керак, шинелли Зебога кўзи тушиши билан «мана бу киши билса ажабмас», деб Зебони кўрсатди ва ўзи жўнаб кетди.

Жувон қўлидаги бир парча қоғозни Зебога узатиб, деди:

— Шу госпитал, қаерда, биласизми?

— Денгиз бўйида.

— Қайси трамвай билан борилади?

— Трамвайсиз, мана бундай борилса ҳам бўлади,— деди Зебо қўли билан Муҳаррам келган томонни кўрсатиб,— ўзингиз шу томондан келяпсиз шекилли?

— Йўқ, мен мана бу кўчадан чиқдим,— деб шундоққина ёнларида бўлган кўчани кўрсатди у.

— Шаҳарга биринчи марта келишингизми?

— Ҳа.

— Юринг, мен ҳам шу ёқдан айланиб кета қолай. Қаёқдан келдингиз?

— Фронтдан.

— Фронтдан?!— ажабланиб сўради Зебо. Жувоннинг граждан кийимидалиги уни ҳайратда қолдирди: — Ҳарбиймисиз?

— Йўқ, иш билан борган эдим; эримнинг яраланиб кетганини эшитдим. Уни қидириб юрибман. Тбилисида бўлдим. Улар, шу ерда дейишди.

Улар кичик кўчадан кенг, икки томони кўп қаватли бинолар билан қопланган кўчага чиқдилар.

— Ўзингиз қаердан?— деди ҳамон қизиқиб Зебо. Чиройли қишлик пальто кийган, бошига янгигина тивит рўмол ўраган, бодомқовоқ, очиқ юз, истараси иссиқ бу жувон уни қизиқтириб қолган эди. Унинг толиққани, руҳан қийнала-қийнала туплари яхши ухлай олмаган ранги рўйидан кўриниб турарди.

— Тошкентдан.

— Ҳув, ўша бино,—деди Зебо узоқдан госпитални кўрсатиб.

— Раҳмат, бу ёғига ўзим бораман.

— Йўқ, майли, бирга борамиз. Менинг ҳам ишим чиқиб қолди.

— Сиз шу ерда ишлайсизми?— деди Муҳаррам Зебонинг ҳарбий врач формасидаги кийим-бошига назар ташлаб. Ўз эрини Зебодан сўрашга мажбур этган ҳам унинг шу формаси эди.

— Йўқ. Мен эндигина битирдим. Санитар поездга тайинладилар.

Муҳаррам шошинқираган қадамлар билан госпиталь зинасидан юксак бинога кўтарилди-ю, Зебони унутган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дек ичкарига ўзини урди. Узун коридордан пилдиллаб борарди. Навбатчи чол уни тўхтатди: Чол Муҳаррам кўрсатган қоғоздаги госпиталь шу эканини тасдиқлади, лекин бугун касаллар билан учрашув куни эмаслигини айтди. Унинг илтимосларига қулоқ солмади.

— Эрталаб келинг, бошлиқ шу ерда бўлади. Овора бўлманг, ундан бошқа ҳеч ким рухсат этолмайди.

— Ахир мен узоқдан келдим.

— Менга барибир. Буйруқ шундай. Ҳарбий интизом.

Зебо чолнинг тутган ерини кесадиган хилидан эканини фаҳмлади-ю, Муҳаррамга бир кўзини қисиб имо қилди. Коридор бўйлаб ичкарига қараб кетди. Чол унга ҳеч нима демади. Ҳатто бесўнақай қўлининг панжаларини кериб, ҳарбийча салом ҳам бериб қўйди. Бир неча дақиқадан кейин Зебо қайтиб чиқиб:

— Шу ерда. Бошидан яраланган экан. Навбатчи врач «аҳволи дуруст» дейди. Бугун кўришнинг ҳеч иложи йўқ. Шунча илтижо қилдим, бўлмади,— деди.

Муҳаррам бўшашиб тушди. Йиғлагудек бўлиб эшикка чиқди. Зинадан пастга тушмай, госпиталнинг юқори қават деразаларига қаради. Деразалар ойнаси оқ бўёқ билан тўлқинсимон бўялган, ҳеч нарса кўринмасди. Зебо унинг ёнига келиб турди.

— Меҳмонхона яқинми?— сўради у жуда бўшашиб.

Шу дақиқада у Зебонинг кўзига ҳимоясиз, меҳрибони йўқ бир ғарибдек кўриниб кетди.

— Меҳмонхона-ку узоқмас. Лекин унда нима қиласиз. Бизникига юринг. Бемалол. Менү, онам — бошқа ҳеч ким йўқ.

Муҳаррам «ялт» этиб бу меҳрибон қизга қаради. Чеҳраси очиқ, дўппидекина қиз— Зебо жавоб кутиб турарди.

— Ортиқча ташвиш бўламан-да,— деди жувон.

— Ташвиши борми? Шу оғир кунларда бир-биримизга тиргак бўлмасак, қачон бўламиз?!

— Раҳмат, —деди жувон ва «қани бўлмаса танишайлик» деди-да, қўл узатиб, исмини айтди:— Муҳаррам!

— Зебо! Мусофирлик ёмон. Ҳеч ким сени танимайди. Хусусан қора кун бошингга тушганда.

Муҳаррам Рашиднинг яраланганини эшитгандан бери кўнгли хира. Баъзан алланечук бўлиб, оғир хаёлларга боради. Делегация Тошкентга қайтар экан, жавоб олиб қолди. Йўлда икки госпиталда бўлди. У ерда Тбилисидан

аниқлашни маслаҳат бердилар. Охири шу шаҳардалигини билди.

Она уларни очиқ юз билан қарши олди. Зебога «Бу ким» дегандек қараб қўйди. Ичкарига таклиф этди.

— Тошкентлик дугонам,— деб кулди Зебо.

Муҳаррам қаттиқ чарчаган эди, йўл азоби — гўр азоби, деб бекорга айтмаганлар! Биринчи пиёла чойдан кейиноқ эспоқ босиб, кўзлари ёпланди, томир-томирлари бўшашди. Меҳмоннинг толиққанини кўрган она:

— Қизим, ёта қолинглар. Меҳмон йўл юриб келган. Толиққан. Ҳар қанча гапиринглар бўлса эрталаб гаплашарсизлар,— деди.

Зебо меҳмонни ўз хонасига бошлаб кирди. Хона кичиккина, бежирим. Ҳамма нарса жойида. Етишмаган нарса йўқдай. Тоза. Дераза тагида каравот. Ёстиғи устига нозик гулли тўр ёпилган. Каравот қуббалари чироқдан ёнади. Пол ярқирайди. Деворларда суратлар. Каравот оёғида қадимий диван. Гилофи оқ сурпдан. Суянчиғига юмшоққина ёстиқ ташлаб қўйилган. Ёнида китобли этажерка. Анчадан бери бундай хонада ухламаган Муҳаррамнинг кўзига жуда кўркам кўринди, димоғига қандайдир ёқимли, кишини аллаловчи ҳид урди. Унинг кўзи қисилиб борарди.

— Сиз каравотда ётинг,— деди Зебо.

— Майли.

Муҳаррам ечинаётиб каравот тепасидаги суратларга бепарво кўз ташлади. Бирдан сесканиб кетди. Ўз кўзига ишонмади. Уқалади. Йўқ, чин. Деворда турган суратнинг бири — Элмурод. Ўша, бундан бир ҳафта бурунгина хайрлашиб қолган Элмурод. У Муҳаррамга тапиш ҳарбий формада жилмайиб турарди. Гўё унга: «Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?» дерди. Муҳаррамнинг уйқуси қочгандек бўлди. «Бу хонадонга қаёқдан келиб қолди? Яна уй тўрида. Қиз каравоти тепасида. Зебога уйланганми? Кўришганимизда бу ҳақда ҳеч нарса демовди-ку? Ўзинг кўркам қизнинг уйи тўрига чиқиб кетибсану, тағин менга таъналар қилиб кун бермайсан», деган ўй чулғади Муҳаррамни. Унинг тикилиб қараб тургани устига эшикка чиқиб кетган Зебо кириб келди. Муҳаррамнинг суратга тикилиб турганини кўриб:

— Танийсизми? У ҳам Тошкентдан,— деди.

— Яхши танийман. Бир институтданмиз. Фронтда ҳам кўришдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— А? Ростданми?— қувониб кетди Зебо.— Ойи, ҳай ойи, бу ёққа киринг. Меҳмон Элмуродни танир эканлар. Фронтда ҳам кўрибдилар.

Она ҳеч нарсага тузуккина тушунмай, остонадан:

— Нима, болам, нима?— деб аграйиб турарди.

Зебо сўзини такрорлади. «Вой шунақами?» деди-ю, уйга кириб келди. Муҳаррамдан «Шу гап ростми?» дегандек кўзини олмас эди. Муҳаррам каравотга, она-бола диванга ўтиришди. Ҳалигина қизларни ухлашга ундаган опанинг энди уйқу хаёлига ҳам келмасди. Зебо Элмурод ҳақида саволлар билан Муҳаррамни кўмиб ташлади. Муҳаррам бу саволларнинг мазмунидан Элмуроднинг бу хонадонга жуда яқин, қарийб ўғилдек эканини билди. Барчасига сабаб шу диванда ўтирган қиз — Зебо эканига шак келтирмади. У энди Зебони синчиклаб кўздан ўтказди. Бир қизча ҳуси-латофати бор! Яна ўзи врач бўлса! «Адашмагансан, ҳамшаҳарим?— деб қўйди ичида Муҳаррам.— Яна опасини айт! Қандай меҳрибон! Менга шунчалик ўлиб бўляптими, уни ўтқазгани жой тополмаса керак — жонини поёндоз қилиб юборар. Бундай қайноналар куёвни ўғлидан афзал кўради. Қандингни ур, Элмурод!»

Зебо Муҳаррамни ҳол-жонига қўймади. Савол устига савол берди. У жуда хурсанд. Гўё Элмуроднинг ўзи келган. Онаси чиқиб кетгач, севинчини ичига сиғдиролмай, Элмурод билан қандай танишганини, аввалига қанақа қилиб опасидан яшириб юрганларини, учрашувларини, фронтга кетар куни хайрлашолмай армонда қолганларигача ҳамма-ҳаммасини завқ билан ҳикоя қилиб берди. Иккита хатини олиб ўқиди. Муҳаррам, кўчада соддагина, мўминигина кўринган бу қизнинг шунчалик шўхликлари, эркаликлари, поз-карашмалари борлигини ўзи кўрмай, биров айтганда, асло ишонмасди. Зебо севиклиси ҳақидаги хушхабар билан маст эди. Уялиш, тортиниш хаёлига келмасди. Бунинг барчасини Муҳаррам унинг хатти-ҳаракатидан, гап-сўзларидан, эркаланишларидан кўриб турарди. Унинг муҳаббати, интизорлиги, орзиқиши самимий эди.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради дегандек, Зебонинг шодон руҳи, қараши Муҳаррамга кўча бошлади. Рашид ҳақидаги мудҳиш ўйлар хаёлидан кўтарилиб кетди. У эртага Рашидни кўради. У тузалиб қолган... Шу ўйлар билан уйқуга кетганини ҳам билмай қолди. Эрталаб тиниқиб турди. Зебо аллақачон турган, ювиниб келиб, Элмуроднинг кеча Муҳаррамга ўқиб берган хатини яна кўздан кечириб ўтирарди. Муҳаррамнинг уйғонганини кўриб:

— Яхши ётиб турдингизми? Менинг ҳеч уйқум келмади. Бирор соат ҳам ухлаганим йўқ,— деди-да, «сабабини ўзим ҳам билмайман» дегандек секин кулиб қўйди.

— Баъзан киши ёшликда шунақа бўлади,— деди буни англаб Муҳаррам.

— Сиз севиб турмуш қурганмисиз?

— Ҳа. Сизникига ўхшаган тупларни бошимдан кўп кечирганман. Ёшликнинг гашти шу-да,— деб Муҳаррам ўзининг Рашид билан бўлган муҳаббатини сўзлаб бермоқчи бўлди-ю, унинг шу шаҳарда бундан бир неча минутлик масофада яраланиб, дард чекиб ётгани ёдига тушиб, бу фикридан қайтди.

— Элмурод Тошкентда қизлар билан юрмасмиди?— рашк қилгандек сўради Зебо.

— Астойдил юрганини билмайман,— ёлғон гапиролмади Муҳаррам, кўнглидан ўзи билан учрашганлари ўтди.

— «Бир қизни яхши кўрардим. У мени ташлаб, эр қилиб кетди», деган эди, шу ростми?

Муҳаррам қўлга тушгандек қизариб кетди. Деразага — ёруққа орқа ўгириб турганидан қувонди. Зебо уни пайқамади. Муҳаррам гап ўзи ҳақида бораётганини билиб турса ҳам, иқрор бўлишга ботипмади:

— Билмадим. Оти нима экан?— деди.

Зебо отини билмас эди. Бу Муҳаррамнинг жонига оро кирди. У ўзини тутиб олди.

— У қиз пайқамай қолгандир, бўлмаса шундай гўзал, ақлли йигитни ташлаб кетармиди? Бундай тўкис йигитлар кам бўлади.

Зебо Муҳаррамга қараб мамнун кулиб қўйди, шундай йигитнинг ёри эканидан фахрланаётгани кўзидан, чимирилган қошларидан ошкор эди. Муҳаррамнинг кўнгли ўзиникига ошиқарди. У шошибгина понушта қилди. Буни кўрган она:

— Вой, айланай, бир қушчалик ҳам емадингиз. Мупча шошасиз, ҳали барвақт,— деганича зорланиб қолди.

Ҳақиқатан ҳам ҳали эрта экан. Обход тугамагунча кўришга рухсат йўқ экан. Муҳаррам ёлғиз госпиталга жўнар экан, она Зебони қўшди. «Қизим, сен ҳам бирга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бор. Танин-билишларинг бўлса тезроқ тўғрилаб берасан», деганларининг ҳам нафи тегмади. Зебо қанча уринмасин, ҳеч бир одам, ҳатто таниш врач ҳам бош врачдан ижозатсиз кўрсатишга журъат этмади. Ҳаммаси бошлиқдан ҳайиқар эди. Зебо ишига кетди. Охири обход ҳам тугади. Муҳаррам бутун вужудини босган титроқ билан, юраги ўйнаб (бош врачдан қўрққанидан эмас, албатта), бошлиқ кабинетига кириб борди. Бошлиқ оппоқ чўққи соқолли, ориқ, учи тўмтоқ бурнига қисма кўзойнак қўндирган мўйсафид эди. У ёшига кўра анча чаққон ҳаракат билан Муҳаррамни кутиб олди ва гапира кетди:

— Менга айтишувди. Кеча кечқурунроқ эшитган эдим. Интизом. Беинтизом яшаб бўлмайди. Ҳозир кишиларнинг асаби жойида эмас. Сал тизгинни бўшаштирсанг, бўйнингга миниб олишади. Бири фронтовиклигини, бири уйда боласи йиғлаб қолганини, бири вақти йўқлигини пеш қилади. Хуллас, важ топилади. Бу оғир касаллар госпитали бўлса. Бу билан уларнинг иши йўқ. Келса-ю, киритиб юбораверсанг.

Чол афв сўрамоқчи эмас эди. У ўз хатти-ҳаракатини фақтлар билан оқламоқчи, Муҳаррамнинг кеча келиб қайтиб кетганига ўксимаслигини айтмоқчи эди.

— Баъзилар мени ёқтирмайди, қаттиққўл дейди. Майли, мени қайта куёв қилмайдилар. Иш яхши кетса бас. Ҳозирча хафа бўлсалар бўлаверсинлар. Урушдан кейин ўзим афв сўраб оламан. Шундай эмасми, қизим, вақт етади!

— Тўғри,— деб унинг гапини бўлмоқчи бўлди Муҳаррам. Чол яна бир оз гапирди-да, уни бошлаб чиқиб кетди. Тўғри Рашиднинг қошига бошлаб борди.

— Мана сизнинг баҳодирингиз,— деди ва Рашидга қараб давом этди.— Шундай вақтда Тошкентдан кўргани келибди-я. Хотинингизнинг қадрига етинг.

Палатада тўрт киши бўлиб, кираверишда ўнг қўлда, тўрда Рашид ётарди. Муҳаррам зўрға таниб, йиғлаб юборди. Парракдек юпқа тортиб кетган лабларидан, қонсиз юзларидан ўпди, ёнига ўтириб пешонасини силади. У ўзини тутиб ололмасди.

Рашиднинг соясигина ётарди. Муҳаррам Рашиднинг бағридан чиқиб, унинг қудуқ тубида қолган сувдек йилтиллаб турган кўзларига шундай боқдики, гўё бутун ишончи ва умидини, бутун юпанчи ва армонини, бутун бахти ва оромини шу кўзлардан қидирарди: «Наҳотки

шу чуқур ботиб кетган кўзлар, сўлғин чеҳра, қонсиз лаб уники? У билган, у севган, умрини чандиб боғлаган севиклиси Рашид қани? Қани унинг қора тунни ёритгудек чақнаб турган кўзлари, гилос лаблари. Фақат қошларигина ўша, ўша вақтдагидек сал чимирилган, қонсиз юзларида яна қора тортибди.

Муҳаррам, ўша тотли муҳаббат куплари, ойлари ўз оғушига забт билан тортаётгандек кўзларини беихтиёр юмди. Юмди-ю, хаёлнинг чуқур қанотлари уни бир зумда чиндан ҳам ўша бахтли дунёрга, энди аста қайтиб келмас дунёрга олиб кетдилар...

...Куз. Янроқлар олтин, сувлар кумуш ранг. Мевалар ёз бўйи ичкан шарбатини кўз-кўз қилади. Саккизинчи синф... Юқори синфлар пахта теримига — ёрдамга чиқадиган бўлиб қолди. Колхозга етиб, қизлар юк машинасидан ўзини ташпа-ташпа отаркан, Муҳаррам ботинолмади.

— Қўлингизни беринг!— деди биров пастдан.

Товушдан отдек ҳуркиган Муҳаррам ўзини ерга отди.

— Кимнинг юраги билан?— деди яна ҳалиги товуш кулиб.

— Сизнинг!— деди Муҳаррам кесатиб.

Йигит, кесатиққа парво қилмади, кулгига олди.

— Бердим шу юракни сизга, олинг!

Чиндан ҳам шу кундан бошлаб у юрак Муҳаррамники бўлиб қолди. Бу йигит Рашид эди. У ўнинчида ўқирди. Рашид ўнинчини тугатиб, мактабдан кетаркан, деди:

— Муҳаррамхон, энди мен мактабда бўлмайман. Мабодо пахтага чиқиб қолсанглар, қўлингиздан ушлаб тушириб қўядиган топилиб қолмасмикан?

— Йўқ,— деди қиз қатъий,— сизнинг юрагингиз билан сакраб юраверaман.

— Шу чинми?

— Чин!

Рашид биринчи марта уни бағрига тортиб, майин титраб турган лабларидан ўпди. Бу бўса улар умрига босилган муҳр бўлди.

...Комсомол кўли. Чаман чирқлар сув бетида титрайди. Жуда оҳиста эшкак уриб келган қайиқ сувга чодир бўлиб ёпирилган мажнунтол остига кирди, тўхтади. Рашид икки кулча нон орасига олинган кабобнинг сихи бандини Муҳаррамга тўғрилади. Вино қуйди.

— Институтни муваффақиятли тугатганингиз учун!—

www.ziyouz.com kutubxonasi

деди Рашид ва Муҳаррам пиёласига уриштирди. Закуска ўрнида ўпишдилар...

Қайиқ мажнунтол чодиридан чиқди. Сув бетидаги юлдузлар чаманини титратиб, бузиб, ярим кечагача сузди.

— Қандай чиройли тун!— деди Муҳаррам.

— Қандай чиройли ҳаёт!— деди Рашид.

— Наҳотки, умримиз ҳамиша шундай бахтга, севгига ғарқ тўлиб ўтади!

— Албатта! Ҳар ким ўз бахтини ўзи яратади, севгисини ўзи йўргаклаб, камолга етказади.

— Мен ҳамиша шу кунгидай яшаш истардим.

— Бу бўлади!

— Шундайми?— Рашиднинг кўзига тикилди Муҳаррам.

— Шундай, мен бунга аминман.

Рашид қайиқни оқим ихтиёрига қўйиб юборди. У сувни чизиб борарди. Севишганлар қўли бир-бирига чирмашди. Дудоқларда бўса чақнади. Қайиқ қалқиб, чайқалди. Кўкдаги ой «ҳой, шарми йўқлар!» дегандек шомдан бери кўкдан кетмаган бир парча булут остига уялиб ўзини олди.

— Горьқо! Горько!!— қичқиради бутун тўйга келганлар.

— Нечора?— деди Рашид Муҳаррамнинг қулоғига.

Унинг қулоғигача қизариб кетган.

— Вой, шунча одамнинг олдида-я?— дейди Муҳаррам. Кўнмайди. Аччиқ деб ширинлик эвазига олинадиган бу бўса, ҳар галги бўсалардан фарқ қилмаса ҳам, ташна лаблар бир-бирига таниш бўлса ҳам, нечундир Муҳаррамга галати туюлади. Ҳа, айтгандек, аввалгилари эл кўзидан пинҳон эди-да! Муҳаррам пичор кўнади. Қийқимчоқлар остида икки лаб бир-бирига ёпишади, лекин ҳар галгидай қолмай, дарров ажралишади. Кимдир қаноатланмай бақиради:

— Кам, ҳисобмас, такрорлансин!

Лекин энди такрорланмайди. Қадаҳлар жаранги унинг товушини босиб кетади.

Тўй тарқалиб, куёв-келин ёлғиз қолганда, Рашид Муҳаррамни бағрига тортиб, сўрайди:

— Хурсандмисиз, Муҳаррамхон?

Келин жавоб бермайди. Унинг кўзлари ёнади. Мана шу ёниқ кўзларида ҳамма жавоб аён. Рашид бундан мамнун. Муҳаррам беҳад шод. Муҳаббат билан камол

топган икки юрак ҳар вақтдагидан тез ва жонли уради. Ҳаёт бутун кўркамлиги билан улар кўзи олдида намоён. У битмас-туганмас муҳаббат, севинч, садоқат кони бўлиб кўринади, кундан-кун порлаб, чарақлаб, барқ урадигандек туюлади.

Муҳаррам ўта бахтлилигидан чўчийди:

— Рашид! Ҳамиша шундай бахтли, фароғатда яшашимга, нечундир, юрагим бовар қилмайди.

— Сабаб?

— Ўзим ҳам билмайман.

— Ўзинг билмаган нарсадан чўчийсанми, тентагим? Биз ҳамиша шундай бахт ва муҳаббат оғушида мамнун яшаймиз. Сен бунга ишон!

— Ишонаманку-я, лекин шундай бўлса ҳам...—Муҳаррам у ёғини айтолмади. Нечукдир кўзига ёш келди...

...Уруш бошланган. Халқлар сочи тикка, ғазаби найза, қўллари мушт, кечаги фароғатли кунларнинг лаззати қалбда, уни қайтиб ёв чангалидан олиш асл ният.

Рашид одатдагидек вазмин қадамлар билан ишдан қайтди. Таомдан кейин, чой пайтида:

— Сен йўлга тайёрлик кўриб қўй. Эртага кечқурун жўнайдиган бўлдик,— деди оғирлик билан, гўё гап фронт ҳақида эмас, бир кунлик ов сафари ҳақида бораётгандек.

Муҳаррам ич-ичидан ларза уриб келган айрилиқнинг даҳшатли тўлқинини пастки лабини тишлаш билан аранг тўхтатиб, ўрнидан туриб кетди. Ичкари хонага кириб кўз ёшини дув тўкди.

Эртаси Рашид жўнади...

— Амин бўл, омон қайтаман!

— Ой бориб, омон келинг. Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин.

Бу гал, эл-юрт олдида ошкор тортинмай узоқ ўпишдилар. Ҳали қолмаган муҳаббат, навқирон юрак муҳаббати кўзларида чақнарди, айрилиш истамасди. Ана шунда Муҳаррам Рашиднинг кўзида илк марта бир томчи ёш кўрди: демак, унга ҳам оғир. Ахир, улар уч ойлик бирга ҳаётни никоҳ тунининг лаззатидек тотли кечирдилар-да!

Мана ўша ҳар қарашидан ҳаёт барқ урган, қалби муҳаббатига тўймаган Рашид, энди унинг қаршисида сўлиб, сарғайиб ётади.

Муҳаррам ўпкасини тутиб ололмасди. Қаёқда экан шунча ёш сабил!

— Нега йиғлайсан?— деди Рашид.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўзим. Сизни омон кўрганимдан. Севинчимдан.

Рашид аранг туриб ўтирди. Қавм-қариндошларни, ёру биродарларини сўради, Тошкент ҳаётини, янгиликларини суриштирди. У руҳан тетик эди. Қизиқчилик қилишга, Муҳаррамни кулдиришга тиришарди.

— Бу яхши бўлиб қолганим. Бир ҳафта бурун кўрсанг, тушингда чўчирдинг. Ўн куп беҳуш ётибман. Икки марта операция қилишди. Кечалари оғриқдан ухлолмасдим. Икки-уч кундан бери уйқум яхши. Сени ўйлайдиган бўлиб қолдим. Кеча тушимга кирган эдинг. Келаётган экансан — шунинг учун тушимга кириб юрган экансан.

Муҳаррам қаёқдан келаётганини, қаерга тушганини айтиб берди.

— Элмурод асл йигит. Мен ундан миннатдорман. У майдондан олиб чиқмаганида, эҳтимол, иккинчи бир дайди ўқ побуд қилиб кетармиди,— деди Рашид.

— У сизни олиб чиққанини менга айтгани йўқ.

— Нима деб айтади сенга. «Миннатдор бўл, эрингни олиб чиқдим!» десинми? Уят бўлмайдими! Уни батальонни қуршовдан олиб чиққанида кўрсанг эди: қовоғидан қор ёғади-ю, қалбида солдатга бир тиканни раво кўрмайди. Қалай, қизи арзигудайми?

— Арзийди. Қувноқ. Ўзи ҳам Элмуродни бирам севади, асти қўяверасиз. Соясига кўрпача солади.

— Элмурод ҳам йигитларнинг сардори-да! Майли, иккови қовушсин. Мен қиз бола бўлганимда ундан бошқа ҳеч кимни севмасдим.

— Қиз бола бўлиб севиш шартми? Қадрдон дўст бўлишингиз мумкин.

— Албатта. У билан дўстлашишни кўнглимга тугиб қўйдим,— деди қопсиз, юпқа лабларини пирпиратиб Рашид, кейин хотинига мамнун термилди:

— Келиб яхши қилибсан, Муҳаррам!

— Шунчалик соғинганмидингиз?

— Бўлмаса-чи! Бир маҳаллар қадрига етмаган шунчаки суҳбатларимиз ҳам, фронтга тушибманки, жуда тотли, мароқли, ажойиб бўлиб эсланади. Ўша хушбахт, беташвиш вақтларимизнинг қадрига етмаганимизга ачинаман энди.

— Нега, қадрига етардик шекилли?

— Йўқ, етмас эканмиз. Ўзимизча етамиз деб ўйлар эканмизу, аслида кўп вақтимизни арзимаган нарсаларга сарф қилиб юборар эканмиз. Энди ундай ўтказмаймиз.

Шундай яшаш керакки, Муҳаррам, яшашингдан кишиларга наф бўлсин. Баъзи кишилар эллик йиллаб яшайди-ю, бир кичик булбулча ҳам элга нафи тегмайди. Ахир шу кичик қуш ҳам ўз хуш овози билан кишиларга беихтиёр роҳат бахш этади-да! Йўқ, Муҳаррам, фронт менга кўп нарсани ўргатди, ўзига хос бир мактаб бўлди,— деди Рашид юрагини бўшатиб ва эртасига уни:

— Муҳаррам, кеча сен кетгач, ўйлаб боқсам, сени ҳеч қачон ҳозиргидек севмаган эканман,— деб кутиб олди.— Лекин сабабини билмайман. Йўқ, йўқ, биламан, юрагим билан ҳис этаману, тилим билан айтиб беролмайман. Ишон! Ишон!— деди тез-тез ва Муҳаррамнинг узатилган қўлини лабига олиб бориб, узоқ ўпди, кейин қўйиб юбормай кўкрагига босиб ўтирди.

У бугун жуда ҳам файласуф бўлиб кетган эди. Унинг гапидан ҳаётга тўймаганлик, ўтган умридан қаноат ҳосил этмаганлиги кўриниб турарди.

— Биласанми, Муҳаррам, ҳаёт нақадар гўзал! Йўқ! Йўқ! Сен уни мен билганчалик бутун салобати ва теранлиги билан билмайсан. Унинг кўркини мен қалбим кўзи билан кўриб турибман, туйиб турибман. Фронтга тушиб, душманнинг бақа ранг шинелини кўрганимдан буён, унга қарата биринчи марта ўқ узганимдан буён ҳаёт менга янада кенгроқ, мазмунлироқ, кўркамроқ кўрина бошлади, унга бўлган меҳрим ошди, энди менинг ҳаётга нисбатан ўз режаларим бор. Соғайиб оёққа турай, бу режалар ўз самараларини кўрсатади, ҳа, кўрсатади. Фақат тузалишим керак. Бунга шубҳам йўқ. Албатта тузалишим керак. Нима дединг, Муҳаррам, кечагидан яхшиман-а? Руҳим енгил.

— Албатта!— деди Муҳаррам унинг кўнгли учун, Аслида унинг алаҳлагандек бунчалик сергаплигидан ташвишда эди.

— Демак, эртага бундан ҳам яхши бўламан,— у кўкрагидан Муҳаррамнинг қўлини олиб яна ўпди.

Муҳаррам томоғига тиқилиб келган ҳўнграшни аранг тутиб турарди, кўзи тўла ёш эди. Рашид буни кўрмай, унинг қўлини панжаларида сиқиб, босиб-босиб ўпарди. Улар турли-туман мавзуда узоқ гаплашдилар. Ҳар соҳада Рашид файласуф эди.

Улар суҳбатлашар экан, чўққи соқол бошлиқнинг ўзи икки марта эшикдан қараб кетди. Учинчи келишида, кўзойнагининг устидан қараб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бугунга етади. Эртага ҳам қолсин!— деб кулди, Муҳаррамни омонатгина аста қўлтиқлаб олиб чиқиб кетди.

Муҳаррам бошлиққа миннатдорлик билдириб, хайрлашди. Эртасига Зебо билан келди. Лекин бу гал бошлиқ кечагидек узоқ ўтиришга рухсат этмади. Шу кечаси Рашид ўзини ёмон ҳис қилди. Тепасидан ҳамшира аримади. Навбатчи врач бот-бот хабар олиб турди. Кундузи консилиум ўтказдилар. Дори-дармон қилдилар. Бари бир кечга бориб, яна айнади. Бошлиқ уни Муҳаррамга билдирмади. Ҳамшираларни ҳам таъкидлаб қўйди. Тушдан кейин келган Муҳаррамни эшикда қарши олиб, палатага бошлади-ю, йўлда кета туриб узоқ ўтирмасликни, кўп гапга солмасликни таъкидлади:

— Шу ерли бўлганингизда, албатта, ҳар куни киритмасдик. Узоқдан келгансиз — на чора!

— Раҳмат!— деди Муҳаррам.

Бошлиқ айтгандек Рашиднинг олдида узоқ ўтирмади. Рашидда қандайдир ўзгариш борлигини сезди-ю, сўрашга ботинмади. У сўзида кечагидек тетик эди. Қўлларини кафтига олиб силаб ўтирди, ҳар кунгидан кўп кулди. Муҳаррамга тегишди.

— Киши ориқласа, муҳаббати сусаяди деб юрардим. Бекор экан. Ориқлаган сарим сени яхши кўриб кетяпман. Кўз тегмасин-да, ишқилиб. Ёки мени ташлаб кетаётганинг учун шунақамикан? Ташлаб кетасанми?

— Қаёққа? Ҳали анча бўламан. Сизни ташлаб қаёққа борардим?!

— Сенсиз яшай олмайман дегин!— кулди ҳазил қилиб Рашид.

Муҳаррам кетишга турар экан, Рашид кулиб:

— Хайр! Эрталаб барвақтроқ кел. Тағин соғиниб қолмай,— деди.

Тунга бориб яна оғирлашди, алаҳлай бошлади. Кимнидир чақирди, йиғлади. Ўлим билан узоқ олишди. Ҳаётга, Муҳаррамга бўлган муҳаббати ўлимга халақит берар, уни даф этар эди, ахир муҳаббат ҳаёт демак-да! Тонгга бориб жони узилди.

Эрталаб келган Муҳаррамни таниш ҳамшира хомуш кутиб олди. Машъум хабарни эшиттирди... Муҳаррам ён томондаги креслога яшин ургандек гуп этиб тушди, бир неча дақиқа қимир этмай ётди, фақат икки елкаси пир-пир учарди, «пиқ-пиқ» йиғларди. Ҳамшира сув келтириб ичирди. Оёққа турғизди. Қарши кабинетдан чиққан врач олиб

кириб кетди. Овутмоқчи бўлди. Аммо унинг гаплари Муҳаррамнинг қулоғига кирмасди. Ўлим бутун даҳшати билан вужудини, фикри ўйини босиб ётарди. Қайноқ кўз ёшлари билан юзларини ювди, айрилиқ оташида ўртаниб ёнди. Ёнди-югурди. Бироқ уни Тошкентга олиб кетиш иложини қилолмади. Уруш бу ерда ҳам халақит берарди. Госпиталга келди — йиғлади, Зебоникига борди — йиғлади. Ноилож, учинчи кун уни шаҳар ўртоқлик мозорига кўмишга кўнди. Зебо билан унинг онаси Муҳаррамни қўлтиқлаб қабристонгача борди. Госпиталь бошлиғи қисқагина нутқ сўзлаб, хайрлашди. Муҳаррам, Зебо ва она — учаласи қош қорайгунча қабр тепасида қолдилар. Шом қоронғисида Муҳаррамни қўлтиқлаб тургизар эканлар, у илик- иликларидан дармон кетиб, йиллаб ётган касалдек беқувват эканини ҳис этди. «Сени ташлаб қандай кетаман, Рашид. Ёнингдан жой бер менга ҳам, Рашид!» деб Муҳаррам унинг қабрини қучоқлади. Ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади. Унга қўшилиб Зебо ҳам йиғлади, она ҳам йиғлади.

Икки кундан сўнг Рашиднинг «Жасурлик учун» медалини «Хотира!» дея ардоқлаб сумкасига солди-да, Тошкентга жўнади. Унинг вужудигина кетарди. Бутун фикри-ўйи бу шаҳарда эди. Зебо билан хайрлашаркан:

— Қабрига бориб туринг, Зебо! Баҳор чечакларидан бебаҳра қолмасин!— деди ва уни қучоқлаб ўпди.

У, пароход йироқлашиб кетган сари бу қирғоққа суқлироқ боқарди. Денгиз эса унинг қалбидек бетиним чайқалар, пароход бортига ўзини урар эди.

XI

Душман манглайидан мушт еган кишидек ҳамон орқасига бетўхтов тисарилиб борарди. Баъзан ўзини ростлаш учун марраларга жони жаҳди билан ёпишар, аммо бу ҳаракати бенаф кетар, зўр талафот бериб чекинарди, ўликларининг сонини камроқ кўрсатиш мақсадида ўн-ўн бештасини бир хандақка жойлаб, устига фақат бир ёки иккитасининг номини ёзиб, крест қўяр, крест устига эса каска илар эди. Буни кўрган Мурзин аввалига «фашистлар кучини атайин орқага йиғиб олянти, пайт пойлаб ҳамла қилса-я» деб ўйлади. Бир қишлоқда бу сирнинг очилиши уни ҳайратда қолдирди. Бондарь буни «немисча ҳисоб-китоб» деб атади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳужум авжида. Суғурилган қилич қинига солинмай, бир станцадан иккинчисига кириб борилади. Авиациямиз ҳужумидан фашист гарнизонлари оти олиб қочган аравадек ирғиб-ирғиб тушади. Танк қисмларимиз душман кутмаган ерда унинг орқа томонида пайдо бўлиб қолади, эсанкиратади.

Батальон Н. шаҳри учун бўлган бир ҳафталик жангда фаол қатнашиб, шаҳарга биринчилар қаторида кириб борди. Полк командири майор Следов бир кеч батальонни табриклагани штабга кириб келди-ю, «Иккинчи эшелон етиб келгунча шаҳарда бўласиз» деди. Бошқа бўлинмалар тонгдаёқ йўлга тушди. Батальон шу қолганча бир неча кун шаҳарда туриб қолди.

Горкунов ўғлидан хат олди. Мундоқ суриштирса, ўғли хизмат қилаётган қисм шу фронтда, қўшни қисмлардан бирида экан. Анчадан бери хат олмаганиданми ёки шу яқин қисмда бўлганиданми, ўғлини жуда-жуда кўргиси келиб қолди. Турдиев уни қувватлади.

— Ора яқин экан-ку, бориб келмаймизми?

Горкунов яна ҳам дадиллашди. Ракитин олдига кириб ижозат сўради. Ракитин рухсат этиб, қаёққадир кетаётган штаб машинасига Турдиев иккаласини солиб юборди.

Горкунов ўғлини кўриб таний олмади. Тўлишган, фируза кўзлари жасорат ва йигитлик ғурури билан ёнади. Ҳарбий форма қуйиб қўйгандек ярашган. Ҳарбий маҳоратининг гувоҳи бўлиб, кўкрагида «Жасурлик учун» медали порлайди. У отасига аввалгидек гўдакларча ташланмади, олдига яқинлашиб келди-ю, честь бериб: «Салом, ота!» деди, сўнгра унинг кенг қучоғига ташланди. Болалик чоғи ёдига тушиб кетди шекилли, уни қўлтиқлаб олди. Бир оздан кейин икки ўғил, бир ота оз-оздан ароқ ичиб овқатланишди. Бу орада гаплашилмаган гап қолмади. Турдиев билан Миша Горкунов дарров иноқлашиб кетган, бир-бирини сенсираб гаплашишарди. Бундан ота жуда хурсанд, «юлдузи ўнг тушди иккисининг» деб ич-ичидан қувонар эди.

Миша уларни анча ергача кузатиб қўйди. Лекин отанинг яраси тирпалган эди. Тупи билан тузуккина ухлолмади, нуқул Миша кўз олдига кела берарди. Эрталаб яна Ракитин олдига кириб борди:

— Ўртоқ комиссар,— деди у,— кечирасиз, яна бир илтимос билан келдим.

— Марҳамат!— қулоқ тутди Ракитин.

— Ўйлаб қарасам, ўғлим билан икковимиз икки қисмда бўлолмайдиган кўринамиз энди. Бир кун ўтмай соғиниб қолдим. Иккаламизнинг бир қисмда бўлишимизнинг иложи йўқми, ўртоқ комиссар?

— Нега иложи бўлмасин, бор! Лекин уни бу қисмга чақирамиз-да, а? Ё сиз ўзингиз кетмоқчимисиз,— кулди комиссар.

— Йўқ! Йўқ,— деди шошиб қолган Горкунов,— уни чақирсак.

— Бўлмаса ўғлингизнинг бизнинг қисмга ўтказилишини сўраб штаб номига бир рапорт ёзинг. Мен тезлатиб бераман.

Қувониб кетган Горкунов бехтиёр ўғлини мақтаб қолди:

— Юзингизни ерга қаратмайди, ўртоқ комиссар.

— Сизнинг ўғлингиз бўлганидан кейин... Отасининг боласи-да!— кулгига олди Ракитин.

...Горкунов узоқ кутмади. Батальон шаҳардан чиқиб кетгунча бир куни кечқурун ўғли Миша кириб келди. Отасига қўл узатар экан:

— Мана сени топиб келдим, энди ҳеч ажралмаймиз,— деди у.

— Албатта.

Бир шинелни остларига солиб, иккинчисини устларига ёпиб ётар эканлар, Михаил отасининг кўкрагидаги Қизил Юлдуз орденини кўриб сўради:

— Ота, Георгиевский крестинг қани?

— Нима қилди?

— Тақиб олмайсанми? Бизда ҳамма тақиб юрарди. Рухсат берилган.

Горкунов Георгиевский крестини 1916 йилда рус-герман урушида бир немис офицерини штаб ҳужжатлари билан асир туширганда олган эди. Бир қанча вақт тақиб юрди-ю, кейинчалик эриш кўринди. Пичинг ташловчилар ҳам топилиб қолди. Аллавақтгача Михаилга эрмак бўлди, ленталари титилиб кетди. Кимдир унга бошқа лента қилди. Нима бўлди-ю, фронтга жўнар олдидан рус-герман урушини эслади, крестни қўлига олиб ўйнаб ўтирди. Йўлга чиққанда бундоқ қараса чўнтагида. Шу-шу ёпида олиб юрарди. Баъзан ташламоқчи ҳам бўлди. Лекин немис офицерини қўлга тушириш машаққатлари ва меҳнати кўзига кўриниб кетиб, ёнига солиб қўйди, ўғли шу крестни сўраган эди. Горкунов крестни солдатлик медалини билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирга шимининг кичик чўнтагига солиб қўйган экан, қўлига олиб, кўздан кечирди. Узоқ ўтмишнинг қаҳрамонликлари шу бир парча маъданда акс этгандек бўлди. Ўша жанг майдони кўзига кўриниб кетди.

— Буни олганимда сен ҳали фақат ёшлигимнинг орзуси эдинг.

— Ўша вақтда неча ёшда эдинг?

— Ҳисобла,— деди Горкунов,— ўн олтинчи йилда эди. Сендай кучга тўлган, ерга урса кўкка сакрайдиган пайтим эди. Мана бугун сенга боқиб, ўша вақтдаги ўзимни кўряпман...

Улар эрталаб уйғонганда, батальон сафарга чиқиш учун буйруқ олган эди. Турдиев понушта келтириб, уларни кутарди. Горкунов взводини тўплаш учун ташқарига чиқар экан, «Миша!» деди. Бу чақиришга Турдиев ҳам, Михаил ҳам ялт этиб қаради, Горкуновнинг Мамажон Турдиевни ҳам Миша дейиши ёдига тушди-ю, кулиб «Миша Горкунов!» деди.

— Сен менинг сафар халтамни ол.

Горкунов старший сержант унвони билан взвод командири бўлса ҳам, нима учундир сафар халтасини қўймас, Турдиев халтанинг командирга ярашмаслигини айтиб, ўзиникига қўшиб, кўтариб юрар эди.

— Йўқ, бермайман,— деди Турдиев кулиб,— энди биз ўғилликдан тушдикми? Чин ўғил келдида-а?

— Йўқ, йўқ, мутлақо. Сен ҳам ўғлим, у ҳам ўғлим. Бошида ҳам айтганман-ку, ўғлим иккита бўлди деб. Гап битта. Иккаланг икки қўлтигимга кирганингдан кейин ким мени сенлардан ажрата олади? Ҳатто ажалнинг қурби етмайди. Мишага ҳам бер, у ҳам кўтарсин дейман, холос. Кўнглингга олма. Қиёматлик ўғлимсан, буни асло унутма! Мен ҳали урушдан кейин сенинг қишлоғингга бормоқчи, тўйларингда ҳам оталик қилмоқчиман-ку, сен дарров, мени айнади деб ўтирибсан.

Турдиевнинг кўнгли ёришди. Лабида табассум пайдо бўлди. Горкунов ташқарига чиқар экан, сафарга отланаётган Турдиевнинг кифтига қоқди:

— Шундай ўғлим, бизнинг ота-болалигимизни, сенларнинг ота-инилигингни,— у Миша Горкуновга қаради,— бузадиган куч дунёда йўқ, бунга сен амин бўл!

Батальон сафланиб, катта тош йўлга чиққанда қуёш ялангоч дарахтларнинг соясини ўзидан икки-уч марта узун кўрсатарди.

Йўлда ҳаракат гавжум. Сувдонидан оппоқ буғ уриб юк машиналари фронт томонга узлуксиз оқади. Юки оғир, устига брезент ёпилган. Баъзан виллис ўқдай учиб ўтиб қолади. Қор аралаш муз қипиқлари орқасидан чирпирак бўлишади. Тўп тортган отларнинг тўпиқларида муздан шокила. Югурган сари қўнғироқ бўлади. Гоҳо қорнида крест аломати бор машиналар орқа томонга визиллайди. Ярадорлар терлаган ойнани артиб қарашади. Чанага юкларини ортиб қишлоқларига қайтаётган аҳоли ҳам саноқсиз.

Атроф очиқ. Бу ерлардан минг-минглаб аскарлар, фашист даҳшатидан қочган кишилар ўтганлар. Гулханлардан, кул, тамакилардан қолдиқ қолган. Танкка қарши қазилган зовурлар, хандақлар снаряд, бомба зарбидан пайдо бўлган чуқурлар қанғиллаб ётибди. Йўл ёқасида отлар ўлиги. Арава ва танклар изи ернинг бетида ғамдан бевақт тушган ажинга ўхшайди. Ана, куйиб тушган душман самолёти ҳамон ётибди. Қанотидаги крестининг бир томонини қора тутун кўмиб юборибди. Ана бирини трактор пичачини судраган чумолидек, тортиб келяпти.

Батальон эртаси тун ярмида полкка келиб қўшилди.

Бўлинмалар тонгда ҳужумга кўчиш ҳақида буйруқ олди. Аллақаёқдан пайдо бўлган «Катюша» душманни ўққа тутди. Бу жангчиларимизни яшнатиб юборди. Кимдир душман томонни кўрсатиб: «Қара, қара, ҳўли қуруқ баравар ёпяпти, ўт кетди!» деди. Ўзга бир жангчи салмоқлаб: «Ўпкалама, сенга тегишлиги қолади. Гранатангга запал солавер!» деди. Гитлерчилар жуда шошиб қолган эди, уларнинг ваҳимага тушиб қичқиришлари, «Шварц тод»[1] отяпти деб бир-бирларига жон ҳолатда тушунтиришлари шундоқ эшитилиб турарди. Сал ўтгач «Катюша» яна сайраб қолди. Унинг товуши аввалгидан ҳам ёқимли эшитилди. Айниқса бир текисда «гув-гув-гув» қилиши руҳингни кўтариб юборади. Унинг кетидан тўп, замбарак ва миномётлар ҳалқумларини юқори кўтариб, наъра торта кетди...

Батальон штабига батальон партия ташкилотининг секретари Борисов кирди. У кейинги жангларда анча қорайган, бир оз гўшт қочирган бўлса ҳам тоғ шамоллари, жанг суронлари ўзининг тоблаш муҳрини босган.

---

[1] Немисчада «қора ажал» дегани. Немислар «Катюша»ни шундай деб атардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У лекция учун батальон агитаторларининг тўпланганини хабар қилди. Ракитин стол устидаги планшетини олиб штабдан чиқди. Нима учундир душман томонга кузатув кўзи билан қараб қўйди, кейин Борисовга мурожаат қилди:

— Бугун жуда ҳам бетинч кўринади фриц!

— Яраланган-да. Яраланган ҳайвон серғазаб бўлади.

Улар ертўлага кириб борганда ҳамма агитаторлар тўпланиб бўлган, ҳазил-мутойибага кўчишган эди. Яқиндагина агитатор бўлиб тайинланган Мамажон Турдиев ҳам бир четда бир қорақалпоқ йигити билан гаплашиб ўтирарди.

Комиссар агитаторлар билан илиқ саломлашди. Кўп куттирмай фронтдаги ўзгаришлар ва ҳарбий техникамизнинг ўсиши ҳақидаги лекциясини бошлаб юборди. Лекция ярмига яқинлашиб қолган эди ҳамки, устма-уст икки мина тушиб, ертўланинг шундоқ оғзида портлади. Ундан кейингиси билан ертўла ўпирилди. Шам ўчди, сукут чўкди. Кимдир оқсоқланиб ертўладан чиқди. Бондарь атакага кўчиш муддатини айтиб, Ракитинга хабар келтирди.

— Ҳамма жой-жойига!— тезда буйруқ берди Ракитин.

Жангчилар шошилиб тарқалар экан, кетма-кет полк штаби томондан кўк ракета учди. Бу атака сигнали эди.

— Олға, душман устига, олға! Ватан учун, олға!— деди Ракитин ва лекцияга йиғилган жангчиларни бошлаб атакага кириб кетди.

Қисм тонг билан қишлоққа кириб борди. Кўчалар тўла ўлик... Куйиб бўлган бинолардан тутун бурқсайди, баъзиларида олов ҳамон илон тилларини кўкка чўзиб, зўр иштаҳа билан қамрайди. Мойланган тупуқаларнинг жизғиғаги димоғ ўртайди.

Қуёшнинг биринчи нурлари билан аҳоли кўчага чиқди. Улар жангчи, офицерларни қучоқлашади, ўпишади, кимдир йиғлайди. Кўз ёшлари билан қаршисидан чиққан жангчининг бўйнига ташланади, ўпади, яна йиғлайди. Яна биров қучоқлаб олган кишисини қўйиб юбормайди. Аҳоли жангчиларни — ўз халоскорларини вайрона кулбаларига, ертўлаларига таклиф этади. Ана бир кампир жангчиларга қараб чўқинади — бу кунларга етганига, ўз кишилари билан омон-эсон дийдор кўришганига шукур қилади. Танк ва моторлаштирилган қисмларимиз душманнинг изидан кетган... Узоқларда гумбурлаган овоз тинмайди.

Ракитин ўзи билан бирга қишлоққа кирган учинчи ротадан келар экан, душман пулемётини орқалаб келаётган Турдиевни учратди.

— Табриклайман, ўртоқ Турдиев. Бугунги ишингиз коммунистчасига бўлди. Шу пулемётмиди?

— Шундай, ўртоқ комиссар!

— Қачон ўрганган эдингиз?

— Мудофаада ётганимизда ўртоқ Йўлдош Отаев ўргатган эди. Шу бугун иш бериб қолди.

Бугун жанг пайтида бир чердакдан немис пулемёти тариллаб, катта кўчани тўсиб қўйди. Взвод ётиб қолди. Уни маҳв этишга йўлланган икки жангчи ҳалок бўлди. Ўзга киши юборилди. Лекин улар сал юрмай, чердакда автомат тариллади, бир оздан кейин пулемётнинг оғзи душман томонга бурилиб, ўқ соча бошлади. Шу вақтгача пулемёт паноҳида қарши ҳужумга ҳозирлик кўриб, қаршилик кўрсатаётган душман эсанкиради, чекинди, взвод илгарилаб кетди. Кейин билинса, пулемётчиларни ўлдириб, пулемётни ишга солган Турдиев экан. Унинг қанақа қилиб чердакка чиққанини ҳеч ким билмайди, сўрасалар, «шундоқ чиқиб бордим» деб лоқайдгина жавоб қайтарибди.

— Энди пулемётни қаёққа олиб кетяпсиз? Музейгами?— сўради Ракитин кулиб.

— Музейга қўйиладиган бўлгунича ҳали анча иш бериши керак. Отаевнинг олдига. Шамоллабдими, пиқ-пиқ қилади-ю, ишламайди. Бир кўриб берсинлар.

— Оғзини мойлаш керак эди. Немис амалдоридек порахўр бўлмасин,— кулди яна Ракитин уни кўздан кечириб.

— Мойладим, бўлмади.

Ракитин кулди. Кейин Турдиевнинг қаршилигига қарамай, пулемётни кўтаришиб жўнади.

XII

Бондарни симсиз телефон дейишлари бежиз эмас. Фронтда бутун янгилик гўё у орқали ўтади. Фашистларнинг Сталинградда узил-кесил тор-мор келтирилганини ҳам ҳаммадан олдин у эшитди. Гитлер Сталинграддаги мағлубияти учун уч кунлик мотам эълон қилганда-ку, у терисига сиғмай кетди, «Полундра!» деб, ертўлаларга кириб борди, гўё ўзи иштирок қилиб келгандек аллакимлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг қаҳрамонликларини бичиб-тўқиди, оғиз кўпиртирди. «Урушмоқ бундоқ бўлибди» деб кеккайиб қўйди.

— Биласизми,— деб баъзан гап бошлайди,— Сталинградда асир тушган бир душман генерали совет офицерига ханжарини тақдим қилибди-да, кетидан бир хат ҳам узатибди. «Бу нима?» деб сўраган экан офицер, генерал. «Энди сизлар бир ҳафтадан кейин Берлинда бўласизлар, шуни хотинимга бериб қўйсангиз, хавотир олмаса» дебди. Рост гап, ишонмасангиз ўзидан сўранг.

— Ўзи қаерда?— деб кулишади жангчилар.

— Бизда, совет нонини еб ётибди. Ҳа, айтгандек, улар Сибирни жуда яхши билишар экан, биттаси «Сибирда совуқ печа даражагача боради?» деб сўрабди. Ўша ёққа ишга юборади деб ўйлагандир-да? Ҳа, фриц, Сибирнинг совугини суриштириб нима қиласан, ўзинг ундан ҳам совуқсан-ку!

— Шу кунларда Гитлернинг ошпази тоза диққат десанг-чи!— деди бир оздан кейин яна Бондарь, кулгили нарса айтишга илгаридан шама қилгандек мийигида кулиб.

— Нега?— дейишди қизиқиб жангчилар.

— Сталинграддан кейин Гитлер иштаҳадан қолибди, унинг оғзига ёқадиган таом қилиш ўнғайми!

Сталинград ғалабасига бағишланган митинг қисқа бўлди, лекин жангчиларда зўр таассурот қолдирди.

Ракитин митингдан қайтаётиб кулди:

— Ажабо, буржуа тарихчилари бу ғалабани нима деб қайд қилар экан?

— Албатта совет тузумининг ғалабаси демайди,— Элмурод ҳам кулиб жавоб қайтарди.

— Бу-ку, тўғри, Бородино жангида французларнинг енгилишига сабаб қилиб нимани кўрсатганларини биласизми? Гўё ўша куни Наполеон тумов бўлиб чиққанмиш!

— Бўлмаса, Гитлерга ҳам баҳона топишади.

Шу митингда Мурзин ҳам бор эди. Роса қулоқ солиб тинглади. Қалби тубида қандайдир куч уйғонди. Ўтирган ўрнига сиғмай, вазмин қимирлаб қўйди. Қуршовдан чиққандан бери ўтган умрига кўз ташлади. Бир талай вақт ўтибди. Орқасига қараса ҳужум бошланган тоғ этаги кўзга кўринмайди. Бу орада кўп одам текисликдаги тепадек ялт этиб кўзга ташланадиган бўлди, Элмуродни яна бир орденга тақдим этган эмишлар. Генерал тақдим этган соатга қараб иш тутади, Данильченко берган дурбин билан

майдон кузатади. Обрўйи шахт. Кечагина келган Ракитиннинг номи ҳам ҳадемай, оғизга тушди, обрў орттирди. Сиёсий раҳбар деган командир ишлари билан унчалик қизиқмасди. Йўқ, бу ҳаммасини билади. Пайт топди дегунча лекция ўқийди. Тайёрланишга қаёқдан вақт топар экан? Яна лекциялари бир-бирига ўхшаса ҳам майли эди! Келтирган мисолларига ҳайрон қоласан. Очиқ осмондан ёмғир ёққандек, кутилмаганда ажойиб мисол топади. Баъзан ичак узилгундек кулдиради.

Булар-ку, майли, ўқимишли, анча тажрибали кишилар, Турдиев-чи! Қуёш сели остида ҳансираган ўлкадан келган бўшгина йигит эди. Бурни билан ер кавлаганини ҳали ҳангама қилишади. Энди-чи? Ой ҳам, кун ҳам унга боққан. Чаққон, ёвқур жангчи ҳақида гап борса, ҳамма унга қарайди. Унинг яримта-юримта гапи ҳам барчага ёқади. Шу бола ҳам шуҳрат таратди-да! Нега Мурзиннинг иши ҳеч ривож топмайди? Жон-жаҳди билан ротасини қўлда тутади. Лекин нимагадир орқаворотдан меъдага тегадиган гап ҳам эшитади. Сабаб? Нега уни ҳеч ким тилга олмайди? Кўкрагида бирорта медаль ҳам йилтилламайди! Лекин олса ҳам Элмурод сингари чўнтагида эмас, кўкрагида савлат тўкиб тақиб юрарди. Тақиш учун беради-да!

Шуларни ўйлаб, Мурзиннинг иззат-нафси роса пишиб, ерга тушган тутдек эзилиб кетди. Сталинград ғалабаси билан қалбида уйғонган ғурур аллақандай қаҳрамонликка ундовчи ички куч Элмурод, Ракитин, Турдиев ва умуман, батальондаги кўзга кўринган кишиларга нисбатан ҳасадга айланди. Нега энди Мурзин бир қаҳрамонлик кўрсатиб, ҳамманинг оғзига тушмайди, донг тарат майди!

Мурзин ўтирган ўрнида ўзини ҳар нарсага қобилдек тасаввур этди. Руҳи ёришиб, кўзлари чақнади. Кимлар сўзга чиққанини ҳам эслолмади. Чўнтагидан папирос чиқариб, лабига қўндирди-да, фасон зажигалкаси билан туташтирди. Ҳалқа-ҳалқа қилиб тутун таратди, кайф қилди. Қалби нимагадир ошиқарди. Аммо нимага? Унинг кўз олдига қандайдир жанг майдони келарди. Ҳамма нарса тахт. Фақат унинг амрига илҳақ. У бир имо билан иш бошлаб, ёвни тумтарақай қилади, барча унга қойил қолади, офарин дейди. Шу маҳал қўлида қандайдир орден билан генерал келади, уни қучоқлаб ўпади. Кўксига орден тақади. Ана шон-шарафу, ана довруқ! Ана шунда Анна Ивановна ҳам уники бўлади!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ширин хаёллар тўлқинида эпткккан Мурзин митингдан маст кишидек ротасига қайтди. Горкунов командирлигида берилган янги взводни кўздан кечирди. Бу взвод кечаги жанг талафоти эвазига ротани тўлдириш учун берилган эди. Кекса жангчи Горкуновнинг унинг ротасига ўтиши Мурзинни жуда ҳам қувонтириб юборди. Юрагидан офтоб чиқди. Горкунов билан унинг ўғиллари Миша ва Турдиевнинг ўтганларини айтмайсизми? Жанг кўрган, уддабурон бу кишилар билан нима ишлар қилиш мумкин эмас. Горкуновда бир дунё тажриба! Анов герман урушини кўрган, Пархоменко билан гражданлар урушида майдон кезган! Миша ҳам отасининг боласи! Турдиев ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, унинг шуҳрати ҳали авжида!

«Марра меники,— деди ўзига-ўзи Мурзин,— жангчиларнинг қарчигайи менда. Душман энди туриш бериб бўлибди. Шер ҳамласига қуён бардош берарканми!»

Унинг назарида қаршисидаги душман жуда заиф, фақат бир-икки чўқилашишга ярайди-ю, кейин қишлоқни ташлаб чиқадигандек, шу билан Мурзинга шон-шуҳрат орттирадигандек кўринади.

Мурзин шу ўйда ротасини бошлаб, батальон кўрсатган позициясига жўнади. Буйруқ бўйича, Мурзиннинг ротаси кичик кўлни айланиб, хуторнинг ғарби-жанубига чиқиши керак эди. Бошқа бўлинмалар ҳам алоҳида маршрут билан шу хуторни қуршаши керак. Жангчилар тили билан айтганда «Кичик Сталинград» қилинишни мўлжалланган эди. Бу хутор катта йўлдан анча четда бўлиб, дивизиянинг умумҳужум планига кирмаган, «душман асосий пунктлардан сурилгач, уни ўзи ташлаб кетади» деб тахмин қилинган эди. Йўқ, душман ундай қилмади. Туриб олди. Аҳолининг берган хабарига қараганда нуқул эсэслар эмиш. Буни разведка ҳам тасдиқлади.

Мурзин ротасини жадаллатиб кетди. Привал ҳам қилмади. Мўлжалдан бир соатлар илгари тайинланган ерга етиб келди. Наридан-бери окоп қаздириб, разведка уюштирди. Ротасини кўздан кечириб, уни бугунгина тўлдирилгани, қуролларининг шайлиги, ҳар қачонгидан кўра бақувватроқ эканига ўзини ишонтирди. Шундан кейин уни душман кучи ҳам ортиқча қизиқтирмай қўйди. Взвод командирларини йиғиб, ҳужум учун буйруқ берди. Сал ўтмай ҳужум бошланди. Душман аламзадалик билан қаршилик кўрсатди. Илгаридан тайёрлаб қўйган ўт нуқталаридан ўқ ёғди. Шунга қарамай, бўлинмалар шиддат билан олдинги қаторни ёриб ўтиб, хуторга кирди. Аммо рота ўз ҳужумини кенг ёя олмади. Атайин ўртани очиб берган душман ҳамма ёқдан ўққа тутди. Айниқса, биринчи бўлиб хуторга кирган Горкунов взводи ўт ичида қолди. Бошқа бир взвод ўзини аранг ярим-ёрти қутқариб қолди.

Мурзин ихтиёридаги резервни ишга солди, бўлмади. Хуторга кирган взводлар бош кўтаролмай ётиб қолди. Қирғин бошланди. Мурзин командирлик пуқтасини қўлидан чиқарди. Талафот катталиги ҳақида хабар келди. Бир взвод командири зўр ҳамла билан душманга ташланиб ҳалок бўлди, взводи деярли қирилиб битди. Мурзиннинг юраги увишди, эсанкиради. Бошини икки қўли орасига олиб узоқ ўтириб қолди. Хуторда ҳамон отишма борарди. Бир маҳал Горкуновни Миша билан Турдиев кўтариб чиқди. У оғир яралар бўлган, рус солдатига хос жасорат ва ирода билан ярасига бардош берар эди. У ҳеч нарса демади, фақат Мурзинга узоқ тикилди. Балки унинг ўзбошимчалигини пайқаган, уни тўғри йўлга солмоқчи ва ўринсиз қурбон бўлаётганини айтмоқчи бўлгандир. Лекин у, солдатга хос сўз қайтармасдан, ҳар қандай буйруқни ўташга ўрганган жангчи бўлгани учун чурқ этмади. Ўғиллари Миша ва Турдиевга ўйчан кўзлари билан узоқ тикилди. Пешоналаридан ўпди, икковини икки бағрига олиб, «Биз келган йўлни давом эттиринг, истиқболингиз тўғрисида ташвишланмай хайрлашаман. Коммунизмни қуринглар» деди ва уларнинг кафтларини бирбири устига қўйиб, ўзининг кучли кафтлари билан маҳкам сиқди. Жон берди. Лабида табассум қолди. Турдиев чидолмади, ҳўнграб юборди. Миша отаси устига ташланди, қучоқлади. Қўш ўғил ота тепасида узоқ қолди.

Батальон штаби бутун воқеадан хабардор бўлиб, комиссар Ракитин келганда, Мурзин тўппончасини яланғочлаб, қўлида тутгани ҳолда чуқур ўйда эди.

«Нима қилдим мен? Нима? Қаёқдан бу ўй бошимда туғилди? Энди нима деган одам бўлдим. Қайси шайтон қўлимдан тутди-ю, қалбимга бу ғулғулани солди? Ким эдиму, энди ким бўлдим? Бу гуноҳимни ким кечиради! Шундай куч борми? Йўқ! Йўқ! Тамом! Нафрат манглайимга мангу ўз муҳрини босди. Мен ортиқ тирик эмасман» деган ўйлар билан тўппончани чаккасига тиради. «Тўхта!» деб ҳайқирган Ракитин унинг қўлидан тўппон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

часини олди. У индамай берди, фақат сўниб бораётган чўғдек кичкина кўзларини қуйи туширди.

Шу маҳал Элмурод келиб қолди. Қовоғидан қор ёғар, нафратидан дир-дир титрар, кўкариб кетган эди. Кўзлари ҳар қачонгидан кўра катта очилган, ғазаб билан чақнайди. Нима учундир ўнг қўли кобуранинг устида эди. Унинг авзойи бузуқлигини кўрди-ю, Мурзин бошини сира ҳам кўтаролмай қолди. Чунки Мурзин уни ҳеч қачон шу аҳволда кўрмаган эди. Ҳатто Элмуроднинг шу маҳал тарсаки солиб юборишига ҳам шубҳа қилмай қўйди. Лекин Элмурод қўл кўтармади-ю, титраб бақирди:

— Рота қани? Сенга айтяпман! Рота қани? Нега индамайсан? Жавоб бер, нақ ҳозир шу ернинг ўзида ғажиб ташлайман. Ким сенга жангга кирсин деди?! Айт дейман, айт! Нега бизни кутмадинг? Ҳой, қаҳрамон, сенга айтяпман. Аблаҳ!..

Элмурод титраб сўнгги сўзни айтди-ю, Мурзинни энгагидан аста кўтариб кўзига боқди. Мурзин жонсиз калладай бошини унинг ихтиёрига қўйиб берди, лекин кўзини кўзидан олиб қочди. Элмурод шундай руҳий ҳолатда эдики, нима дейишини билмас, ҳамма сўз ожиздай кўринар эди. Охири бутун кучини, нафратини бир сўзга берди ва тезда аниқ қилиб: «Хоин!» деди. Деди-ю, бутун аламдан чиққандай бўлди. Лекин Ракитин уни ғазабдан ўзини йўқотиб бораётган деб ўйладими, ёнидаги икки жангчига Мурзинни кўрсатиб:

— Олинг!— деди.

Мурзин шу сўздан ўзининг бутун маҳв бўлганини фаҳмлади. Барибир шундай тугайдиган умрни бундан бир неча дақиқа илгари ўзи тамомлаб қўя қолмаганига ўкинди...

Мана энди у назорат остига олинган.

Мурзиннинг фаҳмича, эртагаёқ, суд бўлиши керак. Суд аввало биографиясини сўрайди. Савол-жавоб бўлади. Кейин гувоҳлар чақирилади. Суд, албатта ошкор иш кўради. Ҳамма унинг башарасига қарайди-ю, «жаллод» дегандек бир сўз айтиб юз ўгиради. Унинг нимжон, маъюс товушидан кулади. «Ҳолинг шу экан-ку, ўзбошимча. Ҳа, шунақа, тез юрган бот қоқилади» дейди. Эҳтимол, сўзга чиқувчилар ҳам топилиб қолар. Албатта Элмурод Чикало воқеасини очиб солади. Манманлиги, бошқалардан ажралиб туришга интилиши туфайли ўрта мактабда озмунча дакки емаган, комсомолга кириш учун берган

аризасини бир қанча шартлар билан кейинга қолдирдилар. Бу орада йил ўтди. Зоҳиран тузалгандек, кибриҳавойилиги йўқолгандек кўринди-ю, бир сабаб билан яна фош бўлди. Бу шундай бўлган эди: мактаб эски ўқитувчиларидан бирининг 25 йиллик педагогик фаолиятини нишонлайдиган бўлди. Мурзин ўқийдиган синф ўқувчилари ўша ўқитувчининг катта портретини ишлаб, тақдим этишга қарор қилди. Ҳар ким ўз салоҳиятига яраша иш олди. Мурзинга расм солиш тушди (у анча дуруст расмлар чизарди), икки ўқувчи ёрдамлашадиган бўлди. Расм ўқитувчиси раҳбарликни бўйнига олди. Мурзин бошлаб ёрдамчилардан воз кечди. Ҳеч кимга ҳеч нима демасдан уйда расмни ишлай берди. Синфдошлари рамкани нақшлар билан боплаб, уни кутади. Қани у келса! Охири уйига борган бола «ўз номидан топширар эмиш» деган хабарни олиб келди. Синф коллективидан ажралди. Улар қанча ўртага олмасин, ўзини четга тортди, мағрур тутди, бўшроқ ўзлаштирувчи болалардан кулди, расмларини солиб масхара қилди. Бора-бора ўзи ҳам улардан узилди, ўн йилликни аранг тугатди. Ишлади, артист бўлди. Бу хулқи билан бирон дўст орттиролмади. Юрадиган қизи бу хулқини ёқтирмай, ташлаб кетди. Ёзган сўнгги хатида «тўлқинда қирғоққа чиқиб қолган чавоқсан» деди...

Мурзин қамоққа олингандан буён ўзини таранг тортилган, ҳали замон узилиб кетадиган тордек ҳис этади.

XIII

Йўлдош судга боролмади. Полк штабига учрашиши ва ундан полк омборига ўтиб, байрам олди совғаларини олиш ҳақида интендант билан гаплашиши керак эди. Барча ишини тугатиб, қайтиб келаркан, жангчиларнинг Мурзин ҳақида ўзаро тортишаётганларини эшитди. Қулоқ солди. Бир жангчи бўғилиб ўзиникини маъқуллар, албатта отилиши кераклигини айтарди. Бошқа бири «отиб ташламасалар керак, ҳали ёш» деди шекилли, ҳалиги бўғилиб сўзлаган жангчи яна ҳам тутақиб, ўзиникини маъқуллай кетди:

— Отилади! Албатта отиш керак! Ибрат бўлади, отиш керак!

— Тўғри! Жангчи, Мурзинга ўхшаганларнинг шон-шуҳрат чиқариши учун майдонга кирибдими! Шон-шуҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рат элу юртга бўлган муҳаббат, садоқатдан ўзи келиб чиқади. Кетидан қувиш бекор,— деди яна бир жангчи.

— Демак, сен Мурзин элу юртни севмаган демоқчисан, шундайми?— деди бояги жангчи яна.

— Севиш ҳам ҳар хил бўлади.

— Эл-юртни севиш, унинг кишилари тақдири билан ўйнашиш эмас! Албатта отиш керак!— деди бояги ўзиникини маъқуллаётган жангчи.

Йўлдош уларга халақит бермаслик учун оёқ учида ўтиб кетди. Батальон штабига келиб ёрдамчиларига роталар старшиналарини чақиришни, совғаларни тақсимлаш учун тайёрлик кўришни буюрди...

Совғалар жангчиларни хурсанд қилиб юборди. Ҳар ким ўзига теккан парсани кичкина болалардай қайта-қайта пайпаслаб кўрар, шеригиникига солиштириб боқар эди. Совғалар ичида мева-чевалардан тортиб пайпоқ, қўлқоп, қулоқчин, иссиқ кўйлак, шарфларгача бор эди. Уларнинг ранго-ранглиги, оловдек ёниб турган гуллари, шаклларининг хилма-хиллиги бепоён ўлкамизнинг ҳар томонидан келганлигидан хабар бераради. Севганини фронтга йўллаган оташқалб қиз, тиқ этса эшикка қараб, фарзандининг йўлига интизор ота-она, севикли ёр ва болаларнинг меҳри, ўзининг иссиқ нафаси билан жангчиларнинг руҳига мойдек сингар, уларнинг қалбини кўкларга кўтарар эди.

Кимдир қўлидаги пайпоғининг ёниқ гулларига, кимдир қулоқчинининг баррасига қараб ширинбоз кўзлари билан суқланади. Ҳамма ўз совғасининг кайфи билан маст. Ана, эшикда бир жангчи совғага келган аччиқ тамакини йўғон ўраб, гашт қилиб ҳалқа-ҳалқа тутун бурқситмоқда, унинг кайфидан кўзларини суза ди...

Лекин Турдиев билан Миша ўзларига теккан совғани олдиларига қўйиб хомуш, ёнма-ён ўтиришибди. Чироқ ёқса уларнинг кўнгли ёримайди. Улар нима учундир комиссар таклиф қилса ҳам судга боришмади. Улар Горкуповнинг қотили Мурзин эканини аввалига яхши фаҳмлаб етмаган эканлар. Тергов вақтида ҳаммаси аён бўлди. Мурзинни эслашса, кўз олдиларига икки қўли қон, кўзлар қонталашган жоҳил одам келади. Келади-ю, нафратларини уйғотади.

Чеккада ўтирган бир жангчи совға ичидан чиққан хатни ўқиётиб, қичқирганича ўртага тушди.

— Мана бу хатни қаранг. Жуда қизиқ,— у ўзича

ўқий кетди:— «Биз пахта тайёрлаш планимизни ошиғи билан тўлдирдик, сизларнинг план қачон ўринлайди? Шунга жавоб берсангиз экан».

— Қани жавоб бер, нима дейсан?— кулди диққат билан уни тинглаб турган сержант.

— Бизда қанақа план бор?— ажабланди жангчи.

— Ана холос!— деди сержант.— Совғасини оласан-ку, саволига жавоб бермайсанми?

Жангчи ажабланган сари бошқалар уни калака қилишди.

— Шуни ҳам билмайсанми?— деди бири.

— Билсанг, айт.

— Айтаман, совғасини ҳам бер. Совғасини сен оласану, хатни мен ёзаманми?!

«Бер, бер!» деб яна анча ҳазил қилишди. Совғани беришга жангчининг кўзи қиймасди. Яна ўртага олишди. «Давомини ўқи» деб қисташди. Хатда ундан бошқа сўз йўқ, фақат адрес ёзилган эди. Ноилож қолган жангчи сержантга қараб:

— Қани, сизникида нима дебди, ўқинг-чи? Қаердан?— деди.

— Ўролдан. Қуюқ салом, холос.

Жангчи ўзиникига ўхшаш хат чиқишини умид қилиб, бошқаларникига назар ташлади. Ҳеч кимда бунақа жингалак савол йўқ эди. Охир ҳафсаласи пир бўлиб, жойига бориб ўтирди. Кимдир яна тегишди.

— Юборган одам, совғам «текин томоқ танни тоза қилади» дейдиганнинг қўлига тушди шекилли, жавоб ҳам қайтармади, деб ўйлайди-да!

Жангчининг жаҳли чиқди.

— Билсанг, ма адреси, ёз. Мен билмайман!

Унинг астойдил хафа бўлганини пайқаган сержант, жангчининг елкасига қўлини қўйиб деди:

— Билмасанг билиб қўй. Бизнинг план Гитлер қўлини кўтарган куни тўлади. Шундай деб ёз!

— Саволига қараганда қиз бўлса жуда серноз бўлса керак,— деди яна кимдир орқа томондан.

Эшикда Элмурод билан Ракитин кўринди. Жангчилар оёққа қалқди.

— Смирно!

Элмурод қўлини кўтариб «доклад керакмас» имосини қилди.

— Кўриб турибмиз, совға олгансизлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шундай, ўртоқ комбат!

— Қани, хўш, нималар олдинглар?— кулди комиссар.

— Ҳамма нарса бор, ўртоқ комиссар! Фақат фрицга маргимуш юборишмапти,— деди қизиқчи сержант.

— Шунинг ўзи сизга совға-ю, фрицга маргимуш-да, яна қанақасини юборишсин.

Комиссар бир нечта совғанинг у ёқ-бу ёғини кўргач:

— Элатлар бизни унутмайди. Ўзларига қолмаса қолмайди-ю, лекин бизни унутмайдилар. Ажойиб халқимиз бор-да,— деди.

Сержант жангчиларнинг имоси билан Мурзин устидан чиқарилган ҳукмни сўради.

— Отиш. Штрафпойга жўнатилади.

Орага сукут чўкди. Миша билан Турдиев оғир хўрсинди. Элмурод комиссар билан чиқиб кетгач, жангчилардан бири орқаларидан қараб деди:

— Комиссар билан гапиришсанг, енгил тортасан, Уруш қийинчилиги ҳам унутилади. Ажойиб одам.

— А, комбат-чи?

— У-ку аввалдан синашта.

— Иккови жуда хил тушди. Худди қўшоғизли милтиқ.

Ҳамма маъқуллаб бош ирғади.

— Жангчиларимиздан ўпкалашга ўрин йўқ. Ҳалиги гапида Мурзин ноҳақ,— деди Ракитин йўлда бораётиб.

— Албатта. Бу худбинликнинг бир кўриниши.

— Файласуфлар «худбин узоқ вақт қудуқда ўтирган кишига ўхшайди, кам нарсани кўради» деб тўғри таърифлаганлар. Мурзининг ишларида ақл эмас, ҳислар устун туради. Кўрдингизми, Сталинград ғалабасидан қанақа хулоса чиқарибди. Аслида Чикалода ўзининг бутун афти-ангорини кўрсатган экану, сиз кераксиз даражада интеллигентлик қилибсиз-да! Қаттиққўлроқ бўлиш керак, комбат!

— Тўғри. Бу менинг хатом. Лекин унинг қалби бу даража разил ҳислар билан тўлалигини пайқамаган эканман. Кейинчалик ўзини тутиб олар деб ўйлаган эдим,— деди Элмурод.

Ракитин Элмуроднинг ортиқ даражада руҳий кечинмага берилганини фаҳмлаб, кўнглини кўтарди:

— Киши мураккаб нарса. У китоб эмаски, бир чеккасидан варақлаб ўқиб ташласанг, ичидагиларни билиб олсанг.

Элмурод индамади. Қулоқчинини сал кўтариб қўйди.

— Мардлик кўрсатмоқчи бўлган эмиш,— деди анчадан кейин Ракитин,— биласизми, мардлик ҳақида Максим Горький нима дейди,— у планшетини очиб, блокнотини олди.

Бу блокнотда улуғ кишиларнинг асарларидан олинган цитаталар, уларнинг турли масалалар ҳақидаги фикрлари сақланарди. Комиссар жангчилар билан қилган катта суҳбатларида бу блокнотни олдига қўйиб олар, баъзан ўқиб берарди. Борисов унга «ақл блокноти» деб ном қўйган эди. Ўзи ҳам тута бошлаган эди. Ракитин блокнотни очиб, бир ерини ўқиди:

«Кимки мардлик кўрсатишни истаса, жойини топиб, албатта кўрсатади. Ҳаётда мардлик кўрсатиш имконияти бепоён. Бунга ким эришолмас экан — ё қўрқоқ, ё ялқов, ёинки ҳаётнинг маъносига тушунмайди».

— Мурзин қайси бирига киради?— жонланди Элмурод.

— У менимча, мардлик кўрсатиш учун жойини ҳам тополмади, ҳаётнинг маъносига ҳам тўла тушунмади.

XIV

Кутмаганда Турдиев яна ҳамманинг орзига тушди. Сабаб Бондарь бўлди. Турдиев, старшина не-не машаққатлар билан тартибга солган ҳаммомда чўмилиб турар экан, устига ашула айтиб Бондарь келиб қолди. Гавдасига нисбатан бесўнақай катта оёқларини кериб деди:

— Ҳа, дўстим, ювиняпсанми? Кўпам тоза ювинаверма, кир ҳам брондай нарса, унча-мунча толиқиб келган ўқни ўтказмайди. Кеча биттаси менга тегди-ю, киримни тешолмай рикошет бўлиб кетди.

Бондарнинг жиндек кайфи бор, руҳи тетик эди. Узунчика ва узун бармоқлари орасига папирос қистириб, алоҳида савлат билан чекди, тутун ҳалқа-ҳалқа бўлиб, буғга қўшилиб кетди. У ечинаётиб, бирдан кўзи Турдиевнинг қўлтиқ туморига тушиб қолди.

— Бу нима, тумормн?

Бондарь қўлини чўзиб ушламоқчи бўлганди, Турдиев унинг қўлини қайтарди:

— Тегма!— деди ва чийлапган пишиқ ипи аллақачон мой битиб йилтиллаб кетган уч бурчакли чарм тумор елкаси оша ўнг ёғига осди, тумор шундоққина қўлтиғи остига келиб тўхтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сен бунақа юзингни буришгирма, нақ асир тушган румин солдатига ўхшаб, жуда хунук кўринаркансан. Биласанки, мен сени яхши кўраман. Сабаб: сен командиримнинг элатисан. Командирим яхши одам, демак, сен ҳам чакки киши бўлмаслигинг керак. Агар бунақа қилаверсанг ёмон кўриб қоламан. Демак, битта дўстинг камаяди. Фронтда битта дўстнинг камайиши ёмон нарса.

Биз учарлар танти халқ бўламиз. Дўст учун бир жон эмас, ўн жонимиз бўлса берамиз...

Турдиев Бондарнинг тарихидан қисман хабардор эди, батальонда турли миш-мишлар юрарди. Бири: «Бу кўпнинг бошини еган!» деса, бошқаси: «Кўпнинг ёстиғини қуритгани рост. Бир эмас, неча бор қамалган десанг-чи, боқишини кўр, қари қашқирга ўхшайди!» деб қўярди. Баъзилар ундан ҳадиксираброқ юрарди. Лекин унинг батальонда бировнинг мушугини «пишт» дегани номаълум. Қачон кўрсанг таралабедод, хурсанд, хушчақчақ, сал айниса оғзидан боди кириб, шоди чиқиши бор.

Турдиев этигини кия туриб, мулойимгина сўради.

— Бондарь, сени ўғри бўлган дейишади, ростини айт, шу тўғрими?

— Ие, бўлмасам-чи! Лекин мен баъзилар сингари дуч келганникини олавермасдим... Масалан, кампирларникига тегмас эдим. Мен кўпроқ, ҳалигидай, манглайи терламай пул топадиганлар бўлади-ку, ўшаларнинг додини берардим. Негаки, биринчидан, улар қийналмай топган, шунинг учун кўпда ачинмайдилар, иккинчидан, қарғамайдилар. Мен қарғаганни ёмон кўраман. Қарғайдиган одамникини олсаму, шу пулга ичсам, кайф бермайди, худо ҳақи, кайф бермайди. Мен буни билиб тураман. Масалан, бир куни жуда пулсиз қолдим. Кўп мўлжалладим, ҳеч нарса чиқмади. Қорин оч. Биласанки, бўш қоп тик турмайди. «Тўхтаб тур!» дедиму, қаршимдаги дўконга шўнғиб кетдим. Бахтимга зуваласи пишиққина бир кампир харид қиляпти. Мол кўраётган киши бўлдиму, сумкасини кўзим остига олиб қўйдим. Хуллас ўмардим. Сумкасини сувга отиб, пулини чўнтакка солиб, ўзни ресторанга урдим. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, шунча ичаман, қани жиндай кайф берса! «Ҳа қурумсоқ кампир, тоза қарғаяпсан шекилли мени» деб, ҳушёрлигимча ресторандан чиқиб кетдим. Шушу кампирларникини олмайдиган бўлдим. Кампир халқи ўлгудай эзма бўлади-да, бир олдирган парсаси учун ўлаўлгунча қарғайди-да, ўзиям!

— Хўш, шундан нима наф кўрдинг?— деди Турдиев гапнига тегиброқ.

— Сен бачкапалик қилма. Кўрганимни кўриб, кўрмаганимга ачиниб юрибман ўзим. Лекин сенга битта қилган ишимни айтиб бераймн?

Бондарнинг руҳи тетик, гапга чанқоқ, суҳбатга мойиллиги кўриниб турарди. У, одатда маромига етказиб кайф қилса, шу куни бирор каттароқ бошлиқдан гап эшитмаган бўлса, шунақа кайфиятда бўларди. Буни билган Турдиев «бугун ошиғи олчи шекилли, жуда ешилиб кетди» деб ўйлади-ю, «майли, айтсанг айт, чопадиган улоғим қолиб кетаётгани йўқ» қабилида қараш қилди. Этигини ечиб, гимнастёркасини чиқариб ташлаган Бондарь скамейкага чиқиб, қуёнга ўхшаб ўтириб олди. Билагидаги лангар суратини бармоғи билан ўйнаб, гап бошлади:

— Бизнинг касбда бир шаҳарда яшаб бўлмайди. Ундан кейин, мен сенга айтсам, нуқул бир шаҳарда яшай берш кишининг жонига тегиб кетади. Одам сичқон эмасда, бир катакда яшай берса. Дунёга келгандан кейин юр, кул, яйра, кўр, маишат қил. Ана шунда ўлсанг армонинг йўқ, тобутда ҳам бемалол оёгингни узатиб ётасан. Ҳа, айтгандек, мен сенга бир воқеани айтиб бермоқчи эдим. «Нима нафи бор ҳунарингни?» деганингда эсимга тушган эди. Бир йили шаҳарма-шаҳар сайл қилиб Ботумига бориб қолдим. Кўп ажойиб шаҳар. Бир ёғи денгиз, бир ёғи кета-кетгунча апельсин, лимонзор. Куз эди. Нон ўрнига апельсин есанг биров ғинг демайди. Ўзим ҳам тоза маишат қилдим. Лекин бир куни бирдан пулдан сиқилиб қолдим. Шунча қиламан, қани овим ўнгидан келса. Нон ўрнига кесак ғириллаб қолди. У ёққа ураман ўзимни, бу ёққа ураман ўзимни, қани бир йўлини топсам. Бир куни, ҳатто қўлга тушишимга сал қолди, аранг қутулдим, қўлга тушсам ҳам ховончага солиб янчиб юборади-да, бу кавказликлар. Шунда бир ўртоғим «эртага чет элликлар жўнаркан» деб қолди. Биласанки, улар сал бепарвороқ, такасалтанг халқ бўлади. Тўхтаб тур дедим ичимда, энди бир иш қилмасам бўлмайди. Тонгда тайёрлик кўрдим: ювиндим, тарандим. Ахир, шубҳа қилмасин-да! Бир маҳал келиб қолишди. Портда одам кўп, ит эгасини, мушук бекасини танимайди. Уч-тўртта бўлиб тўдага ўзни урдик. Аралашиб кетдик. Мундоқ қарасам, ёнимда иккитаси ўз тилида чуғуллашяпти. Кўзимнинг қирини ташладим: бири семизгина, бурни ичидан чиққан жуни ҳам кўриниб

www.ziyouz.com kutubxonasi

турибди. Иккинчисининг устки лаби тиртиқ. Гапирганда ликиллаб, ғалати кўринади. Қарадиму, ўша тиртиғидан кўзимни ололмадим, узоқ қараб қолдим. Ҳалиям кечагидек эсимда. Мингта одамни кўрсатиб, ичидан ўшани топ деса, дарров топиб бераман. Чақчайган кўзи жуда оғир боқарди. Бир вақт қарасам, ўша тиртиқ қўлидаги чоғроққина чамадонини ёнига қўйиб, шеригига гап маъқуллаб кетди. Чамадонида қиммат баҳо нарса борга ўхшади, «Шуни ўмармайми, бахтим-да!» дедим. Аста яқинлашдим. Сездими, занғар, яна бандидан ушлаб олди. Лекин бир маҳал ундан қўлини олиб бурнига яқинлаштирди-да, устма-уст икки-уч акса урди. Ана ўшанда чамадончани оёғим билан аста туртиб, шеригимга ошириб юбордим. Сал туриб ўзим ҳам жуфтакни тўғрилаб қолдим. Бир четга ўтиб, чамадонни очдик. Қўлга илингудай ҳеч нарса йўқ, ҳаммаси кийим-бош, иккитагина китоб. Шеригим «қизиқ китоб бўлса керак, аттанг, немисча экан» дейди. «Ҳей, ўша, китобини...» дедиму, чамадонини китоб-питоби билан кўтариб жаҳл билан ерга урдим. Чамадон начоқ-начоқ бўлиб кетди. «Нобуд қилдинг чамадонни!» деди шеригим ва уни олиб томоша қила бошлади. Унинг қовурғалари анчагина қалин эди. Ҳайрон қолиб томоша қилдик. «Мунча қалин бўлмаса!» деб кулишдик. «Яна орасида бир бало бўлмасин?» деган фикр бошимга келди-ю, титиб қолдим. Чиндан ҳам ундан қизиқ нарсалар чиқди. Ичида фотолента ҳам бор эди. Шеригим «қўйгани жой тополмантими, занғар, хасис» деди-ю, этагини қоқиб жўнаб қолди. Лекин менинг хаёлимдан: «жосус бўлса-я. Эҳтимол, булар унинг ишидир» деган фикр ўтди, уларни йиғиштириб, порт комендантига кириб бордим.

Очиғини айтдим. У яна бир жойга телефон қилди. Ундан икки киши машинада келди. Мени роса тергов қилишди! Қаёқдан ҳам олиб келдим, ўзимга бош оғриғи ортгириб!.. Сенга нима, ўзингга қўл келмагандан кейин ташлаб кетабер-да» деб ўзимни тоза койидим ичимда. «Ҳали яна қамаб қўймасалар эди» деб қўрқдим. Йўқ, мен ўйлагандек бўлиб чиқмади. Бир ёққа кетган биттаси яна бир киши билан келиб: «Ўша кишини кўрсангиз танийсизми?» деб сўради. Мен «ҳа, албатта таниғли, лаби тиртиқ», дедим. Машинага ўтириб жўнадик. Йўқ, бўлмади, пароход кетиб қолибди. Бўшашиб қайтдик. Менга ташаккур билдиришди. Мен қизиқиб қолиб: «Нима экан

ўзи?» десам, биттаси «сичқон тузлаш заводининг проекти экан», деб кулди. Кейин билсам, у чиндан ҳам жосуслик материаллари экан. Менга, «энди ўғирлик қилма» деб данки беришди, бир тузуккина ишга жойлаб қўйишди. Бир оз ишлаб турдиму, сабрим чидамай жўнаб қолдим, назаримда биров юрагимни сандиққа солиб, қулфлаб қўйганга ўхшарди.

— Кейин ўша жосусни топишдими?— қизиқиб қолди Турдиев.

— Билмадим. Кейин мен уларни, улар мени кўришмади. Лекин мен унинг бутун афти ангорини айтиб берган эдим, улар ёзиб олишган эди. Мана бунақа фойдали ишлар ҳам қилиб турардик,— деб кулиб қўйди Бондарь.

— Нимаси фойда, ўзи ушланганда бошқа гап эди.

— Материаллари-чи! Заб катта оғизсан-да. Кетиб қолгану, қаёқдан ушлайди. Мен унинг ўшанақалигини билганимда-ю, ҳиқилдоқчасидан гиппа бўғиб, ўша заҳотиёқ судраб қолардим-а!

— Катта мукофот ҳам беришарди.

— Албатта! Омадинг келмагандан кейин шунақа бўлади, қармоқдаги балиқ ҳам чиқиб кетади. Энди учраб қолса-ю, ўзим биламан... Ке, энди мени кўп вайсатаверма, туморингни бир кўрсат! Кўраману, бераман. Худо ҳақи, қайтиб бераман, мана ишон!— деди Бондарь бўғилиб ва чўқинди.

У ечинарди, ечинган сари Турдиевнинг кўзи бирин-кетин очилаётган суратларга тушарди. «Ажаб, тапасида соғ жойи борми ўзи!» деб ўйлади. Бондарь эса жўрттага парво қилмаётгандек бўлиб турар, билагининг мускулини шишириб, таранг қилиб қаттиқлигини синаб кўрарди. Бир маҳал керилиб қолди:

— Қани, эз-чи, Миша, эза олармикансан. Метин. Пичоқ отсанг ботмайди, қайтиб кетади,— у қўлини Турдиевнинг энгаги остига тутди.

Ночор қолган Турдиев қўли билан синаб кўрди, чиндан ҳам қаттиқ эди. Унга сари Бондарь «Қаттиқроқ!» деб кучанарди. Турдиев эзолмагач, «Мазанг йўқ, Миша!» деди-ю, девор остига қўйилган скамейкага чалқанча ётиб, яна қўлини тутди.

— Чиқ устига! Қўрқма, чиқавер!

Турдиев ҳали этик киймаган сўл оёғи билан босди: барибир метин эди. Ғалаба қозонган Бондарь яна чираниб қўйди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Айтдим-ку, ўқ тегса рикошет бўлиб кетади деб. Мунча тикилиб қолдинг! Суратларимга қараяпсанми? Рассомлик музейиман-да, дўстим, музейман. Кўравер, бепул. Сен бўлсанг, туморингни бир кўришга бермайсан. Бу яхшимас, ўртоқчиликмас. Қани бир кўрай, худо ҳақи, ишқим тушиб қолди.

Турдиев қараса бўлмайдиган, туморни қўлтиғи остидан кўкрагига суриб, унга рўпара қилди. Бондарь кафтида салмоқлади, кейин эзғилади, нимадир ғирчиллади.

— Ичида нима бор?— деди яна салмоқлаб, чокларини кўздан кечириб Бондарь.

Турдиев ҳеч нарса дея олмади, тўғриси, дея олмасди ҳам. Чунки ичида нима борлигини ўзи ҳам билмасди. Аммаси урушга жўнаш олдидан бўйнига осиб қўяркан: «Бўйнингдан олма, бу — дуо, жуда ўткир дуо. Вақт, бевақт юрасан, ҳамроҳинг бўлади» деган эди. Ҳатто урушда сенга отилган ўқнинг йўлини адаштирармиш. У суриштирмаганидек аммаси ҳам ичида нималар борлигини айтмади. Лекин Турдиев ўшандан бери «бир нафи бордир» деб, муқаддас нарсадек ардоқлаб тақиб юради. Неча бор шу тумор туфайли солдатларнинг эрмаги бўлди. Ҳатто бир куни апаси қисмда экан, рота сиёсий раҳбари чақириб суҳбат ўтказди — булар ҳаммаси бефойда эканини ярим соат тушунтирди. Сиёсий раҳбар ҳузурида тушунгандек бўлган Турдиев, ташқарига чиққанда яна ўз билганини қилди: олиб ташламади, олиб ташлашга журъат этмади. «Хўш, яхши, бўйнимдан олдим, кейин қаёққа қўяман? Ерга ташлаб бўлмаса, куйдириб бўлмаса!» деб ўйлади ўзича ва қўлида ушлаб туриб, яна қўлтиғи остига суриб қўйди. Шу-шу бўйнида. Имкон борича кишилар кўзига туширмасликка уринади. Бугун ҳам ҳаммомга кеч, ёлғиз келишига сабаб шу эди.

Турдиев туморнинг ичида нима борлигини айтмагач, Бондарь ҳам қистамади.

— Яхши. Тақавер,— деб қўйиб юборди,— лекин комиссарнинг қўлига тушмасин. Комиссарлар бунақа нарсага жуда ўч бўлади, айиқ асалга ёпишгандек ўч бўлади.

Худди шу маслаҳатни берган Бондарнинг ўзи шу кечасиёқ бир неча йиғилишда оғзидан гуллади.

— Нега Турдиевга ўқ тегмайди, биласизларми?— деб гап бошлади у.— Чунки унинг бўйнида тумори бор, ўқ йўлатмайдиган тумори бор, ўқни сеҳрлайди. Бўлмаса, у батальонга келгандан бери қанча одам ҳалок бўлди, қанча одам яраланди. У-чи? Ҳатто унинг барини ўқ ялагани йўқ. Бу ҳаммаси тумордан.

Бу гап думалатилган қор уюмидай кун ўтган сари улғайди. Қош-кўз қўйилди. Охири Ракитиннинг қулоғига бориб етди. Аввалига қизиқ, енгилтак гаплар овчиси Бондарнинг навбатдаги эрмакларидан бири бўлиб кўринган бу гап, кейинчалик жиддий тус олиб кетди, ана шундай гаплар солдатлар орасида кўпайиб қолди, крест тақиб юрувчи ёш-ёш солдатлар пайдо бўлди. Ракитин рота сиёсий раҳбарларини йиғиб йўл-йўриқ беришга ва ўзи бир неча взводда суҳбат ўтказишга мажбур бўлди. Шундай суҳбатларнинг биридан кейин Турдиевни қўлтиғидан олиб, холироқ жойда айланди. Турдиевнинг қаерда туғилгани, ким борлиги ҳақида бошланган суҳбат туморга бориб тақалди.

— Демак, етимман денг, Турдиев. Аммангиздан бошқа ҳеч кимингиз йўқ, унинг қўлида катта бўлгансиз. Яхши.

— Колхозда ким бўлиб ишлардингиз?

— Кетмончи.

— Шоҳимардон сизлардан узоқми?

— Йўқ, яқин. Қўшни районда.

— Борганмисиз?

— Йўқ. Аммам бориб-келиб турардилар.

— Нимага, у ерда қариндошинглар борми?

— Ўғил кўрсам деган умидда...— деди бўшашиб Турдиев.

— Ўғиллари йўқмиди?

— Йўқ. Қизлари бору, ўғиллари йўқ.

— Ҳм...— деди Ракитин йўқолган ишининг учини топгандек чимирилиб, кулгичлари чуқур ботди, икки қошининг ўртаси тугунчак бўлди. Лекин у жиддийлик тинч сувга отилган кичик кесак ҳосил қилган тўлқин доираларидек ёйила бориб тезда йўқолди, кейин кулибгина сўзлади:— Докторга бориш керак эди, докторга.

— Докторларга ҳам бордилар, бўлмади.

— Шоҳимардонга қатнашдан эса ҳеч ким фойда кўрмайди,— деди Ракитин узил-кесил қилиб, шундай бўлса ҳам гапни айлантириб бориб туморга тақади. Ана шунда у роса эшилиб сўзлади. Туморнинг бир учини унинг онасини ўлдириб кетган босмачига боғлади.

— Иброҳимбекни биласизми?— деди шунда у.

— Сал қулоғимга чалингани бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Босмачиларнинг бошлиғи. Қўлга тушганда унинг ҳам ёнидан тумор чиққан экан.

Ракитин бу билан: «Мана кўрдингми, қон ичида кечган, ўт ичида жавлон урган қароқчиларнинг бошлиғи ҳам тумор тақиб юрган. Қўлида тўппонча, қўлтиғида сеникидай тумор бўлган!» демоқчи эди. Бу Турдиевга қисман бориб етди. Кўнгли алланечук бўлиб кетди, гўё онасини отган босмачининг ҳам қўлтиғида тумори бўлган.

Ракитин гарчанд суҳбатида «сенинг туморинг борлигини биламан, олиб ташла, фойдаси йўқ» деган бўлмаса ҳам, Турдиев бугунги сайилнинг боиси шу нарса эканини фаҳмлади. Унинг қалбида ғулғула бошланди. У Ракитин билан хайрлашганда бу ғулғула бутун салобати билан юрагида жавлон уриб юрарди. Унинг хаёлларини узоқ ўтмишнинг қопли лавҳаларига судрарди, лавҳанинг марказида онаси қонига беланиб ётарди: кўзлари очиқ. Ҳали ҳаётга тўймаган кўзлари юмилмоқ истамасди. Нимадир демоқчи бўлгандек лаблари чўччайиб қолган, тишлари орасида қон чизиқлари бор.

У ертўласига келиб узоқ хаёл суриб ётди. Унинг кўз олдига иккита нарса тинмай келарди: қўлтиғига тумор таққан босмачининг тўппончали қўли ва қора қонига беланиб ётган муштипар онаси. Назарида, онаси ҳамон ўша отилган ерида ётади — болалигида қандай кўрган бўлса худди шундай.

Турдиев бир неча кун ўз тўдасидан ажралган ювош қўйдек каловлаб юрди. Ракитиннинг ганлари эндигина қорилган хамирга ташланган хамиртурушдек ўз ишини қиларди, уни ошириб борарди. Охири у ўз ишини қилди. Лекин тўла эмас. Турдиев бир куни четга ўтиб туморни қўлтиғи остидан суриб қўлига олди, аста ечди. Кафтида тутиб, оғирлигини аниқламоқчи бўлгандек салмоқлади. «Энди нима қилсам экан?» деб атрофга назар ташлади. Лекин шу вақт аммасининг товуши қулоғи остида янграб кетди. «Эҳтиёт қил, ташлама, болам, сенга йўлдош бўлсин деб бердим. Ой бориб, омон кел!» Худди шу лаҳзанинг ўзида Ракитиннинг: «Иброҳимбекнинг ҳам тумори бўлган» деган товуши келди. Бу икки товуш қарама-қарши томондан келган кучли тўлқинлардек, бир-бири билан тўқнашди ва Турдиевнинг қалбини ларзага келтирди. У энди туморни ташламади ҳам, қўлтиғи остига тақиб ҳам юрмади. У икки томонни ҳам хафа қилмоқчи эмас; фуражкасининг ички қатига сигир-

нинг шохига саккиз нусха арқон ўрагандек қилиб қўйган игна билан ипни олиб, учини тугди-да, шинелининг қўлтиқ чоки орасига туморни солиб, тикиб ташлади. Шу билан бир неча кундан бери минг бир васвасага солаётган алам, ташвишдан қутулгандек бўлди, енгил тортди. Яна бир куни анҳорда чўмилаётганда уни учратиб қолган Бондарь: «Тумор қани?» деб сўради-ю, лекин жавоб ололмади, у жавоб бермади. Ахир сутдан оғзи куйган, қатиқни пуфлаб ичади-да!

Энди тумор кунлар ўтган сари аввалгидай баданига тегиб, кўзига тушиб, хаёлига келавермади. Охири денгиз қирғоғида бўлган бир жангда оғир яраланиб, устидан қонга беланган ва илма-тешик бўлиб кетган шинели ечилиб, бир четга улоқтирилганда тумор ҳам у билан қолиб кетди.

«Оғриқ қолса ҳам, одат қолмаиди» деган мақол бор. Худди шундай, Бондарнинг ҳаммомда Турдиевга мақтанган «ҳунари» гоҳ-гоҳ тумор қилиб қоларди. Ана шунда у тиззасига «эҳ» деб бир шапатиларди-ю, сапчиб туриб кетарди, шу лаҳзада Элмурод ва кишилардан эшитган даккилари, дашномлари бир пул бўлиб қоларди, берган сўзини унутарди...

У кўкка қараб ўтирарди. Тиниқ кўкда сузиб бораётган парча-парча булутлар ўзи билан унинг хаёлларини судраб кетди. Кўз олдига унга таниш катта шаҳарнинг машҳур ресторани келди. Ширин таом сўлакайини оқизди. Мундоқ қараса, қорни ҳам тузуккина очибди. Қани ўша ресторанда шу маҳал бўлиб қолса-ю, ўттизлаб номи ёзилган менюдан танлаб заказ қилса! «Эҳ!» деди-ю, ўтирган еридан туриб кетди. Гитлернинг онасини болохонадор қилиб сўкиб қўйди. «Ошхонада нима пишаётган экан?» деб ўйлади. Хабар олишга қарор қилди. «Шояд кўнгил тортар бирор нарса пишираётган бўлса, хумпар бақалоқ» деб қўйди.

Читтак чаққонлиги билан четан девор ва зовурлардан ўтиб, поход кухняси ўрнатилган қўрани топиб борди. Унга таниш, ҳазилкаш, карнайдай бурни уч ойлик боланинг товонидай гўштдор ва тўмтоқ, юзи сермўй ва сариқ ошпаз терга ботиб овқат ковларди. Қозондан чиққан хушбўй ҳид, айниқса фронтда хушбўй кўринадиган таом ҳиди Бондарнинг иштаҳасини қитиқлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Салом азизим, домовая книжкадагилар омонми? Хотининг ҳали эр қилиб кетмаптими?— деди узоқдан ва тўғри келиб ошпазнинг қўлидан чўмични олди. Уни қозонга ботириб тотиб кўрди, «Яна бўтқами, касофат!» дегандек юзини буриштирди.

Ошпаз унга парво қилмай, жунли бармоқлари билан оқ қалпоғини пешонасидан юқори кўтарди.

— Нега хотиним эрга тегаркан энди?— деди энсаси қотиб.

— Сен хўпасемиз, бир туки йўқни нима қилади? Пишиллаб тузуккина бир ишга ярамасанг. Тўнғиз эдингки, сўйиб сотадими? Хотин ҳам мундоқ силлиқ, бежирим эрни яхши кўради.

— Бўлмаса сенга ўхшаб чигирткадай қотиб юрайми?

— Бунга сен сабаб, бақалоқ! Сенинг шу боқишинг бўладиган бўлса менга ҳеч ҳам жир битмас.

— Жирни нима қиласан, фриц қувганда қочолмайсан.

— Фрицни қувганда десанг-чи, касофат! Энди қувдириш йўқ. Лекин бир нарсадан қаттиқ қўрқаман: сенинг шу хилда боқишинг бўлса дармондан қолиб, фрицга етолмаймизми дейман. Сен бақалоқ бўлса бу ёғини ўйламайсан, менюингда бўтқадан бошқа ҳеч бало йўқ. Назаримда, бошқа овқатни пиширишни ҳам билмайсан шекилли-да. Қани айт-чи, шу яқин орада менюингни ўзгартирасанми, ё қозонингга граната ташлаб кетаймми?

— Сабр қил, дўстим, сабр қил!— деди ошпаз гўё қўрққандек.— Той минган, от ҳам миниб қолади.

— Сенинг ўша отингга етгунча, тойинг йўлда қулатиб кетадиганга ўхшайди. Аслида ширин овқат қилишни билмайсан, қўлингнинг ҳам баракаси йўқ. Мундоқ командирларга «овқатни тузатайлик, урушнинг бел қуввати йигит бўлса, йигитнинг кучи овқатдан» деб хархаша қилмайсан. Назаримда, бақалоқ, тинчгина жойингдан ажралиб қолишдан қўрқасан шекилли-да. Бу гавданг билан солдатликка ҳам ярамайсан. Мабодо бу ердан қувилиб қолсанг, мен сенга айтиб қўяй, тўғри олдинги линияга борма, олдин ўзингни уч-тўрт кун қантар, бир оз этдан туш, бўлмаса беш километрдан мишень бўлиб, нақ бўлинмани балога қўясан. Ошпаз бўлиб тузуккина овқат пиширмаганинг пиширмаган, у ерда ҳам халақит берма. Яхшиси ўша куни, ошпазлик тахтидан тушган кунинг ўзингни осиб қўя қолсанг ҳам бўлади. Барибир сендан

солдат чиқмайди. Аслида сени армияга чақирган одам хато қилган.

— Ҳой, мунча фашист автоматчисидай бетиним бидиллаб қолдинг? Ўқинг қачон тугайди? Ош пиширтирасанми, йўқми? Қани, туёғингни шиқиллатиб қол. Мени кўп гапга чалғитаверма, нақ овқат тагига олиб кетади.

— Сен гапимга қулоқ солгину, лекин ишингдан қолма. Менга сенинг қўлинг эмас, қулоғинг керак. Менимча, чўмични қулоғинг билан ушламасанг керак. Шунга ҳам фаҳминг етмайди. Худо сенга туядай бўй берган, тугмадай ақлдан қисган. Бўлмаса шу гапни айтармидинг?

— Сен доно бўлсанг, ўз кишингни ёмонлайсанми? Ўзингникини ёмонласанг, бегонанинг меҳри совийди.

— Сен ўз кишимизмисан? Бўлди! Гарчанд танқид фойдали нарса бўлса ҳам, сени энди танқид қилмайман. Қани айт-чи, оғизга ёқадиган ниманг бор? Ахир, ўзинг шу қозондан емайсан-ку.

— Қайси қозондан ейман?

Бондарь ошпазнинг бўтқа сачраган этигининг учидан тортиб силлиқ, беажин, тор пешонасигача разм солиб чиқди. Қарасаки, барибир ҳеч нарса чиқмайдиган, шунча қилган даромади бекор кетадиган. Ошпаз кўринишдан пўнг ва содда бўлса ҳам унча-мунча тош чақадиган ёпғоққа ўхшамасди. Яна ачитиб солди Бондарь:

— Сени аслида бўйнингга тош боғлаб дарёга ташлаш керак. Ҳеч бўлмаса балиқлар баҳра олади. Эҳ, инсон!

Бондарь «Шу аҳволда сен ҳам одам бўлдингми?» деган маънода қўл силтаб жўнаб қолди. У орқасига қайтмади. Қишлоқнинг нариги бошига кетди. Йўл-йўлакай интендантга учраб, «Комбатга!» деб бир юмалоқ совун олиб олди. Йўл ёқасига чиқиб, хаталарга кўз ташлади. Ҳар бирини салмоқлаб чиқди. Бирини мўлжал қилиб борди-ю, энди эшигини итармоқчи бўлганда айниди, оёғи тортмади, «Хасисга ўхшайди, зангар» деб қўйди. Ундан наригисига ҳам кирмади, биратўла уч қўрани ўтказиб, тўртинчисини аста қоқди. То эгаси чиқиб эшикни очгунча каскасини кўтариб, камарини тўғрилаб, қўйлагини текислаб қўйди, ўзига улуғвор тус берди. Эшикни икки юзи қип-қизил, украинларга хос пучуқроқ, тиқмачоқдек бир жувон очди.

— Салом, элат!— деди Бондарь табассум билан.— Мумкинми?

Хотин розилик бериб, эшик қанотини қўйиб юборгун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ча Бондарь бир қадам олдинга қўйди. Шу билан хотинни «марҳамат» дейишга ва эшикни очиб, ўзи олдинга тушиб ичкарига йўл бошлашга мажбур этди.

— Биласизми, элат,— деб гап бошлади Бондарь,— бир зарурат тугилди-ю, кирдим, бўлмаса сизни овора қилмасдим. Албатта кечирасиз-да!

Хотин, бу ниманинг муқаддимаси экан, деб ортига қараб турди. Лекин бир нарса сўрамоқчи эканини аллақачон фаҳмлаган эди.

— Шу кеча бир катта бошлиғимиз бетоб бўлиб чиқди. Докторлар товуқ шўрва ичишни маслаҳат кўришди. Менга қолса-ю, душман қириб-қиртишлаб кетган қишлоқда бундай тансиқ овқатни буюрмасдим. Начораки, катталарнинг буйруги! Ижро этмасанг иложинг йўқ!

— Жоним билан берардиму, ҳаммаси ҳам тухум қилади, сўйиш увол,— деди хотин такаббурона ачинишга ҳаракат қилиб. Лекин унинг қарашида эркакнинг ниятини бузадиган, шилқимликка сабаб бўладиган қандайдир бир эркаланиш, илтижо бор эди.

Не-не илонларнинг оёғини санаган Бондарнинг назаридан бу ҳолат қочиб қутулмади, дарров пайқади ва шу замоннинг ўзидаёқ унинг назари устига гулдор, юмшоқ одеял ёпилган, оппоқ ёстиғи кўз қамаштирган бурчакдаги ёғоч каравотга тушди, эти увушиб кетди. Кўп ўйламай, кулибгина деди:

— Ўша ташқарида юрган сизники бўлса, хўрозлари ҳам бор шекилли. Хўрози тухум қилмас-ку!

Хотин гапнинг қаёққа бурилаётганини фаҳмлаб, остки лабини назокат билан аста тишлаб қўйди, қизаринқиради.

— Бераҳмлик бўлар,— деди аста.

Бу билан «товуқларга жабр қилиб-а» демоқчи эди. Бондарь тушунди, ўқининг нишонга текканидан қувонди, ғирром кўзини дадил кўтариб унинг кўзига қаради, хотин бардош беролмай кўзини ерга олди. Бондарнинг эти жимирлашиб, бир жунжикиб олди. «Ёмон эмас, дўндиққина. Ўзиям яхшигина ташнага ўхшайди, бир кечадаёқ бутун ҳовринги сўриб олади» деб қўйди кўнглида. Хотин боягидан ҳам жозибали кўриниб кетди кўзига. Беихтиёр унинг бир-биридан аниқ ажралиб турган бўлиққина кўкрагига тикилиб қолди. Кейин дангал деди:

— Ё ўзингиз тайёрлаб бера қоласизми?

— Ўзи қапақа одам бошлиғингиз?— деди нозланиб жувон.

— Худди менга ўхшаган, худди менга ўхшаб тартиб билан кийинган, яъни менинг ўзим,— деди ҳазилга олиб Бондарь ана шундай хотинларга хуш ёқадиган ва қотиб-қотиб куладиган бир оҳангда.

Чиндан ҳам бу гап хотинга ёқди, қиқ-қиҳлаб кулди. Бондарга айни шу нарса керак эди. «Эй, бормисан, жонидан. Излаганим товуқ эмас, сенинг ўзингсан-да» деди кўнглида ва дадил ишга киришиб кетди.

— Товуқ шўрвани кўп яхши кўраман-да. Менимча, ўзиям ёмон нарса эмас. Сиз-чи?— деди тегишиб.

Хотин «ким ёмон кўрар экан» деб жилмайиб, сузилди. Лекин товуғини сўйишга розилик бермади. «Не машаққатлар билан фрицдан олиб қолганман!» деб каромша қилди.

Бондарь ана шундай пайтларда жуда иш берадиган ақлий тезлик билан фикр қилиб кетди. «Демак, ҳаммасига рози-ю, товуғини кўзи қиймаяпти. Хасисроқ кўринади. Майли, бошқа жойдан топаман» деб ўйлади ва жувоннинг тирсаги чуқур ботиб турган гўштдор қўлини ушлади.

— Товуқ топиб келсам, пишириб беришга розимисиз?— деди ва жавоб кутмай қўйиб қўйди:— Шарироқда биттаси сотмоқчи бўлувди-ю, пархида келишмовдик, шуни қиммат бўлса ҳам оладиган бўлдим-да.

Бондарь минг бир ҳунар билан жувоннинг розилигини олиб, «Ўн минутга ижозат этасиз!» деганича чиқиб жўнади. У узоқ ўйлаб ўтирмади. У биладики, тўғри бориб товуқни ушлаш оғир, ушлаган тақдирингда ҳам қақағлаб оламни бузади, бошингда калтак синиши ҳеч гапмас. У бунинг ҳам йўлини топди. «Бурга ушлашга ҳам бармоқни ҳўллаш керак. Гарчанд товуқ халқи аслида ўлгудай бефаросат махлуқ бўлса ҳам, ҳар қолда, муомалани ёқтиради» деди-ю, дарров ун-тўрт жўхори топди, уларни чийраган жига бир-биридан бир қарич масофа узоқликда тақди. Кейин товуқ излаб кетди. Унинг бахтига беш-олтита товуқ қишлоқни ёриб ўтган ариқнинг бўйида донлаб юрарди. Дарахтни паналаб яқин борди-да, тайёрлаган донини аста ташлади, ипнинг бир учини олиб нарироқ кетди, қўлига ўраб пойлади. Содда товуқлардан бири донлаб келиб аввалига жўхорини бир чўқиб кўрди, кейин «лиқ» этиб ютиб юборди. Бондарга ана шу керак эди. Ипни аста тортиб, товуққа яқинлашиб борди. Томонига жўхори ташланган бечора товуқ қаноти билан ел шо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пирарди-ю, лекин қақағлолмасди. Бондарь уни ушлаб, бағрига босганича жарга тушиб кетди. Кўп ўйлаб ўтирмай шартта бошини олиб ташлади, сафар халтага солиб, жувоннинг олдига магрур кириб борди.

— Эгаси ҳам бизга зарурлигини билдими, тоза қимматга сотди. Уч бўлак совун, битта ўттиз сўмлик олди-я. Одамларда ҳам инсоф йўқ. «Қон кечиб, юртимизнинг шон-шарафини ҳимоя қилиб юрган солдатдан пул сўраб нима қиламан» ҳам демайди. Биз жонимизни тикиб юрибмизу, биздан битта товуғини аяйди. Майли, бизга ҳали тушунмаганлар кўп. Урушдан кейин агитаторларимиз ўзи саводини чиқариб қўяди.

Бондарь яна бир югуриб, сувдонда ароқ топиб келди. Шу боришида Элмуродга учраб:

— Қўшни қисмда ҳамшаҳарларимни учратдим, шу кеча бирга бўлсам майлими?— деб рухсат олди.

Қош қорайганда товуқнинг бир оёғи солинган товуқ шўрва олиб келди.

— Ҳамшаҳарларимнинг маишати жойида, лавр баргигача олиб юришибди-я,— деб қўйди ва салдан кейин яна йўқ бўлиб қолди. Эрталаб аравадан чиққан отдек ҳолдан тойиб қайтиб келди...

Унинг кўнгли сал хира эди: жувон душман оккупацияси вақтида оқсоқоллик қилган бир хоиннинг хотини экан. Бунинг устига, уч кундан кейин баданида шундай бир касални сездики, бир ой санбатга қатнаб, яширинча боқтиришга мажбур бўлди.

XV

Анна Ивановна Элмуродни севиб қолганига иқрор эди-ю, ошкор қилишга журъат этолмасди. Баъзан фақат бир кўриш учун арзимаган нарсани баҳона қилиб батальон штабига кирар, унга термилиб боқар, кейин тақдирдан мамнун бўлгандек хушнуд чиқиб кетар эди. Элмурод ҳам унинг взводига келар, баъзан узоқ суҳбатлашиб ўтириб кетар эди. Шундай пайтларда Анна Ивановна уни севиб қолган фараз қиларди, яна иккинчи келишини пойларди. Лекин Элмурод бирдан узоқ вақт ғойиб бўлиб кетарди. Шунда Анна «у мени севмайди» деган ҳукм чиқарарди. Шундай кунларда Мурзиннинг кўриниши, илгаригидай далил бўлмаган босиқ суҳбатлари унга далда берарди. Лекин унга нисбатан юрагида ҳеч нарса

йўқлигини очиқ сезар, ҳатто бир гал бу ҳақда Мурзинга нима ҳам қилган эди. Шунда Мурзин аллапечук бўлиб кетиб:

— Кун ҳам, ой ҳам унга туққан,— деди.

— Кимга?— тушунмагандек сўради Анна Ивановна.

— Қўйинг Анна Ивановна, ўзингизни гўлликка солманг. Ким ойни этак билан ёпибдики, сиз ёпасиз. Тақдир баъзан бахтни шунақа инсофсизлик билан тақсим қилади.

— Сиз тақдирга ишонасизми?

— Шундай бўлгандан кейин баъзан ишонасан ҳамда,— деди Мурзин икки тиззаси орасида кафтлари ёпиштирилган қўлларини сиқиб. Унга хомуш кўз ташлади. Бу қараш: «Менинг нимам сизга ёқмади, айтинг, ҳаммасини йўқотаман. Сиз учун ҳаммасига тайёрман. Фақат мени севинг. Адашмайсиз, севинг. Ҳеч ким сизни менчалик ҳарорат билан севолмайди, бунга амин бўлинг. Сиз адашяпсиз. Мана кўрасиз, адашяпсиз» деган маънони ифодаларди. Буни Анна Ивановна пайқамади ёки пайқаса ҳам ўз севгилисининг хаёли билан бўлиб парво қилмади.

— Мурзин, сиз ўзингизни бекорга қийнаяпсиз: хулосаларингиз хато.

— Хато бўлса, жон дердим. Афсус, хатога ўхшамайди,— деб Мурзин жим турди-да, кейин давом этди,— майли, Анна Ивановна, эҳтимол шундайдир. Лекин сиздан бир илтимосим бор: мени суҳбатингиздан маҳрум этманг, севмасангиз ҳам, остонангиздан қувманг. Шунинг ўзи менга кифоя.

Анна Ивановна унинг авзойига қараб «ҳали тўхтаб туринг, мен шундай ишлар қилайки, мени танламаганингизга пушаймон бўлинг. Лекин мен ўшанда ҳам сизни дейман, фақат сизни. Сиз менинг қалбимни тушунмаяпсиз. Ана ўшанда тушунасиз» деган маънони уқди.

Ана шундан бир оз вақт ўтгач, Мурзин билан туноз кунги кўнгилсиз жанг ҳодисаси рўй берди. Унинг тафсилотини эшитиб, «Шуни менга ўзини кўрсатиш учун қилмадими экан?» деган ўйга келди Анна Ивановна. Келди-ю, ҳақиқатан шундай бўлса яхши эмас, деб ўкинди. Унинг кўнгли кўнгилсиз тарихнинг сабабчисидай хира бўлди. Ҳатто ўзини койиди. Бунинг устига, Мурзиннинг ўзидан мактубча келиб қолди, суддан кейин жўнатилиш олдидан бир жанггидан бериб юборибди у, бу хатида:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Шу бахтсиз ҳодиса рўй бергандан буён сиз кўз олдимдан сира жилмай қолдингиз. Сизни шундай яна бир кўргим келадики, асти қўяверинг. Сизни бир кўриб ўлсам армоним йўқ эди. Агар сизни суҳбатларим, хулқим ёки мана шу хатим билан ранжитган бўлсам, кечиринг. Шу кунларда менга жиндай раҳмингиз келса, дунёда ўзимни энг бахтли киши ҳисоблардим. Мени унутманг. Мен ўз номимни унутсам унутарману, лекин сизни унутмайман. Мен юрагимга қулоқ солсам, у яна кўришасан, албатта кўришасан, дейди. Сизники-чи? Балки, мени хаёлингизга ҳам келтирмассиз. Иложи қанча! Шундай бўлса, демак мен тирик ўликман. Майли, омон бўлинг, мабодо менинг нобуд бўлганимни эшитсангиз, охирги калима сўзим — Сизнинг табаррук исмингиз бўлганига шубҳа қилмаслигингизни ўтинаман. Шунда сиз «оҳ бечора!..» дермикинсиз?»

Анна Ивановна хатни ўқиши билан чиндан ҳам унга раҳми келди. Учрашганларини эслади. Шу билан бирга, унинг хатидаги тетиклик, ишонч уни қойил қолдирди. Тўғриси, Анна унинг шунчалик иродаси борлигига ҳеч қачон ишонмас эди. Унинг назарида Мурзин эрта-индин ўзини оқлаб кириб келадигандек туюлди. «Ҳа, у қурбон бўлса увол кетади» деб қўйди ичида.

Шу маҳал остонада Элмурод кўринди.

— Кирсам халақит бермайманми?

— Мутлақо. Марҳамат!

— Хурсанд кўринасиз, уйдан хат олгансиз шекилли?

— Шундай. Лекин уйдан эмас, Мурзиндан.

— Мурзиндан? — ажабланди Элмурод.

— Ҳа, йўлдан бериб юборибди.

— Ўзига ўзи қилди. Лекин жабр бўлди унга, — жим қолиб, бир оздан кейин гўё ўзича:— Ботирлик яхши, лекин енгилтаклик гуноҳ,— деди Элмурод ва Мурзиннинг Аннани яхши кўришини эслади. Шу замон «демак Анна ҳам яхши кўрар экан», деган фикрга келди. Унинг бу фикрини Анна Ивановнанинг қуйидаги сўзи тасдиқлагандек бўлди:

— Яна сафга қайтармикан?— Анна Ивановна бу саволни чин қалбидан берган эди.

— Бўлмасам-чи! — деди Элмурод Аннанинг руҳий таъсирига берилиб.— Уни ўлсин деб штраф батальонига юборилгани йўқ, гуноҳини оқласин, қони билан ювсин деб, юборилди.

— Наҳотки, иш кўрсатиш учун шундай қалтис йўлни танлаган бўлса!— деди Анна Ивановна Мурзинга ачиниб.

— Бу манманлик нуқсони унда бор эди. Мен яхши билардим. Лекин унинг шуҳратпарастлиги бундай хунук оқибатга олиб боришини ўйламаган эканман. Бўлмаса... — шу ерга келганда Элмурод «бўлмаса...» деб Чикалода Мурзин билан рўй берган ҳодисани айтиб қўйишига сал қолди. Лозим топмади. Гапни бошқа ёққа бурди:— Яхши бўлмади, уни илгарироқ командирликдан четлатиш керак эди. Бўшлик қилдик, латталик қилдик. Бунда шахсан мен айбдор. Аммо, мен уни ҳаммадан кўра яхши билардим. Аттанг! Ҳам ўзига, ҳам бошқаларга зиён тегди.

Элмурод шу гапларни айтди-ю, авзойи бузилиб кетди, нафрат қони бошига тепди. Бирпас бир нуқтага қараб турди-да, хаёл билан чиқиб кетди. Анна Ивановна унинг кетидан хомуш қараб қолди.

Эшикда солдат кўринди, киришга ижозат сўради. Кириб докторни огриб қолган взвод командири лейтенант Лешанский чақираётганини айтди. Анна Ивановна бу чиройли, хушбичим, мўйлов ярашган лейтенантни танир эди. Штабда қайси бир мажлисда ҳам ёнма-ён ўтиришган эди. Ундан кейин Ракитиннинг бир лекциясидан бирга қайтишган эди. У Анна Ивановнада енгилроқ, бепарвороқдек таассурот қолдирган эди. Иккита латифа ҳам айтиб бериб, шилқимликка яқин бир-икки ҳаракат ҳам қилган эди. Ундан кейин бир қишлоқда жанг тугаши билан связнойи орқали уясидан эндигина олинган асални тўр рамаси билан юборган, унга қўшган хатида: «Ҳоригандирсиз, ҳордигингизни шу билан чиқаринг» деган эди.

Анна Ивановна лейтенантнинг қаердалигини сўраб, ҳозир боражагини айтди. Лекин у кийиниб ташқари чиққанда, солдатнинг ҳали ҳам кутиб турганини кўрди.

— Ўзим топиб борардим.

— Шундоқ бўлса ҳам...— деб ийманди солдат, «олдингга солиб кел» деган эди командиримиз дейишга тили бормай.

Лейтенант хуторнинг жанубидаги хатада экан. Анна Ивановна унинг хонасига кираётиб, деразадан кўз ташлади. Лейтенант ёрдамчиси билан карта ўйнаб ўтирарди. У айланиб эшикдан кирса, каравотда ётибди. Ранги рўйи ўчгандек.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёрдамчиси оёқ устида турарди. Столда карта кўринмасди. «Наҳотки адаш кўрдим» деб кўнглидан ўтказди Анна Ивановна, Лешанскийга яқинлашаётиб.

— Хўш?— деди унинг томирини ушлаб. Ундан кейин кўкрагига қулоқ солди. Ҳеч нарса пайқамади.

— Юрагингиз жойида, ўпкангиз тоза. Қаерингиз оғрияпти?

Лешанский илжайди. Баҳона кўрсатиш бефойда эканига фаҳми етса ҳам:

— Бўғин-бўғинларим оғриб кетяпти,— деди. Аммо унинг кўзи бутунлай бошқа ҳолатни ифодалаб турарди. Буни Анна Ивановна яхши тушунди. Бунга ўхшаган «касал»ни у биринчи марта учратиши эмас эди. Титраб-қақшаб кетди. Шундай бўлса ҳам ўзини босиб, деди:

— Тўғри сўз тошни ёради, ўртоқ лейтенант, аччиғингиз келмасину, сиздан шу найрангни кутмагандим.

— Ахир, Анна Ивановна, бу мудофаа жонга тегиб кетди. Киши тарс ёрилиб кетай дейди, доктор. Зерикасан, бош ургани жой тополмайсан.

— Шунга чақиртирганмидингиз?

— Анна Ивановна...

— Қўйинг-э, хайф сизга офицерлик!— деди Анна Ивановна бўғилиб келган нафасини аранг тутиб ва ўқдек ташқарига отилди. Унинг ўпкаси тўлиб кетган эди. Ўз взводига келиб ҳўнг-ҳўнг йиғлади. «Кишилар зерикса мен уларга эрмакми? Наҳот мени қўғирчоқ ҳисоблаб, ўйнагани чақиришса!»

Шу йиғи устига комиссар Ракитин кириб келмаганда ёпиқ қозон ёпиқлигича қолиб кетарди. Ракитин кирди-ю, воқеа фош бўлди. У кечадан бери йўталар, бугун иссиғи ҳам борга ўхшайди. Дарҳақиқат Анна Ивановна йиғидан қизарган кўзлари билан унга термометр қўйди. Иссиқ, шамоллаш оқибати эканини айтди.

— Буни даволаймиз,— деди Ракитин,— хўш нимага йиғладингиз?

— Шундоқ, ўзим...

— Киши ўзи ҳам бекордан-бекорга йиғлайдими, бесабаб-а?

— Йиғлагим келди.

— Аввалари ҳам йиғлармидингиз ё фронтга тушгандан кейин серйиғи бўлиб қолдингизми?— ҳазилга олди Ракитин.

Анна Ивановна икки ўт ўртасида қолган эди. Агар «фронтга келиб йиғлайдиган бўлдим» деса, «фронтдан мени мамлакат ичкарисига жўнатинг» деган маъно келиб чиқади. Бу — қўрқоқликдан нишона. «Йўқ, шу ерда ўргандим» деса, сабабини айтиш керак эди. Айтишни эса ўзига эп кўрмасди. Шунинг учун у жим қолди. Ҳув бир маҳал Мурзин йўлда учратиб, Анна Ивановнанинг соғлиғини сўраган ёши улуғ санитар жонига оро кирди.

— Ўртоқ комиссар,— деди у салмоқлаб,— баъзи офицерларимиз пожўя иш қилишади. Қиз бечорага тинчлик беришмайди. Елгондакам касал бўлишадими-эй, хуллас унинг жиғига тегишгани-тегишган. Ҳалигина лейтенант Лешанский чақирган эди, ўша ердан хафа бўлиб келди.

— Шундайми?— сўради Ракитин.

Анна Ивановна «нима қилардингиз айтиб» дегандек санитарга ер остидан қараб, кафтидаги дастрўмолини ғижимларди. У индамади. Ракитин «Лешанскийнинг қўлидан бу иш келади, енгилтакроқ, серсовлат» деб ўйлаб, Аннанинг сукутини тасдиқлашга йўйди.

Анна Ивановна Ракитин чиқиб кетгач, ярим соатдан кейин унга ҳеч қандай дори-дармон бермагани, ҳатто кечадан бери солдатлар ювинаётган ҳаммомда бир бурланиб олишни маслаҳат кўрмаганини эслади. Бу пожўя ҳаракатидан ўзи хижолат тортиб, керакли дорини олдида, уни ахтариб батальон штабига борди. Эшикда турган навбатчи соқчи, комиссар ҳеч кимни киритмасликни буюрганини айтди. Анна Ивановна кутди. Ўн минутлардан кейин комиссар ҳузуридан қизариб, қора терга ботган лейтенант Лешанский чиқди. Даҳлизда турган врачни кўриб, бир ўқрайди-ю, ўтиб кетди. Кравцова нима учун комиссар ўз ҳузурига ҳеч кимни киритмаганини тушунди. Кўнгилчанлик қилиб, «яхши бўлмади» деб қўйди. Шу вақт эшик очилиб, комиссарнинг кулгичли юзи кўринди.

— Келинг, Анна Ивановна, марҳамат,— деди у.

— Ҳали дори бериш ёдимдан чиқкан экан. Купда уч маҳал ичасиз,— Анна комиссарга дори узатди.

— О, раҳмат, Анна Ивановна, шундан кейин, албатта тузалиб кетсам керак-а?— У кулди, кулгичи чуқурроқ ботди.

У нима учундир хурсанд, руҳи тетик эди. Анна Ивановна касал кишиларнинг руҳи тетигини кўрмаганиданми, ҳар печук, бу димоғда гапираётган беморга қизиқиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаради. Ҳаммомга тушиб, бир бутланишни маслаҳат кўрди.

— Русчасита-я?— деб яна қувноқ кулди Ракитин ва қўшни хонага бошини суқиб бақирди. — Қани, жаноб офицерлар, ким ҳаммомга тушмаган бўлса менга ҳамроҳ бўлиши мумкин, лекин ўзига супурги топиш шарти билан.

— Сизу мен қолган бўлсак керак,— деди шахматдан бошини кўтариб Йўлдош.

— Қани кетдик.

— Ҳозир, ҳозир,— деди Йўлдош шошиб,— шу ўйин тугасин.

— Ўйинини бузинг, ўртоқ комиссар, кеча ҳам ўйиним тугасин дея-дея ҳаммомдан қолган эди.

Ракитин билан Йўлдош обдан ювиниб ҳаммомдан чиқишар экан, Йўлдошнинг кўзи комиссарнинг тўшидаги тангадек қора парсага тушди. Қайин супургидан ёпишган барг, деб ўйлади-да, олиб ташламоқчи бўлди. Ракитин қаҳ-қаҳ солиб кулди:

— Хол-ку!

— Баргми деб ўйлабман.

Ракитин ўнг эмчаги остига кафтини қўйиб, уни сал юқори кўтарди-да, холни тараш қилиб кўрсатди.

— Яхши-а? Мени йўқотган киши шу холимдан топса бўлади.

Йўлдош термилиб қараб, унинг оппоқ баданга яраштанини айтди.

— Бизда бундай одамга Холдор деб от қўйишади.

— Қандай? Холдор? Демак, менинг ўзбекча отим Холдор экан-да.

Ракитин ўзича икки-уч марта «Холдор... Холдор» деб такрорлади-да:

— Яхши исм. Ўзинг тўлиб айтасан,— деди.

Улар ташқари чиқиб боришар экан, қаршидан Турдиев чиқиб қолди. Ракитин Турдиевнинг саломига алик олар экан:

— Менинг ўзбекча отим нима, биласизми?— деб кулди.

Унга бу исм ёқиб қолган эди. Турдиев ажабланиб боқиб турарди.

— Холдор!— деди яна Ракитин ўзи.— Яхшими?

— Яхши!

Турдиев нима учун комиссарнинг исми ўзбекчасига Холдор бўлишини тушунмай ўтиб кетди.

XVI

Элмурод Ойнисабувининг яккаю ягона боласи, кўзининг оқу қораси. Қизи Латофатхонни «болам» демайди, «қизим» дейди. Болам деганда у ёлғиз ўғлини тушунади. Бўлмаса, тўққиз фарзанд кўрди, шундан иккитасига эга бўлди. Ҳасан-Ҳусан ўғиллари турганда сочларига оқ ораларди, невара эмас, авара кўрган бўларди. Турмади. Элмурод туғилганда ирим қилиб эмизмади, қўшнисиникига чиқариб ташлади. У эмизди. «Азроил кўзи кўрмасин, эл-юрт назарига тушмасин» деб эски-тускилардан кийимлар қилиб берди. «Менинг болам эмас, элники» деб отини ҳам Элмурод қўйди. Шундай қилиб, фарзанд доғида куя-куя, юрак-бағри қон бўлиб кетган Ойнисабуви Азроилнинг кўзини «чалғитди», «алдади» — боласини олиб қолди. Элмурод энди мактабга борганда бева қолган Ойнисабуви ўзи емай унга едирди, ўзи киймай унга кийдирди. Ёш-ёш ўлиб кетган ҳамма фарзандларини унутди, бутун меҳрини шу ўғли билан «тўрва қоқди» қизи Латофатга берди, силади-сийпади, ювди, таради.

Мана шу ўғил ҳозир фронтда, юрт-эл қатори шинель кийиб, тиғ кўтариб қон кечади, ўзининг ёшлигини, опасининг кексалигини ҳимоя қилади. Опанинг кўзи тиқ этса эшикда, хатини кутади. Хати келса, ўзи келгандай бўлади, соғина-соғина қовжираб кетган кўзларига нам югуради. Латофат то ишдан келгунча, кўзлари тўрт бўлиб кетади. Ўша кун ҳаддан ташқари узун кўринади, қизини: «Мунча кеч қолмасанг, ишдан чиқдинг елиб-югуриб кела қолсанг бўлмайдими!» деб қарши олади. Латофат бу таънанинг маъносига дарров тушунади: «Ҳа, акамдан хат келдими?» деб иш кийимларини ҳам ечмай хатни ўқишга киришади. Опасининг хат ўқилмасданоқ оқ дока рўмолининг учини ҳимариб йиғлай бошлаганини кўриб, «Ундай қилсангиз ўқимайман!» деб туриб олади. «Йиғлаётганим йўқ, қизим, ўқийвер!» дейди она ёшини артиб. «Йиғламанг!» деб буюради Латофат, она: «Хўп қизим, хўп. Ўқи!» дейди-ю, хатнинг биринчи сатри ўқилмасдан ўзини тутолмай қолади. Энди Латофат парво қилмай хатни тугаллайди. «Мана, акам соғ-саломат, яна унвон олибди, сиз бўлсангиз йиғлайсиз. Суюниш керак ойи, суюниш» дейди. Бечора она ноилож қолиб «Севинмай нима қиляпман, қизим севиняпман-ку!» дейди. Хатни қизи қўлидан олиб, ўзича аллапималарни пичирлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

туриб кетади. Салдан кейин яна кўтариб келиб, «фалон жойида мундоқ деганмиди-а?» деб ўша ерини ўқиб беришни илтимос қилади. Латофат онасини яхши тушунади, хатни яна қайта ўқиб беради. «Фалон жойи керак» деган она қимир этмай бошдан-оёқ эшитади. Энди унчалик ингламайди, бу гал хатга тўла тушунади. Яна бир хат келгунча бу унга эрмак. Латофат ишда кезларида қўшни болаларини чақириб, аллақайси тўйдан тўққиз-тўққизданми, сочқиданми олиб келган жийда-майизни бериб, яна ўқитади.

Латофат шаддод, лекин кўнгли юмшоқ. «У менга ўхшамади, аммасига ўхшади, қиз аммасига ўхшайди деганлари рост» деб қўяди баъзан у ҳақда ўйлаб ўтириб, «Аммасини Рисол-ўғил дейишарди. Бир маҳал, сув талашиб қулоқбошига чиққан, сув бермаган миробни икки буклаб ариққа босган. Шу-шу Рисол-ўғил лақабини олган эди, раҳматли. Кўп сарғайрат аёл эди».

Латофатнинг баъзи қилиқлари ўша аммасига ўхшаб кетади. Уруш бошланиши билан техникумни битириб, эндигина ишлаётган мактабини ташлади-ворди. «Ҳарбий заводга кираман, токарь бўламан» деб туриб олди. «Ҳой қизим, бинойидай ишлаб турибсан-ку, заводда сенга нима бор? Иши оғирлик қилади» деганларига қарамади. «Ундай қилсангиз, фронтга кетаман, буни ҳам сиз учун қилянман» деб онасини қўрқитди. Фронтдан кўра заводни тинчроқ кўрган она ноилож қолиб «майли қизим, ўзингга аён», деб бўшашиб тушди. Латофат кўчириб келтирилган заводлардан бирига инга жойлашди. Ҳадемай, кекса бир токарнинг севимли шогирди бўлиб қолди. Келаси йили цех комсорги қилиб сайланди. Ана шундан кейин завод ҳаётига боши билан шўнғиб кетди. Аввалари ҳар куни келиб турса, энди баъзан ётиб ҳам қоладиган бўлди. Онасига шу етмаган эди!

Ана шунда онада иккинчи ташвиш бошланди. Латофатнинг қиз бола сифатида тақдири кўз олдидан кетмай қолди. Мўмин-қобилгина куёв чиқса ўйинқароқ қизидан бир йўла қутулиб олиш нияти ҳам йўқ эмас. Қизи тушмагур бунга кўнадиган ҳам эмас. Совчини косов олиб қувишдан ҳам тоймайди! Бир куни эрдан ган очган эди, «Бошингизга ёстиқ бўламан, онажон» деб кулди. Яна бир тилга олганда: «Ҳа, мунча, бошим туйнукдан чиқиб кетяптими?!» деб ўпқалагандек бўлди, кетидан: «Керак бўлса ўзим топиб оламан. Тополмасам сизга айтаман. Ўктам даллолга хабар берасиз!» дея қаҳ-қаҳ солди. Шундан бери олдидан ўтсанг тишлайди, ортидан ўтсанг тепади. Шу-шу Ойнисабуви оғиз очмайди, худодан инсофини сўрайди, сўрайди-ю, зимдан — орқаворатдан кузатишни қўймайди. «Шу бировнинг хасмидан ҳам омон-эсон қутулиб олсам эди» деб орзу қилади.

Мана шу шаддод, ўзбилармон қиз эрталабдан бери уйда. Бугун дам олган. Тушгача ҳашарга келган учта қариндоши билан, кечикиб бўлса ҳам, уйнинг йиртиқ-ямоғига қаради. Улар кетиши билан кир ювишга ўтирди. У аста хиргойи қиларди:

Ҳув, кўринган тоғмикан,
Ўртасида боғмикан,
Фронт кетган акамнинг
Таний жони соғмикан?

У кирни бувилардан қолган расм билан жомашовда, чўққайиб ўтириб ювмайди. Тоғорада, гиппа-тик туриб, олдига клеёнка фартук тутиб, совун билан қаноат қилмай, аллақандай дорилар қўшиб ювади. «Қадала бериб, белларинг узилиб кетади, қизим», деса онаси, «шуниси енгил, онажон, ўз қадримни биламан» деб қиқир-қиқир кулади. Манглайига ёпишиб тушган майда соч толаларини совунли қўлини тегизмай билаги билан орқасига қайиради.

— Акангдан хат келмаганига неча кун бўлди, қизим? Бу гал кечикиб кетдими?

— Нега кечикади, ўтган ҳафтанинг бошида ўзим хатчини йўлда учратиб олиб келмовдимми?

— Ҳа, ростданам, ўзинг олиб келувдинг-а. Эсим йўқ, қизим. Аканг келгунча ўлиб қолмасам гўрга эди. Шу кунларда ота-онам тушимга бот-бот кирадиган бўлиб қолишди.

— Улар ҳам сизни соғинишиптими?!— қаҳ-қаҳ солиб кулиб деди Латофат.— Ҳеч қаёққа кетмайсиз. Ҳозир ҳеч кимга ўлиш учун ижозат йўқ. Ҳали яна йигирма йил яшайсиз. Шунда қанча бўлади? Ҳозир нечадасиз?

— Пайғамбар ёшидан ўтдим шекилли,— деди бечора она қизининг кулги тўла оғзига термилиб. «Тўрва қоқди арзанда»сининг ҳазил-мутойибаси унга оғир ботмайди. Унинг думбулликларига ўрганиб қолган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ана шунда саксондан ошаркансиз,— деди тавакқал қилиб Латофат.— Э-ҳа, бу ҳеч гапмас! Мен сизни йигирма беш йилга страхование қилдирганман. Уни тўлдирасизу, пулини олиб маза қилиб еймиз. У ёғини яна ўйлашиб кўрамиз.

— Оҳ қизим, сенга ҳазил бўлса, кулги бўлса,— деди она ўксигандек. — Бошингдаги бир тутам сочингдан бошқа оғирлигинг йўқ елкангда. Кулганинг-кулган, дунё нима, билмайсан.

Она шу сўзларни айтиб, ўтирган еридан кафтларининг орқасини ерга тираб турди. Эшикда почтальон кўринди. Она унинг товушини эшитиб орқасига қайрилгунча, Латофат совунли қўлларини паридан-бери сидириб, ёнида турган кирга артди-да, унинг қаршисига югурди. Почтальон унинг «Нима?» дейишини кутмай:

— Пул извещениеси,— деди.

— Хат-чи?

— Хат йўқ. Энди ёзиптилар,— кулди у.

Уларга шу дақиқада пулдан хат афзал эди. Она хат олгандагидек кўз ёши қилиб, извещениенинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб, бирор парса ўқиётган одамдек тикилиб қолди, пастки лаблари пирпираб кетди. Ўпкаси тўлиб:

— Болам бечора, ўзи емай-ичмай ҳамиша бизга юборади. Онаизорим зорикмасин, дейди. Хат ёзган қўлларингдан онанг қоқиндиқ бўлсин, болам,— деб Ойнисабуви извещениенинг хатларини ўпди. Катта бир томчи ёш унга томди.

Онани кузатиб турган Латофат ҳар галгидай кулгига олиб «бу унинг хати эмас, почтачиники» деяй деди-ю, унинг шаҳдини қайтаришни эп кўрмади,— «майли, бирпас йиғласин, енгил тортади».

Шу орада эшикдан тугмалари йирик ва нақшли, чивиқ отган жигар ранг костюм кийган, одми кўйлакли бўйдоргина оппоқ қиз кириб, «Мумкинми?» деб ижозат сўради. Кетидан Латофатга қараб:

— Сиз Элмурод аканинг синглиси бўлсангиз керак. Ўхшайсиз,— деди ва кўришмоқ учун қўл узатди.

— Марҳамат! Кечирасиз, қўлим ҳўл эди,— деди Латофат ва бу дид билан кийинган қиз қаршисида ўз кийими ва ҳолатидан қисилди.

Латофат «нима ишингиз бор эди, қулоғим сизда» дегандек унинг ана шу лабига қаради, ундан юзига кўз

ташлади. Унинг юзида яқиндагина кечирилган қаттиқ руҳий азобнинг излари — сўлғинлик ва маъюслик намоён эди. Унинг лабидан юзига қараб кетган саёз қўш ажинининг яқин орада пайдо бўлганига шубҳа қилмади.

Меҳмон Латофатни ортиқча куттирмади.

— Мен акангизнинг олдидан келдим. Ҳаммангларга кўпдан-кўп салом айтди,— деди.

— Акамнинг олдидан?! Ойи, ҳой ойи! Мана бу опам акамнинг олдиларидан келибдилар,— деди Латофат ва меҳмонни ҳам эсидан чиқариб, айвонга чиқиб қолган Ойнисабуви кетидан югурди.

Унинг товушидан ўрик шохидаги бир жуфт мусича «парр» этиб кўкка кўтарилди ва қўшни томига қўниб «тинчликми ўзи?» дегандек назар ташлади. Кексалик туфайли қулоғи оғирлашиб, хаёли паришон бўлиб қолган кампир меҳмоннинг кирганидан бехабар эди. Қизининг қувонч тўла ҳаяжонли товушини эшитиб, кампирларга хос вазминлик билан «ўзи нима ган, ҳовлиқмай гапир!» дегандек орқасига ўгирилди.

Латофат сўзини такрорлади. Кампир «А... а...!» деганича ариқ тепасида турган қизга қаради. «Хушхабар келтирган оғзингдан айланай» деганича меҳмондан айланиб-ўргилиб унга қарши юрди. Латофат йўл-йўлакай клеёнка фартугини ечиб, кир устига иргитди ва ўзи келтирган хушхабари билан мамнун табассумда турган меҳмонга кечирим сўрагандек майин товуш билан деди:

— Вой ўлай! Сизни унутиб қўйибман-ку! Келинг-келинг, бу ёққа ўтинг.

Кампир келиб меҳмонни айланиб-ўргилиб бағрига босди. Меҳмон бунчалик иззат-икромдан бир оз қизариқиради ҳам.

— Менинг отим Муҳаррам,— деб гап бошлади айвонга чиқиб ўтиргач меҳмон,— тағин кетганимдан кейин «отини ҳам сўраб олмабмиз» деб ўкиниб юрманглар.

Муҳаррам ширин табассум билан кулди-да, бежирим лабининг икки бурчагини нозик тўр тутилган дастрўмолчаси билан артиб қўйди. У қачон ва қандай сабаб билан фронтга борганини, Элмуродни тўсатдан учратганини айтиб берди. Лекин ўз бошига тушган кулфатни айтмади, уларнинг кўнглига ғулғула солишни истамади.

— Ўғлингиз тетик, бардам. Тўлишиб кетган. Обрўйи яхши, катта-кичик — ҳамма иззат-икром қилади. Орден олган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Вой, бизга бу тўғрида ҳеч нарса ёзмадилар-ку. Қапақа орден?— деди севиниб Латофат.

— Қизил Байроқ. Акангизни кўрсангиз танимайсиз, форма шундай ярашганки, «нега илгари шу формани киймаган экан» дейсиз.

Кампир туш кўраётгандек ёки бирор ажойибот ҳақида эртак эшитаётган боладек Муҳаррамнинг оғзига термилиб қолган эди. Она-бола ҳамма нарсани суриштириб бўлганидан кейингина, меҳмонга дастурхон ёзмаганлари ёдларига тушди.

— Вой ўлай, қизим, меҳмонга дастурхон ёзиш ҳам эсимизга келмаяпти-ку! Мен-ку, довдираб қолган кампирман, сен нега эсингдан чиқардинг энди. Тур, самоварга олов ташла!

— Йўқ, хола, мен ҳалигина овқатланиб келган эдим. Овора бўлманглар.

— Бо, унингиз йўлда тушиб қолди, айланай. Шундай хушхабар билан келасизу, дастурхонсиз кетасизми? Қўй сўйсам арзийди,— кампир шодлигидан гоҳ уни сизларди, гоҳ сенларди.

— Қўйни Элмурод акам келганда сўясиз,— кулди Муҳаррам.

— У ўз йўли билан, болам. Ҳали не-не орзуларим бор.

Муҳаррам кампирнинг шу «не-не орзулари» дан бири Элмуродни уйлантириш, шону шавкат, тантана билан тўй қилиш эканини кўнглидан ўтказди ва Зебо ёдига тушди. «Бунга она нима деркин?» деб ўйлади ва шу замон: «Эҳтимол, сен кимнидир кўз остингга олиб юргандирсан, балки оғиз ҳам солгандирсан, ўғлинг бўлса бу масалани аллақачон сенсиз ҳал қилиб қўйган. Унинг сурати аллакимнинг уйи тўрида зарҳал рамкада туради» деган фикр кўнглидан ўтди.

Муҳаррам «ҳозир кетаман» деб туриб олгач, самовар олов ташланганича қолиб кетди. Кампир хушхабар келтирган азиз меҳмонни қуруқ кетгазгиси келмади:

— Латофат, жилла бўлмаса олмадан олиб чиқ, муздаккина еб кетсин, қизим.

Латофат буфетдан гулдор кўркам тарелка олиб, Муҳаррам ўтганда димоғига олма ҳиди урган ҳужрага кириб кетди. Она бу олма қанақа олма эканлиги ҳақида изоҳ берди:

— Элмурод келиб қоладими, деб ҳар қиш беш-ўн бош узум, бир оз олма асрайман.

Олма устида гап яна фронт, Элмурод, Муҳаррам ҳақида борди.

— Кетаётганингизда бир кириб ўтмабсиз-да, Элмуродга халтача қилиб берган бўлардим.

— Оҳ, ойижон, жуда соддасиз-да! Булар вагон-вагон совға-салом олиб кетаётганда, сизнинг тўрвачангизни кўтариб юришармиди!— онасининг гапидан хижолат тортгандек бир йўсинда деди Латофат.

— Шундай бўлсаям-да, қизим, опаники бошқача бўлади,— деди она салмоқлаб.

— Ҳа, албатта,— деб уни тасдиқлади Муҳаррам,— опанинг сариқ чақасп-ю, бошқанинг тилла-гавҳари! Уни учратишимни билмадим, хола, бўлмаса жону дилим билан олиб кетардим.

— Илгари уни танирмидингиз?

— Ҳа, бир институтда ўқиганмиз,— Муҳаррам шу жавобни берди-ю, ўзи алланечук бўлиб кетди. Чунки унинг ёдига студентлик даври, шоду хуррам кунлар тушган эди.

Муҳаррамнинг гапларини тинглаб туриб, Латофатнинг бошига бир ўй келди: нега Муҳаррам билан цех комсомолларининг учрашувини, суҳбатини ўтказиш мумким эмас? Бу комсомол-ёшлар ғайратига ғайрат қўшадику! Шу қарорга қатъий келди-да, Муҳаррамга:

— Сиздан бир нарсани илтимос қилсам мумкинми?— деди.

— Марҳамат, қўлимдан келса жоним билан.

— Қўлингиздан келади,— деди ва мақсадини очиб солди.

Муҳаррам қизнинг пайтдан фойдаланганига, уддабуронлигига, эпчиллигига қойил қолиб, кулиб қўйди. Кўнглидан «Бало қиз!» деган фикр ўтди. Унинг қайси заводда ишлашини сўради. Қизнинг бу гапи онага ёқинқирамади. «Уятмасми?» дегандек унга кўз қисди.

— Бу шунақа айланай. Ҳар нарсага човлисини солаверади,— деди она Муҳаррамга, унинг томонини олиб.— Мактабда туппа-тузук ишлаб турган нарса эди. Йўқ, ёқмади. Ташлаб, заводга кетди. Қачон кўрсанг қорамойга беланиб юради. Шу яхшимиш! Қиз бола қизча иш тутса.

— Вақт шундай, онажон, йигит ёққан чироқни қиз бола ҳам ёқадиган пайт,—деди кулиб Латофат ва Муҳаррамга: «Бу киши шунақа, менинг заводда ишлашим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан норози. Ваҳоланки ҳозир чин ватанпарвар энг зарур, энг масъулиятли вазифани ўз устига оладиган пайт. Бу кишини қўяверинг» деган маънода қараб қўйди.

Муҳаррам билан хайрлашаётиб кампир: «Бу келганингиз ҳисобмас, дастурхон ҳам ёздирмадингиз, энди бафуржа ўтирадиган, ётадиган бўлиб келинг. Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш, айланай!» деса, Латофат: «Келишдик-а? Эртага соат ўн иккида кутаман!» деб ўз дардини айтарди.

Митингдан кейин Латофат Муҳаррамни қўярди-қўймай: «Заводимизни кўриб кетинг. Кўрса арзигудай!» деб олиб қолди.

Муҳаррам цехни айланиб темир буккан, йўнган, ясилаган, «олов билан ўйнашган» ва ундан ажойиб деталлар ясаган азамат кишиларни кўриб, бир олам қувонч билан Латофат қошига қайтиб келди.

— Хўш, заводимиз ёқдими?— деди у, ёққанига шубҳа қилмасди. Чунки бундай заводнинг, унингча, ёқмаслиги мумкин эмас. Бир маҳал ўзи ҳам илк бор кўрганда маҳлиё бўлиб қолган эди.

— Мунча яхши кишилар-а!— деди Муҳаррам олган таассуротлари тўлқинида ҳаяжонланиб.— Шу ерда ишлаганларнинг ҳам армони бормикан?

— Менинки бор,— деди кулиб ўйинқароқ Латофат,— уруш тугагач, ўқиб, шу заводга инженер бўлиш.

— Бу жуда ҳам яхши гап!

Муҳаррам Латофатнинг навбатдаги детални ўрнатишини кузатиб турди-да, кейин кетишга ижозат сўради.

Шу кундан бошлаб иккаласи чиндан ҳам ота-сингилдай бўлиб қолди. Муҳаррам Латофатни машҳур ва улкан заводда муъжиза яратувчилардан бири, Элмуроднинг яккаю ягона синглиси, қувноқ-хушчақчақлиги учун севиб қолган бўлса, Латофат уни илми, ўринли маслаҳатлари ва акасидан хушхабар келтирган, унинг институтдоши сифатида, вазмин ва муҳокамалилиги ҳамда яна аллапимаси учун яхши кўриб қолди. Кейин унинг эри фронтда ҳалок бўлганини эшитгач, раҳми келди, ўзидек бир «ҳамдард» лозимлигини ўйлади. Унга яна ҳам ўзини яқин тутди. Борди-келди қилдилар, дўстликлари қалинлашди. Энди улар Элмуродга бирга хат ёзадилар, хатини бирга ўқишади. Ойнисабуви Муҳаррамни қизим дейди, Латофатдан кўра уни эслироқ билиб, кўп нарсани у

билан маслаҳатлашади. Буни кўриб Латофат Муҳаррамга: «Сиз ойимнинг тайний советнигисиз» деб кулади.

Бир куни Муҳаррам хомуш, ранги синиқироқ кириб келди. Она буни эрининг қайғуси деб ўйлади, оналик меҳри билан юраги ачиб, раҳми келди, далда берди.

— Мунча куймасангиз, қизим, пешона биттами! Рўзғорингиз бут, шукур қилинг.

Онанинг бу гапини Латофат «рўзғордан толиққан хотинларгина эрига қаттиқ куяди» деб тушунди-да:

— Рўзғордан қийналганларгина кишисига куярканми, сиз ҳам қизиқсиз-а, онажон,— деди ва лекин нима учун куяётганини айтмади, шунисига қолганда уялди. Бўлмаса у, «яхши кўрганидан куяди киши» демоқчи эди. Муҳаррамнинг сир бой бергиси келмади, «чарчаганман» деб кўя қолди. Улар бугун театрга тушишга ваъдалашган эди. «Бой ила хизматчи» экан, қўярда-қўймай онани ҳам олиб кетдилар. «Биз кексаларга томоша чикора, сизларга ярашади. Азага келган сурнайчидай жуда ярашсам керак» деса ҳам қўймадилар. Лекин она театрдан хурсанд қайтди, уйқудан қолганига ачинмади.

— Ойи, сизларнинг замонда шунақа гаплар бўлганми-а?— деди Латофат уйга қайтгач, саҳнада кўрган адолатсизликдан жуда таъсирланиб.

— Оҳ, болам, пималар бўлмаган! Тошиб ёзибди. Пули бор фармон билан, пули йўқ армон билан яшарди. Пули борнинг тили бор, қўли бор, ақли бор, гули бор эди. Елкаси ямоқ, ҳамиша аҳмоқ эди уларга,— деди она ва етти уйланиб, тўрт хотини билан бир вақтда яшаган бир бойнинг тарихини айтиб берди. Қизлар ётишга тайёрлик кўришар экан (Муҳаррамни олиб қолишган эди), Латофат Муҳаррамга кулиб бир кўзини қисди-да, онасини синаб кўрмоқчи бўлди:

— Ойи, акам ўшоқда яхши қиз топибди, уйланармиш.

Она ҳазилкаш, ўйинқароқ қизининг бу гапига ишонмади. Шундай бўлса ҳам «ҳазиллашмасанг туролмайсан-да» дегандек ер остидан қараб қўйди.

— Рост, мана Муҳаррам опамдан сўранг,— деди Латофат гапига онасининг ишонмаганини кўриб.

Муҳаррамдан сўраган эди, у уялинқираб бўлса ҳам тасдиқларди. Она ишонар-ишонмас:

— Қанақа қиз экан?— деди.

— Бокудан, озарбайжонлик эмиш. Бирам чиройли

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмишки, асти қўяверинг, кўриб Муҳаррам опамнинг ҳаваслари келибди.

Она энди ишонди. Бу хабар ёқинқирамаса-да, яккаю ягона ўғлининг жангу жадалда юргани кўзига кўриниб кетди:

— Бони омон бўлса бўлди менга ўғлимнинг, қизим. Унинг дилхушлиги — менинг дилхушлигим. Чаманга кирган киши ўзи ёқтирган гулни узади. «Мана, буни уз» деб амри фармон бериб бўлмайди.

Бу жавоб Латофатга ёқиб кетди, атайин она тушунмасин учун русчалаб Муҳаррамга:

— Онам ўзи эскича-ю, лекин унинг мантиқи содда ва тўғри,— деди шу лаҳзада онаси билан фахрланиб. «Шу менинг онам бўлади, кўриб қўйинг» дегандай гердайди.

— Бу мантиқ турмуш тажрибасидан.

Элмуроднинг тонган қизи масаласи тули билан онанинг хаёлидан кетмаганди, эрталаб яна уни Муҳаррамдан синчиклаб суриштирди. У ташвишга тушиб қолган эди. Муҳаррам унинг сўроқларига жавоб қайтараркан, «онани ортиқча ташвишлантириб қўйдик. Кераги йўқ эди шунинг» деб ўйлади ва бу ишнинг яхши бўлмаганини англади. Она нималарни ўйлаётганини Муҳаррам тахминан биларди.

— Яхши қилмадик айтиб,— деди у Латофатга.

— Ничего, қулоқлари чиниқиб туради, акам бошлаб келиб қолса ғўра тоғолча чайпаган кишидай чимирилиб юрмайдилар.

«Ҳа, рост, бу ёғи ҳам бор!»— кўнглидан ўтди Муҳаррамнинг. Лекин ана шу лаҳзада: «Чиндан у олиб келадими-а?» деган бир нидо қалбининг аллақайси бурчидан садо берди. Зебога нисбатан рашкка ўхшаган бир нарса аъзосини куйдирди. Унинг бир куни Латофат билан келишиб қилган хатига кўра, Зебо ўз суратини юборганда, у Муҳаррам кўзига аввалгидек жозибадор, дилбар ва кўркам бўлиб кўринмади. Латофат «Бизникида турсин» деганда ортиқча қаршилик кўрсатмади, бўлмаса ўзи учун илтимос қилган, фақат Латофатга бир кўрсатиб олмоқчи эди. Она суратни кўриб: «Ойдаккина қиз экан. Ишқилиб, тинли-тирноқли, ўтли-шудли, мўмин-қобилгина бўлса, ҳурматимни бажо келтирса — мен рози» деди, ғўё Зебо ҳали замон қўлтиқланиб Элмурод билан эшикдан кириб келаётгандек. «Доктор экан, умрингизни чўзади» деб кулгига олди Латофат. «Қандай рамкага солсам

экан» деб у рамка танлар экан, бу Муҳаррамга ёқинқирамади, қандайдир ички куч уни ташвишлантирарди, бу ички куч Элмуродни Зебодан айрича кўрсатарди, Элмурод қалбига яқинроғу, Зебо бегона бўлиб кўринарди. Латофат «ҳадеб» рамка танлайверган эди, Муҳаррам беихтиёр «мана шу ҳам бўлаверади» деб қолди. Латофат ялт этиб унга қаради-ю, индамади. Ўзи танлаган рамкага солиб, уй тўрига осиб қўйди. «Ўзи нима гап, Муҳаррамхон?» деган бир ўй кўнглидан ўтди.

Бу ҳаракатлардан бехабар она Муҳаррам кетгач:

— Қандай дилбар жувон! Ичингдагини топиб гапиради-я, умрингдан барака тонкур,— деди унинг орқасидан.

Онанинг Муҳаррамга меҳри тушиб қолган эди.

XVII

Баҳор ўз оти билан баҳор. Тошда гиёҳ ундиради. Кубань баҳори, айниқса кўркам. Куп ўтмай осмонни тутундек қора булут қоплаб келади. Осмон ёрилгудек гумбурлайди, у уфқдан бу уфққа чақмоқ сув илондек жилпанглайди. Жала қуйиб солади. Турдиевнинг «Бу томоннинг осмони сув тутмас ғалвирми, мунча ёғади?» деганича бор. Мард бўлсанг ўн минут бардош берасан, чўмилтириб юборади. Пилоткангни олиб сиқсанг ярим литр сув чиқади. Ҳамма ёқни ҳалқоб босиб кетади. Кубань лиманлари авжланади, кенгаяди. Қумлар билқ-билқ. Этиклар ботмон. Бир ҳафталаб кийим-бош қуримайди. Шундай пайтларда плаш-палаткаларнинг садағаси кетасан киши! Бир томчи ўтказмайди! Дарахтларнинг қалин ва яшил чодиридан докадек сузиб кетади, гўё уларни чўмилтиради. Эртасига кўрибсанки, тиниқ мовий осмон. Қуёш ёнади. Харсанг тошда гиёҳ унибди. Туплари сурмадай юмшоқ, қулоч дарахтларнинг ораларида, бошларида юлдузлар чамани чарақлайди, виз-виз учади, юмшоқ ел майсалар қулоғига сеҳрли ашулаларини куйлайди. Термилиб қараб тўймайсан, киши. Уйқуларинг қочади.

Н. станицаси денгизга чиқишда сўнгги станица. Унинг юксак дарахтидан қарасанг, денгиз кўринади. Тонг ёришганида йўлга чиққан киши понуштага балиқ олиб келади. Аҳоли, шамоллаган кишини «денгиз шамоли урибди» дейди. Бўйдор қамишлар шунда ўсади. Меваси ширин, лекин рангпар. Ҳар хонада қайиқ топилади. Ўн яшар бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ласи яхши эшикакчи. Улар шамол тилига яхши тушунишлари ва елканлар жиловини маҳкам тутишлари билан фахрланадилар.

Душман мана шу қишлоққа келганда михланиб олди. Атрофини обдан миналаштирди. Мудофаа санъатини ишга солди. Тарқатган миш-мишларига қараганда, дарахтга қуш қўнса ҳалок бўлармишу, қишлоқни ўраган ҳар қамиш остида бир мина бормиш.

Қисм тунги билан ўз позицияларини эгаллади. Элмурод бир-икки разведка уюштиргач, немис тарқатган миш-мишнинг замирида озгина бўлса ҳам ҳақиқат борлигига иқрор бўлди.

Элмурод дурбиндан қараб, станицада бирор кишини кўрмади. Бу жанг майдонининг машъум кўринишини эди.

Қисм икки-уч авиация чақирди. Артиллерия разведка аниқлаган ўт очиш нуқталарининг додини берди. Аммо қисмнинг тушда қилган атакаси бефойда кетди. Кутилмаган ўт очиш нуқталари бехосдан ишга тушиб, қисмни ётишга мажбур этди. Станица хаталарининг дераза-ларидан, чердакларидан, яна аллақаёқларидан ўқ ёғарди. Аввалги позициясига чекинган қисм яхшилаб мудофаа қуриб олди.

— Душман кўркаламушдек ер остида,— деди полк командири майор Следов бўлинма командирларини йиғиб,— яна бир-икки авиация чақиришга тўғри келади. Авиация разведкаси уюштиришни ҳам сўрайман, ундан ташқари, ҳар батальон ўз территориясида узлуксиз разведка уюштирсин, кузатувчилар кўпайтирилсин.

Шу куни орқада қолган артиллерия келди. Кун бўйи авиациямиз осмондан аримади. Гоҳ разведка қилди, гоҳ бомба ташлади. Батальонлар уюштирган разведкалар янги-янги хабарлар келтириб турди. Автоматчилар бўлинмаси станица орқасига ўтиб, тайинланган ерда турганини хабар қилди. Станицадан қочиб ўтган бир ерли киши анча тузук маълумот берди. Бошқа станицалардан ҳайдаб келинган аҳолининг кўплигини айтди, фрицлар улардан фойдаланиш ниятида эканини билдирди.

— Фрицлар дот, дзот ва уйлар остидаги ертўлаларда. Аҳолини у ёққа киритмайди. Аҳоли, немислар билан оғиз-бурун ўпишган уч-тўрт итялоқ оқсоқоллар қўлида. Қимир этказмайди. Жабр-жабр аҳолига бўлди. Фриц «биз билан бирга қириласан» дейди. Ўзи дунёдан умид узган,— деди у киши.

Ракитин у киши штабга жўнатилгач, Элмуродга деди:

— Ўртоқ старший лейтенант, фрицлар кавакларда бўлса, зарарни аҳоли кўраётган бўлади. Шуни бир ўйлаб кўриш керак эди.

— Масалан?

— Биз аҳоли билан урушмаймиз. Агар буни жангчилар эшитса, ўқ ҳам узишмайди. Ахир пичоқ ўз сонини кесадими?

— Сизча нима қилиш керак? Отилган ўққа «аҳолига тегма» деб бўлмаса. Мен ҳам ҳайрон қолдим.

Унча узоқ давом этмаган жимликни Ракитин бузди:

— Бутунлай ўраб, ҳалқалар мустаҳкамлангандан кейин таслим бўлишни таклиф этиш керак. Кўнса эҳтимол.

Бу фикрни полк штаби ҳам маъқуллади. Кечаси билан қуршовни кучайтириш, тайёрлик кўришга қарор қилинди. Ультиматум текстини тайёрлаш Ракитинга топширилди. Ракитин икки-уч вариант ҳозирлаб, Элмуродга кўрсатди. Элмурод уларни ўқиб чиққач:

— Ҳаммасида бир нуқсон бор. У ердаги аҳолига бўлган шафқатимиз мутлақо ифодаланмаяпти керак. Акс ҳолда немис: «А-ҳа, позик жойдан уриляпмиз!» дейди-ю, баттарроқ ёпишиб олади,— деди.

— Бўлмаса нима дейиш керак?

— Тўғридан-тўғри таслим бўлишни таклиф эта беринг. Қаршилик кўрсатиш бефойда, денг. Вассалом, уруш дипломатияси—қуролсиз жанг. Бунда ҳам балиқдай силлиқ, читтакдек чаққон, бургутдек шижоаткор бўлиш керак. Шундай ёзингки, «хўп» деганини ўзи ҳам билмай қолсин. Енгиллик берилишини кўпроқ айтинг. Ҳаммадан ҳам «орден, медалларни тақиб юришга рухсат этилади» дент. Иложи бўлса Бондардагиларни тақиб қўйишга ваъда беринг,—кулди Элмурод,— ҳа, улар ўлгудай савлатпараст. Дипломатияда гоҳо шунақа қилишга тўғри келади.

— Герингдагини ҳам олиб бераман, дея қолай. Ахир унда ҳам қирқтача бордир.—Кулгига кулги қўшди Ракитин.

— Уддасидан чиқсангиз, денг.

Ракитин билан Элмурод тайёрлаган ультиматумнинг янги текстини полк штаби муҳокама қилди, дивизия сиёсий бўлими маъқуллади.

Энди битта оқ байроқ керак эди.

— Бунақа байроқ фрицда бўлади,—деб кулди полк комиссари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шу вақтда бизга ҳам керак бўлиб қолди-да, бўлса эиён қилмас эди.

— Топиб берамиз,—деди полк комиссари ва чойшанини шарт йиртиб, ярмини тутди,—шу ҳам етади. Оқ байроқни кўтариш огир бўлади. Яна қайтиб берасиз. Ким боради?

— Ракитин,— деди полк командири майор Следов.

Полк командири, полк комиссари билан ёлғиз қолгач, деди:

— Оқ байроқ қопга бўялиб қайтмаса эди. Тўнғиз табиат фриц парламентёр дахлсизлигини ҳурмат қиларми-кан?

Ракитин эрта билан соқол-мўйловини қириб, понушга қилгач, ёнига иккита автоматчини олиб, йўлга тушди. Узоқдан оқ байроқни салқин ва тоза ҳавода икки-уч марта ҳилпиратиб, душманга маълум қилдилар-да, мудофаани қоқ ёриб, станицага кириб бордилар. Душманнинг ўқ узмай кутиб олганидан Элмурод бир оз ўзини босди. Лекин юраги нима учундир ғаш, бағри ҳувиллаётгандек кўринди. Байроқ ғойиб бўлгунча, ундан кўзини узмади. Улар кўздан ғойиб бўлганда ҳам Элмурод ўша томонга боқарди. Ёлғиз у эмас, ҳамма жангчи, штабдан чиқиб полк командири, комиссари боқарди. Ҳаммасининг қалбида, душман ичига кириб борган совет кишиларининг ҳаёти ҳақидаги ташвиш бор эди.

Улар узоқ кутишди. Ҳамон парламентёрлар қайтмасди. Станица жимжит. Ҳаракат ҳам йўқ. Тикка кўтарилиб қолган қуёш тафтидан ер буғланади, киши бетига илиқ ёпишади. Ёмғирда ерга қапишган майсалар мағрур кекаяди, елда силкинади. Аллақайси дарахтда қушлар парт-парт уришади. Ниҳоят бир-бирини қувалашиб станица томонга учиб кетишди. Элмурод қушлар изидан қараб қолди. Денгизга туташган ложувард уфқ жимирлайди. Қушлар ҳам кўздан ғойиб бўлди.

«Улар-ку, ҳозир қайтиб келиб, яна шу дарахтга қўнишар, эҳтимол, парт-парт уришар, бир оздан кейин тотув яшашиб, кўклам қучоғида яйраб кетишар. У ерда уларнинг душмани йўқ. Истаса бемалол яшайверади. Ракитин-чи? Қайтадими? Нега мунча кечикиб қолди? Тинчлик бўлсин-да! Аҳолининг ғамини еб, ўз бошини душман сиртмоғига тутиб бермадимикан? Ажойиб одам, у ерда гуноҳсиз совет кишилари борлигини эшитди-ю, типчлиги йўқолди. Гўё ўша ерда бола-чақаси бор кишидек, ҳали замон қирилиб кетиб, ўлиги устидан чиқиб бораётгандек типирчилаб қолди. Ишқилиб, омон-эсон келсин-да!»

Элмурод соатига қаради. Парламентёрлар кетганига роса бир ярим соат бўлибди. Яна бетоқатланди. Полк штабига «энди нима бўлди» дегандек қилиб телефон қоқди. Улар ҳам ҳайрон. Борисов кириб келди. Унинг кетидан учинчи ротадан Йўлдош келди. Кўзлар бир-бирига тикилишиб, жавоб кутишарди.

— Жангчилар қаттиқ ташвишланмоқда. Ҳозир ҳужум бошлансин, ўртоқ комиссарни қутқарамиз. Фрицлар тутиб қолди дейишади,—деди Йўлдош.

Элмурод индамади. Унинг юзига қараб изтироб ва ташвиш ўқиди. Борисов ҳам ўзида эмас.

— Одатда парламентёрлар қанча вақтда қайтади?— деди у.

Элмурод бу саволни «кечикишмадими?» деб тушунди.

— Кечикишди,—деб жавоб қайтарди.

— Аслида шу ишнинг кераги йўқ эди. Аҳолини бирор йўл билан қочишга имо-ишора қилиш керак эди. Қайтмаса нима бўлади?

Элмурод комиссар ва икки жангчининг қайтмаслигидан хавфсираган экану, қайтмай қолишса нима бўлишини ўйлаб кўрмаган экан. Борисовнинг бу саволи «энди келмайди» дегандек эшитилди. Унга ялт этиб қаради, қаради-ю, нима жавоб беришини билмай, ўйланиб қолди. Чиндан ҳам улар қайтмаса нима бўлади? Нима илож бор? Ёлғиз жанг қилиш. Парламентёрларсиз ҳам барибир тўқиниш бўларди. Қишлоқдаги гуноҳсиз аҳоли ёнига яна уч киши қўшилди. Борди-ю, жанг бўлса (бу албатта бўладиган кўринади) қишлоққа кирилгунча улар тирик бўлармикан?

Вақт тушга етганда бутун қисм ташвишлана бошлади. Ракитинлар ҳамон йўқ эди. Кутиш энди бефойда эди. Қисм командири ҳужум учун буйруқ берди, бошлаб замбараклар ҳалқумини кўтарди.

Бутун қисм парламентёрлар ҳаёти ҳақида ташвишланиб, полк командири, комиссари штаб оғзида. Элмурод ўз ертўласи бўсағасида станицадан кўзини узмай туриш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганда Ракитин қуролсизлантирилиб, фашист офицери олдида сўроқда эди.

Фриц найранг қилди. Парламентёрларни одатий қоида бўйича кутиб олиб, жавоб учун маслаҳатлашмоқлари зарурлигини айтди. Бир оздан кейин бир душман офицери чиқиб, узоқ куттирганлари учун узр сўради ва:

— Офицерларни йиғиш қийин бўлди, ҳозир жавобини айтамиз,—деб ўтиб кетди. Улар ҳамон кўчада турарди. Бир оздан кейин чиқиб, ичкарига таклиф қилди. Ракитин раҳмат айтди.

— Авиация ҳужуми бўлиб қолса яна товонингизга қолмайлик,—деб кўса даҳанини ликиллатиб кулди ҳалиги офицер.

— Улар бизнинг бу ердалигимизни билишади. Ташвишланганингиз учун раҳмат,—деди Ракитин.

Фриц ўзини зўрлаб, «майли, майли» деб эчки маърашидек кулиб, боя чиққан томонга ўтиб кетди. Шу орада бир нечта қишлоқ кишилари пайдо бўлди. Улар парламентёрларни кўриб қувонган бўлишди-ю, турли саволлар бера бошлашди. Ҳатто бири кўз ёши қилиб:

— Ўлдирса ҳам совет нони тиқилиб ўлдирсин. Бор экансизлар-ку, кута-кута кўзимиз тўрт бўлди. Кўрган кунимиз қурсин. Мана бугун бир ҳафта бўлди, ичимизга туз киргани йўқ,—деди. Ўзга бири кўзига ёш олмаса ҳам тинмай бидирларди.

— Совет даврининг қадрини энди билдик. Киши қадрига етаркан. Сизларнинг ҳозир келиб туришинглар ўзи бир мисол. Шу гамхўрлик эмасми? Бу ерда душман ҳайдаб келган аҳоли борлигини билгансизлар-да? Бўлмаса азиз жонингларни гаровга қўйиб келармидинглар. Мингдан-минг раҳмат! Бу—ўлсак ҳам унутилмас шафқат.

Ракитин бу икки-уч «ватанпарвар»нинг гапларидан қўланса ҳид келаётганини пайқади. Энди «нариоқ туринглар» деб илтимос қилишга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, ўзига ташланган оғир гавдани сезди. Зарб билан йиқилди. Худди шундай, ёнидаги жангчилар ҳам лойга беланиб, граждан формасидаги кишилар билан олишиб ётарди. Ракитин зарб билан босиб тушган кишини устидан ағдариб тўппончасига қўл юборган эди, уни қинида кўрмади. Жангчиларнинг автоматларини ҳалиги икки «патриот» бир чеккада ишшайиб ушлаб турарди. Воқеани тушунди. Дуч келганини тенди, урди. Қўтосдек икки-учта фриц унга ташланиб, унинг қўлларини орқасига боғлади.

Автоматчиларни ҳам шундай қилиб, ёнда турган қўрага олиб кетишди. Ракитин кейин уларни кўрмади. «Офицерларнинг йиғилиши қийин бўлди» деган боягн офицер аллақаёқдан пайдо бўлди-ю, «Жавобимиз шу!» деб кўса даҳанини тарвайтириб иржайди. Уни ушлаб турганларга нимадир имо қилди. Ракитин ҳалиги икки сотқиндан бошқалар граждан формасидаги фрицлар эканини аниқ кўрди. Ракитинни бир уйнинг ертўласига олиб тушдилар. Унда, устига билакдек шам ёқилган стол орқасида кўзлари чуқур-чуқур ботган, ялалоқ бурун, энгаги кичкина, шолғом бўйли сап-сариқ немис ўтирарди. Ракитинни кўриши билан лабига сигарета қўндириб, зажигалкадан туташтирди-да, столни айланиб ўтди. Сигаретани оғир сўриб, юз-кўзини тутунга кўмди ва асабий сўл қошини учириб деди:

— Ультиматумингизни олдик. Қачон таслим бўлайлик, жаноб командир? Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳаммамизни ёлғиз ўзингиз олиб кетасизми, яна келишадими? Ҳа-ҳа-ҳа!

Ракитин индамади. Ҳақорат билан бузилган асабини босиб, деди:

— Ультиматумни қабул қиласизми, йўқми, у сизнинг ишингиз. Аммо мени қўйиб юборишга мажбурсиз. Парламентёр дипломатдек дахлсиз! Бу—халқаро қонун.

— Дахлсиз... Халқаро қонун. Ким қўл қўйган у қонунга! Улуғ фюрернинг имзоси борми? Унда меники йўқдур! Ҳа-ҳа-ҳа, халқаро қонунни биз жорий этамиз, биз. Ана у муқаддас бўлади, уни барча давлатлар бажаради.

Немис офицери ўзи гапириб, ўзи қаҳ-қаҳ солиб кулар, унга хушомад юзасидан бошқалар илжайишар эди. Офицер алланималарни гапирди. Кеккайди, мағрурланди. Ракитин бу ўзи хандон офицер билан гаплашмоқни ортиқча ҳисоблаб чурқ этмади. Саволларига ҳам жавоб қайтармади. Ўзини жуда оғир тутди, башарасини ҳам ўзгартирмади. Ўқтин-ўқтин «шу ҳам гап бўлибдими» дегандек масхаралаб илжайди. Унга сари офицер хуноб бўлар, столга урар, бураб-бураб савол берарди.

— Мен сизга сўроқ бериш учун эмас, жавоб олиш учун келганман. Уринишингиз бекор. Мени қўйиб юборинг,— деди Ракитин. Офицер тутақди. Дўқ қилди. Ракитиннинг энгагидан ушлаб, башарасига қаради. Ракитин ҳам эл-юрт меҳри билан нурланган йирик кўзларини унинг сўниқ, бетоқат кўзларига қадади. Ўз мақсадига эришолмаган офицер қизишиб, мушт кўтарди, аммо урмади. Пилдираб келиб, столи орқасига ўтди-да, ниманидир тимирскилади,

www.ziyouz.com kutubxonasi

яна бу ёққа пилдираб ўтди, яна қисмга доир икки-уч савол берди.

— Сиз ўзингизни ортиқча уринтирманг. Қисмимизнинг кучи ҳақида ҳеч нарса айтмайман. У ҳозир ўзини кўрсатади, синайсиз. Мени ушлаб ўтиришингизнинг ўрни йўқ,— деди Ракитин салмоқлаб, хотиржамлик билан. Офицер яна ўзини қўйгани жой тополмай қолди. У тоқатсизланган сари Ракитин ўзини оғир тутар, баъзан масхаралабгина қўяр эди.

Ракитинни бошқа бир ертўлага олиб тушдилар. Бу ердан зах ва мағор ҳиди келарди. Унинг кийимларини ечиб олдилар, яланғоч ташлаб кетдилар. Сал ўтгач, устидан бир неча челак совуқ сув қуйиб, ўша сув йиғилган чуқурга туширдилар-да, икки қўлини икки қозиққа боғлаб кетдилар. Ташқарига чиқиб узоқ қулоқ солдилар, ҳеч қандай товуш эшитмагач, кириб хабар олдилар. Комиссар чурқ этмай, тишини тишига қўйиб турарди. Шу пайт ташқаридан портлаш эшитилди. Солдатлар югурганича чиқиб кетиб, бир оздан кейин яна қайтиб кирдилар. «Ҳалигача тирикмисан» дегандек унга энгашиб қараб бир-бирига тикилишди-да, «капут» деб ертўладан чиқишди, оғир, залварли эшикка қулф солишди. Бошқа қайтиб киришмади. Ташқарида отишма борган сари кучаймоқда эди, гоҳо ертўла ларзага келарди. Ракитиннинг баданини муз кесиб борарди. У ўлимга қаршиликсиз таслим бўлишни жиноят деб билди. Бор кучи билан чуқурдан чиқишга уринди. Оёқларини ҳаракатга келтириб, кесак бўла бошлаган баданига қон юргизди. Баъзан сув чайқалиб оғзига кириб кетар, қалқитарди. Қўллари қотиб қолган экан, анча маҳалгача ҳеч нарса сезмади, бора-бора уларда ҳам сезги пайдо бўлди.

Ташқарида портлаш кучайиб, ертўла кучлироқ ларзага келган сари ўзида қандайдир куч сезар, ўлим даҳшати йироқ кетаётгандек бўларди. Кишиларга ажал даҳшати солувчи бу портлашларда у нажот ва ҳаёт кўрарди. Унинг ишқи билан дақиқаларнинг ўлимни яқинлаштирувчи совуғини сезмас, унинг ишқи билан умидвор кўзларини эшикка тикиб, мағрур боқар, унинг ишқи билан кристалдай тоза виждони эркин эди.

Аммо муздай сув ўз ишини қилмоқда эди.

Гитлерчилар Ракитиннинг устидан қулфлаб чиқиб кетганда, Элмурод батальони билан атака маррасига келиб, команда кутмоқда эди. У артиллерия тайёрлиги қандай

ўтганини ҳам билмади. Ҳар бир снаряд Ракитиннинг бошида ёрилаётгандек юраги «шиғ-шиғ» этарди. Авиациямиз бомбардимон қилганда-ку, бир ерда ўтиролмай қолди. Қулоғи остида Ракитин: «Менга эҳтиёт бўлинг, мен бунда, сал нарироқ тапланг» деяётгандек бўларди. Унинг ҳалок бўлганига сира ишонмайди. Тўғриси, унинг ўлиши мумкинмасдек кўринади. Элмуроднинг буйруқларини роталарга етказиб турган Бондарь икки-уч марта: «Комиссар келмади-я?!» деб ўксиб қўйди. Ҳар гал роталардаги жангчиларнинг комиссар тўғрисида ачиниб айтган сўзларини эшитиб келади. Элмурод ундан баттар сиқилиб кетади. Шундоқ ҳам бир қаноти йўқдай. Ракитинга ўрганиб қолганини, унга кўп орқа қилишини энди билди. Унга анча суяниб қолган экан.

— Комиссар тирикдир-а, ўртоқ старший лейтенант? Уни ўлдиришга ҳақлари йўқ, шундаймасми? Ахир у парламентёр бўлиб борган-ку,— деди бир гал Бондарь. Шу билан ўзини мудҳиш ўйлардан озод сезарди. Шунинг учун бот-бот савол берарди.

Артиллерия станица олдини бир сидра ўқдан ўтказиб, ичкариликка ота бошлади. Бу—қисмларнинг атакаси учун ишора эди. Йўқ, қисмларимиз атакага кўчганча бўлмай, душман контратакага қимирлаб қолди. Элмурод батальони билан станицанинг шундоқ оғзида ётар, фақат бир ҳамла кифоя эди. Бир маҳал қайси кўз билан кўрсинки, узун, кенг кўча бўйлаб қўлларини кўтарган қишлоқ аҳолиси келяпти. Нариги томонга қараб яна шундайларни кўрди. Эркак-аёл аралаш болалар ҳам бор. Уларнинг орқасида душман автоматчилари борлигига шубҳа қолмади. Фрицнинг бундай найранглар ишлатганини кўп эшитган эди. Лекин шошиб қолди. Нима қилиш керак? Худди шундай савол билан роталардан одам келди.

— Йўлдош, полкка телефон қилинг. Нима қилиш керак? Тезда!

— Есть!

Йўлдош ҳам шошиб қолган эди. Қандай қилиб ўз кишиларингни кўра туриб ўқ узасан? Аҳолининг қий-чуви бемалол эшитилиб турарди. Улардан кимнингдир: «Орқамизда фрицлар бор!» деган товуши эшитилди. Элмурод бу товушни аниқ эшитди. Аммо не чора? Ўқнинг ақли йўққи, ўзимизникиларга тегмай ўтиб, душманга қадалса.

Полкдан ҳамон жавоб йўқ. Нима учундир телефон ишламасди. Аҳоли ҳамон келарди. Энди уларнинг афт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

башаралари, кийим-бошларини ажратиш мумкин. Мана бир кампир мункиллаб келмоқда, ёнида чоли ҳам бор. Ундан нарироқда бола етаклаган хотин.

Элмуроднинг нафаси оғзига тиқилди.

— Жавоб борми?

— Телефон сими узилган кўринади,— жавоб берди Йўлдош.

Элмурод «эҳ!» деб телефонга ташланди: «Алло, Алло!» Телефонистга ўшшайиб қараб, жойига кетди. Нима қилиш керак? Бошида шу савол эди. Ўт очса, бошлаб аҳоли қирилади. Очмаса, душман келиб қолди, батальон ўт остида қолади. Бошида бир фикр туғилди-ю, Бондарь қўлидаги автоматни сапчиб олди. Тариллатиб аҳоли устидан ошириб ўқ сочди. Яна нарироқда кимдир худди шундай қилди, бошқа биров қўшилди. Аҳоли таппа-таппа ўзини ерга отди. Баъзилари олдинга қараб югурди. Улар ичидан кимдир «Отаверинг-отаверинг» деб орқа томондаги фрицларни кўрсатарди. Аҳоли ётиши ва тарқалиши билан душман автоматчилари ўт очишди. Элмурод батальонини атакага кўтарди:

— Ватан учун!

Унга жангчилардан кимдир қўшимча қилди:

— Комиссар учун!

Элмурод аҳоли устидан ошириб ўқ узган вақтда комиссар Ракитин не-не машаққатлар билан сувли чуқурдан чиқиб, ҳушсиз ётарди. У чуқурдан чиқди-ю, оёқ устида туролмади. Кесак бўлиб қолган эди. Тишлари қирсиллайди. Фикрида мужмал, англаб бўлмайдиган ўйлар ини бузилган аридек ғувиллашарди. Қулоқлари аллақандай товушларни эшитаётгандек бўлади. Баданининг титраётганини фаҳмлайди. Ўзини қўлга олишга, идрок билан иш тутишга жазм этади. Лекин аъзоларининг ўз ихтиёрида эмаслиги халақит беради, яна ҳушини йўқотади.

Эшик қулфи шарақлади. Яна жимлик чўкди. Ким у? Нажоткорми, жаллод? Шу яқинда нимадир портлади, нимадир шувиллаб тўкилди. Эшик орқасида яна кимдир пайдо бўлди. Қулф ва эшик зулфини шарақлади. Эшик ғирчиллаб, қулфга зарб билан урилган товуш аниқ эшитилди. Тез-тез, икки-уч марта такрор бўлди.

Ракитиннинг фикри сал тиниқлашди. Қулоқ солди. Чиндан ҳам кимдир эшик қулфини бузарди. Қалби гурсиллаб урди, кўзлари беихтиёр кенг очилди, кулгичи чуқур ботди. Ўзида қандайдир куч пайдо бўлганини сезди,

бир зарб билан турмоқчи, ҳеч бўлмаса кирувчининг қаршисига туриб ўтирмоқчи бўлди. Севинч ёшлари дув тўкилди. Лекин уриниши бекор кетди. Фақат қорнига ағдарила олди, холос. Шу чоқ ташқарида Ракитинга бегона тилда чуғурлаш эшитилди. Устма-уст ўқ узилди. Эшик орқасида бўлган ҳаракат тинган эди. Ракитин ташқарида ҳали душман ҳукмрон эканини уларнинг товушидан ажратди. Яна бўшанди, кўз олди туманлашди. Ҳушидан кетди. Бир оздан кейин ўзига келиб, яна эшикка қулоқ тикди. Жимжит. Кўчадаги товуш ҳам тинган. «Эшик қулфини бузмоқчи бўлган ким экан, бу ерда ҳали фрицларку?» деган ўй ўтди фикридан. Дақиқа сари дармондан кетаётганини фаҳмлади. «Ёки фрицлармиди? Нега улар қулф бузади. Балки калитини йўқотган, бузиб кириб менбилан ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлгандир. Ёки менинг қулоғимга шундай эшитилдими? Биров бўлса нега шу вақтгача кирмади? Анча бўлди, шекилли! Албатта фрицлар, бизникилар бўлса бунақа тараддудланиб ўтирмас эди»— шу ўйлардан кейин Ракитин яна маъюсланди. Энди ўлажагини, ўз кишиларини қайта кўролмаслигини қандайдир ички куч тасдиқлаётгандек бўлди. Беихтиёр: «Кишилар, азиз кишилар, мен сизни жони дилимдан севардим» деб юборди. Ўз товушидан ўзи чўчиб кетди. Кўз олдини боягидан ҳам қуюқ туман босиб, ўзининг заифланиб бораётганини фаҳмлади, сўнгги интилиш билан тўппини аранг кўтарди, ғишт орасидан тушган танч парчасини олиб, ертўла деворининг пастига қийнала-қийнала нималарнидир ёзди. Ёзди-ю, ўзининг инсонлик бурчини шараф билан ўтагандек оғир нафас олди, энгил тортди, қўллари бўшашиб мук тушди—яна ҳушидан кетди.

Эшикда яна одам пайдо бўлди. Икки зарб билан қулфни бузиб, ертўлага кирди. Улар икки киши эди. Бири ўрта ёшлардаги сочлари тўзғиб кетган, баланд бўйли, ориқ хотин, иккинчиси кўзлари чақнаган, ҳаракатлари тез ва кескин шеригидек қадди баланд бўлмагану, лекин ҳали ўзини роса қўймаган, кенг манглайли бош яланг 14—16 ёшлардаги бола эди. Улар она-бола эди.

Биринчи бўлиб ертўлага отилган бола онасига деб эди:

— Мана шу ерда. Женя холамнинг чердагидан аниқ кўриб турдим. Аввал колхоз омборига олиб тушдилар, ундан бу ерга келтириб ташлашди. Немисларнинг ўзи чиқиб кетди. Аниқ кўрдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар кенг ертўланинг эшикдан ёруғ тушган томонига қарашди. Ракитин ёруғ тушмас бу бурчакда ётарди.

— Ҳеч ким йўқ-ку. Бўлса товуш чиқарди,— деди она.

— Йўқ, аниқ кўрдим, шу ерда,— бола қоронғида кўзи билан шарпа излаб безовталанарди,— мана, мана, улик.

Ракитин беҳуш эди. Бошлаб бола унинг кўкрагига қулоқ қўйди.

— Тирик, тирик! Аблаҳлар устидан сув қуйишибди, буни қаранг, ҳамма ёқ лой. Муттаҳамлар, кийимини сечиб олишибди.

— Нима қилдик энди?—гарангсиди хотин.—Олиб кетамизми? Қанақа қилиб олиб кетамиз? Ҳамма ёқда ҳали фриц-ку.

— Тўхтанг, аввал ўзига келтирамиз. Сиз бундоқ ушлаб туринг, мен сунъий нафас олдираман.

Бола комиссарнинг икки қўлини ушлаб сунъий нафас олдира бошлади. «Совуқотган» деб баданларини ишқалади, шу вақтда спирт бўлмаганидан ачинди:

— Озгина спирт бўлса яхши бўларди-я!

Ташқаридаги гумбурлаш, отишма товушлари очиқ эшикдан бемалол эшитилиб турарди. Шу яқинда ёрилган снаряд ертўлани ларзага келтирди, аллақаердан «шув» этиб шўр тупроқ тўкилди, ёғоч қирсиллади.

Ракитин бир маҳал ўзига келиб бошини она тиззасида кўрди, устига пальто ёпилган эди, кампир оёқларини зўр бериб ишқаларди, Ракитиннинг кўз очганини кўрган она унинг пешонасига сочилган ҳўл сочларини орқасига сидириб, устидан оналарга хос меҳр билан силади, текислади. «Қўрқманг, қўрқманг — бу биз» деди. Аммо ўзининг кимлигини айтмади. Гўё шу сўздан ҳамма нарса бутунлай маълумдай, унинг устидаги пальтонинг у ёқ-бу ёғини тузатди.

Ракитин миннатдорчилик изҳор этгандек маъюс-маъюс қараб, аста-аста бош қимирлатар, лекин гапиришга мадори етмас эди. Кўзидан ёш тирқиради. Бу ташаккур ва ҳаётга бўлган муҳаббат ёшлари эди.

— Йиғлаяпти,—деди она ва ўзи ҳам кўзига ёш олди,—хўрлиги келди бечоранинг. Эшикни ёп, болам, бирорта касофат кириб қолмасин. Изғишиб ўлишяпти.

— Энди олиб кетамиз, бу ер хавфли.

Бола шу сўзни айтди-ю, ўрнидан турди. Эшикка қараб юрди. Она эшикни ёпади деб ўйлаган эди, у ташқарига

чиқиб кетди. Бир оздан кейин эски-тускн кийим-бош кўтариб кирди.

— Боя келганимизда халақит бериб қолган немис борку, ўша кўчанинг нариги бетида ўлиб ётибди.

Она-бола Ракитинни наридан-бери кийинтирдилар-да, олиб чиқиб кетдилар.

Бир неча дақиқадан кейин шошиб кирган икки немис ертўлани бўш кўриб, бир-бирига қараб елка қисди-да: «Рус!» «Рус!» деб чиқиб кетди.

— Бондарь, қаёққа йўқ бўлиб кетдинг?—сўради Элмурод.

— Парламентёрларни қидирдим, ўртоқ старший лейтенант! Мана бу томоннинг ҳаммасини қарадим. Товуқ катаги ҳам қолмади. Ҳеч қаерда йўқ. Немислар ютиб юбордими, нима бало?

— Қидирув бригадаси қаёқда?

— Станциянинг нариги томонига кетди.

Қисм станицага кирган билан ҳам, душман бўш келмади. Шу куни кечаси билан отишма борди. Станциянинг ярми ҳамон душман қўлида эди. Дераза лардан, чердаклардан ўқ уздилар, кутилмаган ердан ўқ нуқтаси пайдо бўлиб қоларди. Кун чиққунча Советская номланган марказий кўчанинг у бети гитлерчиларда, бу бети бизнинг қўлда бўлди. Шу кўчанинг бошида бўлган ўн йиллик мактаб биноси икки бор қўлдан қўлга ўтди. Сўнгги олишиш қизиқ бўлди. Тонг қоронғисидан фойдаланган Турдиев отделениеси (у шу қишлоққа киришда ҳалок бўлган сержант ўрнига тайинланган эди) бир талай граната ва уч-тўрттадан запас магазин ўқ билан мактаб биносига ўтиб олди. Бино икки қаватли эди. Икки-уч граната ва кетма-кет узилган автомат очереди билан биринчи қават коридорини эгаллади. Кейин бутун биринчи қаватни қўлга киритди. Иккинчи қаватда ҳамон фрицлар бор эди. Булар чиқолмас, фрицлар тушолмас эди. Аммо фрицлар синф дераза ларидан кўчадан ўтганларга, яна аллақаёқларга ўқ узарди. Гоҳ-гоҳ бир-бирларига граната ирғитишар ёки автоматдан ўқ ёғдиришар эди. Миша Горкунов тажанг бўлиб кетди:

— Миша,—деди у Турдиевга,—қўлни боғлаб қўйдику бу аблаҳлар, анавилар ҳам нима қилишни билишмайди, қара.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улардан бошқа бир отделение коридорнинг нариги бошида режа тузиб, пайт пойларди.

— Ўт қўйиб, запғарларни қовурардиму, бино увол. Қара, дўхти жуда келишган, нуқул пишиқ ғиштдан. Увол,—деди Турдиев.

— Уволликка увол. Нима қиламиз бўлмаса!

— Эшигида қулфмиз, қаёққа кетади. Қишлоқ қўлимизга ўтгач, шундай мулойим бўлиб, олдимизга тушадики, ҳайрон қоласан.

Станицада отишма ҳам тугади. Фрицлар ҳамон тушмас, садо ҳам бермасди. Мундоқ чиқиб қарашса, бирорта тирик жон йўқ. Ўн бешга яқин фриц ўлиб ётибди. Фақат биттаси чалажон. Бир маҳал тилга келиб, шуни ҳикоя қилди: улар ичида битта офицер бўлган, станица қўлдан кетганига фаҳми етгач, «энди таслим бўламиз» деб ҳаммасининг қўлидан қуролини йиғиб олган. Кейин ҳаммасини отиб ташлаган. Охирида ўзини ҳам ҳалок этган.

— Мана бу ўтакетган фашистнинг иши. Бекорга улар эсэс номини олмаган!

Улар мактабдан чиқаётганларида Бондарь билан келаётган Йўлдошга учрашдилар. Онда-сонда ўқ тарсилларди. Ўт кетган хоналар ҳали аланга оғушида тўлғанади. Яродорларнинг инграши қулоққа чалинади. Ўликлар сочилиб ётибди. Йўлдош, Турдиевни тўхтатиб деди:

— Рота командирингизга айтинг: кўча, окоп, ертўла, хаталарда сочилиб ётган асбоб ва қуролларга ҳеч ким тақилмасин. Ҳаммасини душман миналаштирган.

— Есть, ўртоқ штаб бошлиги!—деди Турдиев.

— Бондарь, сен иккинчи ротага хабар бер!

— Есть!—югурганча кетди у.

Станица тушдан кейин узил-кесил озод бўлди.

— Тонг ёриши билан лиман томонга комиссарни қидириб борсам,—деб гап бошлади Бондарь,—уруш бу ёқда-ю, у ёқда тирр-тирр ўқ учади. Ҳайрон бўлдим. Бирорта фриц қочиб ўтган экан-да, деб ўйладим. Бундоқ бориб қарасам ДЗОТ. Лиманга қаратилган. Қамишлар билан қоплаб маскировка қилинган. Текин ўқ, бекорга отиб ётибди. «Чиқ бу ёққа!» десам, «Эшик миналаштирилган!» дейди. Лаънатини битта граната билан ичида боплаб қўя қолай дедиму, яна «Сталинградни тиклашга керак бўлиб қолар», деб аранг чиқариб олдим. Сўқимдай бор ўзиям. Нуқул кулади.

Элмурод уни тингламас, хаёли Ракитинда эди.

— Қидирув бригадаси қаёқда дединг?

Бондарь жавобини такрорлади ва қўшимча қилди:

— Худди ўша томондан топиб келишади. Мана мени айтди дерсиз! Бугун тонгда фрицлар штабини ўша ёққа кўчирган экан.

— Тирик бўлса, чақмоқдек ялт этиб қоларди.

— Қамашган ертўласини кўрдик. Шу ерни бир киши кўрсатди.

— Қаерда?—бирдан жонланди Элмурод.

— Ҳали сизга айтмадимми? Ҳув анави ерда. Унда ҳеч ким йўқ, бўш. Қулфи эшигида бузилиб ётибди. Қочган кўринади. Шунинг учун бирор жойдан чиқиб қолади дейман да. Ҳушдан кетиб ётибдими.

Элмуроднинг назарида Ракитин уни ўша номаълум ертўлада кутаётгандек бўлиб кетди. Ирғиб ўрнидан турди-да, шапкасини бостирди.

— Қани юр-чи!

Улар ертўлани, бирор кичкина парса йўқолиб, тупроққа қоришиб ётгандек тимисқиланди. Элмуродни сув тўлдирилган чуқур ва унинг икки ёнидаги бир жуфт қозиқ ажаблантирди. Бу нима бўлди? Шам ёқтириб ерни қаради, қон изи кўринмасди. Кўнгли бир оз тинчиди. Лекин бирдан кўзи тушиб қолган девордаги ёзув чўчитиб юборди.

Чанқоқлик билан ўқиди. «Совет кишилари, мен сизни жондан севардим».

— Унинг хати!—синчиклаб қаради Элмурод, худди ўзи. У «д»ни шунақа ёзарди.

Энди Элмуродда икки ўй туғилди: «Ё қочган, ё фрицлар сўнгги дақиқаларида олиб чиқиб кетган — ўлдирмоқчи бўлсалар шу ерда отиб ташлашлари мумкин эди. Аммо қаёққа олиб кетишди экан? Қўраларни яхшилаб қараш керак!»

Шу ўй билан ташқарига чиқиб, Бондарни қидирув бригадасига «хатама-хата юриб қаралсин» деган топшириқ билан юборди. Станицанинг бу томонига яна битта бригада тузиб жўнатди.

Биринчи бригаданинг бошлиги Йўлдош, Бондарь топшириқ олиб борганда, ўликлар ичидан комиссарни қидирмоқда эди. У станицанинг нариги бошигача чиқди. Бошқа бўлинма жангчиларидан суриштирди. Қўраларга кирди. Полк штабига учрашди. Асирларнинг сўроғида қатнашган таржимон билан гаплашди. У, бир душман офицерининг «ертўлада эди, қочибди» деган жавобини айтди. Яна қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диришга тушди. Лекин ҳеч қаерда йўқ эди. Бир қўрадан чиқаётиб Миша Горкунов билан Турдиевни учратди, улар бир оқсоқ фрицни олдиларига солиб келмоқда эдилар.

— Хўш, бу ёқда нима қилиб юрибсизлар? — деди Йўлдош, чунки батальон станицанинг нариги бошига жойлашган эди.

— Комиссарни қидириб чиқиб эдик, мана бу гушна учраб қолди. Тополмадингларми? — деди Турдиев.

— Сизлар қаерларда бўлдинглар? — кўмак кутгандек сўради Йўлдош.

— Мана бундай, станицанинг бошигача чиқдик, ундан лиман ёқаларини қарадик, қамишлар орасида бўлдик, қочган бўлса шу ерларда ётибдими деб — йўқ.

Қисм қоронги тушгунча парламентёрларни қидирди. Изи топилмади. Ҳеч ким ҳеч нарса билмас эди. Элмурод «ўлдириб, бўйнига тош боғлаб лиманга ташлаб юборган бўлсалар керак ёки денгиз томонга чекинганларида ўзлари билан олиб кетиб, отиб, денгизга ташлаганлар» деб ўйлади.

Йўқ, эрталаб Ракитинни кузатиб келган бир автоматчининг ўлигини топдилар. У балчиқда ётарди. Ювишгач, зўрға танишди. Ундан кейин яна бир автоматчини бир ертўладан чала ўлик топдилар. У ўзига келиб, қандай қилиб қўлга тушганларини ва комиссар билан қачон ажралишганини айтди:

— Қўлларимизни боғлашлари биланоқ комиссарни биздан ажратиб олиб кетдилар. Кейин кўрмадим! Бизни бошқа сўроқ қилдилар,— деди.

Яна комиссар тақдири сирлигича қолди. Фақат тушга борганда бир чол келиб, уч ўлик кўрганини, шундан биттаси нотаниш киши эканини айтди. Бу мурдани ҳеч ким таний олмади. Юзлари дабдала бўлиб кетган. Бадани мўматалоқ. Бирдан Йўлдошнинг ёдига бир қишлоқда ҳаммомда комиссар билан бирга ювингани тушди. Шунда комиссарнинг ўнг эмчаги остидаги бодомдек холи диққатини тортган, «Бундай кишиларни бизда Холдор дейдилар» деб тегишган эди.

Йўлдош одамларни ёриб олдинга ўтди. Мурданинг тўшидан кўйлагини тарс йиртиб, холни қидирди. Қайси кўзи билан кўрсинки, хол турар, бу Ракитин эди, бақириб юборди:

— У! У!!

Она-бола Ракитинни ўз қўрасига олиб келгач, иссиқ сув билан ювинтирдилар, кийинтирдилар ва каравотга ётқизиб қўйдилар. Улар ўз қилмишларидан жуда шод, кўнгиллари тоғ. Иссиқ овқат ҳам тайёрлаб бердилар.

Бола онасидан сўради:

— Тузалиб кетади-а?

— Ҳа, болам, тузалади,— деб ўғлининг кўнглини кўтарарди она,— совуқотган холос.

Бола бот-бот чердакка чиқиб, қўра бўсағасида туриб атрофни кузатарди, ҳар янгиликни кириб хабар берарди:

— Тип-тинч. Оғишма анов томонда. Ҳамма фриц ўша ёққа кетяпти.

Бир вақт нафаси тиқилиб кирди, онасини бир чеккага имлаб, деди:

— Учта фриц уйма-уй кириб келяпти. Худди уни қидиряпти. Энди нима қиламиз?

— Наҳотки, шу ёқларга қидириб келса,— деди она совуққонлик билан, чунки Ракитин ётган уй станицанинг шарқ томонида, булар эса ғарбий-жанубда турарди. Аммо чиқиб назар ташлагач, бу гумонининг ростлигига ишонди. Энди нима қилди? Яширадиган жой йўқ эди. Кўп ўйламай комиссарни чердак устини ёпиш учун келтириб қўйилган ховлидаги қамиш орасига кўрпаси билан яширди.

Тинтув безиён ўтди. Фрицларни орқасидан кузатдилар. Ракитинни жойига олиб кириб ётқизадилар.

Бир маҳал яна қўра эшиги тақиллаб қолди. Икки фриц даҳлизда кўринди. Бири боя келиб кетганлар ичида бор эди. Каравотни кўрсатиб русчалади:

— Бу ким?

— Укам, касал, жаноб офицер.

— Ҳали йўқ эди-ку?

— Хожатхонага чиққан эди,— онанинг тилига бирдан шу жавоб келиб қолди.

— Ҳужжатини кўрсатинг.

— Ҳаммаси оқсоқолда, ундан сўрашингиз мумкин, жаноб офицер.

Ҳақиқатан бундан бир ҳафта бурун гитлерчилар тайинлаган станица оқсоқоли аҳолининг ҳужжатини йиғиб олган эди. Фриц, вима учундир ясамароқ қилиб йўталди-да, малла мўйловини силаб, хотинга қаради, кейин каравотга яқинлашди. Кўрпани сал кўтариб қараб қўйди, касалнинг ич кийимда эканини кўрибми, ҳарнечук, яна аслидай қилиб ёпди, юзига қаради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қанақа касалсан?

— Ичбуруғ, оёқ боди ҳам бор,— жавоб берди она.

Ракитин «шундай» деб қўшимча қилди.

Офицер бошқа ҳеч нарса демади. Бир неча дақиқа дам Ракитинга, дам онага қаради-да, чиқиб кетди. Она улар орқасидан эшикни ёпди-ю, уч бармоғини ғуж қилиб чўқинди. Бу севинч узоққа чўзилмади. Йигирма минутлар чамаси вақт ўтгач, ҳалиги икки фриц бир граждан кийимидаги киши билан бошлашиб келди. Ракитин уни кўрди-ю ўзини уйқуга солди. У, Ракитин парламентёр бўлиб келганда фрицдан полиган, «сизларни кута-кута кўзларимиз тўрт бўлди, бор экансизлар-ку», деб тулкилик билан гапга чалғитиб, душман қўлига тушириб берган хоин эди. Офицер комиссарнинг бошига келди, кўрпасини кўкрагидан сал пастга туширди, Ракитин кўзини очди:

— Шуми?

— Шу... шу... жаноб офицер, ҳе-ҳе-ҳе. Хотиржам бўлсинлар, каминангиз адашмайди. Ҳе-ҳе-ҳе. Кўзидан танийман,— деди ўтакетган хушомадгўйлик билан, сарғайиб кетган кемшик тишларини кўрсатиб хоин.

Ракитин ва она-болани ҳайдаб олиб чиқиб кетдилар. Аввалига тоза қийнаб, кейинча отиб ташладилар. Турдиев ва Миша уни кўриб, граждан кийимида бўлгани ва юзлари дабдалалигидан танимай ўтиб кетган эди.

XVIII

Батальон денгиз қирғоғига чиқиб ювиниб-тараниди, кийим-бошларни қуритиб, мудофаага ўтилди. Лекин бу аввалги мудофааларга ўхшамас эди, чунки рўпарада душман йўқ. Рўпарада осмон билан туташиб кетган, булутлар зўр тўлқинлар туфайли соя ташлолмаган бетиним, теран денгиз. Тўлқинлар бераҳм. Улар бароқ ёлли ёввойи отлардек пишқириб елади. Қаршисидан келган ўзга бири билан кўкрак тирашиб тикка бўлади-да, кўпикларни осмонга сачратиб, кишнашади. Ана шунда уларнинг бири мағлуб келиб, маҳв бўлади. Ғолиби эса яна елиб кетади. Сал ўтмай бошқа бири билан уришади. Қарсиллаган овоз янграйди. Терак бўйи сачраган садаф доналар сахий жанубнинг қуёшида камалак бўлиб товланади. Бу, куни бўйи давом этади. Кечга бориб яна ўзга тус олади. Аллақаёқдан пайдо бўлган булут парчаси ёруғ юлдузларни бирин-кетин учириб келиб тўлқинлар устига чўкади, балки, тоғ силсилалари деб ўйлар, балки сув ичаётгандир. Ой чиқиши билан денгиз яна ажиб ҳуснга кашф этади. У энди денгиз эмас, жонли нур ҳавзасига ўхшайди. Нур чайқалади, товланади, елади, нидо беради. Бу нидолар тун сокинлигида узоқ-узоқдан эшитилади. Қуёш шу нур қўйнидан чиқиб, уни қонталаштиради, кейин қизғиш рангга бўяйди. Ўзи эса узоқ қирғоқдаги улкан гулханга ўхшайди, ловиллайди, яллиғланади. Қуёшнинг бу гўзал кўтарилишини кўрсатиш учунми ёки ўзининг денгизга мафтунлигини намойиш қилиш учунми Бондарь тонг қоронғисида кириб Турдиевни уйғотди:

— Тур, ҳай ғафлат! Дунёнинг ҳамма ғашти уйқуда деб ўйлайсанми?

Турдиев аранг қўзғалди: баҳор уйқусидан тотли нарса борми!

— Тревогами?

— Тревога бўлса турасанми? Ё уйқу заготовка қиляпсанми?

Турдиев кўзларини уқалаб, Бондарнинг олдига тушди.

— Денгизга ўт тушдими, мунча каллаи саҳарлаб уйғотмасанг.

— Ҳа, ўт тушди, ана кўр! — деди Бондарь уфқни кўрсатиб.

Чиндан уфқ ўт тушаётгандек яллиғда эди. Қуёшнинг ярми денгиздан чиқиб турарди. Осмону, денгиз тубини тўлдириб турган юлдузлар сўнган, фақат бир ёруғ юлдуз қуёш чиқишини кўришга қолгандек нурсиз милтилларди. Ана кўрпадек булут уни ёпиб, ўчирди. Салқин, ёқимли ел уйқу карахтини бирпасда юз-кўздан сидириб кетди. Турдиев энди уйғотилганидан хафа эмасди.

— Гашт-а? — деди Бондарь ҳузурини ичига сиғдиролмай.

— Гашт.

Улар қирғоқда ўтиришарди. Тўғрисини айтганда, асл қирғоқ, денгиз қирғоғи, бундан уч юз метр нарида бошланади. Асл қирғоқ билан булар ўтирган қирғоқ ораси — тошқин. Тераилиги тиззадан келади. Ундан паст ерлари ҳам бор. Ости қум. Бу денгизнинг сўнгги йилларда қирғоқдан қамраб олган ўлжаси. Тунги тўлқинлар унга балиқлар улоқтириб ташлайди.

Бондарь ана шу тошқиннинг энди кўтарилаётган қуёшнинг нурида жимиллашига, ўз тўпидан ажралган балиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг дайди кезишларига термилиб ўтирарди. У бутун вужуди, кўнгли, юраги, хаёли, армони, умид-орзуси билан денгиз бағрида эди. У ўзининг денгизга бўлган муҳаббати билан маст эди.

— Дунёда денгиздан чиройли нарса йўқ! — деди у.

Унинг бу гапини эшитгандек тўлқинлардан бири ўйноқлаб келиб қирғоққа урилди-да, ундан ошиб астагина ўрмалаб, унинг оёғи остига бош қўйди, этигининг тўмтоқ тумшуғини ҳўл қилиб, салдан кейин қайтиб кетди. Гўё унга мақтови учун ташаккур айтди!

Қуёш кўтарилди. Шуъласи тўлқинларда синди. Окоп, дзот, ертўлалардан кишилар боши кўрина бошлади. Кузатув постлари алмашинди. Олди балиқхўрлар тошқин кезарди.

Булар ҳаммаси Турдиевнинг диққатини тортмай қўйган эди. Ҳамон унинг хаёлидан Элмуроднинг кечаги гапи кетмасди. Кеча Элмурод бўлинмаларни айланиб юриб, Турдиев ертўласига кириб келди. «Юртимизни соғиндингми, элат!» дан бошланган суҳбат бирга жанг қилишаётган кишиларгача келиб тақалди. Шунда Элмурод яна Анна Ивановнанинг Турдиевга аллақаерлари ўхшашлигини, Анна Ивановнанинг Фарғонани кўп тилга олишини ҳам қистириб ўтди. Гарчанд бу гап биринчи марта айтилаётган бўлмаса ҳам, Турдиевга қаттиқ таъсир этди. Эҳтимол, Анна Ивановнанинг Фарғонани кўп тилга олиши сабаб бўлгандир. Чунки бу гап Турдиев учун янгилик эди. Ўйлаб ётганиданми, шу туни туш ҳам кўрди. Тушида аллаким билан тортишиб йиглабди, ўпкасини тутиб ололмабди. Шу вақт Анна Ивановна пайдо бўлибди-ю, қаҳ-қаҳ солиб кулибди. Шу кулгидан уйғониб кетди. Анча маҳалгача ухлолмади, минг хаёлга борди. Энди кўзи илинган экан, Бондарь кириб уйғотиб қолди. Денгиз диққатни бир оз тортган бўлди, лекин яна ўша кечаги гап ва туш хаёлини чулғаб келаверди. Мундоқ ўйлаб қараса, ҳақиқатан Анна Ивановна шарқликларга ўхшаб кетади. Кўзининг тим қоралигини айтмайсизми? Бунинг устига, унинг онасини босмачилар отиб кетгани қизиқ! Ўзи рус, Москвада ўсган бўлса-ю, онасини босмачилар нобуд қилгани қандоқ бўлди? Ёки бизнинг томонларда туғилгану, кейин Москвага кўчиб кетишганми? Ҳа, ростдан ҳам, анави бир учрашганимда: «Ҳозирги ота-онам мени асраб олган» деди. Асли ота-онаси ҳам руслармикан?

Ёки... ёки бошқа миллатмикан? Борди-ю, ўзбек бўлсачи? Борди-ю, унинг синглиси бўлса-чи! Унда қандай қилиб москваликлар қўлига тушиб қолади? Ҳаммадан унинг Мамажонга ўхшашлиги қизиқ. Буни комбатдан ташқари яна ким ҳам айтган эди. Орқаваротдан аста-секин суриштирса Анна Ивановна ҳамма ҳужжатларида рус деб ёзилган. Унинг хатти-ҳаракатларида, юриш-туришида руслардикидан фарқ қиладиган ери йўқ эди. Лекин, нима учундир, у Анна Ивановна ҳақида баъзан ўйларди. У билан учрашганда тикилиб-тикилиб қоларди. Бир-икки «ўтмишингизни ҳикоя қилиб беринг» деб сўрамоқчи бўлди-ю, унинг врачлик салобати босиб, унча сирдошмаслигидан ботинмади. Мана бугун ана шу фикрга келди. Унинг назарида, Анна Ивановна синглиси Мастура бўлиб чиқаётганга ўхшарди. Ўхшарди-ю, бутун тафсилотини хаёлига келтирса, Анна Ивановнанинг Москвага бориб қолганига ҳеч ақли етмас эди. Бўлмаса, унинг ҳам онасини Турдиевникидай гўдаклигида босмачилар ўлдириб кетган. Шу етарли далилми? Ўша вақтларда шунга ўхшаган воқеалар оз бўлганми?

Мана шу томонини ўйлаганда Турдиевнинг оёғи тортмай қолади. Шундай бўлса ҳам у бугун боришга қарор қилди.

Турдиевнинг хаёлчан кўзи нурга ғарқ кўмилган денгизнинг аллақаерига қадалган эди.

— Анави нима? — деди у бир вақт денгизга яна ҳам қаттиқ тикилиб.

— Тўлқин-ку!

— Йўқ, у эмас, ҳу анавини айтяпман,—деди Турдиев бошқа ёқни қўли билан кўрсатиб.

Бондарь у кўрсатган томондаги тўлқинни кўзи билан титкилади.

— Уми?—деди бирдан жиддий тус олиб Бондарь ва узатиб ўтирган бир оёғини йиғиштирди.

У тўлқинлар оша уфққача тикилди. Унда бир неча қора шарпа ўркач-ўркач тўлқинларда гоҳ кўтарилиб, гоҳ ғойиб бўлиб келмоқда эди. Бондарь, соқчи катеримиз бўлса керак, деб ўйлади. Катерлар кўзга бемалол кўрина бошлаганда ашула ҳам янграб қолди. Бу севимли «Катюша» эди. Энг илк катерда қизил байроқ ҳам ҳилпирарди.

— Мана буни денгизчилар дейди! Кўрдингми, қандай қувноқ, шоду хуррам халқ. Бунақа аҳил халқ дунёда бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

майди,— деди денгизчиларнинг завқ-шавқи билан фахрланиб Бондарь.

— Бизникиларми?— ажабланиб сўради Турдиев.

— Эй тентак, ким бўларди, албатта бизникилар. Байроғини кўрмаяпсанми, ёнади-я, қип-қизил!

... Бондарнинг қаршилигига қарамай, Элмуродга хабар бергани кетган Турдиев у билан қайтиб келди. Элмурод дурбинидан кузатди. Бондарь айтганидек катер олдида қизил байроқ ҳилпиллайди, ҳаммасида ўз денгизчиларимиз формаси, бу ҳам етмагандек «Катюша»ни барала қўйиб келишяпти. «Зоҳиран ўзимизники. Нега телефонда огоҳлантиришмади? Ахир штаб билиши керак-ку!» деб ўйлади Элмурод ва аниқлаш учун штабга Бондарни ғизиллатди.

— Лейтенант Йўлдош Отаевга айт, штабдан суришстирсин!

— Душманми? Йўғ-э!— деганча Бондарь чопиб кетди.

Катерлар тонг туманидан ариган ложувард кўкдаги қуёшнинг нурларига кўмилиб, тўлқинларда қалқиб, бемалол келарди. Бирдан Элмуроднинг ёдига душман найранглари тушди. Ахир душман уруш бошларида милиция формасида ҳам авиадесантлар ташлаган-да! Шуни эслади-ю, юраги гуп-гуп уриб кетди. Бутун диққатини йиғиб яна денгизга қаради. Ички бир ишонч билан «бу душман» деди-ю, иргиб ўрнидан турди. Атрофга йиғилганларга «жой-жойларингга!» деб буйруқ берди. Бондарь олиб келиб:

— Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди,—деди эътикиб.

— Демак, равшан!

— Душманми-а, наҳот душман?— дер эди ҳамон ишонмасдан Бондарь.

— Йўқ, меҳмонлар, холодец еб, балиқ шўрва ичгани келишяпти,— деди Элмурод кулиб.

У жуда хотиржам эди. Бу хотиржамлик Бондарда янги шубҳа туғдирарди. Элмурод штабга қайтиб, барча рота командирларини телефонга чақирди. Тайёр бўлиб туришни буюрди, тахминан иш тақсимлади. Лекин кўзи ҳамон денгизда. Шамол чайқалишга кўра ашула дам янграб яқиндан эшитилар, дам шамол уни чалғитиб, аллақаёқларга олиб кетар эди.

Элмурод денгизчиларнинг душман десанти эканига энди ҳеч шубҳа қилмасди. Унинг бошида бир ўй кезарди: душман саёз денгиз тошқинини биладими, йўқми? Билса ундан қандай ўтмоқчи? Ахир унда катер сузолмайди-ку?

Элмурод шу ўйлар билан банд экан, десант асл қирғоққа келиб тўхтади. Тўхтади-ю, ўзини фош қилиб қўйди. Улар немис тилида чуғуллаша бошлади. «Аҳа,— деб қўйди Элмурод,— ашула бизчасига, шошганда немисчасигами, ҳа найрангбоз муттаҳамлар!» Дурбин билан кузатиб, доклад қилиб турган Бондарь:

— Тошқинни денгиз деб ўйлашган экан, юришолмай чуғуллаб қолишди,—деди. Энди у ҳам душман эканига шубҳа қилмасди.

— Кўряпман,— деди Элмурод, кейин таънаомиз кулиб Бондарга назар ташлади:— Қалай, ўзимизникилар эканми! Қани бир дилкашлашиб, келмайсанми! Бондарь, Бондарь!

Десантга катерлардан тушиб, тошқиндан кечиб ўтишдан бошқа илож қолмаган эди. Улар худди шундай қилди. Бу пайтда уларнинг чуғур-чуғури денгиз шовқинига қўшилиб, бутун қирғоқни тутмоқда эди. Командаларнинг бегона тилда экани бемалол эшитилиб турарди. Элмурод ўт очишга команда берди. Аввалги келишув бўйича ПТР лар ёндирувчи ўқлар билан катерларга ўқ ёғдирди. ПТРчи яхши нишон олиб ётган эканми, биринчи ўқдаёқ бир катерни ёндириб юборди. Шу пайт катерлардан миномётлар нидо бериб қолди, пулемётлар янгради. Аллақаёқдан ҳеч ким кутмаганда учта душман самолёти пайдо бўлиб, батальон ўқ нуқталарига шўнғий бошлади. Ҳалигина десантни эсанкиратиб ўт очган қирғоқдаги ДЗОТ самолётдан ташланган бомба билан пафаси ўчди. Ўрнида ўпирилган ўрагина қолди. Самолётлар бемалол, беҳадик, сурбетларча мудофаа тепасида қутуриб изғир эди.

Элмурод аввалига эсанкирагандек киприклари пирпираб кетди. Бир зумга манглайини ушлади. Бир нарса ёдига келгандек, телефон трубкасига ёпишди:

— Алло! Алло! Ўн беш! Ўн беш! Самолёт керак, самолёт! Душман самолётлари бош кўтартирмай қўйди. Душманникими? Учта.

Десант ҳалигина ҳилпиратиб турган қизил байроқни энди аллақаёққа улоқтириб ташлаб, бетартиб, қий-чув билан тошқин кечиб қирғоққа интиларди, ўлган ва ярадорлар уларнинг йўлини тўсар, халақит берар эди. Эл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мурод душманни қирғоққа чиқармай, тошқинда тугатиб қўйишни мўлжал қилган эди. Бўлмади. Десантнинг бир қисми самолёти ва катердаги миномётларининг кўмаги билан қирғоққа чиқиб олишга улгурди. Бу эса бошқа бир чора кўришни талаб этарди. Элмурод илтимос қилган самолётимиз ҳамон йўқ эди. Бундан хабардор кишиларнинг кўзи дам ўтмай осмонга боқар, уфқимизга термилар эди. Бирдан шу вақт бир душман самолёти қоп-қора тутун чиқариб ёнди-да, гуриллаганича вайрона ДЗОТ устидан ўтиб денгизга шўнғиди. Элмурод севинчидан «Вот, это да» деб юборди.

— Аниқланг, ким қулатди?— деди телефонда ўтирган штаб бошлиги Йўлдошга. Йўлдош телефонда суриштира кетди:

— Сержант Асриян. Шахсан ўзи ПТРидан урган,— деди бир оздан кейин.

— Ташаккур айтинг!

— Оббо Асриян-эй, қойил қилди-ку!— деди ҳаваси келиб Бондарь.

Десант қирғоққа чиқиб, батальоннинг лейтенант Лешанский ротасига ҳужум қилиб келарди. У шу флангни эгаллаб, сўнг тўла атакага ўтмоқчидай кўринарди. Лешанский буни пайқаб ротасини жам қилиб атакага кўтардида, уни яна қирғоққа улоқтириб ташлади. Лекин катерлардан очилган пулемёт ўтлари Лешанскийнинг йўлини тўсиб қўйди, денгизга улоқтириб ташлашга халақит бериб қолди. Самолёт кўкдан уни атака қилиб аввалги позициясига, окопларга чекинишга мажбур этди. Турдиев унинг бўлинмасида эди. У окопдан бош чиқариб, қумурсқалардек ўрмалаб келаётган денгизчиларни кўрди. Улар шувиллатиб ўт ёғдириб, босиб келарди. Мана рота мудофаасининг бир четини эгаллади, ҳужумни ёймоқда. Шу вақт бундоқ ёнига қараб, жангчиларнинг дош беролмай палапартиш чекинаётганини пайқаб қолди. Бир зум кўз олдини қоронғилик босиб, эти жимирлаб кетди-ю, командирга қаради. У ўрнида йўқ эди, унинг бу қарашини пайқаган Миша Горкунов «у ҳозир йиқилди» деди. У, шу сўзга муҳтож бўлиб тургандай, елиб унинг қошига кетди. Чиндан командир яраланиб ётарди. Турдиевни кўрди-ю, «энди бу ёғи нима бўлади, мен сафдан чиқдим-ку» дегандек бир қараш қилди. Турдиев уни худди шундай деб тушунди-да, сапчиб окопдан чиқди, чекиниб бораётган солдатларга қараб: «Қаёққа!» деб ба-

қирди. Шу лаҳзанинг ўзида автоматини ўнглаб ушлади-да, кишиларнинг орқасидан эргашувига тўла ишонч билан:

— Олға, ўртоқлар, олға! Ура!— деб ҳайқирди.

Чекиниб бораётганлар оёқларидан биров шу лаҳза ушлаб қолгандек бир нафасга тўхтадилар, орқаларига ўгирилдилар. Шу сўз етмагани учун чекиниб бораётгандек эдилар. Аввалига Турдиевнинг кетидан ета-қўпа келган Миша ташланди. Унга яна икки киши эргашди, кейин беш-олти киши, сўнгра бутун чекиниб борувчи ва окопда ётганлар қўшилди, бу — юксак тогдан бошланган ирмоқдай йўл-йўлакай кичик-кичик жилғалар қўшилақўшила катта дарё пайдо қилганга ўхшарди. Душман марра тутиб, қаршилик кўрсатишга улгурмай, денгизга чекиниб борарди. У худди денгиз қирғоғига борганда кутилмаган қирғин бошланди. Энди ҳеч қаёққа чекинишга умиди бўлмаган душман бостириб келаётган турдиевчилар билан аралашиб кетди. Автомат қўндоқлари, милтиқ найзалари, қўл граната ишга тушди.

Турдиев шиддат билан бораётиб, қоқилиб, муккаси билан йиқилиб тушди. Шу чоқ бир фриц ёнидан келиб қўндоқ билан қулочкашлаганини кўрди-ю, ўзини олиб қочолмай қолди. Қўндоқ автоматига тегиб, учириб юборди. Лекин немисшинг автомати ҳам қўлидан тушиб кетган эди. У зинғиллаб қочиб борарди. Турдиев автоматни ҳам олиш эсидан чиқиб, уни қувиб кетди. Фриц тепадан биров босиб тушаётгандек энгашиб чопарди. Турдиев унинг сариқ, сертук бўйнини аниқ кўриб, қувиб борарди. Турдиев «энди етдим» деганда, фриц жон ҳолатда ўзини сувга отди. Турдиев ҳам ўйлаб ўтирмай ўзини ташлади. Босиб тушди. Лекин фриц эпчиллик билан остидан чиқиб, унга ёпишди. Иккови баравар ағнади. Фриц зўр бериб бўғишга интиларди. Турдиев ирғиб ўрнидан турди, уни ёқасидан тутди-да, бир силтаб, калла солди. Фрицнинг оғзи-бурни қон-қора қон бўлди, икки қўли билан юзини чангаллагаича қолди. Шиддатидан бунга ҳам қаноат қилмаган Турдиев тарсаки билан қулоқ-чаккасига бирни солиб, ағнатди. Қирғоққа чиқиши билан, Мишани учратди. Миша дўстининг шалаббо ҳўллигидан ажабланмади, гўё шундай бўлиши керакдай ўйлади-ю, фақат:

— Қуролинг қани?— деб сўради.

Турдиев жавоб ўрнида қўли билан юзининг сувини

www.ziyouz.com kutubxonasi

сидирди-да, ерда ётган милтиқни олиб, аламон ичига кириб кетди. Унинг шинели этигига шалп-шалп ёпишар, этагидан новдан қуйилгандек сув оқиб борарди. Шу маҳал қўлида тўппонча билан ўтиб бораётган Элмуродни кўриб, нима учундир «Салом, комбат!» деди. Комбат «ўзи нима ган?» дегандек аранг кулиб қўйди. Шу қараш Турдиевга «ҳамма ёғинг ҳўл-ку» деган маънони ифодаладими ёки шинелнинг ўзи ғашига тегдими, бир зарб билан уни ечиб, энди улоқтирмоқчи бўлиб турган эди, ёпида бир фриц пайдо бўлиб қолди. Иккиланмай шинелни унинг бошига ёпди ва бир зарб билан ўзига силтаб, уни оёғи остига ағнатди. Бу ҳунари ўзига ёққандай кулиб қўйди. Лекин кулги юзидан аримай «тир...р» этган товуш чиқди-ю, кўз олдини жимирлаган қора-қизил парда босди. Шу лаҳзадаёқ икки тиззасидан мадори қуриб бораётганини сезди. Қаддини ростлашга қанча куч бермасин бўлмади, тиззалари букилиб келиб, шинель билан ағнатган немиснинг устига мукка тушди. Юзида ҳали адоқ бўлмаган табассум қолди.

Турдиев сафдан чиққан командирнинг кўз қарашидан «олға, олға, сержант!» деган маънони уқиб, чекинувчиларни тўхтатиб, контратакага бошлаб бораётганда жанг майдонини кузатиб, бошқариб турган Элмуроднинг қулоғига «Самолётлар, ўзимизникилар!» деган товуш кирди. У бундоқ қараб ҳаво денгизида жилпанглаб келаётган уч самолётимизни кўрди. Булар душман самолётларининг офати бўлган «чайка»лар эди. Уларни кўриши билан бояқдан бери кўкда ҳукмронлик қилаётган икки душман самолёти жангга кирмай жуфтакни ростлаб қолди. Жангга кирмади. Самолётимиз бошлаб, жанг майдони тепасини бир айланиб кўздан кечирди, афтидан, «бу томонни ўзинглар боплайдиган кўринасиз» деб ўйлаб, ҳужумни катерларга қаратди. Бу вақтда ўн бешга яқин катердан бир нечтаси ПТР ўқи билан ишдан чиққан, баъзилари ёндирилган эди. Шунинг учун ҳам катерлар, десант туширган еридан анча чекиниб, денгизда турарди. Самолётларни кўришлари билан зенит пулемётлари бор экан, ўқ уздилар, бир нечтаси десантини «худо йўлига» ташлаб, шоша-пиша суза кетди. Лекин самолётларимиз жуда усталик билан ишни тақсимлаб олиб, мажақлай бошладилар. Элмуродга худди шу керак

эди, Турдиевга кўмак сифатида яна бир бўлинмани атакага ташлади, штаб томонга чекиниб келаётган бир тўда душманни кўриб, резерв автоматчилари билан ўзи атакага кириб кетди. Турдиев уни кўриб, паришонхотирлик билан салом берганда, Элмурод штабга ташланган душманни олдига солиб қувиб, қирғоққа келган, оломон ичида бир солдатсифат жанг қилмоқда эди.

Бондарь унинг атрофида кўз-қулоқ бўлиб, тасодифий ўқни қайтариб қоладиган қалқондек, уни ординарецга хос садоқат билан қўриқларди. Кутилмаганда чиқиб қолган душманга ундан олдинроқ ўқ узар, ҳамла қилар эди. Шундай бир олишувдан кейин душманни жойлаб, ёнига қараса, комбат йўқ. Каналаги учиб кетди. Кўзи олмакесак териб қолди. Югуриб олға кетаётган эди, кимдир уни таниб, ҳаракатини тушуниб, «комбат бу ёқда» деб қолди. Бондарь бурилиб қараб, тўрт фриц қаршисида бир ўзи турган комбатга кўзи тушди. У шошиб қолди. Ҳушини йиғиб, бир қарорга келгунча, Элмурод ёнма-ён келаётган учтасини «ТТ»дан кетма-кет ўқ узиб қулатди-да, тўртинчисига тўппончанинг ўзини улоқтирди. Фриц граната деб ўйлади шекилли, ўзини ерга отиб, бошини буркади. Бу инстинкт ҳаракатни яхши билган Элмурод икки-уч сапчиб унинг устига ташланди, дуч келган жойига бир-икки мушт тушириб эсанкиратди, қўлидан автоматини тортиб олди. Елиб келган Бондарга уни ҳайдаб кетишгина қолган эди.

Элмурод барини қоқиб, ҳаллослаб, ўлжа автоматни бўйнига осар экан, қаршисида нафаси оғзига тиқилиб, ранги бўздек оқариб кетган Анна Ивановнани кўрди. Ҳайрон бўлиб қолди. «Бу нима қилиб юрибди?» деган фикр нур тезлигида бошидан ўтди. Ҳатто, тушимми, дегандек кўзини бир уқалаб ҳам олди. Йўқ, ўнги эди.

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? Қани жўнанг! Жўнанг! Жойингизга боринг!— деди ҳеч қачон унда бўлмаган қўполлик билан.

Анна Ивановна буни кутмаганидан бақрайиб қолди. Гўё у ҳеч нарсани тушунмас эди. Чиндан ҳам унинг жойи бу ерда эмас эди. Бупи у яхши биларди. Лекин бу оломон орасига қандай қилиб, қайси йўл билан келиб қолганини ҳозир ўзи ҳам эслолмасди. У тиббий пункт ўрнашган сойлик олдидаги тепаликдан майдонни кузатиб, санитарларини ярадорларни келтиришга йўллаб турарди: Бир вақт қараса, Элмурод автоматчиларни бошлаб ўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳужумга кетяпти. Унинг юраги орқасига тортиб кетди. У ана шундан, Элмуроднинг ўзи атакага киришидан қўрқиб турган эди. Элмурод катта командирларнинг кўп марталаб танбеҳлашига қарамай, пойгага ўрганган чавандоз отдек ёки курашаётганларни кўриб бир четда дағдағага тушган полвондек, сабр қилиб туролмасди. Элмурод атакага кириши билан Анна Ивановна ундан кўзини олмади. Анча вақт жон ҳовучлаб кузатиб турди. Бир вақт уни кўздан йўқотиб қўйди. Ирғиб ўрнидан туриб кетди. У, оломон ичидан бахтини, умидини, юрагини, севгисини, қўйинг-чи, ўз ҳаётини изларди: Элмурод ҳамон кўринмасди. Бир вақт Лешенскийнинг сохта касалини Ракитинга очиб берган ўрта яшар санитар келиб, ярадорлар келтирилганини айтди:

— Атакаданми? — деб сўради Анна Ивановна.

— Атакада яраланганлари ҳам бор,— деди санитар. Анна Ивановна у ерда Элмурод кутиб тургандек зинғиллаб тепаликдан тиббий пунктга тушиб кетди. Биринчи учратган ярадорнинг ярасини кўздан кечириб, қайта боғлар экан, ўзини анча босиб сўради...

— Атакада бўлдингизми?—«Ҳа» жавобини олиши билан Элмуродни сўради.

Ярадор уни кўрмаганини айтди, «сенга комбатдан бошқа одам керак эмасми» дегандек унга норози кўз ташлади. Шундай қилиб у, гумон этган ярадордан севиклисини сўраб турди. Улар ўзаро келишиб олгандек нуқул «йўқ» жавобини берарди. Ёлғиз биттаси «бизни ўзи атакага бошлаб борди-да» деб фахрланиб қўйди. Лекин у ҳам, кейин Элмуродни йўқотиб қўйганини айтди.

У, яна тепаликка чиқиб, атакани кузатмоқчи, улар ичидан Элмуродни изламоқчи бўларди-ю, лекин ярадорлардан кўли бўшамасди. Уларнинг кети узилмасди. Бир маҳал қорнидан яраланган лейтенант Лешанскийни олиб келиб қолдилар. У оғир-оғир нафас олиб, аста-аста инграрди.

Анна Ивановна ярасини ечиб, кўздан кечирар экан, лейтенант Лешанский ҳамон унинг кўзига қаролмасди. Бир маҳал Анна Ивановнага қилган беодоблиги, комиссар Ракитиндан еган даккиси ёдида бўлса керак. Унинг яраси оғир эди, кўриб врачнинг бадани жимирлаб кетди.

— Биринчи навбатда санбатга жўнатилсин!— деди Анна Ивановна ёрдамчисига.

Ана шу пайтда Лешанский врачга кўз ташлади ва:

— Анна Ивановна! — деди, унинг кўзида ёш айланарди.—Анна Ивановна, мени кечиринг. Мен ўз беодоблигим билан сизга озор бердим, кечиринг.

Бир маҳаллар унинг кўзига жуда хунук ва бадном кўринган лейтенант Лешанский, шу онда, шу посилкада ётишида мусичадек беозор, пардек юмшоқ ва раҳмдил кўринди. Анна Ивановнанинг кўнгли эзилиб кетди. «Нега ўша маҳалда комиссар билган экан? Бечора, мен учун анчагина танбеҳ еган эди. Мана қандай меҳрибон, беозор йигит экан» деган фикр кўнглидан кечди. Ҳамма хотин-қизларда бўладиган кўнгил юмшоқлик, ўз кишисига ачиниш, меҳрибонлик Анна Ивановнанинг ҳам вужудини қамраб олди. У ўпкаси тўлиб:

— Лешанский, мен сиздан ҳеч хафа бўлган эмасман,— деди.

Чиндан ҳам Анна Ивановна шу онда ундан ҳеч қачон хафа бўлмаганга ўхшаб кўринарди. Санитарлар посилкани кўтараркан:

— Раҳмат, Анна Ивановна,— деди Лешанский — у йиғларди. У ўз ярасининг оғирлигидан, бир неча соатлик умри қолганидан йиғлармиди ёки юрагида армон бўлиб ётган дардини Анна Ивановна афв қилгани учун кўнгли бўшашиб йиғлармиди — буни билиб бўлмас эди. У парироқ олиб кетилгач, қийналиб бўлса ҳам яна бир марта Анна Ивановнага кўз ташлаб қўйди.

Лешанскийдан кейин ярадорлар бир оз товсилди. Пайтдан фойдаланиб, Анна Ивановна яна бояги ерига чиқди. Чиқди-ю, шу замони Элмуроднинг тўрт фриц қаршисида турганини кўрди. Бутун борлиғи жимирлашиб кетди. У хаёлини йиғиб олгунча бўлмай, тасир-тусур икки-уч ўқ чақнади, чўчиб кўзини юмиб очса, Элмурод бир фриц билан олишиб ётибди. Унга ёрдам бериш ҳиссими ёки «ярадор бўлди» деган ўйми (у ҳозир аниқ айтолмасди) Анна Ивановнани унинг қошига чоптирди. У келиб, Элмуродни соппа-соғ, қўлида немис автомати билан кўрди. Ёнида Бондарь командирининг чаққон, ишбилармонлигидан мамнун ва хушнуд кулиб турарди. Анна Ивановна нима дейишини билмасди. Элмурод яна ўша дағаллигича:

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз, жўнанг жойингизга!— деб буйруғини такрорлади.

Анна Ивановна гўё ҳам кар, ҳам соқов эди!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отишма тугаб, десантчинг қолдиғи қўл кўтариб, ҳамма иш тапша-тахт бўлганда Миша Горкунов Турдиевни опичлаб, Анна Ивановнанинг тиббий пунктига келди. У икки-уч жойидан автомат ўқи билан яраланган эди. Кийим-бошн ҳўл бўлгани учун қон унинг ҳамма ёғига таралиб кетган эди. Гўё у қонга шўнғиб чиққандай Анна Ивановнанинг илтимоси билан Миша бир санитар кўмагида Турдиевнинг ич кийимини алмаштирди. Дўсти эвакуация қилингунча унинг ёнидан қўзғалмади. Унинг кўзи лим-лим тўла, эндиги бир томчи ҳам тошириб юборадиган пиёладек, ёшга тўлган эди, ҳатто бир томчиси кўзининг бурчагидан икки кипригига аранг илиниб турарди. Опичлаб келаётганда, ҳатто тиббий пунктда ётқизиб қўйилганда ҳам огриққа бардош беролмай инграётган Турдиев Анна Ивановна қошида пайдо бўлиши билан пастки лабини тишлаб, инграшдан тўхтади. Унинг ҳар бир ҳаракатини маъюс-маъюс кузатиб турарди. Ундан бир нарса сўрамоқчи, сўраганда ҳам жуда муҳим бир нарса сўрамоқчидай кўринарди. Анна Ивановна бундан бехабар, ўз врачлик бурчини ўтарди. Анна Ивановна ўз ишини тугатгач, Турдиев «бардош бериб бўлдим» дегандек тишлаб турган пастки лабини қўйиб юборди. Лаби кўкариб кетган эди. Буни кўриб, Анна Ивановна ичида «бунчалик» деди. Унинг кўзига Турдиев, ҳамма шарқликлардек аёл киши қошида ўз заиф томонини фош қилишдан номус қилгандек бўлиб кўринди. Турдиев эса огриқни аллақачон унутган. Анна Ивановнани кўриши билан Элмуроднинг «Анна Ивановна сенга ўхшаб кетади» дегани ёдига тушиб, «Чиндан ҳам менга ўхшайдими?» деб, ўхшашлигини қидирар эди. Лекин Анна Ивановнанинг қаери ўзиникига ўхшашини топиб ололмасди. Унинг термилиб, қараб ётганини кўрган Анна Ивановна ўзида ўнғайсизлик сезди.

— Менга мунча тикилиб қолдингиз? Бирор еримга қон сачрабдими?— деди Анна Ивановна ва кўкрак чўнтагидан кичкина ойна олиб унга қаради.

Юз-кўзи топ-тоза, ҳатто бошидаги оқ қалпоғи ҳам пахтадеккина эди. У ойнани жойига соларкан, Турдиев уни сўраб олди. Дармондан кетган қўли билан юзига тутиб, ўзини кўрди. Яна қайтариб берди.

— Нима, бир-биримизга ўхшар эканмизми?— деди кулиб Анна Ивановна.

Бу кутилмаган савол эди. Турдиевнинг «ҳа, ўхшайми-

миз, ҳамма ўхшайсизлар дейди-ку» деб юборишига сал қолди. Изтиробдан яралари баттарроқ оғриб кетди. Юзлари буришди.

— Қаттиқ оғрияптими?— деб Анна, Турдиевнинг «йўқ» дейишига қарамай унга қандайдир дори ичирди.

— Сиздан бир парсани сўрасам мумкинми?— деди Турдиев.

Анна Ивановна «марҳамат, сўранг» деб унга қулоқ тутган эди, осмонда талай моторларнинг гуриллаши эшитилди. Кимдир «Воздух!» деб бақирди. Ҳамма жой-жойига тарқалди.

Кўкда душман бомбардимончи самолётлари қирувчилар кузатувида пайдо бўлганди. Лекин денгиз устини назорат қилиб юрган қирувчи самолётларимиз уларни икки-уч бомба ташламасданоқ қувлаб юборди.

Батальон штабига тезлик билан чақирилган Анна Ивановна қайтиб келганда, Турдиев бошқа ярадорлар қатори аллақачон санбатга эвакуация қилинган эди.

Турдиев: «Сиз қаерда тугилгансиз, аслингиз фарғоналикми?» демоқчи, «Ҳа!» жавобини олгач, «Менинг синглим бўлманг тағин?» деб очиқ айтмоқчи эди. Бу саволлар унинг юрагида қолди.

XIX

Бундан уч кунгина бурун жанг бўлган қирғоқни айланиб чиқиб, генерал деди:

— Фахрланса арзийдиган иш бўлибди. Қизил байроқ кўтариб, «Катюша» айтиб келди, денг?—Вой, ғаламислар-эй. Дунёда пимаки пасткашлик бўлса, булардан кутиш мумкин.

— Наҳот улар бизни шу даража тўнори кишилар деб ўйлайди, ўртоқ генерал?— деди Элмурод.

— Упча тўпорилар демайди-ю вақтдан ютмоқчи бўлади. У сизни иккилапади, сўраб-суриштиради, бу орада қирғоққа чиқиб оламан деган, бундай вақтда ҳар минут ғалабанинг элчиси. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини ўқиганмисиз?— генерал саволига жавоб кутмай яна ўзи гапира кетди.— Наполеоннинг уч тулки маршали — Мюрат, Ланни ва Бельяр ўн беш минг киши ҳимоя

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиб турган Табор кўпригини солдатларсиз ўзлари олган. Ахир ҳар минутда душманнинг пайдо бўлишини кутиб ётган қўмондон Австрия князи фон Мауер уларнинг «омон-омон бўлди» деганига ишонган-да! Ёлғон фош бўлганда бундоқ қараса, вақт ўтган, кўприк қўлдан кетган. Баъзан жанг тақдирини минутлар ҳал қилади.

Элмуроднинг хаёлига Турдиевнинг ўтган кунги қаҳрамонлиги тушди: «Чиндан ҳам унинг чекиниб бораётганларни тўхтатиб, қарши зарбага олиб кириши учун қанча вақт кетди? Кўп бўлса икки минут кетгандир-да. Лекин ана шу икки минут жанг оқимини ўзгартириб юборди. Мана шу минутларга ғалаба минути деса бўлади.

Полк командири майор Следов одатдагича тоза ва жуда ҳафсала билан тартибга солиб кийинган қоматини сал эгиб, душман самолёти бомба билан тўнтариб ташлаган ДЗОТнинг ўрнига қаради. Қўндоғи чиқиб ётган автоматни тортган эди, у яримта экан. Бирпас ажаблангандек қўлида тутиб турди-да, улоқтириб ташлади. Элмуродга қарады. У тушунса ҳам жавоб бермади.

— Десант беш юз кишига етармиди?— сўради ДЗОТга термилиб туриб Следов ва ерга теккан барини қоқди.

—Кўпроқ,— жавоб қайтарди Элмурод.

— Биттаси ҳам қайтиб кетмадими?— шошгансимон Элмуродга қарады генерал.

— Йўқ. Агар катердагилардан битта-яримтаси қочиб улгурган бўлмаса.

— Уларнинг ҳаммасини ғарқ қилгаплар,— деди генерал яна тўлқинларга кўз ташлаб.

Сўнгги жумлани айтганда генералнинг оқ-сариғ юзидаги сийрак ажинларини табассум тўлдирди. Худди шундай мамнун табассум илк марта батальон қуршовдан чиқиб, Элмурод доклад билан унинг ҳузурига кирганда пайдо бўлган эди. Элмуродга ўзи совға қилган соатини унинг қўлида кўрганда ҳам яна бир такрорланганди. Бундай ажиб, камдан-кам такрорланадиган табассум генералнинг бир ишдан жуда мамнун ва унинг самараси билан хурсанд бўлган чоғлардагина юзида кезади, унинг аломатлари бир неча минут аримай туради. Худди шундай мамнун бу табассум аломатлари улар батальон штабига яқинлашиб қолганларида ҳам генерал юзидан аримаган эди, демак, генерал хурсанд. Шу хурсандлик билан у очилиб бир лаҳзагина Элмуродга қаради-да, сўниб бораётган табассуми яна барқ уриб сўради:

— Қалай, гўзал элатингизнинг ишлари яхшими?

— Тушунмадим, ўртоқ генерал,— ажабланиб деди Элмурод.

«Бу ким экан?» дегандек майор Следов ҳам уларнинг оғзини кутарди. Бу орада генералнинг ўзи бояги табассум билан давом этди:

— Врач Кравцованинг ишини сўраяпман, Анна Ивановнанинг. Ахир у сизнинг элатингиз, ўзбечка-ку! Наҳот билмасангиз?

Элмурод «унинг ишлари яхши» деди-ю, лекин ичида: «У қандай қилиб менинг элатим, қаёқдан ўзбечка бўлиб қолди?» деб ўйлади. Сўрашга ботинмади. Генерал ҳам индамади. Гап бошқа мавзуга чалғиб кетди. Генерал, афтидан, бу масалага қайтмоқчи эмас эди:

— Сиз менга Турдиевни кўрсатинг — атака атамани! Ундан кейин Асриянни ҳам — ПТР мерганини.

— Асриянни «шахмат чемпиони» дейишарди, энди «ПТР мергани» лақабини оладиган бўлди,— гапга аралашди майор Следов.

Элмурод Турдиевнинг яраланиб кетганини айтиб, сержант Асриян ертўласига йўл бошлади. Асриян бир солдат билан шахмат ўйнаб ўтирарди. Улар кириши билан сапчиб ўрнидан турди-да, рапорт бериш учун тик қотган эди, генерал «керак эмас» дегандек қўл силкиб, деди:

— Яшанг! Яшанг, сержант! Бу чин солдатнинг иши. Қандай қилиб ПТРдан самолётга отиш ёдингизга келди? Бу жуда ғайри табиий!

— Отделениемнинг ярми ДЗОТда эди, пулемётда. Бир бомба ташлаб, ҳовуздай ўпириб кетди. Кўргандирсиз, шундоқ қирғоқнинг ёнида. Шундан кейин қанақа қилиб ПТРга ёпишганимни, олиб чиқиб окоп четига қўйиб отганимни билмайман. Кўзимга қон тўлиб кетибди, дирдир титрайман, кейин йигитларнинг айтишига қараганда, бўралаб сўкармишман ҳам. Бир-икки отдим, жуда орқада қолиб кетди. Шундан кейин «Ҳа, тўхта!» дедиму, шўнғийдиган томонини нишонга олиб, анча олдига қараб ўқ уздим. «Пақ» этганини эшитдим. «Есть» дегунимча гуриллаб ёниб кетди. Кейин билсам ёндирувчи ўқ билан отган эканман, қизиб кетиб, қанақа ўқ билан отаётганимга ҳам қарамабман! Ғазабинг қўзғагандан кейин шунақа бўлар экан, ўртоқ генерал!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўртоқларимни севганимдан денг,— уни тузатгандек бўлди генерал, лекин Асриян тушунмади, бақрайиб қолди. Генерал буни сезиб:

— Ўртоқларингизни нобуд қилгандан кейин ғазабингиз қайнаб кетган-да! Киши қуролдош дўстларини астойдил севса шунақа бўлади. Сизни ПТРга ундаган ғазаб эмас, муҳаббат, дўстлар муҳаббати!

Шундан кейин суҳбат Асрияннинг урушгача бўлган касби кори, қачон фронтга тушгани, шахматга ишқивозлиги, ҳатто унинг балиқдан ажойиб котлетлар тайёрлаши устида борди. Асриян энди ўзини тутиб олиб, бўш келмади, генерални тушки овқатга таклиф этди, балиқ котлети билан меҳмон қилажагини билдирди. Қандай гиёҳлар қўшиб тотли қилишигача — ҳамма-ҳаммасини айтиб берди.

— Армапларнинг энг кўп гиёҳ истеъмол қиладиган халқ эканини биламиз. Арманлардан яхши улфатларим бор,— деди фахрланғандек генерал.— Арманистонда бўлганман. Мана яна битта арманистонлик сиздек дўст орттирдим.

— Мен армавирликман, ўртоқ генерал!

— Ҳа, Армавирданми? Яқин экансиз-ку. Кимингиз бор?

Асриян «Онам...» деб энди гап бошлаган эди, генерал уни тингламай, Элмуродга қараб деди:

— Яқин экан, ўн беш кунга жавоб беринг, уйидагиларни кўриб келсин ва солдатларга айтингки, жангдаги ҳар бир яхши ташаббус учун ордендан ташқари отпуска ҳам берилади.— Бу гапи ўзига ҳам ёқиб кетди шекилли, оппоқ, майда тишларини кўрсатиб кулди, сийрак ажиларидан табассум тошди.

Улар хайрлашиб, ертўладан чиқишар экан, яна генерал орқасига бурилиб:

— Йўл усти орденингизни олиб кетишни унутманг, орден билан бориш кўнгиллироқ,— деди ва яна юзида мамнунлик барқ урди. Нариоқ боргач, шерикларига деди:— Бу ибрат. Ташаббус булоғини очишга ибрат.

Бу пайтда Асриян ертўласидан қувонч қий-чуви палапартиш янгради. Кимдир «маза қиладиган бўлдинг» деб аллакимни шапатиларди.

— Ана шу келаётган элатингиз бўлса керак,— деди генерал, эндигина аллақайси ертўладан чиққан Анна Ивановнани ҳаммадан аввал пайқаб.

Анна Ивановна турмуш ташвишидан холи ёш қизлардек майда қадам билан дикиллаб келарди. Унинг ҳар бир ҳаракатидан «вақтим шу вақт, бир ой ўтса ҳам кечикаман» дейдиган, вояга етган жонолардагина бўладиган нозу карашма, латофат, гўзаллик барқ уриб турарди. У етиб келиб, оғзи тўла кулги, очиқ чеҳра билан салом берди.

— Салом, қизим! Ишларинг яхшими? Соғлиғингнинг бардамлиги рангингдан кўриниб турибди, сўрамасам ҳам бўлади,— генерал бирпас жим қолиб, ҳамроҳларига деди:— Ёшлик ҳамма ерда, ҳамма вақт ўз ҳиссасини олиб, латофати билан барқ ураверади. У тўсиқ билмайди. У фронтни ҳам писанд қилмайди. Мана кўринг, ёшлик ўз камолотида.

Анна Ивановна гап ўзи ҳақида бораётганини сезиб, ичидан бир тўлқин ларзага келди-ю, жажжигина қулоғи, майда юмшоқ туклар қоплаган қулоғининг орқаси, бўйни ва нозик томоғигача қизариб кетди. Паст лабини аста тишлаб, ерга боқди.

— Иван Капитоничдан хат олиб турасанми?— уни яна генералнинг ўзи хижолатдан чиқарди, «ҳа» жавобини олгач, деди:— Мендан салом айт. Ҳали бордам, де!

Бу билан генерал «сўзим тамом, сенда ишим йўқ» дегандек ишора берди. Анна Ивановна раҳмат айтиб узоқлашгач, генерал Элмуродни. энди кўраётгандек бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқди.

— Сиз унинг элатим эканини билмайман дедингизми? Айтиб бермовдимми? Бу жуда қизиқ тарих. Кўп йиллар муқаддам бўлган тарих.

Лекин генерал бу тарих нимадан иборат эканини бошламасдан, қутичасига «Гвардейские» деб ёзилган папиросни чўнтагидан олиб, бир донасини лабига қистирди-да, қутичани стол устига ташлади, «Чекинглар!» деди. Майор Следов бир донасини олиб, кейин гугурт тутатди, генералга тутди. Бондарь маҳорат билан саримсоқ қўшиб қовурилган балиқ келтириб товаси билан ўртага қўйди, сувдонни Элмуродга ишора қилиб, ўзи чиқиб кетди. Овқат охир бўлгунча ҳам генерал индамади, ўз «тарихи»ни бошламади. Бондарнинг «искабтопар»лиги туфайли бунёдга келган какао стакан йўқлигидан кружкаларда ўртага қўйилганда, генерал «Стаканларинг йўқми?» деб тегишди, Бондарь: «Бизнинг жангу жадал, походларга

www.ziyouz.com kutubxonasi

стакан бардош бермайди, ўртоқ генерал» деб жавоб қайтарди. Шундан кейин генерал какаодан ҳўплаб, ҳикоясини бошлади, боядан бери табассум тўлиб-тошган юзидаги сийрак ва саёз ажинлар бир мавж уриб ўтгандан кейин қаёққадир таралиб кетди.

— Бу кўп йиллар бурун бўлган воқеа,— деди у, гўё суҳбат орасида вақт ўтмагандай ўша оҳангда.— Босмачилик авж олган пайт. Фарғона осмонидан булут аримайди. Бир қишлоқнинг кули кўкка совурилиши учун бир одамни тўртинчиликда гумон қилишлари кифоя. (Тўртинчи деб у вақтда большевикларни аташарди). Унинг суянгани Афғонистонга қочган Бухоро амири-ю, унинг парёғида ҳамиша ғаламис инглиз тўралари... Бир куни мени Михаил Васильевич Фрунзе чақириб қолди. «Босмачиларни тағ-туги билан қириб ташлаш пайти етди. Сен ўз отрядинг билан Фарғонага жўнайсан» деди. Хўп, дедим. Комиссар қилиб жиккаккина келган, узун бўйли, чўққи соқол қўйган, чарм камзулли бир одамни тавсия этди. Танишдик. Бу Иван Капитонович Кравцов эди. «Отрядингда фельдшер борми?» деди Фрунзе ҳузуридан чиққач. «Бор» дедим. У, «Аттанг. Бир фельдшерлик ўрин керак эди» деб хаёлга чўмиб қолди. «Жуда зарурми?» десам. « Бўлса яхши бўларди» деди. Шу пайт отрядимдаги фельдшернинг касалвандлиги эсимга тушди-ю, «Топилади» дедим. У бошқа ҳеч нарса демай, раҳмат айтиб хайрлашди, кечқурун бир хотинни бошлаб келди. «Таништинг, хотиним! Лозим топсангиз отрядингизнинг фельшери бўлади» деди. Мундоқ қарасам, суяклари бузуқ, кўзларидан шикоат ва ирода ёниб турган жувон. Қўлимни эркаклардек сиқиб кўришди. Кулиб қўйди. Кулганда йирик, оппоқ тишлари «душманга қўлнинг кучи етмаса, мен ғажиб ташлашга тайёрман» дегандек ярқираб кетди. Шу ондаёқ унга менинг меҳрим тушиб қолганди. «Майли, яхши» дедим. Ўтиришиб овқатландик. Эртасига походга тушдик. Василиса Титовна (унинг номи шундай эди) мен кутгандан ҳам довюрак, пишиқ, эпчил чиқиб қолди. Душман билан биринчи тўқнашувимиздаёқ менинг «походда-ку, дуруст, жангда қандай бўларкин?» деган ўйларимни пардек тўзитиб юборди. Ахир у вақтларда бизнинг ичимизда хотин-қизлар кам эди-да. Эски генераллар «отнинг байтали яхши, солдатнинг эркаги» деб уларни жангчи сафига қўшмасди. У вақтларда ҳозирги сингари фронт линияси қаёқда!

Босмачининг бирор турғун ери йўқ. Бугун қарабсизки қаршингизда, эртага орқангизда пайдо бўлиб қолади. Устида формаси йўқ. Сойга тушиб «деҳқончилик» ҳам қилаверади, салом бериб олдидан ўтказиб юборади-да, кетингдан чопони остидан кесик милтиғини олиб ўққа тутади... Ҳадемай, уларнинг тилига тушуниб олдик. Халқ ёрдамга келди, отрядимизда йўл, из биладиган кўзли йигитлар кўпайиб қолди. Босмачини энди сичқон инидан бўлса ҳам топиб оладиган бўлдик. Куни битишини билган босмачилар ўлиб-тирилиб қаршилик кўрсатарди. Бир куни қарасам, отрядда «Она» лақабини олган Василиса Титовна чиндан ҳам она бўладиган. Ой-куни яқинлашиб қолибди. Иван Капитоновичга: «Бевақт мардлик кўрсатибсан-ку, энди бу ёғи нима бўлади?» дедим. У бўлса «Василисанинг орзуси билан бўлган, ўзидан сўра!» деб кулади. Василиса Титовнанинг кўп йиллардан бери тирноққа зор бўлиб юрганини эшитган эдим. Уни отряддан қолдирмоқчи бўлдик. Қани кўпса! «Отряд фельдшерсиз бўларканми!» дейди. Қарасак жуда хафа бўладиган. Отдан аравада юрадиган қилиб қўйдик. Шундай матонатли хотин эканки, шу ҳолида жанг тўқнашишларида олдинги қаторларга кетиб қолади. Ярадорларни судраб чиқади, ўқ довуллари остида яра боғлайди. Мен нуқул «Василиса Титовна, чала туғиб қўясан!» деб тегишаман. У бўлса, «Ҳечам-да! Роса ўн о-ю, ўн соату, ўн минутда туғаман, мана кўрасиз», деб куларди, дўппайган қорнини фахр билан лорсиллатиб, «лазарети»га кетарди (ярадорлар олиб юрадиган аравамизни шундай деб атардик). Ярадорларни парвариш қиларди, тўқнашув бошланди дегунча «лазарет»ни старший санитарга топшириб, яна олдинга йўрғалаб қоларди. «Болани қийнаб юбординг» десак, «Солдат-ку, солдат жангдан қийналмайди, балки фахрланади!» дерди. Эри Иван Капитонович «Қаёқда солдат, қиз-ку!» деб калака қилар, у бўлса шунда ҳам бўш келмас, «Уруш даврида қиз ҳам генерал бўлиши мумкин!» деб сўзини бермасди. Бир куни менинг олдимга келиб: «Бугундан менга отпуска, уч кун қолди» деди. Мен «Ғойибдан нидо келдими?» деб ҳазилга олдим. Йўқ, айтгани келди, учинчи кун тунда кўзи ёриди. Қиз туғди. Қизмисан қиз, ҳали замон кўзини очиб қиҳ-қиҳлаб куладигандай, бўлали, зийрак. Сочи пешонасига тушади. Онасининг худди ўзи — қуйгану қўйган. Василиса Титовна уни ер-кўкка ишонмасди. Лекин умри қисқа экан, сал

www.ziyouz.com kutubxonasi

кун ўтмаёқ вафот этди. Василиса Титовнанинг кўзига дунё торайиб кетган эди. Уч кунлаб ичига туз кирмади. Кечалари билан оғир касалдек инграб чиқарди. Шу орада разведка босмачиларнинг «Қайроқсой» қишлоғида тунагани ҳақида хабар келтириб қолди. От суриб кетдик. Чиндан ҳам у шунда тунаб, эрталаб бизнинг келаётганимизни эшитган. «Бу тўртинчилар қишлоғи экан, хабар беришди» деб қишлоқни тиғдан ўтказган, ўт туташтирган. Биз худди шунинг устидан чиқдик. Қишлоқ бўм-бўш. Уйлар, беда ғарамлари, ёқишга тайёрланган шохлар гуриллаб ёнади. Кўчаларда, йўлларда, қўрғонларда одам ва ҳайвон ўликлари, ёнаётган молхоналардан, отхоналардан моллар шаталоқ отиб чиқиб қолади. Кўзи тушган томонга қочади... Кўчадан ўтиб кетаётиб, чинқириб йиғлаётган бола товушини эшитдим. Отим бошини бургунимча ўша томонга зингиллаб кетаётган Василиса Титовнани кўриб қолдим. Бир ҳовлига кирдик. У ёнмоқда, бола биғиллайди, лекин ўзи кўринмайди: Василиса Титовна «бу ёқда!» дегандек изтиробдан кенгайиб кетган кўзларини менга ялт этиб бир ташлади-да, ёниб турган уйга шўнғиб кетди. Она қалби болага яқин, меҳрибонроқ-да, мендан илгари унинг қаердалигини пайқади, пайқадигина эмас, оналик шафқати, фақат улардагина бўладиган ички руҳ, сезги билан кўрди. Шу дақиқада на куйиш, на ўлим унинг кўзига кўринарди! Шу замон менинг ёдимга Тургеневнинг «Чумчуқ» деган шеъри тушди. Ўқигандирсизлар, албатта.

Ҳамроҳларининг бир-бирига қарашиб қолганини кўрган генерал «ўқимаган экан» деган фикрга келди. Папиросни узун бир тортиб тутунини ҳалқа-ҳалқа қилиб чиқарди. Бармоғи билан уриб папирос кулини қоқди. Тутун кўзига урдими, ёки фикрини йиғдими, пенсиядаги ажиплар бир-бирига қалашиб, кўзлари қисилди, оқара бошлаган икки қоши ўртасида тугунча ҳосил бўлди. Папиросни яна бир тортиб, ерга ташлади, қазакча баланд пошна этигининг тўмтоқ учи билан эзғилади.

— Ўқимаганмисизлар? Эй аттанг! Албатта ўқиш керак. Ўзи ярим бет парса-ю, бир олам маъноси бор. Чумчуқ боласи уясидан тушиб кетган, учолмайди. Онаси дарахт шохида ҳайрон. Шу вақт бир катта овчи ит пайдо бўлади. Ер ҳидлаб, чумчуқ боласи қошига келиб қолади. Она чумчуқ кўрсаки ҳали замон боласи побуд бўлади-

ган. Турган еридан чуввос солиб итга ташланади, унинг тумшуғи олдида гирён бўлади, оғзига кириб кетай-кириб кетай дейди. Ўзига нисбатан мислсиз катта ва кучли бўлган итни эсанкиратиб қўяди. Итдек даҳшат унинг кўзига кўринмайди... Оналик муҳаббати ўлимдан нақадар кучли! Худди шундай Василиса Титовна ҳам гуриллаб ёнаётган, ҳали замон босиб қолиши мумкин бўлган хонага мен «Тўхтанг-тўхтанг» дегунимча бўлмай, кириб кетди. Бирпасдан кейин биғиллаб йиғлаётган гўдакни бағрига босиб, сочлари оловдан жизғинак бўлиб чиқиб келди. Бир-икки «Бўлди-бўлди, йиғлама, қўзим» деб бағрига қисиб-қисиб босиши билан унинг товушини эшитган ва маъносига тушунгандек гўдак биғиллашдан тўхтади. «Нима қиламиз буни?» дегандек мен Василиса Титовнага қарадим. У менинг қарашимга жавоб бермай, гўдакнинг юзини артди, оғзига кўкрак солди. Бу билан менинг саволимга жавоб берган эди. Келган йўлимизга қайта ётиб, эшик орқасида ётган аёлга кўзимиз тушди. Боя шошиб ўтиб кетиб, кўрмаган эканмиз. Василиса Титовна унинг тепасида бир зум тўхтаб қолди, болани менга бериб, унинг юрагига қулоқ солди. Унинг тани ҳали совимаган, аммо ўлик эди. Унинг гўдакнинг онаси эканига шубҳа йўқ эди. Унинг қошида тиз чўккан Василиса Титовна лаблари дир-дир титраб ўзича нималардир деди, лекин мен унинг: «Рози бўл, она! Боланг ёт қўлда бўлса ҳам оналик меҳри билан улғаяди, парвариш топади...» деганинигина эшитдим. Бу қурбон бўлган она қошида ичилган онт эди! Салдан кейин қишлоқдан чиқиб, разведка маълумоти кетидан кетдик. Исми бизга номаълум бўлган гўдакка Анна деб от қўйдик. Гарчанд чўқинтирмаган бўлсак ҳам Василиса Титовна билан Иван Капитонович мени унинг отахони деб атадилар. Яна анча вақт походларда бўлдик. Аннани ҳамма «отряд қизи» дерди. Унгача ҳам отрядда «Она» лақабини олган Василиса Титовна «отряд қизи»ни — ўз арзандасини эмизди, тарбиялади. Унинг муҳаббатини кўрган одам асти ўгай она демасди. Урушлар тугагач, ўзи билан Москвага олиб кетди. Ўқитди, илм берди, марҳум она мурдаси қошида ичган онтини шараф билан ўтади. Мана бугун ўша Анна врач, ҳаммамизнинг севиклимиз. Ёш бўлса ҳам уни ҳурматлаб Анна Ивановна деймиз.

Элмурод «М» станицасига, дивизия штабига иш билан чақирилган эди. Гитлерчилар десанти билан қизиқув-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чилар ва Элмуродни навбатдаги унвон билан табриклашди. Ловчилар кўпайиб кетиб, анча тутилиб қолди. Бу орада интендант омборига кириб, тик туриб, жиндак-жиндак тортишга тўғри келди. «Муваффақият билан табриклайман» деса, йўқ деб бўладими! Унинг устига, сийрак кўришадиган дўстлари бўлса! У штабдан чиқар экан, хайрлашиб қолувчилардан бири шеригига аста деди:

— Омади келган.

— Йўқ, омадни ўзи келтириб олянти,— деб жавоб қайтарди ҳамсуҳбати ва «гапимга тушундингизми, омадини фаҳм билан, уддабуронлик билан, мардлик, маҳорат билан қўлга киритянти» дегандек яна унга маъноли қараш қилиб қўйди.

Қуёш тиккага келган, баҳор нафаси тўлиб ҳаллослайди. Ҳар қадам ер, ҳар гиёҳ, ҳар бир шохда кўклам санъати мавжуд. Бомба, замбарак ўқларидан жароҳат топган дарахтларнинг илиниб қолган, ҳали замон узилиб кетиши мумкин бўлган бутоқларида ҳам ҳаёт уйғонган.

Элмурод станица четидаги бир тегирмон сув оқадиган ариққа ташлаган икки ходачадан дорбозлардек енгиллик билан ўтди. Ўтди-ю, қаршисидаги чечак, майсазорга мафтун бўлиб қолди. Кечагина ўқлар чақнаган, қон томган қирга баҳор ўз сепини ёйиб ташлаган, ҳар куни янги-янги чечаклар билан, гуллар билан зийнатлаган. Нақадар кўркам!

Элмурод уфққа кўз ташлади. Кимдир шу чечаклар оралаб келарди. Қучоғида бир даста чечак. Қўлидаги хивич билан ён-веридаги майсаларнинг бошини ширт-ширт уриб, учириб келарди. Яқин келгач, таниди: Миша Горкунов.

— Хўш, ваъдагами?— деб кулди Элмурод. Унинг руҳи енгил эди.

— Комиссарнинг бошига зиёрат қилиб кетай деб кетаётирман, ўртоқ капитан. Тунов куни Турдиев билан келадиган эдик, десант халақит бериб қолди. Кечаги хатида Турдиев яна илтимос қилиб юборибди,— деди Миша қучоғидаги чаман чечакларни тузатиб.

— Яхши! Жуда яхши!— деди завқланиб кетиб Элмурод. Бир зум тик қолиб, кейин яшнаб ётган чечакзорга шўнғиб кетди. Саралаб-саралаб бир қучоқ узиб чиқди-да, Мишага тутди:— Мана буни менинг номимдан қўй. Ўзим

бугун боролмайман. Озроқ кайфим бор. Беодоблик бўлади. Хўпми?

Элмурод қучоғи тўла ранго-ранг чечак билан севимли комиссар қошига кетаётган Мишанинг орқасидан узоқ қараб қолди. Комиссар Ракитиннинг кулгичли юзи кўз олдидан ўтди. «Заб одам эди» деб қўйди. Ҳали батальон станицада экан, Борисовнинг икки-уч сиёсий суҳбатини шу қабр тепасида ўтказганини эслади. Ундан кейин жангчиларнинг бу ерни ўзларига зиёратгоҳ қилиб олганлари, уларга ерли аҳоли эргашганини, кимдир атрофига ниҳоллар ўтқазиб кетганини кўнглидан кечирди. Станицага анави бир чақирилганда, уни зиёрат қилиб кетай деб бошига борса, унинг атрофидаги скамейкада набираси билан бир кампир ўтирибди. Жингалак сочли, мовий кўзли бир қизча қабрни кўрсатиб, бувисидан сўрарди:

— Бу нима, буви?

— Қабр.

— Кимники, сеникими?

— Йўқ, болам, катта одамники.

— У одам сендан ҳам каттами?— қизчанинг тасаввурида бувиси жуда катта, ундан катта киши йўққа ўхшарди.— Сочлари сеникидан ҳам оппоқмиди?

— Ёши-ку каттамас, иши, ақли катта эди. Сени, мени жуда яхши кўрарди.

— Мени кўрганми? Ўйнатганми?

— Сени ўйнатмоқчи эди-ю, бўлмади.

— Фашистлар ўлдириб қўйдими?

— Ҳа.

— Ўша фашистни кўрсам, қизил аскарларга ушлаб бераман! Бир дорга осишсин!

Қизчанинг сўроғи адо бўлмасди, бувиси ҳам жавоб беришдан зерикмасди.

Элмурод шуларни эслади-ю, ичганига ҳам ўкиниб кетди.

Асриян уйига отпускага келди-ю, учинчи куниёқ зерикиб қолди. Тенгдош, қадрдон ўртоқларининг ҳаммаси фронтда эди. Фақат биттасининг ўнг оёғи саккиз сантиметр қисқа бўлиб қайтибди. Лекин фронтовикка хос иш танлаб олмай, пивохонада ишлаётгани учун бир кўриш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди-ю, кейин ундан қўлини ювиб, қўлтиғига урди. У нуқул даромади, битай деб қолган қўрасини мақтарди, материалларни қандай ғирром йўллар билан топаётгани билан мағрурланарди, «ҳар қандай қулфга тушадиган калит — пул, дўстим», дерди.

Асриян қанча кўп зерикса, шунча кўп батальонини, ундаги жанговар дўстларини эслайдиган бўлди.

Учинчи куни зерикканидан ўз хонасига кириб, урушдан илгари севимли машқи бўлган ҳайкалтарошликка йўнган эрмакларини кўздан кечирди. Кечирди-ю, бир ёрқин фикр миясидан чақмоқ тезлигида ўтди. Тезда асбобларини олиб, ишга боши билан шўнғиб кетди. Уни кўчага чиқиб кетган, деб пишган овқатининг остидан чўғини тортиб, ўглини пойлаб ўтирган она бир маҳал уни «устахона»да кўриб, «сен шу ердамидинг, мен кўчадан қидириб, овқатни совутиб ўтирибман, чиқ овқатга» деб ажабланди. Ўғлининг ҳадеганда чиқавермаганини кўрган она яна келиб остонада туриб олди. «Ҳой болам, отпускага келганмисан, ишгами?» деб уни койиб берди. Асриян: «Ишга, ойижон, ишга. Соғиниб қолибман» деб клеёнка фартуғини ечиб, унинг қаршисига йўл олди. Овқатдан кейин яна «устахонаси»га кириб бораркан, она йўлини тўсиб: «Қўй энди, иш бўлса қочмайди, фронтдан зерикиб келгансан, ўйна, кул, дамингни ол!» деди. Асриян бурун катакларини кериб кулганича унинг ёнидан ўтиб кетди: «Шу дам олиш-да, онажон» деди. Она: «Шу ҳам дам олиш бўлибдими, ёшсан, жонингнинг ҳузурини билмайсан!» дегандай бошини сарак-сарак қилиб, қараб қолди.

Асриян ишга қанчалик диққат бермасин, ривож топмади. Эртасига кечга бориб суратсиз ҳеч нарса чиқмаслигига тўла тушунди-ю, ишни йиғиштириб қўйди. Бу онанинг кўнглидагидай эди. У «энди ўғлим ўйнаб кетади» деб ўйлади. Асриян эса ўз хотирасига ишониб иш бошлаган, бир маҳал худди шундай бир иши жуда яхши чиққан эди. Буниси бўлмади, «ўз материалини» ўша маҳалда синчиклаб кўздан кечирмаганиданми, қаҳрамонининг характерли чизиқларини бўрттириб, ўзи хаёлида чизгандек чиқаролмади. Ёддан чизган сурати ҳам у айтган натижани бермади. Унга фотосурат керак бўлиб қолди. Устахонага кириб тарашлаган чала бюстини авайлаб бир четга олиб қўйди-да, керакли асбобларни латтага ўраб олди. Эртасига йўл тараддудига тушди, у батальоннинг денгиз қирғоғидан кетиб қолишидан қўрқарди.

— Ўн бэш кун демовдингми, ўғлим,— деди она ўғлининг шошқалоқлигидан ўксиб,— ҳали ҳам читтакдек беқўнимлигинг қолмабди-да. Сенга «онангни кўриб кел, меҳрини қондир» деб атай генералнинг ўзи отпуска берса-ю, сен ярмини ўтга ташлаб кетсанг, шу яхшими? Генерал эшитса нима дейди?

— Яхши қилибди, жанговар ўртоқларини соғиниб қолибди, дейди.— Асриян кулгига олди, кейин жиддий давом этди.— Сиз нуйманг, мен, албатта яна қайтиб келаман. Ўшанда сиздан берухсат ҳеч қаёққа кетмайман, ҳайдасангиз ҳам кетмайман.

Асриян «Г» станицасига келганда полк штабидан батальоннинг ўз жойида эканини эшитиб хурсанд бўлди, лекин қачонгача бўлажакларини ҳеч кимдан билолмади, у сўраган кишиларнинг ҳаммаси елка қисарди, баъзилар «ҳарбий сир» деб тегишарди. Асриян станица майдонидаги Ракитин қабрини зиёрат қилаётиб, кўнглига келган ишдан янада қувониб кетди. «Албатта шуни амалга ошириш керак» деб юборди у товуш чиқариб. Ёнида турган бегона бир чол: «Менга ганирдингми, болам?» деб унга мурожаат этди. «Йўқ, отахон, ўзимча» деди-ю, қирғоққа қараб кетди.

— Миша,— деди унинг ертўласига кириб бориб,— бўшмисан, бир иш чиқиб қолди.

— Марҳамат!

Уни, Бондарь Турдиевни қирғоққа бошлаб чиққандек тирсагидан олиб, вайрон ДЗОТнинг қошига келди. Бетиним тўлқинли денгиз устида учиб юрган бир жуфт чайкани кузатиб туриб, бирдан ган бошлади:

— Миша, менга комиссар Ракитиннинг сурати керак. Қаердан топса бўлади, ўзингда йўқми?

— Кимага? Катта қилмоқчимисан?

— Йўқ! Бекиқ ишга.

— Очиқ айт, шунга қараб, мен бир нарса деяй.

— Очиғини айтсам, Миша, менинг ҳайкалтарошликдан бир оз хабарим бор. Шу ҳунаримдан яна бир фойдаланмоқчиман.

— Бюстини ишламоқчимисан?— кўзлари чарақлаб кетди Мишанинг.

— Шундай, Миша.

— Мана бу ташаббусингни табриклайман, ернинг ос-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тидан бўлса ҳам суратини топиб бераман,— деди Миша ҳаддан ташқари қувониб, Асриянни дўстона қучоқлаб,— мана бу чипакам иш бўлади. Шундай ишлаки, Асриян, уни қандай яхши кўрганимиз, муҳаббатимиз, бунинг теран сабаблари унинг юзи-кўзида, қарашида мужассам топсин. Кўрган киши «ҳа, у чин инсон бўлган экан» десин. Уни қабри устига қўямиз, шундайми?

— Мен ҳам шуни мўлжаллагандим. Агар бу ердан кетиб қолсак сиёсий бўлимга топширамиз.

— Сен шундай қилки, кетгунимизча битсин. Сағанасини мен ўз отделением билан ишлаб бераман. Ҳозироқ улар билан суҳбатлашаман. Ундан полк комиссарига учрашаман. У бизга ёрдамлашади. Сен амин бўл, бу ишни боплаймиз. Бошинг жойида, Асриян, бупақа бош билан ҳеч қаерда хор бўлмайсан. Шу кунгача ҳеч кимнинг эсига келмаганини айт.

— Менинг ҳам эсимга тўсатдан тушди!— деди Асриян мамнун ва қачон, қаерда хаёлига келганини айтиб берди.

— Отпусканинг ҳам ярми нобуд бўлди, дегин, яша. Асриян, бу иш отпуска нобуд қилишга арзийди, яша!

Икки сержант юклари енгил тортгандек қирғоққа ўтириб папирос чекдилар. Ҳолдан тойган тўлқинлар илондек шипиллаб, қирғоқда қум яларди.

Комиссар Ракитининг суратини топиш унча қийин бўлмади. Уни олиши билан Асриян миллион йиллар мобайнида тўлқин ялаб, шамол елпиб ётган қирғоқ метин тошидан курсичадагини портлатиб олди-да, ишга киришиб кетди. У шунчалик завқ-шавқ ва ҳафсала билан энтикиб ишлардики, ишнинг бунчалик унумли чиқишидан ўзи ҳам ҳайрон эди.

Лекин Миша Горкуновнинг иши ривож топмасди. У парторг Борисов билан маслаҳатлашиб, унинг кўрсатмаси билан сағанага ғишт ва цемент топиш ниятида станицага кетди. Ғишт-ку, керагича топиларди, бутун бошли мактаб, аллақандай пишиқ ғиштли бинолар ер билан яксон бўлиб, ғишти сочилиб ётарди. Кимдан сўрамасин тўрт юз-беш юзта ғиштни йўқ демасди. Лекин цементни

қанча разведка қилмасин, ҳеч қаердан тополмади. Станица совети раисига учради. У: «Бор бўлса жоним билан берардим. Йўқ. Борини гитлерчилар мудофаага ишлатиб юборибди» деди. «Бизга кўп эмас...» деб гап бошларкан Горкунов, раис «биламан, биламан» деб унинг сўзини бўлди ва яна бир бор колхозлардан суриштириб кўражагини айтди. Ундан Миша Горкунов яна полк комиссарининг қошига келди. Унинг сўлғин ва хафалигини кўрган комиссар:

— Бўлмадими?— деб сўради.

— Йўқ.

— Парироқдан суриштиришга тўғри келади. Топиб берамиз, сиз ишга киришаберинг.

Миша шу куниёқ ўз отделениесидаги иккита ғишт терувчини ёнига олиб, ғиштларни унга ёпишган цементдан тозалаб, қабр ёнига таший бошлади. Қолганлар шу ерда ер ишлари билан банд бўлдилар. Эртасига эрталаб бир қизча келиб, уни станица советининг раиси чақираётганини айтди. «Шояд цемент топилган бўлса, бўлмаса нимага мени чақирсин» деб елиб борди. Чиндан ҳам цемент топилган, лекин қўшни, беш-олти километр масофадаги хуторда экапини айтди. Жонсизга жон борми — Миша: «Адресини берсангиз кифоя» деди. Шу заҳоти яна полк комиссари қошига югурди.

— Хўш?

— Ярим соатга машинангизни бериб турсангиз.

Кечқурун уч сафар халтасига солинган цемент қабр ёнида турарди. Нам ўтмасин деб остига тахта ташлаб, устига плаш ёпилган эди.

Эртасига астойдил иш бошланди. Ёрдамга Миша Горкунов отделениесидан ташқари, яна бир неча киши ўз хоҳиши билан отилиб чиқди. Иккинчи куниёқ пишиқ ғиштдан меҳр-муҳаббат билан терилган, устига бир энлик чамасида цемент сувоқ берилган, қоқ ўртасида икки метр чамаси пастдан юқорига сал ингичка тортиб кетувчи чорқирра цемент столбали сағана тайёр бўлган эди. Энди иш Асриянниинг бюстни битиришида қолган эди. У ҳам тунни тун, кунни кун демай қоя тошни чўқилаб ётган эди. Унинг бахтига батальон ҳамон денгиз қирғоғида мудофаада эди. Ой охирига бориб у бюстни тугатди. Плаш-палаткасига ўраб, комбат Элмурод билан парторг Борисов суҳбатлашиб ўтирганда штабга олиб келиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Битдими?— деди Элмурод юзидаги ўзгаришни кўриб.

Асриян индамай бюстни стол устига қўйди. Комиссар Ракитин фақат ўзига хос бўлган кескин, иродали, чуқур ва шу билан бир вақтда, меҳрибонона, самимий, садоқат тўла майин қараш билан узоқ-узоқларга термилиб турарди.

— Боплабсан, Асриян!— деди Элмурод.

— Жуда яхши,— деди Борисов.

Уч кун ўтгач, у катта тантана билан, сағана ўртасидаги икки метрли цемент столба устига ўрнатилди.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

I

Қўрага кириши билан Анна Ивановнанинг диққатини катта бир туп олма ўзига тортди. Олма, ёнидаги бинога «мен сенга куп туширмайман, саратондан қўрқма» дегандек япалоқ танасини тарвақайлатиб ўсган бўлса керак, иморатга ўт кетганда унга яллиғи урибди. Барглари қовжираб куйган. Пишиб етмаган гўра олмалари оловдан қовжираганича шохларда қотиб қолаверган. Анна Ивановна унга ажаблангапича қараб туриб, юқори бир айри шохида ҳуркович кўзларини милтиллатиб ўтирган мушукка кўзи тушиб қолди. Аввалига «у ерда мушук нима қилсин» деб ишонмагандек бўлди, нариги томонига ўтиб қаради — бароқ думи кўринди, Анна Ивановнанинг «пшш-пшш»ига думини аста қимирлатиб қўйди. Олма остида туриб қанча чақирмасин, у парво қилмас, кўзларини жовдиратиб бошини яна бўйни ичига оларди. Кўнгил учун бир талпиниб ҳам қўймасди. Анна кечагина паёкка олган печеньесини ёнидан олиб кўрсатди, ерга ташлаб унга ишора қилди, яна ердан олиб баландроқ шохга қистириб қўйиб кутди, барибир мушук тушмади, фақат баъзан-баъзан зорланган каби чўзиб «миёв» деб қўярди. Бу унинг: «Қўйинг, менинг шундай ҳам юрагим ёрилиб кетган, сиз ўзингизнинг меҳрибонлигингиз билан қалбимга даҳшат солманг, мен инсондан қўрқаман. У менинг кулбамга ўт ташлади, жоним чиққандан шу ерга қочиб чиқиб жон сақладим» деб зорланишими ёки: «Даҳшатдан чиқиб кетдиму, энди тушолмаяпман» деганими — билиб бўлмас эди. Лекин Анна Ивановна унинг аҳволини ўз тақдирига ўхшатарди. Унга печенье узатиб «пшш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пиш-пиш» деркан, кўнглидан: «Эҳтимол, мен ҳам шу мушукдай ёнаётган ҳовлида ёлғиз ўзим қолгандирман. Чирқиллаб йиғлагандирман, шохга чиқиб кетиш қўлимдан келмагандир.

Шунда меҳрибон Василиса Титовна олиб чиққандир. О... бечора мушук! Сен ўтирган шохлар оловдан қовжираганда, уйлар гуриллаб ёнганда сенга қанчалик даҳшат бўлган экан!» деган фикр ўтарди. Ўзини бир хил қизлар сингари дарахтга чирмашиб чиқиб кетаверадиган бўлмаганидан ўкинди. Унинг ёлборишларини, илтижоларини эса мушук тушунмас, парво қилмас эди. Атрофда ҳеч ким ҳам йўқ. Унинг кўзи ёнади. Етимликда кўнгилчан улғайган кўнгли уни ташлаб кетишга ботинмасди. Шу маҳал:

— Хўш, ўзи нима гап? Полундра!— деб Бондарь яқинда ўлжа туширган мотоциклида келиб қолди.— Тушунмаяптими? Эй, хумпар, пастга полундра! Тушунмайсанми? Ҳозир тушунтириб қўяман,— у ердан кесак олиб отди.

— Йўқ, йўқ! Кесак отманг, майиб қиласиз,— деди унинг қўлига ёпишиб Анна Ивановна.

— Бўлмаса, мана бундай полундра қиламиз. Боқасизми?— деди Бондарь оёғидан этигини чиқариб ташлаб.— Ёввойилашиб кетмаганмикан, ҳамма ёғимни тимдалаб ташласа-я!

— Шунча жанг кўрган одам мушукдан қўрқсангиз,— деди Анна Ивановна унинг қитиғига тегадиган бир оҳангда.

Бу, албатта Бондарнинг нафсониятига тегди:

— У душман-да! Бу менга нима қилибди? Меҳрибонлигимизни билса майли-я!

Бондарь дарахтга тирмашди. Анна Ивановна уни «озор берманг» деганича кузатиб турди. Мушук қаршилик кўрсатишга ҳаракат ҳам қилмади, қаршисига чиқиб келаётган одамга кўзларини жовдиратиб қараб тураверди. Бондарь унга яқинлашиб «пиш-пиш» деб қўл узатаркан, «миёв» деб унга бўйнини чўзди. Кузатиб турган Анна Ивановна: «Оч экан, бечора!» деб юборди. Бондарь уни аста қўлига оларкан:

— Ақлинг бор экан, мана қўлимга олдим, бўлмаса бир уриб пастга тушириб юборардим,— деб у билан гаплашарди.

Бу меҳрибонлик Бондарни қаттиққўл, бераҳм деб юрган Анна Ивановнага жуда ёқди.

— Марҳамат! Тиббиёна кўздан кечириб боқишингиз мумкин!— деди Бондарь унга узатаётиб.— Ҳадемай, қиш киради. Қўйнингизда олиб ётсангиз иссиққина бўлади. Лекин бизнинг ертўлага киритмайсиз. Мен унинг мўйловидан қўрқаман.

— Сиз-а?— мушукни силаб турган Анна унинг мўйловини ушлади.

— Ҳа, рост. Мана, инонинг!— дея чўқиниб ташлади у. Анна Ивановна кулиб турарди.

— Старшина, кўрдингми Анна Ивановнани, шу минутдан иборат у киши икки жон. Паёк тақсимлашда адашма. Бугунгисига ўзим бераман, сени ўргатаман,— деди Бондарь ўтиб бораётган старшинани тўхтатиб.

— Йўқ, раҳмат, сенинг керагинг йўқ, ўзим юбораман.

— Нима, мендан қўрқасанми? Ҳа-ҳа-ҳа. Шайтон!

— Старшинанинг юрагини олиб қўйибсиз-ку!— деди Анна Ивановна мушукнинг бароқ думини силаб, унга қўлида печенье тутаркан.

Мушук энди бемалол унинг қўлидан овқат ер, ётсирамагани думини сал кўтариб, аста-аста силкитиб туришидан маълум эди.

— Старшина халқини сиз билмайсиз Анна Ивановна, жуда хасис бўлади. Ё уни қўрқитиб гапга кирадиган қилиб олиш керак, ё қалинлашиб. Бу зиқналар ҳамма билан дўстлашавермайди. Упадиган ерга, ўзидан бир поғона юқорига қўл чўзади. Менга эса старшинадан битта ўртоқ керак. Чунки, юртимга яқинлашиб қолдим, юрагимдан олов чиқади — хурсандман. Демак, ичиб туришим керак. Бу зиқналар бўлса ангишвонадай ўлчов қилиб олган, худога шунча ёлворсам ҳам йўл-пўлда тушиб қолмайди,— эндигиси каттароқ бўлармиди! Буни қаранг, тунов куни шу старшинанинг хўжалигига снаряд тушибди-ю, лаънати ўша ўлчови яна бутун қолибди. Бир бочка спирт оқиб кетибди. Ўлчови дабдала бўлиб, бочка бутун қолса нима қиларкан!

— Сиз ичишни шунақа яхши кўрасизми, Бондарь?— Анна Ивановна унинг шу лаҳзада ҳам ширакайф эканини лангар сурати чекилган қўли билан мушукни эзғилаверганидан, сергаплигидан сезиб қолди.

— Шу купларда яхши кўраман — яширмайман. Ахир айтдим-ку, уйимга яқинлашиб қолдим, деб. Унда онам бор. Ўн йилча бўлди, кўрганим йўқ.

— Онангиз қарими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Унчаям қаримас. Лекин ажойиб хотин. Горькийнинг «Болалик» китобидаги онани эслайсизми? Кўринг-кўрманг худди ўшанинг ўзи, меҳнатдан тинмайди, меҳри адо бўлмайди.

— Бошқа болалари ҳам борми?

— Йўқ. Ёлгиз мен — аҳмоқ. Мен уни кўп интизор қилдим,— деди Бондарь. Аслида у «мен унинг ҳурматини қилмадим», демоқчи эди-ю, тили бормади, қаршисида турган қизнинг салобати босди. Анна Ивановна унинг дарбадар ҳаётидан хабардор, буни қўлларидаги суратлардан билиб юрарди. Бир куни тиббий кўрикдан ҳаммани ўтказар экан, унинг кўкрагидаги одам кўтариб кетаётган бургут суратига ажабланиб қолган эди. У чиндан ҳам гўзал солинган эди. Бондарь буни пайқаб, «ҳали шу ҳам суратми, мана буни кўринг», дегандек орқасини ўгирди. Унда Анна Ивановна энг яхши кўрган сурати акслантирилган эди: Тариэл арслон билан олишиб, уни ерга урай деб азот кўтариб турарди. Ана шу суратни отаси Иван Капитонович Анна институтни тугатганда унга совға қилган ва: «Сен ҳам илм арслонини даст кўтардингу, лекин ҳали йиқитганинг йўқ. Халққа хизмат қилдирганингда йиқитганинг бўлади. Бу сен учун символ» деган эди.

Анна Ивановна Бондарнинг ҳозирги: «Мен онамнинг ёлгиз ўғлиман. Мен уни кўп интизор қилдим» деганда унинг нима демоқчи бўлганини англади. Бу ҳис Анна Ивановна қалбига бошқа ҳамма ҳислардан кўра яқин. «Оҳ, она! Она!— деди кўнглида Анна Ивановна.— Сенинг меҳринг кимнинг қалбида йўғу, кимнинг руҳида кезмайди. Сен бор — инсон бор, сен бор — тарих бор, сен келажак йилларнинг, ҳаётнинг бош авторисан, тождорисан. Сенинг меҳринг билан тепмаган юракларда ҳаёт йўқ, истиқбол йўқ. Қани энди менинг ўша аллаким отиб кетган онам бўлса! Нималар қилмас эдим! Фақат бир дақиқа, ортиқча эмас, бир дақиқа кўзига боқсам, муҳаббат тўла кўксига бош қўйсам. Шунда дердим: «Дўстлар! Дунёда менинг энди армоним йўқ!» О, Василиса Титовна! Бу сизни камситишим эмас, йўқ, мутлақо! Мен сиздан миннатдорман, сиз бўлмасангиз, эҳтимол, шу ўйларни юритишга қобил инсон бўлиб ҳаётда қолмасдим, ўз йиғимдан ўзим бўғилиб, ўпкам узилиб, аллақачон қора ер тишлаган бўлардим. Сиз онам ўрнида оналик қилдингиз, онамсиз. Фақат сизгача бўлган онамни ҳам бир кўриш

орзум бор! Бунинг учун мени кечиринг. Мен шуни демасдиму, қалбим қўймайди. Ана шу қаршимда турган собиқ дарбадар йигит онасини эслаб, қачонлардан бери юрагим тубида ухлаб ётган туйғуларимни уйғотиб юборди».

— Бондарь,— деди хаёлдан бош кўтариб Анна Ивановна,— онангизга нима совға олиб бормоқчисиз? Мен бир парса берсам қабул этасизми?

— Мен унга болалик қилиб батидан юлиб олиб кетганим фарзандлик меҳрини қайтиб элтмоқчиман, абадий қилиб элтмоқчиман, уни шунча йиллар ўкситганим, изимга интизор қилганим учун узр сўрамоқчиман.

— Қарорингиз қатъийми?

— Қатъий.

— Ҳеч қачон, ҳеч қаерда айнамайсизми, қайтмайсизми?

— Йўқ. Болаликда эмган сутимни қайтарсам қайтариб чиқарармапу, лекин бу сўзимдан қайтмайман.

Анна Ивановна қаршисида ўша ўзи билган шалоқ, ҳазилкаш, кишиларнинг ғанига тегиш билан завқланувчи, озод этилган қишлоқларга кириб баъзан маза-бемаза ишлар қилиб юрувчи, тутуриқсиз латифаларнинг моҳир ижрочиси, бўлар-бўлмасга «полундра» деб қийқириб, ариллаб юрувчи Бондарь турганига асло ишонтиси келмасди. Тўғриси, ундан бундай бамаъни гап чиқишини, қалбида бундай чуқур ларзага солувчи армон-орзу ётишини ҳеч қачон хаёлига келтирмаган эди. Уни биров алмаштириб кетганга ўхшарди.

Анна Ивановнанинг кўзига Бондарь жуда танти, одамшаванда, пашшага ҳам озор бермайдиган юмшоқ йигит бўлиб кўриниб кетди. Унга нисбатан кўнглида меҳр уйғонди.

— Мен сизни олижаноб ҳис билан табриклайман, Бондарь,— деди у ва Бондарга нозик, ингичка бармоқларини чўзди. Кафтини кафтига олиб силтаб сиқди:— Хатони англамоқ, унга иқрор бўлмоқ ва тузатмоқ чин инсоннинг ишидир, бу — олижаноблик! Агар қилғонгизни жанг билан ўзимиз озод қилсак, мени онангиз билан таништиринг.

— Марҳамат. У ажойиб хотин, дарров севиб қоласиз. Сизни кўриб келиним деб юрса-я!

— Бунк тузатиш ўнгай!— кулди Анна Ивановна.— Онангизнинг кўнгилхушлиги учун бир неча минут бу вазифани бажаришим мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ажойиб қизсиз-да, Анна Ивановна, аччиғингиз ҳам келмайди-я!

— Нимага?

— Шу гапим учун-да!

— Нима, сизни бир еринғиз камми?— қаҳқаҳлаб кулиб деди Анна Ивановна,— гўзал бир қизга лойиқ куёвсиз.

Бондарь ҳеч кимдан бундай ширин сўз эшитмаганиданми ёки суҳбатнинг самимийлигиданми, яшнаб кетди.

— Келишдик-а?—деди Анна Ивановна мушукни кўкрагига босаркан.— Мени онангиз билан таништирасиз. Агар ёнидан ўтсагу, ўзингиз боргудек бўлиб қолсангиз менга учрашиб кетинг.

— Мен-ку, унутмайман, лекин Элмурод амаки бунга нима деркин?— кўзини қисди у.— Яна ғазабига йўлиқиб штрафнойга полундра қилиб қолмай?!.

Анна Ивановна Бондарнинг Элмуродга ишора қилиш сабабини тушунди. «Унинг рашки келмасмикин?» демоқчи эди. Анна Ивановна унга ҳазиломиз ўқрайиб, кичкина муштларини тугиб: «Уятсиз, шундай дегани уялмайсизми?» деб дўқ қилди, муштлади. Бондарь «бу муштлар менга ёқади» дегандек бошини елкалари ичига олиб бирпас туриб берди, маъноли кулиб, мотоциклини елдириб кетди.

Душман дарёнинг парёғига улоқтириб ташланган. Лекин бу ўнғайлик билан бўлмади. Қишлоқ уч бор қўлдан қўлга ўтди. Ёз бўйи қаршилик кўрсата-кўрсата чекинган ёв ана шу дарё ёқасига тихирлик билан ёпишиб олди, ярми инига кириб қолган илондек қирғоқдан сугуриб, улоқтириб ташлаш оғир бўлди. Азим кўприкни портлатиб кетди.

Ана, у улкан дарё теранлигидан сокин милтиллаб оқмоқда. Гўё шу дарё уруш даҳшатларини ютиб, аллақаёқларга оқизиб кетгандек теварак-атроф тинч. У икки қарама-қарши кучни зўр матонат билан бир-биридан айириб ташлагандек мағрур, ўз қудратидан мамнун керилиб оқмоқда. Баъзан унинг тепасидан самолётлар визиллаб ўтиб қолади, уларнинг сояси дарёни ўткир пўлат ханжар билан тарс кесгандек кўринади. Кеча Элмурод бу дарё қирғоғига келиб, уни кўздан кечирар экан, «неча одамнинг бошига етади ҳали бу азим дарё» деб қўйди ичида. «Денгиз-чи?» Бондарь унинг тунини қанча мақ-

тамасин, томоша қилгани чиқмади. У ўзи ёлғиз кетиб тун оққанда қайтди. Сал мизғиди-ю, мотоциклини тариллатиб яна қирғоққа кетди. Қайтиб келиб:

— Дарёга тўйдим. Мириқиб чўмилдим. Энди менга рухсат этинг,— деди.

— Қаёққа? Шошма, ҳали бу чўмилганинг ҳисобмас.

— Аввал мен қишлоғимга бориб, онамни кўриб келай, кейин қанақасига бўлса чўмилаверамиз. Балиқ менинг ичимда. Болалигимда сузагон бўласан деса, ҳалиги сувнинг бетида елиб юрадиган сузгич бор-ку, оти нима, ўшандан ўнтасини ютибман-а!

— Фойдаси тегдими, ишқилиб?— кулди Элмурод.

— Фойдасини билмайман, лекин эсимга тушса ғашим келиб, кулгим қистайди.

— Зеҳнинг баланд бўлади деб, гуручни ювиб, сувини ичиришмаганми?— кулди Элмурод ҳам ўзининг болалигини эслаб. Унинг сўз оҳангидан ўзи ичганлиги билиниб турарди. Бу «тарих» Бондардек Элмуродга ҳам эриш кўринди. «Шунга ҳам фаҳмим етмабди-я!» деб қўйди Элмурод ўз болалигидан кулиб. Бондарь рухсат олиб, онасини кўргани кетди. Элмурод унинг орқасидан қараб «олов йигит, юрагида ўти бор, тегирмонга тушса бутун чиқади» деб қўйди. Кундан-кун инсофга келиб, қинғир-қийшиқ йўллардан қўл силтаётган ўз «адъютанти»дан хурсанд эди. Унинг устидан ҳеч ким арз қилмаганига мана ярим йилга яқинлашиб қолди. Қишлоқлардан кўзи тушган, ўзига ёққан нарсани аввалгидай юлиб-юлқимайди, аввалига, сўраб, бермаса зўрлаб олишлари қолди. Аввалгидек санамай саккиз деб ўтга-сувга ўзини уравермайди. Режали жанг қилишларни билиб қолди. Бурун Элмуроддан бошқа ҳеч кимни писанд қилмас, «батальонда комбатдан кейинги киши менман» деб босиб-янчиб кетаверарди. Ҳатто бир маҳал Элмурод уни ўзидан узоқлатиб, ротага юбормоқчи ҳам бўлди, лекин кўзи қийнади. «Наҳот, уни инсофга келтириш мумкин эмас, ахир инсон-ку!» деди ўз-ўзига Элмурод ва ёнида олиб қолди, уни «одам» қилишга аҳд қилди. Унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, вақт-вақти билан жиловлаб турди. Керак жойида койиб ҳам берди. «Штрафнойга жўнатаман!» деб дўқ ҳам урди. У Элмуродга ғиқ этмас, унга меҳри тушиб қолган эди. Қанча койимасин, хафа бўлмас, салдан кейин эпоқ-чапоқ бўлиб кетаверарди. «Сизни хафа қилдим-а?» деб узр сўраши ҳам бор эди. Қизил Юлдуз ордени олган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан бери жуда ҳам сонга кириб қолди. «Орден билан сўкиб бўлмайди-а?» деб кулиб қўяди, кўкрагини кериброқ юради. Баъзан жангчиларга ўтит-насиҳат қилаётганини учратиб қоласан. Унинг биринчи жангданоқ Элмуродга ёққан томони — юраги. У ўлимни писанд қилмайди, жангни оддий машқдай қарши олади, кутилмаган жойларда «Полундра!» деб пайдо бўлиб қолади. Ўқ юраклидан қўрқади, деганлари рост. Мана ҳали у бирон марта яраланган йўқ. «Яраланишнинг нима кераги бор?» деб кулади. Лекин яраланганларга жуда меҳрибон, кўзи тушдими, ортмоқлаб олиб чиқиб кетади. Қўл сиқиб хайрлашади, ёнида бўлган парсани, айниқса, тамакини «сизга керак бўлади, биз бу ерда топиб оламиз» деб бериб юборади. Ўзи хийла вақтгача тополмай, хумор бўлиб юради, шунда ҳам бериб юборганига ўкинмайди. Мардликка мард, танти, чўптагида уч пул йўғу, саҳий, борини аямайди. Унинг бу томонларига Элмурод қойил эди. «Дарбадарликдан воз кечса, сара йигит бўлади» деб юради. Буни Бондарнинг ўзи пайқагандек унинг чизган чизигидан чиқмайди, фақат баъзан... Бунга ҳам узр сўрайди, кейин унинг қилган бир иши ҳали-ҳали Элмуроднинг эсидан чиқмайди... Украинага полкнинг энди кирган, эрта ёз кезлари эди. Бир шаҳар учун даҳшатли жанг борарди. Элмурод бундоқ ёнига қараса, Бондарь ерга мук тушиб, тупроққа юзини суркаяпти. Кўзида ёш.

— Яраландингми?— шошиб сўради Элмурод. Лекин ўз саволидан ўзи ажабланди: ахир яраланган йиғлайдими? Хусусан жанг-жадал тўфонида метин бўлиб кетган Бондардек киши!

— Йўқ, ўртоқ комбат, она тупроқ, Украинам ерини ўпяпман. Қандай тотли у!

— Соғиниб қолган экансан-да!— деди ўз хижолати ҳам ёдига келмай, унинг ватанпарварлик ҳиссидан фахрланиб Элмурод. Шу топда у «ўз» Бондарини танимай қолди: «Наҳотки, унинг саёқ, дарбадор юрагида шунча руҳ, шунча туйғу бор! Наҳотки, у шундай фикрлашга қодир! Наҳотки, мен уни шу пайтгача пайқамасам!»

— Бўлмаса-чи! Туғилиб ўсган ерини соғинмаган киши инсонми? Ўн йилча кўрмадим-а, ўн йил! Ҳазил вақт эмас!

— Ҳа... Ўша маҳалда туғилган бола «Ватан» сўзининг маъносига тушуниб айтадиган бўлди,— деди Элмурод «ўз»- Бондарининг сўзларидан завқланиб.

— Топиб айтдингиз, ўртоқ комбат!— ёришиб сўзлади Бондарь. Унинг нам киприги қия тушган қуёшдан ажиб йилтилларди. У қўлининг орқаси билан кўзини артди ва салмоқлаб олдинга кетди.

Унинг орқасидан қараб Элмурод ўйлади: «Ажойиб йигит! Дардли йигит! Узукка кўздай батальонга ярашиб тушган. Ахир чўтирнинг ҳам ўз ҳусни бор-да!»

Элмурод унинг икки тундан бери тузуккина ухламаганини, иш билан олиб-югурганини эслаб «қуш тинади, ит тинади, у тинмайди» деди-ю, унга раҳми келди, уни чақирди:

— Бондарь!

— Лаббай, ўртоқ комбат.— Бондарь орқасига қайтди.

— Дам ол, қаёққа кетяпсан, юзингда юз қолмабди.

— Украинамга киргандами? Йўқ. Унинг тупроғига оёқ босиб турсам товонимдан қувват юрагимга ўтаверади, толиқмайман. Украинамга кириб боролмай, йўлда йиқилиб қоламанми, деб ташвишда эдим. Энди армоним йўқ,— у оғзи-бурнини тўлдириб чуқур нафас олди ва яна деди:— Ҳавосини қаранг: атир-а, атир! Днепр еллари буғдойзор, олчазорлар атрини олиб келади... Энди-чи, ўртоқ капитан, уруш тугаб, меҳнатдан чарчаганда дам оламиз. Ана унда ярашади.

— Уруш меҳнат эмасми?

— Меҳнат-ку...— Бондарь фикрини сўз топиб айтолмади.

Элмурод илиб кетди:

— Уруш аввало, зўр, жуда зўр ва улкан меҳнат. Унинг на дам олиш куни бор, на тайинли соати, на отпускаси! Сурункасига меҳнат қиласан. Ахир, бундан кучли меҳнат борми дунёда!

Бондарь бу гапга фикр юритиб қараса, чиндан ҳам зўр меҳнат қилаётганини билмас экан. Урушга фақат жанг деб қараркан. У энди ўз Украинасида меҳнат қилаётганини англаб, янада яшнаб кетди. Украина хаёлга келиши билан онасини эслади. «Онам тирикмикан?» Шу савол ўйидан кечди. «Уни кўришинг шарт, болалик гуноҳларингга узр сўра, айб бу хилда бепарво бўлмоғинг» деган фикр юрагига найза бўлиб қадалди. Бир дамгина ўйлаб турди-да, деди:

— Ўртоқ комбат, узр! «Украинамга омон-эсон кирдим, энди армоним йўқ» деб хато қилган эканман. Яна битта зўр армоним бор экан. Онамни кўришим керак. Қишлоқни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзимиз озод қилсак бошқа гапу, ён-атрофидан ўтсак, бориб келишга ижозат берасиз, кейинчалик йўқ деб юрманг, олдиндан заявка беряпман.

— Онанг борми? Ҳеч айтмас эдинг-ку! Мен сени ҳеч кими йўқ деб юрардим.

— Бу ёғини суриштирмайсиз... Айб менда — бу узун қисса.

Вондардаги қувноқ руҳ шу жавобдан кейин дарров сўнди, бўйнида илмати бордек бошини қуйи туширди. Элмурод уни ортиқча безовта қилишни ўзига эп кўрмади.

— Омон-эсон етиб борайлик-чи аввал, бир гап бўлар,— деди унга тасалли бергандек меҳрибон оҳангда. Унинг аввойига қараб ўз қилмиш-ўтмишларига пушаймон бўлаётганини кўрарди.

Чиндан ҳам ўз қилмишларини инсоф тарозусига солмоқда эди!

II

Элмурод Бондарга «Майли, бор, кўриб кел!» деганда онаси гўё «Кел, болам, мунча ҳаяллаб қолдинг?» деб эшик бўсағасида зору интизор қучоқ очиб, кутиб тургандек туюлди. Гўё у ҳозир мотоциклга минади-ю, кўзини очиб-юмгунча онаси қучоғида бўлади. Онаси уни йиғлаб-сиқтаб кутиб олади. Унинг кўзларида ўғлининг бир вақтлар қилмишидан на ўкиниш бор, на таъна. У ҳаммасини унутган, ўғлининг эшик қоқиб ўзи кириб келиши, айниқса унинг кўкрагидаги орден ва медаллар онанинг кўзларини чарақлатиб юборади. У ўғлидан хурсанд. Ахир, у одам бўлиб, сонга кириб қолгандирки, шунча мукофот — орден, медаллар берибдилар, мотоциклга миндириб, «бор, онангни кўриб кел» деб йўлга солибдилар. У, «ўзи ўз хоҳиши билан мени кўргани келганмикан ёки командирлари юборганмикан?» деб ўйлайди. Йўқ, бундай ўй хаёлига келмас, «ўзи келди, ўзи мени соғиниб келди!» деб ўйлайди. «Шунча хизмат кўрсатиб, мукофот олган йигитнинг наҳот онасини бир кўриб чиқиш хаёлига келмаса!» деб ўйлайди ва яна қувониб кетади. У ўтқазгани жой тополмайди. Севинганидан қилар ишидан адашади. Унинг йигит бўлиб етилган қоматидан кўзини олмайди. «Энди кетмайсанми?» деб сўрайди. Лекин яна кетишини билса ҳам аввалгидек хафа

бўлмайди. «Майли, бор болам, эл билан бўл. Элдан ажралма. Ишқилиб эл қатори омон бўлсанг бас, менинг ниятим шу, болам». Уни қўярда-қўймай: «Нима овқат қилиб берай, айт, болам? Онанг пиширган овқатни соғингандирсан, ҳеч кимники онангникидай ширин, иштаҳали бўлмайди. Айтавер, Гришенька!» дейди. Югуриб-елиб овқатга уриниб кетади. Сузиб келади-ю, «Айт, болам, ҳали ҳам ичасанми ё ташлаб юбордингми? Уялма, айтавер. Меъёрида ичишнинг айби йўқ» дейди она. Ўша Бондарь билган, бир вақт у пул ўғирлаган буфетдан она яримта олиб оз-озлаб қуяди-да: «Бўлди энди, болам. Иштаҳа учун шу етади», деб яна жойига қайтариб қўяди. Ўз овқатидан чиққан гўштларни ҳам ўғлиникига олиб солади. «Ол болам, йўл юриб келгансан, очиққандирсан» дейди, унинг олмаганига қўймайди. У, «Бўлди энди, она, менга рухсат, вақтим битди, кетай!» деб қўзғалади. Она ундан илгарироқ сапчиб туриб: «Вой, дарров кетасанми, болам. Мен уч-тўрт кун турарсан, деб ўйловдим» дейди. «Йўқ, она, кечикиш мумкин эмас. Интизом! Уруш тугагач, тўғри шу ерга қайтиб келаман. Қошингиздан бир лаҳза жилмайман! Озор берган кунларим учун узр сўрайман, онажон, кечиринг!» дейди у. Она йиғлаб: «Вой болам, аллақачонлар кечирганман, кўнглингга олма! Болаликда ким адашмайди, ким хато қилмайди! Худо қароқчини кечирган. Сен нима қилибсан! Буни кўнглингдан чиқар!» деб бағрига босади. Юз-кўзларидан қайта-қайта ўпади, унга оқ йўл тилаб қолади. «Ўзингни эҳтиёт қил, болам!» деб насиҳат қилади. Бир вақтлар кунига ажал чақириб қарғаган саёқ ўғлининг умри энди унга азиз, қимматли, энди унга умр, сиҳатлик тилайди. Бондарь эса дадил мотоциклига минади-ю, «Хайр, она, кўришгунча соғ бўл» деб елдириб кетади, кўча бошига етганда қайрилишдан яна бир қўл силкийди, сўнг кўздан ғойиб бўлади. Она ҳамон эшикда, мотоцикл кўтарган чанг ва бурқсаган тутун ичидан ўғлининг изига қарайди, уни аранг кўради, ўғли кўрмаса ҳам унга қўл силкийди.

Бондарь шу ўйлар билан бўлиб, қандай қилиб мотоциклга минганини, қишлоғи бўсағасига келиб қолганини билмади. Агар ана шу жуфт оқ қайин кўзга ташланиб, хаёлини бўлмаганида, балки эшиги олдига бориб қолганини ҳам билмас эди. Уфқ яланглигида қишлоқ шарпаси кўзга ташланиши билан кўкка бигиз бўлиб қадалиб турган бир жуфт дарахт унинг диққатини тортди. Чунки у, ўз қишлоғида шундай юксак, новча дарахт борлигини билмас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қишлоқ кичкина бўлиб, ҳамма қўра-ю, дарахтлар унга таниш эди. Шунинг учун аввалига «Адашдимми? Наҳот-ки?..» деб ўйлади. Қишлоққа олиб борадиган бу йўлни у бурундан биларди, унинг устига, ҳалигача олиб ташланмаган фашист кўрсаткичлари қишлоқнинг шу томонда эканини, ҳатто неча километр эканини кўрсатиб турар эди. Бу қандай дарахт? Бондарь қишлоққа шу дарахт томонидан кириб бормоқчи бўлди. Яқинлашгач, қай кўз билан кўрсинки, ўзига таниш, қора кунига жонли гувоҳ ўша бир жуфт оқ қайин. «Наҳот, шунча тез ўсиб кетибди?» деди у унга термилиб, ўз кўзларига ишонмас эди. «Мен-чи? Мен ҳам ўша вақтдагидан шунақа танимас бўлиб ўзгариб кетганмиканман?!» Чиндан ҳам оқ қайин ўзини жуда қўйиб юборган, қуёшнинг этагидан тутишга аҳд қилгандек осмонга пиш уриб, тик ўсган, «бу қишлоққа келувчилар менга қараб пишоп олса, ҳатто тунда ҳам, қорбўронда ҳам адашмайди, мен кўп узоқлардан кўринаман» дегандек мағрур кеккаяди.

Григорий Бондарь бола экан, бир баҳор унинг олдидан ўтиб қолди. «Оқ қайин шираси ширин бўлади» деб кимдандир эшитган эди, шу эсига тушди-ю, ёнидан қоламтарошини чиқарди. Юқоридан пастга қараб ариқча ясади, салдан кейин милтиллаб сув пайдо бўлди, ингичка қамишдан най ясаб, уни симирди. Чиндан ҳам ширин, яна алланақандай тотли, ёқимли хушбўй ҳиди бор эди. Унга ёқиб қолди. Қачон истаса келиб шунақа қилаверди. Бир куни келса, у ерда беш-олтита бола ўтирибди. Ҳаммаси шу қишлоқ болалари-ю, биттаси нотаниш. Ўша нотаништинг тиллари бийрон, ботир, бошқаларни баъзан жеркиб-жеркиб гапиради. Қўлида бир даста карта. Навбатма-навбат ҳамма билан ўйнаб чиқмоқда. Ўртага ташланган шапкада қоғоз ва танга пул аралаш ётибди. Улар Бондарга жой кўрсатишди. У ўтирди. Томоша қилди. Бир маҳал ҳалиги нотаниш бола картани чийлаб туриб: «Сенга ҳам сузайми? Билмайсанми? Шуни-я? Ҳеч гапмас, қараб турсанг бирпасда ўрганиб оласан!» деди. Чиндан ҳам уни ўрганиш ҳеч нарса эмас эди. Сал ўтмай карталарни бир-биридан фарқ қила бошлади. Ўйин охирида нотаниш бола пулларни олиб чўнтагига солди-да, Бондарга карта ўргатди. Карта қўлида шундай тез ва силлиқ чийланардики, ҳар нарсага қизиқаверадиган Бондарнинг оғзи очилиб қолди. Унга ҳавас билан тикилгандан қанақа қилиб ўрганиб қолганини ҳам билмади. Нотаниш бола унинг зеҳнини мақтаб, у билан ёлғондакам ўйнади. Нуқул Бондарь ютарди, унга сари яна ҳам қизиқар эди. «Ростакам ўйнаганимда қанча пул ютиб олардим-а!» деган қизиқиш кўнглидан ўтди. Шунда ютқазиб ўтирган ҳамқишлоқларидан ичида кулди. Нотаниш бола, ўзи айтишича, нариги қишлоқдаги қариндошиникига келган. Оти Петя экан. Эртасига Бондарь онаси: «Мактабда буфетдан чой олиб ичарсан» деб берган пулини сарф қилмай, яна келди, ўйинга қўшилди. Олдин ютиб, кейин ютқазди. Петя «омадинг бору, ўйинни сал билмайсан, кейин-кейин ютағон бўлиб кетасан. Мана, мени айтди дерсан, Гриша, бу атрофда сендақа устаси бўлмайди!» деб уни мақтаб қўйди. Бир куни Бондарь пулини ютқазгач, қизиқиб кетиб қарзга ўйнади. Ўйнашга ўйнади-ю, ютқазиб, ўйин тугаб ҳовридан тушгач, қанақа қилиб тўлашини билмай қолди. «Чепуха,— деди Петя унинг қўлтиғига кириб,— шунга ҳам куясанми! Пул топилади, дўстлик топилмайди». Петя Бондардан фақат икки-уч ёш катта бўлса ҳам, катта кишиларга ўхшаб кескин, дадил, ҳамма нарсани биладигандек ғурур билан гапирар эди. Упча-мунча нарсани писанд қилмас эди. Бондарга шуниси ёқдими, иккаласи ўртоқ бўлиб қолди. Петя картадан бошқа яна кўп нарсаларни билар экан. У аввал Бондарга ўз молхонасидан учтўртта тухум олиб чиқишни, кейин яна алланарсалар олиб чиқишни ўргатди. У буларнинг ҳаммасини эпчиллик, довюраклик деб ўтар эди. Петя уни пулга ўргатди, пул эса ўғирликка! Шундай қилиб, Бондарь кўзи тушган нарсага «эпчиллик» қиладиган бўлиб қолди. Мактабдан совиди. Шунинг ҳаммасини онасига билдирмай, усталик билан ўтаб юрганига баъзан керилиб ҳам қўярди. Петя айтган ҳикояларга у маст бўлар эди. У, Бондарь ҳеч қачон кўрмаган, эшитмаган шаҳарлар, портлар ҳақида шундай гапирардики, унинг оғзи очилиб қоларди, туплари билан «ўша ерларни кўрармиканман» деб хаёл суриб чиқарди. Бир куни онаси унинг эгри ишларини пайқаб қолди. Шу маҳалгача ёмон гапирмаган она, бирдан дўппослаб кетди. Қариндошлариникига борганда қилган «иш»ларини эшитиб, эрталабдан-кечгача ҳовлидаги олмага боғлаб қўйди, «номусга ўлдирдинг мени қўни-қўшни олдида» деб йиғлади, савалади. Эртасига Бондарь кўчага чиққанда Петя уни учратиб «Кетмайсанми мен билан?» деб қолмасми! Калтак жонидан ўтиб турган Бондарь «Қаёққа?» деб ҳам сўрамади, онасининг пулини ўғирлаб, унинг кетидан станцияга югурди. У зулмдан қутулгандек юрагидан офтоб чиқиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қувонарди... Бир неча йил саёқ ва дарбадар юрди, бир оз қамалиб чиқди, яна қишлоғига келди, қўним тополмай жўнаб кетди. Мана шу сўнгги келганига ҳам бир неча йил бўлди. Бу орада неча кўлу неча ёмғир ўтди, неча қишу неча ёз!

Мана энди у ўз тавбасига таяниб қайтиб келар экан, ўша бир жуфт оқ қайинни кўриб, ўз ўтмишини эслади. Эслади-ю, ўз қилмишидан ўзи хижолат тортгандек совуқ тер чиқарди, ўзини ҳаяжондан бир оз босиб олиш, юзини муздай сувда ювиш ниятида мотоциклни тўхтатди. Мириқиб бўйинларигача қўшиб ювинди. Лекин барибир мотоциклига ўтириши билан ҳаяжондан бўғриқиб кетди. Ҳатто ўз юрак уришини эшитар эди. Қишлоқ ўша қишлоқ — ўзи кўрган, ўзи ўсган, ўзи ўзига ташвиш орттириб чиқиб кетган қишлоги. Ана у қармоққа чувалчанг қазиган ариқ бўйи! Унинг қиргоғидаги лина ҳам барҳаёт. Ҳар баҳор унинг гулларида боларилар шира эмиб ғувиллашарди. Бир ёз унинг шохидан болариларнинг подшосини тутиб, севинчисини олгач, эгасига қайтариб берган...

Бондарь мотоциклини ортиқча елдирмай, қишлоққа кириб борарди. Бирор танишини қидиргандек кўзи олмакесак терарди. Одам кам учрару, Бондарь уларни танимаганга ўхшар, улар ҳам бу мотоциклли йигитга ортиқча парво қилишмас эди. Бондарь ҳамон ҳаяжонланар, минг турли ўй бошига келиб кетар, онасини учратишдан тортиб, у билан хайрлашувгача бўлган вақтда ўзини қандай тутиш, нималар дейиш, қандай қилиб онанинг кўнглини олиш, эски кудуратларни дилидан чиқариб ташлаш — ҳамма-ҳаммасини ўйлар эди, шу фикрлар бир-бирига қоришиб кетарди, учини тополмай шошиб қоларди, яна фикран аниқлаб олишга тиришарди. Шу пайт муюлишда биров уни чақириб қолди, тўғриси, уни чақиргандек бўлди, Бондарь тормоз берди.

— Салом, салом, ҳамқишлоқ, салом! Кел, биродар, бормисан оламда. Эй яша, қойил қилибсан-ку,—деди унинг кўкрагига кўзи тушиб, четан девор ёқалаб келиб, ариқдан ҳатлаб ўтган пучуқ бурун бир киши украинча талаффузда.

— Салом, Митрий Степанович,— деди Бондарь мотоцикл учун атай кийган қўпол қўлқопини чиқариб, қўлини унга узатар экан.

— Мана бу ишинг жойида, бизнинг қишлоқ йигитига муносиб,—деди пучуқ киши ҳамон унинг кўкрагидан,

қадди-қоматидан кўз олмай, шу билан бир вақтда, унинг гапида Бондарнинг ўтмишини маъқулламаганлиги билиниб турарди, у атайин «Мана бу ишинг...» деб чертиб гапирди.

Бондарь унинг гапини бўлиб, онасини сўради. Ана шунда Митрий Степановичнинг юзини булут қоплади. У бирдан сўлиб тушди, руҳи сўнди. Кўзини Бондардан олиб, ўз оёғи учига тикди. Йўғон, узун бармоқлари билан жингалак бўлиб кетган бўйин сочини қашиди. Ҳадеганда жавоб бермади. Бир нарса сезгандек, Бондарнинг юраги орқасига тортиб, гуп-гуп уриб кетди. Мудҳиш нидо қулоғида жаранглагандек бўлди.

— Ахир гапиринг, нима гап? Мендан қўрқманг, мен энди уни хафа қилгани келганим йўқ,—деди хунук ҳодисани сезгандек Бондарь ва қўшнисини учратганига ҳам хафа бўлиб кетди. Митрий Степанович нималардир ўйлар, ич-ичидан ташвишланиб Бондарни учратганидан шу лаҳзада хурсанд эмасди, у мудҳиш хабарни қай тил билан унга етказишга ҳайрон эди, шунинг ташвишини тортарди. Бондарь буни пайқагандек, чор-ночор очиқ айтишга мажбур бўлди.

— Энди ука, хафа бўлмайсан... Урушчилик...

— Онам ўлдими?—нафаси бўғилди Бондарнинг.

— Йўқ, ўлдирдилар!

— Ўлдирдилар?!

— Ҳа. Асирдан қочган икки аскаримиз уникида яшириниб яшарди, буни ҳаммамиз билардигу, билиб билмасликка солардик, уни кимдир сотиб қўйди. Онангни осдилар, уйингни ёндириб юбордилар, онангнинг олдига партизанлар ҳам келиб кетиб тураркан...

Бондарь унинг гапларини ортиқ эшитмас, қўлидан мотоцикли чиқиб кетиб ёнида агнаб ётарди. У ўз қулоқларига ишонмас, шу мудҳиш сўзларни эшитаётган қулоқ ўзиникими, шу гаплар унга гапирилаётибдими, фарқ қилолмас эди. Унинг ақли қотиб, қулоғи том битиб қолган эди.

Ўликникидек бир нуқтага қадалиб қолган кўзлари ортиқ ҳеч нарсани кўрмас, кўрганни фарқ қилолмас эди. Ўзи хўрлаб ташлаб кетган бу шалоқ йигитга онасининг ўлими бунчалик таъсир қилишини кутмаган Митрий Степанович жуда шошиб қолди. Уни қандай қилиб овутишни билмас, ўзича дудуқланар эди. Мотоциклни ердан турғизганича икки кўзи Бондарда эди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

...Бондарь вайрона кулбасини айланиб, онасининг қабрини зиёрат қилиб қайтаркан, бир ўй бошига келди: онангни шунчалик севар экансан, у тириклигида нима меҳрибонлик қилдинг! Бунчалик ачиниб, куйиниб йиғлашингни боиси нима?

У ўйлаб-ўйлаб чиндан ҳам онасига ҳеч нарса қилмаганини, бир марта эмизган оқ сутига арзирли меҳрибонлик кўрсатмаганини англади. Ана шунда унинг алами ўн баравар ошиб кетди, аламига алам қўшилди. Эсини таниш билан бир бадбахт болага қўшилибди-ю, дуч келган поездга ўтириб, кўзи тушган, боши оққан томонга кетаверибди. Ана шу поезд, ана шу из яна қайтиб онаси ҳузурига, туғилиб ўсган қишлоғига олиб келишини ўйламабди. Ичган ароғи-ю, ўғирлаган пулига маст бўлиб юраверибди. Бирон марта уни эслаб, «Онам бор эди-ку, ёши ўтиб қолган эди-ку!» деб ўйламабди. Мана энди тавбасига таяниб, уни соғиниб, «Онам!» деб эшик қоқиб келганда—у йўқ. У йўқлик дунёсига қайтмас бўлиб сафар этган. Она уни эшитмайди, энди унга ҳеч нарса керак эмас: на меҳрибонлик, на кўз ёши, на фарзанд садоқати!

«Бадбахтсан, бадбахт Бондарь! Бошингни тошларга ур, ёр—бефойда, онанг сендан норизо бўлиб кетган. Энди унга олтиндан сағана яса, барибир бир пул, тириклигида бир оғиз ширин сўз билан битта игна совға қилганингга арзимайди!» деган ўйлар унинг кўнглидан ўтар, унга сари юрак-бағри эзилиб ўртанар, қаерга бош уришини билмас эди.

— Дунёда шахсий бахт деган нарса баъзан жуда адолатсизлик билан тақсимланади,—деди Анна Ивановна боядан бери ҳукм сурган тинчликни бузиб хомуш.

«Сабаб? Тушунмадим» дегандек Элмурод унга қараб сўзнинг давомини кутди. Лекин Анна Ивановна айтар гапини гапириб бўлган, «Сен менинг бахтли бўлишимни истамаётирсан» дегандек ўз тақдиридан ўзи ўксиб ўтирар эди. Элмурод эса ҳар қачонгидан кўра хорғин, хомуш, суҳбатга тоби йўқдек кўринарди. Анна Ивановна унинг кўнглини кўтариш учун Муҳаррамдан, Тошкентдан хат олганини айтди, Элмуроднинг уй-ичларининг тинч ва соғ-саломат эканини хатдан ўқиб берди. Элмурод анча ёришди. «Муҳаррам билан хат олишасизларми?» деб сўради. Ҳаммадан уни Муҳаррамни синглиси Латофат билан она-сингил тутингани қизиқтирди. Қизиқтирди-ю, «Муҳаррамни бир маҳаллар севганимни, у рад этгандек эр қилиб кетганини синглимга айтиб берган бўлса-я!» деб ўйлаб хижолат тортгандек бўлди. Кейин гап Муҳаррам хатидаги Тошкент янгиликлари ҳақида борганда анча жонланди. Бирдан Муҳаррамнинг фронтга келиб кетгандан кейинги бир хатида: «Омон-эсон боринг, ўзим сизга дўндиққина қиз топиб бераман» деган сўзимдан қайтдим. Сиз ёлғончи, мени алдаган экансиз: Бокуда ўзингиз дўндиққинасини топиб қўйган экансиз-ку» деганини эслади, мийигида кулиб қўйди, лабидан «Тасодифни қаранг-а!» сўзи учди.

— Қанақа тасодиф?—деди Анна Ивановна қизиқиб.

— Йўқ, шундай...— жавоб қайтарди Элмурод, Анна Ивановнани энди кўраётгандек дарров фикрини йиғиб, беихтиёр гапириб юборганидан хижолатдек.

Шу вақт бирдан эшикда Бондарь кўринди. У шу бир кунда ўзини олдириб, уппиқиб, кўзлари ич-ичига тушиб кетган, аввалгидек доим қалқиб, ўйнаб турадиган бесаранжом қувноқлик юзида йўқ. Бўйи ҳам чўкиб кетгандек. У сўрамасдан кирганига ҳам, уларнинг суҳбатига халақит берганига ҳам парво қилмай, гавдасига нисбатан бесўнақай катта оёқларини тап-тап босиб, хонанинг ўртасигача келди. Қўлини одатдагидек чаккасига олмай рапорт берди:

— Келдим, ўртоқ комбат,—у ҳеч кимнинг юзига қарамасдан, йигидан қизариб кетган кўзларини яширарди. Қўлтиғидаги қоғозга ўроғлиқ парсани қўлига олиб, Анна Ивановна томонга икки қадам қўйди. Ўроғлиқ парсани унга узатиб,—манг, энди буни киювчи одам дунёда оргиқ йўқ!—деди ва кўчада калтак еб онасини кўрганда хўрлиги келиб йиғлаган боладек кўзидан дув ёш тўкилди, ҳўнграб юборди.

Унинг бунчалик ҳўнграб йиғлашидан бутун аламини йўл бўйи ичига ютиб келгани, бир меҳрибон кишига муштоқ бўлиб турганг, уни кўриши билан ўзини тутиб ололмагани яққол кўринарди. Бондарнинг ҳеч қачон йиғлаганини, йиғлаш у ёқда турсин, хафа юрганини кўрмаган икки суҳбатдош шошиб қолди. Улар назарида чарақлаб турган юлдузли осмондан ёз куни дўл ёққандек бўлди. Лекин Бондарь кўп турмади, ўзини тутолмаганидан уялгандек кўзини қўли билан беркитди-ю, орқасига шарт бурилиб чиқиб кетди. Анна Ивановна Бондарнинг онасига берган ўз совғасини қўлида ушлаганича, Элмурод тур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқчи кишидек Бондарга қандай энгашиб, ҳайратланган бўлса, шундай қолди.

Дарёни кечиш тун ярмидан оққанда бошланди. Бир неча километр масофада ҳар ер-ҳар ерда қайиқлар устига паром қурилган, баъзи қисмлар яқинда аллақаёқлардан келтирилган катта-кичик ёғоч ва резинка қайиқларда кечарди. Элмурод батальоннинг биринчи ярмини Йўлдош билан дарёга туширганда ҳали ҳамма ёқ тинч, сокин, қайиқ ҳайдаган эшкакчиларнинг куракларидан чиққан «шалп-шулп» садоларгина тун тинчлигини бузарди. Лекин оқимнинг қуйи томонида роса отишма борарди. Аввалига ялт-юлт этиб, кетидан гумбурлашлар эшитиларди, кўкка отилган мушаклар кўкда бир неча лаҳза муаллақ туриб қолар, кишининг ғашини келтириб тунни ёритиб юборарди. Бу кечув участкасини душман ҳали пайқамаган, ҳар минут ғанимат эди. Элмурод қисталангга олди, қайиқларни тезда сувга туширишга буйруқ берди, ўзи Бондарь ушлаб турган қайиққа тушмоқчи бўлган эди, «икки офицернинг бир қайиққа тушиши яхши эмас, мабодо бирор ҳодиса...» деди-ю, бу ёғини айтмади, юраги орқасига тортиб кетди. «Йўқ, бўлиши мумкин эмас, наҳотки!..» деб ўзини босиб олди.

— Қани, кетдик, марш!—команда берди қуруқликдаги каби янгратиб, ишонч билан.

Бондарь шуни кутиб тургандек эшкакни зарб билан сувга ботирди, ундан сачраган сув зарралари хира ой нурида олов учқунларидек йилтиллаб кетди. Қайиқда улардан бошқа батальон штаби писари ва телефонисти бор эди.

Тун сокин. Кўр ойдин. Эрта кузнинг салқин туни тонгга оққан. Қирғоқда тунаган қатиқдек қуюқ туман уйқуси пишиб уйғонгандек, оғир-оғир чайқалади. Дарё «менинг бутун қудратим шу тинч, беозор оқишимда» дегандек милт-милт йилтиллаб, эритилган лаққа қўрғошин каби вазмин қалқиб оқади. Унинг ойна бетида тўп-тўп қора шарпалар ўзидан кейин сал вақтгагина жонсиз из қолдириб, шахдам, жадал билан қарши қирғоққа елади. Ундаги кишилар гарчанд бир-бири қаршисида ўтирсалар ҳам беихтиёр қайиқ йўналишига қараб, сал энгашғанлар, кўзлари ўша томонга тикилган, тун қўйнини титкилайди, қўлларидаги автомат ҳаяжондан шундай қисиб ушланганки, қўндоқларини эзиб, синдириб юборай дейишади. Автоматларининг оғзи ҳам кўзлар каби қарши қирғоққа қадалган. Ҳамманинг умиди қарши қирғоқда: гўё фақат шу дарёдан кечишгина мушкулу, ундан ўтиб олинса, у ёғи ўз-ўзидан беозор, бехавфу хатар жўнашиб кетадигандек. Нариги қирғоқда ур-қирғин бўлиши, ҳатто душман катта куч билан қайта дарёга улоқтириб ташлаши мумкинлиги шу дақиқаларда уларнинг хаёлидан йироқ—дарёдан ўтилса бас!

Элмурод омонат қадамлар билан қайиқ бурнига ўтиб кетди. У ҳам бошқалар каби «ҳали ҳам кўринмайдими» деб қарши қирғоқни қидирарди. Бундай вақтларда минутлар соату, соатлар ой бўлиб кетади. Юриб турган соатингга қараб ҳам ишонгинг келмайди, унинг милини алланима ушлаб-ушлаб қолаётганга ўхшайди. Худди шундай, Элмурод ҳам шу вақтгача уни ҳеч алдамаган, генерал тақдим этган соатини «тўхтаб қолмадимикин» дегандек қулоғига тутиб кўрди. У ҳеч қачон душман пинжига бундай тинч, яшириқча кириб бормаганиданми, ҳар нечук, одатдагидан кўра кўпроқ безовталанарди, тезроқ қирғоққа чиқиб олса-ю, қирғоқда ўзи ўрганиб қолган жангини қилса! Дарё оқимидаги отишма, снаряд портлашларига кўзи тушгач, «улар қанақа қилиб кечаётган экан?» деган ўй кўнглидан ўтди. Унинг назарида, кечув жанги ҳамма жанглардан даҳшатлироқ, мудҳишроқ. «Жангда ҳеч мунақа бўлмасдим-ку, нега бугун ғалати ўйларга боряпман? Ёки юрагим бирор нарсани сезяптими?» деб ўйлади у ва ҳали замон дарёга шўнғиб сузадигандек масофани мўлжаллаб қўйди.

— Бондарь, шунақа тинч оққан дарёда сузиш енгил бўладими?—деди Элмурод нима учундир саволини ўзи муҳокама қилмай.

— Эпчил одамга барибир,—деди Бондарь унга қараб,—масалан, мен нариги қирғоққа орқам билан сузиб ўта олардим.

— Сен кечаги асирни қаёқдан олувдинг? Сузиб ўтганмидинг?

— Йўқ, разведкачилар билан қайиқда ўтдик. Ажойиб йигитлар-да, «Мен ҳам бораман!» десам, «Нима учун?» ҳам дейишмади.

Бондарь «Капитан атайин узоқдан гап очди. Ҳозир онамнинг аламини бир асир гитлерчидан олганимга танбеҳ бериб қолади, унинг шу терговини ёмон кўраман-да» деб табиати хира бўлиб турган эди, бирдан пулемёт та-та-

www.ziyouz.com kutubxonasi

талаб қолди. Телефонист қирғоқдагидек одат билан, беихтиёр «Ёт!» деб юборди, ўзи бошини қуйи эгди.

«Ҳа-ҳа, пайқадингми, шу ергача безовта қилмаганинг учун ҳам раҳмат!» деб нечундир ёришди Элмурод, гўёки, у анчадан бери қидираётган чиғалнинг учини топган эди.

— Тезлатинг!—деб команда берди у ҳаяжонда ва Бондарга сал бошини бурди-да, «Қани, бос эшкакни!» деди.

Боядан бери давом этаётган эшкакнинг «шалп-шулп»ига ўқларнинг «шилп-шилп» этиб сувга қадалиши қўшилди. Кейин снарядлар «шу ҳам иш бўлибдими, сув билан ўйнашмоқ мундоқ бўлибди» дегандек дарё бетида кўпикли вулқонлар ясай бошлади, ясама тўлқинлар қайиқларни ичига сув тушгудек қилиб чайқар, ағдариб ташлар, кимдир нималар деб бақирар, ўзига ёрдам сўрар эди. Элмурод бўлса зўр бериб: «Тезлатинг! Олға! Қирғоққа!» деб дам-бадам буйруқ берар, ўзи Бондарни жадаллар эди. Қирғоқнинг бунчалик узоқлашиб кетганига ажабланарди:

— Нима бало, Бондарь, оқимга қараб ҳайдаяпсанми?— деди у охир бардоши тугаб.

Йўлдош ўз кишилари билан қирғоққа чиқиб улгурган бўлса керак, у томонда шиддатли автомат ва пулемёт отишмалари борарди. Элмурод унга қулоқ солди-да, «Қирғоққа лангар ташланибди. Яхши!» деб қувониб кетди. У томонга қалби билан эмас, ҳатто энгашиб, бутун вужуди билан интиларкан, ундан сал нарига снаряд тушиб, сувни хирмондек шопирди-да, ҳамма ёғини шалаббо қилди. Бондарь бошини от пишқиргандек силкиди, юз-кўзидан сувни енги билан сидириб олди. Тўнтарилиб кетай деган қайиғининг четига ёпишди, бўралиб фрицни сўкди. Эшкакка қўлини олиб боргунча бўлмай, яна бири портлади. Лекин бу снаряд қачон ва қандай учиб келганини билмади. Фақат «А!..» деган товушни эшитгани қулоғида. Шу қайиқдагилардан кимдир қичқиргани аниқ эди, аммо ким? У ажратолмай қолди. Ўзини тутиб, кўзини очганда, сувда эди. Яраланмаганини тасаввур этди-ю, қайиқни кўзи билан қидирди, у йўқ эди. У аввалига «ёлғиз мен қайиқдан учиб кетдим» деб ўйлаган экан. Қайиқнинг бу атрофда йўқлигидан воқеанинг у ўйлаганидан кўра жиддий ва даҳшатлироқ эканини фаҳмлади. Ана шу даҳшат ичида хаёлига келган биринчи нарса Элмурод бўлди. У қани? Наҳот қичқирган у бўлса! Шошиб қолди. Унинг кўзига энди на чақнаётган ўқлар, на портлаётган снарядлар кўринарди. Беихтиёр бир-икки капитанлаб чақирди. Кимдир унга нидо

бергандек бўлди. Бу товуш ўзидан анча наридан, ҳув анови шарпадан чиққандек туюлди. «Худди ўша!» деди-ю, денгизчиларга хос маҳорат ва эпчиллик билан нидо чиққан томонга сузиб кетди. Олдига бир снаряд тушиб, уни бир шўнғиб олишга мажбур этди. У чиққанда ҳалиги шарпа йўқ бўлиб қолган эди. Оёқларини ликиллатиб сувда адл турди. Атрофдан уни қидирди. Бу маҳал сув бетида шопиллаб сузиб юрганлар кўпайишиб қолган эди. Бондарнинг юраги нуқул «пастга суз, у ўша томонда» дерди. У юрагига қулоқ солди-ю, узоқдан бир шарпани мўлжалга олиб, сузишини жадаллатди. У энди етиб борган эди, шарпа яна шўнғиб кетди, анча наридан бориб чиқди. Бондарь икки қулоч отиб, «Комбат!» деди-ю, уни яна шўнғиб кетишига қўймай, дуч келган жойидан ушлаб қолди. Башарасига қаради: изланган кишиси! Ҳолдан тойган Элмурод, «яраландим» деди аранг ва ўзини энди муродига етган кишидек Бондарнинг ихтиёрига ташлади.

...Элмурод икки-уч жойидан оғир яраланган эди. Анна Ивановна ўз қўли билан унинг яраларини авайлаб боғлади, ўз ҳузурига ётқизиб қўйди. Кечув муваффақиятли ўтиб, қирғоққа ўрнашиб олганларича уни эвакуация қилолмади. Жанг шиддатли эди. Дам ўтмай уни кузатиб турди. Тушдан кейин уни мамлакат ичкарисига эвакуация қилар эканлар, Анна Ивановна йиғидан қизарган хаёлчан, хомуш кўзлари билан анча ерга уни кузатди, сўнг иликларида дармони қуригандек турган ерига ўтира қолди. Унинг юрагидан ҳаёт гавҳарини кимдир ўғирлагандек бўм-бўш бўлиб қолган, хаёли паришон эди. Элмуродни астойдил севишини ана шу дақиқадагина бутун вужуди билан ҳис этди. Унинг ортидан узоқ тикилиб қолди, гўёки, чувалаётган ғалтак унинг қўлида-ю, ипнинг учини Элмурод олиб кетмоқда эди.

III

Зебонинг бу госпиталда, вагонга чиққунча иши тамом бўлди. Эвакуация қилинувчи ярадорларнинг умумий характери билан танишиб чиқди. Бу ҳақда контузиядан лаби учадиган бўлиб қолган «Қуён лаб» лақабли бош врач тўла маълумот берди ва қўшди:

— Сўнгги кунларда ярадорларнинг оқими кўпаймаганда, эвакуацияга муҳтож ҳам эмас эдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу қўшинларимизнинг ҳужумидан далолат, доктор,—деди Зебо билимдонлик билан.—Бу яхши! Ўксманг!

— О, доктор,—деди бош врач лабини пирпиратиб,— сиз жуда худбинсиз. Мен бунча кишининг сафдан чиқишини истамас эдим. Гарчанд хирургман, тажрибам ошади, лекин барибир истамайман. Қурбон эвазига, хусусан, шунча қурбон эвазига тажрибали бўлишни истамайман.

— Филнинг яраси филча бўлади, доктор.

Зебо ярадорларни вагонга олиб чиқувчи санитарларни кутиб, бош врач кабинетидан чиқди. Кенг, росмана коридор, узунасига ётқизилган пол тахталарининг зиҳлари аниқ билиниб турарди, кейинги йилларда мойланмаган, аммо кўчиб битмаган бўёқлари эрталаб ҳафсала билан ювилганидан яраклайди, деворлари оппоқ «Г» шаклидаги кунгай бу бинонинг бир қаноти бомбадан учиб тушган. Ўзи икки қаватли бўлса ҳам баландликка қурилган ва атрофдаги бинолар якка қаватли бўлгани учун кўп қаватликка ўхшаб кўринади. Дераза кўзларига очиқ қайчи шаклида қийқим қоғоз ёпиштирилган. Ана, ойнаси йўқ кўзидан қалдирғоч эпчиллик билан кириб, сайраганича коридорни узунасига бўйлаб кетди. Бурчакдаги инига бориб қўнди. Болалари уясидан қилтириқ бўйинларига туташган патсиз, хунук бошларини чиқариб чийиллашди, оғизлари бошларидан ҳам катта очиларди. Она қалдирғоч уя четида омонатгина туриб, уларга тумшуғидан нимадир едирди-да, чаққонлик билан орқасига бурилиб учди, учар экан, болаларига ўз тилида «чирқилламанг, сабр қилиб, жим ўтиринглар» дегандек сайраб қўйди. Болалари уни тушунишди шекилли, она қалдирғоч кетиши билан жиндаккина чийиллашиб тинишди, бошларини уя ичига яширишди. Зебо шундай чиройли қушнинг болаларини бунчалик хунук бўлишига ҳайрон бўлиб турарди, она қалдирғочнинг эпчиллигини суқланиб ўйларди. Таниш ҳамшира келиб у билан қуюқ сўрашди. Булар кўп марта учрашган, Зебо фронтга яқин шу госпиталдан ярадор олгани келишганида уни албатта кўрарди, ўз-ўзидан таниш бўлиб қолган эди, лекин бир бомбардимон уларни қалин, ҳазилкаш ўртоқ қилиб қўйди. Зебо, бир куни, энди ярадорларни олиб бўлган ҳам эди, душман самолёти пайдо бўлди. Бомба ташлади. Зебо дуч келган ертўлага ўзини отди. Кимнингдир устига тушди. Бундоқ қараса шу ҳамшира. Гарчанд ҳамшира аввалига қоронғида танимай, ўз табиатига хос жиззакилик ва енгиллик билан Зебони

ачитиб слган бўлса ҳам, кейин очиқ кўнгиллик билан узр сўради, ундан кейинги кўришишда ораларида ҳеч нима бўлмагандек қучоқ очиб қаршисига чиқди. У маҳал госпиталь фронтга яқин, замбарақларнинг наъраси тун тинчлигида эшитилиб қолар, қўшни қишлоққа тушган каттароқ бомба деразаларни зириллатар, ларзага солар эди.

Зебо унга нозик ва нафис қўлларини узатди, тегишди:

— Наркироқ умр саргузаштлари қандай, ҳамшира? Бирортасининг кўнглига лангар ташладингизми?

Зебо унинг табиатини яхши биларди. У чиройли йигитни кўрдими, вассалом, дарров «ошиқ» бўлиб қоларди. Суҳбатлашиш ташаббусини ҳам ўзи қўлига оларди, кейин завқ билан қўшиб-чатиб кўнгли тортган танишига мақтаниб юрарди. Йигит ҳақида суҳбатлашиш жону дили. Унинг бунчалик «йигитшунос»лигини кўрган Зебо, бир маҳал бирортасидан дили заҳа бўлган бўлса керак, деб ўйлаб «бечора қиз» ҳам деган эди. Кейин билса, у шу вақтгача бировни астойдил севмаган, муҳаббат унинг юрагида баҳор қоридек бир томондан ёғса, бир томондан эриб кетаверар, ҳеч қандай из қолдирмас экан. Баъзан унинг севинчини ўзидан бошқа биров билмай қоларкан. Унинг учун барибир: у ошиқ бўлган йигит уни севадими-йўқми, ишқилиб, суҳбатини тарк этмаса бас! Лекин ўзини қаттиқ тутар, шилқимлар суюқлигидан қочарди. Ғирром боқадиганларнинг «муҳаббати»дан ҳам воз кечиб юборарди. У серзавқ қиз эди, суҳбатни, кулгини, кўнгилхушликни яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам Зебо уни кўриши билан унинг кўнглига ёқадиган нарсадан гап бошлади. Шундай ҳам хурсанд ҳамшира гул-гул очилиб кетди, чўтирнамо юзи нурга тўлди. «Кўнглимдаги гапни топасиз-а, ўзим ҳам юрагимни кимга ёришни билмай турган эдим», дер эди унинг чиройли фируза кўзлари (унинг юзини кўркам қиладиган шу кўзлари эди).

— Яхши, доктор,— ҳамшира «бундай саволларга жону дилим билан жавоб бераман» дегандек жилпанглаб, кейин одатий тез гапириши билан бодроқдек патиллаб кетди:— еттинчига бир неча кун бўлди биттасини олиб келишди, йигитмисан йигит. Ана қадди-қомату, мана қадди-қомат, бунақа чиройли йигитни энди кўришим, кўзлари чўғдек ёнади. Қон кўп кетганидан ранги бир оз синиққан, оқарган, бўлмаса ўзи қорамағиз. Яраси оғир. Шунда ҳам лабидан табассум аримайди. Бирам ёқимли сўзлайди, асти қўяверинг. «Сестричка!» деб чақирганида юракларинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

жизиллаб кетади. Юраң тилинг билан: «Лаббай, хизмат?» дегинг келади. Унга азоб берган яраларига малҳам бўлиб ёпишгинг келади. Туни билан ёнида ўтириб чиқдим. Туни билан ўт бўлиб ёнди.

— Қаеридан яраланган?— унинг сўзини бўлди Зебо.

Ҳамширанинг енгил табиати, бидирлаши гарчанд Зебога ёқинқирамаса ҳам, унинг нимасидир (буни Зебо аниқ билмасди) ўзига тортарди, гапларига қулоқ солишга мажбур этарди. Бу унинг беозор, сершавқ суҳбати бўлса керак. Шунинг учун яна тегажаклик қилди:— Бўйдоқ эканми?

Бу тегажаклик қиттак бўлсин ҳамширанинг нафсониятига тегмади, балки уни руҳлантириб юборди.

— Ҳали ёш, бўйдоқ бўлса керак. Бундай йигитларнинг соғлигида кўзларидан муҳаббат тошади. Қаеридан яраланган дейсизми? Қорнидан, оёғидан, яна аллақаеридан. Оёғидаги осколкани кечаси олиб ташладилар, «Қуён лаб» ўзи операция қилди. «Зайфлашиб қолган экан, ўзим қилақолай» деди. Жуда эпчил-да. Бошқаларнинг бир соатлигини қирқ минутда тугатади. Операция вақтида — хоҳ инонинг, хоҳ инонманг, лаби ҳам учишдан тўхтайди, липлип этмайди. Нега бунақа бўларкин — киши ҳайрон қолади. Бошқа вақтда орзу қилса ҳам тўхтатолмайди. Унинг операциясида ярадор чурқ этмади. Ўша ярадорнинг хушмуомалалигини қаранг, олиб чиқиб кетаётсак «Раҳмат, доктор!» дейди. Бунақасини биринчи кўришим. Раҳмат айтишади-ю, лекин операциядан кейин эмас, тузалиб кетганларида айтишади. Бу бўлса операция тугаши билан айтди. Унинг ёнида яраси енгил биттаси чирқиллаб ётибди, у «оҳ» деб оғиз очса-чи! Қанақалиги шундан ҳам билиниб турибди.

— Айни муддао, кўзлаганингиз экан-да,— кулди Зебо.

Зебо муваффақият билан табриклагандек ҳамшира суйилиб кетди, қизчалардек ноз карашма билан деди:

— Минг афсуски, бизга ўхшаган кўк кўз, сариғларни ёқтирармиди!

— Нима учун? Аксар қорамағизлар оқ-сариқни яхши кўради. Мовий кўзларингизни кўрганда гўзал денгизлар ёдига тушади-ю, маҳлиё бўлади-қўяди, булар кўз эмас, қўш денгиз, муҳаббат елканлари кезадиган қўш денгиз. Бўш келманг, кўнглини олинг, мана шундай оғир кунларида қаноти бўлсангиз мафтунингиз бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Муҳаббат — мушук, қошингизга келганда силаб-

сийпасангиз, тиззангизга бошини қўйиб, мурраак отаверади.

— Бизга йўл бўлсин!

— Эй, азизим, азизим! Муҳаббатнинг кўзи кўр, қулоғи кар бўлади. Уйқу ўрин, муҳаббат ҳусн танламайди, касбкор билан ҳам иши йўқ. У гал бир шундай бўлди-да.

— Бу гал ҳам ўшандай бўлиши ҳеч гапмас. Яхши молнинг харидори кўп бўлади.

Ҳамшира эрта баҳорда бир фельдшерни яхши кўриб қолган эди. Фельдшер шу госпиталда ишларди. Ҳамшира беҳад нозик, ўз тақдиридан миннатдор, лаблари кулгидан йиғиштирилмасди. Шу орада бир бева врач келиб қолди. Ҳадемай, фельдшернинг бошини айлантириди-ю, илди-кетди, ҳамшира чирқиллаганича қолаверди. Ҳамширанинг ҳозирги умидсизлик оташида ёниши ана шундан эди.

— Энди сизнинг ҳам ачиқ тажрибангиз бор. Кўр ҳассосини бир марта йўқотай,— унга далда берди Зебо.

— Шундай-ку, лекин, барибир кўнглим чопмаяпти. Нимадандир ҳадигим бор. Ким билади, уни бугун эвакуация қилиб қолишармикан...

— Ётгинчи палатада, менимча, ҳеч ким йўқ.

— Ҳа, ростдан ҳам уни бугун юбормасалар керак. Нимжон, қон қуймоқчи эдилар. Кечадан бери қон кутамиз.

— Ўзингиз бера қолмайсизми? Севган кишингиздан икки юз грамм қонингизни аядингизми? Тағин севаманмиш!

— Қоним тўғри келмади, бўлмаса шундай йигитдан аярмидим. Севмасам ҳам берардим. Ўтган ой биттаси билан уришган бўлсам ҳам, унга қон керак бўлиб қолганда берганман. Кейин шундай миннатдор бўлдики, асти қўйинг, ҳали-ҳали хат ёзади. «Танимда сизнинг қонингиз бор, асти унутмайман», дейди фахрланиб. У-ку ўрта яшар эди, бу суқсурдек йигит. Кўра-била туриб, қон бермасам, қалбим уришдан тўхтар.

— Шунақа чиройлими?— энди қизиқиб қолди Зебо.— Мақтовини тоза келтирасиз-да.

— Йўқ, йўқ, бешак. Қани юринг, кўрсатай. Мен бекорга мақтамайман. «Мана мен!» дейдиган орденлари бор. Офицер.

— Ундай бўлса, жойида экан, буюрсин!— деди Зебо, лекин у қизиқиб қолганди. «Мендан нима кетди, кўрсам кўриб чиқай» деди-ю, ҳамширадан уялди. «Ўзи шундоқ ҳам қизғаниб ўляпти, яна кўнглига бирор ўй келмасин».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин хаёлидан бир ўй чарх уриб ўтди, баҳри «шув» этди, ҳатто ранги ўзгаргандек бўлди: «Элмурод бўлса-я! Йўғ-э. У кечагина фронтдан ёзди-ку».

— Оти нима экан?— ҳаяжонда сўради Зебо.

Ҳамшира бир нарсани сезгандек, Зебонинг башарасига узоқ қараб қолди. Кўнглидан «Бунга нима қилди. Ўзи тинчликми?» деган фикр ўтди.

— Ҳамётоқлари нуқул унвони билан чақиришади. Фамилияси бир нарса эди. Эрталаб иссиғини ўлчаб, карточкасига ёза ётиб ўқиб эдим. Ҳаҳ, нимаям эди-я... Шу фронтда бирорта танишингиз бормиди? Юринг, кириб кўра қолинг.

— Йўғ-э, яхшимас. Заиф экан, безовталанади.

Зебо йўқ дейишга йўқ деди-ю, лекин кўнглидагини айтмади. Кўнгли уни ўша томонга ундарди. «Кир, кир!» дерди. Лекин кўнглининг аллақайси бир бурчаги «Уят! Уят! Енгилтаклик қилма!» деб уни ҳамон қайтарарди. Шу пайт бир санитар келиб, қаршисида этиклари гулчинини «қарс» этиб уриб, бир-бирига жуфтлади-да, уни Иван Иванович чақираётганини айтди. Айни шу пайтда еттинчи палатадан кимдир эшикни қия очиб, бошини чиқарди. Ҳамширани ўзига имо қилди. Иккови икки ёққа кетар экан, ҳамшира гўё ўз уйига таклиф этаётгандек мулойимлик билан деди:

— Кетиб қолмасангиз киринг, мен шу ерда бўламан. «Ўша» чақираётган бўлса керак, қоғоз-қалам ваъда қилган эдим.

— Хати бўлса тайёрлаб қўйинг, парироқдан ташлаб юбораман, бу, албатта сиз учун,— жавоб қайтарди Зебо коридор эшигидан чиқар экан. У юрагидаги икки туйғунинг қарама-қарши курашини ҳал этолмай кетиб борарди...

Зебо қайтиб госпиталга киролмади. Темир йўлдан четдаги бир госпиталдан яродорларни машиналарда ташир эдилар, шу билан банд бўлиб қолди. Сал бўшаб, ўша нотаниш гўзал ва заиф ярадор ёдига тушаркан, тепаликда мағрур турган госпиталга қараб қўярди, юраги бир нарсага ачиётгандек бўларди, у томонга ҳамон талпинарди. Кечга бориб поезд жўнади. Таниш, шўх ҳамшира госпиталь деразасидан қўл силтаб қолди.

... Ҳамширани чақиртирган, ҳақиқатан, Элмурод эди. У кириши билан вужудини чулғаб ётган оғриққа бардош бериб, аранг жилмайди:

— Кечиринг, сестричка, овора қилдим. Ҳали сўрағаним қоғоз-қаламни ёдингизга солмоқчи эдим. Мумкин бўлса шуни...

— Марҳамат, марҳамат! Мумкинмаси борми! Шахсан сиз учун,— ҳазилга олиб кулди ҳамшира. Аслида бу кейинги жумла юрагидан чиққан чин сўз эди, аммо бошқаларнинг атрофида ётишидан ҳадик тортиб, ҳазилга айлантирди:— Айтиб турсангиз ёзиб беришим ҳам мумкин. Чалқанча ётиб қандай ёзасиз ҳам!

— Ташаккур, сестричка, миннатдорман! Кўп нарса ёзмайман, соғлиғимни айтиб, адрес юборсам кифоя. Яна бегона қўл ёзган хатни кўриб, ваҳимага тушишмасин. Ҳали бу ерда анчагина турарман-а?

«Билмадим» дейишга тили бормаган ҳамшира:

— Ҳа, бемалол адрес юбораверинг. Сизни даволашга қурбимиз етади, ташвишланманг. Бошқа ерда ҳамширалар сизга мунчалик меҳрибон бўлолмайди,— деди, кўнглида эса: «Менга қолса, сизни бу ердан ҳеч қаёққа ҳеч қачон юбормасдим. Дардингизни бўлиб тортишардим. Биласизми, буни нима учун қиламан? Сизни севганимдан, мафтунингиз бўлганимдан» деган сўзлар кезиб юрарди.

— Нима учун бошқалар меҳрибон бўлолмайди?— билиб-билмасликка солди ўша супъийроқ табассумда Элмурод.

— Бунинг сабаби ёлғиз менга аён,— деди ҳамшира бу сир ёлғиз ўзига маълум кишидек кибрланиб, кейин атрофга кўз ташлади. Бошқа ярадорларнинг ўз дарди билан овора эканини кўргач, вояга етган қизлардагина бўладиган нозу истиғно билан аста деди:— Ярадорларни тезда оёққа турғазиб юбормоқ учун дори-дармонгина кифоя эмас, меҳр ҳам керак, меҳр, хусусан ёшлик, юрак меҳри, азизим.

Ҳамшира шуни айтди-ю, беташвиш, ҳар ҳаракатидан нозу карашма томган қизлардек майда қадам билан дикиллаб эшикка юрди. Элмурод унинг орқасидан термилиб қолди. Ҳамширанинг бунчалик меҳрибон ва ширин сўзлиги энди унга аён эди. Бечора қиз! Тунлари мижжа қоқмай тепамда ўтириб чиқишингда ёлғиз хизмат бурчинг эмас, юрак ҳиссинг ҳам бор экан-да!

Элмурод Зебога хат ёзди: «Куйма, азизим, куйма, таним жароҳат топган бўлса ҳам сенинг оташ муҳаббатинг бутун! Хотиржам бўл!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зебонинг кўнгли ғаш. Поезд жилгандан бери кўнгли ғаш. Поездга ортилган ярадорлар жой-жойига жойлаштирилиб, юмуш бир оз камайгач, бу ғашлик баттар авж олди. Бора-бора қандайдир ташвишга айланди. Нима учун ўзи билмайди. Фақат кириб, ўша ярадорни кўрмагани учунми? Дунёда ярадорлар озмунчами? Ўшалардан биттасидир-да! Албатта ўша Элмурод бўлиши шартми? Ҳамшира ўзи шунақа! Унинг муҳаббати икки кўзида. Сал ёқиб қолган йигитни кўкларга кўтариб мақтайди. Қанчалик тез севса, шунчалик тез совийди. Унга тараф йўқ. Одобли қиз-ку, нега шунақа экан? Тарбияданмикан? Нега энди кириб чиқа қолмади! Ўшанда хотиржам бўларди. Ўзи ҳам қизиқда. Кўп вақт шунақа аҳволда қолади. Бир ишни қилишда аввалига ийманади-да, кетидан ўкиниб юради. Шартшарт қилиб қўя қолмайди. Шу нимадан экан? Тарбияданмикан?

Ғашлик қўлини силтагандек, ирғиб ўрнидан турди-да, оғир ярадорлар вагонига кетди. Бу вагон эмас, ичидан вагонга ўхшамайди. Купеларга бўлиб турувчи тахта деворлар олиб ташланган. Катта бир хонача келади. Фақат икки ёнига осма койкалар қўйилган. Олдига болаларники сингари тўр тутилган. Ахир, унда оғир ярадорлар ётади. Баъзан ҳушидан кетиб алаҳлайди, бетоқатланади. Шундай пайтда йиқилиб тушмасин! Зебони оғир ярадорлар ҳамшираси Елена қарши олди.

— Тинчликми? Жимлик-ку, жуда оғирлар кўпми?

— Кўп. Тўғри передовойдан олиб келдилар-да. Ана ви икки вагон ҳам шунақа.

— Сўнгги госпиталдан олинганлар қаерда?

— Улар ичида оғирлари йўқ. Бошқа вагонларда.

— Бешта оғири бор эди-ку?— ажабланиб сўради Зебо.

— Уни ўртачаларга қўшишди.

Зебо ўша вагонга ўтди. Ҳақиқатан улар ўша ерда эди. Ҳамшира билан гаплашди. Уларнинг бу вагонда қийналаётганини билди. Оғир ярадор тинчлик истайди. Энг яқин кишисининг сўзи ҳам ёқмайди. Ўртачалар эса бошқа гап. Хушбичим ҳамширага гап отишдан тоймайдилар. Енгиллар-ку, станцияларда тушиб кетавериб зериктирадилар. Баъзан виноми, самогонми топиб чиқадилар. Пинҳона ичадилар. Баъзан тун бўйи картадан тиним йўқ. Зебо ўйлаб турди-да, бештала оғир ярадорни ҳам кўздан кечирди, қисқагина суҳбат ўтказди. Улар ҳеч нарса истамасди: на ароқ, на овқат. Фақат тинчлигу, чекмоққа бирор нарса.

— Яхши,— деди Зебо,— ўз вагонингларга ўтказаман. Яраплар унчалик оғир эмасу, шундай бўлса ҳам бу ер сизларга ноқулайроқ.

Бу сўзни Зебо ярадорларнинг кўнгли учун айтди. Аслида уларнинг яраси хавфли эди. Иккитаси кечагина операциядан чиққан.

— Раҳмат, доктор.

Зебо тўғри Иван Иванович нинг ҳузурига кирди. У штабда эди. У Еленага дакки берарди:

— Нега ичиролмадингиз?

— Ахир, қандай қилай, Иван Иванович. У отам тенги одам бўлса, қанақа қилиб уни мажбур қиламан.

— Мажбур қилманг, ичиринг. Ахир тиббий ҳамширасиз. Йўл топинг.

— Қандай қилиб?— деди Елена ҳайрат билан икки қўлини ёнига ёзиб.— Ёлворсам бўлмаса, мажбур этолмасам, зўрлолмасам.

— Шундай қилингки, ичсин. Ахир, унинг нафи. Биз дорини ташлагани жой тополмаётганимиздан бераётганимиз йўқ. Қани юринг, бирга борайлик, нима учун ичмаскин?

Иван Иванович ўрнидан қарилардек салмоқланиб оғир турди. Эшикка етгач:

— Мана, докторни ҳам ўзимиз билан бирга оламиз,— деди Иван Иванович ва Зебога қалин қошлари остидаги хира кўзларини қадади:— Менда ишинг бормиди, қизим? Келиб гаплашамиз.

Улар учаласи дори ичмай, қайсарлик қилаётган ярадор ҳузурига кириб боришди. Ярадор «бетларингни ҳам кўрмай» дегандек деворга ўгирилиб ётарди. Иван Иванович унинг елкасига аста қўлини қўйди. У оғир машаққат билан бу ёнбошига агдарилди. Елена кўмаклашди.

Иван Иванович томирини кўрди. Нима учундир қовғини кўтариб кўзига қаради. Яраси кўкрагида эди. «Қаттиқ огриятгими?» деб сўради. Жавобини олмаёқ бежирим стакандаги дорини тутди. Сал қаддини кўтаришга Зебо ёрдам берди. Дорини қултиллатиб ютди. Кетидан юзини буриштириб қўйди.

— Сув беринг, устидан ичиб юборсин,— деди Иван Иванович.

— Бемалол ичди-ку. Ўзингиз ичиришни билмайсиз,— деди Иван Иванович штабга қайтиши билан.

— Бу сиз-да, Иван Иванович,— деди кулиб Елена.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менга нима қилибди, бошимда тожим борми,— кулди чол ҳам.

— Тожингиз йўқ-ку, оқ сочингиз бор,— деди ўртоғини ҳимоя қилиб Зебо.

— Ундай бўлса, ҳозир буйруқ бераман, ҳамма ҳамширалар сочини оққа бўясин,— деди-да Иван Иванович қандайдир қоғозларни тита кетди, кейин Зебо ёдига тушиб қолди:— Сен қандай иш билан кирган эдинг?

— Бешта оғир яралар ўртачалар ичида ётиб қолибди.

— Биламан, биламан,— деди тез-тез Иван Иванович,— шуларни ўз вагонига ўтказсак дейсанми? Мумкин эмас. Жой йўқ. Мана Еленадан сўра. Айт-чи, жой борми?

— Йўқ.

— Менда бир фикр бор эди,— деди ишонч билан Зебо.

— Марҳамат, яхши бўлса бош устига, қабул қиламиз.

— Оғирларнинг ичида бугноқ передовойдан олинганлар бор. Улар жангдан, уйқусизликдан толиққан. Ҳали кирсам, қумтошдай ухлаб ётишибди. Ичида оғир бўлса ҳам оёқ-қўлидан яраланганлари бор. Беш-олтита топилади. Анови вагондаги бешаловиники жуда оғир, иккитаси тунда операциядан чиққан. Шуларнинг жойларини алмаштирсак. Ҳар ҳолда қорин, кўкрак яраси жиддийроқ, қўл-оёқдан кўра.

— Бу бошқа масала. Агар шундайлигига сенинг доктор сифатида имонинг комил бўлса, қаршилигим йўқ, марҳамат. Ҳали мен улар билан яхшигина танишиб чиққаним йўқ.

— Ҳар ҳолда мен сизни...

— Бас-бас... Мен сенга ишонаман.

— Раҳмат!

Зебо бир станцияга келгач, икки санитарни олиб мўлжал этган ярадорларнинг жойини алмаштирди. Оғир ярадорлар ичидан чиққан бири ҳатто миннатдор ҳам бўлди.

— Раҳмат, ўртоқ доктор! Трагедиядан опереттага киргандек бўлдим.

Кечқурун Иван Иванович Зебони кўриб:

— Энди хотиржаммисан?— деди.

— Еленада иккитасининг аҳволи оғир. Кечадан бери туз тотмайди.

— Биламан. Глюкоза, камфора буюрдим, тетиклашиб қолади.

Зебо енгил тортди-ю, госпиталда таниш ҳамширадан орттирган ғашлик куз булутидай кўнглини қоплаб келди.

Бу ғашлик уйига келганда ҳам ёзилмаган эди. Бу ғашлик унинг қарашларида, толиққан юзларида ўз изини қолдирган эди. Она буни дарров сезди. Ахир қизининг уйқусида хўрсинишидан тортиб остонадан қайси оёғи билан ўтишигача барчасини кузатувчи, ўзича таъбир берувчи она-да. Нечун пайқамасин?

— Толиқдингми, қизим, рангинг синиқибди?

Ётиш олдида Зебо онасидан сўради:

— Элмуроддан хат йўқми?

— Оҳ, болам, бўлса, шу вақтгача олиб ўтирармидим? Келган заҳотиёқ бермасмидим. Акангдан бир хат келди. Соғмиш, саломатмиш. Элмурод билан учрашиб қолармиканман, дебди. Ортиқча хавотир олманглар, дебди. Оҳ бола-я, бола, хавотирланмай бўлармишми? Онангнинг юраги ўрнига тош қўйганда хавотирланмайдиган бўлади, соғинмайдиган бўлади, болам. Ёшсан, билмайсан, этингдан тирноқ ўсиб чиққани йўқ ҳали.

Эрталаб Зебо типиқиб турди. Ғашлик руҳидан кўтарилган эди. Каравоти тепасидаги суратга яқинлашди, дастрўмолчасини чиқариб ойнасини артди, рамкасини суртди. Бу Элмурод эди. Тикилиб-тикилиб қаради: «Шу вақтда қаерларда юрган экан? Шу онда у ҳам мени эслаётганмикан? Ҳали ухлаб ётгандир. Майли, ухласин. Толиққан. Ким билади тупи билан жанг қилиб ухламай чиққанми? Ухла, азизим, ухла! Ором ол! Меҳнат қилиб чарчасам ҳам, аммо сени кутиб толиқмайман. Тошлар эриб, дарёлар қуриб кетгунча кутаман. Фақат сен соғ бўл, омон бўл, азизим!»

IV

Мурзин кўзини очиб, қаршисида фриц турганини кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди, «Вассалом!» деди кўнглида. Мана шу даҳшатли бўлган бир неча минутда унинг сочида иккита оқ тола пайдо бўлди.

Фриц нарироқдаги бир шеригига алланималар чуғиллади. Мурзинни кўрсатди. Мурзин «мана, яна биттаси тирик экан, кел олиб кетайлик» деяпти шекилли, деган хаёлга келди. «Бундан кўра ўлиб кетганим яхши» деди-ю, ўзича ҳозир ўлаётгандек кўзини юмди.

Мурзинни посилкага ётқизиб олиб кетдилар. Қишлоққа киргач, машинага қўйдилар. Машинада унга ўхшаган

www.ziyouz.com kutubxonasi

икки-уч киши ётар, бири жуда ҳам хунук товуш билан инграр эди. Ана шу пайтда Мурзин ўзининг ҳам яраланганини, бошининг бинт билан ўраб ташланганини эслади. Яна оёғи билан бели ҳам зирқирарди. Демак у ерлари ҳам яраланган бўлса керак. Булар ҳаммаси ёдига тушиши билан қачон, қандай яраланганини хотирига келтиришга уринди. Ана шунда яна яраларини унутди.

У штрафной батальон билан тонгда позицияни эгаллади. У қўл пулемётчи эди. Қисқагина артиллерия отишмасидан кейин улар бошқа бўлинмалар билан ҳужумга ташландилар. Мурзин йўл-йўлакай икки тўхтаб, пулемётини ўрнатиб, ўқ узди. Бир диск тугаши билан «қани бошқасини бер» деб шеригига қараса, у муккалаб ётибди. «Тамом бўлибди-ку» деди-да, унинг қисимлаб қолган қўлидан дискли коробкаларни олди. Кетма-кет икки диск қўйиб отди. Шу онда бир нарсанинг шигиллаб учиб келаётганини эшитди. Лекин у ёрилдими, йўқми билмайди. Кўзини очса тепасида фриц турибди. Ёнида каттагина чуқурлик. Мана энди уни машинага солиб номаълум бир томонга олиб кетяптилар. «Наҳотки биз чекиндик? Наҳот шунча меҳнатимиз бекор кетди?— шу фикр унинг бошига келди.— Биз чекинганмиз, бўлмаса қанақа қилиб мен булар қўлида қолай? Наҳот?..»

Мурзиннинг хаёллари шунчалик чувалашиб келардики, бири тугамай, иккинчисига сапчиб ўтиб кетарди.

Машина катта йўлдан учарди. Шамол машинанинг бортига урилиб, ҳуштак чаларди, баъзан кўтариб-кўтариб ташларди. Шунда боягн хунук инграётган ярадор яна ҳам даҳшатлироқ, киши юрагини пармалаб юборадиган товуш билан фарёд чекарди, баъзан «Бундан отиб ташлаганинг яхши» деб бақириб қоларди. Мурзин сал бошини кўтариб, қора кунда учрашган ҳамроҳининг юзига боқмоқчи бўлганда, машина бир кўтариб ташлади, у «Уҳ!» деганича жойига ётиб қолди. Улар манзилга келиб тўхтаганларида ҳалиги йўл бўйи инграб келган ярадор ўлиб бўлган эди. Унинг мармардек юзида шундек қора мўйлови яна ҳам қорароқ бўлиб кўринарди. Гарчанд Мурзин унга ачинган бўлса ҳам, ўзича «қутулиб кетди» деб қўйди. Аммо унинг нимадан қутулиб кетганини айтмади — яранинг азобиданми ёки душман қўлидаги пармандаликданми?..

Кеч кирди. Ҳалигина деразадан қия тушиб турган куп ҳам ғойиб бўлди. Шафақ қизиллиги дераза ойнасида аксланарди, яллиғланарди. Мурзин шу деразага қараб ётиб, қанақа қилиб қоронғи тушиб қолганини билмади. У жуда чарчаган, яралари энди оғриққа кирган эди. Шунинг учун уйқунинг унутувчан қўйнида маҳв бўлишни истарди. Қани энди кўзига уйқу келса! Ҳамма-ҳаммасини унутиб, сокин уйқу қўйнида ором ола қолса нима қилар экан! Шунча қилди — бўлмади. Кўзларини юмиб ҳам боқди — бўлмади. Хаёл-ўйлар шунча чулғаб олган эдики, улар ари уясига ўхшарди — бири кириб, иккинчиси чиқарди. У даҳшатли, мудҳиш тун кўраётганга ўхшарди. Ўзининг душман қўлида эканига сира-сира ишонмасди. Кўзларини уқалаб, бу мудҳиш тушли уйқудан уйғонмоқчи бўлар, лекин не чораки, бу ҳаёт, тун эмас эди! У шу дақиқаларда оғриққа кирган яраларини унутиб қўйган эди. Унинг яраси эмас, кўнгли, қалби оғрир эди, бу яраларидан юзбаттар даҳшатли оғриқ эди. Бир-биридан даҳшатли бўлган ўйлар уни шунчалик чарчатдики, тонгга бориб ухлаб қолганини ўзи ҳам билмади. Уйғонганда боши лўқиллар-ди. Каравоти ёнига тортилган стулда унга келтирилган оби-ёвғон турарди. Мурзин уни кўриб, қорни очганини сезди, оғзи сўлакланди. Шундай бўлса ҳам овқат оғзига бемаза тотиди. Лаби буришди. Буни кузатиб турган қарнисидаги ярадор:

— Кўзни чирт юмиб ичаверасиз, дўстим, ҳар кунги ризқи рўзимиз шу!— деди. Алам унинг ич-ичидан ўтиб ётгани кўриниб турарди.— Бу лаънатиларда инсоф йўқ. «Касал-ку, қон кетган, куч-дармондан қолган, тузукроқ овқат керак бўлар-ку» деган парса хаёлига ҳам келмайди. Гўё мен унинг лазаретига эшик қоқиб келгандай. Сенга биров йиғиштириб ол дебдими! Ётардим майдонда. Ажалим етган бўлса ўлардим, бўлмаса бирорта раҳмдил одам топилиб қоларди. Худо урсин, ўшаникида бундан тез оёққа туриб кетардим. Кўнгли тинчнинг яраси тез тузаладида! Ҳали сени даволадик, дейди, инсонпарварлик қилдик, дейди. Қўй-эй, сенинг одамгарчилигингга!..

Мурзин бупчалик куйиб гапирган ҳампалатасига кўз ташлади. У қирғий бурун, ранг-рўйи оппоқ, қирқ ёшлар чамасидаги киши эди.

Қирғий бурун аламига чидолмай анча парса гапириб ташлади. Қопсиз юзлари бўзариб кетди, манглайига совуқ тер чиқди. Ана шундагина «Минг лаънат, минг лаънат!» деб ёстиққа ўзини ташлади. Унинг изтиробдан бўгилиб нафас олаётгани башарасини кўрмаган кишига ҳам эшитилиб турарди. Унинг гапини бурчакдаги малла, бит-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўз ярадор аввалига бир кўз ташлаб, кейин маъқуллагандек нозик табассум билан тинглади. Унинг кўзига назар ташламаган одам, уни ўз ўйи билан бўлиб, эшитаётгани йўқ деб ҳам фикр қилиши мумкин. У қирғий бурун сўзини лаънатлар айтиб тугатгач, Мурзинга «қалай, сизга маъқулми?» дегандек бит кўзларини йилтиллатиб, кулиб қўйди. Унинг кулгисида табиийлик йўқлигини Мурзин дарров пайқади. Палатада булардан ташқари, яна анчамунча киши ётарди. Лазарет илгари қандайдир бир маҳкама бўлган бинога жойлашган эди. Бомба портлашлари зарбидан бўлса керак, қумсувоқ устидан оқланган оҳаги паррак-паррак бўлиб кўчиб кетган, баъзилари бир учи билан илиниб қолган. Шунинг учун девор, шифт песнинг башарасидек ола чалпоқ бадбуруш эди. Деразаларнинг ярим кўзи йўқ. Ярадорларнинг ранги рўйи, инграшини ва гоҳо тиббий ходимларнинг оқ халатда юришини ҳисобга олмаса, лазарет эканидан далолат берадиган ҳеч нарса йўқ.

Қирғий бурун ярадор бирпас дамини олдими ёки ўз аҳволини ўйлай-ўйлай яна хуноби ошиб кетдими, зарб билан бош кўтариб, тирсагига суянди.

— Анчадан бери ётибсизми?— сўради Мурзин.

— Тўртинчи ой.

Суҳбатдан Мурзинга маълум бўлдики, бу ер гитлерчилар очган госпиталь, ярадорларнинг ҳаммаси собиқ совет жангчилари ва командирлари. Олди ярим йилдан бери ётарди. Тиббий ёрдамнинг тайини йўқ. Кимнинг организми бақувват бўлса, ярага бардош беролсагина тузалиб кета оларди. Бу эса Мурзинни «ўлик бўлиб гўрда йўқ, тирик бўлиб тўрда йўқ» деган фикрга келтирди. Ҳаёт яна ҳам даҳшатлироқ кўриниб кетди.

— Оҳо, ҳамма ёқни тутун бостириб юборибсизлар-ку, нимани дудлаяпсизлар?— деди эшикда кўринган пол ювувчи хотин.

— Ўзимизни дудлаяпмиз. Шояд энди қандалалар чақмаса,— деди бояги қирғий бурун.

— Қандала борми?— сўради Мурзин.

— Бўлгапда қандай, штурмовиклари шу ерда. Ҳали сизни чақмадими? Бугунча аяган, меҳмон деган...— у бир лаҳза жим қолди, хўрсиниб деди:— Шундай, оғайни, кундузи мана бу қандалалар,— у эшикни кўрсатди,— кечаси у қандалалар қонимизни сўради.

— Йўқотишса бўлмайдими?

— Тушингни сувга айт, оғайни.

Пол ювадиган хотин шу ерлик халқдан эди. У булариинг суҳбатини эшитиб, пол ювиб турган латтасини артиб борган ерида қолдирди-да, сувли челакка томон юрди. Мурзинга нимадир имо қилди, қирғий бурунга лаб тишлаб қўйди. Кейин бир нарсадан ҳадиксирагандек аста бурилиб, биткўз маллага ер остидан қаради. Лекин унинг имосига на Мурзин, на қирғий бурун тушунди. Биткўз папирос гильзасини қўлида ўйнаб, ўрнида ўтирарди, аслида бу бир баҳона, диққати ўша суҳбатда эди. Мурзин штрафной батальонда бўлганини айтганда, у ялт этиб бир қараб қўйди. Қўлидаги папирос гильзасини полга отди. Хотин шуни кутиб тургандай унга бобиллаб берди:

— Сиз юра оласиз. Ташқарига чиқиб чексангиз бўлмайдими! Туринг, ҳовлига чиқинг, мен полни ювиб олай! Халақит берманг!

Хотин бу сўзларни уйни ивирситиб юрган болаларга айтгандек амирона гапирди. Шу замони челакдан латтани чайқаб олиб, унинг оёғи остига шалоплатиб ташлади, яна «Туринг!» деб фармон берди. Биткўз «ҳей, манжалақи, қўймадинг-да» дегандек оғир қўзғалиб, эшикка чиқиб кетди. Хотин енгил нафас олиб, ўз ишини давом эттирди. Энди унинг на суҳбат билан, на гап-сўз билан иши бор эди. Хотин полни ювиб бўлди-да, «Оҳ, болаларим, болаларим!» деганича чиқиб кетди. Бу сўзнинг кимга алоқаси борлигини ҳеч ким тушунмади. Лекин у бу сўзни Мурзин билан қирғий бурун олдидан ўтиб кетаётганда уларга ер остидан қараб айтди. Шунинг учун бу икки суҳбатдош «Кампирнинг бу нима дегани?» деб бир-бирига қараб қолишди. Иккисининг юзида ҳам «бизга раҳми келди, бечора хотиннинг» деган маъно кезарди.

Биткўз ярадор шу чиқиб кетганича, тушдан кейин қайтиб кирди. У нимадандир мамнун, ким биландир тўйиб суҳбат қилгани, ҳатто тўйиб овқатланганн яққол кўриниб турарди: юзига қон югурган, кўзлари равшан ёнади, лабида таом юқи бор. Кираётиб тили билан милкларини сидириб чиқди. У ўтиб кетиши билан Мурзин қирғий бурунидан сўради:

— Бу қачон келган?

— Билмадим. Бир ҳафта бўлди бизга киритдилар.

Ҳаёт шу хилда, кунлар бир-биридан фарқ қилмай ўта бошлади. Мурзинга қирғий бурунининг суҳбати ёқиб қолди, у билан гаплашгандагина кўнгли ёзилади. Баъзан

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг суҳбатига биткўз келиб қўшилади. У кўп вақт масалани бошлаб қўяди-ю, бошқаларнинг фикрини билишни яхши кўради, унинг ўз мустақил фикри йўқ. Ҳамиша жим ўтиради, қулоқ солади. Уларнинг бундай суҳбатлашгани устига пол ювувчи хотин кириб қолса, бирдан ўзгариб кетади, биткўзга жўжасини олдирган товуқдай ҳурпайиб назар ташлайди. Мурзин хотиннинг ярадорлар билан яқин алоқаси борлигини бир куни пайқаб қолди. У дераза ларни артмоқчи бўлиб кирди-да, дераза остида ётган ярадорга нимадир қистирди. У ярадор, хотин чиқиб кетгач, махорка ўраб чекди, ёнидагиларга тутди. Бўлмаса унинг кеча чекишга ҳеч нарсаси йўқ эди. Мурзин ичида «ҳа, равшан» деб қўйди. Ташқаридан нарса олдириб туриш мумкинлигини тушунди. Бир куни, унга ортиқча ич кўйлагини тутди. Лекин хотин олмади, олиш у ёқда турсин, жеркиб солди:

— Мен чайқовчилик қилмайман. Мен махоркафурун эмасман.

Мурзин ҳайрон бўлиб қолди. Кашанда бўлганига ҳам пушаймон қилди. Биринчи марта папиросга ўргатган ўртоғининг қабрига ғишт қалади. Бу билан ҳам аламдан чиқмай, ўз ҳолига йиғлади, деворга юзини ўгириб олиб йиғлади. Ҳатто тирик қолганига ўкинди. Ахир ҳеч кимда уч кундан бери чекадиган нарса йўқ. Ҳамма хумор, ҳамма нолишда, фақат биткўз миқ этмайди. Эҳтимол, юрадиган бўлгани учун унча хумор қилмас. Ташқарига чиқиб ўзини босиб келар. Шу хотин билан кўнгилсиз ҳодиса бўлган кунинг эртасига палатани айланувчи врач нима учундир узоқ тутилиб қолди. У бурчакдаги ярадор қошига ўтириб, бепарвогина нималардир деди. Ҳамманинг кўзи ўша томонда эди. Шу вақт эшикни аста очиб, пол ювувчи хотин қўлида челак билан кириб келди. Мурзин олдидан ўтиб кетаётиб, латтага ўралган бир нарсани қўлига қистириб кетди. «Яшир» дегандек бир юзи билан ишора қилди. Мурзин одеяли остига олиб қўли билан эзгилади, кўрнинг умиди икки кўзи дегандек, Мурзин ҳам бу тугунчанинг махоркадан бошқа нарса бўлишини истамас эди. У қўлини ҳидлаб кўрган эди, худди ўзи бўлиб чиқди. Шошиб қолди. Бу яқин орада бунчалик хурсанд бўлганини эслолмади. Обдан чекиб хумордан чиққач, бир фикр бошига келди: «Нега у кеча ундай жавоб берди-ю, бугун мунчалик меҳрибонлик қилди?»

Хотин полни ювaётиб Мурзиннинг олдига келганда, у:

— Қўйлакни олинг,— деди.

Хотин бошини кўтармай:

— Кераксас,— деди ва пол ювишни давом эттираверди, бошқа қарамади ҳам.

«Ажабо, бу қандоқ бўлди» деб кўнглидан ўтказди Мурзин. Кейин билса, ярадорларда пайдо бўлиб қоладиган ширинлик, чўчқа ёғи, махоркаларни шу хотин келтириб бераркан. Лекин буни шу вақтгача пайқамаганига Мурзин ҳайрон бўлди. Хотин ўз ишини жуда усталик билан ўтарди.

Мурзин бу меҳрибон хотинни нима билан миннатдор қилишни ўйлаб ётаркан, эшикда кампирдаҳан бир киши пайдо бўлди. У жуда оҳиста, лекин ишонч билан кириб келиб, астагина салом берди-да, ҳаммани бир-бир кўздан кечирди. Унинг кўзи ҳаммадан кўра кўпроқ қирғий бурун билан Мурзинда тўхталди. Энг четдаги ярадор олдига бориб қизиқроқ нарса дедими, ўша томондагилар кулишди. Яна нималардир деди. Унинг ёқимли нарсалар деяётгани тингловчиларнинг юзидан ва унинг табассумидан кўриниб турарди. Ўтиб кетаётиб:

— Тун салқин эмасми?— деди Мурзинга. Унинг юзида ҳамон табассум кезарди. У дераза га қараб қўйди.

— Йўқ, яхши.

— Фронтдан кўра, албатта, яхши,— деди кампирдаҳан ишшайиб ва яна қирғий бурунга кўз ташлади.

Мурзинга бу ғалати туюлди: нега менга гапириб, унга қарайди? У чиқиб кетгач, Мурзин қирғий бурундан сўради:

— Бу ким?

— Бирорта итялоқдир-да, ким бўларди!

Бурчакдаги биткўз ярадор бу жавобдан ялт этиб унга қараб қўйди. Қирғий бурун буни пайқаб, унга:

— Ё сиз танийсизми?— деди.

— Йўқ,— деди биткўз қизариқираб.

— Танисангиз айтаверинг, каттароқ бўлса, қуюқроқ илтифот кўрсатайлик.

Унинг гапи истеҳзо билан айтилган бўлса ҳам, биткўз ўзини пайқамаганга солди, силлиқ табассум қилди. Унинг табассуми бояги кампирдаҳан фрицникига ўхшашиб кетарди.

Тушдан кейин оқ халатли икки киши кириб, қирғий бурун койкаси олдида тўхтади. Улар мулойимгина саломлашиб, уни носилкага ётқизишди, олиб чиқиб кетишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яна қаерга лангар ташлайман?— сўради қирғий бурун кулиб.

У икки фриц ганга тушунмайдими ёки қаёққа олиб боришни чиндан билмайдими, ҳайтовур, елка қисиб қўяқолди. Салдан кейин ташқарида автомобиль мотори гуриллади.

Нима учундир бу мотор гуриллаши Мурзиннинг юрагини зирқиллатиб юборди. Қирғий бурунниинг ўрнига ҳеч кимни келтирмадилар. Туни билан бўш ётди. Мурзин ҳамроҳдан ажралганиданми, ёки юраги бирор нарсани сездими, туни билан тузуккина ухлолмади. Эрталаб толиққандек оғир тортиб уйғонди. Мундоқ қараб, биткўзнинг ташқарига чиқиб кетганини кўрди: «у ташқарига сайл қилиб чиқиб кетган бўлса, апча маҳал бўлиб қолибди-да».

Пол ювувчи хотин кириб келди. Мурзин бошлаб салом берди:

— Яхшимисиз?

— Мен-ку, яхшиман, сизлар яхши эмассизлар. Тилинглар узун.

— Ҳўш?

— «Ҳўш»га бало борми!.. Ўз бошингларни ўзинглар ейсизлар!— Хотиннинг хафалигини ҳам, ғазабланаётганини ҳам билиб бўлмас эди.— Қўл югуриги ошга, тил югуриги бошга етади.

— Тушунмадим,— деди Мурзин ётган ерида елкасини қисиб.

— Нимага тушунмайсиз? Қаршингиздаги ўртоғингиз қани? Қаёққа олиб кетдилар?

Мурзин мудҳиш хабар эшитган кишидек қотиб қолди, шундай бўлса ҳам, деди:

— Билмадим. Бошқа палатага олиб чиқиб кетгандирлар.

— Бошқа палатага эмиш, бошқа дунёга олиб кетдилар.— Хотин жаҳл билан тез-тез пол ювар, латтани шалоплатиб чайқарди.— Тилинглар узун. Узун тил — бошга тўқмоқ, бўйинга сиртмоқ. Қай аҳволда ётибсизлар-ку, тилларингни тиёлмайсизлар.

Хотин шундан кейин Мурзинга яқинлашди-да, товушини пасайтириб деди:

— Анави биткўздан эҳтиёт бўлинглар: жосус. Бир йилдан бери палатама-палата ташлашади.

Мурзиннинг юраги шувиллаб кетди, ранги оқарди. Шу

маҳал биткўз қўлтиқтаёғини дўқиллатиб кириб келди. Қўлидаги махоркасини бир тортиб, Мурзинга тутди.

— Керакмас.

— Нега? Ажойиб махорка. Махорка бўлганда ҳам бир тортар, бир тортганда қулатар.

— Ўша қулатишидан қўрқаман.

— Ихтиёрингиз,— деганича биткўз ўз жойига ўтиб кетди.

Шу-шу Мурзин бу биткўз билан суҳбатлашмайдиган бўлди. Унинг назарида қирғий бурун ҳамроҳининг бошини шу еган эди. Шу кундан бошлаб камсўз, камсуқум бўлишга қарор қилди. Суҳбатларга аралашмади. «Тили ботир»ларни қайтариб ташлади. Биткўз билан ҳам ўчакишишни ўринли деб топмади. У билан имкон борича «чакки мавзулар»га ўтмасликка уринарди. «Қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осади» деган мақолга амал қилиб, яшайверди. Баъзан биткўзга унинг кўнглини кўтарадиган сўз қотиб қўяди...

— Энди аста-секин юраверсангиз ҳам бўлади,— деди врач унинг қошида кулиб.

Мурзин худди шуни кутиб ётгандек оёққа турди, ҳассага суянди. Хонанинг у бошидан бу бошига бориб келди. Бу унинг назарида, ер шарини айланиб чиққандай туюлди, толиқди. Ётиб қолди. Фақат яна уч кундан кейин туролди. Бу гал уйни айланиб, тушда ухлади-ю, кейин ташқари чиқиб кетди. Унинг биринчи учратган кишиси тунов куни кирган кампирдаҳан фриц бўлди. У бурчакдаги хонадан чиқиб, салмоқлаб одимлаганича Мурзиннинг олдидан ўтиб кетди. Унинг башарасига ҳам қарамади. Мурзиндан нарироқда ўтирган ярадор унинг кетидан сўккандек пўнғиллаб қўйди. Мурзин ҳаётга энди келган кишидек жуда хурсанд. Атроф-теваракка суқланиб боқарди. У, шу дақиқада ўз тақдирини ҳам ўйламас, фақат ҳаётга қайтиши билан мамнун эди. Чиндан ҳам ҳаёт кўркам эди. Ёзнинг айни етилган пайти. Қуёш тикда, дарахтлар сояси тубида тўрт энликкина. Қушлар, қаршидаги дарахт қучоғида бетиним чуғуллайди, бир-бирини қувалашиб баъзан ерга шўнғишади. Мурзин коридорнинг очиқ деразасидан ҳаммасига суқланиб боқади. Қушларнинг жуфт-жуфт қувалашими ёки ерга тушиб донлашуви бўлдими, Мурзиннинг хаёлига бирдан Анна Ивановна келди. У, Анна Ивановнани ҳув анави эшикдан кириб келаётгандек хис этарди, лекин сабабини билмасди. У шу вақтгача, нима

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун уни тузуккина эсламаганига, хаёлига келмаганига ажабланди. Баъзан эсларди-ю, лекин ҳозиргидек кўнглини қувонтирмасди. Ҳозир эса уни кўришга, унга бир лаҳзагина боқишга бутун вужуди билан талпинарди.

Шу кундан бошлаб у Анна Ивановнани кўп эслайдиган бўлиб қолди. У билан суҳбатлашган, учрашган жойларни неча марталаб кўз олдига келтирарди. Келтирарди-ю, Элмурод шаҳдини қайтариб қўярди. Наҳот Элмурод уни йўлдан оздирди? «Берганга қўша-қўша...— хаёлидан ўтказди Мурзин,— ҳам обрў, ҳам гўзал қиз. Менга ҳам азоб, ҳам қиз раддияси. Тўхта, ҳали пайти келади...» Лекин Мурзин қандай пайти келишини аниқлолмади. У шу ўйлар билан бўлиб, ҳовлидаги дарахт остига чиқиб ўтирди. Бинонинг у қанотига назар ташлади. У ерда қорача-қорача кишилар деразадан бош чиқариб туришарди.

— Улар ким?— сўради у ёнидаги ярадордан.

— Руминлар.

— Немислар ҳам борми?

— Уларники алоҳида.

— Руминлар билан немислар лазарети биттамасми?

— Улар фақат фронтда ёнма-ён. Румин бечора сен билан менга ўхшаган ювинди ичади,— деди ҳамроҳи кулибгина.

Мурзин бир неча кундан кейин лазаретнинг атрофи тиканли симлар билан ўраб ташланганини кўрди. Бунинг сабабини у дарров тушунди. Бир куни у шамолга чиқиб палатасига қайтиб кирар экан, уни эшик олдида фельдшер тўхтатди:

— Бу ёққа марҳамат,— деб бошқа палатани кўрсатди.

У палата кичик хона бўлиб, Мурзин билан уч кишига койка қўйилган эди. Мурзин, нима учун кўчирилдим, деган ўйда экан, тушлик овқат олиб кирдилар. Бу хонанинг овқати наригиникига ўхшамас эди. Ёғли, гўштли, иккинчигина эмас, ҳатто учинчисига компот ҳам бердилар. «Ажабо, бу қайси хизматларим учун!» деб юрди Мурзин. Унинг ҳамроҳлари ҳам буни билмас эди. Эртасига эрталаб кирган доктор уни жуда синчиклаб кўрди:

— Жароҳатингиз битган. Бу ёғи иштаҳангизга боғлиқ,— деди ва унинг бир маҳаллар қандай касаллар билан оғриганини суриштира кетди. Мурзин эсини танигандан бери касал бўлганини билмаслигини айтганда, доктор:

— Бу яхши. Айни муддао,— деди.

Доктор жуда хушмуомала, Мурзин уни биринчи марта кўриши эди. Унинг рус тилини яхши билишига ҳайрон қолди. У докторни аввалига рус деб ўйлаган эди, йўқ, немис бўлиб чиқди. Буни у ёнидаги фельдшерга нималарнидир тушунтирганда билди.

Мурзин ҳайрон эди. Нима учун бу палатага кўчирдилар, уни нима қилмоқчилар? Бунчалик меҳрибонликнинг боиси нимада? Унинг ҳампалаталари жуда камгап, гапирганда ҳам, энг зарур нарсалар тўғрисидагина сўзлашарди. Уларнинг иккиси ҳам собиқ совет офицерлари, шу ерда «даволанган»лардан эди. Улар ҳам бу хонага Мурзиндан бир-икки кунгина аввал кўчирилган эдилар. Шунинг учун улар ҳам Мурзиндан ортиқ ҳеч нарса билмас, фақат елка қисар эдилар. Ҳаммадан қизиғи — бу хонага тамаки ҳам бериларди. Мурзин бу меҳрибонлик тўлқинида ҳайрон экан, ўн кундан кейин уни бош врач ҳузурига чақириб кетдилар. Энди билса, бош врач уни шу палатага кўчган куннинг эртаси синчиклаб кўздан кечирган немис экан. У Мурзинни очиқ юз билан қарши олиб суҳбатлашди. Сўнгра индамай чиқиб кетди. Бир оздан кейин бир маҳал кўргани кампирдаҳан немис кириб келди. Сўранишга оғиз очиши билан юзига ясамага ўхшаш кулги чиқди.

— Маишатингиз қалай?— Унинг биринчи сўроғи шу бўлди. Мурзин ҳадеганда жавоб қайтара бермагач, кулди:— Анави палатадагидан яхшидир, албатта? Шундаймасми?

Мурзин иқрор бўлишга мажбур бўлди:

— Албатта фарқи бор.

— Баракалла. Ҳаққа иқрор бўлмоқ одоблилик белгиси,— у бир лаҳза жим қолиб, кампирдаҳанини қашиди, кейин Мурзиннинг кўзига тик қаради:— Одатда тарбия кўрган кишилар қилинган яхшилик учун миннатдорлик билдирадилар. Шундай эмасми?

Мурзин бу гаплар қандайдир ниятнинг муқаддимаси эканини пайқаб, индамасликка қарор қилди. Немис унинг кўзидан жавоб оладигандек ҳамон кўзига боқиб турарди. Немис Мурзиннинг кўзидан қалбини кўрмоқчи эди. Мурзин ерга боқди. Кампирдаҳан немис давом этди:

— Биз сизни ўликлар ичидан топиб олдик. Даволадик. Оёққа турғиздик. Хўш, шулар эвазига буюк фюрерга қандай ташаккур билдирмоқчисиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

У Мурзиннинг кўзига яна тик қаради. Немиснинг жуда ҳурмат билан тилга олган «фюрер» сўзи Мурзиннинг этини жимирлатиб, ғашини келтирди. Лекин яна индамади.

— Ахир, сиз оддий солдат эмассиз — ўқимишли кишисиз, офицерсиз. Агар истасангиз, ташаккур билдирибгина қолмай, фюрер инъомига муяссар бўлишингиз мумкин. Биз сизга лойиқ иш топиб берамиз. Бунга сизнинг розилигингизгина кифоя.

Мурзин бошини кўтариб, суҳбатдошининг юзига укки қараш қилди. Ҳамсуҳбатининг нимага имо қилаётгани Мурзинга энди қисман равшан бўлиб қолган эди. Мурзиннинг кўзи уникига учрашуви билан немис жуда мулойим, айёрона табассум қилди.

— Ташвишланманг, биз сизни жарга итармоқчи эмасмиз. Шоти қўйиб, осмондан юлдуз олиб тушинг демаймиз. Биз таклиф этадиган юмуш сизнинг қўлингиздан бемалол келади.

Немис Мурзинни кузатиб турарди. Гўё бу билан дерди: «Биз сизни жуда яхши ўргандик. Ойда неча марта тирноқ олишингиздан тортиб, қайси ёнбошда ётишни яхши кўришингизгача, қайси сўзни кўп ишлатишингиздан тортиб, ким билан нима ҳақида суҳбатлар қилганингизгача — ҳамма-ҳаммаси бизга маълум. Биз сизни кузатдик, кўз остига олдик, мана энди хизмат таклиф этяпмиз».

Мурзин таклиф этиладиган хизмат нимадан иборат эканини аниқ билмаса ҳам, печундир юраги аллақандай яхшиликни сезгандай бўлди, «рози бўлавер!» дер эди ички бир куч. Ўйлаб қараса, мушук чангалига тушган сичқон нима ҳам қила олади. Бу таклифга кўнмаса, бекорга аллақаерларда беному нишон нобуд бўлиб кетишини билади. Немиснинг ҳазилакам жаҳаннамлари йўқ. Бу ҳақда у озмунча эшитмаган. Шундай экан, нечун ёш жонини азобга солиб, бевақт ўлиб кетсин. У фақат яшаш истарди. Бу ботқоқдан ҳам бир куни чиқиб оламан, деган ишонч, қалбини тўлдириб турган зўр ишонч шу лаҳза унда мавжуд эди. Лекин шундай бўлса ҳам, оғиз очиб рўй-рост розилик беришга журъати етмади. Рози бўлгандек, бир ҳаракат билан ўрнидан қўзғалди, эшикка юрди.

— Демак, розисиз, шундайми?— деди немис ҳам ўрнидан қўзғалиб, унинг ниятини сезгандек.— Биз келишдик. Чўнтак пулга тўлиб яшаш нималигини мана энди биласиз, энди кўрасиз.

Мурзин яна индамади. Шундай бўлса ҳам немис унинг орқасидан мулойимлик билан раҳмат айтиб, эшикни ёпди.

Мурзин бу кампирдаҳан немисни лазаретда кўриб юрарди. Қирғий бурун ҳамкойкаси «аллақаёққа» олиб кетилган куни палатага кирган немис ҳам шу эди, лекин унинг нима иш қилишини билмасди. У лазаретдан кўчага ўтаркан, эски ярадорлар унинг юзига қарамасликка тиришар, нима биландир машғул бўлиб, уни пайқамасликка уринишар эди. Бунинг сабабини биридан сўраганда «Жаҳаннамда ҳам яшай билиш керак» деди. Ҳеч ким нима хизмат қилишини айтмади. Мана бугун унинг ким эканини Мурзиннинг ўзи билиб олди.

Эртасига нонуштадан сўнг лазарет дарвозаси оғзида тўхтаган бежирим автомобиль Мурзинни олиб кетди.

V

Ўтган ҳаётингнинг бахтли, ширин, севги тўла, сершавқ дақиқаларини эслашдан яхши нарса борми! Хусусан узоқда, дард чекиб ёлғиз ётганингда. Бу хотиралар умринг осмонида барвақт чиқиб, кеч ботадиган ёруғ ва порлоқ юлдузлардек равшан порлайди, ўзига алланечук суқли имлайди, кўнглингга ачиниш ва юпатиш бағишлайди.

Яраланиб, госпиталга тушгандан бери Элмуроднинг хаёлидан Зебо кетмай қолди. Офтобли куннинг соясидай ундан ажралмайди. Кеча тушида ҳам кўрди: Зебо унга нималардир дейди, у эшитмайди. Зебо уни қўлидан ушлаб олиб чиқиб кетди. Девордан оширди. Катта анҳор ёқасига келиб ўтиришди. «Шу сув шундоқ бизнинг ёнимиздан ўтади» дейди. «Юр, сузиб кетамиз» дейди. Элмурод сувга ўзини ташлади. Ташлади-ю, сувнинг муздаклигидан бақириб қирғоққа ўзини отди. Шу бақириғи билан уйғониб кетди. Ёнида ўтирган ҳамшира:

— Ярангиз қаттиқ оғриятгими, бақириб юбордингиз?— деди ва унинг ёнига суриб ташлаган одеялини устига текислаб ёпди. Кўзларига ёпирилган қора, силлиқ майин сочларини орқасига ташлади. Кўзларига боқди. Улар сокин — оғриқ аломатларини акс эттирмасди.

Элмурод тонг отгунча бошқа ухлолмади. Бели, кураклари, бўйни оғриб кетди. Унингча, қориндан яралангандан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёмони йўқ эди: ағдарилолмаса, туриб ўтиролмаса, ёнбошида ётолмаса!

У тушини эслади. Ҳаммаси ёдида. Нимага йўйса экан? Албатта яхшиликка-да! Гарчанд у тушга ишонмаса ҳам, қилар иши бўлмаганидан ўзича минг шаклда «таъбирлаб» чиқди. Лекин ҳеч бир ёмонликка йўймади. Ёмонликка кўпгли чопмасди. Туш баҳона бўлди-ю, Зебо билан учрашганлари кўз олдидан бир-бир саф тортиб ўтди. Энди Элмурод у учрашувларда нуқсонлар топар, уларга кўнгли тўлмас, нима учундир у учрашувларни яхшироқ ўтказмаганига ачинар ва ўксир эди.

— Ухланг, ҳали тонг узоқ. Ҳалигина биринчи товуқ ўтди,— деди меҳрибон ҳамшира.

— Яна нечта товуқ ўтади?— деди унинг «соати»ни кулгига олиб Элмурод, ўзи ҳам мийигида кулиб қўйди.

— Кулманг, бу жуда тўғри соат. Кеча бош врач бир ярадорга, биринчи товуқ ўтгандан кейин операция қиламан, деди. Сиз бўлса, бу қанақа соат, деб куласиз.

— Кулаётганим йўқ, сестричка, тонг отишигача кўп вақт борми, билмоқчиман,— Элмурод бу маъсума ҳамширани ўкситмоқчи эмас эди, ҳазил унга бориб етмаганидан, суҳбатга жиддий тус берди:— Белларим қотиб кетди, бўйним оғрийди, бу чалқанча ёта беришдан.

— Нима қилай, азизим, бир эмас, иккита тўшак солиб бердим. Оёфтобга қўйиб шиширдим. Остингиз жуда ҳам қаттиқ эмас-ку, бир зайлда ётаверганингиздан шунақа туюлади. Менга қолса, қорнингиздан яралашинг дебманми.

— Қаеримдан яралансам яхши бўларди?— кулди Элмурод.

Нима учундир шу онда унинг кўнгли ҳазилга мойил эди. Эҳтимол, Зебони туш кўриб бу тушни яхшиликка йўйганидандир.

— Ҳеч қаерингиздан! Кошки эди яраланмаган бўлсангиз.

— Унда мен бу ерга келмаган бўлардим. Биз танишолмасдик.

— Тақдирда бўлса ахир бир ерда учрашардик,— деди қиз анчадан кейин. Унинг нималарнидир ўйлагани кўриниб турарди.

— Тақдирга ишонасизми?

— Сиз-чи?

— Йўқ.

Қиз бошини сал кўтариб Элмуродга диққат билан қаради: шундай йигитнинг тақдирга ишонмаганидан ажаблангандек кўринарди. Суҳбат узилди. Тонг ёришишига яқин Элмурод ухлаб қолди. Шу ухлаганича понуптада ҳам уйғонмади. Ҳамшира овқатини келтириб табуреткага қўйди-да, устига дока ёпди. Ўзи оёқ учида чиқиб кетди. Бир оздан кейин яраларни боғлаш бошланди. Элмурод ҳамон ухлаб ётарди. Ҳамма шерикларини олиб чиқиб бўлдилар. Навбат Элмуродга келди. Аммо уни уйғотишга ҳамширанинг кўзи қиймасди. Юролмайдиган ярадорларни ташийдиган аравачани палатка эшигида қолдириб, ўзи ичкари кирди. Элмурод гўдаклардек бир текисда нафас олиб, ҳамон маъсумона ухларди. Қошида унга бир неча дақиқа қараб турди: уйғониб қолармикан? Йўқ, у ҳали-вери уйғонадиган кўринмасди! Ҳамшира уйғотишга журъат этмади. Палаткадан чиқди. Яралар боғланадиган хонадан врач бош чиқариб, қичқирди:

— Қани, келтирмайсизларми, ниманинг маслаҳатини қиляпсизлар?

Ҳамшира ёнида турган ҳамроҳига қаради. Икковлари бир-бирларига қараб қолишди. Охири бизнинг ҳамшира шундай деди:

— Ухлаб ётибди, ўртоқ врач. Уйғотишга кўзим қиймаяпти. Кечаси тузуккина ухлагани йўқ эди.

— Уйғотинг. Кун узун. Ухлайверади куни билан.

Ҳамшира палаткага оёқ учида кириб, Элмурод қошида тўхтади. Лекин ҳамон уйғотишга қўли бормасди. Жўрттага йўталди. Уйғонмади. «Врач келиб бақириб қолмасин тағин палаткани бошига кўтариб» деган фикрга келди-ю, елкасидан астагина туртиб уйғотди...

Ярасини қайта боғлаганларидан кейин Элмуродда кутилмаган оғриқ бошланиб кетди. Тишини тишига босиб қанчалик бардош бермасин — бўлмади.

Элмурод оғриқ билан толиқиб, уйқуга кетди. Ҳамшира унинг ухлаганига обдан ишонгач, чала ишларини тугаллагани палатадан чиқди. У бу еттинчи палатада узоқ тутилиб қолган эди. Зинадан Зебо чиқиб келарди. У тез юрганидан оппоқ юзлари буғриққан, чимчилагандек бежирим бурнига тер дурдоналари сачраган.

— Салом, доктор!— деди ҳамшира самимий ва қувонч билан. У Элмуроднинг тинчиб уйқуга кетганидан мамнун ва кўнгли чоғ эди. Бу қувонч унинг ҳар бир сўзида ўз аксини топарди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўша куни қайтиб келмадингиз. Кўп кўз тутдим.

— Бугун, албатта, кираман. Ярадорларни поездга ортишгунча кираман. Мумкинми?

Улар ёнма-ён юриб еттинчи палата томон боришди.

— Марҳамат! Марҳамат! Лекин у ингараб ёта-ёта ҳозир уйқуга кетган эди. Бирам бардошли! Врач, бошқа киши бўлса палатани бошига кўтарарди, дейди.

— Яраси жуда оғирми?— шошиб сўради Зебо.

— Оғиру, врачлар, хавфли эмас, дейди. Ошқозонини ёришга сал қолган экан. Оёғи ҳам яралангану, уни ҳеч тилга олмайди, нуқул, «қорним» дейди. Анави куплари жуда оғир эди. Уйқу нима билмас эди.

— Энди ухлаяптими?

— Энди тузук. Кечалари ухлайди. Фақат бугун чўчиб уйғонди-ю, алламаҳалгача уйғоқ ётди.

Улар палата олдига боргапларида ҳамшира Зебони тўхтатди.

— Сал туриб кирсангиз нима қиларкин-а? Ҳозиргина ухлаган эди-да.

— Кўраману чиқаман. Уйғотмайман. Шунақа яхши кўриб қолдингизми?!

— Яхши кўрсам арзимабманми!— деди ҳамшира хомуш.— Лекин у сезса ҳам ғиқ этмайди. Севган қизи борга ўхшайди назаримда.

— Сўраб қўя қолмадингизми?— очиқ юз билан деди Зебо.

— Бир-икки кун ўтсин, сўрайман ҳам. Лекин, барибир у қизи мендек севолмайди!

— Эҳтимол...— деди Зебо ва ўйлади: «Наҳотки, у йигит Элмурод бўлса-ю, шу қиз уни мендан яхши севса. Йўқ, бу мумкин эмас. Элмурод менинг юрагим, бахтим, шуурим, фикри-ўйим, орзу-ҳавасим. Унинг бир табассуми менинг учун барча нозу неъматлардан ширин, барча завқлардан, нашъалардан аъло!»

Ҳамшира эшикни аста очди. Элмурод бурчакдаги каравотда боши остига ўнг қўлини қўйиб, яра оғриғидан, севги хаёлларидан холи ухлаб ётарди. Кўзлари чўкиб кетган. Ёноғи бўртиб чиққан. Тўзғиган бир тутамгина сочи пешонасидан қоши оша қовоғининг бир четига тушиб, кўзларига «ҳали ухлайверинг, ором олинг» деяётганга ўхшарди. Қони қочган юзида қошлари янада қоралик кашф этган. Лаблар ниманинг ўйи биландир жиддийгина қисилган.

Зебо, уни кўрди-ю, юраги довулга йўлиққан дарёдек тўлқинланиб кетди. Аранг ўзини тутиб олди. Орқасига қайтди. Эшик зулфинини ушлаб, уни очишга ботинмади, ҳамширага қараб:

— Майли, ухлайверсин!— деди.

Ташқарига чиқиб бир стакан совуқ сув симирди. Унинг юраги ўтган гал шу госпиталдан чиққач, поездда йўл бўйи бекорга ғаш бўлмаган экан! Бу ғашликни Элмуроднинг мактуби армонга айлантирди. Элмуроднинг шу госпиталда эканини адресидан аниқ билгач, ҳамшира ҳикоя қилган йигит Элмурод эмасмикин, деган фикр хаёлидан кетмай қолди.

Ҳаммадан поезд шу станцияга келиб тўхтагандан кейинги госпиталгача бўлган масофа жуда узоққа ўхшаб кетди. Бўлмаса 200 метр! Киши баъзан тушида шунақа бўлади!

Мана энди Элмурод палатада ухлаб ётибди. Зебонинг ҳовлида, қудуқ ёнида минг хаёллар билан ўтирганини билмайди. Билганда қандай бўлар экан? Сувни баҳона қилиб, ҳамшира Зебонинг ёнига келди:

— Танишингизми?

— Ҳа.

— Яқин танишингизми?

— Ҳа, яқин таниш, қариндош.

— Сизга ўхшашлиги бор эди-я! Ростдан уйланмаганми?

— Ҳа,— деди Зебо ва бир нарсани ҳал қилгандек ирғиб ўрнидан туриб, Иван Ивановични қидириб кетди.

Бир соатлардан кейин Елена ҳамшира билан Элмуродни палатадан олиб чиқар экан, ҳамшира Еленадан аста сўради.

— Доктор Зебо Абдураҳмоновнинг кими бўлади бу ярадор, билмайсизми?— ҳамширанинг кўзи намли эди.

Елена унга ер остидан қаради-да, осойишталигина деди:

— Севган йигити!

Ҳамшира турган ерида қотиб қолди. Ҳазилкаш бир дугонаси ёнидан ўтаётиб:

— Бу севганингни ҳам доктор олиб қўйдими,— деб тегишди. Хижолатдан чиқиш учун ҳамшира аранг илжайиб, деди:

— Ҳа, мен врачлардан куйдим. Дод, улар дастидан!

Мамлакат ичкарисига кўчирилишини Элмурод ҳеч ўйламаган, на ҳамшира, на врач бу ҳақда бир калима сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтган эди. «Ортирлашибман-да? Бугунги отриқ бежиз эмас экан-да!..» деб ўйлади у. Ташвишланди. Ҳамширадан сўраган эди, «сабабини билмайман» дегандек елка қисди. У рози эмас эди-ю, на чора! Буйруқ! Йўлда Еленадан сўраган эди:

— Шундай қилиш бехавотирроқ,— деди ва маъноли қилиб кўзларини тўлдириб кулди.

Элмурод бу кулги тагида сир борлигини сезди. Лекин қандай сир? Шу онда госпиталда хомуш қолган маъсума ҳамширага раҳми келди. Чунки Еленанинг кулгиси уникига жуда-жуда ўхшарди. Улар станцияга чиққанларида госпиталь деразасидан ҳамшира ҳамон қараб турарди — гўё шу посилкада унинг юраги, тинчлиги, фароғати кетарди. У маъюс эди. Посилка санитар поездга яқинлашганда вагон ойнасидан аёл кишининг товуши келди:

— Елена! Бу ёқдан олиб кела қолинглар!

Элмуроднинг юраги «шув» этиб кетди: таниш товуш! Зебонинг товуши! Боши поезд томонда бўлганидан уни кўрмади. Юраги қинидан чиқиб кетай деб, дукилларди. Эҳтимол, Еленага ҳам эшитилаётгандир!

Элмурод вагон койкасига ётқизилгач, Зебо аста унга энгашиб, ориқлаб кетган юзларидан, қонсиз лабларидан ўпди. У ўзини тутиб олган бўлишига қарамай титрарди, кўзида нам бор эди. Қулоғига айтгандек «мана кўришдик, азизим, ўксима, яранг ҳеч гапмас» дер эди. Унинг қўлларини беихтиёр кафтида эзғиларди. Шундоқ ҳам текис турган сочларини тузатарди, манглайини силарди. Элмурод ёпидаги ярадорнинг париги қўшнисига «эри шекилли, топишибдилар» деганини эшитди. Буларнинг барчаси Элмуродга тушдек туюларди. Вагон деразасидан қуёш Элмуроднинг шундоқ кўкрагига тушиб турарди, гўё Зебога «кўр, мана, сенинг муҳаббатингни сақлаган кўкраги бутун» демоқчи эди. Зебо, қуёш ҳали замон Элмуроднинг башарасига тушадигандек, дераза пардасини тортиб қўйди. Унга майин бир табассум туҳфа қилди-да:

— Ҳозир келаман,— деб эшик томонга йўл олди.

Унинг «ҳали сенга тўйганим йўқ, кўзим қиймайди-ю, лекин чиқишим керак, хизмат бурчим» дегани бутун хатти-ҳаракатидан, жовдираган кўзларидан кўриниб турарди. Барча ярадорларнинг кўзи унда эди. У эса фақат Элмуроддан кўз узмасди. У чиқди-ю, поезд ҳам жилди. Сал ўтгач, вагон ғилдираклари: «Оқ йўл! Оқ йўл» куйини

барала чалиб кетди. Лекин Зебо ҳамон қайтмас эди. Элмуроднинг кўзи у чиқиб кетган эшикда, нечун бу томондан очилган эшик энди у томондан очилмайди.

Элмурод қараб ётди. Назарида, узоқ қараб ётди. Вагонни кўздан кечирди: силлиқ, тоза, поллари мой томса ялагундай. Бирдан поезд қалқиб кетди. Вагонлар бир-бирига уришди. Койкалар ларзага келиб, яралар зирқирарди. Кимдир инграб юборди, бақирди. Шу пайт паровоз устма-уст босиб-босиб тревога сигнали берди. Ярадорларнинг қулоғи қоматга келди. Элмуроднинг ёпида ётган ярадор туриб ўтириб олди. Аллаким: «Ана бошланди!» деб юборди. Аммо бошланган парсанинг пималигини айтмади. Ўтирган ўрнидан аллақачон ирғиб турган Елена:

— Жим!.. Жим!.. Жойларингиздан қўзғалманг,— дер эди, ўзи эса кўзини деразадан олмасди.

Ташқаридан гумбурлаган овоз эшитилди. Вагон тепасидан самолёт визиллаб ўтди. Аллақайси вагонда қий-чув бошланди. Кимнингдир буйруқнамо овози қий-чувлар орасидан дадил янграрди. Поезд тўхтади. Ташқарида, поезд атрофида тартибсиз ҳаракат, шов-шув. Аниқ бир нарсани ажратиб бўлмас эди. Зебо елиб кирди. Бошлаб Элмуродга кўз ташлади. Елена билан кўзи тўқнашди.

— Орқадаги кийим-бош вагони ёнди. Қўрқманглар, самолёт қайтиб кетди,— деди Зебо ва югуриб чиқиб кетди.

У пастга сакраб тушди, зиналардан юриб тушишга сабри чидамасди. Санитарлар куяётган вагондан кийим-бошларни, одеялларни, яна қандайдир яшикларни ташқарига бетартиб улоқтирарди. Кимдир ёнаётган одеял ўрамини оёғи билан тепкилайди. Вагондан сал нарида хира кўзлари устига қалин қошларини уйиб туширив Иван Иванович турарди. Зебо унинг ёпига борди.

— Майли, қизим, кишиларга зарари етмаса, майли! Ярадорлар ётган вагонга тушса нима қилардик!

— Санитар поездлигимизни билиб туриб, бомба ташлади-я!— деди Зебо.

— Зўравонда ҳаё бўлмайди, қизим. Халқаро қоидалар улар учун сонларнинг чап томонига қўйилган нулдек гап. Қуруқ шакл!

— Яна келишяпти!— деб бақирди Зебо ва Иван Ивановичнинг енгидан ушлаб бир четга тортиб кетди.

Иван Иванович ўжар боладек орқасига тисланарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна тревога бошланди. Енгил яродорлар вагондан ўзларини ташлаб, турли томонларга таралиб кетдилар. Бир бомба тушди, иккита тушди. Уч... Пулемётлар тарилларди. Вагонлар ёнди, қий-чув авжга минди. Зебо ётган еридан бош кўтариб мундоқ қараса, Элмурод ётган вагон ёняпти. Чил-чил синган деразасидан Еленанинг «Ёрдам! Ёрдам!» деган товушини эшитди. Ёнига қараб Иван Ивановични кўрмади. У аллақаёққа ғойиб бўлган эди. Зебонинг кўзига ҳеч нарса кўринмади. Даҳшат босди. Қандайдир ички бир куч уни қий-чувлар, пулемёт тариллашлари орасидан елдириб кетди. У жон ҳолатда вагон тутқичига тирмашди. Кимдир уни оёғидан ушлаб «Чиқманг, шундоқ олов-ку!» деган эди, уни силтаб ташлади. Ўзини тамбурга олди. Аччиқ тутун бетига урди, димоғини ёрди. Пилоткасини қулоғигача бостириб, вагон ичига шошиб кирди. Аллақаери ачишди, жизиллади. Кўкраги тутунга тўлди. Ўхчиқ аралаш йўталди. Бир яродорни Елена опичлаб эшикка судрарди. Унинг чиқиб кетишига кўмаклашди. Елена нафаси қайтиб Зебога деди:

— У анави бурчакда!

Зебо у кўрсатган бурчакка ташланди. Ҳамма ёқ тутун. Одамни одамдан ажратиб бўлмайди. Кимдир Зебонинг қўлига ёпишиб олиб, бақирарди: «Қутқаринг!» Зебо уни судраб эшикка кетди. Йўлакда кимдир учради, унга узатди. Яна ўзи ичкарига қайтди. «Элмурод!» деб бақирди. Унга ташланди. Қучоғига босиб чиқишга интилди. Бироқ энди иложи йўқ, йўлини тўсиб кучли олов буралиб ёнарди. Деразага ташланди. У ҳам ёнарди. Элмурод оғриқдан инграрди. Инграш аралаш Зебога бақирарди.

— Мени ташла, ўзинг қоч. Барибир иккаламиз куйиб кетамиз.

Зебо қулоқ солмасди. Тўғриси, уни эшитмасди. Унинг этаги ёнарди. Сочлари жизғанак бўлган. Кўзлари даҳшат билан чақнайди. Муҳокама вақти эмас эди. Полда ётган одеялдан иккитасини олиб ўзи билан Элмуроднинг устига ёпди-да, Элмуродни даст кўтариб ёниб турган эшикка қараб юрди. Аллақаерга ўзини уриб олди. Нафаси қайтди. Одеялни устидан олиб отди, вагон тутқичига бир қўли билан ёпишди. Уддалаб тушолмай, Элмурод билан қўшалоқ бўлиб пастга аганади. Вагон атрофидагилардан иккиуч киши уларни кўтариб, оловдан, тутундан четга олиб кетди...

VI

Ўқ еб яраланган киши унинг оғриғини шу онда эмас, анча ўтгач, сезгандек, Мурзин ҳам кампирдаҳан немис билан бўлган учрашувнинг даҳшатли оқибатини бежирим машинага тушиб ўрмонга келгандан кейин, тўғрироғи, уни кутиб олган дўнг пешона, боксчиларники сингари қийшиқ бурун, бармоқларини юнг босган немис офицери билан суҳбат қилганда билди. У дорга шошиб чиқиб, ҳалтис ўйин қилаётган дорбозга ўхшарди. Лекин энди кечиккан эди. У аллақачон «кипдик»ка чиқиб бўлган, орқасига қайтишнинг иложи йўқ, энди бирдан-бир йўл чийриққача қандай бўлмасин ҳунар кўрсатиб йўрғалаши ва ўша томондангина тушиб кетиши мумкин эди. Лекин қандай қилиб? Чийриққача омон-эсон чиқа оладими, чиққани тақдирда ҳам тинчгина тушиб ола биладими? Буни у билмасди.

Уни кутиб олган дўнг пешона, бармоқларини юнг босган немис офицери очиқ юз билан қўл узатди. Эски қадрдондек соғлиғини сўради.

— Жанг майдонининг яраси — солдатнинг ҳусни. Энди яхшими? Чаласи бўлса, шу ерда кўрмагандек бўлиб кетасиз, — у бир дақиқа жим қолиб, Мурзинни бошдан-оёқ кўздан кечиргандек бўлди. Кейин мамнун табассумда деди:— Эҳтимол, кунлар келарки, яраланганингиздан ҳатто миннатдор ҳам бўларсиз. Эҳтимол, шу яраланиш келажак бахтингиз учун сабабдир. Яраланиш сабаб бўлдики, мана биз учрашдик, шундаймасми? Яна шу сабаб туфайли довруғ чиқарарсиз, давлат орттирарсиз. Кишининг бахтли бўлиб кетиши учун кичик бир ҳодиса кифоя.

Мурзин унинг гапига қулоқ солиб, лазаретдаги кампирдаҳан немис билан бу иккаласи бир қолипдаги кишилар эканига шубҳа қилмади. Ана шунда ўзини ўргимчак уясига тушган пашша ҳолатида сезди. Ўргимчаклар унга борган сари кўпроқ тўр тортарди.

Дўнг пешона, бармоқларини юнг босган немис офицери — хавфсизлик хизмати обер-лейтенанти Фунфаш эди. У рус тилини мукаммал билар, урф-одатларидан ҳам хабардор эди. У, Мурзинни бир хонага бошлаб кириб:

— Марҳамат, сизнинг истиқомат жойингиз шу ер бўлади. Арзингиз бўлса марҳамат, қулоғим сизда,— деди ва узоқ суҳбатлашиб ўтирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг суҳбатлашишидан кўра, Мурзинни синчиклаб ўрганаётгани очиқ кўриниб турарди. У бирдан сўраб қолди:

— Штраф батальонида қаттиқ қийналмадингизми?

Бу Мурзинга учун нутилмаган савол эди. Шундай бўлса ҳам, «демак, булар мени роса элакдан ўтказишган экан» деган фикрга келди-ю, ўзини тутиб олди:

— Эркинг ўзингда бўлмагандан кейин яхши бўлармиди!

— Тўғри, дунёда эрксизликдан ёмон нарса йўқ. Ҳатто, сайрашдан оғзи тинмаган паррандани қафасга солсанг жимиб қолади. У ҳам эркинликни севади.

Мурзин Фунфашни, совет қўшинлари ва қуролларининг турлари билан қизиқса керак, деб ўйлаган эди. Йўқ, ундоқ бўлиб чиқмади. У бу ҳақда оғиз ҳам очмади. Уни Мурзининг шахсий ҳаёти, баъзи масалаларга қараши қизиқтирарди. Лекин бу саволларни беришдан мақсади, шуларни билиш эмас, балки ўзида бўлган ва ўзига маълум фактларни бир-бир синовдан ўтказиб олишга ўхшарди.

Ўрта ёшларда, лекин ҳусни латофатини йўқотмаган, қизилиқизилга, оқи оққа ажралиб турган дўндиқ бир жувон эшик тақиллатиб кириб:

— Овқат келтирсам мумкинми?— деб сўради.

Унинг Фунфашдан эмас, Мурзиндан сўраши, Мурзинни ажаблантирди. Унинг хаёлига: «Наҳотки, менинг бугун шу ерда бўлишим, шу хонада ятишим, шу жувонга ҳам маълум бўлса» деган ўй келди. Чиндан ҳам бу оқ халатли, дўндиққина жувон аввалдан Мурзинга таништдеи, унга овқат келтириб берандек ўзини тутиб турар, уни кўздан кечиришга ҳам қизиқмасди. Мурзин нима дейишни билмай турар экан, обер-лейтенант Фунфаш:

— Меникини ҳам шу ерга келтиринг!— деди.

Бу иккиси учун жавоб эди. Дўндиқ жувон енгил табассум билан сал бош силкиди-да, чиқиб кетди. Бирпасдан кейин патнусда устига салфеткалар ёпиб овқат келтирди. Хонани ҳузурбахш ҳид тутди. Анчадан бери тотли овқат емаган Мурзиннинг оғзи сув очди. Бу дақиқада унинг ўнг кўзи ўртада турган вулдор графиндаги ароқни ҳам кўрмади.

— Сизга бизнинг шнапсдан кўра ўз ароғингиз яхши, шундаймасми?— деди ароқни авайлаб ўртадан олиб, бежирим стаканларга эҳтиётлаб қуяркан Фунфаш.— Рус

ароғини яхши кўраман. Дарров иштаҳангни очади. Асли эркакбоши шу. Бизнинг винолар ё кексаликни ё гўдакликни эслатади — мужмал. Жаз этиб ола қолмайди.

У «қани, нима деркансан» дегандек Мурзинга кўз ташлайди. Мурзин буни пайқаб, ичида: «Ҳа, ҳали шундайми?» деди-ю, сир бой бермади:

— Нега? Сизнинг винолардан маданият ҳиди келади. Ўқимишли кишилар бопи аслида ўша.

Бу Фунфашга ёқиб тушди:

— Тўғри, ўқимишлилар учун. Лекин сиз билан менга рус «оқи» дуруст.

Мурзин, немис офицерларининг мақтанчоқлик ва манманликда ҳаммадан ўтишларини кимдандир эшитган эди. Энди пайти келганини билиб, яна шу торни черта бошлади, шу билан ҳамсуҳбатининг пинжига кирди.

— Сиз ўқимишли эмасми? Қўйинг! Бизни авом деса бошқа гап. Ароқни яхши кўриб қолган экансиз, бу авомликдан эмас, ишқибозликдан.

Обер-лейтенант анча талтайди. Ароқдан кейин иштаҳа билан овқатланди. Лекин Мурзинни ароқ дарров оёқдан тойдирди, иштаҳасини бўғиб, миясини ғувиллатиб юборди. Буни анчадан бери ичмаганига йўйди-ю, ўзини тутишга уринди. Бўлмади. Буни обер-лейтенант пайқадими ёки ўзининг иштаҳага кириб кетганиданми, Мурзинни зўр бериб қистарди. Мурзин Фунфашда ёмон таъсир қолдиришдан қўрқиб:

— Заифман,— деди юраги устига кафтини қўйиб, гўё уни силаётгандай,— ҳам юракка, ҳам мияга урди.

— Баъзан шунақа бўлади, айби йўқ. Овқатдан олинг.

Фунфаш ўз овқатини пок-покиза тушириб бўлгач, «Рус ўрмони иштаҳани очиб юборар экан» деб, айбни ўрмонга қўйди-да, Мурзинга ётишни маслаҳат кўриб, чиқиб кетди. Чиндан ҳам Мурзин ўзини ёмон ҳис этарди. Ноилож диванга чўзилди. Беш минутлардан кейин идиш-товоқ учун кирган ҳалиги дўндиқ жувонни ҳам сезмади. Дўндиқ жувон столни йиғиштираркан, «ростдан уйқуга кетганми?» дегандек унга қараб-қараб қўярди. Жўрттага йўталиб, товуш ҳам берди. Мурзин эшитмас, бепарво, енгичка ҳуштак чалиб хуррак отарди. Дўндиқ жувон мийиғида кулиб қараб турди-да, кейин йўрғалаб чиқиб кетди.

Мурзин уйғонганда қоронғи тушган эди. У аматлаб бориб дераза пардасини тортиб юборди. Дераза парёғидаги ойдин шуни кутиб тургандек, ўзини бирдан ичка-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рига урди, хонани сутга кўмди. Енгил тун ҳавоси Мурзининг кўкрагини ҳузурга тўлдирди. У деразада ўтириб қолди. Ой кўтарилган... Дарахтлар орасидан тушган танга-танга нур енгил шамолда чайқалади. Хона олди оппоқ нур. Пироқлар эса ой нурлари етиб боролмагандек жуда қоронғи. Мурзин, ўз келажаги ўша томонда каби, у томонга тикилиб қолди. Шу ўтиришда қанча вақт ўтди, билмади. Бир маҳал обер-лейтенант Фунфашнинг:

— Ойдин тун гаштини суряпсизми? Арзийди. Бундай кўркам ўрмон туни киши умрида кам учрайди. Кўринг, қандай сирли ажиб тун,— деганини эшитди.

— Шундай...— деди.

— Рус ўрмони — хазина. Ҳам қалбингизни, ҳам ҳамёнингизни бойитади.

Фунфаш эшикни айланиб хонага кирди. Хонанинг қоронғилигини кўриб:

— Чироқни ёқмай-а? Тун ҳуснини бузади,— деди ва аста келиб Мурзининг ёнига ўтирди. Тун қўйнига кўзини тикди.— Сиз, руслар ўрмон тунининг гаштини биласизлар. Мен аввал «нима учун бу одам чироқ ёқмабди» деб ўйлагандим. Энди билдим. Тун кўркини бузмай деган экансиз.

Лекин Мурзининг хаёлига тун гўзаллиги келмас, у ўз тақдирини ўйлаб кўнгли қоронғи эди. Чироқ ёқишни унутган эди, холос. Мурзин истамаса ҳам обер-лейтенант Фунфаш билан алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришга мажбур бўлди. Бунга ўхшаган суҳбатлар яна икки кун давом этди. Учинчи куни Фунфаш кўзойнак таққан, узун, ориқ ва ингичка бир майор билан кириб келди. Унинг аллақаким билан уришиб аламини ололмай юрган кишидек авзойи бузуқ. У Гитлерга тақлидан шундоққина бурни остига кичик мўйлов қўйган, кекирдаги туртиб чиққан киши эди. Майор кириши билан Мурзининг юзига эмас, нима учундир оёғига қаради. Қўлларини галифесининг чўнтакларига чуқур тиқиб, бетакаллуф хона тўридаги диванга ўтиб ўтирди, дарров ёнидан папирос чиқариб чекди. Ҳеч кимни таклиф ҳам этмади. Унинг хатти-ҳаракатлари «бу ер менинг ўз уйим, нима истасам шуни қилишим мумкин, бу ерда хўжайин менман» деган маънони ифодаларди. У ўзига тутун тўлдириб лунжини шиширди-да, пақ этиб очиб юборди. Чалиштирилган оёғининг панжаларини ўйната бошлади. Ҳамон ҳеч кимнинг юзига қарамай, деди:

— Демак, биз билан бир ёқадан бош чиқаришга қарор қилдингиз! Бу яхши. Ҳақиқий йўл — шу. Табриклайман. Биз кишилар хизматини қадрлашни биламиз. Бу томондан хотиржам бўлинг.

У хонани энди кўраётгандек кўздан кечирди-да, обер-лейтенант Фунфашга немисчалаб нималардир деди. Шу хонани кўздан кечиришда буюмлар қатори Мурзинга ҳам бир назар ташлаб ўтди.

— Нега иштаҳангиз йўқ? Сизнинг соғлиғингиз бизга керак. Кўнглингиз тусаган овқатни айтинг, қилиб берадилар,— деди майор бир неча вақт ўтиргач бирдан.

Мурзин унинг обер-лейтенант Фунфаш томонидан хабардор қилинганини дарров англади. Яна орага сукут чўкди. Фунфаш билан Мурзин ҳамон хона ўртасида тик туришарди. Бунга майор парво ҳам қилмасди. Кўришишдан обер-лейтенант Фунфаш «охири хайрли бўлсин» деган ўй билан бутун диққатини хўжайиннинг оғзига, ҳаракатига тикиб турарди. У қимир этмас, гўё михлаб қўйилган.

Майор яна Мурзинга бир-икки назар ташлади-да, «Шундай!..» деб ўрнидан қўзғалди. Дераза олдига келиб, ташқарига қаради. Ҳуштак чалиб туриб қолди. Кейин бирдан ҳуштак чалишдан тўхтади-да, орқасига шартта бурилиб, Мурзиннинг кўзига тик қаради. Ҳар вақтдагидай русчани ямлаши билан деди:

— Сиз билан машғулотни обер-лейтенант Фунфаш олиб боради.

Шундан кейин Фунфашга «машғулотингизни бошлашингиз мумкин» деган маънода алланималар уқтириб, хайрлашмай чиқиб кетди. Уни эшиккача кузатиб чиққан Фунфаш қайтиб келиб, аввал пешонасини, юзини, кейин бўйинларини артди. Шу маҳал Мурзин унинг бўйни эмас, ҳатто бармоқларидаги ювгарининг ости ҳам терлаб кетганини кўрди. «Демак, бу майор катталари экан» деб қўйди кўнглида Мурзин, лекин сўрашга ботинмади. Деразага бир қараб, майор кўздан ғойиб бўлгач, обер-лейтенантнинг ўзи сўз қотиб қолди:

— Бошлиқ. Гиммлерда адъютант бўлган. Калтенбруннернинг эркаси.

Шу кундан бошлаб обер-лейтенант Фунфаш Мурзин билан радиоалоқа, сурат олиш ва шифровка ишлари юзасидан машғулот ўтказа бошлади. Машғулот маълум соатларда борарди. Бўш вақтларда ўрмон кезишар, ўз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларидан унча нарида бўлмаган кичик кўлдан қармоқ билан балиқ тутишарди. Фунфаш унинг ҳамишалик йўлдоши эди. Улар фақат тундагина ажралишар эдилар. Бир ҳафта ичида Мурзин турган ернинг қандай жой эканини яхши билиб олди. Бу ер каттагина ўрмоннинг очиқ майдони бўлиб, урушгача бу ерда ё болалар санаторияси бўлган ёки ўрмончилик бошқармаси жойлашган. Бу ерда катта, яширин иш олиб борилаётганига шубҳа қилмай қўйди. Буни Фунфаш ҳам гап орасида шипшитиб қўйди. Унинг айтишича, бу беш километр атрофида аҳоли яшамайди, борлари ҳам кўчириб юборилган. Атрофда айғоқчи постлар бор. Улар ўзи истиқомат қилиб турган бино анча паридан тиканли симлар билан уч қатор ўралган. Симларга товуш берадиган банкалар осиб ташланган. Ҳатто тунлари электр токи юритиб қўядилар. Гарвозада икки қаватли пост туради. Унинг икки ёнига доимий пулемёт ўрнатилган бўлиб, қошидан солдат жилмайди. Бу ерга кирувчи пропускадан ташқари, яна ўша кун учун тайинланган паролни ҳам билиши керак. Шунга қарамай, бу ерга турли маркали усти очиқ ва ёпиқ машиналар тез-тез келиб-кетиб туради.

Буларнинг барчаси Мурзинга жуда қизиқ туюларди, қандай қилиб бу ерга келиб қолганига ўзи ҳайрон эди. У лазаретда кампирдаҳан немис билан суҳбатлашганда унинг оқибати бунчалик даҳшатли бўлишини сира-сира хаёлига келтирмаган эди. У: «Мени бирорта заводга ёки ўзларига керакли ишга қўяр, пайти билан атроф-теваракни ўрганиб, кейин қочарман, фронтни бирор еридан ўтиб, ўз қўшинимизга қўшиларман, ҳеч бўлмаса партизанларга ўтиб кетарман» деб хаёл қилган эди. Йўқ, у ўйлаганча бўлиб чиқмади. У, бу даҳшатли ўргимчак уясига тушиб қолди. У келиши билан ювинтирдилар, кийинтирдилар. У кийиниб чиқиши билан Фунфашнинг: «Либос — инсоннинг илк паспорти!» дегани эсида. Кейин автобиографиясини ёздириб олдилар, қандайдир формали қоғозларга қўл қўйдирдилар. Ана шундагина ҳалигача қошида ўрмалашиб юрган обер-лейтенант Фунфаш ўз отини айтиб у билан танишди, шу-ну ундан ажралмайди. У ёлғизгина машғулотлар ўтказувчи муаллим эмас, уни кузатиб юрувчи киши ҳам эди. Бу аввалига Мурзинга ёқинқирамади —«Ишонмасанг, хизматга олиб нима қиласан?» Йўқ, кейинчалик ўрганиб кетди. Обер-лейтенант бўлмаса зерикиб қолаётгандек. Чунки шундай катта бинода у ҳеч

кимни кўрмас, фақат постда турган немис солдатлари-ю, онда-сонда у ёқдан-бу ёққа ўтган офицер кўзга ташланиб қоларди. Келгандан буён икки мартагина анави кекирдаги туртиб чиққан майорни кўрди. Мурзиннинг саломига такаббурона бош қимирлатиб ўтиб кетди. Фунфаш: «Уни неча марта кўрсанг, шунча салом бер. Бу керак» деб кўз қисганди. Бу гал майор унинг йўлини тўсиб чиқди. Саломига алик олмай, ўзи билан бошлаб бир хонага олиб кириб кетди. Бу унинг кабинети эди. Хонанинг тўрига фил оёқли вазмин, катта стол қўйилган, устига кўк мовут ёпилган. Бир четда радиоприёмник. Икки-учта телефон. Кабинет ўртасига тўшалган гилам поёндоз тўғри фил оёқли столга олиб боради. Икки деразанинг ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан пардаси бор эди. Девор остига қўйилган қатор стулларга пушти жиякли оқ чилофлар кийдирилган.

Майор шошинқираган қадамлар билан фил оёқли стол орқасига ўтиб ўтирди. Мурзинга ўтиришни таклиф этди. Мурзин шундоқ дераза остидаги стулга ўтирди.

— Мана бу томонга ўтинг!— деб майор дераза йўқ томонни кўрсатди.

У бир-икки савол бериб ҳол-аҳволини сўрагач, кейин машғулотларига ўтди. Приёмник ёнида турган фотоаппаратни олиб уни имтиҳон қилди. Радиоалоқа ва шифровка ишлари юзасидан бир неча саволлар берди. Мурзиннинг жавобларидан қаноат ҳосил қилдими:

— Фунфаш билан дурустмисиз? Касби демаса, ўзи уч пулга қиммат одам, ўлгудай ифлос, маҳмадона, мақтанчоқ,— деди.

Майор яна бир-икки савол берди.

— Парашютдан ташлаганмисиз?— сўраб қолди бирдан. Мурзиннинг жавобини савлатли кўзойнагининг тепасидан қараб кутди.

— Йўқ.

— Бу сизда жуда авж олган спорт-ку, тўғриси, ҳарбий машқ-ку?

— Билмадим, нечундир қизиқмаганман.

— Қизиқадиган жойи ҳам йўқ. Юқоридан пастга ташлаш катта санъат эмас. Пастдан юқорига бўлса эди, бу бошқа гап. Самолётда учганмисиз? Вассалом. Бу ёғи енгил.

Майор, Мурзинни кабинет эшигигача кузатиб, писанд қилмагандай кулгисимон сўраб қолди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега официантканғизни урдингиз?

Мурзин ҳеч нарса деёлмай қолди. Қизариңкиради. Майор ортиқ жавоб кутмай, кулгига ўхшаган бир нарсани юзига чиқариб, деди:

— Шимол ёввойи айиғисиз-да, ҳар вақт ёввойилигингизни қиласиз... Майли, бошқасини берамиз.

Воқеа бундай бўлган эди:

Дўндиқ жувон — официантка кириб-чиқиб юриб, Мурзинга суркаладиган бўлиб қолди. Гапирганда кулар, ҳар сўзида бир қичиқ қиларди. Баъзан тўла, сўлқилдоқ кўкрагини унинг елкаларига атай тегизиб туриб, қулоғига оддий сўзларни пичирларди. Бир гал қулоғига гапираман деб ўпиб қочди. Бир соатлардан кейин яна кириб, ҳеч нарса қилмагандай овқат қўйиб кетди. Кечқурун дераза-дан ташқарига қараб ўтирар экан, у ўтиб кетаётиб, кўзини қисди, лабини ғунча қилиб чўччайтирди. Қайтиб ўтишида ўпиш аломатини қилди.

Мурзин кечки овқатни аллақачон еб бўлган, идишларни олиб кетиш пайти ўтиб кетган бўлса ҳам, ҳадеганда кирмади. Қош ҳам қорайди. Ҳалигина юксак, новча дарахтлар ичида шамдек лип-лип этиб турган шафақ сўнди. Қоронғилик чўкди. Лекин Мурзин одатдагидек чироқ ёқмай (у чивиндан қўрқарди) ёлғиз ўтирарди. Бир маҳал дўндиқ жувон кириб келди.

— Вой, мунча қоронғи,— деди у остонадан ҳатлаб,— идишларимни қанақа қилиб йиғиштириб оламан.

— Мана ҳозир чироқ ёқаман,— деб Мурзин интилган эди, жувон «Йўқ, йўқ, керак эмас» деб қаршилик билдирди.

— Қандай яхши, ҳамма ёқ қоп-қоронғи!— деди жувон Мурзиннинг қошига келиб.— Маъшуқаларингиз эсингизга тушаётгандир-а! Ё тушмаяптими? Тушмаётгандир? Қоронғи сирли ишларни киши ёдига солади. Сизга ҳам шунақа бўладими?

Жувон суркалиб бориб Мурзиннинг елкасига бошини қўйди. У дир-дир титрарди. Унинг товуши ҳам титраганини Мурзин боя гапирганда пайқаган эди. Жувон зўр бериб, «бераҳмсиз, инсофингиз йўқ» дерди, унинг қўлини ғижимларди, қисарди, титрарди. Унинг нимага шама қилаётганини Мурзин сезиб турарди. Қанча қилмасин бўлмади, юрак уриши тезлашди, тиззаси зириллаб, кўз олди жимирлашиб кетди. Аста у томон бурилди. Жувон худди шуни кутиб тургандек «Бағрингизга тортиб қучоқлашинг ҳам билмайсиз-а!» унга ўзини ташлади, титраган дудоқлари билан Мурзиннинг лабига ёпишди. Унинг нафаси тиқилиб энтикарди. Мурзин ҳам энтикиб, шу дақиқада бутун оламни унутиб, дўндиқ жувонни бағрига тортганда жувон инграб юборди, қовурғалари қирсиллади. Жувон Мурзиндан чаққонроқ ҳаракат қиларди. Лабларини сўриб узиб олай дерди. У бирпас ёниқ бўсадан ўзини тийди-да, Мурзиннинг мушукникидай чақнаб турган кўзига боқди:

— Ўзингизни ортиқ қийнаманг,— деди у ва дераза пардасини аста туширди...

Шу кундан бошлаб жувон Мурзинни ўзиники қилиб олди. Ҳар кирганда бир янги карашма, қичиқ билан чиқиб кетарди.

Бир куни Мурзинни бошлиқ чақириб қолди. Қайтиб келса, обер-лейтенант Фунфаш жувон билан нимандир жиддий гаплашмоқда. «Фунфашнинг бу жувонда нима жиддий гапи бор экан?» деб қизиқсиниб қолди, ундан кейин дўндиқ жувоннинг келгандан бери фақат энди сокин ва жиддий туришини кўрган эди. Оёқ учида даҳлизга кирди-ю, хонага қулоқ солди.

— Хўш, қалай?— деди Фунфаш.

— Яхши, қўлга олдим,— жавоб қайтарди жувон.

— Бу томони сизга керак, анави томонини гапиринг. Юраги тозами?

— Ҳали синаб кўрганим йўқ.

— Иссиқ қучоғида эриб, ишни эсдан чиқарибсиз-да.

Жувон жавоб қайтармади. Бирпасдан кейин Фунфашнинг «Тезлатинг!» дегани эшитилди. У Мурзинни пайқадими ёки ўзичами, бир-икки йўталди, оёқ товушлари эшитилди. Мурзин кирганда жувон тушлик овқат сузарди. Чиқиб кетаётиб, Мурзинга қичиқ билан кўзини қисди.

Мурзин ароқ тўлдирилган қадаҳга қўл узатаркан, Фунфаш кулиб деди:

— Қичиғ-а? Қучоққа тортяпсизми? Ўзи ҳам сизни деб ўлиб юрибди-да. Турган-битгани поз-карашма,— у бир зарб билан қадаҳни бўшатди, вилкага закуска илди, аммо оғзига солмай, сўзида давом этди.— Мендан сизни сўраяпти, кўнглини олсам майлими, дейди. Ихтиёринг, дедим. Бўш келманг, Мурзин, ўладиган дунёда сизу биздан нима қолади — ўйнаб-кулганимиз-да!

— Хўжайин билиб қолса, тағин...— Мурзин жўрттага мужмал гап қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фунфаш закуекани оғзига тўлдириб, юнг босган бармоқлари билан қошиқ олди.

— Хўжайин билса эмиш. Бунақа ишлар бўлмасин деса, ёш жувонларни ишга олмасди. Ўзиникини кўрсанг, бир дунё қичиқ, диркиллагангина. Бир офицеримиз кўз ташлаган экан, бахтини қора қилди. Бўлмаса, ўзи ҳеч нарсага ярамайди. Ёш жувон учун кучли билак ҳам керак-да! Лаббай?— У яна уриштириб ароқ ичди.— Хўжайин буларни жўрттага сақлайди. Сизга ўхшаган ёшларнинг хаёли чувалмасин, шаҳвати миясига тепиб кетмасин, деб олиб қўйибди, ҳа, бу ёғини ҳам билиб қўйинг. Кўп тортинчоқ бўлманг.

— Шуни хотинларнинг ўзи ҳам биладими?

— Бўлмасам-чи! Билмаса, сизга ҳар қадамда бир қичиқ қилармиди! Ё сизга қилмайдими? Қилар!

Мурзин эса шу лаҳзада бу жувонлар ёлғиз йигитлар кўнглини овлаш учунгина эмас, бошқа вазифаларни бажаришлари, Фунфашнинг жувон билан қилган суҳбати ҳақида ўйлаб ўтирарди. Энди дўндиқ жувон билан бундан буён қандай муомалада бўлишни ўйларди. Уни тўғридан-тўғри ҳайдаб юборса, бир нарсани сезган бўлади, сўрасалар очиқ айтиши керак, у билан алоқасини узмаса панд бериб қўйиши мумкин — ахир илонни қўйинга солиб бўлмайди-да!

— Шу жувон ўзи ким, немисми?— сўради Мурзин.— Гусчани яхши билади.

— Буни-ку аниқ билмайман, лекин бунақаларнинг кўпи сизнинг революциядан қочган муҳожир оилаларидан, икки тилни ҳам билишади.

Овқатдан кейин ҳазми таом қилиб иккиси кўлга кетишди. Узоқ балиқ тутишди. Нима учундир бугун балиқлар патир-путур тушарди, олти қармоқдан олиб улгуришмасди. Сув тиниқ, енгил шамолдан сув бети барра тусига киради. Қирғоқдаги қамишлар чайқалиб, укпар бошларини тўзитади, сирли-сирли шивирлашади.

— Балиқ шўрва қайнатишни биласизми?— деб қолди Фунфаш.

— Ҳа,— деди Мурзин ва анчадан бери қизиқиб юрган бир нарсани шу маҳал сўрашга қарор қилди,— бизнинг томонларда бўлганмисиз дейман-а?

— Бўлганга ўхшайманми?

— Балиқ шўрвани яхши кўришингиздан бўлганга ўхшайсиз.

Обер-лейтенант Фунфаш бир дақиқагина жим қолиб, сув бетида липиллаётган пробкага кўзини тикди-да, ўйланиб кетди. Мутахассис сифатида ўттизинчи йилларда ёлланиб Совет Иттифоқига кетгани, Уралдаги кўп катта заводларда ишлагани, жосуслик ва қўпорувчилик ишлари олиб боргани, қўлга тушай-тушай деб қолганда бир амаллаб қочиб улгургани — ҳамма-ҳаммасини шу бир неча дақиқада хаёлидан ўтказди. Оғир бир уф тортиб:

— Бўлганман, дўстим, бўлганман. Ҳаммасини кўрганман. Озмунча соғлиғим, асабимдан ажралган эмасман у томонларда. Мана бу қирчанғи майорлар нима кўрибди. Оппа-оғайнигарчилик билан унвон, мансаб олиб юрибди-да. Қўрсликдан бошқа на илми, на ҳунари бор. Ҳамма ишни биз қиламиз. Сизга ўхшаганлардан озмунчаси қўлимдан ўтганми! Шу кунда бештаси бор.

— Шу ерда-я?— ажабланиб сўради Мурзин.

— Соддасиз, дўстим, соддасиз. Шундай бино, шунча ашқол-дашқол, шунча одамни ёлғиз сиз учун тутадими!

Сирни фош қилиб қўйганини тушундими, Фунфаш бошқа ҳеч нарса демай, ўзининг СССРда кўрган-билганларини ҳикоя қилишга ўтиб кетди. Улар зонага қайтганда кеч кирган, кечнинг салқин шабадаси бевақт сарғайган барглари шарт-шарт узиб ерга отарди. Қушлар кундуз билан шошиб-пишиб чуғурлашганича хайрлашарди.

Мурзинни «ўзиники» қилиб олган дўндиқ жувон ижозат сўрамаёқ овқат олиб кириб столга қўйди. Чироқ ёқди, патнусни бўшатиб олиб, Мурзинни овқатга таклиф этди. Энди эркаликка ўзини чоғлаган эди, Мурзиннинг кўзи қизарганини сезиб қолди:

— Йиғладингизми? Нега?

— Менми? Йўқ,— ўзини дадил тутди Мурзин,— бу чивинларнинг қўлидан менимас, сизни ҳам йиғлатиш келади. Бошқа жой қуриб қолгандай, кўзимга ўзини урса бўладими. Бояқдан бери қичишади. Қаранг-чи, шишибдими?

Дўндиқ жувон унинг кўзини чироққа солиб қаради. Эркалик қилиб кўзларини силади:

— Ўша чивинни тутиб қўймабсиз-да, нақ кўзларига игна тиқардим. Қуриб кеткур, келиб-келиб сизга ёпишадими! Анави солдатларга ёпишсин, фашистларга ёпишсин, наҳот сизнинг кўзингизга кирса!

— Нима дединг? Фашистларга?! Яна бир такрорланг! Йўқол! Йўқол! Йўқол, партизан! Большевичка!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мурзин асабдан титраб бориб, унга мушт кўтарди, лекин урмади, бўралаб сўкди-ю, эшикдан итариб чиқарди.

— Бу ерда энди изингни кўрмай, энди кирсанг нақ ўғриб ташлайман!— деб қолди кетидан.

Ҳодисанинг бунчалик тус олишини кутмаган жувон эсанкирагапича маст одамдек гандираклаб, мурдадай қути ўчиб чиқиб кетди. Идишларни йиғиштиргани бошқаси кирди. Буниси вазмин эди.

Бир кун қоқ тушда Мурзинни машинага солиб, аэродромга олиб бордилар. У ерда бир офицер парашютдан сакрашни ўргатди. Вишкадан ўзи ташлаб кўрсатди. Кейин Мурзин сакради. Кечгача бу машқ бир неча марта такрорланди. Кун оққанда улар парашют билан самолётга ўтирдилар. Самолёт осмонга кўтарилиб, аэродром тепасида бир-икки айланди. Учувчи кабинаси тепасида кўк чироқ ёнди. Мурзинни сакрашга ўргатган немис самолёт эшигига келиб «Кузатинг мени» деди-да, ўзини ерга отди. Унинг соққадек думалаб кетганини, салдан кейин оппоқ чодир унинг гавдасини кўрсатмай қўйганини, у оқ чодир чайқала-чайқала тушиб бораётганини бемалол кузатиб турди. Самолёт яна бир доира ясаб, ҳалиги кўк чироқни яна ёқди, Мурзин ўз устози сингари, энгашиб келиб эшик четини тутди. Лекин ташлашга юраги дов бермай бир неча лаҳза туриб қолди. Самолёт мўлжалдан ўтиб кетди. Учувчининг ғудуллаб сўкинғани эшитилади. Бу сакраш қанчалик қўрқувли кўринмасин, Мурзининг кўнгли равшан, ёруғ эди. Гўё шу сакрашгина бугун машаққатлардан қутқарадиган, муродига етказадиган бўлиб кўринарди. Шу лаҳзада у юрагининг қўрқувданми, севинчданми ураётганини аниқ билмасди. Иккиси қўшилиб кетган эди. Яна кўк чироқ ёнди. Мурзин кўзини чирт юмиб сакради. Парашют очилиб, лапанглаб, тушиб бораётгандагина ўзини тутиб олди, атрофга кўз ташлади. Омон-эсон қўнди. У зонага қайтиш учун машина олдига келганда Фунфашнинг ёнида савлатли кўзойнагини йилтиллатиб ориқ майор ҳам турарди...

— Бу катта санъат эмас демовдимми?— деди Мурзинга у ўзининг кабинетидаги суҳбатни эслатиб.— Яна бир-икки сакрасангиз кифоя. Кейин, парашютчиман, десангиз бўлади.

Мурзин зонага қайтгач, ўзини қўйгани жой топмай қолди. У беҳад хурсанд эди. Демак, Фунфашнинг айтгани тўғри, у немис разведкасининг агенти сифатида германсовет фронтининг орқасига ташланади. Бу кун яқин. Мана, парашютда ташлашни ҳам ўргатдилар. Энди нима қолди? Топшириқ бериш. Буни ҳам берадилар, кейин хайр-хўш. Лекин ундай бўлиб чиқмади. Эртасига яна аэродромга олиб кетдилар. Кечаги машқ — сакраш давом этди. Бугун у икки марта самолётдан ташлади. Кечқурун у билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Ҳатто Фунфаш ҳам сўнгги кунларда унинг олдига кам кирадиган, бу атрофда кам кўринадиган бўлиб қолди. Мурзин буни «бу менга ишонганларидан» деб тушунди. Чиндан шундай эди. Унга энди ишонардилар, айниқса дўндиқ жувон воқеасидан кейин, шубҳасиз, ишонадиган бўлиб қолдилар. Ҳа, айтгандек, у дўндиқ жувон қаёқда? Нега кўринмайди? Оберлейтенант Фунфашдан сўраганида «Соғиндингизми?» деди-ю, маъноли кулиб қўя қолди — демак яна кимнингдир пинжига кириб, сув илондек жилпанглаб юрибди. Ахир Фунфаш «сен бу ерда ёлғиз эмассан» дейди-ку.

Кечқурун ориқ майор чақириб, кўзойнаги тепасидан қараганча, олган машғулотларини синовдан ўтказди.

— Ҳеч қандай саволингиз йўқми? Тортинманг, сўраб олинг. У ерда бу ердагидек ўргатувчингиз бўлмайди.

— Ҳозирча ҳаммаси равшан.

— Ҳозирча эмас, келажак учун ҳам ҳаммаси равшан бўлсин.

Мурзин индолмади. Чиндан ҳам ҳамма нарсани биладими, ўргатганлари ёдидами, айтолмасди. Бир неча кунки, унинг хаёли бошқа нарсалар билан банд. Бу — у томонга омон-эсон тушиш, Анна Ивановна билан учрашиш. Шундан бошқа нарса унинг хаёлига келмас, қулоғига кирмас эди.

— Демак, мамнунсиз, ҳамма нарса равшан. Бу яхши,— салмоқлади у. Кейин бирдан:— Сизга юклатиладиган вазифанинг жуда масъулиятли эканини биласизми?— деди.

— Йўқ.

— Парашютдан сакрашга ўргатишимиздан ҳам пайқамадингизми?

— Парашютдан кўп томонга, ҳатто кутилмаган ёққа сакраш мумкин,— кулги билан ўзини гўлликка солди Мурзин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўз ватанингизга сакрайсиз,— деди майор, у сўзини тугатиши билан хўмрайгандек жиддий. Папирос тутатди. Лунжига тутун тўлдириб, шиширди-да, кейин чиқариб юборди. Тутун шунчалик қуюқ эдики, ундан юзи мурданикига ўхшаб кетди, савлатли кўзойнагига қиров қўнгандек бўлди.— У ерда бизнинг кишимиз бор, у билан богланасиз. У сизни ишга жойлайди, топшириқ беради.

— Мен ҳарбий ёшдаман-ку?— ажабланди Мурзин.

— Пул ҳар қандай қулфга тушадиган калит. Тушундингизми? Тафсилотини учиш олдида оласиз. Менга саволингиз борми? Эртага тунда учасиз, тайёрланинг.

Мурзин бу бир кунни қанақа қилиб ўтказишни билмай қолди. Кун бўйи унинг ёнидан Фунфаш ажралмади. Ундан баъзи парсаларни сўраса, у жавоб бермас, елкасини қисар, ёки «майор билади» дер эди. Унинг ташвишланаётганини Фунфаш яққол сезарди. Бир маҳал Мурзин сўраб қолди:

— Ёлғиз ўзим учаманми?

Фунфаш аввалига елкасини қисиб турди-да, кейин:

— Ёлғиз бўлмасангиз керак,— деди,— юрагингиз увушмасин. Бундай ишда асли ёлғиз бўлиш яхши.

— Сабаб?— тушунмади Мурзин.

— Ким билади, шерикларингиз қандай кишилар бўлади, у томонда панд бериб қўйиши мумкин.

— Ундай бўлса ёлғиз учаман.

— Бу сизнинг ихтиёрингизда эмас,— мийиғида кулди дўнг пешоналарини йилтиллатиб Фунфаш.

Қоронги тушиши билан майор, Фунфашни чақириб қолди. Бепарво ўтирган Фунфаш титраган қўллари билан ўзига оро бериб, елиб кетди. Мурзин «ҳаракат бошланди» деб қўйди ичида. Обер-лейтенантни орқасидан кузатиб қолди. Унинг йўл-йўлакай кителини текислаб йўрғалашига кулгиси қистарди. Мунча қўрқмаса, Азроил бўлиб жонини оладими? Ҳа, у ростдан ҳам майорнинг ўзидан эмас, унинг совет-герман фронтига юбориб қўйишидан қўрқади.

Фунфаш кириши билан майор унинг юзига қарамай сўради:

— Хўш, қандай янгилик бор?

— Эскича,— тик қотиб, фақат лаби билан деди Фунфаш.

— Иповса бўлади, шундайми?

— Бу саволга жавоб беролмайман, жаноб майор,— ёлворгандек сал букчайиб жавоб қайтарди.

— Эртаю кеч бирга бўлган сиз билмасангиз, ойда бир кўрган мен биламанми?

— Одам боласининг оласи ичида бў...

— Бас! Бас! Важ ахтарманг. Тайёрмисиз?

— Тайёр, жаноб майор!— деди бу гал дадил Фунфаш.

— Чақиринг уни!

Фунфашнинг орқасидан кирган Мурзин гилам пойдозга бир қадам қўйди-ю, тўхтади. Майор унга бир назар ташлади-да, стол тортмасидан қоғоз олиб, уни лаб пичирлатиб ўқиди. Фунфашни чиқиб кетишга ишора қилди. Ундан кейин столни айланиб ўтиб, Мурзиннинг елкасига ўликникидай қонсиз, томирлари ўйнаб кетган қўлини қўйди, жилмайди.

— Марҳамат, йигит,— деди унга жой кўрсатиб,— биздаги сафарингиз тугади. Душманларча учрашиб, дўстларча хайрлашяпмиз. Аминман, ўз хизматларингиз билан ташаккурларга сазовор бўласиз. Ғалабадан сўнг учрашамиз, албатта учрашамиз!

Шундан кейин Мурзинга йўл-йўриқ берди. Қаерга бориши, ким билан учрашуви, пароль, ўзи билан олиб кетажак пулнинг миқдори, алоқа аппарати ҳақида гапирди.

— Пулнинг ўн мингини ўзингизда қолдиринг. Шунинг ичида сизнинг уч ойлик маошингиз ҳам бор. Шаҳарга чиқмаганингиз учун қўлингизга бермаган эдик, энди айш қиласиз, қолганини Виктор Викторовичга топширинг. Хат ҳам унга. Сиз ҳали ёшсиз, тажрибангиз кам, шуни унутмангки, бизнинг ишда қоғозга ёзишдан кўра хотирага ёзиш афзалроқ. Имкон борича, ҳаммасини ёдда сақлаш керак. Хотира ҳеч нарсани йўқотмайдиган, эзмайдиган, кўзга ташланмайдиган, қўлга тушмайдиган тилла сандиқ. У ёнмайди ҳам, чўкмайди ҳам. Ҳар вақт ўз тақдирингиз ҳақида камроқ ўйланг. Ана шунда юриш-туришингиз, гап-сўзингиз, ранги рўйингиз ҳеч нарсани ифода этмайди, кишиларда шубҳа туғдирмайди, хотиржам бўласиз.

— Қани энди бу ёққа марҳамат!— У ўзи кабинет бурчагида турган кичик, думалоқ столга йўл бошлади. Графин устидаги салфеткани олиб, икки стаканга вино қуйди. Бирини Мурзинга узатди:— Марҳамат! Душманларча

www.ziyouz.com kutubxonasi

учрашиб, дўстларча хайрлашаётганимиз учун! Муваффақият учун! Оқ йўл!

Майор ҳамроҳини кутиб ўтирмай, қадаҳни орқа юзида жуда катта кўринган, юпқа лабли оғзига ағдарди, олма тишлаб закуска қилди. Нечундир савлатли кўзойнагини тузатиб қўйди.

— Энди боринг, Фунфаш кутиб тургандир,— деди унга ингичка-ингичка бармоқли нимжон қўлларини узатиб. Кабинет эшигигача кузатиб қўйди.

Чиндан ҳам Фунфаш уни кутиб турар экан, кириши билан:

— Мунча хаялладингиз? Майор цицеронлик қилди, дейман. Қани бўлинг, мана бу кийимларни кийинг. Ҳужжатингиз чўнтагида. Мана бу тўппонча, ҳар эҳтимолга қарши,— деди у ва унинг олдига кийим-бош ва тўппонча қўйди,— пул билан аппаратни аэродромда берадилар. Тўппонча ўқлоғлиқ.

— Бир жуфт граната ҳам бўлсайди,— деди Мурзин кийинаётиб.

— Кимага? Жангга кирмоқчимисиз?— дўнг пешонасини йилтиллатиб кулди Фунфаш.

— Тўппонча ишламай қолса, бирор ҳалокат бўлиб йўқотиб қўйсам, дуч келган кишига қўл кўтараманми? Ким билади, олдинда мени қандай ҳодисалар кутяпти?

— Ваҳима қилманг. Учишингиз яқинлашган сари юрагингиз пўкиллаяптими? Дадил бўлинг! Ҳеч нима бўлмайди!— деди Фунфаш ва хонадан чиқиб кетди. Бирпасдан кейин иккита граната билан кириб келди.— Марҳамат, хўжайин рози!

Улар аэродромга борганда кун бўйи кўкда нурсизгина сузиб юрган ой энди ботган, юлдузлар кўк юзида ўз кўркини кўз-кўз қиларди. Ана бири шўхлик қилгандек жойидан кўчиб, тилла ип тортди-да, бошқа бири кетидан қувиб кетди. Тун сокин. Ана шу сокинликнинг ўзи товуш бераётганга ўхшайди. Мурзин ана шу сокинликни тинглаб, унга қулоқ солиб ўтирар экан, севинишини ҳам, қайғуришини ҳам билмасди. У қоп-қоронғи тунда нотаниш кўчадан биринчи марта кетаётган кишига ўхшарди. Улар гуриллаб турган самолёт қошига боришди. Бу ерда ориқ, узун ва ингичка майор ва яна бир офицер бор эди. Улардан сал орқароқда мотоцикл турарди. Унинг олдида бир киши нима биландир машғул эди. Мурзиларни кўриши билан, у бир маска келтириб Мурзинга тутди.

Ориқ майор «Кийинг!» деди. Улар самолётга чиқишди. Унда яна беш киши маскада ўтирарди. Фақат Фунфашдагина маска ва парашют йўқ эди. У кузатарди. Мурзин дарров «булар ҳам менга ўхшаганлар экан, бир-биримизни таниб қолмаслигимиз учун бу ниқоб» деган фикрга келди, Фунфаш кўрсатган ерга ўтирди. Салдан кейин мотор яна бардамроқ гуриллади, самолёт бир лопиллаб юриб кетди. Мурзиннинг юраги гуп-гуп ургандан самолёт қачон ва қандай қилиб ердан кўтарилганини билмай қолди. Ўн минутлардан кейин Фунфаш:

— Сиз биринчи ташлайсиз,— деди.

«Нима учун?» деди ўзича ичида Мурзин, дарров жавоби ҳам дилига келди: «Булар мендан кўра ичкарироққа ташланса керак», шу фикр бошига келди-ю, у жойидан қўзғалди.

— Қаёққа?— сўради Фунфаш.

— Ҳожатхонага!

— Ҳув ана, орқада, тезроқ!

Мурзин орқага ўтиши билан беихтиёр титрай бошлади. Фурсат ғанимат. Томчи томиб бўлгунча дарё оқиб битадиган. Юзи ўзгарди. «Яхши ҳам маска бор!» деб қувонди. Титраган қўллари билан иккала гранатага ҳам запал солиб қўйди. Ўзини аранг босиб жойига чиқиб ўтирди. Чўнтагидаги гранатани ушлаб-ушлаб қўярди. Самолёт бир қанотини қийшайтирди, доира ясай бошлади.

— Қани туринг!— деди Фунфаш Мурзинга.— Етдингиз!

Гранаталарни чангалида тутамлаганича Мурзин жойидан қўзғалди. «Ҳаф сеними!» дегандек Фунфашга бир қараб қўйди. Эшикка яқинлашиб, икки гранатани устмауст самолёт ичига ирғитди-да, ўзи шўнғиб кетди, фақат обер-лейтенант Фунфашнинг «А... а... а!» деб қичқирғани қулоғида қолди.

Самолёт сайҳонлик тепасида бир доира ясаб, кейин бирдан қора, тўқ сариқ аланга чиқарганича шўнғиб кетди. Мурзин парашютда тушаётиб буни аниқ кўрди ва хотиржам бўлгандек эркин нафас олиб сойликка тушди. Лекин бирдан бошланган қий-чув уни шошириб қўйди. Унинг назарида оломон бостириб келарди. Йиғиштираётган парашюти ҳам қўлидан чиқиб, жонҳолатда қочиб қолди. Орқасидан кишиларнинг «Тўхта! Тўхта!» деган товуши барала эшитиларди. Бу Мурзинни бат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тар қўрқитди. Қўли тўппонча қинига борганини ва ундан тўппонча олиб, ўқ узганини ҳам билмай қолди. Лекин ўқнинг қаёққа кетганини сезмади. Сал ўтмай оломон олдидан тўсиб чиқди. Ноилож қолган Мурзин «Ўзимизникиман! Ўзимизникиман!» деб қўл кўтариб, орқасига чекина берди. Илдам етиб келган оломон уни ушлаб, қўлларини орқасига чандиб ташлади. Кимдир бир-икки мушт тушириб қолди. Кимдир йўғон, ҳокимона товуш билан пўписа қилди:

— Эсингни йиғ, халойиқ, қизишма. Эҳтимол бу зўр жосусдир, кўп чигал ипларнинг учини топиб берар. Тегма!

Халқ қий-чуви тинган бўлса ҳам, Мурзиннинг башарасини кўришга интилувчилар кўп эди.

Бир оздан кейин ҳалиги йўғон товушли киши билан яна бир неча киши Мурзинни олдиларига солиб район марказига олиб кетдилар.

VII

Куйиш баҳона бўлди-ю, Зебо кўп эмас, оз эмас йигирма беш кун ётиб олди. Бу орада тортган азобини ёлғиз ўзи билади-ю, уйқусизлик ва ўйлашдан икки кўзининг икки ёнига нурдек таралиб кетган майда ажинлар гувоҳлик беради. У ўзи учун эмас, Элмурод учун кўпроқ куярди. Унинг яраларини қай даражада эканини врач сифатида бутун тўлалиги билан ҳис қилар, унинг оқибатидан нималар рўй беришини бутун даҳшати билан тасаввур этар эди. Унинг устига, ўша куни куйган вагондан олиб чиқаётиб, бирга йиқилганда Элмуроднинг соғ оёғини синдириб қўйганини айтмайсизми! Қорнидаги ярасининг қайтадан тикилгани-чи! Буларнинг ҳаммасига бардош бериш учун азамат гавда, метин ирода керак. Зебо Элмуроднинг яшашга бўлган оташин интилишига, иродасига шубҳа қилмаса ҳам, танасининг фронтнинг очиқ-тўқин ҳаётида заифлашиб қолганидан шубҳаси бор. Фронт, ахир, ўз оти билан фронт-да. Унда йўғонлар чўзилади-ю, ингичкалар узилади.

Икки ўртада бўзчининг мокисидек серқатнов бўлиб турган бечора она нима қилишини билмасди. Бу ёққа кетса Зебо, у ёққа борса Элмурод бутун диққатини қулоққа айлантириб кўзига термилар, оғзини пойлар эди:

«Қани тезроқ айт, унинг аҳволи қалай? Докторлар нима дейди?» Умрида ёлғон гапирмаган она, ночор қолиб баъзан ёлғон гапиришга ҳам мажбур бўларди.

Шундай қилишга Иван Иванович, Елена ва Зебонинг аллақандай она танимаган меҳрибон дугоналари маслаҳат берарди. Бу, албатта Зебога етказиладиган хабарга тааллуқли. Зебо ҳақида Элмуродга ҳадиксиз ростини айтавериш мумкин, бу ҳақда унга маслаҳатчи, ган ўргатувчи керак эмас, унинг олдига «бугун нима десам экан, нима десам ишонади-ю, кўнгли тинчийди» деган ўйлар билан минг турли режа тузиб кириб бормайди. Унинг устига, Элмурод Зебонинг яраси унча оғир эмаслигини ўзи яхши биларди, шунинг учун Зебодек кўп саволга тутмайди. Чиндан ҳам Зебонинг дарди енгил, вақт унинг энг асосий дори-дармонларидан бири эди, унга сабр ва осойишталик бўлса кифоя. Ана шу энг зарур осойишталик ва сабр етишмасди. У ҳамма нарсани унутар, ҳатто бир маҳаллар меҳр-муҳаббат билан оро берган оппоқ юзларининг куйишдан доғ бўлиб кетгани, кўксига соя ташлаган ўсиқ киприкларининг куйиб битгани, қўнғир сочларининг жизғанак бўлгани хаёлига келмасди, гўё булар энди унга керак эмас, буларсиз яшаши ва бахтли бўлиши мумкин. Ахир бир маҳаллар «қиз бахтининг гаровларидан бири шу» деб фахрланмасмиди? Қани ўша Зебо? Уни биров алмаштириб кетганга ўхшайди. У ўзининг хунук бўлиб кетганини, Элмуроднинг кўзига ёмон кўриниши, унинг совиб қолишини ўйламайди, фақат тезроқ оёққа туриб, Элмуроднинг ҳузурига борса, унинг турса суянчиғи, ётса ёстиғи, ўтирса суҳбатдоши бўлса, дардини баробар бўлиб тортишса!

— Ойи, ростини айтинг, жон ойи, чиндан у енгилми?— дейди у, онасини ютиб юборгудек термилади ва шу билан бир вақтда, унинг сўзларига ишонқирамайди. Уни ҳеч қачон алдамаган севимли онасига бу гапларнинг оғир ботиши, ўкситиб қўйиши мумкинлиги унинг фикридан йироқ. Яна туриб-туриб: «Наҳот, онам мени алдаса! Мумкин эмас!» деб ўзини босади, ўзига далда беради.

— Ҳа, рост, болам!— дейишдан нари ўтолмайди она бечора. «Гапимга ишонавергин, болам, шундай қилсанг яхши бўлади» деб маъюс-маъюс боқади хира кўзлари. Баъзан дудуқланиб қолади, сирни очиб қўяй дейди. Шундай пайтларда кўчага чиққач: «Ёлғонни уддалаб гапиришга ҳам уқув керак экан», деб қўяди, катта бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

жипоят қилаётгандек кўнгли хира, табиати кир бўлади. Кундан-кунга оғирланиб бораётган Элмуродга жони ачийди, бағри куяди. Ахир у ҳам бир фарзанди эмасми! У фронтга кетганда худди ўғли Камолга тилагандек кўзда ёш билан: «Ой бориб, омон кел. Олгину олдирмагин, енггину енгилмагин!» деб оқ йўл тиламаганмиди? Ҳафтада бир келса ҳам уйида ўрни йўқланмаганмиди? Ана шу севимли киши шамдек эриб, сувсиз қолган гулдек сўлиб бормоқда. Она бунга қуярди-ю, куйган сари ҳар куни бир энли этдан тушарди. Онасининг табиатини яхши билган Зебо, бу бекорга эмаслигини англарди. Шунда яна онасининг ўзига ёпишарди, ёлворарди, кўз ёши қиларди:

— Айтинг, айтинг, онажон, нега бўлмаса сиз бунақа хафасиз, қалбингиздаги алам, ҳасрат, қайғу алангаларининг яллиги юзингизда, кўзингизда мавжуд-ку, нега яширасиз? Мен учун куясизми? Мен учун ўртанманг. Менинг ўз ҳуснини йўқотган ранги рўйим учун хафамисиз? Йўқ, бунинг учун бўлса, арзимайди. Мен ўз ҳуснимни юрагимга кўчириб олганман. Юрак — китоб, ташқи ҳусн унинг муқоваси холос, онажон. Элмурод менинг муқовамни кўп кўрган, энди унга китобнинг ўзи керак. Ақлли кишилар шундай ўйлайди, Элмурод шундай ўйлайди. Мен уни биламан. Унинг ўз соғлиғи қалай? У нима дейди? Менга ана шулар керак, онажон. Ана шулардан гапиринг. Унинг олдига тез-тез бориб турасизми? Кўпроқ боринг, менинг олдимга келмасангиз ҳам майли, сира хафа бўлмайман. Ишқилиб, уни унутманг.

— Вой, болам, сен нега бунақа дейсан, мен нега уни унутарканман? Иккалангдан хабар олиб туриш учун вақтим етади, кучим ҳам бор. Сен асло кўнглингни бузма, хавотир олма. Сен уни деб ўтга кирганингда, мен бирров хабар олишдан қочаманми? Унинг аҳволи кундан-кун яхшиланиб боряпти. Ҳар кирганимда сенга олам-олам салом айтади, соғлигингни сўрайди. Сен ундан хотиржам бўл. Мана бориб кўрарсан, унинг аҳволи яхши.

Она шу гапларни дерди-ю, қизи тузалиб, унинг олдига боргунча Элмурод ҳам ўзига келиб қолишига умид боғларди. Зотан, унинг ҳамишалик нияти шу — Элмуроднинг тезроқ тузалиши. Лекин Элмуроднинг дарди она ўйлагандек енгил эмас, бир ой, ярим ойда оёққа турғазадиган эмас эди. У кеча-кундуз оловга ташлангандек жиззи-

кабоб бўлиб ёнарди, устига ёпилган чойшаб, остидаги тўшак, бошидаги юмшоқ ёстиқ ўтдан ясалгандек. иссиқ, оғир ва қаттиқ. Вужуди мис бўлиб қизийди. Соғлом қўллари билан салқин ер ахтаради, койканинг четиданми, ёниданми топгандай бўлади, бир лаҳза ҳузур қилиб у ерга қўлини тутади, бироқ сал ўтмай, у ер ҳам қизиб кетади, яна ўзга жой ахтаради. Оғриқ изтиробидан оёқларининг тирноғидан тортиб сочининг тубларигача, терисидан тортиб умуртқасининг ич-ичигача — ҳаммаси зирқираб оғрийди. Бутун бадани титилиб кетганга, оғриқ ҳамма еридан ниш уриб чиқиб келаётганга ўхшайди. Кечга бориб бу азобга санчилиб игналовчи қаттиқ бош оғриғи қўшилади, чакка томирларида қонининг гуп-гуп урганини аниқ эшитади, сал ўтмай кўзларидан ўт чақнайди, қаёққа қарамасин, ҳамма ёқ жимирлашади, ҳалигина тиниқ ва аниқ кўриниб турган таниш нарсалар қўшалоқлашади, жойидан лип-лип этиб кўчади, қўзғалади, бориб-бориб нотаниш шаклга кириб кетади, бир-бирига қоришиб кетади, тўқ сариқ — қора тусга айланади, кейин Элмурод ҳеч бирини кўрмай қолади. Шундан кейин у бутун баданини изтироб ва санчиқ билан қоплаб турган даҳшатли оғриқни унутади, уни аллақим юмшоқ пар тўшакка ётқизиб, баҳор ҳавосидек ёқимли ва майин суюқлик ичида учириб олиб бораётгандек бўлади. Вужудини енгил, эркаловчи, оромбахш бир руҳ қоплаб олади. Шунинг орасида милтиқ ва замбарак товушлари эшитилади, аллакимлар билан гаплашади, кимларгадир нималардир ҳақида буйруқ беради, бақиради, осмонга чиқиб учиб кетади, кутилмаганда тошдек шўнғиб кетади, туби йўқ чуқурликларда пайдо бўлади, даҳшатга келиб бақиради, додлайди, бирдан ер юзига чиқиб олади, сув юзида унга ботмай елиб юради, яна аллаҳима-аллаҳималарни кўради. Нима бўлади-ю чўчийди, кўзини очса ўз ўрнида ётган, тепасида навбатчи ҳамшира елпиб ўтирган бўлади. Баъзан врачлар ҳам бўлади. Уларнинг кўзида, юзида, важоҳатида талмовсираш, шубҳа, ташвиш, нимагадир интилиш, кутиш аломатлари борлигини пайқайди, шундагина ўзининг босинқираб, ғалати зўри билан ухлаганини англайди. Лекин қачон ухлаганини, нималар деб босинқираганини, тушида нималар кўрганини эслаб ололмайди, улар бир-бирига қоришиб, англаб бўлмас тусга кириб кетган. Баъзан врачлардан бири томирини ушлаб, кўзини соатига тикиб ўтирган бўлади. Унинг кўзини очганини, оғир ҳаракат қила бошлагани-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни кўриб, бир-бирларига киши билмас имлашадилар-да, аста-секин тарқалишиб кетадилар. Элмурод аввалгидан кўра анча енгил тортгану, лекин боши ҳамон оғрийди, чаккалари лорс-лорс уради. Оғзи қуруқшаб, қора терга ботиб кетган. Сув сўрайди, димоғидан иссиқ нафас уриб энгика-энтика бўйинларига тўкиб ичади. Муздай сув баргини тилаётгандек ичига тушиб боради, фикри тиниқлашади.

Ана шундай пайтларда она келса киритмайдилар, «касал тинчиб ухлаяпти, бир оз ором олсин» деб куттириб қўядилар. Она бечора, фақат меҳрибон оналардагина бўладиган сабру тоқат билан унинг уйғонишини кутади, баъзан минг турли шайтоний ўйларга бориб-келади, жиндай кўз ёши ҳам қилиб олади, Гитлерга ўлим тилайди, ачитиб-ачитиб қарғайди. Шундай қилиб юрагини бир оз бўшатади-да, Элмуроднинг олдига кириб боради. «Болам, аҳволинг яхшими? Тиниқиб ухладингми?» деб қошидаги курсига ўтиради, аҳволини кўзидан уқиб олмоқчи бўлгандай унга термилади, киприк қоқишигача кузатади, унинг тортаётган азобларини оналик юраги билан туйиб олади. Ортиқча гап сотишни ўзига эп кўрмай қошида қўлларини тиззасига қўйиб узоқ ўтиради, топган-тутганини унинг тумбочкасига суқади, пятимос қилиб едиради. (Элмурод «Ҳеч нарса олиб келманг, ўзингизнинг келиб кетишингиз мен учун катта давлат» дерди). Унинг қайта-қайта миннатдорлигини эшитади. «Нимага шунча миннатдорчилик, болам», деб пйманади, хижолат тортади: «Энди ҳеч нарса олиб келмайман» деб унинг кўнглини тинчитади. Лекин келаси гал яна пимадир олиб келади, яна узр сўрагандек, унинг олдига ёзади. Баъзан онани бутунлай киритмайдилар, аҳволи оғир, демайдилару, турли баҳона кўрсатадилар. Бундай пайтларда Элмурод беҳуш, алаҳлаб ётган бўлади. Олдига кирган кишини танимайди, жонсиз, шиша кўзлари билан боқади-ю, ҳеч кимни танимайди, кўзлари билан маъносиз ҳаракатлар қилади, тутуриқсиз, бир-бирига боғланмаган сўзлар гапиради. Она бўлса: «Чўмилтираётгандирлар, каттароқ доктор кўраётгандир» деган ўй билан ташвишлана-ташвишлана қайтиб кетади, баъзан уларнинг гапларига ишонмайди, аллақандай хунук фикрга бориб, алламаҳалгача ухлолмайди, эрталаб туриб, кечаги хунук фикри ўзига эриш кўриниб яна унинг қошига йўл олади.

Бугун ҳам худди шундай бўлди. Кеча пима учундир тўғридан-тўғри: «Бугун ҳеч кимга рухсат йўқ» деб киритмадилар. Унга ўхшаганлардан икки-уч киши қайтиб кетди. Бугун дам олиш куни бўлгани учун она эрталабдапоқ ҳозирлик кўрди. «Аввал қайси бирига борсам экан? Зебога олдин борсам, ҳойнаҳой, Элмуродни сўрайди. Ундан кўра аввал Элмуродни кўриб, кейин Зебонинг олдига борай. Элмуроднинг аҳволи ҳам шуни тақозо қилади» деб ўйлади-да, ўзига-ўзи алланималарни маъқуллаб, лабларини пичиллатиб, ўша ёққа кетди. У киргапда чувакина, икки кураги орқасидан туртиб чиққан, қилтириқ бўйин озарбайжон сартарош Элмуроднинг ётган ерида соқолини оларди. Онани кўриб, у шу пайтда соқол олаётганидан хижолат тортдими ёки ўзи ўлгудай сергапу онани кўриб, суҳбатдош топганидан қувониб кетдими, ҳайтовур, гавдасига писбатан йўғон, дўриллаган товуш билан попоп машинадек патиллаб кетди.

— Мана, онажон, ҳозир бўлади, бир минутга сабр қилинг. Мана бу ёққа ўтиринг, ҳа, яхши. Ўғлингизми? Ҳа, жуда яхши! Ҳозир арчилган тухумдай силлиқ қилиб қўяман. Ундан кейин базми жамшид қура берасизлар. Қани сиз, ўртоқ ярадор, оғзингизни сал очинг, ҳа, балли. Ҳозир боплаб таплаймиз-да. Лекин узр, атирдан йўқ. Ўртоқ докторлар спиртда пахта ҳўллаб освежить этишни маслаҳат кўрдилар. Жуда кетаркан-да. Аслида-ку, атирдан бу ўткир. Одамлар атирни иси учун септирадилар. Аслида мундоқ эмас, тушунмайдилар. Тушунмагандан кейин қийин. Кеча биттаси спирт суртасанми, деб қойиб берди, тушунтиргунимча ўлиб бўлдим. Кейин билсам, у спиртнинг юзга суртиб побуд бўлганига ачинган экан. Одамлар қизиқ-да. Чиқиб келяпсам: «Шундан юз граммгина иложи йўқми?» дейди. Қани, қани, энгагингизни сал кўтаринг, ҳа, балли.

Сартарош ўзи айтганидек сумкасидан пишада пурланиб турган оқ пим кўк спиртни олди-да, оппоқ пахтани унинг оғзига қўйиб, тўнкарди, кейин оғзини қаттиқ беркитиб, нам пахтани Элмуроднинг орқилаб, ёноғи туртиб чиққан, янада оқарган юзига суртди. Спиртнинг атирдан аълолигини гапириб турди.

— Мана, ўртоқ ярадор, биз бўлдик, арзингиз бўлса марҳамат, қулоғим сизда. Лекин атир йўқлиги учун узр!— Сартарош худди шундай бидирлаганича, қўшни ярадорнинг тўшига салфетка ёзди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Она ўрнидан туриб, сартарош ҳалигина сумкасини қўйган курсига ўтиб ўтирди. Нажоткор, маъюс кўзларини мўлтиллатиб Элмуроднинг аҳволини сўради. Дармонсизликдан оқарган Элмуроднинг юзида қора, йирик кўзлари ва энли қошлари яна ҳам қорароқ кўринарди. У ориқлаганидан каттага ўхшаб кетган оғзини аранг очиб, паст товуш билан, гарчанд аҳволи оғир бўлса ҳам, болалигидан ўрганганидай, салбий жавоб беролмади, анча яхши бўлиб қолганини айтди. «Бизнинг одат қизиқ-да, аҳволинг қанча оғир бўлмасин, ҳеч вақт «ёмон, кечагидан оғирман» дейилмайди, ҳар вақт: «шукур, яхшиман» дейилади» деган фикрни кўнглидан ўтказди-да, столга чўкиб кетаётгандек мункайиб ўтирган онага кўз ташлади. Она аввалгидан анча чўкиб қолган, кўзларида бурунги жонлилик мавж бериб ўйнамайди. Ахир, қандай ҳам кўзларида мавж ўйнасин, Камол ўғли яраланиб, контузия бўлиб, товушидан ажралиб, соқовдек шаҳардан ташқаридаги госпиталда ётса, Зебо у ёқда, бу бу ёқда бўлса, Камолнинг товушигами, Зебонинг ҳусни барбод юзига куйсинми? Ахир кечагина ўзи гап орасида Зебонинг қизлик кўрки баҳор кўрмай хазон бўлганини айтиб қўймадими? Бу шунчаки гап эмас, албатта, она юрак-бағри ачиганидан гапирди, бу гап унинг қалби тубида тўфон қўпорган аламнинг тилга чиққан учқуни, холос! Ўн гулидан бир гули очилмаган навқирон ўғлини тилсиз кўриш, унинг келажакда нима бўлишини билмаслик онага ўнғайми! Бу икки исканжа она юрагини эзмайдими, бурдаламайдими! Аслида дард чекаётган Камол ва Зебо эмас, худди шу онанинг ўзгинасидир. Бундан бир йилгина аввал онда-сонда кўринган оқ толаларнинг сони кўпайган, юзларидаги ажинлар чуқурлашган, бекорга ундан бир ариқ каби алам-доғ, ҳасрат ёшлари узун тунлар оқмаган-ку! Она қалби бир қоя, денгиз қирғоғидаги қоя. Унга не-не тўлқинлар, тўфонлар келиб урилмайди, ҳаммаси чил-чил бўлиб кетади-ю, у мағрур қолаверади!

Элмурод шу ўйлар билан онани кузатиб, сал ийманиш билан деди:

— Зебонинг олдида бўлдингизми? Аҳволлари қалай? Яқин срада чиқиб қолар?

— Унга қолса, аллақачон чиқиб кетарди-ю, докторлар қўйишмайди. Барака топкур Иван Иванович ўша ердаги докторларга қаттиқ тайинлаган кўринади. «Сабр керак, инсон тусига кирсин» деди бир куни менга. Зебо ёш,

фарқига бормайди. Юзларининг доғ-дуғи ҳали кетгани йўқ. Энди аввалги ҳуснига қайтармиди, бўзга ипакдан ямоқ солсанг ҳам, барибир ямоқ, болам.

Шу сўнгги жумла оғзидан чиқиши билан бир вақтда онанинг кўзидан ёш ҳам тирқиради. У артиб улгургунча бўлмай, икки донаси нурсиз юзида нам из қолдириб, тиззасига думалади. Элмурод онани биринчи кўришидаёқ унда қарилик аломатлари яққол юз бера бошлаганини кўнгли бўшаб, кўзи серёш бўлиб қолганини пайқаган, «темирни занг, одамни қайғу емиради» деб кўнглидан ўтказган эди. Чиндан ҳам онани кексалик тез енгиб борарди, лекин ўзи иқрор бўлмас, аввалгидек серҳаракат, бир жойда тиниб-тинчимас, серташвиш, меҳрибон ва тетикдай эди... Элмурод онанинг кўз ёшига бардош беролмади, ўтган гал она «Зебонинг илгариги кўрки энди қаёқда» деб ўксиганда айтмоқчи бўлган, аммо журъат этолмаган, кетидан ўзини ўзи қўрқоқликда койиган фикрини энди, худди шу вақт айтишга қарор қилди. Лекин қандай қилиб, нимадан бошлашини билмай турди-да, охир деди:

— Қўйинг, йигламанг, она. Бахтимизга омон қолди-ку...

— Шундай дейсан-ку, болам, қиз бола нарса...— деди йиғидан анча бағри бўшаган она.

— Сиз Зебо учун асло қайғурманг. У катта, ёруғ кўчага чиқиб олган. Бу кўчада мен у билан умрбод бирга ман. Модомики, мен учун жонини тикиб ўтга кирган, мени ажалнинг қонли чангалидан олиб чиққан, мен учун заҳмат чекиб ётаркан — амин бўлингки, мен буни асло, асло унутмайман. Унинг бу олижаноб фидокорлигисиз ҳам мен уни яхши кўрардим, биз қатъий бир фикрга келган эдик. Бизни фақат ўлим ажрата олади. Сиз унинг ҳуснига қайғурманг, унинг ҳусни менга аввалгидан минг марта чиройлироқ. Мен гарчанд унинг ҳусниии кўриб танишган бўлсам ҳам, юрагини кўриб севганман. (Она «сен ҳали унинг башарасини кўрганинг йўқ, шунинг учун тилинг ботир» дегандек қараб тураркан, Элмурод буни уққандек бўлди.) Сиз эҳтимол «Ҳали башарасини кўрганинг йўқ» дерсиз. Йўқ, кўрганман ва шу дақиқада ҳам кўриб турибман, қалбим кўзи билан кўриб турибман. Унинг башарасида мени даҳшатга келтирадиган ҳеч нарса йўқ. Ўша-ўша Зебо, ўша-ўша юз-кўзи. Мен учун худди аввалгидай. Аввалгидай кўркам ва севимли. Энди сиз, бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақда оғиз очаркансиз, она, мен қаттиқ хафа бўламан. Сиз ўз соғлиғингизни ҳам ўйланг.

— Оҳ, болам, сенларсиз менинг соғлиғим кимга керак? Мен қабристонга қараб кетяпман, сенлар боғу бўстонга кириб келяпсанлар. Сенлар омон бўл, ишқилиб.

— Шу гапингиз чакки. Сиз кирадиган қабристоннинг дарвозасини аллақачон михлаб ташлаганмиз. Ҳали биз билан ўша ўзингиз айтган боғу бўстоннинг тўрида яшайсиз, қаёққа борасиз,— деди-да, Элмурод кулди. Унинг кулгиси ориқ юзига сира-сира ярашмади, худди ёлғондакамга ўхшаб кетди.

— Тинч ёт, болам, сени ҳам анча уринтириб қўйдим,— деди анчадан кейин она ўзини тутиб олиб,— кексалик қурсин, сенинг дардингни сўраган келиб ўз дардимга тушиб кетдим, сени овутиш ўрнига, сен мени овутиб юрибсан. Ҳа, айтгандек, кеча бир хат келди, Тошкентдан. Синглинг ёзибди: «Акам яраланибди, хабаринглар борми? Енгилми? Қаеридан?» деб ташвишланибди. Зебога кўрсатсам, сенга юборди, мана.

Хат чиндан ҳам Латофатдан эди. Лекин Элмуроднинг яраланганини эшитиши қизиқ. Элмурод дарё кечиш олдидан одатдаги бир хатни йўллаган, яралангандан кейин ёзишга ҳали «қўли тегмаган», тўғриси, уларни ташвишга қўймоқчи эмас, «қисмимиз дам олгани чиқди» деб қўя қолмоқчи эди. Бирдан мана бу хат... У хатни бутун вужудини ҳаяжон қоплаган ҳолда ўқиб чиқди, ҳар сатридан оғир безовталаниш, ташвиш, ҳасрат кўриниб турарди. Ким унга хабар берди экан? Ҳойнаҳой, Зебо ўз дарди билан бўлиб ёзмагандир.

— Сиз ёзмаганмидингиз?— сўради у онадан.

— Йўқ.

Шу лаҳзада Элмуроднинг кўнглига келди: «Бу Анна Ивановнанинг иши. У Муҳаррамга ёзган, Муҳаррам уйга отказган. Худди шундай бўлиб чиқади. Чакки бўлибди. Энди нима қилиш керак?»

— Она,— деди у, бошига бир аниқ фикр келиб,— агар ўзингизга оғир кўрмасангиз, сал ёлғон ишлатишга тўғри келади. Ёлғон ҳам гоҳо табаррук бўлиб қолади. Зебо ёки ўзингиз бу хатга жавоб қайтаринг, айтингки, хабаримиз бор, шу ерда ётибди, яраси жуда енгил, ташвишланадиган жойи йўқ. Бу томондан мен ҳам худди шу мазмунда ёзаман. Шу билан уларни хотиржам қиламиз. Бўлмаса онам кўтаролмайди, қийналиб қолади.

Бир дардни бутун хонадон билан тортишдан менга енгил бўлмайди. Сизнинг заҳмат чекиб қийналишингиз ҳам менга етади. Қани энди сиз ҳам билмасангиз, жон дердим. Келинг, имкон бор экан, уларни ташвишлантирмай қўя қолайлик.

— Ҳой, болам, сен мени ўйлама, мен қаттиқ хафа бўламан. Сендан менга сира-сира оғирлик йўқ. Қайтага сен келиб бағрим тўлди, кўнглим тинчиди.

Она кетишга ҳозирланар экан, сумкасидан беш-олтита нок, олма ва икки-учта оппоқ булочка олиб бир парсадан хавотирсирагандек шошинқираб Элмуроднинг тумбочкасига суқди.

— Ана шунақасиз-да. Ўтган гал нима девдингиз, «энди ҳеч нарса олиб келмайман» демовдингизми? Карточкали, ҳар нарса нормали вақт бўлса,— деди хижолат тортгандек ўнғайсизланиб Элмурод.

— Ундай дема, Элмуроджон, кекса онангни кечир! Мен қандай қилиб икки қўлимни бурнимга тиқиб, қуруқ келаман. Бола емаса, онанинг томоғидан овқат ўтадими! Нима ҳам олиб келяпманки, мен койинаман — арзимас нарсалар. Сен унақа карточка, норма деб мени қайтарма. Карточка, норма ўз йўлига, оналик меҳри ўз йўлига, оналик меҳрининг нормаси йўқ. Биламан, сен оч эмассан, оч ҳам қўйишмайди, аммо, лекин онаникининг йўли бошқа, таъми ҳам бошқа, ҳа, чиндан таъми бошқача бўлади.

Элмурод онанинг шу меҳр-шафқат ва муҳаббат йўргаклаган ҳароратли гаплари сабаб бўлгандек, худди шу келишу, шу суҳбатни кутиб ётгандек, фақат шунга илҳақ ва муҳтождек эртасидан бошлаб енгил торта бошлади. Илгариги бўғин-бўғинларини зирқиратиб оғришлар, чакка қон томирларининг гуп-гуп уришлари камайди, ҳушдан кетиши қолди. Иштаҳаси анча очилди. Фақат кечга бориб бир оз толиқди, шунда боши лорсиллаб, ўзи зил-замбил лашади, хаёли мудҳиш ўйлардан чувалади. Уйқуга кетади-ю, эрталаб яна енгил тортиб, тиниқиб туради.

Лекин барибир оғир, қимирламай ётадиган касаллар учун тутиладиган юмшоқ тўшак ҳамон унга тош-метин. Ахир, у па ёнбошига ағдарилади, на қорнига, на оёқларини йиғиб узата олади. Оёғининг бири Зебо вагондан, ўт ичидан олиб чиқаётганда синган, иккинчисининг сонига осколка қадалган. Синганини гипслаб, яраланганини бинт билан боғлаб ташланганди. Лекин булар унинг кўзига ҳозирча кўринмайди. Ҳаммадан қорни азоб беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Докторларнинг ҳам бутун диққати шунда. Кеча бир фельдшернинг сир деб айтишига қараганда, ўша алаҳлаб ётган кезлари докторлар ундан қаттиқ қўрққанлар, айниқса, йўлда ситилиб кетган, кейин нимадир сабаб бўлиб йирингланган қорнидан ваҳимада бўлганлар, ҳамма иситма ва изтироблар ўшаники экан. «Энди,— деди фельдшер,—хатардан ўтди, Москвадан яқиндагина олинган янги дори ва усул билан даволамоқдалар. Бу усулни яқинда топдилар, жуда яхши метод. Бу ёғи энди сизнинг бардошингизга боғлиқ».

Элмурод фельдшернинг «бардош» деб нимани айтмоқчи эканини яхши биларди. У демоқчи эдики, ана шу чалқанча ётишингизга нолимайсиз, белларингиз, бўйинларингиз қотиб кетса ҳам, ғинг демайсиз, бу бир-икки ҳафтанинг иши эмас, ҳали куз ҳам ўтади, эҳтимол, қиш бўйи ҳам шундай ҳаёт кечиришингизга тўғри келади. Тажриба кўрган фельдшер ҳақ чиқди. Элмурод шу ётишда дарахтларнинг кўм-кўк барглари сарғайиб, совуқ уфургувчи куз елларида титраб-титраб тўкилишларини, меҳмон қушларнинг арғимчоқ солиб гала-гала бўлиб иссиқ ўлкаларга қайтишларини, кўкда мезон учишларини, алданиб куз иликлигида ниш урган ариқ бўйидаги майин кўкатларнинг тонг салқинида дилдирашларини кўрмади. Унинг назарида ҳамон ёз барқ уради, ҳамон қалдирғочлар симларда ноталардек тизилишиб ўтиришади, бир-бирини қувалашиб анҳор бўйларига кетади, тумшуқларида юмшоқ лой олиб, инларини пардозлайдилар. Ахир у, бу бир неча ой мобайнида ташқари кўрибдими! У фақат кенг, ёруғ деразадан осмоннинг бир четинигина кўради, унинг ёришувидан кун туққанини, қорайишидан тун бошланишини кўради, холос. У тикилиб ётган деразанинг нари ёғида денгиз мавжланиб, совуқ нафас ураётганидан бехабар. Куз кирганини уни кўргани келган она ва Зебонинг кийим-бошларидан, олиб келган лимонларидан билади. У Зебони биринчи марта шинелда кўриши эди. У шинелда Анна Ивановнага жуда ўхшашиб кетаркан. Зебо биринчи келганда Элмуроднинг бунчалик ориқлаб, ранглари синиқиб кетганидан даҳшатга келди, яширмаёқ, унинг қошида йиғлади, Элмуроднинг «пега йиғлайсан» деганига «ўзим шундоқ, севинганимдан» деб ёлғон жавоб берди, четларига майда, нозик тўр тикилган кичкина ипак дўстрўмоли билан ҳали ўсиб, асл ҳолига келмаган тўмтоқ киприкларини артди. У, она ваҳима қилганидек ўз ҳуснини йўқотмаган

эди. Тўғри, юзининг икки жойи ямоқ бўлиб битган, сўл кўзининг қуйи жияги тортишиброқ қолган, лекин булар унинг юзига путур етказмай, балки қандайдир кескинлик, жасорат, салобат ва шу билан бир вақтда ҳалигача унда бўлмаган, аммо қизларга зарур бўлган майинлик, нозиклик, иффат ва меҳрибонлик бағишлаб турарди, у ўз ҳуснини, керак бўлган зарур ҳуснини энди топганга ўхшарди. Буни унинг ўзи ҳам аниқ билгандай юз-кўзига асло парво қилмайди, бирон марта бўлсин Элмуродга «мен қандайман, ҳамма ёғимни ямоқ босиб кетибдими, ҳуснимдан ажралдим» демади, ҳатто оғиз жуфтлаб, пайт пойламади. Унинг бу иши Элмуродга уни яна ҳам яхшироқ, меҳрибонроқ қилиб кўрсатди, «у менинг астойдил яхши кўришимга шак келтирмайди, унинг бунга ишончи комил» деган фикрга келтирди. Зебо ўзи ҳақида гапирмас, фақат Элмуроддан айланиб-ўргиларди. Ҳар келганида қаери оғришини, иштаҳасини сўрарди. Элмуродга билдирмай врачларга учрашиб кетарди, уларнинг фикрини сўрарди. Докторлар: «Яраси-ку, бундан буён энақага кела беради, лекин ағдарила олмай чалқанча ётиши чиндан ҳам оғир, ёнбошидан ер ўтиб кетди. Бошқа илож йўқ» дер эдилар унга. Шунда Зебонинг бошига бир ўй келди ва ўша куниёқ амалга оширди. Элмуроднинг ҳузуридан «Хайрлашмайман, бугун яна кўришамиз» деб чиқиб кетди, тушдан кейин уйдан ўзининг пар тўшаги ва ёстиғини кўтариб келди. Элмуроднинг қаршилигига қарамай, остига солиб берди.

Ахир Элмурод урушнинг узоқ ва машаққатли йўлларидан Зебонинг олдига қайтди, ярадор бўлиб бўлса ҳам қайтди, вақтинча бўлса ҳам қайтди. Зебо ўз муҳаббатининг кучи билан, меҳри шафқати билан унга бу заифликни енгишга, оёққа туришга, асл ҳолига қайтишига кўмак бериши керак. Шу маҳал унга суянчиқ бўлмаса, дўстлик қилмаса, дардини бўлиб тортмаса, қачон унинг суянчиғи бўлади? Қуёшли кунининг дўсти ҳар вақт топилади. Силовчиси бўлса бўй ўсгандек, меҳрибони бўлса яра ҳам тез тузалади, унга дори-дармонгина кифоя эмас, меҳри муҳаббат ҳам керак. Шунинг учун Элмуроднинг «Қўй, шундоқ ҳам остим юмшоқ» дейишига қулоқ солмади.

— Барибир, мен унда кам ётаман, умрим йўлда ўтади,—деб далда берди ва ўз қилмишидан мамнун бўлгандай, узоқ гаплашиб ўтирди.

У ишга тушиб кетган, ҳали ҳам ўша санитар поездда ишларди, бир сафарга чиққанида ўн-ўн беш кунда қайтиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келарди. Қайтиб келарди-ю, ўша куниёқ Элмуроднинг қошига чопарди, йўлда тўлиққан кўзлари юмилиб кетгунча ҳол-аҳволини сўраб, гаплашиб ўтирарди, йўлда, поездда учратган, кўрганларини завқ билан ҳикоя қилиб берарди, Элмурод енгил тортган сари унинг қувончи юрагига сиғмасди. Бир куни одатдагидек энтикиб, соғиниб келиб, Элмуроднинг койкасида ўтирганини кўриб, севинганидан қичқириб юборди, ҳадиксирамай, ҳеч кимдан тортинмай юз-кўзларидан ўпди, унинг қора кўзларидан ёш оқарди, бу севинч, муҳаббат, меҳрибонлик ёшлари эди. Қўшниларидан хижолат тортган Элмурод зўр бериб дер эди: «Бўлди, бўлди, Зебо. Ҳали шунга шунча севиняпсанми, ҳали қараб тургин, яна бир келгунингча юриб ҳам кетаман. Ўшанда эҳтиёт бўл, яна ҳушингдан кетиб қолма». «Ҳушимдан кетсам, сиз қараб турмассиз, ўзимга келтириб оларсиз» деб позланди Зебо. У қош қорайиб, навбатчи врач келиб: «Ётиб қолиш ниятингиз борми?» дегунча ўтирди...

Элмурод енгил тортган сари кўпроқ зерикарди. Ёстиққа суяниб ўтирадиган бўлгандан кейин туришни ҳавас қилиб қолди. Туришга эса ҳали оёқлари заиф. Баъзан дўмбира бўлиб ётган оёқ панжаларини ўрингa босиб кўради, шунда панжадан бошланган игна санчиш нур тезлигида миясигача зирқираб боради, бир маҳалги оғриқ ва азобларни ёдига солиб юборади. «А-ҳа, ҳали сендан фойдаланишга фурсат борга ўхшайди» дейди-ю, яна тик узатиб, ёстиққа суянади. Аламини китобдан олади. Китобни сувдай симиришини кўрган кутубхоначи, «Элмурод чақиряпти» деса: «Энди нима берсам экан. Унинг бу ўқишида менинг кичкина кутубхоначам унга нонушта ҳам бўлмайди» деб кўнглидан ўтказа-ўтказа унинг олдига кириб боради. Чиндан ҳам аввалига танлаб-танлаб ўқишга бошлаган Элмурод, кейинчалик фарқига бормай қўйди: бадиий адабиётдан тарихга, аста-секин Пржевальский, Козлов, Потанин, Перцев, Литке ва яна аллақандай рус сайёҳларининг Мўғулистон, Жунғария, Хитой, Янги Ерга қилган саёҳатларини ўқиди. У нима бўлса ўқир, ишқилиб, вақт ўтса, юрак-бағрини қон қилиб ётган зерикишни даф этса бас! Бора-бора она, Зебо аллақандай кутубхоналардан китоблар ҳам олиб келадиган бўлиб қолди. Ҳаммадан унга академик Тарленинг «Наполеон» китоби ёқиб қолди, уни икки марта ўқиди. Ана шунда бир фикр унинг бошига келди: «Қандай қилиб шундай жанговар халқ 41 куп деганда Гитлер оёғи остига ўз байроғини ташлади». У шу

ўйда бир неча кун гаранг экан, бирдан Зебо Илья Эренбургнинг «Парижнинг таслим бўлиши» асарини келтириб қолди, ундан ўз саволига жавоб топди.

Бир куни соатининг тўхтаб қолгани эсига тушди. Уни ҳамширага айтиб олдирди-да, орқасини очиб ўзи билганича титкилади, юрмади. Нега тўхтади экан, ҳеч ери зарар топмаган-ку! Ўз кўзларига ишонмай яна механизмига тикилди. Бирор винти синганига фаҳми етмади. Унинг диққат бўлиб ётганини кўрган навбатчи ҳамшира унга раҳми келгандек қараб турди-да, индамай чиқиб кетди. Бир оздан кейин кириб:

— Қани, соатингизни менга беринг-чи, анави палатада биттаси кўриб боқай, деяпти,—деди.

У соатни олиб чиқиб кетди. Ўн минутча ҳам вақт ўтмаган эди, жуда ҳам гавдали бир яradор қўлтиқтаёқда кириб келди, ўрта бўйли ҳамшира унинг қаршисида фил ёнида турган мушукка ўхшарди. Яradор туяпинг пайпоғидай келадиган кафтини очиб, соатни кўрсатди, соат унинг гўштдор кафтида бир тийинлик чақадек кичкина кўриниб кетди.

— Бу соат билан энди хайрлашиб, тарих музейига топширсангиз ҳам бўлади, шарти кетиб, парти қолибди. Ўзи бобонгизга ҳам бирор ўттиз йил хизмат қилган бўлса керак,—деди ва соатни менсимагандек Элмуродга узатди,—ўн беш йил соатсозлик қилиб, мана шундай эски соатни иккинчи марта учратишим.

— Тарихи бор, эсдалик эди,—деди Элмурод уни ёстиғи остига қўяётиб.

У, шу филдек кишининг йўғон, гўштдор бармоқларига қараб соатсоз эканига асти ишонмас эди: наҳотки шу гавдаси билан соатсоз бўлса! Унинг шу гавдаси билан соатсозликдек майда ҳунарни танлаганига ажабланарди — ўзи ҳам тоза қовушса керак!

— Ундай бўлса,— деди соатсоз табассум билан,— юрмаса ҳам асраб қўйинг. Эсдалик сифатида қимматли, албатта. Отангизданми?

— Йўқ, генералдан.

— Генералдан? Ҳа-а,— деб турди у бир нарсани хаёлига келтираётгандек,—ундай бўлса... Қани, бу ёққа олингчи! Бир маҳаллар заб соат бўлган. Буни қаранг: чўнтакда юра бериб, қопқоқлари ярқираб кетибди-я! Ҳали яна хизмат қилади. Генералдан дедингизми? Қайси генералдан? Шу фронтда бердими? Тузатса бўлади. Ўзиники бўлса

www.ziyouz.com kutubxonasi

керак. Бизнинг завод маҳсулоти эмас... Тузатиб бўлади. Қани бир синчиклаб қарай-чи. Генералдан совға бўлса юрмай ётгани яхши эмас. Кўп бўлдими яралганингизга?

Соатсоз ўз гапи давомида соатни минг марта у ёқ-бу ёғига қаради, оғирлиги ҳам аҳамиятга эгадек салмоқлаб кўрди, кўзининг олдига келтириб, механизмини эмас, қопқоғининг зиҳларини қаради. Кейин яна бир марта «Тузалади» деди-да, йўғон гавдасини чиллакдек жонсиз қўлтиқтаёққа ташлаб, дўқиллатганича чиқиб кетди. Ўнг оёғи орқасида илмоқдек тепага кўтарилган эди. Элмурод унинг кетидан қараб қолди — дунёда заб қизиқ одамлар бор-да!

Полвон соатсоз уч кунгача палатанинг суҳбатида севимли мавзу бўлди.

* *
*

Шу нозик дид билан кийинган қизнинг қирғоққа тушишини кутиб турган эканми денг, у пароходдан тушиши билан туни бўйи катта қор уюмларидек бир-бири устига ағанашиб кўк юзидан кетмаган булут бирпасда қора тусга кирди-ю, шаррос қуйиб солди. Қуйганда ҳам қиялатиб, муздай шамолга ён бериб ерни игналади. Қиз бошпана қидириб шошиб қолди, қора йирик кўзларининг жовдирашидан унинг бу шаҳарга биринчи марта келаётганини билиш мумкин эди. Ёмғир қандай шиддат ва қўққисдан бошлаган бўлса, худди шундай тез тинди. Тинди-ю, булут ёрилди, кўм-кўк осмон кўринди. Қиз яшринган жойидан кичиккина, бежирим гилофли чамадончаси билан чиқаётиб «бу ернинг ҳам баҳори бизникига ўхшаган экан» деб қўйди ўзича ва катта кўчанинг йўлкасидан пилдиллаб йўрғалаб кетди. Муюлишга бориб, ёнидан кесиб чиққан кўчага назар ташлади-да, чамадончани бошқа қўлига олиб, кўчани кесиб ўтди. Бир оздан кейин унинг олдидан баҳор энди ранг урган кичиккина сердарахт сайлгоҳ қад кўтарди. Уни ярим доира қилиб трамвай изи ўтади, яна бир из қаршидан келиб унга тақалади. Ана шу ерда нозик дид билан кийинган қиз қаёққа боришини билмай қолди. Тахмин билан бир кўчага бурилди, сал юриб тўхтади, чунки унинг олдидан торроқ, лекин кўркам бир кўча тўсиб чиққан эди. У: «Менга қандай тайинлаган эди?» дегандек, бир кўзини қисиб, камалак қошларини чимириб турарди. Бу ер худди ўша, бир маҳал Муҳаррам Зебони тўсатдан учратиб, Рашиднинг госпиталини сўраган муюлиш эди. Пароходдан тушган қиз узоқ ўйлаб турмади, ёнидан икки энли қоғоз чиқариб ўқиди ва кўча номи ёзилган тунукани топиб солиштирди-да, ўнгга бурилиб кетди. Қизил дарвоза ёнидаги қорнидан хат-газета учун кўндаланг туйнук очилган чоғроқ эшикнинг тутқичига қўл узатди, бир дақиқагина иккилангандек журъат этолмай турди, кейин уни дадил очиб, ичкари кирди-да, ҳовли юзида водопроводдан челакка сув олаётган ёши улуғроқ хотиндан сўради:

— Зеболарнинг уйи шуми?

* *
*

— Қани айт-чи, Элмурод, бугун кимни кўргинг келяпти?—деди она ёшлик чоғларидагидек кўзларини чақнатиб, юзларидан қувонч тошиб, кириши билан.—Кимни соғиндинг? Кимга кўзинг учяпти? Қани, севинчингни кўрсат аввал, ҳозир олдингга шундай одам олиб кираманки, ўз кўзларингга ҳам ишонмай қоласан. Қани бўл, айт!

Ҳалигина ташқаридан баҳор ҳовосига тўйиб, руҳи енгил тортиб қайтган Элмурод, юраги шоширса ҳам ўзини босиб, ҳазил билан жавоб берди:

— Севинчига нима берардим, мана шу иккита қўлтиқтаёғимни олаверсангиз-да, бу ерда орттирганим шу!

— Уни нима қиламан, бунинг ўзингга ҳам буюрмасин, печкаларда ёнсин.

— Шояд!

Она гапираётиб, эшикни қўли билан итарди, унда нозик дид билан кийинган қизнинг тўлиб-тошган кўркам юзи кўринди. У остонадан титроқ билан ранги оқаринқираб ҳатлади-ю, «Ака!» деб Элмуроднинг бўйнига ташланди, кўз ёшларини суркаб унинг юз-кўзи, қош, пешона, ҳатто бурнидан ўпди, анча вақтгача ундан ўзини олмади, елкалари сапчиб-сапчиб титрарди, у ўз кўзларига ишонмагандай сал бошини кўтариб Элмуроднинг башарасига қарадида, «Кўрар кун бор экан-ку, акажон!» деб яна йиғи билан бўйнини қучоқлади. Ўзини тутиб ололмаган Элмурод, ўпкаси тўлиб, энтикиб, эзилган товуш билан: «Қўй, сипғлим, нега йиғлайсан, йиғлама! Мен соғман, саломатман!» дерди, лекин ўзининг киприкларида ёш йилтилларди. Уларни кўриб она ҳам йиғларди, лаблари пир-пир учарди. Ака-сингил бир неча минутдан кейин аранг ажралишди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лару, лекин нима ҳақда гаплашишларини билмай, бир-бирларининг кўзларига тикилиб қолишди. Бу тикилишда салкам тўрт йил мобайнида юракларида қат-қат бўлиб кетган соғинич, жигаргўшалик меҳрини бир-бирларининг кўнгилларига нурдек қуярдилар, интизор юракларини бўшатардилар. Шу билан бирга, Элмурод тўрт йил ичида шунчалик ўзини қўйиб юборган туб маъноси билан ёшликнинг стук баҳорини ўзида баркамол акс эттирган сингисига ҳавас билан завқланиб, терисига сиғмай қувониб боқарди. Бу ўша, ўзи билган жамалак соч, шўх, ўйинқароқ, ўғил болаларга қўшилиб тераклардан чумчуқ болалари изловчи ингичка, нозик, қораялоқ Латоф эмас эди, унга сира-сира ўхшамас эди. Унинг шунчалик кўркамлашиб, камол топиб кетишини Элмурод ҳеч қачон тасаввур этмас эди. Мана у қанақа бўлиб кетибди! Унинг ёлғиз бўйигагина ўсмасдан, маънавий камолот топганини, иш, кураш, ҳаёт жараёнида тоблангани, турмушда ўз ўрнини дадил эгаллагани ёниқ кўзларидан барқ уриб турарди, бу эса Элмуродни янада қувонтирарди.

Латофат, акаси ташлаб кетиб қоладигандек унинг бир қўлини кафтига олиб, асабий бир ҳолатда силаб-сийнаб ўтирарди.

Оғир сукунатни Элмурод бузди, онасининг соғлиғини сўради. Латофат онанинг «кўп-кўп салом, мўл-кўл дуоси»-ни топширди. Лекин яна жимлик чўкди, гап қовушиб келмасди. Латофат анча вақт ўтирган бўлса ҳам кўнгилдагидек суҳбат бўлмади. Уларнинг самимий отамлашуви учун бир кун орада ўтиши керакдай, эртасига ёзилиб, ҳаммаҳаммасини гаплашдилар. Бугун Латофат кечагидай Элмуроддан ётсирамас, савол-жавобларда ийманиб тўмтоқ қилиб қўймас, гўёки акаси унинг қошидан ҳеч қаёққа кўзғалмаган, фақат гапираётган гапдан бехабардай очилиб юрагини бўшатди. У Элмуроддан борадиган хатларни онанинг қандай кутиб олиши, кўз ёши билан тинглаши, қайта-қайта ўқитиб, ҳар ўқитганда янги-янги маънолар топиши, онанинг илгаригидан анча қариб, кўзлари сернам бўлиб қолгани, ўзининг заводга ўтишда онасининг қаршилик қилгани, ҳозиргача рози эмаслигини, уни «бундай қилсангиз фронтга кетиб қоламан» деб қўрқитганларини бир маҳаллар хатда акасига ёзган бўлса-да, яна қувонақувона ҳикоя қилиб берди. Тошкент янгиликларини, ўзининг заводдаги ишларини, станогини шундай завқ билан ҳикоя қилиб бердики, Элмурод унинг ўз станогини, заводини ҳамма нарсадан ҳам яхши кўришига қаноат ҳосил қилди. У ўз заводини, станогини киши кўрмаган ва эшитмаган мўъжизадай тилга оларди. Шу вақт Муҳаррамнинг заводига боргани ёдига тушдими, бирдан юзи янада нурланиб, кўзлари чарақлаб, оппоқ майда тишлари кўринди:

— Муҳаррам опам билан биз опа-сингил тутиндик. Бирам яхши жувон эканки,— деб ҳикоя қилиб турди-да, бирдан муғомбирона кулиб,—бир томонлари ёмон, холос, сизни Зебо опамга рашк қилганга ўхшаб кўринадилар. Аввалари унча эмас эдилар. Шулари ёмон-а, ака? Бизнинг уйда Зебо опамнинг расмлари бор, уйининг тўрига осиб қўйибман,—дея Латофат ёш болалардек эркаланди, лабларини чўччайтириб кулди, «яхши қилибманми, акажон, сиз шундан хурсандмисиз, мен ҳам у кишини яхши кўраман» дегандек, Элмуроднинг «Ҳали шунақа дегин!» деб нур тўлиб-тошган кўзларидан кўзини олмасди.

— Зебо опамни қачон кўрсатасиз менга?

— Сабр қил, йўлдан қайтсин. У тортинчоқ эмас, келиб қолса, сени ўзиёқ қидириб топиб олади.

— Менга ўхшаган эканлар-да, бўлмаса. Кечагина кетибдилар. Яна ўн кунлардан кейин келармишлар. Мен унгача туролмайман. Эртага йўлга чиқаман.

— Эртага?

— Ҳа.

— Мунча тез? Ёв қуваптими?

— Йўқ, ёв қочяпти,—кулиб деди Латофат,—ахир ўзингиз ҳам тез олдинга кетяпсизлар-да! Олдинга кетганингларда кўп ўқ-дори зарур бўлармиш-ку! Ўшани бизлар тайёрлаб берамиз-да! Фронт учун, ғалаба учун катта маҳсулот берган гигант, чексиз гигант машинанинг кичкина, кўзга кўринмас бўлакчаси бўлсам ҳам, ўз ўрним бор. Бормасам ўрним йўқланади. Сизни кўрар бўлсам кўрдим, оёққа туриб кетибсиз. Соғайиб кетишингизга мен доим ишонардиму, ойим қўймади: «Бор, хабар ол. Яраси енгил бўлса шунча ётмас эди. Тушларим алоқ-чалоқ. Марҳум отамни кўп кўрадиган бўлиб қолдим, юзларини ўгириб, менга гапиргилари келмайди» деб мени тинчитмадилар. Муҳаррам опамга ҳам кўз ёши қилдилар, ҳа, айтгандай, ойимлар Муҳаррам опамни мендан яхши кўриб қолганлар, ҳамма маслаҳатларини у билан қиладилар, у эсли-ҳушли эмиш. Шундай қилиб, Муҳаррам опамга кўз ёши билан арз қилибдилар. Бир куни заводга борсам, парторгимиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мария Петровна «Ҳали танаффусда менга учраш» дейди. Кирсам «Шайтон қиз! Қиз деган ҳам шунақа бемеҳр бўладими? Нега онангни йиғлатасан? Мен сени ҳар томондан мукаммал деб юрсам, шунақа ишларинг ҳам борми? Уятсиз?» дейди. Дарров пайқадим: «Шундай иш тиқилинчда қанақа қилиб бораман!» дедим. «Поездга, ундан пароходга тушиб борасан, қанақа қилиб борардинг!» деб кулди, сўнгра ёпига ўтқазиб, инсоннинг, айниқса шундай жанговар фарзанд ўстирган онанинг қадри қиммати ҳақида, умуман озод инсоннинг турмушимиздаги ўрни ҳақида гапириб кетди. Унинг шунчалик маҳорат билан равон гапирганини ҳеч кўрмаган эдим. Охири «Бор, ақангни кўриб кел, онангнинг кўнглини тинчит. Мен рухсат олдим. Ўрнингда ўзим ишлаб тураман. Ўн кун бир йил эмас» деди. Бўлмаса ўзи инженер, иши бошидан ошиб ётибди, кўп вақт заводда ётиб қолади. Кейин билсам, Мария Петровнага Муҳаррам опам учрашган экан.

— Мария Петровна ўртага тушмаса келмас экансанда?— жўрттага ўксингандек сўради Элмурод.

Латофат хижолат тортгандек ғалати бўлиб турди-ю, дадил деди:

— Мен сизга ҳеч нарса бўлмаслигини, аввалгидек оёққа туриб кетишингизни билардим.

— Қаёқдан?—ишонқирамай, кулиб сўради Элмурод.

— Сабабини айтиб беролмайману, лекин менга ҳамиша шунақа туюлади, шунга кўнглим чопади. Урушни ғалаба билан тугатиб, омон-эсон обрў билан кириб келаётгандай бўласиз.

Элмурод синглисининг содда, ҳеч қандай асоссиз ишонч фалсафасига мийиғида кулиб қулоқ солди. Соат сари синглиси кўркам, меҳрибонроқ кўринарди, унинг оддий, самимий гаплари дам қувонтирарди, дам кулгисини қистатарди.

— Ака, бир нарса илтимос қилсам «йўқ» демайсизми?—деди Латофат болалик чоғларидек чучук гили билан эркаланиб.

— Қани, эшитай-чи аввал, қўлимдан келадими ўзи?

— Келади, фақат «хўп» десангиз бўлди.

— Қани-қани?

— Бирга суратга тушсак.

— Мени кўчага чиқаришмайди, синглим.

— Сиз «хўп» денг, бу ёғини ўзим тўғрилайман. Фоточи шу ерга келади, келаётиб гаплашдим.

— Қўй, синглим,— деди Элмурод насиҳатомиз салмоқлаб,—ўзимни анча олдириб қўйганман, рангларим ғалати бўлиб кетган—ойим кўриб баттар куядилар.

— Ҳечам ғалатимассиз-да, худди аввалгидай, ўзимиз кузатгандагидайсиз.

— Бу учдан бири, яраланмасимдан бурун кўрсанг эди.

— Ҳа, ростданам, Муҳаррам опам айтувдилар...

— Нима деб?—деди Элмурод мазах қилгандек эриш кулиб.

— Нима дердилар, ўзи тоғдай, елкалари боғдай дедилар,—кулгига кулги-ҳазил билан жавоб қайтарди Латофат,—ҳарбий форма шу кишига чиққан экан, бирам ярашибдики, дедилар.

— Шунақами?—Элмурод ҳамон ҳазилга мойил эди.

— Келинг, жон ака, «хўп» дея қолинг. Сиздан нима кетди? Ойимлар тайинлаб юборган эдилар.

— Ёлғончи!

— Йўқ, ростдан,—деди-ю, Латофат қизариб кетди, ёлғонни фош этиб қўйди. Аслида бу маслаҳатни Муҳаррам берган эди. Буни акасига айтмади, кўнглига бирор нарса келмасин деб, лозим кўрмади. Лекин шусизоқ Элмуроднинг кўнглига «бу Муҳаррам иккаласининг ишику-я» деган фикр келган эди. Латофат бўлса, акаси онасининг илтимосини ерга ташламаслигини билиб, ҳамон «чиндан, ойимлар айтганлар» деб қисталанг қиларди, охири акасини кўндирди. Элмуроднинг «шундай туша қолайлик» дейишига қулоқ солмай, «фронтчи-ҳарбиймисиз, ўз формангизда тушинг» деб туриб олди. Элмурод кулгига олиб «бўлмаса бironта замбаракнинг ёнида туша қолайлик» деса, чинма-чин пшониб «майли, яхши бўлади» деди. Ялинибёлвориб кийим-бошларини олдирди, орден, погоналарини тақдириб, айтганини қилдирди. Елиб-югуриб фоточини бошлаб келди.

Эртасига бўлажак келинойисини кўролмай, армонда йўлга чиқди.

VIII

— Фараз қилайлик, ўша самолётда сиз иккита граната ташладингиз, оқибатда у ёниб кетди.

— Бу аниқ, бефараз факт,—деди Мурзин ўзини эркин тутиб, қатъий.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу сизнингча,— деб унинг юзига тикилди полковник гўё бу билан «ахир сабр қилинг, мунча шошқалоқсиз» демоқчи эди.—Шундай экан, нима учун аҳолини кўриб қочдингиз?

— Душман деб оломон қилиб қўйишидан қўрқдим.

— Нега ўқ отдингиз?

— Уларга эмас, осмонга отдим.

— Фараз қилайлик.

— Агар уларга отганимда бирортаси яраланмасмиди?

— Мен сиздан сўраяпман, нега ўқ уздингиз?

— Улардан қўрққанимдан. Шундай қилсам, улар кетимдан қувишмас, деб ўйладим.

— Кейин, бемалол ўз йўлингизга кетмоқчи бўлдингиз, шундайми?—таъна қилди полковник.

Полковникни битта нарса жуда ажаблантирарди. У бунга ўхшаган «гастролчи»ларни биринчи марта учратиши эмас. У неча йиллик тажрибасидан яхши биладики, хоин ҳар вақт қўрқоқ бўлади, сўроқ вақтида довдирайди, жавобларида адашади, ҳимоя излаб қолади, лекин у Мурзинни қанчалик кўздан кечирмасин, турли ҳолда сўроқ қилмасин, сўроқларини эскитиб, солиштириб кўрмасин, у адашмас, ранги рўйи ўзгармас эди. У шундай пайтда кам-дан-кам кишиларда бўладиган вазминлик, хотиржамлик билан бемалол ўтирарди. Топшириқни вақтида ва тўла-тўкис бажарган разведкачидек қалби тинч кўринарди. Унинг қараши ва важоҳатида: «Мен сенинг ихтиёрингдаман, истаганингча тутишинг ва сўроқ қилишинг мумкин, бутун санъатингни ишлата бер, менга барибир, хавотир тортадиган ерим йўқ, менинг кўнглим тинч» деган маъно бор эди. Полковник уни бошдан-оёқ кўздан яна бир марта кечириб кўнглидан ўтказди: «Ё уччига чиққан айёр, такаббур, илоннинг оёғини санаган разведкачи, ёки ўзи айтаётгандек жанг тасодифларининг қурбони, адашиб немис разведкасининг тўрига тушиб қолган маъсум киши. Иккаласидан бири бўлмаслиги мумкин эмас».

Масала бунчалик қалтис ва муҳим бўлмаса, полковник терговни ўз қўлига олмас эди. Агар Мурзин бу полковникни ўз севиклиси Анна Ивановнанинг отаси Иван Капитонович Кравцов эканини билганда, ўзини қандай тутарди? Тўғри, Анна Ивановна бир маҳал Мурзин воқеасини (унинг штрафнойга тушишини, холос) бир хатида ёзган эди, лекин полковник бу фактга ортиқча диққат қилмаган



www.ziyouz.com kutubxonasi

ва ана шу воқеа қаҳрамонининг бир вақт келиб ўзининг қўлига «жосус» сифатида тушишини билибдими!

Мурзин ўзини вазмин ва ишонч билан тутиши, қаерда қандай ва кимда «жосуслик» таълимини олгани ва олдига қўйилган вазифаларнинг ҳаммасини гўё рўй-рост, тортинмай айтиб бериши билан полковникни яна ажаблантирарди. Бу парса ҳам икки хил фикр туғдирарди: биринчидан, унга топширилган вазифа улкан ва мураккаб, фақат унинг бир томонинигина, яъни енгил томонини айтиб бериб, ўзига ҳимоя ахтаряпти. Бу эса контрразведкани янада қаттиқроқ қизиқтиради. Иккинчидан, унинг айтаётганларининг ҳаммаси табиий ва тўғри, соф виждонли киши сифатида юрагини очиб ташлаяпти. Бунинг устига, Мурзин мана шу иккинчи фикрни тасдиқлайдиган бир иш қилган: биринчи куни уни ечинтириб кийим-бошларини, баданини кўздан кечирдилар. Ҳеч нарса йўқ. У кулиб, кийимини кўздан кечирган йигитга: «Тажрибангиз етмади, йигитча!» деди-ю, пичоқ сўради. Пиджагининг кичкина ёстиқчасини олиб, уни ёрди, ичидан юмшоқ ва юпқа латтани суғуриб, қошида турган полковникка узатди. У шартли усулда Виктор Викторовичга ёзилган хат эди. Полковник унинг бу ишидан ажабланди. Буни душманнинг ўз айбига иқрор бўлиб, ҳимоя истаётганига йўйган эди. Мурзин бу фикрни полковник қарашида уққандек:

— Буни сиздан ҳимоя истаб қилаётганим йўқ,— деди.

«Бўлмаса нима истаб қиляпсан» дегандек полковник унинг кўзлари тубига боқди. Мурзин эса «ўз гражданлик бурчимни ўтаётирман» дегандек мамнун турарди.

— Бу хатнинг мазмуни сизга маълуммн?—сўради полковник.

— Йўқ. Виктор Викторовичга аталган.

— Таҳлил қила оласизми, кўринг-чи?

Мурзин кўздан кечириб:

— Йўқ,—деди.

Унинг товушида ачиниш аломати бор эди. Ана шу саволдан Мурзиннинг руҳи сўнди. Қандай саволга жавоб бермасин, суҳбатдошини алдаётганга ўхшаб кўринди, уларни ўз сўзларига ишонтиролмаганидан фиғони фалакка чиқарди. Иш у ўйлагандек енгил ва оддий эмас эди. У нима қилишини билмасди. Тўғри, у туғилган ери, хизматга чақирилган ҳарбий комиссарлиги, қайси қисмларда хизмат қилгани ва нима учун штраф батальонига тушганини батафсил айтиб берди. У ерлардан унинг гапини тасдиқловчи справкалар келади. Лекин бу масаланинг бир томони. Душман қўлига тушгач, нима қилгани, ўзини қандай тутгани ҳақида унинг фикрини тасдиқловчи гувоҳ йўқ эди. Мана бу мушкул. Самолётнинг ёниши навбатдаги душман разведкасининг найранги, дейишлари мумкин. Ахир унинг граната ташлаганини ким кўрибди, ким тасдиқлайди? У тунлари билан шуларни ўйлаб, кўзига уйқу келмасди. Ниманки ўйламасин, оқибати хунук ва мудҳиш нуқтага бориб тақаларди. Ўз сўзи билан ўз кишиларини ишонтиролмаганига асло чидолмасди. «Чиндан ҳам полковник ҳақли, нима учун аҳолидан қочдим, ўқ уздим. Бир-икки мушт тушарди-да! Баъзан ўзим ҳам ҳовлиқиб ишнинг астарини ағдариб қўяман. Тўғри-да, нима учун менинг айтганимга лақ этиб ишониб қўя қоладилар. Шунча вақт душман қўлида бўламан, яна осмондан парашют билан ашқол-дашқоллар ортиб тушаману, нега мени ушлаб сўроқ қиляпти булар, деб ўйлайман. Сабр қил, ахир улар шундай синчиклаб иш кўрмаса ҳамма ёқ каптархона бўлиб кетади-ку».

Шундай ўйлардан кейин Мурзин яна ўзини тутиб олди. Ишининг тўғри ва ижобий ҳал бўлишига ишонч билан қараб кунларни кечираркан, бир туш яна таъбини хира қилди. Ужиндан кейин энди бошини ёстиққа қўйган эди, савлатли кўзойнак таққан, ориқ, узун бўйли майор пайдо бўлди. У Мурзинга немис тилида алланималар деди. Мурзин ҳеч нима тушунмади. Фақат майорнинг ғазабидан титраб, бурнининг катаклари кенгайиб, парраклари оқариб кетганини кўрди. Майор унга тарсаки урмоқчи бўлиб қўл кўтарди-ю, бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб, уни қучоқлаб олди, рус тилида «Балли, балли, иш мана шундоқ бўлибди» деб қўлини сиқди. Мурзин мундоқ қараса, у сўл қўли билан унинг кўкрагига тўппонча тираб турибди. Мурзин «Бу нима қилганингиз?» деса, ориқ майор: «Сенинг насибанг— шу!» деди. Мурзин қўрқув аралаш уни бор кучи билан ўзидан итариб юборди ва қочмоқчи бўлди. Фриц ўқ узди. Мурзин бошини елкасига қисди. Ўз товушидан уйғониб кетди. Бошини деворга уриб олибди. Бундоқ қараса, қаршисида лейтенант турибди. Полковник суҳбатга чақираётганини айтди.

Мурзин туш билан оёқ-қўли бўшашиб, жойидан қўзғалди. Юраги гуп-гуп урарди. «Яхшиликками?» деб ўзидан ўзи сўраб қўйди. Кўнгли алланечук бўлиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

IX

Ўлимнинг совуқ ва даҳшатли чангалидан омон чиққан кишининг севинчини тасаввур эта оласизми? Ўлимдан қолгач, ногирон бўлиб қолиш, бир умрга ногирон бўлиб қолиш гумонини ва унинг изтиробларини-чи?

Элмурод худди шуни ўз бошидан кечирди. Аввалига у «энди ўлсам керак» деб ўйлади, ўлса ўлгудек эди-да! Бир ойдан мўл ўлим билан тик олишди, ўлим гоҳ ўз совуқ оғушига тортгандек ҳушини олиб кетди. Гоҳ алаҳлатди. Кейин, олиб кетгач, қайтариб юбормас даҳшатли ўлимни матонат ва сабот билан енггач, «ногирон бўлиб қоламан» деган гумонда ўртанди. Врачлар «келажак кўрсатади» деган фикрдан кўра аниқроқ бир нарса дея олмадилар. Фақат оёққа туриб, ҳассага таянгач, у билан шуғуллана бошлаган «Физкультурачи чол доктор» (ҳамма уни шу ном билан атарди) Элмуроднинг ногирон бўлиб қолиш ҳақидаги саволига чўққи соқолини серкиллатиб кулди-да: «Фронгда ҳам шу юрак билан жанг қилармидингиз?» деди, кейинидан: «Бўйдоқсиз шекилли, ташвишингиз зўр! Дадил бўлинг! Кўрмагандек бўлиб кетасиз, истасангиз циркда чавандоз бўлиб, от ўйнатишингиз мумкин!» деб далда берди. «Шундай оппоқ соқолли, ёши улуғ киши ёлғон гапирадими, бир нарсага кўзи етадики, шундай ишонч билан далда беради-да» деб Элмурод унга ихлосманд бўлиб қолди. «Физкультурачи чол»га худди шу керакдек у Элмурод билан турли машқлар ўтказди: ўтқизиб, ётқизиб, тик тургизиб қўйиб оёқларини шупақа машқлар қилдирдики, ўша маҳалда «нажот машқлар» деб атаган, астойдил адо этган Элмуродга энди барчаси галати, бекорчиликка эрмакдек бўлиб кўринади. Ногирон бўлиб қолмаслигига биринчи марта ақли етган лаҳзадаги қувончларини айтмайсизми? Беҳад! У онадан туғма бўлди!

Мана энди барчаси орқада, гўёки шиддатли елдиримдек тез ва беиз ўтиб кетди, баданда доғигина қолди, холос. Эҳтимол, бу санъаткор табиатнинг «қариганингда ҳам ёдингдан чиқмасин, шуни кўрсанг эслаб турасан» деб танада қолдирган асло ўчмас ва ажралмас нақшидир, жанговар куплярнинг кўркидир!

Мана энди Элмурод севиклисининг уйида, унинг меҳрибон онаси ўз қўллари билан қавиган юмшоқ кўрпачаларда ётибди, бу қандай ширин ва оромбахш! Ахир бу гирғиттон бўлиб юрган она Элмуродни қиттай бўлсин Зебодан

кам кўрмайди. Зебо сафарда экан, ундан мунтазам хабар олиб турди, соатлаб қошида ўтирди «кўнглинг қандай овқат тусайди» деб сўради, унинг рад этишига қарамай, ширин-ширин қўлбола таомлар қилиб оборди. Докторларга учраб, улардан аҳволини сўраб-суриштириб турди. Докторлар уни Элмуроднинг туққан онаси деб ўйлаган эканлар, кейинчалик бутунлай бегоналигини, ҳатто миллати ҳам бошқа эканини билишганда: «Ажабо, бегона ҳам шунчалик меҳрибон бўладими!» деб ҳайрон бўлишди. Онани кўрганда аввалроқ салом бериб, қаршисига чиқадиган, унинг Элмурод қошида ўтиришини бошқаларники сингари чекламайдиган бўлишди. Докторларнинг таажжубланганини кўрган бир кекса офицер: «Бизнинг бутун қудратимиз шунда, енгилмаслигимизнинг бир боиси шу дўстликда!» деб изоҳ берди. Энди-чи? Энди шу она уни ўтқизгани жой тополмайди. Кундузи Элмурод бир стулда ўтираркан, уни юмшоғига алмаштирди, шунга ҳам фаҳми етмаган қизини чертиб олди: «Азиз меҳмон шундай стулда ўтирадими? Хусусан госпиталдан кейин-а!» Мана энди унинг қўйган ёстиғини қара! Бошинг кўмилиб кетади. Жилтини нимтатир синкага солинганини кўр, қандай ёқимли ранг!

Элмурод хонани кўздан кечирди: ортиқча жиҳоз йўқ. Лекин хона жуда файзли, дилрабо, гўё яна бирорта нарса қўшилса бузиладигандек, ўз кўркини, оромбахшлигини йўқотадигандек. «Бундай тартибли уйни она тутадими ё Зебо?» — хаёлидан ўтказди Элмурод.— Онаси тутганда ҳам қизи ундан кам юмушкор бўлмаса керак. Қизнинг чечанлиги, саранжом-саришталиги одатда, онадан дейишади».

Элмурод чойшабни устига тортаркан, ўзи танлаган қизидан мамнун бўлиб кетди. Зулукдек қошлари остидаги тим қора кўзлари чўғ бўлиб ёнди. Асли қорамағиз бўлса ҳам анчадан бери тузуккина очиқ ҳаво кўрмай оқимтир тусга кирган юзларида шодлик ва фахрланиш ҳисси кезди. Фикрида минг турли ўй. Ҳаммаси шодлик ўйлари. Сингласи Латофат келиб кетгач: «Опам қандай фикрда экан? Бу хонадонга муносабати-чи?» деган фикр хаёлидан кўтарилмасди. Онаси сал бўлсин норози эмас — худди шундай ҳисда эди у ҳозир.

Эшик нарёғида кимдир шиппакда енгил юриб келиб тўхтади, қулоқ солди шекилли, типиб қолди, кейин Зебонинг нечундир русчалаб:

— Еще не спишь? — деган товуши келди. Элмурод жавоб қайтаргунча бўлмай, Зебо остонада пайдо бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У вояга етган қизларгагина хос назокат ва латофат билан хушнуд турарди.

Шу лаҳзада тунга қўйилган кўк лампочканинг аллақанечук сирли ва юмшоқ кўк нурларида жуда ҳам кўркам, сув париларидек афсонавий кўриниб кетди, бир ҳуснига минг ҳусн қўшилган эди.

— Кел, кел! — деди Элмурод тушида гапираётгандек енгилгина ва ярим туриб, бағрига ёстиқ тортди.

— Бетинч қилганим учун кечир, албатта. Сени бир ерга таклиф этгани кирдим,— деди Зебо ўша назокат билан ва унга яқинлашди,— агар рози бўлсанг барвақтроқ туришга тўғри келади.

— Қани эшитайлик, қаерга экан? Ишқилиб хижолат тортиб қолмайманми?

Зебо «қачон сенга бир тиканни раво кўрувдим» дегандек лаб чимириб турди-да, карашма билан бир кўзини қисди.

— Онам эртага акам олдига боришга ваъда берган экан. Сени ташлаб кетишга кўзи қиймаяпти. Бормаса Камол интизор бўлиб қолади.

— Албатта бориш керак,— унинг сўзини бўлди Элмурод.

— Сен-чи? Бирга борасанми? Ахир, сенинг ҳам кўришинг керак-ку, у ҳар борганимизда сени сўрайди, сени шундай яхши кўрадики...

— Сендан ажралиб қаерда қоламан, зерикиб ўларман,— деди Элмурод ҳазиломиз.

— Онам йўл сенга оғирлик қилмасмикин дейди. Анча йўл. Поезддан кейин автобусда ҳам юрилади.

— Мендан хотиржам бўлсинлар, мен шердайман.

— Шунақами? Билмабмиз,— Зебо лабини чўччайтириб ширин табассум туҳфа этди, стул тортиб унинг қаршисига ўтирди.

— Анча аввалроқ чиқариб юборсалар бўларди-ю, докторларнинг журъати етмади шекилли,— деди Элмурод.

— Уларнинг-ку, журъати етарди-я, охирини ўйлайдилар. Сизлар сингари бағри тош эмас уларнинг.

Элмурод врачлар шаънига ташланган таъна тошининг учқунлари Зебога ҳам сачраганини пайқади, кулиб юборди:

— Шундайми? Юмшоқмиз, оппоқмиз, меҳрибонмиз дегин. Майли-майли. Бизлар бағри тошми? Нечун? Бағри

тош ўзи қанақа бўлади? Бағри юмшоқнинг қўли ҳам момиқдай бўлса керак, қани! — Элмурод Зебонинг гўштдоргина позик бармоқларини кафтига олган эди, Зебо қуйи лабини тишлаб эшикка ишора қилди, қўлини тортиб олди — «онам кўриб қолади».

— Албатта сизларнинг бағринглар тош! Йигитмиз деб магрурсизлар. Палатада ётибди-ю, коридорда турган кишисини чақиришга журъат этолмайди, тағин бу киши жанговар офицер!

Зебонинг эркалик билан қилган бу таънасини Элмурод дарров тушунди. Бу — Элмурод биринчи марта ётган госпиталдаги воқеага ишора эди.

— Ҳа, сиз «мунча мақтайверди, қанақа йигит экан ўзи» деб кирпб кўргансиз-да, гапиринг, ботир!

— Ҳар қиз, хусусан ўшандек енгилтак қиз мақтаган йигитнинг кетидан югураверіб менга зарур келгани йўқ. У сизлар, бири билан аҳди паймон қилиб, иккинчиси билан кўз уриштирадиган, қармоқ ташлайдиган.

— Шунақалари ҳам бўладими! Билмас экансан,— деди унинг оҳангида Элмурод лақмадек.

— Ҳа, сиз билмайсиз! Нурдай тозасиз. Қўйнинг оғзидан чўп олмагансиз. Гулни узмайсиз, болари эмсин деб. Яширмай қўя қолинг, ҳаммасини Муҳаррам айтиб берган. Батальонингиздаги врач қанақа қиз эди, ҳув, Муҳаррамга қўшиб қўйганингиз-чи!

— Биламан-биламан, ҳижжалайверма,— кулгига олди Элмурод.— Айши фронт қилибманми?

— Кўнгли сенга мойил экан-ку. Яқинда ёзган бир хатида Муҳаррам яна шуни эслатибди, «Ўшандан оғиз очаётгани йўқми?» «Одам оласи ичида» дебди.

— Бу ёлғон! Уйдирма гап, туҳмат! — Элмурод чеҳрасидаги кулги сувга ташланган чўғдек бирдан ўчди.

— Хафа бўлдингми? — Зебо эркаланиб унга энгашди, Элмуроднинг қўли устига қўлини қўйди, муҳаббат оловлари тошган кўзларини унга тикди, кўзлари уришиб, қадалиб қолишди. Бир жуфт кўзда ўз ҳазилидан ўкиниш, иккинчи бир жуфт кўзда содир бўлган воқеадан ажабланиш бор эди. Сўзсиз қалб тинглашни, сукутни яна Зебонинг ўзи бузди.— Мен сенга ўзимга ишонгандек ишонаман. Эркинг ўзингда, мени кўзинг қияр экан, ким билан юрсанг, юра бер. Фақат зорим бор, севгим бор, Элмурод, зўрим йўқ. Меҳрсиз ўтқазилган кўчат кўкармас, кўкарса ҳам мева қилмас, дейди боғбонлар. Сенга ишонаман, ишо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

памапу, жону жаҳдим билан севаман. Шуни унутмасанг кифоя менга.

— Раҳмат, азизим, раҳмат! Менга ҳам фақат шуни па керак. Мен қалбимни сенга бағишлаганман — бунга амин бўл. Ўзганинг муҳаббат чироғи менинг қалбимда ёнмайди.

Икки бош оҳистагина, бир-бирини ўзига магнит бўлиб тортгандек яқинлашиб, бўсага ташна ёниқ лаблар ўтли жипслашди, кўзлари сузилиб, кейин бутунлай юмилди. Бўсалар чақмоқ чақди. Икки юракнинг «гуп-гуп» уриши бемалол эшитиларди. Зебо «ози соз!» дегандек сапчиб ўрнидан турди. Кўзларида тил билан ифодалаб бўлмайдиган туйғулар ёнарди. Зебо эркаланиб, кўрсаткич бармоғи билан «ҳаф сизними!» деган ишора қилди. Эшикка етгач, товушини кўтариб, деди:

— Келишдик, а? Барвақт туринг.

Элмурод жавоб ўрнида сўл кўзини кулибгина қисди-да, энгак силкиди. Зебо ўз қўлини ўпиб, хайрлашиш имоси қилди. У чиқиб кетгач, эшикдан онанинг «Мунча ҳаялладинг, қизим! Борадиган бўлдими?» деган товуши келди. «Пайқаган бўлса-я» деган фикр Элмуродни ботмон бўлиб босди-ю, эртага қанақа қилиб кўринишини ўйлаб қолди, совуқ тер чиқарди. Салдан кейин бу ўйни унутди, ўрнини бошқа тотли хаёллар — тунни кундуз алмашгандек чулғаб олди. Шу ўйлар туфайли ундан уйқу қочиб бўлганди. Бутун бадани мис бўлиб қизирди. Хаёл аллақаёқларга етакларди, ёркин қирғоқ, чаман боғлар, ойдин, сурма ранг тунлар тотли огушлар ваъда этарди...

Эрталаб яна Зебонинг ўзи товуш берди:

— Турдингми?

Элмурод аллақачон уйғонган, руҳи енгил, ширин ўйлар қучоғида маст эди.

Улар госпиталь-санаторийга етиб келганда қуёш найза бўйи кўтарилганди. Поезддан бу ёғи ҳам анча йўл экан. Машинани кўпгина кутишга тўғри келди... Одам қалин... Улар дарвозадан кириши билан бошқа олам пайдо бўлди. Бу нефтчиларнинг санаторийси эди. Ҳозир яраларидан холи бўлган, бироқ кучга кириб кетмаган офицерлар дам олади, даволанади. Боғ жуда кўркам: унда азамат қуёш ва ёқимли шамолнинг майса ва гуллар билан қилган рақси кун бўйи давом этади. Қадди юксак, сурх дарахтлар эрталаб ва кечқурун қуёшдан шамдек гўзал ёнадилар. Боғнинг бир чети Каспий билан туташган. Унда сув эмас, нур

мавжланади. Каспий бу ерда сокин. Асов отдек ёл кўтармайди. Фақат ўқтин-ўқтин ўзини метин қирғоққа «чапчап» уриб қўяди. Қирғоққа боғлиқ қайиқчалар ювош тебранади. Боғнинг бир неча еридан азамат қад кўтарган оппоқ бинолар, айниқса тунлари сирли ва кўркам кўринади. Денгиз ёқасидаги анави иккитаси, айниқса серзавқ жой. Деразаларидан, ровонли айвонларидан туну кун денгизни томоша қилиш мумкин. Бир туннинг ўзида денгиз озмунча жозибадор тусларга кирадими. Ойсиз тунда бир бошқа, ой чиқиш олдида яна бошқача, ой чиққанда бутунлай ўзгача таманно қилади, гўё биров уни дам-бадам алмаштириб қўяётгандек. Айниқса қуёш чиқиши билан, қуёш ботишини-ку, асти қўя беринг, айтмоқ ортиқча. Кўриб тўймаса, ёзиб қаноатлантириб бўлмайди. Айвазовский бекорга денгиз ошиғи бўлмаган экан, деб юборасан киши!

Зебонинг акаси Камол хириллаган товуш билан Элмуродга ўзини ташлади, ўпди. Унинг товуши тузуккина чиқмаётганидан асабийлашаётгани яққол кўриниб турарди, ориқлаб кетган. У хириллаб деди:

— Мана, ўртоқ лейтенант, кечирасиз, ўртоқ капитан, мактабда лейтенант деб ўрганиб қолганмиз-да, яна кўришдик. Омонмизу, лекин соғлом эмасмиз. Соғлигингиз қалай? Бутунлай тузалиб кетдингизми?

— Раҳмат, яхши. Сизники ҳам яхши бўлиб кетади. Фақат ўзингизни ортиқча асабийликдан тийинг,— деб Элмурод сўзини ҳали тугатмаган эди, опа луқма ташлади:

— Ана айтмадимми, Элмурод ҳам шу маслаҳатни берапти. Сен бўлсанг нуқул асабийлашасан. Тузалмаяпман, деб диққат бўласан.

— Элмурод, сен унга «Асабийлашма!» деб буйруқ бериб қўй! Ахир сен унинг командирисан-ку. Бизга қулоқ солмаяпти,— кулиб гапга аралашди Зебо.

— Йўқ, Камол бунга муҳтож эмас. Шундай душманни чекинишга мажбур этолган совет офицерининг иродаси, кучи буйруқсиз ҳам ўзини тута билади. Шундай эмасми, Камол? Биз ҳар вақт буйруқ билан эмас, ташаббус билан иш кўрамиз, ўртоқ медицина хизмати старший лейтенанти.

Ҳаммалари кулишди. Бугун граждан кийимида келган Зебо «қани, менинг старший лейтенантлигим» дегандек ипак кўйлагининг ўйма ёқасидан ушлаб қўйди. Учишга тайёрланган каптардек қўш чўққи кўкраги лорсиллагандек бўлди, ё унга шундай кўриндими!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Каспийда сайр қилиб турасанми, Камол? Шу кунларда бирам гўзал бўптики, узоқдан имлайди.

— Кам. Кеча бир сайр қилдик. Ҳа, айтгандек, ўртоқ капитан, бу ерда сизнинг полкдошингиз бор. Мактабга ҳам бирга келган экан. Дубенко. Кеча тоза гаплашдик. Қулоғингиз ҳам қизигандир.

— Дубенко! Шу ердами? У менинг ажойиб дўстим — Микола Дубенко. Кўзи тим кўк. Гавдали. Шунақами? Чақиришнинг иложи йўқми?

— Нега иложи бўлмасин! — Камол гавдасига нисбатан муносиб келмаган узун оёқларини катта-катта ташлаб дарахтлар орқасида гойиб бўлди. Элмуродлар атрофига печак гуллар экилган беседкада ўтиришарди. Печак гул юқорига тортилган ипларга чирмашиб кетган. Кўм-кўк. Ранг-баранг гуллари қизил шароб тўла нозик қадаҳни эслатади. Элмурод Камол кетган томонга қараб ўтирарди. Дарахтлар барги, хом новдалари майин титрайди, ерда соялар қўнимсиз силкинади. Камол кетган йўлга ётқизилган қумлар чўғдек ёнади.

Она билан қиз ниманидир ўзаро гаплаша бошлади. Узоқдан Камол кўринди. Унинг ёнида бир қўлтиқтаёқли киши келарди. У санаторий кийимида эди. Бош яланг. Ҳассанинг зарбидан сочлари силкинади. У Дубенко эди. Элмурод уни таниб, пешвоз чиқди. Дубенко унга етмаёқ, сўзлаб келарди:

— Элмурод! Дўстим! Салом-салом! О... ўзгариб кетибсан. Кифтингни қара-я.

— Бу госпиталдан,— деди Элмурод.

Улар қучоқлашишди, ўпишишди.

Бир-бирларига қараб қолишди. Улар ҳаётга энди мустақил қадам қўйган ҳамма ёшлар каби бу қисқа вақт ичида жуда тез ўзгариб кетишган эди. Иккиси ҳам ўзи қоришган, яшаган курашнинг, ҳаётнинг тамғаларини ола келган, унинг нишоналари, таъсири қарашларида, сўзларида, фикрларида, ҳатто табассумларида мавжуд. Буни иккиси ҳам билди. Шунинг учун уларга аввалгидек кўриша солиб суҳбат бошлаб юбориш қийин бўлди. Иккисининг ҳам туриш-турмуши бир-бирига «ўзгариб кетибсан-ку, нимадан гаплашсак кўнглинг ёзилади-ю, дилингдаги бўлади» деган маънони ифодаларди. Дубенко ташаббусни қўлига олди, ўз аҳволини айтди:

— Мана дўстим, бир оёқни олдириб қўйдик. Бикинда осколка ётибди. Кейин олишармиш. Уч-тўрт кундан кейин бу ерда ҳам жанговар хизматимиз тугайди. Шаҳрим фрицда. Билмадим қаёққа бораман. Бизга юр, деганлар кўп. Бири Кавказда қолавер, дейди. Бири Кубанга қистайди.

— Ҳеч бири сенга бўлмайди. Кавказни кўрдинг. Кубанда урушдинг. У ерда бу оёқ билан ёзилиб ишлолмайсан. Яхшиси бизникига жўна. Меникига. Тўппа-тўғри меникига. Ҳавоси қуруқ, сермева — сенбоп. Квартира ҳам қидириб юрмайсан. Меникида тураверасан. Бирорта қатта заводга ўз касбинг бўйича жойлашиб оласан. Вассалом.

— Сенинг томонинг жуда иссиқ, эритиб юборади кишини.

— Сен музмидинг, мунча қўрқасан,— ҳазилга олди Элмурод.— Мана мен бориб, шаҳрингни озод қилгач, ўзим телеграмма бераман. Молния қилиб.

— Сен шунақа қилмасанг ҳам, менинг қўлимдан энди ҳеч нарса келмайди, дўстим.

— Сен ҳали кўп иш қиласан. Шу кунларда ҳарбий завод — иккинчи фронт.

— Шундай-ку, лекин ўзинг жанг қилганинг бошқача-да!

— Хўш, меникига кетишга розимисан?

— Нима қилиб бу ерда ўтирибсизлар. Камол, кечаги сайрни давом эттирайлик-а? Тунда қимир этмай ухлабман, иштаҳа ҳам карнай бўлди эрталаб,— Дубенко яна Элмуродга қаради.— Қиладиган иш йўқ. Шахмату, доминога танда қўйганман. Биллиардга ярамайман. Қани кетдик.

Дубенко бошлаб, таёғини қўлтиғига тиради. Зебо онасига кўз ташлаб, Элмурод кетидан эргашди. Қуёш тикка га келган. Сувда нур синади. Камол онаси билан синглисини бир қайиққа ўтқазиб, қирғоқ бўйлаб суриб кетди. Дубенко қайиққа ўтиргач, Элмуродга бошқа томонни имо қилди. Улар анчагина йироқлашгач, Дубенко сўради:

— Жонон ким? Сенга қарашлими? Сулув-ку. Қаёқдан топа қолдинг бунақасини?

— Врач.

— Госпиталданми? Сен ҳам биласан-а! Уйландингми?

— Камолнинг синглиси.

— Камолнинг синглиси бўлса уйланиб бўлмайдими? Мактабдаёқ орттирганман, дегин. Анави, оти нима, турмуш қилиб кетганинг ҳалиям ёзиб турадими? У ҳам чаккимас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эри билан учрашдим. Ўзи келиб кетди.

— Ия, қандай қилиб?

Элмурод, бу икки ҳодисани батафсил айтиб берди.

— Дунё ўзи қизиқ. Тасодифлар билан тўла. Сен билан менинг шу ерда учрашувимизни ким хаёлга келтирибди. Ўзини ҳам тоза боплагандирсан?

— Кимни, Муҳаррамними? Йўқ, яраси битиб қолган экан. Унча оғримади.

— Кўнгли банд ҳам эди дегин?

— Шу томони ҳам бор.

— Ҳой, сен ҳадеб, денгиз ичкарисига кириб кетаверма. Қайтишни ҳам ўйла. Бунинг шунақа тўлқинлари борки, ошириб қўяди кишини,— деди Дубенко ва қўлтиқтаёғини сувга солиб чизиб борди. Элмурод бир эшкак билан ишлаб, қайиқни ортга бурди. Сув тиниқ. Эшкак кафти сув ичида бемалол кўринади. Эшкак юзига чиққан сувлар оловдек сочилади. Дубенко газетадан қалпоқ қилиб кийиб олди:

— Бокунинг ёзи одамни ёқиб юборай деяпти, билмадим Тошкентингники нима қиларкин. Ёғингни эритиб, ўзингни мўмиёлаб қўйса керак.

— Сўз битта. Кетишинг аниқ-а? Келишдик. Айнисанг хафа бўламан.

— Келишдикми-а? — кулгига олди Дубенко, бир оз ўйлаб тургач, деди: — Онангга ортиқча ташвиш бўламан. Ҳойнаҳой онанг қари бўлса керак. Ўғлимнинг ўртоғи деб, қараб туролмайди. У-бу юмушимга қарашади. Кекса одамга бу ортиқча юк.

— Сен бу томонини ўйлама. Онамга қарашадиган сингилим бор. Тошкент ҳозир қизларга тўла. Сенинг томонингдан кўчиб келганлар ҳам бир талай бор десангчи! Бирортасини топиб ҳам оласан.

— Йўқ, сен бу томондан хотиржам бўл. Анютадан бошқасига кўнглимда ўрин йўқ, Юрак битта — сўз битта.

Элмурод унинг полкда, мактабда Анюта ҳақида қилган ҳикоясини ва суратини кўрганини эслади. Суратга артистлардек туриб тушган эди.

— Суратини йўқотганинг йўқми? — деди Элмурод эшкак суришдан тўхтаб, қайиқни ўз ҳолига қўйиб юборди.

— Кимникини? Уникиними? Жонимни йўқотган куним сурати йўқолади. Мана! — у суратни чарм ҳамёнидан олиб кўрсатди. У ҳамон ўша Элмурод кўргандагидек табассум билан артистона турарди.— Ўзини ҳам заб сотгандим-да. Уруш бошланганда бир ёзди-ю, шу-шу жим бўлиб кетди. Эсингда борми, хатини кўрсатувдим.

— Омонмикан?

— У ўладиган хилидан эмас. Сувга тушса чўкмайди, ўтга тушса ёнмайди.

Элмурод Дубенконинг бунчалик ишонч билан яшашидан қувонди.

— Украинамга халоскор бўлиб киролмадим. Шу армон юрагимда тошдек тугилиб қолди,— деди суҳбат охирида хўрсиниб Дубенко. Унинг тим кўк кўзлари сокин, ложувард уфқларда, узоқларда дайдиб юрган тўлқинларда кезарди.

Кечқурун Элмурод Камол ва Дубенко билан хайрлашар экан, Дубенконинг қўлини қўйиб юбормай туриб деди:

— Хўш, энди сен қачон йўлга чиқасан?

— Шу ҳафта охирида.

— Бординг, хат ёз. Мен ўз қисмимга қайтаман. Онамга кўпдан-кўп салом айт. Кўнглини кўтар. Кута бериб ҳам кўзлари тўрт бўлиб кетди. Бечора она! Ёз,— деди Элмурод ва яна ўпишишди.

— Албатта! Албатта!— деди Дубенко ҳам.

Элмурод Дубенко қошидан чарчаб қайтди. Йўл бўйи Дубенко унинг кўз олдидан кетмади. Баъзан у, Тошкентга кириб бораётган бўлиб, гоҳ онаси билан суҳбатлашиб ўтирган бўлиб, гоҳо нечундир хафа ўтирган бўлиб кўриниб кетади. У шаҳарга кириб, Зеболар томонига бурилиши билан яна руҳи кўтарилиб, кўнгли очилди. Фронтга тушгандан бери тотли ҳаётнинг барча роҳат ва оромларидан маҳрум бўлгани учунми, Зеболарнинг бежирим ва файзли уйига кириши билан, ҳордиғи чиққандек, у жангу жадал йиллари, хотиралар унутилгандек бўлди. Бир маҳаллар, фронтга кетмасдан аввал, бу уй бунчалик кўркам ва жозибадор кўринмаганига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Ё Зебони энди астойдил севиб қолдими? Ё авваллари унинг севгиси қаҳратон қишнинг қуёшли кунларидек қисқа ва кам ҳароратли эдими? Госпиталда учрашув, йўлдаги даҳшатли бомбардимон, Зебонинг шу дақиқалардаги садоқати унинг қалбини бутун бир умрга занжирбанд қилиб олдими? Ҳа, шундайдир! Ахир кишини яхши кўриб, астойдил яхши кўриб қолсанг, унинг ўзигина эмас, ҳатто шу онгача кўзга таш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланмаётган оддий кўчаси ҳам, бошқаларникидан фарқ қилмаган эшиги ҳам сенга жуда чиройли кўриниб кетади! У ўзини Зеболарникига олиб келган йўлдан ҳам миннатдор эди!

Элмурод шу тун тиниқиб ухлади. Руҳи енгил тортиб уйғонди. У тақдиридан мамнун эди. Унинг госпиталь ўз муҳрини босган оқаринқираган, қон қочирган, пича нозиклашган чеҳрасида табассум аримасди. Бу табассум кўнглининг соҳиби Зебога: «Ҳа, мен шундай бахтиёрман. Сен-чи, сен ҳам бахтиёрмисан? Менинг қошингда мамнун ўтиришимдан розимисан? Гапир, қалбингда борини гапир. Мен тин олмай сени тинглашга тайёрман. Менга ишонсанг бўлади. Мен сенинг севгингга хиёнат қилмайман; сен бунга амин бўл! Шунинг учун ҳам сенинг уйингда ўзимникидай бемалол ўтирибман. Мен эрта-индин кетаман. Огир жангга кетаман. Ҳижронга бардош бероласанми? Севгимни муқаддас тутиб, ардоқлай биласанми? Мен сени биламан, сенга ишонаман. Ҳа, сенга ишонаман» деган маънони ифодалар эди. Буни Зебо тушунди шекилли, вояга етган қизлардагина бўладиган нозу истиғно унинг ҳар бир ҳаракатидан барқ урарди, турмуш ташвишидан холи ёш қизлардек майда қадам билан дикиллаб хонага кириб-чиқиб турарди.

— Мана бу хатни танийсанми, Элмурод? — деди бир гал кириб Зебо ва дарров орқасига олиб беркитди.

Элмуроднинг юраги «шув» этиб, фикри аллақаёққа учиб кетди. Бу ёзувни кўз қири тушиши билан дарров таниган эди. Танимай ҳам иложи қанча! Ахир шу «у», «д» ҳарфларнинг думини жимжима қилиб ёзувчи кишидан у озмунча хатлар олганми! Ахир шу хатнинг соҳиби унинг бағрига айрилиқнинг биринчи оғусини томизган эмасми? Нечун уни танимасин!

— Нега ўзгардинг, Элмурод?— деди кутилмаганда Зебо.

Элмурод «Наҳот ўзгарган бўлсаму, Зебо пайқаган бўлса» деган ўй билан дарров ўзини чалғитди, у ҳам савол ташлади:

— Ўзгардимми? Ҳа, ўзгарган бўлсам эҳтимол, Рашид кўз олдимга келиб кетди. Яхши йигит эди.

Элмурод ўз ёлғонидан баттар лоҳас тортди. Лабига, юзига чиққан сохта табассум унинг қалбини яшироллмас эди. У яширишни истамади, тўғриси, севимли қизи Зебодан яширишни ўзига эп кўрмади.

— Зебо,— деди у,— эсингда борми, бир маҳал сенга «бир қиз мени ташлаб, бошқага эр қилиб кетган» дедим.

— Ҳа, эсимда бор. «Хушбахтлар» спектаклидан келаётганда айтувдинг шекилли. Москвада физкультура парадида бўлган ҳам девдинг.

— Ҳа, балли,— деб тасдиқлади Элмурод,— ўша шу Муҳаррам бўлади.

— А!..— деб Элмуродга қараб қолди Зебо. Бу бир оғиз сўзда ҳам ажабланиш, ҳам Муҳаррамнинг шунча сирдошлашиб ўзи иқрор бўлмаганидан ўкиниш, шу билан бирга, буни ўша Муҳаррамнинг ўзидан сиғдиклаб сўраб олмаганидан пушаймон бор эди. «Элмуроднинг шундай магрур қизи бўлганини сўраганимда нима учун Муҳаррам иқрор бўлмади. Ҳатто шунга яқинроқ бирорта имо-ишора ҳам қилмади» Зебонинг хаёлидан ўтди. Муҳаррам уни алдаб кетгандек кўринди.

— Элмурод, ростини айт, чиндан, уни севганмидинг? — деди бир неча лаҳзадан кейин Зебо. Элмурод шундай савол берилишини кутмаган, ҳатто ўйламаган ҳам эди. Шунинг учун бўлса керак, нима дейишини билолмай қолди. Фақат Зебонинг кутиб турган кўзига қаради. Бу қараш: «Сўраб нима қиласан. Ҳатто ҳозир ўзим ҳам билмаймак: севганманми? Йўқми? «Севмаганман» десам, жароҳатининг изи ҳали ҳам кўнглимда борга ўхшайди. «Ҳа» десам жуда ҳам тўғри жавоб бермаётганга ўхшайман. Нимадир бўлиб ўтган, ҳа, бўлиб ўтган!» деган маънони ифодаларди.

— У сенга ҳар хатида салом айтади. У сенинг севганингни билмаган бўлса керак. Мен сўраганимда «қиз пайқамай қолган бўлса ажабмас» дегандек жавоб берганди.

— Сен сўровдингми? — нечундир шошиқираб сўради Элмурод.

— Ҳа, лекин ўзи эканини айтмаган эди. Шунга ажабланиб турибман.

— Қанақа қилиб «ўша мен эдим» дейди, қулайсиз-да!

— Сенинг ҳақингда жуда яхши фикрда. Сени мақтаб ойимнинг кўнглини тоғ қилиб юборди. Мана бу хатида ҳам сенга кўпдан-кўп салом айтган.

— Сен мени госпиталда деб ёзганмидинг унга?

— Биз мунтазам хат олишиб турамиз,— деди Зебо тўғри жавоб беришга ботинмай, хижолат тортган ки-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шидек,— сўз беришган дугоналармиз. Ё сен қаршимисан?

— Йўқ, мутлақо! Нечун қарши бўламан. Сен энди рашк қилмасанг деб қўрқаман, холос,— кулибгина деди Элмурод.

— Қилсам ҳақим бор, чунки сени севаман.

— Энди унга хат ҳам ёзмассан? Нимага ҳам сенга билдирдим. Муҳаррам-ку, айтмай тўғри иш қилган экан-а!

— Ҳали мендан сир тутадиган ишларинг ҳам борми? — эркалангандек, карашма билан кўз сузди Зебо.— Мен сендан ҳеч нарсани яширмайман-ку.

— Мен ҳам яширмадим-ку. Қани хатда нима дебди?

— Бермайман,— деди Зебо бир қадам орқасига тисарилиб, боягидай эркаланганича. Унинг кўзлари: «Ҳа, алам қилсин, бермайман. Энди рашким ҳам келади. Боя берсам ҳам, энди бермайман. Зўрлик қиласизми? Олиб бўпсиз» дегандек жавдираб, чақнаб турарди. Унинг бу туриши Элмуродга ҳар қачонгидан кўркам, латофатли ва сулув кўриниб кетди. Хат баҳона бўлди-ю, ирғиб ўрнидан туриб, унга ташланди. У қийқириб, ўзини эшикка отди. Элмурод икки йирик қадам билан уни худди остонада ушлаб олди, бағрига босиб, хатли қўлига тармашди. Зебо ҳамон эркаланиб «Алам қилсин, бермайман, бермайман!» деб унинг қучоғида коптокдек мушт бўлиб, хатни икки қўллаб ушлаб, кўкрагига босиб олганди. Элмурод уни бир қўли билан бағрига ёнбошидан тортиб иккинчи қўли билан хатни олмоқчи бўларди. Зебо баттар ўжарлик қиларди. Унга сари Элмурод қаттиқроқ ёпишиб бораверди. Шу хат баҳона бўлди-ю, Элмурод уни кўтариб бориб, диванга ётқизди. Зебога ҳам худди шундай шўх ҳазил керакдек яна ҳам қаттиқроқ «қаршилик» кўрсатарди. Элмурод Зебони диванга ётқизиши билан бир зум хат эсидан чиқди-ю, уни бағрига қаттиқ босиб ўпди. Зебо қаҳ-қаҳ солиб куларди, ҳамон «ололмайсан, бермайман» деб қийқирарди. Элмурод бўсадан тўйгандай кичик бир лаҳза лабини унинг томоғидан кўтарди-да, кулги ва ўзининг оғушида ғарқ бўлиб ётган Зебонинг порлаб турган кўзларига қаради ва шу замона яна унинг лабига лабини босди. Зебо ана шундагина Элмуроднинг хаёлидан хатнинг чиққанини, ёшликнинг оташ қони бутун томирида жўш уриб, кўзлари шу маҳалгача ҳеч кўринмаган завқ-шавқ билан ёнаётганини пайқади-да, шу ҳаракатига бир дамгина ёниқ бўса билан жавоб қайтариб:

— Ана ойим келяпти! — деб қичқирди.

Элмурод сапчиб туриб кетди. Зебо унинг бу ҳаракатини кузатиб, яна қаҳ-қаҳ солди:

— Ҳа, қўрқмас экансиз.

Элмурод ўзининг алданганини билди-ю, яна ёпишиб боролмади. Энди сабаб ҳам йўқ эди, чунки бу шўх дақиқаларга восита бўлган хат диванда ғижимланиб ётарди. Зебо эса тўзиб кетган сочларини тартибга соларди.

— Бировнинг қизини еб қўяй деяпсиз-а, шунақаям очмисиз,— деб яна Элмуродга тегишарди.

Унинг юзларида, лабларида, кўзларида бояги шўхликларнинг изи ҳамон сузиб юрарди. Ёш қизчалардек эркаланиб, тилларини чучук қилиб яна деди:

— Сиз ҳали тўхтаб туринг, ойимлар келсинлар, ҳаммасини айтиб бераман. Элмуродингиз ёмон бўлиб кетибди, дейман. Энди мени ҳеч у билан ёлғиз ташлаб кетманг, дейман.

Улар шўхликлардан тушиб, Муҳаррамнинг хатини аҳиллик билан ўқиб чиққанларидан кейин, кун оққанда она келди-ю, лекин Зебо унга ҳеч нарса демади. Фақат «энди айтайми?» дегандек Элмуродга кўз қисиб қўйди.

Эртаси эрталаб, бир даста гул олиб, Рашиднинг қабрини зиёрат қилгани кетишди.

Икки кун ўтгач, Элмурод сафарга отланди. У ўз қисмига қайтарди. Элмурод она билан уйда хайрлашиб қўя қолди. Зебо уни кузатиб вокзалга чиқди. Вокзал ўз гўзаллиги билан келганларга «хуш келдингиз!», кетганларга «оқ йўл!» дегандек бўларди. Зебо хайрлашар экан, қаттиқ куйиб йиғлади, титраб йиғлади. Ундан ажралгиси келмасди. «Бирга юр» деса жон деб кетишга тайёр эди.

— Нега йиғлайсан, жоним, мупчалик йиғлашга ўрин йўқ. Энди ғалаба билан биратўласи кўришамиз. Соғ бўл!— деди Элмурод. Зебо баттарроқ унга ёпишди. Юзларидан, кўзларидан, лабларидан ўпди. Кўкрагига бошини қўйиб олди.

— Мунча! Жуда ширин бўлиб кетибманми? Тўймаяпсанми?—уни ҳазил билан енгмоқчи бўлди Элмурод. Лекин ўзи ҳам тўлиб келган ўпкасини аранг тутиб турарди. Истамаса ҳам, шундай қилиш лозим бўлганидан, Зебонинг икки елкасидан аста ушлаб ўзидан ажратди. Зебо эса қил энича ҳам ундан узоқлашгиси келмас, Элмурод бир қадам тисарилса, Зебо яна одимлаб унга ёпишарди. Буни кузатиб турган бир старшина, сувга ўтаркан, пичинг отди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Зўрлаб қолдириб нима қиласиз, ўртоқ капитан, бирга олиб кетаверинг, қўл ушлашиб атакага кириб турасизлар.

Бу гап Элмуродга ғалатироқ ботган бўлса-да, Зебога таъсир қилмади. Унинг эшитгани гумон эди.

— Элмурод! Нима учундир энди биз кўришмайдиганга ўхшаймиз. Шу охиргисига ўхшайди. Кетаман деганингдан бери шу фикр миямдан силжимайди, биров михлаб қўйганга ўхшайди.—Элмуроднинг бўйнига қўлларини солиб туриб, йиғлаб, ўзини зўрға тутиб деди Зебо.

— Тентак бўлибсан, Зебо! Биз ҳали кўришамиз, албатта, кўришамиз. Бирга бўламиз. Шайтоний хаёлларга қалб тутма, эркам. Тетик бўл!

Элмурод йигитлик ҳарорати билан уни кўкрагига босди, ўпди, лабида Зебо кўз ёшисининг шўртак, илиқ намини сезди. Ана шу дақиқада айрилишнинг оғир эканини тўла ҳис этди.

Зебо уйга қайтгач, онасига ҳам шу ҳиссини айтди. Она қайриб солди:

— Яхши ният қил, болам. Яхши ният — ярим мол. Умид-ниятинг йўлдошинг бўлсин. Умидсизланма! Кўп қатори сен ҳам сабр қил. Сабр таги сариғ олтин дейдилар, болам!

Она қизининг бошини силади. Зебо онасининг иссиқ кўксига Элмуродникига қўйгандек ишонч ва меҳр билан бошини қўйди:

— Айтганингиз келсин, онажон!

X

Тунда манзилга етолмай уфқда қолган супрадек оппоқ булут аввалига садафланиб, кейин андак вақт ўтар-ўтмас чўғдек яллиғланди, қизарди — демак бошлаб қуёшни у кўрди. Айри шохи синиб, ерга тиралиб қолган олчанинг ингичка, пишиқ новдасига келиб қўнган уч-тўрт чуғурчиқ қуёшнинг чиқишини, кун туғилишини олқишлади.

Худди шу пайт Элмурод икки йўл кесишида регулировщик солдатга: «Бирор машинага тушириб юборишнинг иложи йўқми?» деб илтимос қилиб турарди. Япасқидан келган хушмўйлов регулировщик қизил байроқчасини ҳилпиллатиб «қани, ўзинг қайси боғчанинг қушисан, менга қара-чи» дегандек унинг оҳори тўкилмаган янги, тоза

кийим-бошларини кўздан кечирарди. Бунга ҳам қаноат қилмади, юзига жиддий тус бериб, шусиз ҳам тик турган мўйловини яна бураб юқорига нишладида, дўриллади:

— Ҳужжатингизни кўрсам мумкинми, ўртоқ капитан?

— Шартми?—деди Элмурод жилмайиб ва мансабпараст солдатнинг шаҳдини қайтармай гимнастёркаси кўкрак чўнтагининг юлдузли тугмасини эринибгина чиқара бошлади. Шу вақт пастликдан машина сигнали эшитилиб, дам ўтмай фронтда «ер лочини» лақабини олган «Виллис» кўринди. Кун ёришиб қолган бўлса ҳам у нима учундир чироғини ёқиб келарди. Элмуродга ҳужжатини олиш учун қўлини чўзиб турган хушмўйлов, япасқи солдат «ҳозир, шу машинани ўтказиб юборай» деб «ер лочини» келаётган томонга ўгирилди, орқасига осган автоматини камаридан ушлаб мувозанатини текислади. Машинага кўз тикиб турди, бироқ машина у мўлжал қилганидек, «лип» ўтиб кетмай, шундоққина унинг ёнида тормоз бериб тўхтади. Унда генерал ўтирганини кўрган хушмўйлов солдат шошинқираб қолди, честь бериб «фармошингизга тайёрман» дея қулоқ осиб турди. Лекин генерал унга парво қилмай, очиқ юз, табассум билан капитанни чақирди, уларнинг яхши танишлиги иккаласининг ҳаракатидан ва сўзлаш оҳангидан кўриниб турарди.

— Шу ёққами? Ўтиринг!—деди генерал.

Шофер ёнида ўтирган яғриндор адъютант тушиб, уни ичкарига ўтказиб юборди. Машина жилди. Хушмўйлов япасқи регулировщик солдат генералга бунчалик таниш, ҳатто унинг ҳурматига сазовор бўлган (унда шундай тасаввур) капитанни фарқ қилолмай, ундан шубҳаланиб ҳужжат сўраганиданми ёки генералнинг ўз салобатиданми (у ҳеч қачон генерални шунчалик яқиндан кўриб гапини эшитмаганди), ҳайтовур қизариб кетди.

Оқ-кўк тутун ва тўзон ичида елиб, борган сари кичрайиб, ғайри табиий тусга кириб бораётган «ер лочини»нинг кетидан шуурга ботиб қараб қолди. Эҳтимол, у машина жилгач, генералнинг капитан билан қадрдонлардек самимий ҳол-аҳвол сўрашаётганини кўрганда, қизарибгина эмас, балки терлаб кетарди!

— Узоқ қолиб кетдингиз, отпускада ҳам бўлдингизми?— деди генерал, лекин бу саволига ўзи ҳам ишонмади: чунки Элмуроднинг юзи очиқ ҳавода кам юрганликдан далолат бериб турарди. Унинг синиққан-оқаринқираган юзида қора кўзлари янада қорароқ ва ёниқ кўринарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, ўртоқ генерал, докторлар ҳам эзма халқ бўларкан, ўз айтганларини қилишмай қўйишмади, тўғри госпиталдан келяпман.

— Энди соғлиқ яхшими?—генерал унинг кўзига қараши билан бутун соғлиғини билиб оладигандек термилиб деди.

— Яхши, ўртоқ генерал!

— Сизни инвалид бўлиб кетибди, деб юришибди.

— Йўғ-е, кимлар?

— Полк батальонидагилар-да, кимлар бўларди.

— Қаёқдан тўқиша қолибди бу гапни?

— Тўқишга солдат эпчил халқ — нуқсон тополмайсан. Модомики, улар ёлғон бўлса ҳам шуни тўқиб, сиз ҳақингизда ўйлашибдими, демак, сизни яхши кўришар экан, юракларида меҳрингиз қолган экан. Бунга қувониш керак. Бу ҳам солдат меҳрининг бир ифодаси.

— Ўзим ҳам тоза соғиндим,— деди ийманиб Элмурод.

— Жангними?—атай сўрагандек кулди генерал, юзидаги майда ажинлар бир мавж уриб, сув бетидаги енгил шамол тўлқинидай йўқолди.

— Киши дўстларини соғинганда, у билан қилган ишларини ҳам соғинади-да, албатта.

— Тўғри, асл дўстлик бирга қилинган ҳалол ишда туғилади.

Машина бир соатча елгач, новча теракларнинг учи қуёшдан шамдек ловиллаётганда бир қаноти учиб кетган икки қаватли гиштин бинонинг зинаси олдида тўхтади. Генерал Элмуроднинг «мен полкимга кетай, рухсат этинг» дейишини кутмай:

— Полк командирингиз ҳам шу ердадир,—деди,—киринг, бирга кетарсиз.

Генерал шошинқирагандек зинанинг иккитасини битта қилиб юқорига кўтарилди, постовой саломига калтагина алик олиб, вазмин эшикнинг тутқичини зарб билан тортди. Генералнинг адъютанти эса шоферга нимадир таъкидлаб, унинг кетидан салмоқлади. Генерал кетидан кираётиб эшик тавақасини у шундай зарб билан ёпдики, тарновда бамайлихотир «суҳбатлашиб» ўтирган бир жуфт қуш чўчиб, иккиси икки ёққа учиб кетди, давра ясаб анча наридаги том четига ёнма-ён қўнишди. Шофер машинасини бино орқасидаги олмазорга олиб, устига иккита шох ташлаб, маскировка қилиб қўйди.

Генерал келаётиб, телефон қилган, уни кутардилар. Коридорда уни қандайдир капитан қарши олди ва бошлаб кетди. Аллақайси хонадан машинканинг бир текис чиқчиқи эшитилди, кимдир телефонда тажанг бўлиб гаплашарди.

Генерални бошлаб келган капитан коридорнинг энг охиридаги, олдида қандайдир офицерлар уймаланиб юрган хонанинг эшигини эпчиллик билан очиб, генерални киритиб юборди. Ана шу ерда Элмурод нима қилишини билмай қолди. Бир четга ўтиб ўтирди. Ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, генерал кириб кетган эшикдан бир офицер бош чиқариб «Капитан Нодиров! Генералга!» деди. Элмурод йўл-йўлакай ўзини тузатиб кириб борганда, генерал ниманидир дивизия командирига маъқулларди.

— Марҳамат!— деди генерал Элмуродни кўрсатиб.— Инвалид бўладиган сиёқи йўқ, эгарланган отдай! Капитан!—деди кейин Элмуродга қараб.—Биз сизни десант автоматчиларига тайинладик, қаршимасмисиз?

— Йўқ,—деди у, гарчанд розилик бермаслик бефойда бўлса ҳам, чунки, генерал унинг розилигини олиш учун эмас, балки бир тартиб, шунчаки ҳурмати учун айтган, аслида жавоб сўрамаган эди. Буни Элмурод пайқади.

Генерал керакли топшириқларни дивизия командирига бериб, ташқарига чиқди. Передовойдан олинган тўп ва тўпчилар билан танишди. «Сизга алоҳида топшириқ бермоқчимиз, ана шунда марди майдонлигингизни кўрамиз» деб тегишди. Сўнг янгигина тузилган автоматчилар отрядига ўтиб, уларнинг рапортини қабул қилгач:

— Сизларга ажойиб топшириқ бермоқчимиз, хабарингиз борми?—деб кулиб сўради.

— Йўқ, биз, Ватан олдимизга қўйган ҳар қандай топшириқни бажаришга қодирмиз,—деди сафдан бири допадона қилиб.

— Шундайми?—деди генерал бутун сафга қараб.

Автоматчилар аввалдан келишиб олгандек, баробарига «Шундай!» деб садо бердилар. Генералнинг кўзлари яшнаб кетди, ҳаяжондан оқ сариқ юзининг майин, юмшоқ териси титради:

— Раҳмат, азаматлар!—деди титроқ овоз билан у ва бошлаб гапирган автоматчини бағрига босиб ўпди, қўлини сиқди.—Сиз борки, бизнинг бағримиз бутун, ҳеч қандай ёв биз учун даҳшатли эмас. Мана шулар сизнинг солдатларингиз бўлади, капитан, уларни севинг, булар билан фахр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лансангиз арзийди,—деди генерал Элмуродга қараб,—эл-юртимиз кўз қораси, йигитларнинг сараси булар. Булар билан ўтга кирсанг куймайсан, сувга тушсанг чўкмайсан! Мен уларнинг сафига, камолотига, матонатига ва садоқатига боқаману, ич-ичимдан қувониб кетаман. Шулар билан бир сафда эканимдан фахрланаман, ҳа, фахрланаман. Ана, уларнинг азамат елкаларига боқинг-а, ана шу елкаларида урушнинг бутун заҳматларини, даҳшатларини ва шу билан бирга, унинг барча шону шарафи, ғалабасини кўтариб келаётирлар. Бу елкалар тенги йўқ баҳодир елкалар.

Генерал завқдан ва ҳаяжондан тўлқинланиб анча гапирди, автоматчилар орасига кириб, баъзиларнинг қаерданлигини, ёшини сўради. Ҳатто биттасидан «севган қизинг ёзиб турибдими, ёзмай қўйса менга айтгин, ўзим буйруқ билан тўғрилаб қўяман» деб ҳазиллашди. Унга бир шўхроқ автоматчи: «Севги буйруқни тан олмайди, ўртоқ генерал» деб кулди. «Олади, уруш пайтида олади, чунки уруш пайтининг кўп иши буйруқ билан битади!» «Севгидан бошқаси!» автоматчилар хохолашди. Генерал «а, шундаймикин-а, бизнинг вақтда ундай эмасди» деганича сафни бошдан-оёқ айланиб чиқди-да, бир четга ўтиб тўхтади:

— Мана шунақа гаплар,—деди Элмуроднинг елкасига қўлини қўйиб у. Ана шу лаҳзада бу қўл унинг елкасини қиздираётгандек бўлди, баданини тер босди.—Отряд яхши. Энди бу ёғи сизга боғлиқ. Яна бир кун вақт бор, яхшилаб танишиб олишга улгурасиз. Яхшилаб ўрганинг, оғир вазифани ўташга тўғри келади. Ҳаммадан уларнинг руҳини тутинг. Солдатнинг руҳи унинг асосий қуроли. Аминман, сиз бу қуролни чархлай оласиз.

Генерал бир нарса эсига тушгандек соатига қаради. У билан бирга бўлганлар ҳам беихтиёр ўз соатларига кўз ташлашди. Элмурод генерал тақдим этган соатни аста олиб қараши билан генералнинг кўзи тушиб қолди. Таниди.

— Ҳали борми?

— Бўлмасам-чи!

— Биласизми, у менинг қўлимга қачон тушган? Генерал Брусилов армиясида подпоручик эканимда, чет элда олган эдим. Бутун гражданлар урушида ёнимда бўлди. Ҳа, айтгандек, у сизнинг томонларда, Фарғонада ҳам бўлган. Анна Ивановнанинг онаси бир ойгача шу соатга қараб уни эмизган. Заб хотин эди-да, Василиса Титовна, ўнта эркакнинг юраги бор эди ўзидаям. Бир куни нима бўлибди-ю, унинг «лазарети» турган томонга иккита-учта босмачи ўтиб қолибди. У бир ярадорни боғлаб турган экан, бундоқ қараса, ёнида милтиқ турибди. Ола солиб душманга ташланибди, бирини йўлдаёқ ўқ билан ер тишлатиб, иккинчисини найзага олибди, қолганлари тумтарақай қочиб қолибди. Бир маҳал ёрдамга елиб келсам, сочлари тўзиб кетган, қочиб бораётганларга тик туриб ўқ узяпти, кўзлари ўккиникидай чақнайди, мени кўрди-ю, «сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз» деди ва шу маҳал оналиги эсига тушиб «соат неча бўлди? Аняни эмизадиган вақтим ўтиб кетмадимикин» деди. Шу соатни ёнимдан олиб, вақтни айтгунимча бўлмай ўзи бир назар ташлади-ю, «вақти бўпти, вақти бўпти» деб елиб кетди. «Лазарет» ёнидан ўтиб кетаётиб қарасам, қизининг юмшоқ, ипак сочли жажжи бошини силаб эмизяпти. Мени кўриб «кўрдингизми, мен онаман, оналигимдан мамнунман» дегандек, юз-кўзини тўлдириб, табассум қилди.

— У қачон вафот этган?—сўради Элмурод.

— Урушдан сал олдин. Анна Ивановнанинг довюраклиги ҳам, кўнгилчан, юмшоқлиги ҳам ундан, сути билан кирган. Биласизми, Москва бўсағасида Анна Ивановна қандай жасорат кўрсатган? Айтиб бермаганми? Мақтанишдан уялган, менга унинг бошлиқларидан бири айтиб берган эди. Бир куни гитлерчилар кўпдан пайига тушиб юрган корпус сиёсий бўлимининг бошлиғи яраланиб қолади. Уни медсанбатга ётқизадилар. Бундан душман разведкаси хабар топиб қолади-ю, уни қўлга туширишни ният қилади. Уйқунинг энг ширин пайти эрталаб соат 5—6 ўртасида медсанбатга яхши қуролланган десант ташлайди. Шу кечаси Анна Ивановна навбатчи экан. Бошлаб у пайқайди, тревога кўтаради, қўлига қурол олиб ташқарига ташланади. Бир маҳал қараса, немис асосий ҳужумни корпуснинг ўнг қанотига қиляпти. «Нимага улар ҳадеб ўша ёққа ташланади» деб ўйлайди ва корпус сиёсий бўлими бошлиғининг ўша томонда эканини эслайди. Ҳеч кимга билдирмай, бинога кириди-ю, икки ҳамширанинг кўмагида уни юқори қаватга олиб чиқади, врачлар ётадиган хонадаги ўз ўрнига ётқизиб қўяди. Десант зўр билан бинонинг ўнг қанотига киришга муваффақ бўлади, аммо ундан мўлжал қилган кишисини тополмай, изғиб қоладилар. Ҳатто иккитаси қандайдир йўл билан юқори қаватга кўтарилишга улгуради. Сиёсий раҳбар хонаси эшигида «пост»да ўтирган

www.ziyouz.com kutubxonasi

Анна Ивановна автоматидан ўқ очиб қарши олади, лекин шу билан қидирилган кишининг шу ерда эканини фош этиб қўяди. Шу хона учун отишма қизиб кетади. Анна Ивановна охирги магазинни автоматига ўрнаштириб, энди бу ёғи нима бўлади, деб аяб-аяб ўқ узаётганда ташқарида «ура!» янграб қолади, штаб резервидаги автоматчилар етиб келади. Қизил Юлдуз орденини ўшанга олган.

Элмурод Анна Ивановнанинг шунча ажойиб ишлар қилганини ҳеч ўйламаган, ҳатто бирор жанговар иш қўлидан келишини тасаввур этмаган, уни ёлғиз юмшоқ қалбли врач деб тушунганидан, у таниган Анна Ивановна генерал ҳикоя қилганига сира ўхшамас эди. Иккиси икки киши бўлиб кўринарди. Ана шу дақиқада ўз батальони ундаги кишиларни астойдил соғинганини билди, кўргиси келди, улардан ажралиб кетаётганига ачинди. Шуларнинг барчасини бир жам қилди-ю:

— Батальонимни бир кўриб келишим керак эди-да, ўртоқ генерал, жуда соғинганман,—деди.

— Кимни? Анна Ивановнанними? Соғинсангиз арзигудек қиз,—деди генерал одатдагидек юмшоқ кулиб.

— Йўқ, батальонни.

— Мен Анна Ивановнани деб ўйлабман. Майли, боринг, лекин уларни кўриб айниманг, эртага «ўз батальонимда қолдирсангиз» деб рапорт ёзиб юрманг.

— Йўғ-э, ўртоқ геперал,—деди Элмурод,—кўраману қайтаман. Кўз очиб кўрган батальоним-да, бир кўргим келяпти.

Аслида Элмуроднинг ўз батальонидан бошқага боргиси йўқ эди, лекин на чора! Буйруқ!

Элмурод тушда ўз батальонига кириб борди. Уни дастлаб «симсиз телефон» Бондарь кўрди. Бесўнақай катта оёқларини тап-тап ташлаб, кулиб келди-да, ҳазил билан рапорт берди.

— Ўртоқ капитан, ўлганлар қабрда, яралорлар госпиталда, бутунлар ҳаммаси шу ерда, жой-жойида!

— Бас! Бас!—деди Элмурод кулиб.

Ўпишиб кўришдилар. Бондарь ўз севимли командирини саволларга кўмиб ташлади. Уни ҳамма нарса қизиқтирарди. У бошлаб йўлни нима учундир Анна Ивановна ертўласига олди.

— Нечук бу ёққа энди?—деди Элмурод тўхтаб, Бондарь «ахир соғингандирсиз» демоқчи бўлди-ю, кўпдан бери кўришмаганидан командирнинг салобати босиб:

— У, батальонда битта, арзанда. Биз, эркаклар бу ерда керагича топиламиз, кейинчалик кўришсангиз ҳам ўксимаймиз. Қизнинг кўнгли-чи? Нозик бўлади. Ундан кейин...—деди-ю, бу ёғини айтмай, кўзини қисди.

— Нима, ундан кейин? Мени сўраганмиди?

— Ўзингиздан ўтар гап йўқ, мени исканжага олиб нима қиласиз, ўртоқ капитан. Шусиз ҳам менга бу ерда кун йўқ. Ўзингиз қанотингиз остига олмасангиз, худо урсин, бошқа қисмга ўтиб кетаман, ойим ўттиз бўлиб қолди.

— Нима, хафа қиляптиларми?

— Эҳ, мард урса оғримайди, ақлли койиса оғир ботмайди. Ўрнингизга биттаси келиб қолган «Интизом! Интизом!» дея бериб мияни қоқиб қўлимга берди. Бир қултум ортиқча ҳўпласанг қолдинг балога! Иккинчи эшелондан бошимиз чиқмайди.

— Полк командири иккинчи эшелонга ўтказиб қўйган бўлса нима қилсин, том бошига чиқиб дод соладими. Мен бўлганимда ҳам ҳеч нарса қилолмасдим. Мана мени бошқа ерга тайинлаяптилар. Қўлимдан «хўп» дейишдан бошқа нима иш келади?!

— Йўғ-э, ҳазиллашманг. Биз турганда қаёққа борасиз! Госпиталдан энди келяпсиз-ку, дарров қаёқдан илинтира қолишди?

— Шунақа, эпчиллар бор экан-да.

— Чинданми! Қўйинг-э! Одамни энди севинганда қўрқитманг. Худди ҳозир ҳамма ёққа жар соламан, пақ батальон тўпланиб келиб, қайтар йўлингизга чим босиб ташлайди.

— Йўқ, чин!—Элмурод тафсилотини айтди.

— Ўз батальоним, жондан ширин кишиларим бор демадингизми? Ахир биз бу ёқда илҳақ бўлиб, кўзимиз тўрт бўлиб ётибмиз-ку! Ё ўзингизнинг келгингиз келмадими? Демак, бизларни ёқтирмас экансиз-да! Кимдан хафасиз, айтинг, суробини ўзимиз тўғрилаб қўямиз! Ростдан бошқа бўлинмага тайинладиларми?—Бондарь ҳамон ишонмас, Элмуроднинг оғзидан «ёлғон, ҳазиллашдим» деган сўзнинг чиқишини сабрсизлик билан кутарди. Бу сўз ҳамон чиқмас, унга сари Бондарнинг ташвиши ортарди. Шунинг учун ҳам Анна Ивановна ертўласига кириши билан «бошқа бўлинмага тайинланибди» деди ва кетидан қўшимча қилди:

— Ишонмасангиз ўзидан сўранг. Мен сизга минг марта айтдим-ку, биз уни яхши кўрамиз, соғинамиз, келишини

www.ziyouz.com kutubxonasi

кутяпмиз, лекин унинг хаёлига бирор марта тушармикан-миз, бизни эслармикин деб. Мана айтганим келди. Йўлда ушлаб олиб, «фалон бўлинмага борасан» десалар, «хўп» дебди, қўйибди. Шу ҳам инсофми! «Бормайман, ўз батальоним бор» демайсизми, кўнмасалар бизга имо-ишора қилмайсизми, биз штурм билан полундра қилиб бориб, штабни забт этиб, сизни олиб келмаймизми? Айб ўзингизда. Бизни севмайсиз. Яна Анна Ивановна нуқул: «У тузалди дегунча ўзимизга келади. Биздан ажралиб ҳеч қаёққа боролмайди» дейдилар. Олинг-а, боролмас экан! Жон деб учиб кетар!

Мийиғида кулиб турган Элмурод «Бўлди! Бўлди! Жуда нотиқ бўлиб кетибсан-ку» деб унинг елкасига қоқди. Ёнида миёвлаб турган мушукни тиззасига олди.

— Кўрдингизми, мушук ҳам сизни соғинган. Эшикдан киришингиз билан таниб, миёвлаб келяпти,—деди Анна Ивановна.— Ростдан бошқа бўлинмага тайинландингизми? Чинини айтинг.

Элмурод боши билан тасдиқлади, мушукнинг бароқ думини силади.

— Яхши бўлмабди,—деди Анна, бу гапнинг ростлигига қаноат ҳосил этгач хомуш,—ҳар ҳолда ўрганган бўлинмангиз эди.

— Бўлмади,—деди Элмурод ва тафсилотини сўзлаб берди.—Ўзимнинг ҳам раъйим йўқ. Начора. Буйруқ! Қалай, ёру дўстлар саломатми? Кимлар бору кимлар йўқ. Қандай янгиликлар бор батальонда?

— Аҳ, энди сиз учун барибир эмасми батальонда янгилик борми-йўқми? Тани бошқанинг дарди бошқа, бегонанинг хаёли кеч кириб, эрта чиқади. Шу ердасиз—сўрайсиз, кетасиз—унутасиз,—Анна Ивановнанинг кўпдан кутган умид косаси энди чил-чил сингани гап оҳангидан маълум эди. Бондарь «иккови бир тўйиб гапиришиб олсин» деган фикрда секингина чиқиб кетди. Лекин улар ёлғиз қолиб тузуккина гаплаша олмадилар. Гап қовушмади. Савол-жавоблар жуда қуруқ, малол келаётганга ўхшарди. Анна Ивановна астойдил хафа эди. У не-не умидлар билан Элмуродни кутган, ундан келган хабарларни жон қулоғи билан тингларди. Унинг инвалид бўлиб, уйга кетибди деган овоза тарқалганда озмунча ўй тўфонида чалғидими! Не хаёлларга бормади! Мана энди, соғайиб сафга қайтганда яна ташлаб кетяпти, кўриб-билиб туриб ташлаб кетяпти. Бу эркакларда инсоф йўқ! Уларнинг юраги тошдан.

— Энди иложи йўқми?— деди Анна Ивановна Элмурод чаккасидаги оқ тола отган қора сочига узоқ термилиб.

— Ҳозирча йўқ, албатта. Анна Ивановна, наҳотки, янги бўлинмада нотаниш, синалмаган кишилар билан бўлиш, жанг қилиш менга енгил деб ўйлайсиз!

— Менинг сизга айтадиган анча гапларим бор эди, вақтингиз бўлармикан,—деди Анна қизариқираб, тиззасига ташланган қўлларининг нозик бармоқларига қараб, Элмурод «Тўлган—у, фақат менинг келишимга муштоқ бўлиб турган экан. Энди ҳаммасини очиб солади. Мен сизни севаман, қаерда бўлсангиз ҳам омон бўлинг, фақат мени унутманг, мен сизни асло унутмайман» дейди деган фикрда экан, қий-чув билан таниш-билишларни бошлаб Бондарь кириб келиб қолди. Элмуроднинг мушкулини осон қилди. Беғубор, самимий суҳбат қизиб кетди. Гаплашилмаган гап қолмади. Элмуродда ҳаммадан Миша Горкунов яхши таассурот қолдирди. У шу фурсат ичида елка қўйиб, азамат йигит бўлиб кетибди. Кўзлари ҳам аввалгидек болаларча боқмайди, фикри қуйилиб вазминлашган. Йигит бўлиб етилганини ўзи ҳам фаҳмлагандек мўйлов қўйган. Дам ўтмай уни силаб туради, айниқса, қадаҳдан сўнг дўндириб сийпаб қўяди.

— Турдиев қайтмаганми?—деди Элмурод Горкуновни кўриши билан уни эслаб. Ахир улар бир ёнғоқнинг икки палласи эди-да, доим бирга юришарди. Бу савол фақат ўзигагина берилгандек, Горкунов бошқани кутмай жавоб қайтарди.

— Тузалиб бу ёққа келаётган экан, йўлда яна яраланибди. Москвада, госпиталда. «Менинг фронтга тушишим фрицлар учун катта даҳшат шекилли, йўлдаёқ илинтириб олади» деб кулади сўнгги хатида. Сизни сўраганди.

— Саломат бўлсин, ҳали кўришамиз,— деди Элмурод.

— Ҳа, кўришамиз!—деди Анна Ивановна ноаниқ маънода: у пичинг қилдими ёки тўғри айтдими — билиб бўлмасди.

Бондарь ҳар қачонгидай эпчиллик билан дарров дастурхон тузаб, спиртли сувдонларни ўртага думалатиб ташлади, слиб-югуриб хизмат қиларди. Гоҳ-гоҳ Элмуроднинг қулоғига энгашиб, оғзидан спирт гуркиратиб «Билиб қўйинг, мен бирга кетаман. Қолдим ўламан. Унутманг!» деб қўярди... Мириқибгина пчишди. Анна Ивановна қозиқдаги бантик тақилган гитарасини олиб созлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўзимизни эсламасангиз, куйимизни эслаб юрарсиз, кетар олдингизда бир чалиб берай.

Куй, ўша, бир маҳаллар мудофаада, Элмурод яраланиб, Анна Ивановнада даволаниб юрган кезларда неча марта чалинган, Элмуродга манзур бўлган, олдинига шўх бошланиб, кейин ҳазинлашиб, охирида яна тантанага айланиб кетадиган куй эди. Анна Ивановна мафтуни бўлган йигитнинг бағрида биратўласи жароҳат очмоқчи бўлдими, бутун вужуди билан гитарага берилиб, кўзларини ертўланинг бир бурчига ҳазин қадаб астойдил чалди. Куйнинг бутун ифодаси унинг ўз юзида, кўзида, ғарибона ўтиришида акс этарди. Куйни тугатди-ю, ўтиришини ўзгартирмай, гитара торларига кафтини босганича қараб қолди. Кейин Бондарь ўзи яхши кўрган «Кўк рўмолча» ашуласини айтиб берди. Анна Ивановна яна пимадир чалди...

Ертўла эшикчасидан кўриниб турган липанинг пахмоқ сояси ўзидан икки-уч марта узун ва ялалоқроқ бўлиб чўзилганда Элмурод қадрдон дўстлари билан қуюқ хайрлашиб қайтди. У билан бирга кетишга аҳд қилиб ўтирган Бондарь аллақачон «учиб», бароқ мушук билан «ким ўзар»га хуррак отишарди...

Икки кундан кейин генерал айтган, сабрсизлик билан кутилган танк полки етиб келди. Тун оғиб, тонг элчиси салқин еллар уйғониб қолган бўлса ҳам, ҳамон оёқ устида юрган генерал душман орқасига ташланадиган бўлинмаларни сафга тизиб, яна бир сидра кўздан кечирди. Одати бўйича солдатлар билан ҳазиллашди. Кечаги автоматчига яна тегинди: «Айни шу вақтда қиз билан учрашиб уйга қайтилади-а, йигит? Тепангда ой, юлдузлар чамани, юрагингда ёрнинг меҳри, ён-веринғда юмшоқ еллар пойгаси, шундаймасми?» «У чоқлар энди узоқда, ўртоқ генерал!» деди кимдир сафдан. «Нега? Йўқ, аксинча, аввалгидан анча яқин бўлиб қолди, кўни кетиб, ози қолди. Ана ўша беташвиш кунлар яна ҳам тезроқ келсин деб, сизларни душман ортини алғов-далғов қилгани ташлаяпмиз-да. Сизлар у ёқдан, бизлар бу ёқдан ниқталасак қайси ёв бардош беради!»

Кейин генерал бўлинма командирларини йиғди.

— Вазифа равшан. Сизларни ортиқча тутишимга эҳтиёж йўқ. Хайр! Вақт ўтмасин! Ўтган вақт йўқолган олтиндан қиммат. Йўқолган олтин топилару, вақт—йўқ. Хайр, зафар йўлдошинглар бўлсин! Хайр!—деди генерал

ва ҳамма билан бир-бир ўғлини кузатаётган отадек ўпишиб хайрлашди. Бир маҳал хайрлашув тугаб, генерал яна бир марта «Хайр, азаматлар!» дер экан, унинг кўзида бир нима ялт-юлт этиб кетди—кўзларида ёш ҳалқаланарди. Буни Элмурод кутмаганди. Ана шунда у топшириқнинг жуда мураккаб ва оғир эканлигини ҳис этгандек бўлди, бўлмаса шунча жангу жадал кўрган метин иродали генерал нечун кўзига ёш олсин! У ҳаммага яна бир назар ташлаб, узилкесил хайрлашди:

— Хайр! Жангга астойдил ғайрат ва ирода билан кирган киши ҳар вақт ўзига энг яхши, қулай, ғалаба қиладиган шарти шароит ва жой топиб олади. Сизлар шунга қодирсизлар — мен бунга аминман, хайр!

Десант бошлиғи подполковник генералга қараб: «Йўлга тушишга рухсат этинг, ўртоқ генерал!» деди-ю, колоннани бошлаб кетди. Салдан кейин танкларнинг гумбур-гумбури тун тинчлигига човут солиб, алғов-далғов қилиб юборди. Худди уларга «Мана шу ёққа!» деб йўл кўрсатгандек икки юлдуз кетма-кет кўк пештоқидан ғарб уфқига нурли из қолдириб шўнғиди.

Генерал маҳлиё бўлгандек, улар кўздан йўқолгунча ортидан қараб турди. Аллақачон рулга бош қўйиб пипакка кетган шоферга «қани кетдик, энди бу ёқни пишитиш керак» деди ва одатдагидек шошинқираши билан машинага чиқди. Шофернинг «қаёққа?» дейишига қўли билан корпус штабини эмас, передовой томонни кўрсатди.

— Ҳали иш кўп!

Генерал кўзида бекорга ёш кўринмаган экан! Хасис кўзлардан ёш унар-унмасга чиқавермайди-да!

Бунинг илк сабабини Элмурод не машаққатлар билан бир ҳафта бўйи ўрмонда юриб, жарликлардан тўп-замбаракларни итариб-судраб чиққанда билгандек бўлди. Куни бўйи овора бўлиб, не-не азобу уқубат билан дарёни кечиб, қирғоққа чиқилганда разведка душманнинг десантдан хабар топиб қолганини айтиб, кипи юборди. Ҳўл, ифлос кийим-бошлар билан жангга кириб кетилди. Бунинг сабабларидан биттаси қишлоқдан бир чолнинг келиб қолиши бўлди. Бу чолнинг келишининг ўзи қизиқ. Кунна-кундуз куни киприк қоқмай кузатиб турган охрана бир чолнинг тумшуғи остида пайдо бўлганини билмай қолибди. Ердан чиқдими, осмондан тушдими, деб ҳайрон

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлишармиш. Постдагилар шошиб қолиб «Қўлингни кўтар!» деса, махоркадан сарғайиб кетган соқолларини серкиллатиб, «Нега? Ўзим келяпман-ку, тағин қўл ҳам кўтараманми, бу жуда инсофсизлик бўлади-ку!» деб кулармиш. Ёшроқ бир солдат «Кўтар! Кўтар! Гап сотма, нақ каллангни тешик мунчоқ қилиб қўяман!» дегандагина: «А-ҳа, сутдан тили куйганлардансан шекилли, қатиқни ҳам пуфлаб ичяпсан. Ҳа, майли! Майли! Мана кўтарсам кўтарай, лекин ёш йигитга унақа серзарда бўлиш ярашмайди. Шунча яшаб, ҳеч қўл кўтармагандим, сен кўтартирдинг, аммо, лекин бу ҳисобмас. Майли! Майли!» депти-ю, томирлари ўйнаб кетган, бурушиқ қўлларини оғирлик кўтараётган спортчидек аранг кўтариб, яна кулиб дермиш: «Шу шарт билан кўтаряпманки, мени тезда энг катта бошлиқларингнинг олдига олиб борасан, зарур ишим бор».

Бир маҳал хом қайиш билан бели боғланган, юз-кўзини имкон бор еригача жун босган бир тийрак чолни қирғоққа келтириб қолдилар. Худди шу пайтда десант бошлиғи Элмуродни чақириб: «Бу қишлоқ ҳақида қўлимизда ҳеч нарса йўқ, кучлироқ разведка уюштириш керак бўлади» деб турарди. Чолнинг ҳайдаб келиниши уларнинг суҳбатини бўлди. Чол бамайлихотир салом бериб, ўзини олиб келган солдатга ҳазиломиз:

— Энди сиз бўш бўлсангиз керак,— деди, кейин командирга «ёлғиз қолдирсангиз» деган ишорани қилди.

Кузатиб келган солдат кетгач, десант бошлиғи:

— Хизмат? Қулоғим сизда,— деди.

— Мен ана шу қишлоқликман,— деди чол, қишлоқ томонни соқоли билан кўрсатиб,— ёрдамга келдим. Ўзим қизил гвардиячиман, разведкачиман. Қишлоқдаги душманнинг сири менга аён. Ёрдамга келдим.

— Жуда яхши, раҳмат!— деди десант бошлиғи, лекин унга ишонинқирамади. Синчиклаб назар ташлади. У жуда хотиржам, «истаганингизча текширишингиз мумкин» дегандек қовоғи остигача жун босиб кетган кўзлари сокин боқарди. Бошлиқнинг фикрини англагандек, чол гапирди қолди:

— Албатта менга ишонмаслигингиз мумкин. Хоин ҳам ширин сўз бўлиши мумкин. Лекин шундай қилсак: то қишлоқ тақдири бир ёқлик бўлгунча мен сизнинг қошингизда бўлсам. Мабодо...— деди-ю, у ёғига тили бормади шекилли, «бошимни шартта узиб ташланг» ишорасини қилди. Кейин ўзига маълум бўлган маълумотларни айтиб берди.

— Ишонинг, қизил гвардиячи сизни ғафлатда қолдирмайди!— қўшди кейинча у.

Шунга қарамай, разведка уюштирилди. Разведка чолнинг кўп маълумотларини тасдиқлаб қайтди. Чолни штаб қошида тутишга энди зарурат бўлмаса ҳам, у шу ерда ўралашиб ҳеч қаёққа кетмади. Қишлоққа ҳужум билан кирилганда у аллақаёқдан милтиқ топиб, солдатлар билан бирга жанг қилиб юрди. Кейин автоматчиларнинг командири Элмурод эканини билиб, унинг ёнидан жилмай қолди. Кейинчалик билса, автомат унга жуда ёқиб қолган экан. Автоматчиларнинг хонама-хона энчиллик билан жанг қилиб юришларидан маҳлиё бўлибди.

Автоматчиларнинг жангини Элмурод билан бирга кузатиб, баъзида «зап қурол экан бу, автомат» деб қўярди, унинг ёшларга ҳаваси келаётгани соқол ўраб кетган кўзларидан кўриниб турарди. Бир маҳал авжи қизиб танклар атакага кириши билан чол бирдан ғойиб бўлиб қолди. Элмурод боядан бери эзмалик қилиб турган серсоқол чолнинг қачон ва қаёққа ғойиб бўлганини пайқамади. Лекин нимагадир юраги шув этиб кетди: «Наҳот хиёнатчи?» Қанча вақт ўтганини Элмурод ўз иши билан бўлиб билмади, бир вақт қараса, чол бир душман офицери билан кўркамгина қизни олдига солиб келяпти. Офицернинг қўли камар билан, қизники дуррача билан орқасига боғланган.

— Узр, ўртоқ командир, бесўроқ кетиб қолибман. Мана у каззоблар эсимга тушиб қолиб, интизомни ҳам унутиб қўйибман. Мана униси жаноб офицер — комендатура жанобларидан, мана бу ойимча шу кишининг кўнгил очар эрмаги — ўз йигитини дарё-дарё кўз ёши билан армиямиз сафига кузатиб, босқинчилар келганда ҳаром қучоққа отилган хоин. Ҳам Ватан, ҳам севги хоини! Бунинг йигити менинг жияним эди. Қаёқдан ушладинг буларни дейсизми? Буларнинг эртаю кеч хатани ичидан бекитиб, ташқарига ит қўйиб, бир-бирларига хушомадбозлик қилишларини билардим. «Ҳойнаҳой, қочиб улгурмагандир, чунки ҳужум қўққисдан бўлиб қолди» деб ўйладиму, югуриб қолдим. Худди ўйлаганимдек бўлиб чиқди. Офицер тўппонча ўқталди-ю, лекин отишга ботинмади, назаримда биттани ўлдиргани билан иш битмаслигини фаҳмлади, жипояти оғирлашувидан қўрқди шекилли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мана буниси бизга тан,— деди Элмурод офицерни кўрсатиб,— лекин бу ойимчани нима қиламиз?

— Буниси ни бизга, халқ ихтиёрига қолдирасиз. Халқ хоин билан қандай ҳисоб-китоб қилишни билади.

Чолнинг бу гапидан кейин ойимчанинг уйқусизликдан ости кўкариб кетган кўзлари даҳшат ва қўрқув билан тўлиб, магзи сўриб олинган шафтолидек сўлган, бенур юзлари асабий тортишиб кетди. Ҳаракатсиз кўзларини бир лаҳзагина Элмуродга тикиб турди-ю, бирдан унинг оёғи остига ўзини ташлади:

— Раҳм қилинг, мажбур этдилар,— деб фарёд солди.

— Кимни? Сенними? Қачон? Тажовузга учраган киши ўйнаши совға қилган мода кўйлакларни ҳилпиллатиб, упа-элик билан кўча кезадими? Энди жонинг кўзингга ширин кўриниб қолдими? Босқинчи қучогида ноз-карашма билан ётганингда ақлинг қаёқдайди, хоин!— деди чол бутун сўзининг магзи фақат бир сўз — «хоин»да каби унга алоҳида урғу бериб. Хоин ғиқ этмасди, чолнинг юзига боқолмасди. Ахир қўлга тушганда бўйнида иллати борнинг оёғи титрайди-да!

Ана шунда Элмурод бирдан Зебони эслаб қолди. У ҳамон ўша, келганларга «хуш келибсиз», кетганларга «оқ йўл» дегандек жонли, кўркам вокзалда ёшдан қизарган кўзлари билан боқиб тургандек, уфққа лочиндек шўнгиб бораётган поездга ҳамон қўл силкиб тургандек. Назарида Зебони кўрмаганига жуда-жуда кўп вақт бўлган, уни соғинганини шу лаҳза қалби билан туйди, юрагидаги қандайдир айтилиши лозим бўлган, жуда ҳам зарур бўлган сўзларни айтолмай қолганга ўхшади. Бўлмаса, у билан хайрлашар куни кўнглига қулоқ солиб, бирорта гапириладиган сўз қолганини сезмаганди. Энди-чи? Энди жуда кўпга ўхшайди. «Ҳа, бу соғиниш,— деди у ўзича,— ёрнинг ўзидан ҳам хаёли ширин бўлади. Хаёлининг ўзи ҳам бир ҳаёт!»

Элмурод шу ширин, ҳаётбахш ўйларда экан, бирдан яна кўзи қаршисида гўё забун ўтирган «ойимча»га тушиб, таъби хира бўлиб кетди. Уни кўришга сабри чидамай қолди. Чол айтгандек, у Ватан хоини эмас, севги хоини ҳам эди.

— Кўзимдан йўқотинг!— деди у пафрат билан ва уни олиб кетгунларича юзини бошқа томонга ўгириб турди.

Чол яна алланима ёдига тушгандек, кексаларга хос шошинқираш билан жанг бораётган томонга кетди. Лекин бу гал бошқа қайтиб келмади. Қишлоқ озод этилгач, унинг жасадини топдилар. Қизиғи шуки, унинг ёнида фашистлар тайинлаган қишлоқ оқсоқоли — хоин ҳам қора қопига беланиб ётарди. Қўшниларнинг айтишича, Василь Василич (чолни қишлоқда ҳамма шундай дер экан) оқсоқолнинг дарвозасидан ўқдай отилиб кирибди, хоналарни гир айланиб чиқибди, лекин ҳеч кимни учратмай, ҳовлида бирпас хаёл суриб қолибди. Ўзича дўндириб сўкинибди. Кейин, ертўла эшигига бориб, уни итарибди — ёпиқ, тақиллатибди — нидо йўқ. Мундоқ қулоқ солиб қараса, ичкарида одам бор. «Албатта хоин шу ерда бўлса керак» дебди-ю, зарб билан ертўла эшигини тепиб қулатибди. Ичкари кириши билан унинг «Эҳ, хоин!» деган товуши эшитилибди, нимадир гурсиллаб ағдарилибди, нимадир тарсиллаб синибди. Қўшнилар унинг товушига югуриб киришибди, мундоқ қарашса, Василь Василич хоин билан ёқа бўғишиб ётганмиш, ҳамма ёғи қонмиш. Қўшнилар ўзи нима гап эканини англагунларича иккиси икки ёнга сулайиб тушибди.

Шу тахлитда жанг қилиб, қишлоқма-қишлоқ ўтиб, генерал кўрсатган манзилга етиб борилганда бир ҳафтадан мўл вақт ўтган эди.

Навбатдаги қишлоқлардан бирида дам олиб ўтирган Элмурод ёқасининг тугмасини солиб ташқари чиқди. Автоматчиларнинг қандай жойлашганликларини кўздан кечиргани кезиб кетди. Ўртаси бомбадан ҳовуздек ўпирилиб ётган катта кўчанинг нариги ёнига ўтди-да, четан деворга ўрнатилган нимжонгина тахта эшикни очиб ичкари кирди. Элмуродни кўриши билан генерал ҳазиллашган автоматчи Қодиров (Элмурод энди унинг номини билиб олган эди) гап қотди.

— Ўртоқ капитан, бизга улфат бўлмайсизми, қўлинг дард кўрмагур ошпаз ҳам бугун кашани эшиб ташлабди: оғзингда мойдай эрийди, тилнинг кераги йўқ. Таъмини айтмайсизми — асал!

— Емасдан мақтаяпсизми, олдингизда овқатингиз йўқ-ку.

— Мана бу каллахумпикидан тотиб кўрдим,— деди у ҳамроҳини кўрсатиб,— ҳозир келтираман-да, ўтира туринг. Рост, бошлаган.

— Ё чиндан каша ширин, ёки ўзингиз роса оч қопсиз. Очлик энг моҳир пазанда, ҳар қандай овқатни тотли қилиб юборади,— деди кулиб Элмурод.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу гапингиз тўғри!— салмоқлаб унга қўшилди Қодировнинг шериги.

Қодиров чигал тушиб қолган сафар халтасини тиши билан ечиб, котелогини қўлига олди. Олди-ю, аграйиб қолди: котелок қорнидан тешик эди. Ичида бодомдек осколка ётарди. «Таажжуб!» деди котелокни ёнига қўйиб, сафар халтасини энтиккандек шошиб кўздан кечирди. У ҳам тешик эди. Маълум бўлдики, бугунги жангда осколка уни ўлдиришига, жуда бўлмаганда сафдан чиқаришига сал қолибди. Котелок жонига оро кирган. Ўлимнинг совуқ нафаси димоғига ургандек Қодировнинг юраги бир орзиқиб тушди, кўз олдида мудҳиш соя ўтгандек бўлди. Лекин қошида командири турганидан «яна мени ўлимдан ўлгудек қўрқар экан деб хаёлига келмасин» деган ўй билан кўзини бир-икки пирпиратиб, ўзини тутиб олди. Котелокни Элмуродга кўрсатиб:

— Сал қолган экан!— деди жиддий у, аммо нимага сал қолганини айтмади. Бусиз ҳам гап нима ҳақида бораётганини атрофдагилар тушунди. Котелокни ўраб олишди. Ҳамманинг кўзи мўъжизадек котелокда эди. У қўлма-қўл ўтди. Уни шериги қўлига олиб, осколканинг юлқиб кирган тешигига жиддий қараб турди-да, деди:

— Қодиров, ўп буни! Ўпсанг арзийди. Туғилганингдан бери ҳеч ким ва ҳеч нарса сенга шунчалик яхшилик қилмагандир. Ўп! Шу бўлмаганда, ким билади, шу вақтда Эркинойга тасаллинома ёзаётган бўлармидим.

— Тур-ей! Нафасинг қурсин,— деди Қодиров аччиқлангандек. Уни бошқа бир жангчи юпатди:

— Ундан хафа бўлма, Қодиров, аямажизда туғилган, йили қурбақа, шунинг учун ҳам сўзлари совуқ.

Лабларга кулги қўниб, котелокнинг таъсири сусайди. Қодиров тешилган котелокни остонада пайдо бўлган уй эгаси — шафтолиқоқидек қовжираб кетган кампирга тутди:

— Манг, буви, эсдаликка олиб қўйинг.

— Бунақа эсдаликлар керагидан кўп, болам. Ўзингга буюрсин!

— Ҳозир йўқ дейсизу, кейинчалик ачинасиз. Ўз қорнини тутиб, эгасини ўлимдан сақлаб қолган котелокни қаёқдан топасиз — ўзи битта,— деди Қодиров кулиб ва котелокнинг осколка тешиб кетган ерини бармоғи билан дамини синаётгандек, пайпаслади.— Майли буви, мана бу ерга қўяман, керагида оларсиз. Биздан кейин бирон-та

музей ходимига лозим бўлиб қолса, кўрсатарсиз. Қолиб кетса қушлар уя қилади — бу ҳам ёмон эмас.

Қодиров ўзи соясида ўтирган, тарвақайлаб кетган олманинг пастак, тўмтоқ бутоғига оёғи учида туриб илиб қўйди. У орқасига ўгирилиши билан котелок тушиб кетди.

— Нима? Мендан ажралгинг келмаяптими? Йўқ, азизим, гарчанд ҳаётимни сақлаб қолган бўлсанг ҳам, энди ўзим билан олиб юролмайман, чунки қорнинг тешик. Бутоқда турмасанг ерга ташлашга мажбурман. Менимча, ерда ётганингдан бутоқда осиғлиқ турганинг маъқул, чунки бутоқ фахрлироқ, оёғи қичиганга дуч келсанг тепиб, чаккангни эзмайди. Ҳа, шундай бўлсин.

У яна жойига илиб қўйди. Кейин бир автоматчининг котелогини олиб, овқатга кетди. Элмуроднинг кетмаслигини илтимос қилди.

Элмурод «кетсам, бу шўхчан автоматчини ўкситиб қўймасмикинман, кетмасам — иш кўп» деган фикрда экан, осмондан мотор товуши келди. Кимдир «воз... дух» деб бақирди. Сал вақт ўтмай, биринчи бомба қўшни қўрага тушди. Четан девор тагида қўлида котелоги билан Қодиров кўринди. У букчайиб, елиб келарди.

Ўртоқларининг «Ёт! Қаёққа чопасан!» дейишига қулоқ солмасди. У энди бояги котелок осган олма тагига келувди ҳамки, бир бомба ҳуштак чалиб тушиб, шундоқ оёғи остида портлади. Шагал аралаш қора тупроқ шопирилди, кўкда тўзон қолди. У тинчач, Қодировнинг жасадини беш метрча наридан топдилар. Узилиб кетган қўли ҳамон овқат юқи котелокни маҳкам чангаллаганича, ўзидан анча нарида ётарди.

Элмурод унга ачиниб бир қаради-да, штабига чопиб кетди. Бу вақтда қишлоқ бўсағасида душман танклари пайдо бўлиб, контратакага кўчганди. Десант бу қалтис ва бехосдан қилинган ҳужумга анча бардош бериб, қаршилик кўрсатиб турди. Десант бошлиғи ортиқча қурбон беришни лозим топмай, кечаги позицияга чекинишга буйруқ берди. Қишлоқ қолдирилди. Лекин сафда Элмурод йўқ эди. Ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Фақат бир санёр чекиниш пайтида унинг ўлигини четанли девор остида ўз кўзи билан кўрганини айтди, ҳатто қандай шаклда ётганини қилиб кўрсатди. Лунжидан қон оқиб ётганмиш.

— Бомба зарбидан бўлса керак!— деди сўнгида.

Унинг далиллари ишончли эди. Ўша атрофда уни сал бурун соғлом кўрганлар ҳам бор эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XI

Элмурод номига келган иккита хат Бондарь ёнида сақланарди. Гарчанд бу хатлар Элмурод бошқа қисмга ўтиб кетганидан кейин келган бўлса ҳам, нима учундир Бондарь ҳамон сақлар, орқасига қайтариб юбормасди. Унинг назарида, Элмурод яна шу батальонга қайтиб келиши керак. Ана шунда унга бўлган садоқатининг исботи сифатида ўз қўлига топширади. Бу хатларнинг қанчалик қимматлигини Бондарь билади. Мана шу хушхат мактубларни олганда Элмурод озмунча қувонармиди!

Бондарь бу орзусига етмади: Элмуроднинг ҳалок бўлгани ҳақида шум хабар келиб қолди. Ана шунда ҳам бу хатларни қайтариб юбормади, аксинча, қадри ошгандек бўлди. Яраланиб госпиталга кетиш олдидан Йўлдошга бериб: «Мабодо келиб қолса Элмуродга топширарсиз» деб қолдирмоқчи бўлди. Лекин қандайдир ички бир куч розилик бермади. Ўзи билан олиб кетди. Йўлда, поездда: «Шу хатни ёзган кишига қайтариб топширмайманми, ахир қиз бечорапинг кўнглини сўраб қўйиш ҳам керак-ку!» деган фикрга келди. Пайт пойлади. Бир станцияда вагондан чиқди-ю, Бокуга кетаётган бошқа бир санитар поездга тушиб олди. Поезддан тушиб, тўғри Зеболарникига келди. Зебо уйда йўқ эди. Онасидан унинг қаердалигини сўради. «Зарур ишим бор эди» деб унинг олдига кетди. Зебо пристанда ярадорларни пароходга топширарди. Бондарь уни дарров танади. Элмуродни бир неча марта шу қизнинг уйидан тревога пайтида чақириб кетган эди. Ўша таниш қиз. Ҳарбий форма бир оз сиқиб қўйганини ва пишганини демаса, ўша-ўша кулгига тўймас хандон ёқут лаблар, чақнаган хумор кўзлар...

Бондарь Зебонинг қаршисига ўтиб салом берди. Зебо танимади. Чиндан ҳам Бондарни таниб бўлмас эди; унинг боши бўйни билан қўшиб боғланган, ўнг қўли бўйнига осиғлиқ. Яра зарбидан салқиган юзлари уни хомсемизга ўхшатиб кўрсатарди.

— Кечирасиз, мени танимадингиз шекилли, мен — Бондарь, Элмуроднинг связнойи бўламан. («Адъютанти» деб юборишига сал қолди.)

Шунда Зебо «ярқ» этиб унга қаради, қўл узатди.

— Мен омонатингизни бериб кетай, деб келган эдим.

— Қапдай омонат?— Зебонинг юраги «шув» этиб кетди. Бондарь хатни узатди.

— Ўзига нима қилди?— деди Зебо юраги хунук бир нарсани сезаётгандек титраган қўли билан хатни олар экан.

— Сиз... Сиз ҳали...

— Нима? Нимани, ўртоқ Бондарь... Айтинг, нимага дудуқланасиз? У тирикми? Нега индамайсиз?

Бондарь шунчалик чаққонлиги билан ҳам шошиб қолди. Наҳотки, Элмуроднинг ҳалок бўлганини шу вақтгача эшитмаган бўлса!

Ноилож қолган Бондарь ҳаммасини айтиб берди: Элмурод десантда, душман орқасида ҳалок бўлибди.

Зебо пристанда Бондарь билан хайрлашдими, йўқми, қайси йўл билан уйига қайтди — кейинчалик ҳам эслолмади. Бир вақт мундоқ қараса, ўз эшиги олдида турибди.

Ҳар вақт кўзига оддий, ҳатто кўркам кўринган чўян дарвоза, бу гал жуда ҳам бадбашара, бутун оғирлиги билан уни босиб тургандек кўринди. Жуда ҳам малол келадиган вазминлик билан дарвоза ёнидаги кичик эшикдан девоналардек гандираклаб ичкари кирди-ю, хўрлиги келди. Томоғига нимадир тиқилди, юрагини қандайдир исканжа сиқиб, аламини кўзидан ёш қилиб чиқарди, димоғи битди. Шунчалар файзли уйи мудҳиш, ҳувиллаб кўринди, биров хўрлаб, кўкрагидан итараётгандек бўлди. Онасини кўрди-ю, шундай ҳам жадал билан босиб келаётган қадамларини яна тезлатди, бунга ҳам сабр этмай югуриб кетди ва онасининг бўйнига ўзини ташлаб ҳўнграб йиғлаб юборди. Икки кифти безгак титроғидаги кишиникидек силкинарди. Она танг қолди. Қизининг оғзидан чиққан сўзларни эшитмас, эшитса ҳам ишонмас: «Қаёқдан била қолди экан. Хат келса менга келарди. Ё бирортаси йўлда унга топширдимикин?» Она аввало Элмуроднинг ўлимини ҳеч тасаввур қилиб кўрмаган экан. Элмуроднинг фронтга жўнашидан кўнгли бузилган экану, унинг қайтмас бўлиб кетиши мумкинлигини хаёлига келтирмаган экан. Наҳотки, ўз оёғи билан қувона кетган йигитни дайди бир ўқ йиқитсину, қайта турмас қилиб ташласин, шу йиқилганча, муздай тупроқ, нотаниш бир ерда қолиб кетсин? Она қизининг узуқ-узуқ сўзларидан фикрини йиғиб ололмас, қизининг гоҳ бошини, елкаларини силарди ва у дерди:

— Қўй, болам. Ундаймасдир. Наҳотки...

Зебо онанинг титроқ товушига қулоқ солмас, бутун вужудини тутган аламнинг аччиғи билан йиғлар, нуқул

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Энди нима қиламан, онажон, энди нима қиламан, бу айрилиққа қандай чидайман!» деб онасининг бўйнига қаттиқроқ осилар, ўзини ҳамон тутиб ололмас эди.

— Сабр қил, болам, сабр қил, ўзингни ўтга, сувга урмоғингдан не фойда,— деди она салдан сўнг ўзини тутиб олиб, яна шу лаҳзанинг ўзида Элмуроднинг қадди-қомати кўз олдидан ўтди-ю, йиғлаб юборди ва деди:

— Шундай бўлсин дебмизми, болам. Менга қолса, бир тиканни унга раво кўраманми! Унга келган ажалнинг тиғи синса бўлмасмиди!

Она Зебонинг орқасига қўлини қўйиб, ичкарига етаклади. Яшин тезлигида тушган бу мудҳиш хабар онани эсанкиратиб қўйган эди. Унинг назарида ўғли Камолдан ҳам худди шундай хабар келаётгандек бўлиб кетди.

Одатда кексалар қайғуни юрагида тутади. Уларнинг юраги теран дарё, теран дарёда эса сув секин оқади. Уларнинг юраги шодликдан кўра, ташвиш ва қайғу билан тўлароқ. Балоғатга етган бир фарзанднинг доғи кекса онанинг умрбод қилган шодлигини илдизи билан юрагидан қўпориб ташлайди. Худди шунингдек, онанинг Зебодан эшитган хабари дарров юрагига қуйилди. Зебонинг дарди битта бўлса, уники иккита эди: биринчидан Элмуроднинг аламидан ўртанса, шу аламда жизғинак бўлиб бораётган Зебонинг тақдири, унинг бу қайғудан қандай ҳолатга тушиб қолиш андишаси иккинчи алам бўлиб онанинг юрагини қиймаларди. Бу иккинчиси кўз олдида бўлаётганидан жуда ҳам даҳшатлироқ кўринарди. Ахир Зебо ҳазилакам муҳаббат билан уни севмас эди! Айниқса, Элмурод яраланиб келиб кетгандан бери унга боғланиб қолган эди. Кун оралатмай хат ёзарди. Ҳар хатини қати титилиб кетгунча олиб юрарди. Энди-чи, энди нима қилади? Кимдан хат кутиб, кимнинг хатини ойлаб ёнида олиб юради, қайта-қайта ўқийди, кимнинг йўлларига кўз тикади?

— Ўзингни тут, болам. Ўзингнинг тани жонинг соғлиғини ўйла,— деди она қизини овутиб, чалғитмоқчи бўлиб.

— Менинг тани-жонимнинг соғлиги қурсин, онажон. Гули йўқ тиканнинг қадри нима бўларди. Мен энди кимга керакман, онажон, кимга!

— Қўй, болам, куфр гапирма, эҳтимол ёлғондир. Бирорта душман тарқатган ёлғон бўлмасин тағин. Сабр қил, яхшилаб суриштир.

— Йўқ, онажон, рост, тайин киши айтди.

Зебо кимдан ва қаерда эшитганини қисқа ва хасис жумлаларда онасига айтиб берди.

— Йўқ, болам, мен ишонмайман. Йўлдаги гап бу. Ичимда нимадир «ёлғон-ёлғон» деяпти. Мана кўрасан, ёлғон бўлиб чиқади.

— Қани энди айтганингиз келса-ей, онажон,— деди Зебо бир лаҳза юзига шодлик югургандек енгил товуш билан ва онанинг кўзларига, оғзига тикилди:— Оғзингиздан айланай, онажон, айтганингиз келсин.

— Сен сабр қил, енгил бўлма, болам. Йиғи дардингни енгиллатмайди, юрагинг гулханига мой бўлиб қуйилади. Занг темирни, қайғу одамни кемиради, болам, оғир бўл. Бир одамнинг йўлда айтган гапи рост бўлди-қўйдими? «Қорахат» олганлар ишонмай сабр қилиб, «уруш тугасин-чи», деб ўтирибди-ку. Ўтган йил «қорахат» олган Сокинанинг ўғлидан куни кеча хат келди, омон-эсон экан. Суратини ҳам юбормоқчи эмиш.

Онанинг бу далдаларидан кейин Зебонинг кўнгли бир оз тинчигандек бўлди-ю, аммо узоққа чўзилмади. Қоронғи тушиши билан унинг қалбига ҳам қайғу туни чўка бошлади. Онанинг ўгитлари қизиб турган тунукага сачраган сув томчисининг буғланишидек ўз изини тез йўқотиб борарди. Қош қорайганда Зебо онанинг ўгитларини эшитмагандек яна ўртана бошлади. Онаси билан кириб диванга қандай ташланган бўлса, шундайича ётиб қолди. Ечинмади ҳам, овқатланмади ҳам. Тошга ёққан ёмғир мағзига кор қилмагандек, онанинг илтимослари Зебонинг идрокига етиб бормасди. У баъзан ўзининг қаердалигини унутиб ҳам қўярди. У узоқ ётмади. Йўлда толиққанидан, ташвишли ўйлар восвосидан уйқуга кетганини сезмади. Эрталаб уйғониб кечаси билан қандайдир мудҳиш тушлар кўрганини эслади-ю, бироқ англаб ололмади. Шу тушларда Элмурод ҳам юрганга ўхшайди-ю, ажратиб «бу шаклда фалон жойда кўринди» деб айтолмасди. Бошни баттар гувиллаб оғирди, фикрини жамғаролмасди, кўзлари кутилмаган нарсаларга тикилиб қоларди, бир неча дақиқалаб мижжа қоқмасди, баъзан-баъзан оғир хўрсиниб «уҳ» тортарди. Шу йўсинда бутун кун ўтди. Унинг дардидан хабар топган дугонаси Елена тушда келди. У мириқиб ухлаган — салқиган қовоқлари, гилосдек қизил лаблари, юз-кўзидаги хотиржамлик шундан далолат берарди. У, Зебони кўрди-ю, дугонасининг оғир изтиробда эканини дарров тушунди, она билан оғиргина кўришди. Бечора она ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

«кечадан бери аҳвол шу» дегандек бошини эгиб маъюс-маъюс аста силкиди. «Бу дардга кўмаклаш, дардимиз оғир. Бу аламда дугонангдан ажраниб қолмасам гўрга эди! Ахир қуш тилини қуш билади» дерди онанинг ҳазин боқишлари. У барча кексалардек кўзида эмас, юрагида йиғларди.

Еленанинг бутун ҳаракатлари бекор кетди. Зебога унинг гаплари, таклифлари оғир ботаётгандек кўринди. Дугоналари ичида хушчақчақ, ўйинқароқ, шўх Еленанинг қўлидан бир иш келмагач, она янада хафа бўлиб кетди. Елена «яна келарман» деб жўнаб қолди. Кўп узоқ ўйламай тўғри станцияга — поездга қараб йўл олди. Бир оздан кейин запас изда турган санитар поезднинг бир вагонидан қўлида дори билан чиқиб келди. Унинг кетидан мўйсафид Иван Иванович ҳам жовраб келарди. Елена перронга чиққач, уни кутиб ортига қаради. Иван Иванович етиб келиб, Еленага одатдаги кексалик эзмалиги билан гап маъқулларди:

— Дўст — дўстнинг таянчи. Оқсаганингда қўлтиғингга кирмаган дўстдан ошкора душман хавфсизроқ. Ёмон дўст сояга ўхшайди. Қуёшли кунда ундан қочиб қутулолмайсан, булутли кунда қидириб тополмайсан. Сиз ҳали ёшсиз, қай вақтда яхшилик қилишни ҳам билмайсиз. Бу тажрибасизликдан. Мана Зебо қаттиқ изтиробда экан, сенинг бурчинг унинг бу дардини енгиллатмоқ, хабардор бўлмоқ. Унинг шундай қийналишининг боиси равшан. Чунки Зебо инда жуда қаттиқ инлайди, демак ҳаётни астойдил севади, ҳаётни астойдил севган кишининг муҳаббати ҳам кучли бўлади, зўр бўлади. Модомики муҳаббати зўр экан, унинг мусибати ҳам тўфонли бўлади — бу табиий ҳол. Лекин Зебонинг соғлиғини эҳтиёт қилиш керак. У ҳали ёш. У ажойиб врач бўлади. Кўнглини олиш, овутиш керак.

— Шундайку-я, Иван Иванович, лекин ҳеч гапирмаса нима қиламан?

— Ана холос, дугоналар деб сизни ким айтади! Ана шу пайтда кўнглига йўл топгин-да. Бемеҳр қариндошдан меҳрибон қардош яхши. Бир маҳал ярадорга дори ичиролмаган Еленасан-да!— деди мийиғида кулиб.

Улар Зебо ҳузурига келганда, у ҳамон Елена қўйиб кетгандагидек диваннинг бир ёқ суянчиғига тирсак тираб, кафтига чаккасини олиб ўтирарди. Иван Ивановични кўриши билан кескин бир ҳаракат қилмоқчи бўлди-ю,

уддалолмагандек тебранди, сўнг оёққа қалқди. Иван Ивановични кўриб янада хўрлиги келиб кетди. (Одатда меҳрибон кишингни оғир дақиқаларда кўрганда шундай бўлади киши.) Ҳўнграб юборди:

— Кечирасиз, Иван Иванович, нима қилай, иложим йўқ, бутун борлигим куйиб борянти.

— Биламан, қизим, биламан. Кўнгил яраси бадан ярасидан оғирроқ бўлади. Айбга қўшаётганим йўқ. Фақат сени кўргани келдим, қизим. Мана буни ичиб юбор. Эҳтиёт шарт, қизим.

Қошиққа қуйилган бу хушбўй дорининг нималигини Зебо, албатта биларди. Индамай симирди.

— Шундай, оппоқ қизим,— деди Иван Иванович кўнглида бўлган фикрни товуш билан якунлагандек,— дард мита еган буғдойга ўхшайди, аввалига билинмайди, кейинчалик юзага чиқади. Шундан ўзингни тий! Ҳали ёшсан. Озмунча ярадорларни кўрганинг йўқ. Неча-неча киши ўз қўлингда ўлди, кўзларини ўзинг бекитгансан. Ўшаларнинг ҳам сенга ўхшаган кишиси бўлгандир. Ўша кишилар ҳам сенга ўхшаб ўз этини ўзи еса, унда нима бўлади, қизим. Бир оз ўйла, ақл юрит. Жуда бўлмаса, қари онангни ўйла. Сенинг бошингдаги юк унинг белини қайиштиради, унга икки баравар оғирроқ туюлади. Ҳа, оппоғим, шундай. Шундай ўтира берсанг мен қаттиқ хафа бўламан. Менинг сендан умидим катта, ҳа, катта. Сенинг менга соғлиғинг ҳам керак. Унутма!

— Иван Иванович! Ахир, мен нима қилай...

— Биламан, қизим, биламан, ҳамма ҳис-туйғулар сенинг ихтиёрингда эмас. Аммо сен уларга ортиқча мафтун бўлма. Бунинг энг яхши давоси ёлғиз қолмаслик. Менинг маслаҳатим шу: мана, Елена олдингда, бирга шаҳар айлан, афсус, қувватим йўқ, бўлмаса ўзим сайр қилдирардим. Кечқурун биронта томошага киринглар. Сал ҳовринг босилгач, қанча ўйласанг, ўйларсан. Лекин ҳозир эмас.

Зебо бир нарса демоқчи бўлиб, унга қараган эди, Иван Иванович сўзлатгани қўймади:

— Нима гапинг бўлса йўлда айтасан, ҳозир жўна. Елена, бошла! Қани қайси кўчадан юрасизлар? Яхшиси денгиз ёқасига боринглар. Ҳам баҳаво, ҳам кўркам. Ҳа, шундай қилинглар.

Иван Ивановичнинг обрўйи олдида мағлуб Зебо ҳеч нарса демасдан Елена кетидан эргашди. Иван Иванович эса улар кетидан қараб, хаёлидан ўтказарди: «Эман да-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рахтининг эгилгани — сингани, севишганнинг ажралгани — ўлгани. Олтин ўтда, кўнгил муҳаббатда синалади».

Қизлар чиқиб кетгач, Иван Иванович онага деди:

— Хафа бўлманг, ёшликда кўнгил жароҳати тез тузалади.

Дугоналар сал наридаги бульвардан ўтиб қирғоққа қараб кетдилар. Денгиз тўлқинлари билан чапак чалиб ҳайқиради. Тўлқинлар қуёшда ойнадек чил-чил синади, ёнади. Қандайдир кемалар қаёққадир сузиб кетмоқда. Бир нечтаси қирғоққа яқин ерларда машқ қилиб юрибди.

Улар айланиб «Салют» кино-театрининг қаршисидан чиқиб қолдилар. Бу бинони кўриш Зебога кифоя эди. Ахир биринчи марта Элмурод билан шу кинога кирмаганмиди! Шу ерда танишиб, шу ерда бир қаторда ёнма-ён ўтирмаганмиди! Хотиралар тўфони чувос кўтариб Зебони аллақаёқларга олиб кетди. Унинг вужудигина бино қаршисида турар, фикри, ўйи, диққати — барчаси уни ташлаб, Элмурод билан кўришган соатлар оғушида дайдиб юрарди. Қани у онлар! Қани ўша кунларнинг шонли лаззати, салобати, латофати ва кўркамлиги? Наҳотки, барчаси энди қайтмаса! Наҳотки Элмурод қайта шу бинолар қаршисига келолмаса, бир дақиқа бўлсин унга термилиб боқолмаса! Наҳотки, у йўқ!

Зебо ортиқ чидаб туролмади. Шаҳар айланиш билан ёзилгандек бўлган диққинафаслик, яна бутун важоҳати ва даҳшати билан босиб келди. Қалби тирналди. У йиғлаб юборди. Елена шошиб қолди. Елиб бораётган Зебонинг кетидан югурди. Энди Зебони тўхтатиш бефойда эди. Ўткинчилар унга қараб қолардилар.

— Зебо, яна сенга нима бўлди? Зебо!

Елена бу кино-театр биносининг Зебо учун «сеҳргар кучи» борлигини билмас, фақат тўсатдан рўй бериб қолган ўзгаришдан ҳайратда эди. «Ўзи нима бўлди? Унга ўхшаш бирор кишини кўриб қолдими?» ўйларди Елена.

Қизининг бу ҳолатда қайтиб келганини кўрган она энди нима қилишини билмасди. Фақат унинг қошига келиб деди:

— Оҳ, қизим, мунча ўзингни ўтда ёқасан!

Она, Елена бир-бирларига қарашганча қолишди. Зебо яна ўша хонага кириб кетди, ўзини диванга ташлади. Ҳўнграб йиғлади. Кечга боргач, бир оз ўзини босиб турди, ўтирди. Каравоти тепасида турган расмга кўзи тушди. У Элмуродники эди. Кечадан бери кўрмаганидан

ажабланди. Суратни қўлига олди. Юрагини тўлатган дард тўлқини тўфонга айланди. Хона Элмуроднинг ҳаёли ва нафаси билан тўлгандек бўлди. Элмурод суратда «мана мен, кўряпсанми», дегандек ҳарбий формада табассум билан турарди. Бу табассум Зебога таниш эди, у табассум уники эди: жилвагар, жозибали дақиқалар, кунлар, ойлар бутун муҳаббати ва кўркамлиги билан кўз олдида қанотланди. Наҳотки қувонч кони бўлган, ҳаётга ташна шу кўзларга тупроқ тўлса! Мана шу олов кўзларни яна бир марта, фақат бир марта кўриш орзуси жисмоний оғриққача бориб етди, айтилмай қолган қандайдир ширин сўзлар ўпқони уни ўз гирдобига тортди. Суратни кўкрагига босиши билан севгилисининг бақувват, кучли, покиза йигит нафасини, аламдан тишлана бериб кўкараёзган мунтазир дудоқлари Элмуроднинг оташ бўсасининг ҳароратини бир дақиқа сезди.

У чирқиллашиб деразага келиб урилган чумчуқларнинг гирёнини ҳам кўрмади, эшитмади. Сурат билан столга бош қўйганча ётиб қолди. Қанча вақт ўтди, сезмади. Она кириб, унинг елкасига қўлини қўйганда, чўчигандек бош кўтарди.

— Тур, болам. Билиб туриб ўзингни ўпқонга отма. Ўзингни тут, бардош бер! Ёшсан, ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ. Рангингни кўрган одам етти йилги касалдан турган дейди. Тур, болам, тур, қоқиндиқ.

Зебо ҳеч нима демади. Маъюс онасига боқди. Раҳми келди. Иликларидан куч узилгандек ожиз қадам ташлаб ҳовлига чиқди. Водопроводдан юзини ювди. Кўчага йўл олди. Она «зора ҳоври босилса» деган ўй билан эшиккача кузатиб борди ва орқасидан узоқ қараб қолди: «Наҳотки шунчалик севарди?»

Зебо бўшашган қадамлар билан борарди. Қуёш ботган, лекин унинг олов нафаси турли бўёқлар билан жилваланиб, марғилон атласидек уфқларда мавжланарди. Унчалик баланд ўсмаган, аммо учлари бир-бирига чалкашиб кетган қатор дарахтлар кичик бульвар — сайилгоҳда жимгина нафас олади. Зебо дуч келган скамейкага ўтирди. У онасини бир оз бўлса ҳам ташвишдан холи қилиш, ўз аламини ўзи ёлғиз тортиш ниятида бу ерга чиқиб келган эди. «Зора руҳим енгиллашса» деган ўй ҳам кўнглида бор эди. Бироқ у ўйлагандек бўлиб чиқмади. Бу сайилгоҳ ҳам унга «алланималар»ни эслатиб қолди. Мана шу сайилгоҳда неча марта Элмуродни кутмаганмиди? Тун

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйнидан чиққан офтобдек у ярқираб келмасмиди, баъзан кечикканда қўл узатар экан «узр, кечикдим» демасмиди ва Зебонинг нозик бармоқларини маъноли қилиб бақувват ва метин кафтида узоқ тутмасмиди? Тўлин ойнинг нур ёмғирида кўмилган дарахтларнинг майин ва сирли мусиқасини севимли кишиси билан тинглаш нақадар завқли эди. Энди-чи? Энди бу сайилгоҳ, унинг назарида, ҳувиллайди, ўз бағрига тортмай, балки ўтмиш лавҳалари билан юракка ортиқча даҳшат ва қайғу солади. У маҳаллар юраклари навқирон ёшлик, оташин муҳаббат, тотли учрашув ва ёрқин келажак бахт-саодати билан тўлиб-тошарди, дақиқалар ҳаёт денгизида кўркам ва ёрқин қирғоққа имларди. Қани у қирғоқлар? Қани у дақиқаларнинг оромбахш келажаги? Умид гулларига ғурбатнинг ёввойи печаклари чирмашмадими? Орзу шуълалари зулмат ўпқонида ғарқ бўлмадими? У серзавқ эди. Гул ва шеърни яхши кўрарди. Ҳавас билан гул узарди-ю, завқ билан шеър ўқирди, муҳаббат, баҳор, гул ҳақида шеър ўқишни яхши кўрарди. Қани у кунлар? Муҳаббатдан баҳс этган нозик, нафис шеърлар ҳайрона қолди. Гуллар ҳамон аллақаерларда яшнайди, барқ уради, лекин энди бу икки севишган учун эмас. Муҳаббат қонга қоришди, гуллар сўлди...

Зебо атрофида кимлар ўтирганини кўрмас эди, тўғриғоғи, уларнинг биронтаси уни қизиқтирмас эди. Мабодо ундан «Кўчанинг қайси бети билан юриб келдинг?» деб сўралса, балки аниқ айтиб беролмасди. Унинг хаёллари унга сира ҳам ошна бўлмаган мудҳиш ўрмонларда, даҳшатли майдонларда, қовжираган қирларда кезиб юрарди. Мана шундай ерларнинг бирида Элмурод ер тишлаб ётади. Кийимлари қон, юзи қон, кўзи қон, бутун борлиги қон ичида. Ўзи эса гўё, аллакимдан нажот кутаётгандек чор атрофга жовдирайди, кимнидир кўмак тиргаги сифатида кутади. Кўзлари қора чўғ бўлиб ёнади — қон қуйила бошлайди, аммо ҳамон жовдирайди, тишларини бир-бирига қаттиқ босиб нима биландир олишади, ниманидир ўзидан йироқлатиш учун курашади. Бу нима эканини Зебо билади. Бу — ўлим. Бутун гўзалликни, латофатни, нозикликни, олижаноб ҳисларни бир ҳамла билан маҳв этган ўлим! Бундай ўлимларнинг қанчасини кўрган Зебо госпиталь ва санитар вагонларида! Шуларнинг ичида энг даҳшатлиси ва мудҳиши шу эди унингча: Элмуроднинг кўзи бир нуқтага тикилди ва шу тикилганича қолди. Эҳтимол у шу тикилишида хаёлида Зебони кўра туриб қотгандир. Зебо ҳам ҳозир бир дарахтнинг айрисига кўзини қадаганича қимир этмай қолди. У ёнидаги кампирнинг туриб, аравасидаги набирасини ғилдиратиб кетганини ҳам пайқамади. Кампир нарироқ бориб, Зебога кўз ташлади: «Мастми? Касалми?»

Қоронғилик Зебонинг дарди, қайғуси каби борган сари қуюқлашди, дарахтларнинг учларида юлдузларнинг чамани очилди. Сайилгоҳда ўйновчи болаларнинг тартибсиз шовқини тиниб, ота-оналари билан чиққан болаларнинг тартибли сайри бошланди.

Зебо қимир этмай, михлангандек, хаёл гирдобида ғарқ ўтиради. Она пайдо бўлди. Қизини узоқдан кўргач, ташвишли боқишлар билан унинг қошига келди.

— Юр, болам, вақт кетди.

— Яна бир оз ёлғиз ўтирай, онажон, яна бир оз,— ёлворди Зебо.

— Отанг келди, қизим, сени сўраяпти.

Зебонинг бутун борлиги ёлғизликка тортса ҳам, отасига нисбатан бўлган чуқур ҳурмат уни ўрнидан қўзғатди, зил қадамлар билан онаси ёнида кетди. «Отамга қандай кўринаман?» «Хўш, қизим?» деса, нима дейишини ўйламай кетиб борарди. Отадан уялиш хаёлига келмасди. Унинг учун ҳеч ким ва ҳеч нарса яшамас, шу лаҳзада дунё ва ҳаёт деганда унинг кўз олдига Элмурод ва у билан бирга бўлган кунлар, ҳафталар келарди. Яшашнинг мазмуни ва ҳаётнинг мантиқи фақат шу бир сўз — «Элмурод» эди. Шу сўз туфайлигина унга ҳаёт кўркам ва мазмундор эди. Шу сўз ва унга бўлган севги туфайлигина ҳар дақиқа ўзгача завқ-шавқ кашф этар, келажак жозибадор, илҳомбахш ва бениҳоя гўзал эди, бу гўзаллик орзиқтириб, энтиктириб, қувонтириб, яшнатиб ўзига тортарди. Бу келажак чаман боғларига у ёлғиз Элмурод билан дарсхонасига кириб боргандек, госпиталга кириб боргандек, ёз пайтларида истироҳат боғларига кириб боргандек тўла ишонч, юрак тўла қувонч билан ўз эгасидек кириб бормоқчи эди, унда яйраб-яшнаб қолмоқчи эди. Бондарь оғзидан чиққан икки оғиз сўздан кейин бу келажак бирдан ундан йироқлашгандек, кейин йўқ бўлиб кетгандек туюлди. Энди унга на келажак, на ҳаёт бор. Шунинг учун Зебо бўш қалб, фикрсиз тасаввур, ихтиёрсиз ҳаракат билан отаси қошига кетиб борарди...

Эртасига хабар олгани келган Иван Иванович масала жуда жиддий эканига қаноат ҳосил қилди. У бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

парсанинг ташвишида эди: индинга поезд жўнаши керак. Шунга Зебо чиқа оладими, йўқми? Онанинг уқтиришича, Зебо касал. Ичига туз кирмайди. Икки кунда ўзини олдириб қўйди.

— Бир рейсдан қолдириш мумкин эмасми?— сўради ота.

— Менимча, унинг бу ерда ёлғиз қолиши баттарроқ бўлади.

— Агар сиз бир рейсдан қолдирсангиз, мен районга, ўзим ишлайдиган совхозга олиб кетардим.

— Бу бошқа гап.

Иван Иванович хайрлашиб, жўнар экан, эшикка чиққач, отага деди:

— Фақат бир рейсга. Яна ушлаб қолманг.

— Йўқ-йўқ. Шунга ҳам кўп раҳмат!

Ота шу куни Зебони олиб районга жўнади. Зебо яқин кишисини дафн этиб қайтаётган кишидек паришон эди. Ота йўл-йўлакай уни кузатиб борди. У, поездга чиққач, бир оз енгил тортар, йўлчилар диққатини жалб этиб, фикрини чалғитар, деб ўйлаган эди. Ахир поездда қанақа шўх-шўх қизлар, серҳангама кишилар учрамайди! Худди ота кутганидек уларнинг вагони серзавқ кишилар билан гўла бўлди. Айниқса, майиб бўлиб юртига қайтаётган бир сержант қизиқ-қизиқ фронт эпизодларидан гапириб бериб ҳамманинг ичагини узди. Иккита-учта қизлар то боргунча ашула айтиб боришди. Улар ҳам Зебо диққатини тортмади. У деразага тикилиб қолди. Лекин па йўл ёқасидаги кўркам боғлар, па илон изи бўлиб қирларга чирмашиб кетган дарёлар унинг аламли кўнглини овутарди, бағрига чорларди.

Далада ҳам Зебонинг кўнгли очилмади. Ота уни қўшни қизларга қўшиб, олмазорга жўнатди. Зебо отасининг сўзини қайтармай жўнади-ю, лекин унда туролмади. Тушда қайтиб келди. У ўзини қаерга қўйишни билмасди. Энди унга совхоз эмас, бутун жаҳон торлик қиларди. У сиқилиб борарди. Хона дарвозасидан боғларга, улар оша темир йўлга қарарди. Поезд ўтди. Шу поезднинг гудоги уни чақираётгандек бўлди. Хаёлига ўзининг санитар поезди келди. Ҳа, у поезд тунда жўнайди. Ҳозир соат беш. Бирор поездга ўтирса, бемалол етиб боради. Ана ўша ерда, ўша жанговар дугоналар ичида кўнгли баҳра топадигандек туюлди.

Зебо деразадан сакраб, кўчага тушди. Қўшни қўрғондан қараб турган жувонга ҳам парво қилмай, станцияга

қараб йўл олди. Аммо ҳалиги поезд кетиб қолган эди. Ундан кейинги икки состав тўхтамасдан ўтиб кетди. Бир соатлардан кейин келган товар поезди қисқагина муддатга тўхтади. Зебога шу фурсат етарли эди. Енгил тортгандек сакраб чиқди. Отаси томонга сўнгги марта нигоҳ ташлади...

Зебо шаҳар станциясига етиб келди-ю, санитар поезднинг қайси издалигини суриштирди. Уни топиб, тўғри ўз вагонига чиқиб борди. Уни кўрган Елена ажабланди. Иван Ивановичга хабар қилди.

— Руҳи тетикми?—сўради Иван Иванович.

— Тунов кунгидан яхши кўринади.

— Майли. Кетаверсин. Жанг майдонидан алам кўрганни боғ-чаман кўрки овутмайди.

Унинг сўзини тасдиқлагандек поезд аста жилиб, станция чироқлари «милт-милт» ўтиб орқада қолди. Зебонинг ҳасрати ҳам йўл-йўлакай сочилиб бораётганга ўхшарди.

XII

Зебо санитар поездига сакраб чиққанда ўзини аламқайғусини адаштириб келаётган кишидек ҳис этган экан. Поезд станциядан чиқиб, тун ўтиб, тиббий ходимлар ўзларининг кундалик оддий ва зарур ишлари билан машғул бўла бошлаганларида, бу катта қайғусини ёнига яна битта ташвиш келиб қўшилганини фаҳмлади. Ахир отаси бехабар қолди-ку! Куни бўйи-ку, «олмазорда қизлар билан юргандир» деб ортиқча хаёлига ҳам келтирмас, лекин кеч-қурун келиб уни қаердан қидиради? Аслида бирорта кишига айтиб жўнаса бўлар экан. Хат қолдирса ҳам бўларди-ку! Нега шундай қилмади? Ақли ўзида эмасмиди? Наҳотки, шуури, иродаси, фикри ўзида эмас эди? Бу номус ташвиши эди. Энди отасининг юзига қандай қарайди! Ўзининг-ку, куйгани-куйган, нега энди бошқаларни ҳам бетинч қилади? Шундай ҳам ота-она унинг қайғусига шерик эди. «Шояд бир оз баҳри очилса», деб ота бечора ўз совхозига олиб кетган эди. Бусиз ҳам унинг хизмат ташвишлари етади.

Ота ишдан қайтади. Аввалига бирор танишникида юргандир, чиқиб қолар, деб кутади. Ҳадеганда чиқавермагач,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўни-қўшнидан суриштиради. Тополмай ажабланади, ажабланиш ташвишга, ташвиш хавфга, қайғуга айланади. Боши қотади. Шайтоний хаёллар фалокатнинг мудҳиш чакалакзорларига бошлайди, тинчлик бермайди. Ахир «Шаҳар кетиб қолдимикин?» деб ўзини ташвиш қучоғидан бир оз халос қилади. Шаҳарга телефон қилади, эрталабгача сабри чидамай, дуч келган поезд билан жўнаб қолади. «Қизинг келдими?» дейди аста кириб эшикдан, она ажабланиб, «ўзингиз олиб кетган эдингиз-ку» дейди. Орага сукут чўкади. Она бирдан ҳўнграб юборади...

Бу андиша Зебонинг «эски» қайғуси олдига така эчкидек тушиб олди. Бир дақиқа бўлса ҳам, Элмурод хаёлидан кўтарилди. Кўз олдига кўзи ёшли она ва ҳайратда лабини тишлаб, бир нуқтага тикилган отанинг меҳрибон, нуроний сиймоси келди.

— Елена, сенда бир дона конверт борми?—сўради Зебо вагон деразасидан кўзини олиб. У шу вақтгача деразадан кўзини узмай, ўзига кўпдан таниш бўлган йўлни яна бошқатдан, энди қайғули юрак билан кузатиб келарди.

— Йўқ эди-ку. Қисмига хат ёзмоқчимисан? Жуда тўғри қиласан. Шуни сенга айтмоқчийдим. Ўша куни эсимга келмабди. Туморча қилиб юбора бер. Ҳозир шу расм.

Елена бурчакда турган кичкина тиббий столдан икки варақ қоғоз олиб, унга узатди.

— Бу ерга ўтириб сиёҳда ёза қол. Қалам ўчиб кетади. Лекин лўнда қилиб.

Поезд қаршидан келган зўр тепаликни айланиб, ёйиқ, ярим доира ясаб ўтар экан, Елена кўрсатган кичик столга бораётган Зебони қалқитиб юборди. У тойиб бориб, Еленага ўзини урди, унга суяниб қолди.

— Ўзингни тут, ўртоқжон. Иликларингда куч қолмадими? Бутун қувватинг Элмурод билан экан-да,—деди Елена Зебони самимий муҳаббат ва ҳазил билан қучоқлаб,—жон ўзингники, ўртоқжон. Ҳали керак бўлади. Беҳуда уриниш бел синдиради. Ёз, ёз! Қанча тез ёзсанг, шунча яхши. Шунча тез мусибатдан қутуласан, мана мени айтди, дерсан. Ростини айтсам, ўртоқжон, шу гапнинг ростлигига ҳеч юрагим чопмайди, бекорга жизғинак бўлаётганга ўхшайсан.

— Нега ҳамманглар шунақа дейсизлар, онам ҳам шунақа дейди. Ахир айтган йигит у билан бир қисмда, қола берса бир бўлинмадан-ку. Унинг связнойи бўлган.

— Ахир у ўз кўзи билан кўрибдими!

Зебо ишламади. Столчага бориб ўтирди. Ручкани сиёҳдонга ботирганича тикилиб қолди. У уйига ўзи ҳақида хабар бериш учун конверт сўраган эди. Елена уни Элмуроднинг қисмига хат ёзмоқчи деб тушунди. Бу ҳақда гап очиб юборди. «Нима учун шу вақтгача ёзмади? Бондардан мудҳиш хабарни эшитган куни ёзиши мумкин эди-ку. Қайғу довули эсанкиратиб қўйдими? Ҳа, у ўзини йўқотиб қўйган, фикри талмовсираб қолган эди».

Зебо хатни уйига ёзмоқчи бўлиб ўтирди, лекин биринчисини Элмуроднинг қисмига ёзди. Ёзаркан «уни ҳалок бўлибди, деб эшитдик» дейишга тили бормай: «Қаттиқ ташвишдамиз, хавотирдамиз. Баъзи бир ёмон хабарлар ҳам бор» дебгина қўя қолди. Уни «ҳалок бўлди» дейишга ботинолмасди, Элмурод тепасидан қараб туриб «Уял! Уял!» деяётгандек бўлди. У хатни туморча қилар экан, Иван Иванович кириб келди.

— Салом, қизларим! Ҳа, қочоқ қизим, руҳинг тетикми?—деди у Зебога қараб.—Дала ҳам ёқмадими? Баҳринг очилмадими? Ёлғизлик ёмон нарса-да, қизим. Ёлғизлик кишини ё доно қилади, ё девона. Албатта бу ер яхши-да, ўз кишиларинг, ўз дугоналаринг. Сирингдан хабардор, қайғунгга шерик бари. Отангнинг илтимоси бўлмаса...

Иван Иванович гўё вагонни кўздан кечирган бўлиб, атрофга қаради. Аптечкани очиб боқди. Қандайдир дорини ҳидлади, кўзига тутди, чайқади. Яна бошқа бирининг қоғозини ўқиди. Ҳалигина Зебо турган стол устидаги сиёҳ доғларига тикилиб қолиб, кулиб деди:

— Одатда ёшларнинг столида сиёҳ доғи кўп бўлади. Улар қўлида ручка тез ҳаракат қилади-да. Ундан кейин уларнинг хат юборадиган жойлари ҳам кўп бўлади.

Иван Иванович бу билан қизларнинг хаёлини бошқа ёшлик нашъаларига чалғитиб, бир оз бўлса ҳам Зебонинг фикрини бўлмоқчи эди. Гарчанд унинг киришидан мақсади ҳам Зебо «қочоқ қиз»нинг аҳволидан хабар олмоқ, овутмоқ, агар жиддийроқ бирор нарса билан банд бўлмаса, ўз вагонига олиб кетиб, иш бериб, айрилиқ изтиробидан вақтинча бўлса ҳам холи қилмоқ эди. Иван Иванович айрилиқнинг нималигини жуда яхши билади. Мана шу уруш олдидан хотинидан ажралди. Эвакуация вақтида, йўлда, бир қизини йўқотди. Мана уч ойдирки, якка-ю ягона, балоғатга етган инженер ўғлидан қорахат олиб ўтирибди. У фарёд солиб йигламади, дунё-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан қўл силтаб чиқиб кетмоққа аҳд этмади. Ҳаммасини юрагига ютди. Ютди-ю, бир оз вақт ичида қариликнинг бутун далиллари юришида, гап-сўзида, ҳаракатида, соч-соқолида намоён бўлди. Биров «сенинг ота дейдиганинг йўқ» деяётганга ўхшаб, у ҳамма ёшларни «қизим, ўғлим» деб мурожаат этади, эркалайди. Ўғлининг вафоти унинг обрўйини ҳамкасблари ичида яна кўтариб юборди. Унинг кичик илтимосини ҳам кўнгилдагидек ўтамаслик катта беодобчиликдек туюлди. Унинг иштирокида баланд товуш билан гаплашмоққа ботинмайдилар. Ўзининг шунчалик мавқеи борлигини у яхши билади. Энг қийин ва зарур масалаларни ечишда шу мавқеидан у яхши фойдалана билади. Худди шунинг учун ҳам эрталаб тура солиб, Зебони эслади, унинг олдига чиқмоқни, овутмоқни аҳд қилиб қўйди ва чиқди:

— Ҳеч пойгада югурганмисан, Зебо? Йўқми? Эй аттанг. Ўзағон ҳеч вақт югура солиб, ҳаммадан ўзиб кетмайди. Ўртача, ҳатто орқада анча жойгача боради. Лекин дам ўтган сари тезлаша беради. Ўзиб кетганлар эса толиқа-толиқа ундан қола беради. Қарабсанки, ҳалиги шошмай чопа бошлаган ҳаммадан ўтиб кетади ва олдин келади. Шундай, қизим, тез юрган бот қоқилади. Худди шундай элбурутдан, аниқламай, яхшигина суриштирмай ўз этингни ўзинг ейишинг маъқул эмас. Умр ҳам пойга, сабр билан яшаган талаба қозонади. Бу билан куйма, таралабедод қилиб юра бер, демайман. Кишининг қалби ҳар вақт ўз ихтиёрида бўлмайди. Ўйлайсанки, менга енгилми? Мен чаманда мева қилишдан қолган сербутоқ дарахтман. Мен сув қуйган билан, навқирон новда келтириб улаган билан ҳосил бермайман. Сиз ҳали ёшсиз, энди гуллаяпсиз. Ҳали бу чаманда кўп давр сурасиз, гуркираб яшнайсиз. Мен-чи? Мен... мен қуриб битдим. Аммо бу чамандан чиқиб кетмоқчимасман, сўнгги нафасимгача унинг нафига хизмат қилмоқчиман. Сенларни кўриб овунаман. Сен ҳам бизни кўриб ўзингни тут. Муродига қасд билан интилган етади, умидсизлик қўрғонини бузган етади. Руҳингни кўтар. Руҳи сўлғиннинг иши сўлғин бўлади. Бу жуда катта жанг, серқурбон жанг. Шонли келажак, инсоният бахти учун бардош берамиз, қизим, иложимиз қанча! Биз уруш бўлсин дебмизми? Ўйлаб кўр танангга. Сенинг жудолигинг оғирми, меникими? Мен бир эмас, икки кишини йўқотдим. Мен энди уларнинг ўрнини тўлаб олишга қодир эмасман, сен-чи! Сенга ҳам

оғир. Лекин сен, жуда бўлмаганда, яна бошқа бир кишини севишинг мумкин.

— Йўқ, йўқ, Иван Иванович,— деди шошиб Зебо.

— Йўқ дема, қизим, сизларда куч-қувват, ёшлик ҳарорати бўлса, бизда тажриба, аччиқ тажриба бор. Тўғри, бу галги севгинг унингдай бўлмас. Ҳар ҳолда ҳали севишинг ва севилишинг мумкин. Бу билан унга қўл силта демайман, фақат ўзингни тут демоқчиман, ҳа, ўзингни тут. Мен қайғули одамман, қаршимда аламли кишини кўрсам баттар ярам тирналади, хафа бўламан...

— Иван Иванович, кечиринг, сизга қиттай озор бериш ниятим йўқ,— деди Зебо ўзининг аламидан бошқа кишига ҳам ташвиш орттирганидан ўксиб.

— Ҳечқиси йўқ. Шуни тушуниб етсанг, бас. Елена, сен қизим, бу ердаги ишларни ўзинг қила бер. Нариги вагонда зарур иш бор, Зебо икковимиз бажарамиз,— унинг қалин қошлари қовоғига уюлиб тушди.

Иван Ивановичнинг зарур иши йўқ эди. Одатдаги ишлар. Фақат бу ишлар унинг ўз ҳузурида бажариларди. Иш ора Иван Иванович бутунлай бошқа мавзуларда суҳбатлашиб ўтирди.

Шу йўсинда икки-уч кун ўтди. Поезд фронтга яқинлашарди. Уруш вайроналарининг учқуни — элчиси каби станция бинолариниг мудҳиш жасадлари маъюс-маъюс термилади. Уларда бош суққудек бутун жой қолмаган. Станция хизматчилари наридан-бери вақтинча қўққайтирилган омонат биноларда ишлайдилар. Уруш изтироблари, ташвишлари уларнинг ҳар бир ҳаракатида барқарор.

Поезд илгаригидек суръат билан елмайди. Йўллар қолдиқ излардан ямаб-ясқаб сопга киритилгап. Кўплар қатори Зебонинг диққатини ҳам фронтнинг ўзига хос ҳаёти ва ташвиши қамраб олган. Душман авиациясининг қўққисдан бўладиган ҳужумлари улар учун вабо. Зебо анча ўзини тутиб олган, енгил тортган кўринади. Энди уч-тўрт кун аввалгидай кўзларидан алам, изтироб тошмайди.

Елена қозиқда турган янги оқ халатини олиб, унинг чўнтаги устига ҳарфлар тика бошлади. Зебо эса Иван Иванович берган «Муз уй» китобини зўр иштаҳа билан ўқирди. Елена алланиманинг хаёли билан мамнун табассум қилди, сал бош кўтариб, Зебога қаради:

— Ёлғон бўлиб чиқса нима қилардинг-а, Зебо?— деди кейин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гарчанд Элмуроднинг номи тилга олинмаган бўлса ҳам, гап ким тўғрисида бораётгани маълум эди. Китобнинг ширин нашъаси билан қалби банд Зебо ялт этиб унга қаради, унинг юзида майин сокинлик, хотиржамликдек бир нарса кезиб юрарди, кўзида қандайдир бир вазминлик бор.

— Вой, оғзингдан айланай, ўртоқжон, нима десанг шу бўлардим, нима десанг шуни қилиб берардим.

— Томдан ташла десам, ташлармидинг?— хандон солиб деди Елена.

— Ташлардим. У қолса-ю, мен ўлсам майли эди...

— Қўй, ундай дема, ўртоқжон. Сенсиз у куйса майлими? Иккаланг ҳам омон бўл. Севгининг кучи икки юракдалигида-да...— Елена адашмаслик учун оқ халатининг кўкрак чўнтагига тикаётган «Е. А.» ҳарфларини тугатиб, кўздан нарироқ тутиб, разм солиб қаради-да, «яхши, кўнгилдагидек» дегандек тиззасига қўйиб, бармоқлари билан устидан босди, текислади, қозиққа илди. Ўртоғининг енгил тортганидан у хурсанд, қувонч юрагидан тўлқин уриб чиқарди.

— Зебо, борди-ю, ўтган галдагидек бирорта госпиталда «лоп» этиб олдимиздан чиқиб қолса-я.

— Оҳ, қани эди! Изларини кўзимга суртардим.

— Эл олдида қучоқлаб ўпармидинг? Иван Ивановичнинг олдида-чи?

— Бўлмаса-чи! Нимадан уяламан. Ўз кишим, ўз Элмуродим.

Бу дадил жавоб мусибат туфайли камолга етган шижоат ва мардлик эди. Бундан бир неча ҳафта аввал бирон киши шу саволнни берганда, шундай жавоб қайтаришга, албатта, ботинолмас, қизлик, ёшлик ва муҳаббат ҳаёси босарди. Дилида бўлса ҳам тилига чиқаролмасди. Шу мусибат бошига тушгандан бери Элмурод унга аввалгидан ҳам гўзал, бенуқсон, меҳрибон бўлиб кўринарди. Унга бўлган муҳаббати қалбининг энг тубидан ларза уриб, шаҳодат берарди.

Аллақаерда нимадир портлади. Бўғиқ товуш вагон деразаларидан кириб, Зебогача эшитилди. У деразадан ташқари қаради. Яна кимдир олдинги вагондан бошини чиқариб борарди. Йўл ёқасида она-бола сигир бемалол ўтларди. Поезд шундан кейин озгина юрди-ю, кичиккина станцияда тўхтаб қолди. Шу тўхтаганича бир неча кун қолиб кетди. Иван Ивановичнинг бутун ҳаракати бекор

кетди. Станция бошлиғи қулоғига пахта тиқиб олган, без. Тинглайди-ю, тузуккина жавоб бермайди: «Тузук, кўрамиз!» Кишилар зериккан. Бор китоблар ўқилиб битди. Баъзи санитарлар ичадиган ҳам бўлиб қолди. Бу хунук белги эди. Иван Ивановични шу ташвишлантирарди. Қуюқ қошларини хира кўзларига уюб, станция бошлиғи олдига кириб борди. Эшикни тақиллатмади ҳам. Кирди-ю, бир оғиз ҳам гапирмай, унинг столи қаршисида тик тура берди. Бошлиқ бош кўтариб қаршисида турган қалин қошлари уюлиб қовоғига тушган нуроний кексани кўрди. Кўрди-ю ўрнидан туриб, унинг олдига ўтди. Юзига боқди. Қуюқ қош остидаги хира кўз билан киприклари малла, қалмоқникига ўхшаган қийиқ кўз учрашди. Тикилиб қолишди. Бу қарашда ҳеч қандай сўз керак эмас эди. Иккиси бир-бирининг ниятини, фикрини муфассал уқди. Станция бошлиғи бардош беролмади, ерга қаради. Айланиб бориб жойига ўтирди. Телефон трубкасини олиб, аллакимни аста сўради. У киши телефонга келди шекилли, эрталаб қилган илтимосини эслатиб, қаттиқ туриб, ўшанинг бажарилишини талаб этди. Ҳатто станцияни ташлаб кетишга ҳам тайёр эканини пеш қилди. Кейин бирпас қулоқ солиб турди. Телефондаги юлуқ-юлуқ товуш Иван Ивановичга ҳам эшитилар эди-ю, бироқ англаб бўлмас эди. Бошлиқ трубкани қўйди. Ўрнидан турди, кафтларини бир-бирига қўйиб, асабий уқалади. Тирноқлари оқариб кетди.

— Ҳал қилдик. Оқшом жўнайсиз,— деди у,— ахир ихтиёр менда эмас-да.

Иван Иванович ҳеч нарса демай, кабинетдан чиқди. Салмоқли қадамлар билан санитар поезд томонга жўнади. Қаршидан паровоз сигнали эшитилди. Бу состав бирпасда станцияга етиб келди-ю, тўхтамай ўтиб кетди. Иван Иванович қуюқ қошларини чимириб, унинг кетидан қараб қолди. Тўғриси, ўша поездда кетаётганларга ҳаваси келди. У паровоз жуда узун составни аранг тортиб борарди. Кўпчилиги платформа. Платформада устига брезент ёпилган баҳайбат нарсалар. Баъзисидан замбаракларнинг ҳалқумлари кўриниб қолади. Икки-уч вагон томига тўрт оғизли пулемёт ўрнатилган. Ёнида солдатлари. Бундоқ қараса, состав кетидан ҳам бир паровоз орқаси билан итариб келаётган экан. Унинг томида ҳам пулемёт бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қоронғи тушгач, санитар поездига паровоз уланди. Иван Иванович «энди кетдик» деб ўйлаб хато қилган экан. Яна икки соатдан мўл туриб қолишди. Яна платформаларга юк ортган бир состав ўтди, кетидан булар ҳам жилишди. Иван Иванович тутқунликдан қутулгандек қувонди. Қаршисидан чиққан Зебонинг елкасига кўк томирлари кўриниб турган узун-узун бармоқли оппоқ қўлини қўйди.

— Кетдик, қизим, кетдик,— деди.

Унинг кўзлари мамнун куларди. У, бу яқин орада бунчалик очилиб кулмаганди. Шахсан Зебо эсламайди.

— Фронтга тушиш ҳам осон эмас, қизим. Передовойга ўтаётган қуролларни кўряпсанми? Тинимсиз-а! Бу яхшилик нишонаси, қизим.

Чол тетик қадамлар билан штабга кириб кетди. Унинг мамнунлиги Зебога ҳам кўчди. Эртасига тунда поезд манзилга етди. Тунда қаёққадир кетган Иван Иванович тонг ёришганда қайтиб келди. Кишиларга ярадорларни қабул қилиш учун тайёрланишга буйруқ берди-да, ўзи вайрона станциянинг сочилиб ётган ғиштларидан учтасини остига қўйиб ўтирди. Кўк жиякли фуражкасини бошидан олди. Терлаган пешонасини оппоқ батис даструмолча билан артди. Оппоқ сочлари ҳали бақувват эди. Ярадорлар машиналарда, яқиндаги хонадонлардан носилкаларда келтирила бошланди. Анави станцияда бекор ёта бериб қон бўлиб кетишганиданми, фельдшерлар ҳам, ҳамшираларҳам, ҳеч қачон бунга аралашмаган аптека ходимлари ҳам носилкалар билан ишга тушиб кетган эдилар.

Аллақаерда узоққа отар замбараклар наъра тортарди. Атроф сокин. Кечагина бу ерларда жанг бўлгани вайрона станциядан тортиб, даладаги хандақларгача барчасидан яққол кўриниб турарди.

Иван Иванович ўз қисмининг жонли ҳаракатини кузатиб турди-да, «меҳнат киши учун энг зарур нарса» деб кўнглидан ўтказди. Мамнун бўлиб кетди. Орқасида шарпа сезиб, ўгирилиб қаради. Станция ходими келарди. У Иван Ивановичга бир хат узатиб:

— Шу киши сиздами?— деб сўради.— Тундаги поезд машинисти ташлаб кетган эди.

Иван Иванович хатдаги фамилияни кўздан кечириб, маъқуллади.

— Раҳмат! Бизда.

Иван Иванович қариларга хос салмоқланиш билан

ўтирган еридан турди. Бир неча қадам юргач, қуюқ қоши остидаги хира кўзлари билан хат адресига яна бир марта назар ташлади:

— Зебо!— чақирди у.

Вагон деразасидан Зебо бошини чиқарди. Қаршида Иван Ивановични кўриб югурганича эшикдан чиқиб келди. Чол қўлидан хатни олди. Хатни олди-ю, бепарвогина оча бошлади. «Нима бўларди, онам ташвишланиб хат ёзгандир-да!» деб ўйлади.

Зебо хатга кўз югуртиб чиқди-ю, бирдан ўзгариб кетди. Нимадир бағридан тўлқин уриб чиқди, бутун вужудини титратиб, кўзларида ёлқинланди, борлиғи оғир қалқиб, яна ўзини аранг тутиб олди. Ранги ўзгарди. Икки оёғи уни тутиб туришдан ожиздек кўринди. Иван Иванович ундаги бу ўзгаришни билди, илдам бир ҳаракат билан унинг тирсаги юқорисидан ушлади:

— Зебо! Зебо! Сенга нима қилди?

Зебо сўзсиз эди. Фақат ғайри табиий ҳолда чиқарилгандек кўзидан таралиб бораётган кулгини мижжасидаги икки томчи ёш маржон титраб ажиб шаклга киритмоқда эди. Ҳа, бу юрагининг жуда-жуда тубидан бир сапчиш билан киприкка илинган шодлик ёши эди. Унинг юзи бирдан ёришиб кетди. Кўзларидаги икки оғир томчи ҳамон нозик киприкларида «мен энди нима қиламан» дегандек ҳайронликда титрарди. Зебо ўзини тутиб олиб, Иван Ивановичнинг бўйнидан қаттиқ қучоқлади-да, у юзидан-бу юзидан икки-уч марта ўпди. Бирдан тўхтаб, тез-тез такрорлай бошлади:

— У тирик! У тирик!

Бундан ортиқ сўзни айтишга у шу вақт ожиз эди. Зотан, унга шу сўздан улуғ, сермазмун, жозибалиги йўқ эди. Бу сўз унинг учун ҳаёт ва гул, умр ва орзу, бахт ва келажак эди! Иван Иванович бошлаб ҳеч нарса тушунмади, вагонга жадал тармашаётган Зебонинг орқасидан қараб қолди. Ёлғиз бир неча дақиқадан кейин чўзиб «Ҳ... а» деб ўз фикрига якун ясади.

Зебо эсанкираб қолганди. Вагонга чиқди-ю, Еленанинг бўйнига ўзини ташлаб йиғлай берди. У эсидан оғиб бораётганга ўхшарди. Йиғи аралаш гапирган гаплари қовушмас эди. Елена унинг қўлидаги хатни олиб ўқиди. Хат дафтар варағининг ярим бетига йирик ҳарфлар билан ёзилган эди. Она Элмуроддан мактуб келганини хабар қиларди. Зебо ҳамон йиғларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега йиғлайсан энди! Айтмадимми ёлғон деб. Мана, ёлғон экан-ку!— дер эди. Елена ҳам ҳаяжондан титраб, Зебога сув тутди. Вагон эшигида Иван Иванович кулиб турарди.

Шодлик узоққа чўзилмади. Станциянинг аллақаеридан тревога янгради. Паровозлар унга қўшилди. Сал вақт ичида осмонда иккита душман самолёти пайдо бўлди. Состав устига ўрнатилган тўрт оғизли зенит пулемётлари ўт очди. Самолёт пулемётга тикка шўнғиб, уни ишдан чиқарди. Кейингиси кетма-кет икки бомба ташлаб, икки состав ўртасини ўпирди. Сўнгги вагон ёнди. Қаердандир бир темирйўлчи югуриб келиб, у вагонни бошқалардан ажратиб юборди. У вагон улкан машъалдек пастга елиб кетди. Шу пайт узоқдан санитар машина кўринди. У ярадорларни таширди. Нима учун унинг олиб станцияга келишидан ҳамма ҳайрон эди. Шофер жиннями? Самолётларни кўрмаяптими? Самолёт уни қаршисидан келиб, ўққа тутди. Машина тўхтади. Шофер кабинкадан сакради-ю, мук тушди. Машинада қий-чув кўтарилди, машина ларзага келди. Ёнига тушган бомбадан агдарилди. Бунинг барчасини Иван Иванович станция вайронаси орқасидан, Зебо, Елена ва бир неча санитар эса сувсиз ариқ ичидан мўралаб кўриб турар эди. Бошлаб Иван Иванович станцияда пайдо бўлди. Икки-уч санитар машинага қараб чопди. Елена ва Зебо ҳам югурди. Ярадорларни машинадан чиқардилар. Уч-тўрттаси қонига беланиб ётарди. Елена биринчи санитар билан кўтара кетди. Зебо биринниг яраланган бошини боғларди. Кўзларда ажабланиш, ҳайрат. Шу замон қаёқдандир ҳалиги самолётлар яна пайдо бўлиб қолди. Ярадор ташиётганларни ўққа тута бошлади. Елена кўтариб бораётган посилкаси билан йиқилди. Зебо уни кўриб қолди, олдига эмаклаб кетди. У елкасидан ва тиззасидан яраланиб ётарди. Носилкадаги ярадор ўлиб қолган эди. Зебо Еленани ёнбошига олиб, бир четга судрай кетди. Ана, эски ариқ ўрни. Сал юрса, етади. Сал ҳафсала қилса, вассалом, «Тир-р...»— улар атрофида ўқлар чақнади, енгил чанг кўтарилди.

— Мени қўй, қоч, Зебо!— деди Елена.

— Ҳозир, ҳозир Елена. Сал юрсак ариққа тушиб оламиз. Мана ҳозир.— Зебо энтикарди, у терлаб кетганди.

— Улар бизни нишонга олянти, Зебо.

— Йўғ-э,— деди Зебо бўғилиб. Шу онда бир парса «тир-р» этди-ю, кетидан вағиллагани эшитилди. Зебо

«шилқ» этиб йиқилиб тушди. Елена ўнгланиб унга қарарди. У бети қонга беланиб, беҳуш ётарди. Икки соатдан кейин вагонда ҳушига келиб, атрофга олазарак қарарди, Кимнидир қидирди. Оқариб кетган лабларини аранг очиб астагина «Элмурод» деб икки марта такрорлади. Кўзини юмди... мангу юмди...

Тепасида хира кўзларидан ёш оқизиб Иван Иванович турарди.

XIII

«Ўзи узоқда, меҳри қалбимда бўлган азизим, Зебо!— Салом!

Сени бир неча ой ўзимдан бехабар қолдириб ташвиш гулханида жизғанак қилганим учун кечир мени! Урушнинг гоҳ-гоҳ шунақа беўхшов карашмалари ҳам бўлади. Уруш баъзилар ўйлагандек шон-шараф излаб қир, тоғ ошиб, боғлар кезиш эмас. Унинг хотирангдан асло ўчмас, қалбингга қўрғошин бўлиб қуйилиб кетадиган жуда оғир, улуғ мақсад йўлидагина киши бардош бера оладиган ранго-ранг қийинчиликлари, ўлим билан ёқа бўғишган кунлари бўлади. Унинг кураш еллари гоҳо сени кутмаганда бандидан юлқиб олинган япроқдек аллақаёқларга учириб олиб кетади.

Мен сўнгги ойлар мобайнида ана шундай япроқ мисоли бўлдим. Қулоқ сол, ҳикоя қилиб берай:

...Зарб билан қишлоқдан бездек ситиб чиқарилган душман бу қулай позицияни бутунлай қўлдан бергиси келмасди. Айни тушки овқат пайти авиация ташлади. Шамолнинг биз томондан эсиши унинг жонига оро кирди — танкларнинг товушини кўзга кўринадиган бўлгунича пайқамай қолдик. Бу вақтда мен тарвақайлаб кетган кекса бир олманинг қалин соясида дилкаш бир автоматчимнинг овқат келтиришини кутиб ўтирардим. Ҳаммамиз кичик бўлса ҳам ғалабанинг завқи билан маст, суҳбатлар чортанг эди. Бирдан душман контрудар бошлаб қолди. У ўзи ўйлаганча бизни эсанкирата олмади. Лекин қўққисдан қилинган ҳужумнинг доим озми-кўпми ўз самараси бўлади. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Десант бошлиги ортиқча қурбон беришни лозим топмай, чекинишга буйруқ берди. Ана шу пайтда менинг бошимга қора кун тушди. Асосий кучни режа билан чекинтириб, энди ўзим ҳақимда ўйларканман, қаршимда душман танки кўриниб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолди. У йўлимни тўсиб чиққанди. Қўрама-қўра ошиб кетишни мўлжаллаб, биринчи хонага ўзимни урдим. Шу маҳал бино босиб қолди: кетимдан қувган танк туртиб қулатдими, бомба тушдими — билмай қолдим. Ҳамма ёқни бомбалар портлаши, тўплар гумбурлаши, ўқлар визиллаши босиб кетганди. Эсимни йиғиб кўзимни очсам, атроф қопқоронғи, фақат аллақайси бурчакдан хирагина нур лентаси тортилиб турибди. «Том тагида қолибман» дедим ўзимча ва ёруғлик тушиб турган томонга интилдим. Йўқ, бу мумкинмас. Сўл оёғим ихтиёримда эмас. Иссиғида билмаган эканман, энди сирқираб оғрийди, пайпаслаб кўрдим — қон йўқ. Лекин бундай оғриқ менга таниш эди: бола эканман, ёнғоққа чиқиб йиқилганимда, қўлим синганди, худди шундай оғриганди. «Оҳ, лаънати!— дедим.— Наҳот, оёқдан айрилдим. Бу тирик ўлим-ку! Энди нима бўлди?» Узоқ ўтириб қолдим. Чиқишимни ҳам, ўтира беришимни ҳам билмасдим. Чиқсам, барибир бу савил оёқ билан ҳеч қаёққа боролмайман, душман қўлига тушишим турган гап. Бу — ўлимдан, шу ерда, шу қоронғиликда қолиб ўлиб кетишдан баттар. Лекин ёта бериш ҳам мумкин эмас. Қачонгача ётасан, ахир! «Нима қилиш керак!» деб ўйлаб қолдим. Ташқаридан гоҳ-гоҳ фрицларнинг товуши келарди. Бу баттар мени эзарди, ҳатто қақшатиб оғриётган оёғимни унуттириб юборарди. Бир вақт қарасам оёғим дўмбира бўлиб шишиб кетибди. Этигим аранг тутиб турибди. Шунда марҳум отамнинг саргузашти ёдимга тушди: у Самарқандда босмачиларга қарши курашиб юрганда остидаги отига ўқ тегиб, устидан учиб кетган. Оёги синган. Уни тоғ оралигидан топиб, ёрдам беришмоқчи бўлишганда ҳеч маҳсисини ечиб олишолмай, кесишган. «Мен ҳам бирон меҳрибон қўлига тушсам, албатта, этигимни кесади, бошқа илож йўқ» деган ножўя, энди кулгили бир ўй бошимга келди. Қизиқ, Зебо, мана шундай даҳшатли дақиқаларда ҳам киши хаёлига ажиб, ўринсиз, ножўя, тутуриқсиз ўйлар келаркан. Бўлмаса, ҳаётинг қил устида турганда, битта этик нима деган нарса! Хаёл ҳам қизиқ-да! Албатта, этик ҳақидаги ўй узоқ чўзилмади. Яна ёруғ тушган томонга кўз тикдим. Аста эмакладим. Ниятим: жилла бўлмаса шу туйнукдан ёруғ дунёга тўйиб-тўйиб қараш эди. Йўқ, унинг оғзигача боришга улгурмадим. Автомат тариллаб қолди. Салдан сўнг икки автоматчимнинг шу томонга югуриб ўтганини ғира-шира кўриб қолдим. Бири оқсоқланиб борарди, иккинчиси қўлтиғидан тутган. Уларни қувиб келган душман автоматчиси мен қараб турган ер қаршисидаги бино муюлишига келиб, ундан аста бош чўзиб, чекиниб борувчи икки автоматчимни кузатди. Ўққа тутмоқчи бўлди. Шу замон аъзойи баданим зирқираб кетди: қандай қилиб кобурага қўл юборганим, тўппончамни олганимни билмайман, бир маҳал тарс қўйиб қолдим. Фриц ўқ текканидан кейин йиқилдими ёки йиқилгандан кейин ўқ едими — билмай қолдим. Фрицни отишга отдиму, лекин унинг орқасидан келаётган шеригининг диққатини ўзимга тортиб қўйдим. Унинг кетидан етиб келган шериги аланглаб қолди, мурданинг бошини кўтариб башарасига боқди. Шунда мен ўқим унинг чаккасига текканини аниқ кўрдим. Шериги мени босиб қолган вайронада эканимга ишонмас, етиб келган ҳамроҳларига бошқа томонни кўрсатарди. Лекин биттаси мен турган вайронага автоматини тўғрилаб кела бошлади. Мен ўзимни четга олдим. У туйнук оғзига келиб ичкарига эгилиб қаради. Ёнидаги ҳамроҳига «Бу ерга одам сиғмайди» деди, шундай бўлса ҳам автоматини ичкарига, қоронғиликка қаратиб аламдан бир сидра ўқ узди. Мен писдим. Бир нарса ўша синган оёғимни бир силтаб ташлади. Фрицлар кетгач, ёруғликка солиб қарасам, этигимнинг пошнасини учириб кетибди. «Бечора этик, кесилгунингча пошнангдан ҳам ажралдинг» дедим.

Зебо! Балки сен, «нега уларни ҳам отиб ташлай қолмадинг? Ҳарна камайгани эди!» дерсан. Тўғри, айни пайти эди. Шундай ўйлаб дарров, ўқимни санадим: улар бешта, ўқ эса тўртта. Жуда тўғри нишонга олганда ҳам биттаси қолади. У менга ташланади, ташланмаганда ҳам барибир менинг ўқсиз қолишим яхши эмас. Ким билади, ҳали қандай ишлар бошимга тушади. Ундан кейин ростини айтсам, Зебо, ўзимни шу тўртта битлиқи гитлерчига алишгим келмади. Ундан кейин, Зебо, қулоғингни бериоқ келтир, аста айтадиган сўзим бор: шу тўртта очкўз ялақини деб сенинг муҳаббатингни қон йиғлатгим келмади! Сен қаршимда кўзингни жовдиратиб турардинг, «Муҳаббатим ҳақи, ўзингни сақла!» деяётгандек бўлдинг. Чиндан ҳам, тўртта исқиртнинг қони эвазига ўзни ўққа тутиб бериш арзимайди. Ўзни шундай қурбон қилиш керакки, у минглаларнинг мушкулини осон қилсин. Ўлаётиб, ўлмасликка паспорт ол.

Туни билан шунда қолиб кетдим. Оёғим шу даражада оғриққа кириб кетдики, аста қўя бер, қорнимнинг очлиги кўзимга кўринмасди. Безовталаниб ухлолмасдим. Оғриқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қа қулоқ солиб ёта-ёта, тонгга бориб қаттиқ ухлаб қолибман. Бир вақт кўзимни очсам, кун ёйилиб кетибди. Оғриқ ҳам босилгандай. Лекин жуда ҳам шишиб кетибди. Ваҳимага тушиб, этигимни орқа чокидан ёрдим: оёғим мўматалоқ бўлиб кетибди. Тўпиғимдан сал юқори бир ери ёнғоқдек туртиб чиққан, олхўридек кўм-кўк. «Лат егани шу ер экан» деб аста қўлимни қўяманми, қани ушлаб бўлса! «Раҳминг келсин. Инсофинг бўлса менга асти қўл урма» деяётгандек безиллайди. Кўзимни чирт юмиб, пайтавам билан ўраб боғладим. Кечадан бери таниш бўлиб қолган туйнукка сурилдим. Кечаги мен отиб ташлаган фриц энди кўринмасди. Ҳамма ёқ жимжит. Фақат ташқарининг иссиқ ҳавоси туйнукдан димоғимга урарди, гўё дерди: «Бу зах ерда нима қиласан, бу ёққа чиқ. Бу ёқда ҳаво тоза, ёқимли, иссиқ. Сичқондек каваккa тиқилиб ётма, инсондек ёругда, сахий қуёш қучоғида яйраб яша!»

Туйнукдан қараб туриб, ўзимга ҳам алам қилиб кетди: қачонгача бунда ётаман. Бир бошга бир ўлим! Кечаги тўртта фрицни отиб ташламаганим энди ўзимга кор қилди: нега шундай қилдим? Таваккал эди-да? Энди шу ердан туриб, дуч келган фрицни ўққа тутишга қарор бердим. Шу ниятда тўппончамни қўлимга олиб овчидек кўз тикиб ётдим. Ҳеч ким ўтмасди. Туш ҳам бўлди. Лекин ҳамон ҳеч ким ўтмасди. Бир маҳал аллақаёқдан киши товуши келди, ўзи кўринмасди, яна жим бўлди. Ундан кейин фрицнинг лабга қўйиб чаладиган гармошкаси янгради, узоқ янгради. Анчагина узоқда бўлса керак, чалинаётган куйнинг юқори пардаларигина тиниқ эшитиларди. Кеч кирди. Кун ботди. Қоронғилик тушди. Куни билан кўзимга таниш бўлиб қолган қаршидаги тўпори қишлоқ уйлари энди хунук, мудҳиш, бадбашара кўрина бошлади. Тун сокинлигининг ўзига хос товуши қулоғимда вижиллярди; гўё ана у ёғоч, мана бу тош, кесаклар садо берарди, ўзаро суҳбатлашарди. Аввалгидан кўра кўзларимни каттароқ очиб, ташқарига қарардим. Ана бир юлдуз ёниқ ўқдек учиб, худди анави томга санчилди. Ой йўқ бўлса керак, дам ўтган сари юлдузлар чамани қуюқлашар, тиниқроқ яшнарди. Одам сиғар-сиғмас туйнугимдан тубсиз осмоннинг юлдузларга тўла тинимсиз ҳаракатига боқиб туриб, сени эслаб кетдим: шу вақт қаерда экан? Эҳтимол, сўлим туннинг оромбахш қучоғида мириқиб ухлаётгандир, балки мени туш кўраётгандир. Ёки уйқуси ўчиб кетиб, у ҳам мендек ана шу юлдузлар чаманига боқиб (албатта дера-

задан, ахир сенинг каравотинг дераза остида-ку) хаёлга толиб ётганмикан. Унинг қизлик хаёлидан нималар кечаётганикин? Мени ўйлаётганмикин ё бошқа нарсанами? Менинг бу қора дақиқаларимни юраги ҳис этаётганмикин? Ахир яқин кишингнинг бошига қора кун тушса юрагинг сезади, тушинг белги беради дейишади-ку! Йўқ, йўқ, унинг билмагани яхши! Унинг тинчлиги, ороми бузилмагани яхши! Барибир бефойда.

Узоқ вақт ухлолмадим. Сени ўйлаб кетиб, оёғим оғриғини ҳам, ёнбошимдан ер ўтиб кетганини ҳам сезмабман. Бир вақт қўзғаламан десам, бутун аъзойи баданим зирқираб оғрийди, оғриқни баданимга тарқатадиган маркази ўша майиб оёғим бўлиб кўринади. Ичкарига ҳам суркалмай, ён-атрофимни ботадиган кесаклардан тозалаб, шу ерга чўзила қолдим. Очликнинг кучи оғриқдан кам эмасди. Менга ўқиган романларимнинг довюрак, бардошли, иродали қаҳрамонлари «Биздан ўрнак ол!» дегандек далда берарди. Айниқса Жек Лондоннинг «Ҳаётга муҳаббат», «Мартин Иден»и ва Эмил Золянинг «Қамал тегирмон» асарлари кўз олдимдан кетмасди. Павел Корчагин «Бардош бер. Мен ҳам сен билан биргаман, сенинг қалбингдаман, руҳинг, онгингдаман» деяётгандек бўларди.

Эрталаб барвақт уйғондим. Тонг салқинидан баданим увушиб қолибди. Аллақаерда қолиб кетган иссиқ шинелимни эсладим: қани у бўлса-ю, ёпиниб ётсам! Кечагидек бугун ҳам бизникиларнинг ҳужум бошлашини кутиб кунинг чиққанини билмай қолдим. Бизникилар ҳужум бошламасди. Менинг бутун умидим ўшалардан эди. Кеча кечга бориб ўйлагандим: «Бугун тайёрлик кўришди шекилли. Энди эртага тонгдан бошлайдилар. Йўқ, бугун ҳам бошлайдиган кўриниимайди». Бу руҳ мени жисмоний оғриқдан баттар эзарди. «Наҳотки, бу қишлоқни айланиб ўтиб кетишади» деб ўйлаб тураркапман, ит вовиллаб қолди, у бировга ташланаётгандек жадал вовилларди. Кетидан тарс-турс ўқ чиқди. Ит товуши тинди. Оёқ товушлари эшитилди. Икки гитлерчи кўринди. Бўйнида қора автомат. Бирининг қўлида жўжахўроз — бошини қуйи қилиб, оёқларидан ушлаб олган. У гоҳ-гоҳ қанотлари билан ел шопираради. «А-ҳа, жўжахўроз шўрваси ичинг келибди-да» деб ўйладим, оғзим сув очиб кетди, димоғимга тотли шўрванинг ҳиди ургандай бўлди. Улар қаршимдан келиб, бурилиб ўтиб кетгунча кузатиб турдим. Орқаси ўгирилиши билан устма-уст икки ўқ уздим. Бири тапца йиқилгапича

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир оёқ силтади-ю, кейин жим бўлиб қолди. Иккинчиси йиқилган еридан сапчиб туриб, қаттиқ маст одамдек гандираклаб одимини тезлатди. Жўжахўроз ҳамон қўлида, даҳшатдан қақағларди. Икки қулоғи ўртасини нишон олиб учинчи ўқни бўшатдим. Мук тушди, жўжахўроз қўлидан чиқиб, қақағлаганича қочди. «Учала ўқ менга отилди-ю, биттаси ҳам тегмади» деб ўйладими бечора хўроз!

Мен командир буйруғини шараф билан бажарган жангчидек енгил тортдим. «Нега ўша биринчи куни тўрт фрицни отиб қўя қолмадим. Ўқларим бекор қоладиган бўлди» деган ташвишдан қутулдим. Энди битта ўқим қолганди. Бу ўзимга! Бу — энг сўнгги дақиқада омон қолишимга ишонч ва имкон қолмаган энг сўнгги дақиқада виждоним поклигини, номусимни сақлаш учун сарф этилади. Шуни кўнглимдан ўтказдим-да, ўзимдан бир неча метр нарида ер тишлаб ётган икки мурдани эҳтиётлик билан кузатиб турдим: ишқилиб, бирортаси тирик бўлмасин, шу сўнгги ўқимни ҳам ўзига сарф эттириб, мени ўқсиз қолдирмаса, бас! Йўқ, улар қимир этмасди. Ўқ товушига одам йиғилди. Бир мотоциклчи ҳам келди. Уни кўриб, ногоҳ чиқиб қолган аҳоли аста-аста тисарилиб, тарқаб кетди. Фрицлар нимагадир ўзаро чуғуллашди. Менинг қулоғимга «партизан, террор» деган сўзлар кирди. Демак, улар, бу ишни партизанлардан кўраётир. Бу яхши! Шундай бўлса ҳам ит олиб келишди. Ҳеч нарса чиқмади. Тарқалишди. Бир оздан кейин бир машина фриц ўтиб кетди. Шундан кейин бу кўча серқатнов бўлиб қолди. Баъзан аҳоли ҳам кўриниб қоларди. «Ҳамма ҳаракат шу икки фрицнинг отилишига маҳтал бўлиб турган экан-да» деб ўйладим ўзимча. Бу ҳаракат бир томондан менга вақтнинг тезроқ ўтишига кўмак берса, иккинчи томондан қўлга тушиб қолишим хавфини туғдирарди. «Қани энди бир автомат билан бир-икки юз ўқ бўлса-ю, пайти-пайтини топиб ўтганларини тарашлаб турсанг» деб ўйлардим. Кўзимга уйилиб ётган ўқлар кўриниб кетарди. Душманни кўра-била туриб, плюксиз ётиш жуда оғир ботар экан кишига.

Ўзимизникиларнинг ҳужумини кута-кута яна кун ўтди. Яна қуёш ботди. Яна қош қорайди. Яна кўк чаманига ҳусн кирди. Яна тун сокинлиги... Қандай қилиб кўзим илинганини, қай вақт бўлганини билмайман, бир маҳал туйнук оғзида бировнинг тимискиланаётганини сезиб қолдим. Кўзларим чарақлаб кетди. Кимдир туйнукни гавдаси билан тўсиб турарди.

— Ким бу?— дедим тўппончамни ўнглаб.

— Тссс... ўзимизники,— деди у шарпа ва туйнукни кенгайтиришга киришди. Салдан кейин мушукдек чаққонлик билан ўрмалаб олдимга келди: хотин киши! Кўзлар қадалишди. Унинг нафас олгани эшитилиб турарди.

— Мен билан юринг,— деди у олдимга тушиб.

— Юролмайман, оёғим майиб.

У бошқа ҳеч нарса демади. Қўлтиғимдан олди. Туйнукдан чиқди. Ойсиз, чароғон юлдузли кеча. Майин ел дарахтлар шохини шитирлатади. Хотин қаршидаги қўрага олиб ўтди. Даҳлизда тўхтаб, яна башарамга боқди. Кейин унда турган челакдан чўмичда сув олиб ҳаллослаб тўкиб-сочиб симирди-да, енги билан оғзини артди. Кейинги чўмични менга тутди:

— Ичинг!

— Раҳмат! Кўнглим тортмайди.

— Оч қорингга сув кетармиди,— деди шу вақт ичкари хонадан чиққан хотин менинг шеригимга.— Хотиржамликми?

— Хотиржамлик.

Ичкари кирдик. Оддий деҳқон уйи. Бурчакда «Казбек» қутисига ўрнатилган шам милтиллаб ёнади. Унинг ёнидаги қозиққа осилган сочиқнинг қизил ип билан тикилган хўроз гули аранг кўринади. Катта рамкадаги кичик-кичик суратларни пайқаб бўлмайди. Бу нимжон нурда бир-биримизни яхшилаб кўриб олдик. Овқат гапсўзсиз ўтди. Улар қозончадан ичаётганимга ҳайрат билан боқиб туришарди. Баъзан уялмасин дегандай бошларини четга бурардилар. Мен жуда шошиб, жадал ичаётган бўлсам керакки, уларга қизиқ туюлади-да! Бўлмаса овқат ичган одамни кўришмабдими!

Овқатдан кейин яхшилаб танишдик. Бу уй шу кампирники экан. У менинг танкдан қандай қочганим, босган бинонинг ичида қолганимни кўрган экан. У мени «Нобуд бўлди, бечора!» деб ўйлабди. Менинг бугун икки фрицни отганим унинг қудуқдан сув тортаётган вақтига тўғри келиб қолибди. Чўчиб қочиб, бундоқ қараса, учинчи ўқ ўша босиб қолган бино остидан янграбди. «Танкдан қочган бечора тирик экан-да!» деб ўйлабди. Лекин хабар олгани ботинмабди. Гитлерчилар шу кўчага йиғилган сари «Билиб қолишмаса эди!» деб ўзича йиғларминш бечора. Гитлерчилар тарқалгач, Анютага (мени олиб чиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қан қиз) хабар беради. Қош қорайишини кутишади. Гўё буларнинг хатти-ҳаракатидан хабар топгандай анча вақтгача бу кўчадан фрицларнинг оёғи узилмайди. Қарашса, тонг олиб қоладиган. «Тавакқал!» дейди-ю, Анюта менинг олдимга писиб ўтади ва олиб чиқади.

Азизим Зебо! Хатим чўзилиб кетди, кечир! Бундан кейин ҳеч шунақа узун хат ёзмайман. Юрагим тўлиб кетганиданми ёки шошиб турганим — вақтим йўқлигиданми ҳеч тугатолмаётирман. Нима учундир ҳамма-ҳаммасини сенга батафсил ёзгим келади, ичимда қолса бағримни ўртаб юборадигандек. Эҳтимол, бу анчадан бери хат ёзмаганимдандир. Сен мендан хафа бўлма, жоним! Эзма бўлиб кетибди десанг ҳам майли, лекин хатимни қунт билан охиригача ўқи. Қасамёд қилиб айтаманки, бундан кейин ҳеч шунақа узун хат ёзмайман. Ҳафталаб ўйлаб юраман-да, қисқагина қилиб ёзаман.

Ҳақиқатан оёғим сипган экан. Анюта олиб келган мўйсафид чол тахтакачлаб кетди. «Ҳўл мева еманг, совуқ сув ичманг,— парҳезни бузсангиз оқма бўлиб қолади» деб мени қўрқитди. Вақти-вақти билан хабар олиб турди. Вақтидан кечикиб қолса Анюта елиб-югуриб топиб келарди. Анюта менга жуда меҳрибонлик қиларди. Тағин севиб қолган экан, деб рашк қилиб юрма! Ростини айтсам, аввалига ўзим ҳам шундай бўлиб чиқиб қолмаса эди, деб қўрқиб юрдим. Ахир у ўз жонини тикиб мени олиб чиққан, яна ҳаётини хавф остида қолдириб парвариш қиларди. Мабодо фриц ҳид топиб қолса, албатта уни қозиқ қилиб қоқиб юбориши турган гап. Шундай фидойи қизнинг муҳаббатини рад этмоқ учун ҳам ҳазиланам жасорат керак эмас. Иннайкейин, бундай мард қиз ҳам кам учрайди. Модомики, сени ўлимдан қутқариб, жонини гаров қўйиб парвариш қилган экан, бундай қизнинг муҳаббати енгил-елпи, ўткинчи бўлмайди. Улуғ режалар билан нафас олади. Лекин шуниси ҳам борки, бундай қизлар дарров сева қолмайди, бир севади-ю, биракай севади. Ана шунинг учун ҳам ундан баттар қўрқардим. Ахир, меҳрибонлик муҳаббат элчиси-да! Кўзимиз кўзимизга тушганда бир-бировга жуда ҳам яқинлик ҳис этардик... Мен унинг кўзига боқиб сени кўрардим. Бунинг устига, у анча кўркам қиз эди, содда ва жўн кийимларгина ғариб кўрсатарди уни. У ҳатто бир куни:

— Уйланганмисиз?— деб қолди. «Йўқ» жавобини олгач:— Севган қизингиз ҳам йўқми?— деди.

— Бор!— дедим аста кулиб.

— Ишонмайман,— деди у кўзимга тик қараб,— мени ёқтирмаганингиздан шундай деяпсиз. Йигитлар севмаган кишиси сўраса шунақа деб жавоб беради.

— Рост.

— Барибир ишонмайман. Жуда хотиржамсиз — севган қизи бор йигит бунақа бўлмайди. Ёки жуда ҳам қаттиқ севмайсиз. Бўлмаса шу маҳалгача хат юбориш йўлини излаб қолардингиз. Севган кишингни ўзингдан домдараксиз қолдириб, ташвишга солиб, тинчгина яшаб бўларканми? Муҳаббат изтиробига тушмаган экан, нақ эгов бўлиб қалбингизни йўниб ташлайди. Хавотирланманг, этагингизга ёпишиб олмайман. Гарчанд сизга ёқадиган даражада чиройли бўлмасам ҳам, ўз кишим бор. У ҳам сизга ўхшаб фронтларда жанг қилиб юргандир.

Анюта ўзи айтгандек хунук эмас, оқ сариқ, мовий кўз, олтин соч, келишгангина қоматли эди. Унинг атайин ўзини жўн ин кийимларга ўраб олиб юришини биринчи куниёқ пайқаган эдим. Фриц қизларга ўч-да!

— Хат оласизми?— дедим жўрттага унинг бояги «хат юбориш йўлини излаб қолардингиз» жумласини кўзда тутиб.

— Йўқ. Уруш бошланиши билан алоқамиз узилди. Тбилисида хизмат қиларди. Ундан, уруш бошлангач, Боку ҳарбий мактабига кўчиришди.

— Ким деган? Тағин таниш чиқиб қолмасин?— дедим шошиб.

— Эҳтимол! Дубенко, Микола Митрич.

— Дубенко?!— кўзларим ёниб кетди. Унга боқиб қолдим. Сапчиб тураман деб ногирон оёғимни каравот зийнга уриб олдим: кўзларимда чақмоқ чақнади. Тишларимни бир-бирига босдим.

— Танийсизми?!

— Таниганда қандай! Дўстим-ку! Бир рота, бир взвод, ҳатто бир отделениеда бўлганмиз. Сизни кўрганимдан бери аллақаерингиз кўзимга иссиқ кўриниб юрувди-я! Энди эсладим. Миколада суратингизни кўрган экан-ман. Худди ўшанинг ўзисиз. Унча ўзгармабсиз. Кийим ғариб кўрсатиб турибди, холос.

— Йўқ, анча ўзгарганман. Сизга шунақа кўринятти,— деди Анюта уялиниқираб,— ҳозир Микола қаерда, билмайсизми?

— Нега билмас эканман, биламан,— дедим шодлик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан жонланиб. Анюта юзидаги қизиллик яна қуюқлашди. Кўзлари яшнади.

— Ростданми?— титраган ҳаяжонли товуш билан деди Анюта. Ютиб юборгудай бўлиб ёниқ кўзлари кўзимга қадалган эди. Шу лаҳзадаги менинг бир оғиз сўзим унга гўё ҳаёт ва мамот, гўё биргина хушхабар билан янги дунё тақдим этгандек яшнатиб, бир оғиз мудҳиш сўз билан маҳв этиб юборишим мумкиндай.

— Рост,— дедим ортиқ бардош беролмай,— охирги марта кўришганимизга ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ.

— Ростданми-а, росданми? Биз бу ёқда уни...— Анюта ҳўнграб йиғлаганича бўйнимга ташланди. Худди ўз Миколасини учратгандай юз-кўзларимдан ўпди, кўзимга тикилди, яна ўпди. Унинг юрак уриши бемалол эшитилиб турарди. Шундай сокин, метин иродали, қўполдек кўринган қизнинг бунчалик юмшоқ кўнгиллик билан куйиниб йиғлашини ҳеч кутмагандим. Қаёқда экан шунча ёш?

Мен унга Микола Дубенко билан қачон ва қаерда танишганим, қандай алоқада бўлганимни ярим кечагача ҳикоя қилиб бердим.

У ҳикоямга шундай диққат ва ташналик билан қулоқ солардики, гўё у тинч тунда дарахтларда ётган қушларнинг юрак уришини тинглашга ҳам қодирдек кўринарди. Бутун борлиғи қулоққа айланиб кетган, гўё мен унга кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ажойиботлар ҳақида эртак айтиб бераётирман! Агар гоҳ-гоҳ киприклари очилиб юмилмаса, уни қотиб қолган деб фараз этиш мумкин: қўлларини столга, энгагини қўлларига қўйганича қимир этмасди. Биласизми, рассомлар хаёл сураётган қизларни шундай чизадилар! Эҳтимол Анюта ҳам ёрқин ўтмиш — Дубенко билан бирга кезган хушнуд чоқларини хаёл экранига бир-бир тушираётгандир. Шундай пайтларда хаёлдек тотли ва чуқур, хотирадек лаззатли нарса бўлармикин дунёда! Мен унинг кипригида қотиб қолган севинч ёшларига боқиб, Дубенкони чиндан севишига сира-сира шубҳа қилмасдим. Муҳаббатнинг кучи нима эканини мен яна бир марта ўз кўзим билан кўрдим: у, мурдага жон бағишлайди!

Зебо! Мен Анютага ҳамма нарсани айтиб бердим, фақат бир нарсани — Дубенконинг чўлоқ бўлиб қолганини билдирмадим. «Яраси ҳали яхши битмаган, узоқ даволаниши керак экан» деб кўя қолдим. Тўғрисини айта қолсам, Зебо, уни чўлоқ дейишга тилим бормади. Иннайкейин, элбурутдан қиз бечорани ўкситиб нима қиламан? Гарчанд унинг кўзларида муҳаббатига ишонч барқ уриб турган, Миколанинг оқсоқлиги қиттай бўлсин таъсир кўрсатолмаслигига ишончим комил бўлса-да, айтгим келмади.

Шу тун, шу суҳбат баҳона бўлди-ю, биз Анюта билан жуда иноқлашиб кетдик. У менинг соямга кўрпача соларди, ҳатто огриғимни бўлиб олишга тайёр эди. Ўзи келолмаган кунлари кишиларини юборарди, зерикиб қолмасин деб аллақаёқдаги ҳикояларни топиб келарди. Аста-секин у мени ўзининг сир-асрор дунёсига олиб кирди. Ҳар келганда бир чимдим-бир чимдим айтиб берарди. Энди мен унга жуда ўрганиб қолгандим: энди унинг ҳар бир ҳаракати ҳам ёқимли эди, киши дўстлашиб кетса шунақа бўлади: чин дўстнинг оддий сўзи ҳам ширин!

У урушгача Дубенко ўқиган шаҳарда тураркан. Уруш бошлангач, эвакуация бўлолмабди. Йўлдан қайтибди. Қараса, шаҳарда туриш оғир. Шовқин-суронли, қувноқ шаҳарни мурда ётган хона сокинлиги босибди. Зарурати йўқ кишилар кўчага чиқмай қўйибди, гўё аҳоли она шаҳрининг бошига тушган қора кунга аза тутармиш. Ҳадемай, у Германияга олиб кетиладиган ёшлар рўйхатига тушиб қолибди. Нима қилиш керак? Бегона юрт ҳокимлигидан ўз юртинг стимлиги яхши! Жонига қасд қилмоқни ўйлабди (баъзилар дори ичиб атайин ўзини хаста қилибди). Лекин бекорга ўлиб кета бериш даҳшат. Ўлим шунинг учун даҳшатлики, унинг қучоғидан қайтиб чиқиш йўқ. Бу, албатта ҳаётда ўз ўрнини топиб ололмаганлар учун шундай. Кимки аниқ ва порлоқ мақсад билан яшар экан, ана шу мақсад йўлида қурбон бўлиш унинг учун даҳшат эмас, балки шараф. У ана шу шарафли йўлни излабди. Ҳадеганда тополмабди. Тобут ортидан боравётган кишидек бўйнини эгиб, Германияга юбориладиган ёшларни кўрувчи медицина комиссиясига кетаётса, бир дугонаси йўлини кесиб чиқиб:

— Анюта, наҳотки Германияга кетмоқчисан?— дебди.

— Бошқа иложим йўқ,— елкасини қисибди Анюта.

— Қўй-э, сендан шу жавобни кутмагандим. Астойдил истасанг, қолишинг мумкин.

— Дори ичибми? Умрбод ногирон бўлиб қолишни истамайман.

— Нимага дори ичиб? Шундай. Партизан бўлиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жон дердим, лекин тажрибам йўқ. Ҳеч ким ҳеч нима демайди.

— Деса-чи?

— Валя! Нимага мени билмаган кишига ўхшаб мужмал, ҳақоратомиз гап қиласан. Наҳотки, мени ўз хоҳиши билан Германияга кетмоқчи деб ўйлайсан?!

— Ким билади: кишиларнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажраладиган вақт ҳозир.

— Валя!— деб қичқирибди ўзиникига сира ўхшамаган товуш билан Анюта.— Вақт чиндан ҳам нозик, бўлмаса нақ бу гапинг учун оладиганингни олардинг!

— Шундайми? Чинданми? Урармидинг?— деб кулибди Валя, кейин яна ҳазиломиз қўшибди:— Ёлғиз қолдингми? Ўксиб юрибман дегин! Қани айт-чи, Анюта, шу гапинг чинми?

Валя сиповчан боқибди.

— Чин бўлса, бунинг чораси бор.

— Қўлимдан келса.

— Келади. Арқон кучи — қил, дегандек сенинг ҳам ҳиссанг бўлиши мумкин.

Анюта «Майли» деб розилик берибди. Лекин Валя очиқ бир йўл-йўриқ кўрсатмай «яна кўришамиз» дебди-ю, хайрлашиб кетибди. Эртасига келибди. Энди кечагидай ҳазиломиз ёки аччиқ гаплар қилмабди. Анютанинг кейинчалик билишича, Валя ўша кетишида, подпольеда бўлган комсомол ташкилоти билан маслаҳатлашибди, кенгашибди. Ахир кенгашилган фикр — қуйма фикр бўлади-да!

— Анюта,— дебди Валя, жиддий.— Сени партизанлар отрядига юборишга қарор бердик.

— Майли! Қаерда халқимиз учун нафим тегса, ўша ерда ишлашга розиман. Босқинчи душманга қул бўлиб, амрига бўйсунгандан ўз юртим ботқоғида сассиқалаф бўлганим яхши.

— Балли, чин ватанпарвар, юрт бошига оғир кун тушганда ҳар ишга пешвоз чиқади. Иш танлаб ўтирмайди. Зотан, ролларнинг катта-кичиги бўлмайди, артистларники бўлади. Лекин шуни сенга эслатиб қўяйки, Анюта, партизан ҳар қандай қулфга тушадиган калит бўлиши керак.

Уни янгигина ташкил топган партизан отрядига юборибдилар. У ерда бир неча вақт дуч келган топшириқни бажариб юрибди. Оппазлик, санитарлик, кир ювувчилик қилибди, разведкага чиқибди, постда турибди. Бир-икки қўпориш ишларида иштирок этибди. Бир куни отряд бошлиғи чақириб қолибди:

— Сосновое қишлоғида сизнинг холангиз бор эмиш, шу тўғрими?

— Тўғри.

— Шу қишлоққа сизни доимо туришга юбормоқчимиз. Кўз-қулоқ бўлиб турасиз. Қишлоқдаги бутун алоқа сиз орқали бўлади. Гўё сизнинг ота-онангиз ўлган, уйжойингиз бомбардимонда вайрон бўлган. Холангизникига яшагани келгансиз. Тушунарлими?

— Тушунарли.

— Шуни унутманг, душман устига пайти-пайти билан ҳужум этиб боришдан, доимо унинг ичида бўлиш оғирроқ, асабга тегувчан бўлади. Курашда эса асабийланиш ярамайди, тўғриси, бу ожизлик, ношудлик белгиси.

Бир неча вақтки, у шу ерда яшаркан. Мен турган ҳовли холасининг қизлик дугонасиники бўлиб, унинг эри қулоқ бўлиб кетган, ўзи жуда синалган партизан экан. Менинг шундай хонадонда бўлишим бехавфроқ эмиш!

Зебо! Анюта қишлоқни шундай ўзлаштириб олганки, асти қўя бер. Мўридан чиққан тутунига қараб ўша хонадонда нима овқат пиширилаётганигача билади-я. Ким нечанчи размер оёқ кийим кийишигача унга маълум. Ҳар гиёҳ унинг ҳисобида. Ўз иш санъатини жуда эгаллаган. Бир маҳал шу қиз нима қилишини билмай, ҳатто Германияга кетишга ҳам рози бўлган эди деса, ишонмайсан!

Топширилган топшириқ, масъулият, бурч ҳам кишини ўзни қандай тутишга ўргатади. Уни кўча-кўйда кўрган киши жуда беозор, дунёда бўлаётган ишларга бефарқ, фақат ўз қорни ташвишида юрган қиз деб фараз этади. «Ўзимда шундай ташқи кўринишни руҳан тайёрлагунимча ўлиб бўлдим» дейди. Бусиз эса унинг иш олиб бориши қийин. Ахир кишиларда мана шундай таассурот туғдирган ҳолда, ўзи ҳамма нарсани кўриб, билиб юриш енгил иш эмас-да!

— Дарвоза тагида душман офицери бўлибди,— деди бир куни келиб.

— Қаёқдан билдингиз?— дедим ажабланиб. Чунки кампир куни бўйи ҳовлида кир ювган эди. Бу ҳақда ҳеч нарса демаганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Уларнинг этиги пошнасидан тушадиган из худди кўҳна дарвозаларнинг қорнидан очиладиган қулфига ўхшайди.

Мен кулдим, ишонмадим. Йўқ, рост бўлиб чиқди. Кампир тасдиқлади: кундузи бир фриц йўл усти кириб тухум сўраган экан.

— Нега шуни менга кирган замони айтмадингиз. Ахир бу ҳийла-ку!— деди Анюта кампирдан ўпкалаб.— Баъзан соддалик қилиб қўясиз-да!

Кампир ташвишга тушди. Анюта аллақаёққа чиқиб кетди. Бир соатлар чамаси ўтгач, ташқарида арава тўхтади. Эшикни биров тақиллатди. Кампир чиқиб ўрта ёшлик ориқ бир киши билан кириб келди. У кишининг бошмалдоғи билан кўрсаткич бармоғининг учлари махоркадан сарғайиб кетганди. Қўлида тизимчаси узун қамчи. Кампир билан пичиллашиб гаплашди. Иккови чиқиб кетди. Аравага саройдаги пичандан ортишди. Орасидан менга жой қолдиришди. Эркак киши бир оздан кейин олдимга кириб елкасини тутди:

— Қани бўлинг! Аравага чиқамиз.

Унинг ўзи ориқ бўлса ҳам қўллари қаттиқ, кучли эди. Унинг аъзойи бадани меҳнатдан пай бўлиб кетганига шубҳа қилмадим. Баъзи одамлар шунақа бўлади; кўринишдагина нимжон! Мени олиб чиқиб, пичан орасига киритди. Кампир пайпоқ тўқиётган кишидек қўлида эшилган ип ва симлар билан дарвоза оғзида унга суяниб турарди. Тўғриси, у постда, атрофга кўз ташлаб турарди. Арава анчагина йўл юрди. Мен қишлоқдан чиқиб кетдик деб ўйладим. Йўқ, чиқмаган эканмиз. Киши кўзидан холироқ кўчалардан айланиб юрибмиз. Ҳалиги ориқ, бармоқлари махоркадан сарғайиб кетган киши мени аравадан туширди, бир хатага олиб кирди.

— Энди шу ерда яшайсиз!— деди ва омон-эсон олиб келганигами бурчакка қараб чўқинди. Бурчакда Биби Марям ва Исо тасвирланган икона турарди.

Қош қорайганда Анюта келди. Толиққан. Кўзлари чуқур ботиб кетган. Лекин кўзлари мамнун куларди.

— Ютдик. Ярим соат кечиксак шарманда бўларканмиз,— деди у қувониб ва бўлган воқеани ҳикоя қилиб берди.

Дарҳақиқат, эрталабки фашист офицерининг тухум сўраб ҳовлига кириши бежиз эмас, тагида қора мақсад ётган экан. Салдан кейин у ҳовли атрофида яширин

душман постлари пайдо бўлибди. Улар ёлғиз мени эмас, шу ҳовлига кириб чиқувчиларни ҳам биратўласи шартта босмоқчи бўлишган экан. Йўқ, Анютанинг эпчиллигидан планлари барбод бўлибди.

— Энди улар из қидиради,— деди Анюта,— ўртоқ командирга (у мени шундай деб атарди) махфийроқ жой қилиш керак. Энди хатада сақлаб бўлмайди.

— Отрядга жўната қолсак-чи!— деди ориқ, бармоқлари махоркадан сарғайиб кетган уй эгаси.

— Мумкинмас. Отряд бетинчроқ,— деди Анюта қатъий.

Улар ташқари чиқиб, яна нималарнидир гаплашдилар. Кейин бир соатча йўқ бўлиб кетишди. Яна товушлари келди. Анюта кирди. Бир неча кун бўлолмаслигини айтиб, мен билан қуюқ хайрлашди. Бундан аввалларида ҳам беш-олти кун йўқ бўлиб кетарди-ю, лекин унда ҳеч бугунгидай қуюқ хайрлашмаганди. Мен унинг бу жўнашини икки маънода тушундим: ё у оғир топшириқни бажаргани кетяпти ёки жуда иноқлашиб кетганимиз туфайли қуюқ хайрлашяпти. Кейингиси бўлиб чиқди. У бу қўрага кираверіб бегона кишилар диққатини тортишни истамабди. Фриц шохида юрса, у баргида юрарди. У жуда аниқ ва тез ишларди. Назаримда душман идораларида ҳам ўз кишилари бор эди, чунки гитлерчилар кўрмоқчи бўлган тадбирларни икки-уч кун аввал пайқаб олар, унга қарши чора кўриб қўярди. У халққа суянарди. Халқ унга ишонарди. Ҳақ одамни халқ қўллар, деган мақол бежиз эмас, унга астойдил ишонганларидан уни севиб қолганлар.

У бир куни оҳиста, ўз ишидан мамнун кезлардагина юзида пайдо бўладиган табассум, яшнаш билан кириб келди:

— Кампирни ўлимдан қутқардик.

Мен ҳайрон бўлдим: қайси кампир, қанақа ўлим? Айтиб берди: гап ўша мени хатасида сақлаб турган кампир ҳақида борарди. Кампирнинг уйини фрицлар босганларида мени тополмай, жуда қаттиқ хижолатда қолибдилар. Кампирни терговга чақирибдилар: «Сеникидаги қанақа касал эди?» «Ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ» дебди кампир. «Каравотда ётган-чи?» деб дўқ урибди гитлерчи. «Уми?— деб кулибди кампир.— Иним-ку. Бозор тушган экан, шамоллаб икки-уч кун меникида ётиб қолди». Гитлерчи ҳайрон қолибди. Кам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пирнинг инисини чақириб сўраса, у тасдиқлабди. Анютанинг кишилари бу ёғини ишлаб қўйган экан. Фриц лол қолибди. Маълумот берган ўз кишисини она сутини оғзидан келтирибди. Жосус қасам ичиб «Иниси эмас, бегона киши эди. Қорачадан келган. Иниси малла-ку» дермиш. Анюта бундоқ қараса, яна кампирга ҳужум бошланадиган. Қариндошиникига кетди, деб овоза тарқатибди-да, уни партизан отрядига жўнатибди.

Шу куни кечаси менга алоҳида жой тайёрлашди. Биласанми қандай жой? Бунақа жойлар эртакда бўлади. Уруш бошидаёқ босиб қолган қўшни ҳовлининг харобалари остидаги ертўласи бутун экан. Шунга мен ётган уйнинг ертўласидан ер кавлаб йўл очдилар. Ўша ерда жой тайёрлаб, мени шунда туришимни маслаҳат кўрдилар:

— Кўнгилсизроқ жою, лекин бехавотир,— деди Анюта,— яхшисига, боғу роғлигига қарздормиз. Мана бу китобларни ўқиб ётасиз.

Чиндан ҳам жой шу вақтгача ўрганиб келганимдек файзли, кўнгил кўтарадиган эмасди. Лекин ёруғ етарли тушиб турарди. Қаердан? Аввалига фаҳмим етмади. Кейинчалик билсам, бу ҳақда улар алоҳида бош қотирган эканлар. Энди бу ерга аввалгидек кўп киши киравермасди. Асосан уй эгаси — ориқ киши хабар олиб турарди. Гоҳ у куни бўйи олдимда қолиб кетарди. Лекин бундан наф кам. У ўзининг иштироки билан менга далда бермаса, суҳбати йўқ эди. Гўё ҳеч нарсага қизиқмас. Унинг кимлигини, нима касб қилишини суриштириб берган саволимга «Отам поп ўтган, ўзим колхозчи» деди. Очилмади. Назаримда менинг зерикиб ётишимни фаҳмламаётгандай. Аммо махорка ўрашни қойил қилади: ҳафсала билан газетани бурчак қилиб йиртади, шошмасдан четларини текислайди, пашшанинг оёғидан ушлаб олгандек авайлаб икки бармоғи билан бир четидан ушлаб «эчки оёқ» қилиб шошмай ўрайди. Қоқ белидан тирсак ҳосил қилиб букади. То «тирсак»кача махорка тўлдиради, гугурт чўпи билан аста-аста шиббалайди, оғзини конверт нусха қилиб беркитади. Кейин лабига қўндириб, анча вақт ўтиради, гир-гир айлантиради. Гўё чекиш учун эмас, шундай қилиб ўйнаш учун ясаган дейсан. Гугурт чақиши ҳам қизиқ: ёндирган чўпининг ярми куйгунча қараб туради, кўмирга айланган бошчани чертиб учиради, сўнгра папиросини тутатади.

У чекишга тайёрлик кўрдими, бас, мен китобни секин четга йиғиштираман: ярим соатга эрмак бор!

Анюта жуда кам келарди. Лекин бир дунё янгилик топиб келарди, гўё менга ҳисобот билан ахборот бергани келарди. У келиши билан хаёлга келмаган суҳбатлар бошланиб кетарди. Куннинг ёки туннинг ўттанини билмай қолардим. У кетдими, яна китоблар юпқалик қилиб қоларди. «Нега ёзувчилар қалин-қалин китоблар ёзишмайди» дердим. Ахир Тургенев романлари уч кунга етмас эди-да, «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» билан Гончаров романлари қўл келиб қолди. Буларни мириқиб, ҳали-бери тугаб қолишидан хавотирланмай ўқийсан киши, гўё севимли суҳбатдошинг узоқ вақт меҳмонга келгандай.

— Қани, севган қизингизнинг борлиги рост бўлса, хат ёзинг. Ўша ёққа одам ўтадиган бўлиб қолди,— деди Анюта бир куни кира солиб ва Дубенкога ёзган хатини кўрсатди,— лекин сизга бир илтимосим бор: қизингизни астойдил сетсангиз бошингизга тушган оғир кунни ҳозирча билдирманг. Қиз қалбини сиз, йигитлар яхши билмайсизлар. Момиқдай юмшоқ, ипакдек позик бўлади. Кичик бир елнинг бевақт юриши ҳам озор етказади, бу озор унинг қалбида умрбод доғ бўлади, кетмас доғ бўлиб қолади.

Мен хат ёзишга ўтирдим. Бир зумда сени кўрган, билган, сен билан учрашган чоғларим, соатларим, кунларим сепилган донга дув ёпирилган каптарлардек фикримни чулғаб келдилар. Айниқса, сенинг вокзалда куйиниб йиғлашинг, «энди кўришмайдиганга ўхшаймиз, шу охиргисига ўхшайди, Элмурод» дейишинг қулоғим остида яна ўшандай титроқ билан жаранглаб кетди. «Йўқ, йўқ!— дедим шунда ўзимга ўзим.— Биз кўришамиз албатта, кўришамиз, бир-биримизнинг оғушларимизда ғарқ бўлиб, сағана тошларини босгунча бирга бўламиз».

Албатта ўша хатимни олган бўлсанг керак, энди мендан хавотирда эмасдирсан. Хатни ёзиб бўлгандан сўнг, уни қўлимдан олаётиб:

— Раҳмат, ҳам Зебодан, ҳам ўз қалбимдан раҳмат: астойдил севар экансиз. Бунинг ҳаммасини юзингиздан, кўзингиздан, лабларингизнинг пичиллашидан, ҳатто қалам тебратишингиздан кўриб турдим, раҳмат! Биласизми, Элмурод, Зебонинг қалби шу вақтда сизнинг уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

эслаб, соғиниб хат ёзаётганингизни сезяпти, рост гап, сезяпти.

— Шундайми? Наҳот...

— Ҳа, ҳа, ишонинг! Қиз қалбининг, жондан севган қиз қалбининг ҳеч кимда бўлмаган, ҳеч кимникига ўхшамаган ўзига хос туйғу-ҳислари бўлади. Буни фақат севгига мафтунларгина билади, туяди.

Анюта шу гапларни айтди-ю, қўлимдан хатни олиб, ўзини елдай эшикка урди. Шу кетганича, ўн беш кунлар чамаси келмади. Мен, «ўзи ўша томонга ўтадиган эканда» деб юрдим. Уй эгасидан сўрасам, «келиб қолар» деди. Бу орада мен оёққа турдим, машқ қилиб у ёқдан-бу ёққа юрадиган бўлдим: маълум масофани ўлчаб қўйиб, шу оралиқда маршировка қиламан, кечга бориб ҳисоблайман, қани қанча юрибман, кундан-кун ошириб бордим. Анюта келганда мен соғлом кишидай оёқ устида эдим. У мени кўриши билан:

— Қани, мана бу жомакорни кийинг, кетдик,— деди. Билишимча, у менинг оёққа туриб, куч-қувватга кириб қолганимни мунтазам равишда кимдандир эшитиб турганга ўхшарди.— Ҳар эҳтимолга қарши тўппончангизни чўнтагингизга солиб олинг. Ҳа, ростдан ҳам, ўқи кам эди-я, мана ўқ.

У чўнтагидан ўнтача патрон олиб олдимга қўйди. Унинг астойдил тайёрланиб иш кўраётганига шубҳа қилмасдим. Мен ундан «Қаёққа?» деб сўрамадим.

Мен кийиниб кўчага чиққанимда қоқ туш эди. Гитлерчилар яқинда ишга солган бутхонанинг қўнғироқлари жаранглаб қолди. Мен «Шу вақтда қаёққа бораман?» деган маънода Анютага қарадим. У буни фаҳмлади:

— Айни муддао, тундан кундуз бехавотирроқ,— деди. Мени кўча эшиккача кузатиб, қаёққа қараб юришимни айтди ва ўзи бошқа томонга қараб кетди. Мен у айтган томонга қараб йўл олдим. Ҳаво очиқ. Ҳаво ёқимли. Кўпдан бери кўчада бўлмаганимдан ҳамма ёққа қарагим келади. Лекин иложим йўқ. Бу ҳақда Анюта алоҳида таъкидлаган: «Ҳар томонга алангламанг, бегоналигингиз билиниб қолади». Ўзимни сипо тутаман. Ўткинчиларга ҳам парво қилмайман. Лекин юрагим нима учундир «гуп-гуп» ура бошлади. Бу нимадан эканини ҳали-ҳали билмайман. Кейин Анютанинг айтишича, тоза ҳавога чиққанимдан эмиш. Мен бўлсам қўрқдимми, деб ўйлагандим, кейин билсам то манзилга келгунча қўлим тўппончадан узилмабди.

Ҳар ҳолда душман қаршисида туриб жанг қилишдан унинг ичида юриш, тадбир кўриш мушкулроқ эканига тан бериб қўйдим. Шунча вақтдан бери иш кўриб юрган Анютага қойил қолвордим. Қаршимдан бир фриц чиқиб қолган вақтдаги ҳолатимни сенга ёзолмайман, киши жуда қизиқ бўларкан. У қаршимда кўринди, юриб келди, ёнимдан ўтиб кетди! Қизиқ, душман билан юзма-юз келсанг, бир кўчадан, бир торгина йўлкадан тирсак теккудай бўлиб ўтсанг! Этим жимирлаб кетди, муздай тер чиқди, қўлим тўппончамни жон-жаҳди билан қисиб турарди.

Ўн минутлар юрганимдан кейин, четан девор оша бир киши кўринди, катта бир ғўлани кўчага думалатди, кейин ўзи эшикдан олдимни тўсиб чиқиб келди, ғўлани кўтартириб юборишимни сўради. Шу орада астагина:

— Ҳозир чапга буриласиз, қаршидан бир нечта қайин кўринади, ўшанга қараб юринг,— деди ва ўзи ғўлани кўтариб бошқа бир қўрага кириб кетди.

Мен дарров тушундим: демак мени ўша қайин олдида ҳам кимдир кутиб олади. Худди шундай бўлиб чиқди. Қаёқдандир бир қиз пайдо бўлди-ю, менга суюқлик билан бир-икки гап ташлади, маъноли қилиб кўзини қисди, яқинроқ келиб тирсагимни туртди. Юзига мундоқ қарасам, пардози жуда бесўнақай: кўчага соат ўн бирдан кейин чиқадиган, ресторанлар олдида турадиган хотинларни эслатади. Мен унга жавоб қайтаргунимча бўлмай, у мени қўлтиқлаб олди, шилқимлик қилиб суркалди, қизиқ-қизиқ ҳаракатлар қиларди. Шу орада:

— Бўшашманг, мен бошлаган йўлга юраверинг! — деди ва сўл кўзини қисиб қўйди. Иккаламиз қийтанглашақийтанглаша жарликка тушиб кетдик. Кимнингдир орқамиздан:

— Қара, зулукдек ёпишади-я, болани тоза сўрадиган бўлди,— деганини эшитиб қолдим.

Жарга тушиб, кишилар кўзидан ғойиб бўлишимиз биланоқ қиз мени қўйиб юборди:

— Кечирасиз, энди ёнма-ён кета берсак ҳам бўлади,— деди ва ролини маҳорат билан ижро этиб саҳнадан қайтган артистдек асл ҳолига келди. Чиндан ҳам у артист эди. Энди унинг башарасига қараган киши шу соддагина қиз қўлидан шунча иш келишига асти ишонмасди.

«Артист» қиз сойнинг нариги бошига борганда мени нами қочиб қолган иккита чол қўлига топшириб, ўзи изига қайтди. Хайрлашаётиб «қалай роль ўйнашим?» деган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дек ширин табассум қилиб қўйди. «Яна кўришамиз. Хайр!» деди. У «хайр» сўзини ўзбекча айтди. Мен ҳайрон бўлиб, кетидан боқиб қолдим. Кейин билсам, куёви партизан ўзбек экан, «куёвимни ўзимизникиларнинг ўнтасига алиштирмайман» дермиш, йигитларнинг ғашига тегармиш, «иккаласи бир ёнғоқнинг икки палласи» деди чолнинг бири гап орасида.

— Йигитлар-чи, рашки келмайдими? — деб кулдим мен.

— Келадигани ҳам бор. Лекин ҳаммасини Марианинг (унинг исми Марина экан) ўзи тузлаб юради. Энди мен сизга айтсам, киши юраги бир мураккаб қулф. Ҳар қанақа калит ҳам туша бермайди-да, биттасига очилади. Бунга па миллат, на диннинг алоқаси бор. Менинг катта бобом Эрондан бир қиз олиб қочиб келиб умр кўрган экан. Шу хотинини деб туғилиб ўсган еридан бош олиб кетган. Бизнинг аслимиз кубанлик. Ўлими олдида «Мен жаннатда яшадим, хотиним ҳурилиқо эди, агар у дунёда ҳам жаннатга тушсам — менинг жаннатим иккита бўлади» деган экан.

— Ҳа,— деди иккинчи чол,— киши қалби қоронғи ўрмон. Унга йўл топиш мушкул.

Шом қоронғисида ўрмон ичидаги патрулдан ўтиб, партизанлар ҳоким территорияга кирдик. Ўрмон сирли шувиллайди, қушлар наъмаси қулоқни қоматга келтиради. Олмахон чақиб ташлаган уруғлар пўчоғи оёқ остида қирсиллайди.

Тун оққанда мени отряд бошлиғи ҳузурига чақирдилар. Қай кўз билан кўрайки, қаршимда Данильченко, ўша ўзимнинг командирим Данильченко ўтирарди! Шу маҳал ялт этиб хаёлимга у тақдим этган дурбин келди. Қаерда қолдирдим экан? Ҳа ростдан ҳам Анюта том остидан олиб чиққанда қўлимда эди-ку. Демак қишлоқда қолибди-да! Аттанг!

Данильченко ўша-ўша: ориқ, қозиқ ўрнидай чуқур кўзлари. Жуда сийраклашиб қолган юмшоқ, майин сочига оро бериб орқасига тараган, соч остидан қизил боши бемалол кўриниб турибди. Кўнглимдан «илгари бунчалик сийрак эмас эди шекилли» деган фикр ўтди. Кийимлари партизанча содда, лекин Данильченко ўзига хос дид ва маҳорат билан мослаб кийинган, ўзига ярашган. Ҳамон аввалгидек вазмин ҳаракат қилади, чертиб-чертиб гапиради, гапирганда ҳали ҳам одамнинг юзига эмас, ё қорнига ё оёғига қараб

туради. Унинг қаттиққўллиги, отрядда зўр тартиб борлиги, ҳар бир партизан унинг косови билан кириб, кули билан чиқиб, туришлиги сезилиб турарди. Мен бир маҳал Анютадан «Отрядингиз бошлиғи ким?» деб сўраган эдим. У кулибгина «Грозний» деб қўя қолганди. Шунча қилсам ҳам асл фамилиясини айтмаган эди. Дарҳақиқат, Данильченко душман учун эмас, ўз кишилари ўртасида тартиб ўрнатишда ҳам «грозний» (даҳшатли) бўлиши турган гап.

Мен ўз командирим билан суҳбатлашиб ўтириб ўйладим: у-ку, менинг Анюта том остидан қутқариб чиққан куниёқ ким эканимни билган, лекин нега ўзи ҳақида хабар бермаган? Сўрасам, оғзини очмай, лабини керибгина кулди, чой ичаётган кружкасини чертди:

— Менга ҳам тинчлик керак. Кейин оёғинг бунчалик тузалмай қолиши мумкин эди.

— Сабаб?— дедим ажабланиб.

— Сабаби оддий—яна у лаблари бурчида кулди, сенсираб кетди!—сабаби шуки, халақит берардинг ишлашга.

— Сизгами?

— Ҳа, бизга,—у энди юзимга қаради,—менинг бу ердалигимни билганингдан кейин тинч ётолмай хархаша қиларднг, илтимосномалар ёзардинг. Мен сени яхши биламан, қонинг қизиқ, юрагинг тор. Бизнинг ҳаёт зўр тўлқинли дарёдаги бир баржа, доим бетинч. Мана ҳар қанча гапинг бўлса, энди гапираверасан. Олдидан айтиб қўяй, сени отрядга олиб қололмайман.

«Нима учун?» дегандек унга қарадим.

— Сенинг қайноқ қонинг шўх, интизор лабларинг, чақнаган кўзларинг билан бу ерда курашувинг оғир, бу хусусиятларинг бизга халақит беради.

Гарчанд менинг бу ерда қолиш ниятим бўлмаса ҳам ҳайрон бўлдим. Сенга ёзиб юборган хатимдан хабари борлигига шубҳа қилмадим: демак у менинг қишлоқдаги еган овқатимдан тортиб, сўзлаган сўзимгача ҳаммасидан хабардор бўлиб турган.

Зебо! Азизим! Данильченкодек одамлар ўз ишига жуда пухта бўлади. «Сени отрядга олмайман» деди-ю, лекин бир ойча тутиб қолди. Бу орада менга партизанлар билан милтиқ, автомат, пулемёт, граната, миналарнинг тузилиши, хусусиятлари, улардан фойдаланиш йўллари ҳақида машғулот ўтказишни топширди. Машғулотим тугади-ю, эртасига фронт линиясидан ўтказиб юборди. Хайрлашаётиб қўлимга дурбин тутди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Марҳамат!

Ўша, ўзи бир маҳал Чикало қишлоғидан чекиниб чиқиб келаётганимизда менга тақдим этган дурбин!

— Қаёқдан сизнинг қўлингизга тушди?

— Биз турган районда совет кишисининг игнаси ҳам йўқолмайди. Анюта олиб келган эди.

— Қола қолсин.

— Мен сен билан аччиқлашганим йўққи, совғамни қайтиб олсам,— деди кулиб ва салмоқлаб бағрига босиб уч марта ўпди.

Йўлда кўнглимдан ўтди, игна топса, эгасини излаб қўлига топширмагунча кўнгли тинчимайдиган соф кўнгилли кишиларни тайёрлаш унинг қўлидан келади. Ахир биз ҳарбий мактабда ундан ҳам қўрқардик, ҳам жондан севардик. У менга ҳарбий ҳаётнинг алгебрасини ечмоқни ўргатган устоз!

Зебо! Севиклим!

Мана мен яна ўз қисмимдаман, дўстларим орасидаман. Билсанг, мен сени шундай соғинганманки... Хат ёз, кечиктирма, гўзалим!

Сени севган, соғинган Элмурод».

* *
*

...Элмуроднинг муҳаббат тўла бу мактубини она шўрлик жигарпорасига етказолмаган эди. О, беомон ўлим!..

XIV

Мамажон Турдиевнинг дарди госпиталга келганда иккита бўлди. Бири яраси бўлса, иккинчиси Анна Ивановна масаласи эди. Тўғри, госпиталга келган кунлари ярасининг алами ошиб кетиб, иккинчи дардни анча вақтгача унутгандек бўлиб турди. Унинг бу дарди мита еган буғдойдек кейин билинди: яраси тузалган сари оғриғи камайиб, Анна Ивановна ҳақидаги хаёли тўфондек ўйини чулғаб кела берди, бора-бора анави дардидан кам бўлмаган изтиробга айланди. Ҳатто баъзан ярасини унуттириб юборарди. «Нега ярадор бўлгунимга қадар шартта сўраб қўя қолмадим? Ахир ҳар куни кўриб турардим, кўриб турмаганимда ертўласига кириб бориб «Анна Ивановна, масала шундай» деганимда, кўкрагимдан итариб чиқарармиди? Ҳамма айб ўзимда, ўзим суст. Бир нарсага журъат қилиб киришмайман-да, вақти ўтгандан кейин армон қилиб, куйиб юраман» деб ўйлади Турдиев. Ана шундай кунларда бу армон кўнгил ғашлигидан диққатга айланарди, асаби бузилиб, унарунмасга изтиробга тушар, бетинч ухларди.

Турдиев ярасининг бунчалик оғир эканини билмаган экан. Уни фронтга яқин госпиталдан мамлакат ичкарисига кўчирилгандан кейингина ярасининг оғирлигини фаҳмлаб, «узоқ ётаман шекилли энди» деб ўйлади, кейин бирдан «энди Анна Ивановнани кўрмас эканман» деган ўй туғилди-ю, қайта фронтга тушишига ҳам ишонмай қўйди. Холи вақт топиб ўз врачидан ўсмоқчилади:

— Мунча фронтдан олиб қочмасанглар, қайта юбориш ниятинглар йўқ шекилли?

— Кимни?

— Масалан, мени.

— Эҳтимол, энди фронтга тушмассиз. Ярангиз оғир.

— Йўғ-э...—ваҳима босди Турдиевни.

— Бирор ҳафта ётиб қайтиб кетарман деб ўйловдингизми?

— Бирор ҳафта эмасу, бирор ойлардан кейин...

Врач кулди:

— Бирор ойдан кейин тетапоя қилсангиз ҳам хўп гап денг.

— Ҳали ярам шунақа оғирми?

— Оғир бўлмаганида бу ёққа олиб ҳам келишмасди.

Врач ҳақ чиқди. Биринчи ойнинг охирига бориб Турдиев ёстиққа суялиб аранг ўтирадиган бўлди. Ана шунда ҳамширадан қоғоз-қалам сўраб, Миша Горкуновга хат ёзди. Хат узоқ вақт ёру дўстидан ажралиб қолган, бунинг устига, ҳам руҳий, ҳам жисмоний қаттиқ изтироб чеккан одамнинг ноласидан иборат эди. Лекин у қанча уринмасин, юрагини тўлдириб ётган дарду аламнинг қиттайини ҳам кўнгилдагидек қилиб қоғозга туширолмади.

У, шу хатида қалбини сиқиб ётган Анна Ивановна ҳақида ҳам оғиз очиб ўтмоқчи, Миша Горкуновдан кўмак сўрамоқчи эди. Лекин қандай қилиб бошлаб, қандай қилиб тугатишни билмади, минг турли ўйларга борди. Анна Ивановна бегона чиқиб қолиб, бекорга жангчилар ўртасида калака бўлишдан қўрқди, уялди ва фақат хат охирида «Анна Ивановнага мендан қуюқ салом айт, у кишини яна

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир кўришга муштоқман, кўриш насиб қилмасмикин, деб қўрқаман — ярам оғир» деб қўя қолди. Хатни юборди-ю, юрагининг бир парчаси узилгандек бўлиб кетди. Ўзининг бу ҳолатига асти чидолмасди. Башарасини ёстиққа бурқаб йиғлади, аччиқ-аччиқ йиғлади. «Хўш, кимнинг бор сенинг, кимнинг? Онанг у тахлитда, отанг бу тахлитда кулаклар қўлида қурбон бўлиб кетган бўлса, энди бир жигаримни, меҳрибонимни топдим деганингда бу алпозга тушиб ўтирсанг, сенга ҳам бир рўшнолик борми бу дунёда! Дод де фалакнинг дастидан, дод де!» дер эди маъсумлик билан эзила-эзила камол топган унинг юраги.

Унинг бу ҳолати устига ўрта ёш, сочига оқ оралаган ҳамшира кириб қолди: аввалига уни ухлаяпти деб ўйлади, йўқ, бундай қараса, унинг елкаси асабий титраб турибди. Қўшниси ҳам «йиғлаяпти» деган ишорани қилди. Алам билан ёнган, талай жангчи ва офицерларни кўрган ҳамшира дарров юзига меҳрибонона табассум ёйиб, унга яқинлашди, елкасига қўлини қўйиб, оналарга хос шафқат билан деди.

— Хўш, хўш, Турдиев, нима қилди, яранг аламга кириб кетдими? Қани бу ёққа ағдарил-чи! Ҳозир мен чорасини қиламан-да, қани менга қара! Ийе-ийе, нега йиғладинг. Энг оғир пайтларда йиғламаган, энди йиғласанг уят. Тузалиб қолдинг. Сабр қил, азизим, сабр сўнгги сариқ олтин. Ё қўшниларинг хафа қилишдими? Нақ мен уларнинг таъзирин бериб қўяман-а! Нима қилди, айт, азизим, айт!

Турдиев бош ирғаб, «ҳеч ким озор бергани йўқ» ишорасини қилди. Шунда ҳамшира унинг ёнига ўтириб, тўзғиб кетган сочларини текислади, кейин шу баҳона билан унинг кўзидаги ёшини артиб олди, энгашиб унинг чаккасига чаккасини қўйди, манглайини силади.

— Йиғлама, азизим! Омон қолганингга шукур қил. Етилганларингда йиқитмай Гитлер ўлсин, ўз боши мотамдан чиқмасин. Вардош бер, азизим, бардош, аслингга келиб қоласан, ҳеч гапмас. Сендан ёмонларини ҳам кўрдим, шукур, ҳаммаси оёққа туриб кетди. Сен ҳам кўрмагандек бўлиб кетасан, ўзингни қийнама.

Гарчанд Турдиев ярасидан оғиз очмаган бўлса ҳам ҳамшира бир оздан кейин врачни бошлаб келди. Врач уни кўздан кечиргач, деди:

— Яхшимас, Турдиев ўзингизни тутинг. Мардлик ёлғиз фронт учун эмас, госпиталда ҳам керак. Мардлик— йигит ҳусни. Ҳуснингизга доғ туширманг.

Врачнинг бу насиҳати Турдиевга қўлланма бўлиб қолди. Бундан кейин ҳам бир неча марта юраги эзилиб кетди-ю, лекин ҳамшира билан врачнинг сўзлари қулоғи остида жаранглаб, ўзини тутиб олди. Лекин бир куни бу насиҳатларнинг ҳам куни ўтмай қолди. Бу ҳодиса Турдиев госпиталь ҳаётига кўникқан, оёққа туриб кетганда рўй берди. Сабр косасини тўлдириб-тошгирган сўнгги бир томчи бўлди. Бу вақтда госпиталь ҳовлисидаги олманинг барглари сарғайиб тўкилган, адашиб барвақт келиб қолган қарғалар тонгни қировни қор деб қувон қаққаҳаси соларди. Турдиев яқинда қисмимга қайтаман деган умид билан юраради. Йўл учун ўша меҳрибон ҳамширага илтимос қилиб, иссиқ қўлқоп, пайпоқ тўқитиб ҳам олган эди. Бош врач ҳузурига кириб «Ўз қисмимга кетаман-а, тағин бошқа қисмга ёзиб юборманглар» деб огоҳлантириб ҳам қўйган, бош врач ҳам «Албатта, албатта! Бу ҳақда буйруқ ҳам бор, бундан кейин ҳар бир ярадор ўз қисмига қайтади» деб ишонтирган эди. Турдиев хотиржам бўлиб, қандай қилиб батальонга кириб бориш, бошлаб кимга учрашиш, Анна Ивановнани кўрганда нимадан сўз бошлаши, кейин қандай қилиб мақсадини очишни, қўйинг-чи, ҳамма-ҳаммасининг аниқ режасини тузиб қўйган эди. Ҳатто бу орада бир дам олиш куни бозор чиқиб, дуч келган лўлига фол очтирган, фолбин «Қувон, йигит, қувон, сени шу яқин кунларда қувонч кутади» деган, бу қувончни Анна Ивановна билан ака-синглия чиқишига йўйиб, ўзича беҳад шод юрарди. Лекин иш у кутгандек бўлиб чиқмади: яраси тузалганларни комиссиядан ўтказдилар. Комиссия Турдиевни фронтга эмас, олти ой ўз уйида отпуска қилишга қарор чиқарди. Бу—Турдиев учун кутилмаган зарба эди. У ёсанкираб қолди. Бундоқ ўйлаб қараса, у олти ойдан кейин ҳам фронтга тушиш гумон. У ерда ҳам яна комиссия бўлади. Ким билади, комиссия яна нима деб қарор чиқаради. Эҳтимол, бутунлай ишга яроқсиз дер. Унда нима бўлади? Наҳотки Анна Ивановнани энди кўрмаса, наҳотки, унинг юрагидаги армон армонлигича қолиб кетса!

Турдиев шуларни ўйлар экан, кўзидан ёш тирқираб сочияди, аъзойи баданини титроқ босди. Комиссия қарорини эшиттирган беш врачга қалтираб:

— Нотўғри, мумкинмас!— деди-ю, ўз беодоблигидан ўзи уялиб, зингиллагунича палатасига кириб кетди ва койкага ўзини отди. Ёш боладек ҳўнграб йиғлади, гўёки, комиссия жаллоддек бераҳм қарор чиқариб, уни энг сўнгги

www.ziyouz.com kutubxonasi

умид-орзусидан маҳрум этган, гўёки топишган синглисидан куч билан ажратар, мангуга ажратар, билиб-кўриб туриб ажратар эди, гўёки, «Сен умрбод меҳрибонсиз ўт» дерди.

Кечга бориб масала ойдин бўлди: Турдиев ўз дардини очиб солди. Лекин бош врач ҳеч қандай ёрдам бериш қўлидан келмаслигини ошкор айтди:

— Афсус, минг афсус, лекин ёрдам беришдан ожизман. Ярангизнинг аҳволини билиб туриб, сизни фронтга йўллаш — бу жиноят. Жиноят қилишга эса журъатим етмайди, қурбим етмайди.

— Ҳечам иложи йўқми?—ёлвора бошлади Турдиев.

— Иложи бўлганда сизни қийнамасдан, дарров «хўп» дердик. Лекин сизнинг отпускада бўлишингиз шарт. Биз қўлимиздан келганича дори-дармон қилдик, бу ёғини вақт-фурсат даволайди, вақт ўтиши керак.

Эртасига нонуштадан кейин Турдиев госпиталь биносидан хомуш йўлга чиқди: унинг кўнгли хуфтон эди, чироқ ёқса ёришмасди.

* *
*

Турдиевнинг қишлоқда қучоқ очиб кутиб оладиган кишиси йўқ эди. Унинг бирдан-бир меҳрибони—дадасининг опаси—аммаси. У, Турдиев туғилган қишлоқда эмас, қўшни қишлоқда яшайди. У, бу қишлоққа қизлар сингари иззат-ҳурмат билан узатилиб эмас, ота-онасининг номусини букиб келган. Ана шундан кейин унинг номини билмаганлар билган, тарихи тилда достон бўлган, «Тўти қиз кетди» деган лақаб олган.

Бунинг тарихи шундай:

Қора қовонини бир амаллаб қайнатиб турган бечора Саттор ака айни илигузилди пайти—баҳорда ётиб қолди. Деҳқоннинг баҳорда уйи ёнса ёнсину, лекин бошини ёстиққа теккулик қилмасин. Қилтиллаб тирикчилик қилиб юрган деҳқоннинг ётиб қолиши—қора қозонни олти ой ёз сувга ташлаб қўйиш деган гап. Саттор аканики ана шундай бўлди. Унинг қўлтиғига кирадиган меҳрибони йўқ эди. Ёзнинг ярмига бориб оёққа турди-ю, ўликнинг кафтидай бир парча ерига шолғом экишга мажбур бўлди: бошқа экиннинг пайти ўтган, пайти ўтмаганнинг уруғлиги учун ҳам йўталиш керак эди, йўталишга эса дармон керак.

Шолғом экиш учун ҳам ерни қўшниси Чинқироқ сўфининг ҳўкизини олиб ҳайдади. Ёзда «меҳрибонлик» қилган сўфи кузга бориб яна Саттор аканинг пешонасини силамоқчи бўлди, яъни унинг сочлари жамалак бўлиб қолган қизи Тўтига одам қўйди. Саттор ака лом-мим деёлмай қолди. Бунинг икки томони бор эди: биринчидан, сўфидан яхшилик кўрган, ҳўкизини сўраши билан бирон шарт қўймай берди. Иккинчидан, гарчанд уйланган бўлса ҳам, ҳали ёш, ўттиз бешларга ё борган, ё бормаган. Бунинг устига, аввалги хотини билан ҳам кўп тургани йўқ: нима бўлди-ю, уйланганига икки йил тўлмасдан хотини ўзини осиб қўйди, осганда ҳам сўфи ётган супанинг шундоққина қаршисидаги балх тутга осган. Хотинининг уруғида мана шунақа «вос-вос» касали бор эканмиш. Ана шундан бери Чинқироқ сўфи хотинсиз. Ўзи мўмин-қобил одам. Саттор ака бундоқ ўйлаб қараса, Тўти улғайган билан ўғил бола эдимики, қўлидан кетмонини олиб, ёнига кириб кўмакчи бўлади! Барибир бировнинг хасми. Бугун бўлмаса эртага узатади. Шундай экан, ҳарна бир жағнинг камайгани...

Ота рози бўлди, она «Ялангоёқ бўлса ҳам тенги бўлса эди» деб кўз ёши қилди-ю, лекин розилик берди. Тўй ўтди. Лекин шўх, ўйинқароқ Тўти бирдан мўмин-қобил, «ичимдагини топ», кам гап бўлиб қолди. Буни баъзилар турмуш кўрганидан, баъзилар турмушидан норизо эканидан кўрдилар. Бир йил ўтди, икки йил ўтди, беш йил ўтди, етти йил ўтди. Тўтининг бўйида бўлмасди, у ҳамон балоғатга етган қиздек тирсиллаб турарди. Бу орада не-не ромчи, товуқ қўлтиқлатиб ўқийдиган не-не домлаларнинг эшик зулфинлари неча бор тақиллади. Она қизидан яширинча Шоҳимардон пиримга жонлик атади. Лекин буларнинг ҳаммасига Тўти кулибгина қарарди, баъзан онасига «фойдаси йўқ» деб қўярди, аммо у ёғини айтмасди. Бу «у ёғи» бир тунда Тўтининг қишлоқдан бир ўз тенги йигит билан қочганини иккинчи ҳафтасида маълум бўлди, Тўти у қишлоқдан туриб, Чинқироқ сўфидан талоқ сўради. У «Қўядиган хотиним йўқ» деб жавоб қайтарди. Лекин зўрлик билан қайтариб келадиган замон ўтган, сўфилар тиғи фармонининг дами қайтган вақт эди. Тўти янгичасига қилиб «сен қўймасанг, мен чиқдим» деди-ю, қочган йигити билан ЗАГСга кириб борди. Никоҳ тўйидан кейинги иккинчи кечада маълум бўлдики, Тўти Чинқироқ сўфи билан шунча йил яшаган бўлса ҳам, жувонлик оламига ўтмаган, тўғриси, сўфи бу ишга қобил эмас экан. Бу нарса шўх

www.ziyouz.com kutubxonasi

янгалар орқали бутун қишлоққа тарқалди, сўфининг ҳам қулоғига етди, у қишлоқдан бош олиб кетди. Ҳали-ҳали унинг қаердалигини ҳеч ким билмайди.

Тўти амма бу эридан бир неча бола кўрди. Лекин шулардан тургани битта қиз. Турдиев қишлоққа қайтганда ана шу қизининг ой-куни яқин эди, шунинг учун ҳам Тўти амма бир кунини ўзиникида ўтказса, икки кунини қизиникида ўтказарди. Эри:

— Ахир, қайнанаси бор-ку қошида, бунча бўзчининг монисидек юкура бермасанг? — деса:

— Ўз онасидай бўлармиди, дадаси, — деб яна маҳсисини кия бошларди. Бола деса жон фидо қиларди. Доялик ҳам унчамунча қўлидан келарди. У жияни келганидан жуда қувонди, лекин бирор кун ёзилиб гаплашолмасди.

— Шу синглинг омон-эсон қутулиб олса эди, сени бечоранинг уйидан ҳам хабар олиб, у ёқ-бу ёғини тузатиб берардим, — деди амма бир куни. «Сингил» сўзи Турдиевнинг кўз олдига Анна Ивановнани келтирди.

— Амма, — деди Турдиев, — менинг ҳам сингилим бўлган дейишарди. Неча ёшда ўлган?

— Ҳали ёшига ҳам тўлмаган мурғак эди. Ўлди, деймизу, лекин ҳеч ким жасадини кўрмаган. Бировлар айтади: «Босмачилар олиб кетган», яна бировлар «Босмачи болани нима қилади? Бўйи етган қизмидики, босмачи олиб қочади» дейди.

— Тирик бўлганда шу вақтда неча ёшга кирарди?

— Йигирмадан ошарди. Нусратилла ҳожи келинига тегишиб, шармандаси чиқиб юрган йили туғилган эди-да.

— Бирорта одам олиб боқмаганмикин?

— Ким билади! Тирик бўлса, шу вақтгача дараги чиқиб қоларди.

— Мен бир қизни кўрдим, — деди ҳаяжонда Турдиев, — фронтда доктор бўлиб ишлайди, Анна Ивановна деган. Одамларнинг айтишича, биз бир-биримизга жуда ўхшармишмиз.

— Унинг ўрисга ўхшайди-ку. Сингилингнинг оти Мастура эди, — деди лоқайдлик билан Тўти амма неварасига атаб тикаётган дўпписига пилта ураётиб. Лекин Турдиевдаги ҳаяжон уни ўзига тортмай қўймади:

— Ўзи асли шу ёқли эканми?

— Бу ёғини билолмадим, лекин унинг ҳам онасини босмачилар ўлдириб кетган экан. Ахир ўрис ерларида

босмачи бўлмаган-ку. Демак, шу томонлардан борган бўлади-да. Эҳтимол, бирорта ўрис олиб боққандир, ўрисча исм қўйгандир. Лекин ўзи ҳеч ўрисга ўхшамайди. Кўзлари қон-қора, қовоқлари остида беш-ўнта сепкили ҳам бор.

— Ўзи нима дейди? Қаерданман дейди?

— Ана шуни суриштириб, билиб олмаганимга ачинаман-да. У доктор, мен оддий солдат эдим. Сўрагани журъат этолмадим. Энди аниқлаймал, деб аҳд қилганимда, вақт бўлмай қолди. Иннайкейин, Мастурага ўхшаган етимлар ўша йиллари оз бўлганми?

— Бу гапинг ҳам тўғри. Мулзам тортиб қолишинг ҳам бор.

— Гап мулзам тортишимда эмас, қўлимда аниқ далилим йўқлигида. Далилим бўлганда ўзим билардим-а, — Турдиев аммасининг бепарволарча муомала қилишига қарамай, қизиб борарди, юрагида қат-қат бўлиб ётган армон, умид тўлқин уриб тилига куч берар, кўзларини яшнатарди, унга куч ва журъат бағишларди.

— Тахминан айтолмайсизми, амма, Мастура шу атрофда кимга ўхшарди? — деди Турдиев.

— Оҳ, жигарим-а, мурғакнинг катта бўлганда кимга ўхшашини билиб бўлар эканми! Бола еттига киргунча, етмиш марта ўзгаради.

— Бирорта сурати ҳам йўқми?

— У вақтларда сурат олдириш қаёқда эди. Энди расм бўлди. Энди ўтирадиган бўлгунча ҳам сабрлари чидамай, орқасидан ушлаб туриб суратга туширадилар.

Турдиевнинг қалбида ётган тугун ҳамон очилмас, балки баттарроқ чигил тушарди. Ҳар чигил унга оғир руҳий юк эди, кунлар ўтган сари эзиб борарди. Тўти амма жияни келган кунлари ундаги хомушлик ва паришонликни ярасига йўйиб юрган эди. Энди унинг сабаби бошқа нарса эканини билди. Билди-ю, жиянининг кундан-кун эзилиб, қийналиб кетаётганига раҳми келди. Жиянининг изтиробларини қанчалик ўринли бўлмасин, барибир у кўмак беришдан ожиз, иккинчи томондан Мастуранинг тириклигига асти ишонмасди, ишонмасдигина эмас, ҳатто қитдай бўлсин кўнгли чопмасди. Шунинг учун жиянини бу ортиқча ноўрин ташвишдан халос этмоқчи бўлди, гапни ўспирин йигитлар севадиган мавзуга бурди:

— Бу ташвишларингдан фойда йўқ, ўғлим. Ундан кўра қиз тапла, арзон-гаров бошингни иккита қилиб қўяйлик, қиз бозорининг касод пайти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яна фронтга кетаман, биратўласи урушни тугатиб келгандан кейин уйланаман.

— Энди бошқалар борсин, сен кўрар бўлсанг кўрдинг. Ферма мудирининг ўғлини кўрдингми, бўйнини харидай қилиб юрибди, сен билан тенгдош.

— Майли, амма, юрса юра берсин, ҳаволаси ҳамманинг ўз виждонига.

Бир оз жимликдан кейин Тўти амма деди:

— Сен ўша докторингни бошингдан чиқар, бекорга ич-этингни ея беришингдан наф йўқ. Соғлиғингни кўзла, ўйна, кул.

Турдиев чиндан ҳам бундай ўйлаб қараса, шубҳали бир нарса учун ўзини қийнаяпти, оромини бузяпти. «Ажабо,—деди ўзига-ўзи, тунда кўрпага кираркан,— комбат «Анна Ивановна сенга жуда ўхшайди» дегани билан, унинг онасини босмачилар ўлдириб кетган бўлгани билан у менинг синглим бўлди-қўйдими! Ўзим ҳам қизиқман, бир-бирига ўхшаган кишилар камми дунёда! Ке, қўй, Мамажон, мунча ўзингни пичоқсиз сўйдинг».

Турдиев қулоғигача кўрпани тортиб, оёқларини бемалол узатди, сал ўтмай унинг хурраги қўндоқдаги товуқни чўчитиб қақағлатиб юборди.

Турдиев ўз қишлоғига бориб, қайтаётганда, йўлда, аммасининг невара кўрганини эшитди.

— Невара муборак, амма,—деди эшикдан кира солиб.

— Қутлуг, ўғлим, қутлуғ. Ўзингга жиян муборак бўлсин.

— Ҳолвами, ўғилми?—деди кулиб Турдиев.

— Ҳолва, ўғлим. Ҳолва бўлса ҳам омон-эсон қутулиб олганига шукур. Энди қиздан ўксимаса ҳам бўладиган вақт. Ўғил ёққан чироқни қиз ҳам ёқади. Ҳозир колхозни ушлаб турган шу қизлар.

— Тўғри, амма.

— Қиз бўлганда ҳам қанақа қизки, тетиккина. Бирам серсоч, сочи нақ тақимига тушадиган қиз бўлади.

— Отини нима қўйдингиз?

— Ўзи оти билан туғилди: Тожи.

— Тожи бор эканми?

— Ҳа, елкасида уч мирилик тангадек тожи бор. Тожи бизнинг уруққа мерос,—деди-ю, Тўти амма нечундир гапининг сўнгини ямлаб қолди ва бирдан жонланиб деди:

— Ҳай, айтгандек, синглинг Мастуранинг ҳам тожи бор эди. Менинг катта қизимнинг оти Тожи бўлганидан Тожи қўёлмай, Мастура қўйгандик. У вақт Тожи қизим тирик эди.

— Қаерида эди?—кўзлари яшнаб бирдан сўради Турдиев.

— Адашмасам, икки курагининг ўртасида эди, бир чўмилтирганимда кўзим тушувди.

— Тожи киши катта бўлганда ўчиб кетмайди-а?

— Ўчса тожи бўладими, ўғлим.

Турдиев қалбини эзиб, гумон аланғасида ўртаб ётган жумбоқ кутилмаганда ечилганди. Энди унда далил бор. Агар Анна Ивановнанинг икки кураги ўртасида тожи бўлса, демак у Мастура, унинг синглиси! Қани энди шу маҳал Турдиевнинг қаноти бўлса-ю, фронтга учса!

...Турдиев фронтга учгандан ҳам тез елди-ю, лекин етай деганда бомбардимонда қолди. Бунинг устига, яна бир шум хабар эшитди. Таниш солдатлардан бири Элмуроднинг ҳалок бўлганини айтди.

— Бўлмаган гап!—деди Турдиев ишонмай.

— Рост, ёлғон бўлса полк командири айтармиди. Олдинига биз ҳам ишонмагандик. Душман орқасига автоматчилар билан ташланган эди.

— Солдатлар жуда хафадир?

— Бўлмасам-чи! Анна Ивановнанинг йиғлайвериб қовоқлари шишиб кетди.

— Нега?

— Яхши кўрар экан шекилли-да. Шу кунда кўрсанг уни таниёлмайсан.

Турдиевнинг яккаю ягона армони Анна Ивановнанинг кимлигини аниқлаш бўлса, бу йўлда бирдан-бир умиди Элмуроддан эди. Унга орқа қилиб, уни паноҳ тортиб кетаётган эди; энди у ҳам йўқ. Гўё энди унга Анна Ивановна масаласида ҳеч ким кўмак беролмайдигандек бўлиб кўринарди. Ахир у тўғри бориб масалани Элмуродга очмоқчи, ундан маслаҳат олмоқчи ва мавриди келса, «Элмурод ака, шуни билиб беринг, чиндан икки кураги ўртасида тожи бормикин, синглим чиқиб қолса-я» демоқчи эди.

Мамажон Турдиев икки томонлама эзиларди: бири, Элмуроддек азамат йигитнинг ўлими бўлса, иккинчиси, Анна Ивановна масаласини ҳал этишда ёлғизлик қилиб қолгани эди. Назарида, бу масала ҳал бўлмай қолиб кетадигандек.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Турдиев бир неча кун шу тахлит гаранг бўлиб юрди. Дарди ичини кемирарди: кишига аралашмади, уйқусида ором олмади. Унинг бу хатти-ҳаракатини госпиталдаги баъзи яродорлар ўзича бичиб-тўқишди, бир тоифалари «Йўлини қиляпти, мана мени айтди дерсан, шунақа қилиб юриб, ўзини жиннига чиқариб олади-ю, юртига жўнаб қолади. Бунақаларнинг кўпини кўрганман» деса, бошқа бирлари «Кўриниб турибди-ку, бунинг нимаси соғ, бомбардимон ақлини елпиб кетган» дерди. Ҳатто биттаси унинг ёнидан ўтиб кетаётиб:

— Ҳа, йўлдош, маржангни соғиндингми?—деди. У, бу билан «уйга кетмоқчимисан» деган маънони ифодалаганди. Лекин булар бир ҳафтадан кейин тилларини тишлаб қолдилар: Турдиев эрталабки обходда доктордан «ярангиз тузук бўлиб қолди» деган сўзни эшитгандан кейин, тўғри бош врачнинг кабинетига кириб борди.

— Хўш, хизмат?—деди бош врач ёзиб турган ҳатидан бошини кўтариб ва қисма кўзойнагини ёнига олиб қўйди.

— Менга рухсат этсангиз ўз қисмимга кетсам.

— Жанговар дўстларингизни соғиндингизми?— деди бош врач табассум нурида юзларини яшнатиб.—Ярангиз қалай?

— Доктор, тузук, деяпти.

— Тузук деган сўз, яхши бўлди деган гап эмас. Мана, ҳозир кўрамиз,—у бир ёнига сал энгашиб кнопка босди, оқ халатли бир хотин кирди, ундан Турдиевни даволовчи врачни чақиришни илтимос қилди. Бу орада бош врач Турдиевдан қачон фронтдан келганини сўради. Турдиев ҳаммасини айтиб келиб, йўлда бомбардимонда қолганини сўзларкан, кулиб деди:

— Бу гал чўмичда қоқдилар.

— Шунақаси ҳам бўлади. Менинг бир танишим бор, уруш бошидан фронтда, беш марта ярадор бўлди. Лекин бирон марта передовойга етиб боролмайди. Уни нуқул йўлда, сиз айтгандек, чўмичда қоқадилар. Жуда етдим деганда 40—45 километр қолади-ю, қандайдир снаряд сафдан чиқаради. «Шунақа қилиб юриб, бironта ўқ чиқармай ўлиб кетмасам эди» деб кулади.

Бу орада чақирилган врач кирди.

— Ўртоқ Турдиев окопдош дўстларини соғиниб қолибди-ку, сиз нима дейсиз?—деди бош врач.

— Сал вақт бор. Йўлда ошланиб кетиши мумкин. Бўлмаса яраси оғир эмас.

— Эҳтиётини қиламан, ўртоқ медицина хизмати майори!—деди шошиб Турдиев!—Жуда эҳтиётини қиламан.

Турдиевнинг назарида, врач яна бир оғиз сўз қилади-ю, у бир неча ҳафта госпиталда қолиб кетадигандек бўлиб кўринарди. Бош врач Турдиевнинг товушидаги титрашдан кейин кўзига қаради: унинг кипригида садафдек ёш салгина бир ҳаракат билан узилиб тушадиган ғарқ пишган ўрик донасидек илиниб турарди. Бош врачнинг кўнглидан ўтди: «Бунчалик бу йигит фронтга ошиқади? Бунинг жангдан кўра заруррок бир балоси бор».

Лекин сўрашга ботинмади, бошдан-оёқ кўздан кечирди. Унинг яраси тарихи ёзилган варақни кўздан кечириб:

— Биз рози, лекин ўз ваъдангизга амал қилишингиз шарт,— деди.

— Раҳмат! Раҳмат, ўртоқ бош врач, албатта амал қиламан,— деди Турдиев қувониб ва кипригидаги томчи ёш узилиб тоза полга тушди, марварид донасидек йилтиллаб кетди.

Турдиев парсаларини йиғиштириб, ҳовлига чиққунча, унинг ўз илтимоси билан вақтидан аввал фронтга кетаётгани қўшни палаталарга таралиб бўлганди. У сафар халтасини орқалаб кўча томонга ўтиб бораркан, бир маҳал унинг ўйчан ўтиришларини кўриб, «уйига кетиш йўлини ахтараётибди, йигит» деб кулган ярадорни бир шериги билан кўрди.

— Қизиқ, кесакдан чақмоқ чиқди,— деди ўша маҳал Турдиевга таққиромиз қараган ярадор ёнидаги ҳамроҳи Мамажонга имо қилиб.

— Бу, сен ўйлаган, вақт-бевақт мағрайверадиган қисир сигир эмаслигини кўрдингми? Ким ҳақли экан,— деб ачитди унинг шериги. Бу гапларни билиб билмасликка олган Турдиев эшикдан чиқаётиб, атай ўша «топоғон» ярадорга қараб:

— Фронтда кўришгунимизча, хайр!— деди.

— Хайр!— деди у ҳам почор қолиб.

XV

Миша Горкунов дўсти Турдиевнинг: «Госпиталнинг тўшаклари ҳам ёнбошимдан ўтиб кетди. Кут, яқин орада бориб қоламан» деган хатини олди-ю, ёнига янги қанот битгандек бўлди. Хатни тўрт буклаб ёнига солди, Турди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ев «Мана мен келдим, менсиз зерикиб қолганинг йўқми?» деб кириб келаётгандек узоқ-узоқларга қараб кўзи билан йўл чизди. Шу маҳал Элмуроднинг батальон штабига келганини эшитиб қолди. (Элмурод госпиталдан келгандан бери полк штабида ишларди.) Унинг омонат саломини топшириш учун батальон штабига кирди, у ерда Элмурод йўқ. Йўлдош Асриян билан шахмат ўйнаб ўтирарди. Горкуновнинг кирганини пайқамадиям, фақат у чиқиб кетаётганда шах берди-ю, кетидан «хўш» деб Горкуновга қаради. Бу вақтда Горкунов ташқарига чиқиб бўлганди. Ундан Анна Ивановнанинг санитар взводига ўтди. Уни бошлаб қарши олган Анна Ивановнанинг бароқ мушуги бўлди: у эшикда турарди, Горкуновни кўриши билан қорни тўқ кишининг товоқ ялашидай ҳафсаласизлик билан чўзиб «ми...ёв» деди, думини тик кўтариб, учини савол аломати қилди. Горкунов ижозат олиб ичкари кирди. Элмурод ҳам шу ерда экан. У хона ўртасида тик турарди. Горкунов кириши билан давом этиб, охир бўлиб қолган суҳбатини якунлагандек, деди:

— Мана шундай, Анна Ивановна, номард солган кўприкдан ўтиб бўлмайди, ғарқ қилади кишини. Лекин ёлғизлик ҳам мушкул нарса: ё доно қилади, ё девона! Хўп, ҳозирча хайр.

Элмурод чиқиб борар экан, Горкунов дўстининг саломини унга топширди.

— Кўп яхши,— деди Элмурод,— келсин, айни муддао. Мана шиддатли жанглар ҳам бошланай деб турибди, арқон кучи қилдан. Госпиталда ҳам зерикиб кетгандир, кетганига ҳам анча бўлиб қолди.

Унинг гапига диққат билан қулоқ солиб турган Анна Ивановна ўтирган еридан туриб келди:

— Биласизми, Элмурод, нечундир шу содда йигит кўп эсимга тушади. Куни кеча тушимга ҳам кирибди. Бўлмаса мен у билан жуда ҳам яқин ҳамсуҳбат эмасдим.

— Бир-бирингизга жуда ўхшайсиз-да,— кулди Элмурод,— у сизни ўйлайдигандир, балки сиз ҳам ўйларсиз.

— Тўғри, унинг яраланиб носилкада ётиши кўз олдимда. Ҳеч кўзини мендан узмайди. Мен бирор еримга қон-пон сачрабдими, деб ойнага қарасам, ҳеч нарса йўқ. Кейин у ойнани олиб дам менга, дам ўзига қаради. «Ўхшаш эканмизми?» деб кулсам, мийиғида жилмайди-ю, индамади. Бир оз ўтгач: «Сиздан бир нарса сўрасам мумкинми?» деди... Шу орада ҳаво тревогаси бўлиб қолди, бунинг устига, сизга чақирдилар. Қайтиб келсам, олиб кетиб қолибдилар. Назаримда, шунда бирор зарур нарса сўрамоқчи эди-ю, бўлмади,— буни мен кўзларидан кўриб турардим. Нима сўрамоқчи бўлганикин ўшанда, а! Элмурод, айтолмайсизми?

— Эй, аттанг, шу саволни сал илгарироқ бермайсизми, кеча шаҳар тушувдим, йўлда биронта лўлига фол очириб чиқардим,— кулгига олди Элмурод,— энди бир оз сабр қиласиз, мана ўзи келяпти, ўзидан сўраб қўя қоламиз.

Анна Ивановна Горкунов олдида қилинган бу ўринсиз саволидан қизариб, боядан бери бежирим бурни атрофига седанадай сочилиб, қулча юзига ҳусн қўшиб турган сепкиллари қизилликка сингиб кетди, қорачиғи йирик думалоқ кўзлари тиниқ чарақлади. «Ҳазилингиз қурмасин» дегандек ерга боқди. Ўз ҳазилининг оғир ботганини сезиб, уни ювмоқчи бўлдими, Элмурод яна деди:

— Ахир элатларимиз-ку, сизники қаердан демоқчи бўлгандир-да, шунга ҳам ташвишланасизми?

— У фарғоналикми?— деди Анна Ивановна ўзини босиб.

— Худди сиздай. Эҳтимол, бир қишлоқдандирсизлар.

Элмурод шу сўзни айтиб, унга ажиб бир термилиш қилди-да, лип этиб ўзини эшикка урди. У, бу қараши ва ҳаракати билан «сиз ўзингизни биздан яширмай қўя қолинг, ҳаммасини биламиз, ер остида илон қимирласа биламиз» демоқчи эди. Чунки Анна Ивановна ўзи ҳақида тузуккина ҳеч нима демас, Элмурод генерал суҳбатидан кейин ўсмоқчилаганда ҳам, нима учундир, ҳеч нима демаган эди. Бу қисман, Элмуродга оғир ботиб юрарди, унинг бугунги учириғи ана шундан эди.

Анна Ивановна бир лаҳзага эсанкиради, кейин ўзини ўнглаб олиб, ундан яна нимадир сўрамоқчи бўлиб олға интилди-ю, улгурмади — бир тавақали эшик енгилгина ёпилган эди.

— Қизиқ...— деди у бўшашиб. «Қизиқ» сўзи Элмуроднинг лип этиб чиқиб кетишигами ёки «ҳамқишлоқ бўлсак-а» деган маънога алоқаси борми — билиб бўлмас эди.

Миша Горкунов бу сўзлардан жуда ҳайратда қолган эди. Чунки у Анна Ивановнанинг ўзбек эканини билмас, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ана шу сўзлардан кейин Турдиевнинг ҳар хатда Анна Ивановнага қуюқ салом айтиб туришида бошқа бир маъно борлигини пайқагандек бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз ҳам фарғоналикмисиз, Анна Ивановна?— деди Горкунов ундаги ўзгаришларни кузатиб.

— Ҳа, ўша ёқдан эканман.

— Нега, «Ўша ёқдан эканман» дейсиз, ўзингиз билмайсизми?

— Гап шунда-да, укам, ўзим билмайман. Гўдаклигимда олиб чиқишган.

Анна Ивановна кафтлари билан юзини беркитди. У йиғларди, кифтлари учиб, изтироб билан йиғларди.

Миша Горкунов нима қилишини билмай, шошиб қолди. Лекин у бир нарсага тушундики, Анна Ивановнанинг Фарғонадан чиқиб кетишида қандайдир фожиа, эсга тушган сари юракни эзадиган фожиа бор. Бўлмаса, буни эслаганда у алланечук бўлмас, йигламас эди.

Қолишни ҳам, чиқиб кетишни ҳам билмай икки ўт ўртасида қолган Горкунов, охири эшикка қараб бурилди, унинг тутқичини ушловди ҳамки, Анна Ивановна бош кўтариб, уни тўхтатди. Деразадан тушган ёруғликда унинг юзидаги ёш изи йилтилларди, киприклари жиққа ҳўл, бир-бирига ёпишиб кетган. Бир лаҳзада касалдан энди бош кўтарган кишидек сўлиб кетган, жуда бўлмаганда, қаттиқ ҳорғинлик пайдо бўлган эди. Кулча юзининг ҳусни бўлган сепкиллари оқарган юзида қорайиб кўринарди, гўё улар аламдан портлаган қалб алангасининг юзга чиқиб сўнган учқунлари эди.

Анна Ивановна кўз ёшини артиб:

— Менда ишингиз бормиди, Миша?— деди.

— Йўқ...— деди Горкунов асл мақсадга тили бормай.

— Тортинманг, айта беринг, Миша, биз, хотин-қизлар шунақа кўнгли бўш бўламиз.

Горкунов фаҳмладики ростини айтмаса бўлмайдиган, ёлғонга эса кўнгли чопмайди.

— Турдиевдан хат олган эдим, сизга ҳам салом деган экан, шу омонатни топширай, деб кирган эдим,— деди Горкунов минг хаёл билан.

— Раҳмат, Миша! Шу хатида яқинда бораман дебдими? Жуда яхши. Келсин. Эҳтимол, Элмурод айтгандек, ҳамқишлоқдирмиз. Биласизми, Миша, мен шу вақтгача бирорта ҳамқишлоғимни учратган эмасман, ҳаммадан сўрай бергани уяласан киши,— Анна Ивановна анча ёришди. Кипригидаги кечикиб чиққан сўнгги томчи ёш «Энди менинг хизматим нима бўлди, ортиқчаманми?» деган саросимада милтиллаб турарди.

Анна Ивановна Горкуновни эшикдан ташқаригача кузатиб чиқиб, атрофга қаради-да, нима учундир унга:

— Миша, кўрган-эшитганингиз шу ерда қолсин-а!— деди ва яна қўшиб қўйди.— Турдиев келганда хабар қилинг, бирга келинглар.

Лекин Анна Ивановна бунга муяссар бўлмади: душман эртаси тонгдан безовта қилиб қолди. Тушга бориб атака бошлади. Матонат билан атакани қайтарган полк, тушдан кейин ҳужумга кўчди. Туни билан жанг тинмади. Тонгда батальон қўшни қишлоққа кириб борди. Батальон ортидан узлуксиз ҳаракатда бўлган санитар взводи қишлоқ четидаги ярим вайрона бир кулбага жойлашди. Қишлоқнинг нариги бошида ҳали отишма борарди. Эвакуация қилинишини кутаётган оғир яралорлар ётган қўшни қўрада бир маҳал бетартиб автомат овозлари янграб қолди, кетидан кишилар фарёди кўтарилди. Бир вақтлар Мурзинни ёқтирмаган кекса санитар, бир яралорнинг лунжига тиқилиб қолган осколкани олаётган Анна Ивановна ҳузурига бесўроқ югуриб кириб:

— Фрицлар, автоматчилар!— деди-ю, «қанақа фрицлар, қанақа автоматчилар» дегунча бўлмай, қайтиб чиқиб кетди. Гарчанд бу сўроққа зарурат йўқ эди. Анна Ивановна ўзига қарашиб турган фельдшерга:

— Чиқинг, қаранг! Мен ҳозир тугатаман!— деди ва жадал билан ўз ишига машғул бўла кетди. Яралор жангчига хос инстинкт билан безовталана бошлади, ниманидир ғудирлади-ю, лекин ҳеч нарса тушуниб бўлмасди, Анна Ивановнанинг ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. Шундай бўлса ҳам ишини тугатди, наридан-бери уни ўзи боғлаб, ташқарига чиқди. Ташқарида санитарлар ва енгил яралорлар билан душман автоматчилари ўртасида отишма борарди. Қаёқдандир кекса санитар пайдо бўлди. Унинг ҳамма ёғи лой, гимнастёркаси қўлтиғи остидан йиртилиб кетган.

— Жардан чиқди, жардан,— дер эди санитар ҳаллослаб.— Тўғри яралорларга ҳужум қилса бўладими! У ердан аранг қувсак, бу ёққа тапланди. Анави қўранинг орқасида писиб ётишибди.

Кекса санитар гапини тугатмасдан «Мана, биз, хўш, нима дейсиз?» дегандек ўша қўранинг бағридан ўқ сочилиб қолди, уларга етмасдан ерни чўқилади. Кекса санитар ўзини таппа ерга ташлаб, ўзидан кўра кечикиб қолган Анна Ивановнага «Ёт»! деб бақирди. Ўқ яна сочилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошлаб кекса санитар, унинг кетидан Анна Ивановна қорни билан сурилиб, нарироқда бўлган чуқурликка ўзларини олдилар. Анна Ивановна у ердан қараб, қаердан ўқ чиқаётганини аниқлади ва тўппончасини ўша ёққа тўғрилаб турди. Анна Ивановна, одатда душман билан бўладиган тўқнашувларни илк дақиқаларига хос майин титроқни аранг енгиб, тепкини босди. Фриц йиқилди, лекин ўқ тегиб йиқилдими ёки ўзи ерга ташландими — билиб бўлмас эди. Салдан сўнг маълум бўлди, ўқ тегмаган экан. У аста эмаклаб, нарироқ ўтди-да, энди туриб қочмоқчи бўлган эди. Кекса санитар «Қаёққа, қаёққа, колбасапаз!» деб бир ўқ билан ер тишлатди. «Қойил қилдимми, нишон олиш мундоқ бўлади» дегандек ости махоркадан сарғайиб кетган малла мўйловини силаб қўйди. Лекин унинг бу мамнун ҳаракатини Анна Ивановна пайқамади. У анча беридаги четан охиридаги шарпаларга кўз тикарди, у ерда қандайдир ҳаракат бор эди. Бир маҳал у ердан бир фриц бош кўтарди. Анна Ивановнага шу керак эди. У ўқ узди. Бу гал аниқ тегди — у бўғизланаётган чўчқадек қичқириб йиқилди. Бунинг эвазига у томондан шунча ўқ ёғдики, Анна Ивановна билан кекса санитар бир қанча вақттача бош кўтаролмай қолдилар.

Анна Ивановна ўз ўқининг нишонга текканидан қўғирчоқ дўконига кириб қолган боладек хурсанд эди. Баъзан, кекса санитар кўрмаётгандек унга, «ана, ҳув ана, дўнг орқасида» деб кўрсатиб қўярди. Бир вақт қизишиб кетиб ёнига қараса, кекса санитар мункиб қолибди. Уни чақириш ва елкасига аста-аста туртиш билан бўлиб, яқинлашиб қолган уч душман автоматчисини пайқамабди. Улар жуда яқин эди. Анна Ивановнанинг юраги «шув» этиб кетди, ўлими муқаррар бўлиб кўринди. Жон аччиғида устма-уст ўқ узиб, бирини ўзидан беш қадам нарида қулатди. Иккитаси жўжага ташланган калхатдек ёпирилиб келарди. Барзангидек бири Анна Ивановнага ўзини отиб, уни босиб тушди. Бир маҳал кўзини очса, носилкада ётибди. Кечқурун, машина бомбардимонда қолганидан рессорли, устига соябон тутилган аравада бошқа ярадорлар қатори санбатга эвакуация қилдилар.

Кеч. Уфқда пахта тўзонига ўхшаш бир тутам булут ботган қуёшдан ним қизил. Елдан порох ҳиди келади. Бу ҳид отлар димоғига ёқмагандек дам сари пишқириб, бурунларидан ел пуркайдилар, аравакаш қўйиб берса елиб кетгудай. Лекин аравакаш бўш келмайди, имкон борича

оҳиста юргизиб боради. Икки кўзи тахтакачлангандек силлиқ отлар сағрисида.

Қишлоқдан беш юз метрлар чамаси чиқилгач, қаршидан келаётган биров:

— Салом, ўртоқ сержант, ишлар қалай?— деб аравакаш билан сўрашди.

— Яхши. Мана сенга смена олиб кетяпман,— деди аравакаш кулиб ва суҳбатдоши ўтиб кетгач, орқасидан унинг янгигина этигига суқланиб қараб қўйди.

— Ким у?— деб сўради бир оздан кейин Анна Ивановна аравакашдан. Аравакаш шунча қуюқ саломлашган кишининг фамилиясини билмаганидан хижолат тортди. «Ҳозир, ҳозир, Анна Ивановна, тилим учида турибди» деди, лекин барибир эслолмади. Кута беришдан зериккан Анна Ивановна «Майли, қўя қолинг, биттасидир»да деб уни тинчитди.

У, Турдиев эди.

XVI

— Чипқонни хотин кишига сиқдириб бўлмайди, болалаб кетади, деб сенга минг марта айтдим, ўз билганингдан қолмадинг. Мана, энди нима бўлди? Ўша мен айтганимни қилиб, қизил пиёзни ҳўл латтага ўраб, қўрга кўмсанг ҳилҳил пиширди, бир кечагина боғлаб ётсанг, пишириб, патосини чиқарарди. Шу маҳалгача кўрмагандек бўлиб кетардинг. Ўлгудай ўжарсан,— деди она куйиниб.

Бир ойдирки, Латофат чипқондан қутулмайди. Бу савил шунчалик хира бўларкан, асти қўйинг, бир ердан йўқотсанг, иккинчи ердан уч кун ўтмай салом бериб чиқиб туради... Латофатнинг тирсагида пайдо бўлган кичкинагина қизиллик уч бермай, сал вақт ичида катталашди, аламга кирди. Биров сўм деди, биров чипқон. Яна биров «кўзяра». «Қўлингга кўз тегибди» деди, мушкулкушод ўқитиб ташлашни маслаҳат берди. Бошлаб ҳаммасига ҳам кулиб қараган ўйинқароқ Латофат, бир кеча оғриққа кириб ухлатмаганидан кейин кўзи мошдек очилди. Елиб докторга борди. Доктор ёриш зарурлигини айтди. Ҳеч нарсани писанд қилмайдиган қувноқ, шўх, довюрак қиз доктор олдидан хомуш чиқди: ёрдиришга юраги дов бермади. Ўйлашиб кўрармиз, деди-ю, шу куниёқ бир таниш докторникига бориб, ёрмасдан даволаш йўлини сўради. У дори ёзиб берди. Минг бир азобга солган дори пиширди, кўзини оч-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Лекин уч кундан кейин яна бошқаси ёнидан «ассалом» деб бош кўтарди, у ҳам тузалди, яна...

Ойнисабуви қизини ана шунга жони ачиб, куйиниб қойирди. Ахир фарзанд дардини онаизор бирга тортади-да. Буни бошидан кечирмаган фарзанд қаёқдан билсин! Латофат кулгига олди:

— Чипқоннинг кўзи борми, ойи, ким сиқаётганини кўриб турадими?

— Ҳа, сенга шунақа маза-бемаза ган бўлса, кулги бўлса,— деди она жеркиб ва супадан салмоқлаб тушиб кетди. У, йўл-йўлакай ўзича сўзлаб борарди.— Менга нима, қийналадиган сенинг жонинг, дард чекадиган сен. Кичик деган каттанинг гапига кирса, ўзбошимчалик қилмаса.

Аллақаёқдан бир-бирини қувиб, чуриллашиб келган уч-тўртта чумчуқ сўрига ўзини урди. Она уларга бир қаради-ю, гўшти қочган қўлини мушт қилиб, хотинча кесак отиш аломатини қилди, «Кишт! Хира бўлмай ўлларинг!» деб қўйди. Она бу чумчуқларни ёмон кўради, айниқса токнинг анави шохига қўнса, кўзига балодай кўринади. Шу шох онанинг жони. Бу шохда қоғоз тўрваларга солинган беш-олти бош чиллаки бор. Бу чиллаки Элмуродга аталган, унинг оғзи тегсин учун олиб қўйилган. У ҳар йили чиллаки пишигидан тортиб то кеч кузгача энг яхши бошлардан бир нечтасини асрайди. Ўтган йилдагиси токни кесиб, ёпиш пайтигача турди. Кейин олиб, уйнинг шифтига осди... Мана бу йил ҳам олиб қўйибди. Баъзан Латофат ҳиқиллаб қолади, тил тегизади: «Асал бўлиб кетгандир. Сасимаганмикин, ойи, бир қараб кўриш керак эди-да» деб қолади. Она унинг нимага ишора қилаётганини фаҳмлаб: «Минг ҳиқилла, бир ғужум ҳам бермайман. Сен тегишингни егансан. Бу Элмуродники, болам ўз қўлгинаси билан узиб ейди...» дейди.

Она қўлини чайқаш учун ариқ лабига чўққаяр экан, эшикда шарпа сезди.

— Латофат!— деди она бир қўлига сув олганича.— Эшикка қара, бировкўринади.

Латофат бўйнига осиғлиқ сўл қўлини авайлаб ўрнидан турди. Тахта каравотдан сакраб тушди. Она яна қойиб берди:

— Сен қачон катта бўласан — зинадан секин тушсанг бўлмайдими? Қўлингнинг аҳволи бу бўлса. Ё ёв қувяптими?

— Ҳа, ёв қувяпти,— деди кулгига олиб Латофат ва эшикка йўл олди, ўтиб кета туриб онасининг юзидан ўпди, «Айланай ўзимнинг ойимдан. Заб ойим бор-да!» деб ган қотди. Кап-катта қизининг бу бачкана қилиғи онага ёқинқирамади, шундай бўлса ҳам кулиб қўйди:

— Ҳа, сенга шунақа тантиқлик бўлса.

Латофат етиб келгунча, оқ-сариқ ювига, йирик ва тиниқ мовий кўзига жуда ҳам ярашган тўқ қизил жиякли мовут фуражка кийган, жуссали, бир қўлига оддийгина таёқ тутган йигит ўрта эшикда пайдо бўлди. Ишонч билан ичкарига уч-тўрт қадам қўйиб кирди-да, ариқ тепасида, Латофат рўнарасида бир оёғига оғирлигини солиб тўхтади. Йўқлаб келган ҳовлиси худди шу ҳовли эканига тўла ишонган кишилардек «бу фалончининг ҳовлисими?» деб ўтирмай, бошлаб Ойнисабувига, кейин Латофатга салом берди. Унинг анча йўл юриб келгани кўриниб турарди: орқасида солдатча сафар халта, халтанинг елкаси оша ўтган боғичининг ости терлаган, оёғидаги қўнжи қора ботинкасини яхшигина чанг босган. У кўп кутдирмади.

— Элмуроддан сизларга кўндан-кўн салом,— деди ва гимнастёркасининг чўнтагидан тўрт буклоғли қоғоз олиб Латофатга тутди.— Бу Элмуроддан.

«Бу ким экан ўзи сўрамай-нетмай ҳовли ўртасигача кириб келган, иши бўлса йўлакда гапланса ҳам бўлардию» деб кўнглидан ўтказиб, ганг қолиб турган Ойнисабувни ўғлининг номини эшитиб, унинг олдига узун этакларига ўраша-ўраша слиб келди. «Нима деяпти, қизим?» дегандек Латофатга қаради. Қиз унга жавоб бермасдан дарров меҳмонга қўл узатди, кўришди. Кейин онасининг ҳеч нарса тушунмай аграйиб турганини кўрди-ю, чақнаб кетди:

— Акамнинг олдидан келибди, ойижон, акамнинг олдидан,— деди қувониб. Она бу гал ҳам бир маҳал Муҳаррам кириб келгандаги ҳолатга тушди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Дарров ўзини тутиб, Дубенконинг елкасига қўлини ташлади, ўзбекчасига кўришди.

— Боламни кўриб келган бўйларингдан айланай. Болагинам омон эсон юрибдими? Ўзинг саломатмисан?

Онанинг кўзида қаёқдан ёш тайёр турган экан, икки оғиз сўрашмасданоқ бирининг кетидан бири юзларидан думалай бошлади, энгаклари титради. У ўзича алланималар дер, лекин Дубенко ҳеч нарса тушунмай дам онага, дам Латофатга қарар эди.

— Меҳмонни супага ол!— деди охир она Латофатга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дубенко ток сўриси остига омонатгина қилинган каравотга чиқишга чиқди-ю, қанақа қилиб ўтиришни билмай қараб турди. Ҳаммадан кейин она-болага тақлид қилиб аста ўтирди, лекин барибир оёғини уларникидек қилиб ўзига йиғиб ололмади. Онанинг сабри чидамасди. Қизига қараб «бўл, сўра, болагинамнинг аҳволлари қалай экан» деган ишорани қиларди. Дубенконинг оғзини пойларди. Дубенко ҳам буни тушунди шекилли, саволни кутмай гап бошлади. У русча сўзни украинча урғу ва талаффуз билан сўзларди. Ҳаммадан ҳам «о» товуши унда яққол ажралиб турарди. Она тушунмаса ҳам унга термилиб, жон қулоғини тиккан, дока рўмолининг учлари аллақачон жиққа ҳўл бўлган эди.

— Худога шукур, минг қатла шукур,— деди она Латофатдан таржимасини эшитиб. Самоварга олов ташлаш учун супадан қўзғалди ва қизига миннатдорчилик билдириб қўйди:

— Яхши ҳам ўзинг уйда экансан, бўлмаса қайси эшикдан тилмоч қидириб юрардим.

Латофат пайтдан фойдаланиб, кулгига олди:

— Яна чипқонинг, чипқонинг дейсиз. Мана, чипқонимнинг қанақа фойдаси тегди.

— Ҳа, болам, гапирсам, жоним ачигандан гапираман.— Она тахта каравотни айланиб ўтаётиб Дубенконинг кифтига қоқди:

— Болагинамни кўриб келган кўзларингдан айланай.

Дубенко «нима деянти» дегандек Латофатга мовий кўзларини тикди. Латофат опасининг сўзини нима деб таржима қилишини билмай, охири «акамдан салом олиб келганингизга миннатдорчилик билдиряпти» деди.

Она самоварга ўт ташлашга ташлади-ю, дастурхон ёзишга навбат келганда пастки лабини тишлаб қолди, бугун навбатга чиқадиган вақтда у ухлаб қолибди, ғафлат уйқуси босибди. Бунинг устига, нон қечикиб келди. Кексалар, болалик хотинлар навбатига ўтди, бўлмади, барибир нонсиз қайтди. «Кечки келганидан оларман, жуда бўлмаса, эртага қўшиб оларман» деб ўтирган эди, «супуриқсиз уйга меҳмон келади» деган қабилидан бўлди, меҳмон босди, яна қандай меҳмон — ўғлининг олдидан келган-а!

Она имлаб Латофатни чақирди:

— Нон йўқ-ку. Нима қилдик?— деди куйиб-пишиб.

Латофат онадай куйиб-пишиб ажабланмади. Ўзига хос қувноқлик билан муҳокама қилди:

— Ўзимизнинг одам, Америкадан келибдими, нимасидан уяласиз? Борини қўя беринг.

— Боринг нимаси, бир бурда ҳам йўқ. Кечаги унингдан озроқ қовура қолайми?

— Жуда яхши, қовуринг. Ҳа, айтгандек, мен бу ойнинг шакарини олиб келгандим, қўшиб ермиз.

— Ўтган ойинг нима бўлди?— сўради она.

— Куйди.

— Куймай ўлсин. Ҳадеб, куя бераркан-да. Етадиган қилиб чиқарса бўлмайдими?

Латофат кулги аралаш жавоб берди:

— Чиққани-ку етади, лекин чўмичда қоқадиган нафси бузуқлар кўп.

— Ҳа, болам,— деди салмоқлаб она,— бир балоси бордирки, ҳамма ўзини дўконга уради. Нафисанинг эри ҳам дўконга ўтганмиш.

— Кўрдим. Уялмаяптиям! Тағин ипженермиш!

Она «нафсим менинг балодир, ёнар ўтга соладир» деган мақолни ифодалайдиган ҳаракат қилиб, ошхонага кириб кетди.

Латофат тахта каравотга келганда Дубенко ток сўрини томоша қиларди. «Қоғоз тўрвалардаги нима экан?» дегандек уларга қараб-қараб қўярди. Чиндан ҳам бу тўрвалар унга қизиқ туюларди. Ахир у умрида биринчи марта кўриши-да! Латофат изоҳ берди. Дубенко дарров тушунди: демак, булар она муҳаббатининг ёрқин тимсоли! Элмурод «Онам! Онам!!» деганича бор: онага муносиб фарзанд, фарзанд фахрлангудек она!

Латофат дастурхон ёзди. Она қовурган унни келтирди. Тахта каравот четига қўйилган самовар узоқ йўл босиб келган одамдек пиш-пиш нафас оларди, ҳалқа-ҳалқа тутун чиқарарди. Дубенко ўз навбатида сафар халтасини ечиб, ўртага бир балиқ консерва билан, зийлари халтага ишқалана бериб сийқа тортиб кетган ва муштланган нон парчасини қўйди.

Она «бизни хижолатга қўйди-ку!» дегандек қизига ер остидан қараб, кейин деди:

— Қўй болам, ушатма. Кейинчалик ўзинг ерсан. Биз қаноат қилиб ўрганиб қолганмиз. Қаноат қорин тўйдиради, беқаноат от сўйдиради. Олиб қўй.

Дубенко «Ҳозирча баҳам кўрайлик-чи, кейинчалик нима бўлса бўлади. Кемага тушганнинг жони бир», деган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дек қўли билан «Майли, қўя беринг!» ишорасини қилиб, нонни бурдалади.

Улар узоқ ўтиришди. Бу орада онанинг ўғлига олиб қўйган узуми атрофида гирдикапалак бўлиб, онанинг жонига тегадиган чумчуқлар бир сидра узоқ чуғиллашиб уяларига кириб тинишди. Ширани фаҳмлаб ғувиллашиб юрган арилар ҳам кўринмай қолди. Ана шундан кейин онанинг эсига тушиб, ўғлига олиб қўйган узумдан бир бошини «Ўғлим келгунча ўғлимни кўриб келган еб турсин» деб узиб, ариқда чайқади-да, ўртага келтириб қўйди.

— Олинглар, муздаккина енглар. Ўзи ҳам асал бўлиб кетгандир,— деди ва бир шингилини узиб, бир дона ғужумни оғзига солди.— Бай-бай! Тил ёради.

Севикли фарзандининг илтимоси онага қонун. Элмурод худди шундай. Унинг илтимоси ҳеч қачон иккита бўлмайди, дарров ўринланади, айниқса, у фронт кетиб, қадрини жуда ҳам ўтқизганидан бери, она унинг илтимосини, тилак-орзусини кўзида ёш билан, жонини фидо қилгудай садоқат ва меҳрибонлик билан рўёбга чиқарди. Элмуроднинг Дубенкони яхши кутиб олиб, бир хонани бўшатиб бериш ҳақидаги илтимоси ҳам худди шундай — Дубенко келган ўша куниёқ амалга оширилди. Она унинг чўлоқлигини келган куни пайқамаган экан. Кейин билиб раҳми келди, аввалгидан кўра меҳрибон бўлиб қолди. Бунинг устига Дубенконинг ўзи ҳам ёқимтойгина эди. Эртасидан бошлаб, оилага кириб кетди. Она гапирганда тушунмаса ҳам эҳ-ҳи билан кулиб қулоқ солиб туради, кетидан нимадир дейди. Бунга она ҳам тушунмайди. Ана шунда иккаласи қўл билан бир-бирига гап уқтира бошлайди. Латофат уйда бўлса, деразадан қараб қотиб-қотиб кулади.

— Нимани гаплашяпсизлар, ойи?— дейди.

— Ҳа, сенинг ишинг бўлмасин, гапга аралашма қиз бола нарса,— деб койиб беради. Латофат унга сари қотиб кулади. Лекин бир нарсага шоҳид бўладики, улар тил топган, ана шундай шароитлардагина ўз-ўзидан пайдо бўладиган, эҳтимол ҳеч ким томонидан ҳеч қачон қўлланилмаган тил топган. Акс ҳолда улар тез-тез гаплашиб турмасди.

Дубенко келган кунининг эртасигаёқ билдики, ишламасдан юриш вақти эмас. Бу фикрни Латофатга айтди ва ундан кўмак сўради. Буни она эшитди:

— Вой, уят бўлмайдими, кеча келиб бугун ишга кирса, беш-ўн кун дам олиб юра турсин, шаҳар айлансин,— деб қаршилик билдирди. Лекин барибир она айтгандек бўлди: то у суриштириб ўзибоп иш топгунча беш кун эмас, бир ойлар ҳам ўтиб кетди. Ҳовлидаги токнинг барглари сариқ ранг тортди, сумбула туғиб, ариқларнинг остидаги тош кўринадиган бўлди. Мусичалар ғу-ғуси тугаб, зағизғонлар чаг-чаги бошланди. Айвон тўридаги қалдирғочнинг уяси бўш, унга баъзан шайтон чумчуқлар кўниб «Бўш-ку, шу ерни уя қилмайсизми?» дегандек ҳамроҳларига чуғиллаб қолади.

Дубенко военкоматнинг йўлланмаси билан кўчириб келинган заводлардан бирининг план бўлимига ишга кирди. Аввалига диққинафас кўринган бу иш, кейинчалик қизиқарли бўлиб кетди. Чунки кунлар ўтган сари фронт ҳаётининг шовқин-суронли хотиралари ёдидан кўтарилар, унинг ўрнини мамлакат ичкарисининг ўзига хос ташвишли, бесаранжом, сўнгги кўринмас ҳаётининг ўз лавҳалари эгаллаб келарди. Шунинг учун ҳам у Элмуродга ёзган бир хатида: «Мабодо оёғим ўсиб чиқиб, фронтга тушгудай бўлсам, энди ҳеч нарсага ярамасам керак. Мен том маъноси билан граждан киши бўлиб кетдим» деган эди.

Бугун унинг дам олиш куни. Эрталаб туриб, кеча олиб келган кўмирини ошхонанинг бир четига тахлади, майдасини челакларда ташиб кўмир охурига тўкди. Кейин йўлакка сим тортиб, электр ўтказди, она турадиган уйдаги ўзи билан пашша ўтираверяб, қорайиб кетган шнурни янгисига алмаштирди. Ўтган ҳафта шу уйни оқлаган эди. Она унинг ишчанлигидан миннатдор. Айниқса, унинг оғир-вазминлиги онага ёқади.

Кун оғиб, кишининг сояси ўзидан икки-уч баравар узун тушадиган бўлганда Латофат анапас қовун қўлтиқлаб кириб келди. Супага етмаёқ «Аччиники, бирам таъми» деб мақтади ва ариққа ташлаб қўйди.

Она айтгандек, ўйинқароқ, шўх Латофат доим ўзи билан қувноқлик, шоду хуррамлик олиб юрарди. Бу унинг табиати эди. Худди ҳар вақтдагидек ҳозир ҳам у ўзи билан ҳовлига, эрталабдан бери бўлмаган қувноқлик, бесаранжомлик олиб кирди. Суҳбатга кулги аралашди, қаҳқаҳа аралашди, ҳазил аралашди. У бирпасда Дубенкони ҳам вазминликдан чиқарди. Онасининг «Бунча совун билан кунда ювинмасанг, юзингни қаримсиқ босади» дейишига қарамай роса ювинди, кейин ўзи келтирган қо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ьунни сўйди. Қовун ҳам эгасига ўхшаб шўхроқ экан, пичоқ тегар-тегмас тарсиллаб, учигача қийшиқ ёрилиб кетди, суви милтиллаб, қип-қизил мағзи кўринди, хушбўй ҳиди гуркиради, иштаҳани очди.

— Аччиники демадимми, худди ўзи,— деди мағрурланиб Латофат.

— Қовунинг ҳам ўзингга ўхшаш бебош, бесабр.— Кулди она ва ҳавасга чайнаётгандек «ҳуррият тишлари» билан курсиллатарди, баъзан Дубенкога «кушит» деб қўярди, қизининг кулгисига қоларди.

— Уруш бўлаётган томонда ҳам қовун борми? Қовун ермидинглар?— деб сўради она. Унинг ёдига Элмурод тушган, унинг ўрни йўқланган эди: қани шу вақт ёнида бўлса-ю, бирга еса!

Дубенко онани ўкситмаслик учун «бор, еб турардик» деб қўя қолди. Фронт ҳақида гап очилиши билан Латофатнинг ёдига акаси билан бирга Зебо тушди.

— Зебони танийсизми?— деб сўраб қолди у Дубенкодан.

— Элмуроднинг қизиними?

— Нега қизи бўлади уйланмай ҳали. Севганини денг,— деди кулиб Латофат.

— Хўп, сиз айтгандай бўлсин. Танийман. Менинг олдимга бирга келишган эди.

— Қани юрагингизга қўлингизни қўйиб айтинг-чи, акам уни астойдил яхши кўрадими? Ахир акам сизга эски қадрдон сифатида ёрилгандир.

— Яхши кўради, астойдил яхши кўради. Гарчанд буни ўзи иқрор бўлиб айтмаган бўлса ҳам унинг хатти-ҳаракатидан, қарашларидан, муомаласидан шу ҳукмни ҳеч адашмай чиқариш мумкин. Нима, сизга ёқмайдими у?

— Нега ёқмасин! Тўғри, мен уни кўрганим ҳам йўқ, яхши билмайман ҳам. Акамга ёқса, менга ёққани шу.

— Бокуга, Элмуродни кўргани боргансиз шекилли? Ўшанда кўрмадингизми? Сиздан яширдими?

— Йўқ. Қандай яширсин, тўғри Зеболарникига бориб тушдим. У йўлда санитар поездида экан.

— Ҳе, аттанг! Армонда қайтибсиз-да.

— Жуда!

— Кўрса арзигудек қиз. Тенги!

— Суратидан истараси иссиққина кўринади, таъпи ким билади қалби қанақа? Баъзан қантак ўрикнинг ҳам данаги аччиқ бўлади.

— Буники чучукдир.

— Шояд! Онаси жуда одамшаванда, меҳрибон хотин. Онасига ўхшаса акам ёлчийди, бахтли бўлади.

— Кампир нима дейди, розими?— деди навбатида Дубенко.

— Ҳозирча рози. Кейин айниб қолмасалар.

— Шундай қилиш керакки, айнимасин. Бунда сизнинг ролингиз катта.

— Менинг ролим?— деб кулди Латофат.

Она қараса, уларнинг суҳбати тугамайдиган. Айниқса у қизининг йигит олдида жилпанглаб кулиб ўтиришини сира-сира ёқтирмасди, қўши-қўшнидан ҳадик қиларди. Шусиз ҳам узунқулоқ гаплар чувалаб қолган. Қайбир куни қулоғига чалинди: Латофат шу йигитни эр қилармиш! Акаси шу йигитни ёқтириб, фронтдан юборганмиш, Элмуроднинг қайтишини кутиб турибганмиш.

Бу узунқулоқ гап онасининг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди. Ҳатто у «шаҳарнинг паст-баландини билиб қолди, ҳавосини олди, энди бирор жой топсин» деб кишидан айттирмоқчи ҳам бўлди. Қизининг қаршилик билдириб «акам хафа бўлади» деганида:

— Акангга ўзим жавоб бераман. Бир ками эшитмаганим шу испод қолувди!— деб кўз ёши қилди. Ўглининг ўйламай-нетмай бўйдоқ йигитни ёшгина синглисининг қошига юборганидан хафа бўлди. Лекин шу орада бундан ҳам даҳшатлироқ воқеа тўфони юз берди-ю, бу ташвишни сомон парчасидек оқизиб кетди: бир куни Дубенкога фронтдан хат келди. У хатни ўқиди-ю, алланечук бўлиб, йиғидан ўзини зўрға тутиб хонасига кириб кетди. «Ёмонроқ хат келди шекилли, бечорага» деб ўйлади она. Бир кун ўтди, икки кун ўтди, беш кун ўтди. Унинг кўнгли ёришмас, жуда тунд бўлиб кетганди. Лекин онага жуда меҳрибон, уни кўрди дегунча садағаси бўлиб кетади. «Бечорага ҳам қийин, кириб келганда «Кел, азизим!» дейдиган меҳрибони бўлмаса» деб ўйлади она ва қизини учратиб:

— Нега унинг кўнгли ёришмай қолди, қизим, сўра, бунақа бўйнини эгиб юриш одати йўқ эди-ю, ё менинг тупов кунги гапимни оқизмай-томизмай етказувдингми?— деди маъюс.

— Вой ўлмасам, наҳотки!— деб бургадай сачраб тушди Латофат ва пайт пойлаб билишга ваъда берди. Лекин Дубенко унча рўйхуш бермади. Латофат қўя бер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кетгач, ундан ҳеч кимга, айниқса онага билдирмасликка сўз олиб, кейин айтди:

— Элмурод ҳақида хунук гап бор. Душман орқасига десант ташланган экан.... Мен яна аниқлаш учун хат ёздим.

Латофат аввалига бўзрайди, кейин ранги оқарди, охирида лаблари титраб:

— Ўлибдими! Вой акам!!—деб бақириб юборди, кўзларидан ёш тирқираб кетди. Беихтиёр ўрнидан туриб ақлидан озган кишилардек бесаранжом қарашлар билан ўзини эшикка урди.

— Латофат! Латофат!— деганича бақириб қолди Дубенко унинг ортидан. У ўз қилмишига: «Эй аттанг, нима қилдим мен, а?» деб ўкиниб, унинг кетидан чиққанда муштипар она воқеадан хабар топган, ўчоқ бошида беҳуш ётар эди... Латофатнинг йиғисига қўшнилар чиқди. Элга ёйилди...

Она бу дардга бардош беролмади, ётиб қолди, у туз тотмасди. Элмуроднинг девордаги суратига қараб йиғлай берганидан кейин, уни олиб яширишди. Қўни-қўшни, қавм-қариндош «жабр бўлди бечорага, кўтаролмайди» деб ҳукм чиқариб қўйди. Чиндан ҳам она кетса-кетгудай эди. Лекин Дубенко асл меҳрибонлик қилди: кун ўтмай доктор олиб келиб турди, йўқ дорини йўндириб келарди, онани зўрлаб ичирарди, икки гапининг бирида:

— Қараб туринг, ёлғон бўлиб чиқади. Бунақа воқеалар фронтда кўп бўлади,— деб унга далда берарди, қийпала-қийнала шунга мос ҳикоялар айтиб берарди.

— Иншоолло! Иншоолло! Айтганинг келсин!— дер эди она.

Икки ойлар чамаси ўтгач, худди унинг айтгани келди: Дубенко кутмаганда севикли қизи Анютадан хат олиб қолди. Унда Элмурод ҳақида батафсил ёзилганди. Шу конвертда Элмуроднинг ўз қўли билан ёзилган «Сизларни хат куттириб кўп хавотирга, ташвишга қўймадимми?» деган хати ҳам бор эди.

Бу хат ўқилгандан кейин онага доктору, дориларнинг сира-сира кераги бўлмай қолди. Элмуроднинг «Онажон» деб бошлаган хатидан зўр, шифобахш дори унинг учун йўқ эди. Она оёққа турди. Дубенконинг севиклиси Анютага қилган яхшиликлари эвазига нима билан жавоб қайтаришини билмасди, Дубенко юрса изига, тўхтаса кўзига қарарди, юз айланиб, минг ўргиларди. Сўзига жон қўшгани тутиб, соясига тўн кийгизарди. Ахир боласини, якка ягона боласини ўлимдан қутқариб қолган шунинг севган қизи-да!

Кунлардан бир куни Латофат тегишиб қўйди:

— Ойи, анави гапни Дубенкога қачон айтасиз?

— Қайси гап?

— Бирор бошқа жой топсин ўзига деятгандингиз-ку.

— Жим,— деди она атрофга қараб, гўё Дубенко эшитиб қолиб хафа бўлаётгандек. «Эл оғзига элак тутиб бўладими, қизим, оғзига кучи етмаганлар нима деб вайсаса вайсай берсин, ҳаммаси ҳам номаъқул бузоқнинг гўштини ебди. Дубенконинг ойдек хотини бор экан, кўрдингми?»

Дубенкога кўчиш ҳақида оғиз очилмади, балки у оиланинг севимли аъзоси бўлиб, то уруш охиригача қолиб кетди. У «кетаман» деса, она «Мени ёлғиз ташлаб-а!» деб розилик бермасди. «Жилла бўлмаса, болам келгунича тур!» деб ёлворарди, айланиб-ўргиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕШИНЧИ ҚИСМ

I

— Томирингда қонинг қизиғида ўйнаб кулганга нима етсин! Ёш ўтгандан кейинги армон отилмаган сопқон. Мен сизга айтсам, менинг армоним йўқ, давримни сурдим. Қиз зоти ёнимдан ўтса бас эди, ўзимга қаратишни билардим. Қиз бўлдими, кўзимга хунук кўринмасди, назаримда, йигирма-йигирма беш ёшлар ўртасида кўзингга чўтир ҳам соҳибжамол, ҳурлиқо бўлиб кўринади шекилли-да!

— Ақл икки кўз билан қайноқ қонга айни кўчган пайти бўлади-да!— деди унинг қаршисида укки кўзли солдат. Ҳикоячи бу сўздан яна жонланди, чекиб турган махоркасини паридан-бери босиб сўриб, ерга ташладида, оёғи билан эзғилади. Поезд «Ҳа, хўш?», «Ҳа, хўш?» дегандек елиб борарди. Вагон махорка, тер, яна аллақандай ҳид билан тўлган. Йўл юриб зериккан солдатлар эрмак қидириб бир-бирларини суриштирадилар, бутун вагонда битта бўлган доминога тинчлик бермайдилар: ҳалигина бу купеда бўлган домино энди вагоннинг нариги бошидан нидо беради, тортишув, қий-чувларга сабаб бўлади. Ҳикоячи, бундан ўн минут бурун бисотида бўлган юз эллик грамм спиртни бир симириб олган солдат, бошлаган гапнинг бошқаларга маъқул тушаётганини пайқадими, чекиб бўлган махоркасини ташлагач, ўнгланиб ўтирди, ёқасининг тугмасини чиқарди.

— Бу гап тўғри,— деди у укки кўз солдатга қараб,— ақл икки кўзда бўлади. Зоотехниклик курсида ўқиб юрардим, бир куни Галя деган биттаси билан танишиб қолдим.

Оппоқ, момиқдаккина, кўзлари қўш денгиз дейсан: кўм-кўк, беш метрдан қарасанг аксини кўрасан, ўзи жуда мулойим, меҳрибон, маъсумона боқади. Бошини айлантирдим, охир уйландим. Бир йил ўтгач, мундоқ қарасам, танишган вақтимдаги назокатдан асар ҳам қолмабди. Важ топдим, жавобини бердим, характеримиз келишмади,— кулиб қўйди такаббурона ҳикоячи ва «Гапим тўғрими?» дегандек ён-атрофга кўз ташлади.— Яна бир дўндиққинасига уйландим. Буниси қаттиққўлроқ чиқиб қолди. Асфальтда юрсам изимдан танийди. Не-не жононлар атрофимда қумурсқадек ўрмалашиб юради, қани энди биронтасига кўз қисолсам, бирам алам қилади. Ахир кўнгил ўрганиб қолган-да! Бунинг ҳам йўлини топдим, район марказидан орттирдим. Турли баҳона билан тушиб борадиган бўлиб олдим. Атайин бир кун аввал тушиб кетаман. Хотиним «эрталаб кетарсан, кимнинг эшигини қоқиб юрасан» дейди. «Колхозчилар уйи-чи?» дейман. Ўзим-чи? Ўзим тўғри жазманимникига кириб бораман. Туни билан базм. Эртасига ишни паридан-бери битказиб, совға-салом билан қайтаман, тилимдан бол томади. Лекин бир куни ёмон қўлга тушдим. Совхозимизга Ракитин деган сиёсий ходим келиб юрарди. Жуда зийрак одам, ернинг остида илон қимирласа билади. Нима бўлибди-ку, менинг бу сирларимдан хабар топиб қолибди. Бу вақтда мен бригадир эдим. Еримни айланиб юриб, бирдан «Хиёнат қилибсиз, арпаларга хиёнат қилибсиз» деб қолди, «Хотинингиз ўзига нисбатан қилаётган хиёнатларингизни ҳалигача билмаса ҳам, булар ўзларига хиёнат этилганини пайқаб қолишибди. Уят, бригадир! Камроқ районга тушинг!» Терга ботдим. Важ ахтардим. «Керакмас, важ ахтарманг!» деб яна ўсал қилди Ракитин. Лол қолдим. То у районимиздан кетгунича унақа ишларга журъат этолмадим.

— Кейин-чи?— деди укки кўз солдат. Гўё «ҳали шу гапга тавба қилиб юрибсанми» дегандек оҳангда.

— Кейин нима бўларди, яна бошлаб юбордим. Бу вақтда хотиним бир-икки болалик, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолганди. Эй, дўстим, дунёда сену мендан, шу маишатдан бошқа нима қолади. Мана яна фронт кетяпмиз, ким билади, ҳали қайси биримиз тирик қоламиз. Яхши ҳам ўйнаб қолганим.

— Қани айт-чи, ефрейтор, мана шу ишларингнинг кўп хотинликдан нима фарқи бор?— бирдан сўраб қолди

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир четда ўтирган қорачадан келган, хушбичим сержант. Ефрейтор «Шу ҳам гап бўлибдими?» дегандек қаҳ-қаҳ солиб кулди.

— Сизларда бўлади кўп хотинлик. Кўп хотинлик — феодаллик.

— Бу-чи? Бу феодалликка кирмайдими? Фарқи нима: бири уйида ошкора сақлабди, бири уларни ўз уйларида яширин тутибди. Икки ўн беш — бир ўттиз!

— Ҳеч-да!— бўш келмади ефрейтор,— кўп хотинлик уларни пул эвазига сотиб олади.

— Сен уни ёлғон эвазига, алдов эвазига, шундайми?— оғзига урди қорача сержант.

Бирдан кулги кўтарилди, ефрейтор лоҳас тортгандек бўлди, лекин ҳамон бўш келмас, важ ахтарарди. Боядан бери юқори қаватда қулоқ солиб ётган Борисов, ўрнидан туриб ўтирди, суҳбатга аралашди:

— Тор-мор келтирилдингиз, ефрейтор, феодализмнинг худди ўзидай. Баҳона ахтармай қўя қолинг, сержант тўғри гапни айтди. Бундай гапларни ҳикоя қилишдан уялиш керак, яна сиз мақтаниб ўтирибсиз. Ўртоқ Ракитин сизни ўз вақтида жуда тўғри огоҳлантирган экан. Сиз ўшандай ажойиб одамнинг гапларини қулоққа олмабсиз. У тирик бўлиб, сизнинг шу гапларингизни эшитганда эди...

— У ўлганми?— Борисовнинг сўзини бўлди қорачадан келган сержант.

— Йўғ-е,— деди ефрейтор ҳам.

— Ҳа, ҳалок бўлди. Минглаб қуролсиз кишиларнинг ҳаётини сақлайман, деб ўзи ҳалок бўлди.

Ҳамма бирдан жим бўлиб қолди, фақат нариги купедаги кимнингдир хурраги бу сукунатда хунук эшитиларди.

— Ажойиб одам эди,— деди Борисов ҳамма гапига хулоса ясагандек салмоқлаб.

— Ажойиб одамларнинг умри шунақа қисқа бўлади,— деди бир кекса солдат.

Бу сукунат бир солдатнинг домино олиб келиб, даврага кириши билан бузилди. Ўртага чамадон қўйиб ўйинга шўнғиб кетдилар.

Эрталаб, поезд манзилга келиб, солдатлар тарқалишар экан, ҳикоячи ефрейтор Борисовга қўл узатиб:

— Ўртоқ Ракитин қаерда ҳалок бўлди?— деди.

— Шимолий Кавказда.

Ефрейтор иккиланиб туриб, кейин асл мақсадини айтиб қўя қолди:

— Кечаги гапларни кўнглингизга олмайсиз-да, ўртоқ лейтенант.

Шофер ўнгга бурилиб кетажагини айтиб, машинани тўхтатди:

— Бир томоша қиладиганману, лекин рухсат этмай турибдилар. Бўри уяси қўланса ҳидли бўлса керак.

— Ҳа, сиёҳга тушган пашшадек, улар қўнган ерда доғ қолади,— деди Борисов шоферга жавобан ва кабинани очиб чиқди.— Чиранчоқ фашистларнинг бунёдга келтирган ҳаёти билан танишмоқ зиён қилмайди. Албатта кўришингиз керак. Ёмонни кўрмагунча, яхшининг қадрига тўла етмайди киши.

— Йўқ, раҳмат, ўртоқ лейтенант, ҳозир бемалол бўлиб қолган,— деди шофер Борисов узатган пачка тамакини рад этиб ва кулиб қўйди:— Қирқ биринчи йилда қаёқда эдингиз?

— Фронтда. Фақат сизни кўрмабман-да, олинг. Барибир мен чекмайман. Паёкка берган эдилар.

— Ташаккур. Ўн-ўндан қилиб бир сигаретни беш-олти киши чеккан пайтларимиз ҳам бўлган.

Борисов яна қайта раҳмат айтиб, шофер билан хайрлашди. Машина орқасидан аччиқ ҳидли қорамтир тутун чиқариб бир кучанди-да, слиб кетди.

У, мана шу бегона юртда бемалол, уқув билан ишлаш учун ўн ой ўқиди. Озми-кўпми унинг тилини, урф-одатини, тарихини ўрганди. Шу давр ичида унинг кўз олдидан мана шу қонли ўлка кетмади. Уни ўзича тасаввур қилиб чиқди. У вақтда бизнинг қўшинлар бу йўл-йўл будкадан юзлаб километрлар йироқда эди. Эҳтимол, бу будканинг тахтаси у вақтда ҳали тилинмаган эди! Ҳатто баъзилар бу будканинг унчалик тез ўз ўрнига ўрнатилишига шубҳа қилиб, мийиғида куларди. Улар уялиб қолишди!

Борисов кийим-бошларини кўздан кечириб, ўзига оройиш берди-да, бигиз бўлиб уфққа санчилиб кетган йўлга қаради ва кўкрагини сал қабартиб, шахдам одимлаб кетди. Ғолиб Армиянинг жанговар офицери эканлигини биринчи кўрган фриц, шубҳасиз, дарров пайқарди.

Ҳаво булутнамо. Булут ортидаги қуёш аранг сезилади. Йўлдан четда учраб қолган дарахтлар бошларини қуйи солиб турганга ўхшайди, қимир этмайди. Улар улуғ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрон сўнгидаги сокинликни эслатади. Борисов атрофни кузатиб туриб, дарс берган кекса полковникни эслаб кетди. У анави урушда чет элда бўлганини ҳикоя қилиб келиб, ерли халқлар билан муносабатининг нақадар мушкул эканини алоҳида уқдириб ўтган эди. «Шуни унутмангки, у маҳалда ҳали радио, газета бу қадар тараққий қилмаган эди. Ҳозирги фашистлар қўлида ҳаммаси бор, пих ёрган ёвуз ниятли кадрлари ҳам бор. Ахир кишини ари чақса неча кунгача танида заҳар қолади. Фашизм танини эмас, ҳамма нарсадан нозик киши ақлини, туйғусини заҳарлади. Унинг заҳари анчагина ўткир заҳар. Унга қарши кучли, бениҳоя кучли дори керак. Бу дорини қанчалик усталик, маҳорат билан ишлата билиш — сизга боғлиқ».

Борисов нимадан бошлаш кераклигини ўзича муҳокама қилиб, биринчи аҳоли яшайдиган пунктга кириб борди. Қаршидаги черепицали уйнинг олдида бир рус солдати турарди. Борисовни кўриши билан ўзини тузатиб салом берди.

— Шу ерда тунайсизми, ўртоқ лейтенант?— деди солдат Борисов қошига келиб.

— Нима қилдик?

— Бирга бўлардик.

— Қўрқяпсанми ёлғиз ўзинг?— жиддий сўради Борисов.

— Қўрқмайману, тилини билмагандан кейин қийин бўларкан. Ундан кейин, кишига алланечук совуқ қарайдилар. Қовоқларидан қор ёғади. Эрталабдан бери шу ердаман. Иш билан келган эдим. Нима сўрасак берадилару, лекин боқишлари хунук. Ҳадиксирайдилар, шубҳа билан боқадилар. Ҳар қадамингни, ҳар кичик ҳаракатингни ҳурковичлик билан кузатадилар. Ким билади, юракларида нима ниятлари бор. Ёт киши қалби — қоронғи ўрмон. Сафдан қочган аламзада солдатлари кам дейсизми?

— Тўғри. Лекин немис халқи бизга ёмонлик кўзламайди. Халқ халққа ҳеч қачон душман бўлмайди. Фашист пропагандисти уларни ёлғон-яшиқлар билан гангитиб, ҳуркитиб қўйган. Биз улар билан шундай муомалада, алоқада бўлайликки, улар алданганларини тушуниб етсинлар. Ана унда улар табассум билан, бағир очиб бизни қарши оладилар. Фашистларнинг икки оёғидан бири агитация-да, ахир!

Улар бошлашиб, қишлоқнинг анча ичкарисига кириб бордилар. Борисов атрофни, солдат Борисовни ҳавас билан кузатиб борарди.

— Мана шу уйга кирамизми?— деди Борисов кўҳнагина бир бинони кўрсатиб:

— Майлингиз.

Уларнинг зинадан кўтарилишини қўшни дераза-лардан олазарак бўлиб кузатиб турардилар. Борисов буни пайқамай, эшикни дадил тиқиллатди. Эшик ичидан берк эди. Ҳадеганда товуш бўлмади. Борисов яна такрорлади. Анчадан кейин ичкаридан титроқ товуш билан бир аёл «Ким?» деди ва эшик ойнасидан қаради. Худди шу пайтда ёшгина бир жувон деразадан ҳам боқди. Унинг ташвишда экани бутун важоҳатидан, айниқса ҳуркович кўзларидан сезилиб турарди.

— Ана шунақа, булар одам ҳидини ёқтирмайди. Куни бўйи эшикларини қулф тутадилар. Аминманки, бизнинг қўшин юртларига киргандан буён мушукларини пишт деб ҳуркитган солдат бўлмагандир. Йўқ, барибир қўрқадилар.

— Бу ҳозирча шундай,— деб солдатни тинчлантирди Борисов. Ичкаридан товуш берган хотинга немисчалаб деди:— Йўл усти кирдик. Сизда тунаш мумкин бўладими?

Хотин нимадир деди-ю, Борисов эшитмади, фақат эшикнинг ҳалқасини туширилаётганини пайқади. Улар ичкари киришди. Уй буюмлари бетартиб қалашиб ётган даҳлиздан хонага ўтишди. Хонанинг шу яқин орада алғов-далғов бўлгани кўзга ташланарди. Девордаги суратларнинг ўрни оқаринқираб турибди. «Қимматли нарсаларни беркитишган экан» деб ўйлади Борисов. Хонадоннинг анчагина ўзига тўқ бўлгани унинг мебелларидан, буфетдаги сервизларидан, устиларидаги асл, лекин уринган кийим-бошларидан кўриниб турарди. Солдат айтгандек, уларни совуқ қарши олдилар. Эшик очган рангпар кекса хотин ишончсиз қадамлар билан улар олдида юриб, жой кўрсатди-да, ўзи бир четга — бурчакка стол тортиб ўтирди. У кирганларнинг оғзини пойларди: «Нима дер эканлар?»

Борисов бемалол ўрнашиб олгач, хотинни кузатди. Хотин қаттиқ ташвишда эди. Унинг оқ аралашган сочлари тўзғиган, бу бир неча кун ичида ўзига оройиш бермай қўйган кўринади. Теран кўзларидан мулоҳаза, даҳшат,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташвиш тўлқинлари кезади. У бот-бот уй тўридаги эшикка назар ташларди. Борисов, у хонада ётоқлари бўлса керак, деган фикрга келди ва худди шундан гап бошлади.

— Болаларингиз у ердами? Шу маҳалдан ётишдими?

— Йўғ-э, шундай ўтиришибди...— ўнғайсизланди хотин.

— Ётоқда-я! Ё биздан қўрқиб қочишдими? Биз болалар қўрқадиган важоҳатли ва даҳшатли бўлмасак керак,— кулибгина деди Борисов. Хотин юзига зўраки кулги чиқди. Олтин тиши ярқиради. Аммо ташвишли кўзи кулмади. Борисов хотинга сал бўлса ҳам сўзи таъсир қилганини сезиб фикрини кенгайтиришга киришди; гарчанд бизни фашистлар саҳроийлар, деб ёввойилар қаторига қўшиб, сизларга тушунтирган бўлсалар ҳам, аслида ана шу саҳроларда шаҳарлар бино қилиб, чаманлар яратган меҳнатсевар, диёнатли кишилармиз. Кўз ёшидан ҳазар қиламиз. Гўдакларни севамиз, катталарни ҳурмат қиламиз, тенгқурлар билан дўстлашамиз. Биздан болаларингизни яширишингиз бекор. Нега бекитдингиз, озор беради деб ўйладингизми? Асло! «Уйларингизга киритманг — талайдилар» деб айтдиларми? Бекор гап. Қани айтинг-чи, Совет Армияси киргандан бери бирор солдат рухсатсиз остонангиздан ҳатладими? Болангизга хўмрайиб боқдими? Игнангизни олдими? Нега қўрқасиз, кимдан ҳадиксирайсиз? Чақиринг болаларингизни, бемалол ўйнай беришсин. Бизга халақит беришмайди.

Хотин Борисовнинг табассум билан гапирган сўзларидан анча тинчиган, кўнгли ором топган бўлса ҳам, болаларини чақиришга журъат этмади:

— Ҳа, чиқишар. Ҳамма ёқни тўполон қилиб ташлайдилар.

— Бола-да. Бола бўлгандан кейин тўполони, шўхлиги билан бўлади-да! Ё кексалардай хаёл суриб ўтиришсинми? Унда бола бўлмай қолади. Унда катта одамни кесиб кичик қилгандай бўлади. Ё нотўғримиди?

Хотин, маъқул, дегандек бош силкиди. Лекин эшик томонга юрмай, ўртада турган столга яқинлашиб, унинг устини тоза бўлса ҳам артди.

— Мен жиндай овқат қилсам...— деб гап бошлаган эди, уни Борисов бўлди.

— Бизга овқат керакмас, агар заҳмат чекмасангиз, чойми, кофеми қайнатиб берсангиз.

Хотин жавоб ўрнида бошини яна бир иргаб, даҳлизга чиқди. Нимадир жаранглади, нимадир жиринглади. То кофе қайнамагунча хотин ичкари кирмади. Ўқтин-ўқтин эшик тирқишидан қараб қўярди. Ўзича нималарнидир пичирларди. Борисовнинг суҳбатидан олган руҳий енгиллиги яна унут бўла бошлади. Аввалига Борисовни қандай ишончсизлик билан тинглаган бўлса, ҳозир ҳам шундай фикрга келиб, қалбини қайғу босди. «Булар йўл усти киргани йўқ. Анави бири куни билан шу атрофда юрувди. Ҳамма хонадонни зимдан кўздан кечирган. Маргарита сувга чиққанда кўзи тушган. Мана энди офицерини тушашга бошлаб келди. Уларнинг бу ерни тунашга танлашлари бежиз эмас. Албатта бежиз эмас! Бўлмаса, Генрихники меникидан ёмонми? Улар Маргаритани нишон олиб киришди. Бўлмаса нега ётоқдан кўзини узмай: «Болалар ҳалитдан ётишдими?» дейди, Маргаританинг у ерда эканини улар билади. Офицернинг ширин гаплари ҳаммаси хушомад, Маргаританинг илинжидаги хушомад. Ё раббим! Қандай кунларга қолдик. Уларга бирор ёмонлик кўзлаган бўлсак майли эди! Нияти бузуқлар аллақачон мамлакат ичкарисига қочиб бўлишди. Нега ҳам қолган эканмиз? Шармандалик учунми? Ё раббим, ўзинг сақла. Шармандаликдан асра!» деб ўйлади ва юрагидан силқиб чиққан ёшни енги билан аста артди. Бу орада кофе ҳам қайнади. Идиш қопқоғи буғ кучи билан ўйин тушди. Хотин шошиб, идишни пастга олиб қўйди.

Хотиннинг даҳлизда тутилиб қолиш сабабини Борисов дарров билди, кўнглидан ўтказди: «Хотин менинг гапларимга ишонмади», Борисовнинг бу фикрини хотиннинг ўқтин-ўқтин эшик тирқишидан мўралаши тасдиқлади.

— Нима учун хотин даҳлиздан кирмай қўйди, биласанми?— деб сўради Борисов солдатдан. Солдат парвойи фалак ўтирар, хона деразаларидан узоқларга, қўшни томларга қарар, қарши чердакдаги иккита чумчуқнинг партпарт уришишини томоша қиларди.

— Чой қайнатяпти шекилли,— деди солдат бепарвогина.

— Чой-ку қайнатишга қайнатяпти, лекин у ерда туриб қолишининг боиси бошқа. Бизга ишонмаяпти, олдимизга киргани юраги йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эрими, ўғлими каттароқ амалдор бўлгандир, гуноҳи бордир. Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди-да.

— Мутлақо ўшандай бўлмаслиги мумкин. Бу фашист агитациясининг таъсири. Сен ўйлаган жиноятчилар болачақалари билан аллақачон ғарбга жуфтагини тўғрилаб бўлган. Улар Америка ва инглизларнинг пинжига тиқилиб, бошпана излаб юришибди. Бу ерларда, асосан оддий аҳоли қолган. Булар фашизм қурбонлари. Буларнинг онги чиранчоқ ва мақтанчоқ фашист корчалонларининг ёлғоняшиқлари билан заҳарланиб битган. Биз буларга ўша агитацияларнинг барчаси пуч, қумга қурилган муз бинолар эканини амалда кўрсатишимиз керак. Шу маҳалда мана шу рангпар хотиннинг, анави хонада ўтирган болаларининг бошида ҳазилакам ваҳималар кезиб юрибди дейсанми? Ҳали хотин киргалда сипчиклаб боққин, у боягидан анча ўзгарган, ҳатто йиглаган бўлади.

Сал ўтмай хотин кирди, ҳақиқатан, унинг кўзи қизариб, паришонхотир ҳолда эди. У мажолсиздек, аранг юраётганга ўхшарди, унга малол келаётгани дастурхон тузатишидан кўриниб турарди. Солдат Борисовнинг башорат қилиб айтган фикрига қойилдек, унга қараб қўйди. Хотинни кузатди. Хотин эндигина касалдан турган ёки ҳалигина арзанда фарзандини дафн этиб қайтган онага ўхшарди.

— Уринманг. Бизга ҳеч нарса керакмас. Мумкин бўлса консерва очишга бир нарса берсангиз.

Борисов ҳам, солдат ҳам ўз сафар халталаридан колбаса, печенье, консерва, бир-икки плитка шоколад олиб столга қўйдилар. Солдат гўшт консервани очиб, тарелкага ағдарди. Хотин вилка келтирди.

— Ўзингизга олмайсизми?— деди Борисов хотин фақат иккита вилка келтирганини кўриб.

— Биз ҳалигина овқатланувдик,— деди хотин иккиланиб.

— Албатта, сиз оч эмассиз. Биз буни биламиз. Лекин рус консервасини тотмагандирсиз. Марҳамат!— деди Борисов вилкани унинг олдига суриб, ўзи ёнидан вилкали ўлжа қошиғини олиб, емоққа тутинди. Ўнғайсизликда қолган хотин ирғиб ўрнидан туриб, вилка олди-да, Борисовга билинар-билинмас табассум билан тутди.

Хотин ноилож ликдан консервага вилка урарди. Солдат билан офицернинг ўз уйларидек бемалол, хотиржамлик билан ўтиришларидан хотин ажабланарди. Уларнинг ҳаракатидаги ишонч ва хотиржамлик хотинга ғолибларнинг ғурури, киборлиги, мағрурлиги бўлиб кўринди. Лекин уларнинг жуда камтарлик билан, очиқ юз билан уни овқатга қистай беришларига нима дейишини билмасди. «Бу — қизини мўлжалга олиб, онасининг кўнглини овлаш эмасми? Наҳотки, улар шунчалик маккор!»—деб кўнглидан ўтказди хотин ва ётоқ эшигидан қитирлаган овоз эшитиб, нотинчланди. Бу тиқирлашни Борисов ҳам пайқади. Бу, албатта болалар бўлса керак деб ўйлаб, сафар халтасидан бир қути печенье олиб, бир томонининг қоғозини йиртди-да, хотинга тутди.

— Мана буни уларга беринг. Еб кўрсинлар-чи, рус печеньеси оғизларига ёқармикан. Лекин бу болалар учун чиқарилгани эмас. Бундан ҳам яхшилари бор. Унисига қарзмиз.

— Йўқ, йўқ. Раҳмат! Ўзингиз еяверинг. Улар печенье емайди.

— Ана холос,— деди кулиб Борисов,— нега емайдилар? Печенье бўлади-ю, болалар емайдими? Хавотирланманг, мана еб ҳам кўрсатишим мумкин,— Борисов печеньедан бир донасини олиб, кусурлатиб майда-майда тишлади. Хотиннинг журъат этолмаётганини кўриб, аста қўзғалдида, ётоқ эшигини сал очиб, ичкарига узатди. Аммо эшик орқасида ҳеч ким йўқ эди, печеньени ҳеч ким олмади. Борисов ажабланиб, эшикни кенгроқ очди. Қай кўз билан кўрсинки, болаларнинг бири ўрнига чиқиб, боши билан бурканиб олган, иккинчиси каравот остига яширинган, оёқларигина кўринади. 16—17 ёшлардаги дуркунгина, малла соч қиз каравотда оёқ чалиштириб, ерга қараб ўтирарди.

Борисов эшикни очиши билан хотин «Қўйинг, қўйинг!» дея энтикиб, ирғиб ўрнидан турган, эшик бўсағасида титраб, кўзи жовдирарди. У ичида, «Оҳ, қизим бечора! Жўжа бўлиб, калхат чангалига тушдинг» деб ўйларди. Борисов қизнинг олдига бостириб кириб кетаётгандек унинг қўлига ёпишди.

— Ҳер! Ҳер офицер!— деди у. Борисов хотиннинг ҳаракатига тушунди ва ўзини ташқари олди.

Печеньени беихтиёр хотинга тутди. У ҳам шоша-пиша олиб, ётоққа бошини суқди-да, титроқ товуш билан деди:

— Ганс! Иохан! Ҳер офицер печенье совға қиляпти. Олинглар! Олинглар! Тур, Ганс, нега бошингни буркаб олдинг, ма!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Болалардан бирининг келиб, она қўлидан печеньени олганини Борисов кўрди. Кўзи учрашуви билан кулги илтифот қилди. Бола бир зумгина қараб қолди, ҳуркович кўзларини яшнатиб, мийиғида кулди. Бу уларнинг танишуви бўлди. Салдан кейин бола эшикни қия очиб, бир-икки қараб қочди, онанинг хўмрайишларига парво қилмай қўйди. Бир оздан кейин у қўлида иккита печенье билан остонада пайдо бўлди, орқасида яна бири турарди.

— Кел, бу ёққа кел!— деди Борисов эркалаб уларни. Болалар уясидан ҳалигина ушланган кийик болаларидек талмовсираб, ҳурка-ҳурка икки қадам қўйди. Борисовни бошдан-оёқ кўздан кечирди-ю, унинг эмас, онасининг олдига борди. Бўш стулга тирмашди. Борисов ва солдат у билан дам-бадам кўз қисишарди, нималарнидир имлашарди. Солдат унга столдан колбаса олиб узатди. У аввалига онасига бир қараб, кейин тортинибгина олди. Аста тишига босди. Яна онасига, кейин колбаса берган солдатга боқди. Секингина «Раҳмат!» деди. Сал вақтдан кейин унинг укаси чиқиб, ёнидан жой олди. Буниси жуда ҳам ҳуркович эди. Ҳеч нарса олмади ҳам, емади ҳам, онасига тармашганча, ёнидан қўзғалмади, она ўғилларининг ҳамма ҳаракатларини қисилиб таъқиб этар, «ҳер офицер»га ножўя бир сўз айтиб, ғазабини қўзғаб юборишидан қўрқарди. Ахир гитлерчилар бу «саҳройи, ёввойи большевиклар» ҳақида озмунча «мўъжизалар» тарқатганми? Ахир буларнинг барчасини она ўз қулоғи билан эшитган, кинолларда ўз кўзи билан кўрган. Мана ўшалардан иккитаси унинг уйида, жондан ширин болалари қаршисида ўтирибди. Ким билади, уларнинг юрагида қандай ёвуз ниятлари бор. Жанг билан киргаплару, беозор, зарар етказмай ўтиб кетди. Бировнинг товуғини кишт дегани йўқ! Шундай бўлса ҳам...

Борисов онани ташвишдан чиқариш учун нимадан гап очмасин, гулханга ташланган ҳўл ёғочдек гуриллаб ёнмас, кўнгилни баттар хира қиларди.

Она ўзига қуйган кофени тугатмай, нонушта охиригача чўзиб борди. Саволларга қисқа ва тўмтоқ жавоб берди. Уларнинг тезроқ овқатланиб, ёта қолишларини кутаётгани кўриниб турарди. Бу эса Борисовга жуда-жуда алам қиларди. Наҳотки, шу кичик оилага совет кишилари ҳақидаги ҳақиқатни тушунтириб, унинг кўнглидаги ёлғон-яшиқларни чиқариб ташлолмаса! Унинг бу мақсади нонушта охирида ривожга минди. Кутмаганда уй эгаси —

хотиннинг катта оғаси келиб қолди. Эшик очган синглиси билан даҳлизда ниманидир ғудурлашди-ю, хонага бардам кириб келиб, рус тилида салом берди. Қўл узатди. Бу ҳол солдат билан Борисовнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Улар ўринларидан туриб жой кўрсатдилар. У рад этиб, жияпининг ўрнини эгаллади. Очиқ чеҳра билан меҳмонларнинг соғлиғини сўради. Ўзига қуйилган кофедан ҳўплади. Унинг руслардан ҳеч қандай ташвиши йўқлиги дадил кириб келишиданоқ сезилган эди. Столни кўздан кечириб, синглисига деди:

— Меҳмонни шундай кутиладими! Меҳмондўст халқни меҳмондўстлик билан кутиб олиш керак эди. Эҳ, синглим, синглим! Сен уларни билмайсан! Уларнинг қалби ерларидек улкан, кенг ва беозор. Қани, ниманг бор, ол, ўртага ташла. Етишмаса меникидан олиб чиқ. Шпапсинг бўлса қуй. Бу мустаҳкам иродали халқ сен-бизга ўхшаган, нозик европаликлар сингари енгил-елпи винолар ичиб юрмайди. Ўзидек маҳкам, зўр шнапс ичади. Ёки сен ҳам анави бировлар сингари бор-йўғингни ерга кўмиб, устида кўрпак итдек ўтирибсанми? Мен сенга минг марта айтдим, гитлерчиларнинг ваъ-ваъига ишонма, улар ўз қилмишларидан нусха олиб, русларга тақаяптилар, руслар ундай эмас деб. Мана бир неча кунки руслар кирди. Хўш, ким улардан озор топди? Кимни олиб чиқиб осди, уйини талади? Ҳеч кимни! Мана иккитаси қаршингда ўтирибди, кўзларига боқ-чи, гитлерчилар айтгандек, одамхўрликдан нишона борми? Ёки ҳалиям гумон қиляпсанми? Қани бўл, дастурхонингни тузат.

Синглисининг важ кўрсатишига қулоқ солмай, унинг жавоблари илгаридан маълумдек, бепарвогина Борисовга деди:

— Узр, офицер! Булар ёш. Сизларни билмайди. Аллақандай ваҳимада тунлари билан ухлашмайди. Ҳали катта қизини ҳам яшириб ўтиргандир? Ана, айтмадимми? Маргарита қани?— деди чол синглисига. Сингил жуда ноқулай аҳволда қолган эди. Астагина жавоб берди.— Маргарита!— деди чол жиянини чақириб.— Кел, жияним, бу ёққа чиқ. Булар сен, биздек одам. Тортинадиган ери йўқ.

Маргарита ётоқдан тортинчоқлик билан чиқиб келди. Бўш стулга ўтирди. Онасига кўз қирини ташлади —«Онам нима деркин?» Бир оздан кейин онанинг имоси билан унга кўмаклашди. Дастурхон Борисовнинг қаршилик билди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ришига қарамай, қайта тузилди. Нималардир даҳлизда жиз-биз этиб қовуриларди. Маргарита тоғасиникидан шнапс келтириб, столга қўйди. Чол яна гап бошлади:

— Онангни чақир, ўзинг ҳам ўтир,— ҳамма ўтиргач, чол давом этди:— Хўш, қани, шуларнинг гувоҳлигида айтчи, синглим, Россия билан уруш бошланган куни сенга нима девдим? Булар ўша куни меникида эди,— деди чол Борисовга қараб. Синглисининг жавоб беришга ўнғайсизланаётганини чол сезди шекилли, ўзи жавоб қайтарди:— Гитлер Германияси шу кундан иборат капут, дедим. Сичқон филга ташланди, дедим. Айтганим келди, мана! Гитлер Россияни, айниқса, янги Россияни билмас эди!

Борисов чолни демократик руҳдаги партиялардан бирининг собиқ аъзоси бўлса керак деб ўйлаб, уни бамайлихотир тинглаб ўтирди. Лекин шундай бўлса ҳам сўролмасдан туролмади. У чолнинг сўзларидан жуда мамнун, дўст учратганидан хурсанд эди.

— Хўш, сиз Совет Иттифоқини қаёқдан биласиз?— деди Борисов фахр билан кулиб.

— Мен Совет Иттифоқини яхши билмайман, лекин чор Россиясини яхши биламан, рус кишиларини яхши биламан. Улар билан ҳамтовоқ бўлганман, ароқ ичишганман. Мард халқ, матонатли халқ, сахий халқ.

Борисов «Бу чол рус немисларидан бўлса ажаб эмас, ҳеч бўлмаганда, у ерда анча вақт ишлаган бўлса керак» деб ўйлади ва сўради:

— Қаерларда ишлагансиз?

— Аввали урушда асирликда бўлганман. Ундан қочиб, Волга бўйларида ишлаганман. Урушиб юрган кезларимда бу халқнинг матонатини, бардошини, қаҳрамонлигини, асир тушиб бу халқ ичида ишлагач, кенг, тоза юрагини, сахий феълини, очиқ кўнглини, беозор қалбини кўрдим. Шу-шу бу халққа қарши гапирганларни ёмон кўраман. Мен ўша кунларимни сира эсимдан чиқармайман. Сизнинг халқ олтин халқ, танти халқ, доим кўмакка тайёр. Мана, бугун бизнинг юртда қон тўкянти. Шон-шараф учунми? Мутлақо! Сизлар чегарага яқинлашган сари радио Берлиндан «Шарқдан Осиё ваҳшийлари келяпти. Ўзингга эҳтиёт бўл, немислар!» деб вайсай бошлади. Мен бўлсам ичимда: «Бақир-а, бақир, уларнинг қанақа «ваҳшийлар» эканини мен яхши биламан. Улардан эмас, сиздан сақланиш керак» дейман. Ичимдан ёнаман. Буни ҳам шу синглимга айтганман. Мана ўзидан сўранг,— деди чол гоҳ

Борисовга, гоҳ синглисига қараб,— бир куни бундоқ назар ташласам, бу ҳам ғарбга қочадиган. Бир чиқсам тугун-декчасини тайёрлаб қўйибди. «Қаёққа?» десам индамайди. Маргаритани бағрига босиб йиғлади. «Бор-йўғимни шилиб олса нима қиламан, бош қашимоққа ҳам тирноқ керак» дейди. «Сенинг молингга улар зор эмас, агар уларникидан олиб келганинг бўлса, йўл ёқасига чиқариб қўй, олиб кетадилар» дедим. «Уларникидан нима олиб келибман» дейди, «Бўлмаса, уйингдан жилма, ўтира бер. Зарар кўрсанг мен кафил» дедим, қўлидан чамадонини тортиб олдим. Бу ақлга сиғмайдиган деҳқонларнинг радио ёлғонига ҳам фаҳмлари етмайди. Замон ҳар бир зулмнинг интиқомини ҳам ўзи билан бирга олиб келади. Дунёнинг зарбаси ҳар кимнинг ўз даражасига қараб бўлади. Буларнинг сизга қўли тегмаса, тили тегмаса, билмадим, нимадан қўрқади. Мана кўрдингларми, шундай бўлса ҳам кўп нарсаларини «зим-зиё» қилибди.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Борисов босиғи билан,— майли, гумонсирай берсинлар. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Турмуш ва келажак ким қандай эканини кўрсатади. Ҳаёт — зўр муаллим. Унинг битиксиз қонунлари, қайтарилмас тажрибалари бор. Ўз қолипига солиб олади. Айб буларда эмас.

— Тўғри айтдингиз: айб буларда эмас. Сувнинг боши лойқа. Мен шу ёшга келиб, бир неча ҳокимиятни кўриб, Гитлерникидай ёлғончи, агитацияга ўчини учратмадим. Бунёдга келибдики, энгаги радио билан газета-журнал устида, халқларни навларга ажратиш билан овора. Тавба! Россия билан уруш бошланган кунни Гитлернинг маглубиятга юз тубан кетишининг бошланиш куни дедим. Мана, айтсин синглим. Тўғрими, синглим? Мендан кулишди, ўз куёвим кулди. Синглим ҳам ишонмади. Гитлернинг тўсатдан қилган ҳужуми туфайли қўлга киритган ғалабаларини чин деб, мангу деб тушунишди, оғиз кўпиртириб, оламга жар солишди. Ўз куёвим «Хўш, энди қалайсан?» деб менга таъна қилди. Аттанг, бевақт ўлди, бўлмаса, шу вақт «Хўш, энди ўзинг қалайсан, ким ҳақли чиқди?» дердим. Аттанг, ўлиб кетди. Минг марта айтдим уларга: «Ҳой, бировнинг эшигини бевақт тақиллатма, нақ ўзингникини кесакиси билан кўчириб ташлайди». Мана, айтганим келди. Энди ҳолларига маймун йиғлаяпти. Қўшнининг қудуғига тупуриб бўлмайди, ўзингникини ахлатга тўлдириб ташловчилар чиқиб қолади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сизга ўхшаганлар кўп эдими?—деди Борисов унинг сўзини бўлиб.

— Кексаларнинг деярли ҳаммаси русларни яхши биларди. Кексаларнинг ақли аччиқ тажриба билан камол топади-да! Гитлер ёшларни йўлдан урди, ақлини чалғитди. Жезни олтин деб кўрсатди. Ахир ёшлар романтикроқ бўлмайдими! Лекин шунда ҳам ҳаммаси эмас. Концлагерларда ҳазилакам ёшлар борми дейсиз. Калтабин, мол-мулкка ўч, шуҳратпараст, қўрқоқлар унга эргашди, ўз бошини еди, биласизки, қўрқоқлар хиёнатга яқин туради. Германияни нафратга чулғади, башарасига лаънат тамғасини босди. Немис халқининг сизларга нисбатан қандай фикрда эканини олдиндан айтмай, бундан буёқ ўзинглар кўра берасизлар. Немис халқида гуноҳ йўқ.

— Буни биз яхши биламиз,—деди Борисов қатъий,— шунинг учун бизнинг немис халқи билан ҳисоб-китобимиз ҳам йўқ. Бизнинг қасос тиғимиз немис фашизмига қаратилган: ундан кераклича ўч оламиз, уни маҳв этамиз. Бунинг учун немис халқи биздан норози бўлмаса керак,— деди охирида кулиб Борисов.

— Албатта! Ташаккур айтади! Немис халқи руслар сингари дўстликни қадрлай билади. Бунга шубҳа қилмаслигингиз мумкин.

— Қани бўлмаса, мана шу халқлар учун ичайлик! Уларнинг қалб тозалиги мангу баркамол бўлсин!

Улар ичишди. Борисовнинг ҳам, чолнинг ҳам кўзлари мамнунлик ва ишонч билан ёнарди. Она ва қизи Маргарита уларнинг суҳбатини, ўсиб бораётган фикр тераплигини киприк қоқмай кузатиб ўтиришарди. Энди онанинг ҳаракатларида аввалгидек ҳадиксираш, шубҳа, ташвиш ортиқча сезилмасди. Овқатдан кейин Борисов сумкасидан «Огонёк»нинг сўнгги сонини олиб, чол билан кўздан кечирар экан, болалар уларнинг оёқлари орасида ўрмалашиб, бир-бирларига гап маъқуллашарди. Улар орқасида она билан Маргарита ҳам турарди. «Огонёк»ни томоша қиларди. Болаларнинг қий-чуви онага ёқмай, уларни қувиб солди. Уларнинг бир чеккада кўзини хомуш жовдиратиб турганини кўрган Борисов «Красноармеец» журналининг бир сонини уларга узатди:

— Сизлар мана буни кўриб турингланг.

Болалар яйраб кетди. Диванга чиқиб, журналга мук тушдилар. Бир оздан кейин Борисовнинг фуражкасидаги юлдузни ҳавас билан пайпаслаб, томоша қилишди. Бири

югуриб бориб, онасининг қулоғига бир нарса деди. Она фуражкага қараб қўйди.

«Огонёк» сўнгги бетига етгач, уни Маргарита сўраб олди. Бошидан варақлай бошлади. Она столни йиғиштирди. Маргарита онасини имлаб чақириб, «Огонёк»дан қандайдир суратни кўрсатди. Она-бола бирдан мамнун кулишди. Она яшаргандек бўлиб кетди. Борисов қайси сурат уларни мамнун қилганини билолмай, армонда қолди.

Уларнинг суҳбати турли мавзуда чалғиб турди. Чол ҳамон боягидек қизғинлик ва ишонч билан фикрини баён этарди. У ўзининг сўзларига тушунадиган ҳамсуҳбат топганидан бениҳоя хурсанд ва мамнун эди. Унинг Россия ҳақидаги, рус кишилари ҳақидаги сўзлари Борисовни фахрлантирар, унинг мақсадига журъат қўшарди.

Суҳбат адоғига етганини пайқаб, чол қўзғалар экан, синглисига аста деди:

— Шу ерда қолишаверсинми, ё олиб кетайми?

— Овора қилиб нима қиласиз тунда,— деди синглиси хотиржамлик билан. Борисов буни эшитиб қувонди. Онанинг қалбида ўзгариш бўлганини у дарров англади. Демак, она қалбида совет кишиларига ишонч ва ҳурмат уйғонди.

Эрталаб туриб йўлга отланар эканлар, катта ўғил «Красноармеец» журналини келтириб, Борисовга тутди.

— Ола қол. Мендан эсдалик,—деди Борисов ва «Огонёк»ни Маргаритага узатди,— бу сизга. Кеча қандайдир сурат сизларни қувонтирган эди. Ўшани кўриб юрарсиз.

Маргарита раҳмат айтиб, сал бош эгди. Она ҳам ташаккур билдирди. Кичик ўғил эса, хомуш турарди. Уни кўриб Борисов ҳайрон бўлди:

— Сенга нима совға қилсам экан?—деди ва унинг кечаси фуражкасидаги юлдузни сийпалаб кўргани ёдига тушди. Бирдан сафар халтасини ечиб, пилоткасидаги беш қиррали юлдузни олиб, унинг қўлига тутди:— Ма, тақиб ол.

Бола жуда севиниб кетди. Ҳатто каттасининг рашки келгандек бўлди.

Мезбонлар меҳмонларни анча ергача кузатиб чиқдилар. Меҳмонлар ўткинчи машинага ўтирар эканлар:

— Йўлингиз тушганда, албатта киринг!—деб қолишди ва анчагача машина орқасидан қўл силкиб туришди.

...Бегона юрт ҳамиша қизиқ, жонли музейга киргандек кўзингни атрофдан узмайсан. Айниқса, Германиядек ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

шонли, ҳам қонли юртда теваракка суқли термилиб боришинг табиий. Чунки бу юртнинг тарихини болаликдан мактабда ўқигансан, драмаларини саҳнада кўргансан, музикаларини тинглагансан. Мана бугун унинг қонли қилмишларини даф этароқ, уни қувиб, қора қонига белаб, ортидан ўз ёвуз уясигача ғолиб кириб боришинг нақадар улуғвор! Мана, унинг уфққа бигиздек қадалиб кетган кенг ва текис йўли. Бугун ундан совет солдати колонналари кўксига беш қиррали юлдуз солинган «Т-34» танклар, хартумларини кўкка чўзиб бораётган турли калибрдаги тўп, замбараклар, устига брезент ёпилган яна аллақандай автомашиналар узлуксиз ўтиб турибди. Булар ҳаммаси ғарбга, ёвузликнинг машъум уясига қараб йўл тутган. Бу йўлдан сал четга чиқсанг, немисга хос тартиб ва режа билан ўтқазилган, ҳар бир ортиқча бутоғи ўз вақтида тарашланган қайин ва қарағай ўрмонларини кўрасан. Бу ўрмон бўсағаларида, йўл ёқаларида майда черепицали, меҳр билан солинган бежирим уйлар бор. Уларнинг эшиклари бу кунларда тақа-тақ ё эгалари фашист агитациясига учиб ғарбга жўнаб қолган, ёки эшикларини ичидан қулфлаб, кеча-кундуз бирдай ухламай, минг бир хаёл ва ташвиш билан ҳаёт кечирадилар. Ана, ғарбга қочганлардан баъзилари ортларига қайтиб келмоқдалар. Улар қанчалик қуёндек қўрқоқлик ва чаққонлик билан қочган бўлсалар, шунчалик маъюслик ва юзи шувитлик билан қайтиб келмоқдалар. Чунки ажойиб журъат ва шижоат билан ҳужум қилиб бораётган қисмлар уларни аллақачон орқада қолдириб кетган. Энди уларга қайтмай ҳам чора йўқ. Уларнинг ўз қилмишларидан юзлари шувит, шунинг учун ҳам кўча тўлдириб матонат билан ғарбга ўтиб бораётган ғолиб совет солдат ва офицерларига бош кўтариб, тик қаролмайдилар. Имкон борича уларни четлаб ўтадилар.

Яқингинада крест сурати солинган байроқлари ҳилпираган томлар, пештоқлар, деразалар ва балконларда «Биз холис, бизга тегманг, бизга раҳмингиз келсин» дегандек турли катта-кичикликдаги оқ байроқлар ҳилпирайди, бири шошганиданми, дарвозаси манглайига эскигина оппоқ зопт қадаб қўйибди, гўёки ҳар бир қўра, ҳовли бир солдат казармаси бўлгану, бугун мағлуб келиб, таслим бўлмоқда, бош эгмоқда. Ҳатто баъзан қизил байроқлар кўзга ташланиб қолади... Замбараклар отишмаси зарбидан вайрон бўлган бинолардан дуд аралаш аччиқ изғирин димоққа уради. Ана, унинг олдида манглайига оқ ранг билан крест

солинган фашист танки занжирлари сочилиб, ёнбоши билан ерга санчилганича мункиб ётибди, ундан нарироқда ўқ тешган уч-тўрт фриц каскаси. Йўлдан четга ағдариб ташланган тўп-замбараклар устига кечагина ёққан қор ҳали эриб битмаган, улар гўё донлаётган улкан қора қушларга ўхшайди... Совет солдатларининг шиддаткор ва матонатли ҳужумлари туфайли турли лагерлардан, тутқунликлардан озод бўлган турли миллат кишилари бу ажойиботларга ташаккуромиз термилиб, «худди шундай бўлиши керак эди ва бўлди» дегандек ҳолсиз ва заъфарон юз бўлишларига қарамай, колонна-колонна тизилиб ўз миллий байроқларини ҳилпиратиб, (қаёқдан топа қолишибди!) қўшиқлар айтиб боришарди. Ана, колонна олдида бораётган бир киши эски, жунлари тўкилиб кетган қулоқчинига беш қиррали юлдуз тақиб олибди. Совет солдатларига уни кўрсатиб табассум қилади, қўлларини бошидан юқори кўтариб, бир-бирини сиқади «биргамиз, ташаккур» деган маънони англатади, бу ҳам етмагандек ўз тилида нимадир дейди. Унинг тилини тушунмаган солдатлар кулиб, бошларини лиқиллатиб, «маъқул» дейдилар, қўл силкиб табриклайдилар.

Йўл тўла одам, машина, қурол, бир сўз билан айтганда ҳаракат, ҳаракат!

Бунинг барчасини Борисов машина устида томоша қилиб борарди. У тушган автомобиль юк машинаси бўлиб, қандайдир юк олиб борарди. Бу юк бортгача ҳам чиқмаган, устига брезент ёпилган. Борисов кабинага орқасини ўгириб ўтириб олган. Кун совуқ. Қаршидан машинага урилган муздай изғирин кабинани айланиб ўтиб, унинг қулоқларини, юз-кўзларини игналайди, шинели остидан кириб тиззаларини, иликларини чимчилайди: «Германиясининг ҳавоси фашизмидан ҳам совуғ-а!»

II

Вақт жуда оғир дардларга дори тайёрлайдиган ажойиб табибдир. Бўлмаса айрилиқ, мангу айрилиқ ўлимдан қаттиқ! Унга бардош бериш ҳазил гапми!

Элмурод Зебонинг ўлимини эшитганда бошида бомба портлагандек бўлди. Бу шум хабарни ўқиган кўзларига, эшитган қулоқларига, хат тутган қўлларига ишонмади. «Зебо! Зебо!» деб беихтиёр бақириб юборди, хатни жону

www.ziyouz.com kutubxonasi

жаҳди билан ғижимлади, икки қўли билан бошини чангаллаганча турган ерида ўтириб қолди, кўзларидан тирқираб ёш оқди, тирноғигача зирқираб кетди...

У бир ҳафта бўйи девонадай паришонҳол юрди, куни билан тунининг фарқи бўлмай қолди, ранги синиқди. Дежурли уни ҳеч нарса қизиқтирмай қўйди. Ёру дўстлари «Ёлғиз сенми мусибат ўпқонига тушган, элу юртнинг бошида бу алам. Мард бўл!» деб унга тасалли берардилар. Буни Элмурод яхши биларди, ахир фронтга тушгандан бери озмунча ўлик кўрдими! Уларнинг ҳар бири кимнингдир фарзанди, кимнингдир ёри, кимнингдир отаси, акаси эди! Лекин шундай бўлса ҳам Зебони эсласа, айниқса, сўнгги учрашувини эсласа, юраги зирқираб, ўпкаси тўлиб, димоғи ачишарди, кўзида ёш айланарди, Зебонинг «Элмурод нечундир биз энди ҳеч кўришмайдигашга ўхшаймиз» деган сўзи қулоғи остида жарангларди.

Бу узоққа чўзилмади. Фронтнинг ўзига хос серташвиш ва жанговар ҳаёти уни қамраб кетди. У бу вақтда полк штабида ишларди. Уни «оёғинг обдан тузалсин, ҳозир чаққон оёқ керак вақти» деб батальонига юборишмаган, тўғриси, унинг ўрнида бошқа одам ишларди. Штабдаги иш батальондагидек жонли эмас, бўш вақт кўп эди. Бу бўш вақт унга ташвиш эди, хаёлларини чулғашга сабабчи бўларди, Зебо мусибатидан ҳосил бўлган кўнгил ярасини тирноқларди, аламга киритарди. Бу эса Элмуродга оғир эди, бундан фойда йўқ эди. «Бу аламдан қутулишнинг бирдан-бир йўли батальон, передовой» деди-ю, бир куни полк командирининг олдига кириб борди.

Ҳар вақтдагидек соқол-мўйлови териси шилингудай қилиб тоза олинган, бир оз упа сепилган, кителининг мис тугмалари, камарининг тўқаси йилтиллатиб кишининг акси кўринадиган қилиб тозаланган, хром этиги мойлаб ярқиллатилган полк командири «подполковник аккурат» Следов Элмурод кириши билан «қулоғим сизда» дегандек ишдан бошини кўтарди.

— Ўртоқ подполковник, менга рухсат этинг...— деб Элмурод сўзини тугатгунча, подполковник:

— Қаёққа бориб келмоқчисиз? — деб қолди.

— Батальонга кетсам.

— Ҳм... Яна ўша гапми? — деди подполковник бепарвогина. Лекин унинг юзига тикилиб қараб чўчиб кетди; унинг юзида юз қолмаган, кўзлари ўпирилган ўрадай чуқур ботган, бетлари унниқиб, гўёки бутун вужудидан тутун буруқсайди. У дарров пайқади: капитан ҳамон мусибат гулханида ёнади. У Элмуроднинг бошига тушган мусибатни эшитганда «Боласи бор эканми?» деб сўраган. «Ҳали уйланмаган» деган жавобни олгач, «Бу ёшларнинг эрмаги, эрта-индин унутиб юборади. Ёшликда кўнгил яраси тез тузалади» деб фикр юритган ва ортиқча аҳамият бермаган эди. Полк комиссари «Оғир бўлди йигитга» деганда ҳам мийиғида кулиб қўя қолган, гўёки «Шунга сиз ҳам аҳамият бериб юрибсизми? Ёшлар кўзи ва тилида йиғлайди, юрагида эмас. Дарров ўтиб кетади», деган маънони ифодалаган эди. Энди билса, комиссар ҳақ. Алам энди унинг ичини куйдириб, ташига чиқибди, юз-кўзи, қарашига ўз тамғасини босибди.

Бу гал подполковник ҳар галгидек рад жавобини бермади:

— Кечқурун гаплашамиз. Сиз ҳозир бояги топшириқни тезроқ тугатинг! — деди юмшоққина қилиб.

Бу вақтда полк шиддатли ҳужум билан Польшага кирган ва Висла дарёсининг қирғоғига келиб тўхтаб қолган эди. Душман дарёнинг қарши қирғоғини метин истеҳкомга айлантириб юборган, бутун имкониятлардан фойдаланиб, нима бўлса бўлсин, Қизил Армиянинг ҳужумини шу ерда тўхтатмоқчи, кейин ташаббусни қўлга олиб, ҳужумга ўтмоқчи эди. Бу учун дарёнинг табиий тўсиқлиги, стратегик қулайлиги жуда мос келарди. Буни яхши билган Совет қўмондонлиги шиддатли ҳужуми туфайли анча чўзилган ва сочилган қисмларни бир мушт қилар ва янги салобатли ҳужумга тайёрланар эди. Подполковникнинг Элмуродга эслатган топшириғи ана шунга алоқадор эди...

Подполковник Элмуродни кечқурун у кутгандан барвақт йўқлатиб қолди. Элмурод «Яна қандай иш чиқиб қолди экан?» деб, унинг олдига кириб борганда подполковник ўз хонасида кўкрагига оппоқ салфетка тутиб овқатланарди. У кириши билан «Кел!» деди-ю, столнинг бир томонидан жой кўрсатди. Салфетканинг учини қайириб лабини артди.

— Мен ужинни сизлардан сал барвақтроқ қиламан, негаки, кексароқман, бўлмаса ҳазм қилолмайман, бунинг устига уйқум ҳам безовта бўлади,— деб кулди подполковник ва шундоқ ҳам яхши турган салфеткани кители ёқасига қистириб, текислади. Унинг бу ҳаракатларини кузатиб турган Элмурод «Солдатлар ҳам бало, бекорга аккурат! деб лақаб бермаган» деб кўнглидан ўтказди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Подполковник аккурат» пақшли стаканга арақ қуяркан, яна тегишди:

— Бўлиб-бўлиб ичасанми, ё биратўла симирасанми? Агар симириб ичадиган бўлсанг тўлдириброқ қуяй.

— Бари бир.

— Бу бошқа гап,— у стаканни тўлдирди,— қани ич! Менга етиб ол-чи, кейин гаплашамиз.

Элмурод куттирмай, стаканни олиб симириб қўя қолди. Бунга икки сабаб бор эди: бир томондан, тезроқ гап бошланишига муҳтож бўлса, иккинчидан, Зебо қайғуси бошига тушгандан бери ичкиликка ўзида мойиллик сезади, вақт-бевақт ичиб туради, ана шунда қалбини босиб ётган тошдан қутулгандек бўлади, Зебонинг ўлими ёлғонга ўхшаб кетади, гўё бу хабар ёлғон, яқинда уруш тугайди, у тўғри Бокуга қайтади, Зебо бағрини очиб, бир қучоқ гул билан, кўзларида севинч ёшлари билан кутиб олади, «Ҳорма энди, азизим, ғалабанг муборак бўлсин! Мана энди биз ҳеч ажралмаймиз, энди бизни ҳеч ким ажратмайди. Энди сени ҳеч қаёққа ёлғиз юбормайман. Ҳижронингга шунча бардош берганим етар!» дейди, ҳеч кимдан тап тортмай бўйинларига осилади, юзларидан ўпади.

— Капитан!— деди, «подполковник аккурат» узун гап бошлайдиган кишидек салмоқлаб ва вилкани тарелкага қўйди, ёқасидан оппоқ салфеткани олиб лабларини артди. Элмурод ҳам вилкани қўяркан, «Сен ея бер, кеч келдинг» деб уни қистади.— Мен сенинг аҳволингни биламан. Сенга оғир. Эҳтимол, бу сенинг бошингга тушган биринчи оғир қайғудир. Қайғирсанг арзийди. Яқин кишингни йўқотишдан оғир мусибат йўқ, айниқса мана бундай оғир кунларда. Бусиз ҳам бизнинг елкамизда катта урушни имкон борича кам қон тўкиб ғалабага етказишдек улкан ва масъулиятли юк бор. Бу нарса ҳазилакам уқув, бардош, маҳорат, асаб талаб этмайди. Ана шундай кунда бошингга мусибат тушиши, албатта оғир! Лекин дадил бўл, ўзингни сақла. Кимнинг бошида қайғу йўқ. Бу улкан курашнинг қайғуси ҳам улкан. Улкан қайғу, улкан бардош, улкан юрак ва жасорат талаб этади. Шу томонларини ўйла! Хаёл сурсанг, хаёл не кўчаларга олиб кирмайди. Вақтингни кўпроқ ишга бер. Аламингнинг кучи душманга берган зарбангда акс этсин.

— Ана шунинг учун ҳам передовойга, батальонга кетмоқчиман-да. Аччиқни аччиқ кесади,— деди Элмурод пайтдан фойдаланиб.

— Мен бўлсам ҳозирча сенга аксинча маслаҳат бераман. Передовойга юбормоқчимасман. «Сабаб?» дерсан. Сабаб шуки, сен шу кунларда жуда қаттиқ алам, изтиробдасан, асабинг бузуқ. Қаршингдаги ҳар бир немис ёрингни ўлдирган қотилга ўхшайди, кўришга кўзинг йўқ. Кўзинг қонга тўлган. Модомики, кўзинг қонга тўлиб, аламдан вужудинг титраб турган экан, идрокинг, ақлинг етарлича ишламайди, кераксиз ўринда ўзингни ўтга уриб қўясан. Курашда асабийлашмоқ ярамайди, бу кучсизлик белгиси. Худо кўрсатмасин, ўзингни нобуд қилиб қўйганингни билмай қолишинг ҳеч гапмас. Бу кимга керак? Биз буни истамаймиз. Бизга ҳар бир киши азиз, айниқса, сендай жанг кўрган, чиниққан офицер. Биз ҳар бир солдатнинг ўз вақтида, ўз ўрнида самарали жанг қилишини истаймиз. Бир томчи қон ҳам ўринсиз тўкилмаслиги керак. Бу бизнинг Ватан олдидаги бурчимиз. Ҳали олдинда улуғ жанглар турибди. Берлин турибди.

Подполковник ётиғи билан, турмуш тажрибаси улкан кишилардек шундай гапирардики, Элмурод ҳеч нарса дея олмай қолди. У Зебонинг ўчини олмоқчи эди. Лекин бунга подполковник ҳали барвақт эканини жуда ўринли тушунтирган эди...

У подполковник ҳузуридан хомуш чиқди. Лекин, ҳаёт ўз ҳукмини ўтказди. Эртаси кундуз душман бомбардимони чоғида Элмуроднинг собиқ батальонининг командири оғир яраланиб сафдан чиқди. Элмуродни тайинлашга мажбур бўлган подполковник уни чақириб, буйруқ берди, лекин у билан хайрлашаркан:

— Қизишма! Сезгиларингдан ақлингни устун қўй. Ҳали олдингда Берлин бор. Ҳали олдинда бутун ҳаётинг, келажагинг турибди. Қизишма, капитан,— дейишни унутмади.

Элмурод батальонга келган куни артиллерия дуэли бораарди.

Уни қарши олган Йўлдош Отаев:

— Бу отишмалар сизнинг келишингиз шарафига! — деб кулиб қўйди.

Элмурод келган кунидан ишга киришиб кетди. Ҳужумга зўр тайёрлик бораётганидан ишлар шу даражада кўп эдики, бош қашишга қўли тегмасди, баъзан кун бўйи Зебо ёдига тушмасди. Ана шунда унга хиёнат қилгандай бўлади-ю, кўнглида ундан узр сўрайди, ўзига дакки беради. «Тирик бўлганда шунча маҳал ёдингдан чиқариб, хат ёз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маслигини мумкинмиди?» дейди ўзига ўзи. Кейин шу кечаси Зебонинг онасига хат ёзди. Ўзининг юраги ёнгани ҳолда унга тасалли берди. Эрталаб шу хатни бериб юбормоқчи бўлиб ертўладан чиқди. Унинг руҳи тетик эди.

Ер тош битган. Оёғинг остида қор ғирчиллайди, нафасинг тутундек буруқсайди. Бомба, тўп ва замбарак ўқларидан ўнқир-чўнқир бўлиб кетган ерлар қор билан теп-текис тўлган. Шохлари синган дарахтларда тўрт энлик қор. Атроф жимжит, гўё бу атрофда ҳаёт йўқ. «Ҳа, бу атрофда ҳаёт йўқ. Ёлғиз менгина яшайман» дегандек новча қарағайнинг учига қўниб олиб, иккита қарға қағиллайди.

Элмурод бу сокинликка суқланиб қараб турди: нақадар яхши! Унинг уйқу излари ҳали йўқолиб битмаган юзларини совуқнинг дағал қўллари силаб, кўзини мошдек очди. Вужудида тетиклик уйғотди.

Қўшни ертўла оғзида Йўлдош Отаев кўринди.

— Мен сизнинг олдингизга чиқиб келаётган эдим,— деди у Элмурод билан сўрашиб бўлгач.— Кеча сизга бир хат келганди, бераман деб ёдимдан кўтарилибди.

— Раҳмат, бугун машғулотингиз қаерда?—деди Элмурод хатни олаётиб.

— Иккинчи ротанинг биринчи взводида.

Йўлдош қўлларини бир-бирига ишқалаб бирпас турдида, олдинги қаторга қараб кетди. Хатнинг она шаҳридан келганини билса ҳам қизиқмади. «Ажойиб йигит,— деди кўнглида Элмурод унинг орқасидан қараб,—ҳеч ким билан иши йўқ, ўз ишинигина билади». Чиндан ҳам Йўлдошнинг ҳеч ким билан иши йўқ. Элмуроднинг бошига тушган мусибатни билган бўлса ҳам, кўнглини сўрамади. Ҳатто бир офицерга «Мунча куйди, хотинимиди!» дебди. Ҳа, у севгининг борлигига ишонмайди, севгини ёшликдаги зерикиш эрмаги деб юради. Унга техника ва шахмат бўлса бас. Бу мавзуда суҳбат борса гапга аралашади, ўз фикрини минг турли техникавий терминлар, ҳатто формулалар билан исбот қилишга уринади. Бошқа соҳада гап борса-чи! У гўё соқов, жимгина ўтираверади. У кишиларга кўп аралашмаганиданми ёки узоқ вақт батальон штабининг бошлиғи бўлиб келаётганиданми, кишилар ўзаро «Кўзга ташланмас бошлиқ» деса, бошқа бири «Уни катта бошлиқларимиз эмас, ҳатто ўқ ҳам фронтда борлигини билмайди» деб кулгига оларди. Ҳақиқатан у баъзи штаб бошлиқлари сингари ўзидан юқори командирлар олдида жилпантлай

бермас, кўзга ташланмасди. Бунинг устига, шунча вақтдан бери бирон марта яраланган йўқ, фақат бир жангда енгини тешиб ўтган ўқ билагини тирнаб, тўғриси, сал сийпаб кетди. Бўлмаса у жангда жонини қоғозга ўраган қантдек авайлаб, бир чеккага сиқилиб ётмайди. «Мени яралаб ўтирмайди, бирдан шаҳ беради-ю, мот қилади-қўяди» дерди ўзи. Йўлдошнинг техникага эҳтироси зўрлигини билган Элмурод батальонга келиши билан уни ишга солди. Бир куни унинг ертўласига кирса, ўлжа тушган немис «фаустпатрони»ни олдига қўйиб олиб, уни ўрганяпти. Элмуродни кўриши билан:

— Фрицнинг калласи дуруст, яхши ўйлаган,—деб қўйди.

— Сизга ёқдими?

— Ёқди.

— Яхшилаб ўрганиб олдингизми?

— Ўргандим.

— Энди солдатларга ўргатинг, ҳунарнинг ортиқчаси, керакли тошнинг оғирлиги йўқ.

Йўлдош ажабланғандек унга қаради. Элмурод «Рост гап. Ўргатинг! Барибир қиладиган ишлари йўқ. Ҳаммасини инингизга йиға берсангиз сасиб кетади, кишиларга нафи тегмаган илмнинг кўмилиб ётган гавҳардан фарқи нима?» деб кулди. Шу-шу Йўлдош ишга тушиб кетди. Бошлаб кичик командирлар билан машғулот ўтказди. Элмурод қўймагандан кейин у тузиб берган жадвал билан взводларда ўтказа бошлади, фақат отишмалар кучайиб кетган кунигина машғулот тўхтатиларди. Ҳали Элмурод «Бугун машғулотингиз қаерда?» деганда ана шу нарсани кўзда тутган эди. «Ана у машғулот ўтказгани кетяпти,—деб ўйлади Элмурод,— унинг бошида фаустпатроннинг хаёли. Менда-чи! Менда бутун бошқа бир хаёл, фронт билан боғланмаган, эрта-индин бошланиши кутилган ҳужум билан боғланмаган бир хаёл».

Элмурод бирдан хатга кўзи тушиб, тўхтади, уни очди. Тошкентдан, Муҳаррамдан эди. У Зебонинг нобуд бўлгани учун қисқагина таъзия билдириб: «Афсус, минг афсус! Ўлмак-ку қонун, лекин унинг ёш кетганига, ғунча севгиси барг ёзмай кетганига ачинаман» деган сўзлар билан бу бўлимини тугатиб, кейин янги йилни Элмуродларникида қандай кутишганини батафсил ёзади. Кечада Латофат иккита дугонаси билан, Дубенко бир ўртоғи билан бўлибди. Дубенко Элмуроднинг онасига шунақа ёқиб қолган эмиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ки, асти қўя беринг, соясига кўрпача солармиш. Дубенко ҳам онанинг иззат-икромини жуда жойига келтирармиш, ўтқизгани жой тополмасмиш. «Элмурод келиб мени алмашмаса, мен энди бу уйдан кетолмайман, кампирга мендек бир суянчиқ керак, одам одамдан қувват олади» дермиш. Муҳаррам шуларни ёзиб келиб охирида «Мен-ку, шу кеча сизнинг соғлигингиз ва бахтингиз учун қадаҳ кўтардим, лекин сизнинг хаёлингизга ўша янги йил кечаси мен келганмикинман» дерди. Бу жумла Элмуродга аллақачук туюлди, юраги жиз этиб кетди. Кўз олдига уни севмаган кишидек эр қилиб кетган Муҳаррам эмас, балки армияга келаётганда Тошкент вокзалида кузатиб қолган хушчақчақ Муҳаррам келди, «Ажабо!» деб қўйди ўзича Элмурод.

— Ўртоқ капитан!—деди ертўладан бош чиқариб телефонист.—Сизни телефонга чақиряптилар.

Уни полк командири «подполковник-аккурат» чақирганди.

— Руҳ тетикми?—деди подполковник Следов.

— Тетик, жуда яхши, ўртоқ подполковник!—деб жавоб қайтарди Элмурод нима учундир қалбида қувончга ўхшаган бир нарса ларзага келди. Чиндан ҳам унинг товуши бардам, хурсанд кишилардагина бўладигандек жаранглади. Буни подполковник сездими, «Айни муддао! Ана шундай бўлиши керак!» деди ва сиёсий ишлар бўйича ёрдамчиси ва штаб бошлиғи билан соат 12—00 да етиб келишини айтди.

У, ёрдамчиси ва «кўзга ташланмас» штаб бошлиғи Йўлдошни ёнига олиб полк штабига борганда, ҳамманинг оғзида «Ҳужум! Ҳужум бошланармиш!» деган сўз юрарди. Бу сўз алоҳида бир оҳанг билан жаранглади. Бу сўз чин бўлиб чиқди. Йиғилиш шу муносабат билан чақирилганди. Кошлаб дивизия сиёсий бўлимидан келган киши сўзга чиқди. У асосий нутқини «Совет солдати Германияда ўзини қандай тутиши керак» деган масалага қаратди:

— Бутун Европанинг кўзи сизда. Европани фашизм асоратидан озод қилишдек муқаддас тарихий миссияни адо этаётганингиз манглайингизга қадалган беш қиррали юлдузнинг йилтиллашидан тортиб, ҳар бир қадам ташлашингизгача, табассумингиздан тортиб, ўқ узишингизгача — ҳамма-ҳаммасидан яққол кўриниб турсин. Сизни ҳам севсинлар, ҳам сиздан қўрқсинлар. Сиз ҳам халоскорсиз, ҳам қасоскорсиз. Биз немис халқи билан эмас, фашизм

билан, гитлерчилар билан урушяпмиз. Буни асло унутмаслик керак, буни ҳар солдат билсин.

Дивизия сиёсий бўлимидан келган майордан кейин «подполковник-аккурат» силлиқ таралган юмшоқ сочларини орқасига силаб туриб, «Ҳужум бошланади ўртоқлар, ҳужум! Энди золимнинг ўз ерида жанг қиламиз!» деди ҳаяжон билан, кейин таъкидлади:

— Бу даҳшатли ва ўта қонли жанг бўлади. Душман сўнгги куч-қуввати ва жаҳолати билан, қаҳру ғазаби ва нафрати билан қаршилик кўрсатади. Жон бериш осон эмас. Фирибгарликнинг минг кўчасига киради. Ҳар қандай қаршиликни синдиришга тайёр туриш керак, шунга солдатларни илҳомлантириш керак...

Подполковник ҳамма нарсани айтди-ю, лекин бир нарсани тилга олмади. Ҳамманинг кутгани шу эди. Бу—ҳужумнинг қачон бошланиши эди. «Айтинг, қачон бошланади у кун?» дегандек унга термилиб турганларга «Яқин қолди, азизларим, жуда яқин қолди» деб қўя қолди.

Чиндан ҳам яқин қолган экан, бу ҳужум учинчи куни тонг отарда бошланди. Душманнинг «ёв ўтолмас истеҳком» деб оламга жар солган мудофааси совет техникаси ва солдатининг кучи қаршисида бардош беролмади, ер билан яксон бўлди. Ёлғиз бугина эмас, бир неча йиллар мобайнида қурилган, мустаҳкамланган, бир-бирига занжир бўлиб уланиб кетган бир неча қатордан иборат «Шарқ тўсиғи» деб аталган Германиянинг эски чегарасидаги истеҳкомлар ҳам туриш беролмади. Авиация осмондан дабдала қилди, танк, замбараклар ердан мажақлаб ташлади, пиёдалар ҳар бир қаторни алоҳида маҳорат ва эпчиллик билан эгаллаб борди. Солдатларнинг руҳи шу даражада кўтарилган, ўз кучига ва галабага бўлган ишончи шу даража камол топган эдики, энди унга ҳужум йўналишини кўрсатиш ва команда беришгина кифоя эди. Энди у урушни қандай бошлаш, қандай қилиб маромига етказишни яхши биларди, унинг олам-олам тажрибаси бор эди. Руҳининг кўтарилиб кетгани кучига куч, ақлига ақл, жанг қилиш санъатига санъат, ташаббусига ташаббус қўшарди. Бу эса ҳужум суръатини кутгандан кўра тезлатарди, ғалаба соатини яқинлаштирарди, қурбон сонини камайтирарди. Душман сиёҳга тушган пашшадек судралиб ўтган ерида доғ қолдириб борарди. Германиянинг ўз ерига кирилгандан кейинги немис хоналаридан кўтарилган оқ байроқлар, лагерлардан ўзлари озод қилган турли миллат маҳбуслари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг ташаккурлари, садоқат билан уларга меҳрибонлик кўрсатишлари туфайли туғилган фахр, қувончнинг чегараси йўқ. «Шу кетишда тўғри Берлинга, Гитлернинг кабинетига кириб борамиз» дер эди солдатлар жанг ораларида овқат еб ўтириб. Унга бошқа бири «Лаънатининг ўзини бир қўлга тушириб, башарасига тупуриш керак эди-да» деса, ўзгаси: «Олам-ку кенг, лекин у энди ҳеч қаерга сиғмайди. Бўри ҳам ўз уясидан унга жой бергани номус қилади. Балиқ бўлиб сув остига кириб кетмаса», деб файласуфлик қиларди. «Қани балиқ бўлиб кўрсин-чи, не-не ғоввос йигитларимиз борки, ҳиқилдоғидан бўғиб олиб чиқсин!» дея мағрурланиб қўярди бошқа бири. Хуллас, бу кунларда, уларнинг назарида, уруш, шунча йил уларни сарсон-саргардон қилган уруш охирига етиб келарди, бу урушнинг сабабчиси Гитлернинг номини лаънат билан тилга олар эдилар. Ҳар солдат унинг тирик қўлга тушувини умид қилар (ҳатто, «Қани менга дуч келиб қолса» дегучилар ҳам йўқ эмасди!), унинг қон талашган кўзига, асаб билан учиб турган юзига, бурни остидаги қора қўнғиздек тўмтоқ мўйловига, асир олганлари неча-неча офицерлар унга тақлид қилиб ўстирган, сўл томонга таралган хотинчалиш сочига қараш иштиёқи билан яшарди.

— Борди-ю, у тирик қўлга тушса, нима қилишади, отишадими? Бу кам,—деди бир жанг «танаффуси»да Турдиев, Миша Горкуновнинг ёнига ўтириб.

— Сенингча нима қилиш керак, бўғизлашсинми?

— Булар ҳаммаси кам. Шундай жазо топиш керакки, у азобга солган, қийнаган, кўп йиғлатган кишиларнинг дарду алам, азобини йиққанда қанча бўлса, шунга тенг келсин. Токи кишилар у билан ҳисоб-китоб қилган бўлсин. Токи у ўзи ҳис этсин, кўзи билан кўрсин.

— Эй, дўстим,—деди салмоқлаб Горкунов,—ҳаммасини қўя бергину, ёлғиз фарзанддан айрилган оналарнинг тўккан кўз ёшларидан бир томчидан олиб йиғсангу, унга лаънатини ташласанг ғарқ бўлади. Унинг жиноятининг сон-саноғи йўқ.

— Бўлмаса нима қилиш керак: отиб ёки осиб қўя қолишми? Йўқ, мен бунга асло рози эмасман.

— Нима қилишсин дейсан, хўш?— деди яна Горкунов.

— Мен бир ҳикояда эшитгандим: бир подшоҳ шу лаънати Гитлерга ўхшаган золим бўлган экан. Уни бошқа бир подшоҳ қўлга туширганда қопағон ит турадиган темир қафасга солиб, бутун юртини айлантирган экан. Буни ҳам худди шундай қилиш керак.

— Халқ тошбўрон қилиб қўяди, мумкинмас.

— Бўлмаса шунга ўхшаган бир йўл топиш зарур. «Пақ» отиб қўя қолишларига мен асти рози эмасман. Ё сен розимисан?

Горкунов ўйланиб қолди. Нима дейишини билмасди.

— Биздан кўра ақлли кишилар кўп, ўзлари бир йўл топишар. Дунёнинг зарбаси ҳар бирининг ўз даражасига қараб бўлади,—деди охири ва махорка ўрай бошлади.

Солдатлар мўлжаллагандек, Висла қирғоғидан бошланган шиддатли ҳужум қанчалик зўр бўлмасин «Берлинга, Гитлер кабинетигача» етиб бормади. Олдинги қисмлар Одер ёқасида кучли қаршиликка дуч келиб, уни кечиб ўтиб, унинг ғарб қирғоғидан кичиккина бир парчани қўлга киритганича тўхтаб қолди. Бу плацдарм яна кучли тўқнашувлар майдонига айланди. Ўзининг стратегик нуқталаридан бир қисмининг душман қўлига ўтиб қолганини билган душман қўмондонлиги нима бўлса бўлсин, ҳар қанча қурбон бериб бўлса ҳам совет қисмларини у ердан шарқ қирғоғига улоқтириб ташлаш пайига тушиб қолди. Плацдарм—фашизмнинг жон ҳалқуми, Берлинга қадалгуси қасос тиғининг учи эди. Бу тиғ ўткир ва шиддатли эди.

Бу ердан Берлинга олтмиш, фақат олтмиш километр эди. Олтмиш километрни босиш учун олтмиш кун плацдармда жон олиб, жон беришга тўғри келди. Ўлим талвасасига тушиб қолган фашизм жон-жаҳди билан ҳужум этар, қаршилик кўрсатарди. Совет қўмондонлиги эса, бутун кучини бир муштумга йиғар, плацдармни кенгайтирар, сўнгги ҳамлага тайёрлик кўрарди.

Плацдармда турган қисмлар ичида подполковник Следовнинг полки ҳам бор эди. «Бизни бу ердан омбур билан ҳам суғуриб ололмайсан» деб Элмурод мудофаа тутиб, тинимсиз жанг олиб борарди. Кечалар отиш ва парашют-мушакларидан кундуздек ёруғ, кунлар тутун, чанг, тўзондан қоронғи эди.

— Анна Ивановна, сув исиди, чўмилиб ола қолинг. Ҳадемай, эркаклар келиб қолишади,— деди ҳамшира меҳрибонлик билан эшикдан кириб.

— Ҳозир, азизим, ҳозир!—деб йиғиштирила бошлади Анна Ивановна.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мочалкангиз борми?

— Йўқ, бир амалларман.

— Ҳозир мочалка олиб келаман, орқаларингизни ишқалаб қўяман ўзим,—деб кулганича ҳамшира қаёққадир елиб кетди. У мочалка олиб келганда Анна Ивановна ечиниб бўлган, сувнинг иссиқ-совуқлигини синаб кўрарди.

— Тобида,— деди эшикдан кириб ҳамшира,—қани бўлинг, орқангизни бундоқ қилинг, ишқалаб қўяй.

— Йўғ-э, уят бўлади. Ўзим ювинаман. Эшитганлар нима дейди!

— Нима дейдиси борми? Йўл юриб келгансиз, чарчагансиз, қани келинг, орқангизни ўгиринг!

Ноилож қолган Анна Ивановна ўзининг ширин сўзлиги, меҳрибонлиги билан санбатда танилган ҳамширанинг сўзини қайтаролмади, устидан бир челак сув қуйди-да, кейин унинг олдига келиб орқасини тутди. Унинг икки кураги ўртасидаги кафтдек тожни кўрган ҳамширанинг кўзи чарақлаб кетди, совун кўпиртирилган мочалкани тутганича қараб қолди.

— Бу нима, тожми?—деди ҳайратини яшириш учун.

— Ҳа, тож, туғма. Ғалати кўриндими кўзингизга.

— Йўқ. Яранинг ўрними дебман.

— Яранинг ўрни шунақа бўладими!

Ҳамшира, ўзининг ўринсиз сўроғидан хижолат тортиб, индамай қўя қолди. «Вақт ўтмасин» дегандай мочалкани яна бир совунлаб, Анна Ивановнанинг шонга тортилган маҳсидек таранг ва оппоқ баданини аста ишқалай бошлади. Оқ баданда чўғдек ёниб турган тож совун кўпиклари остида қолиб кетди...

Ҳаммом ҳамшира томонидан атайин тайёрланган эди. Анна Ивановна ювиниб, ўз хонасига кириб кетгач, меҳрибон ҳамшира Элмуродга телефон қоқди:

— Ўртоқ капитан! Сизнинг тахминингиз тўғри, икки кураги ўртасида тожи бор.

Анна Ивановнанинг госпиталдан қайтганини эшитган Элмурод буни чаққон ва меҳрибон ҳамширадан билиб беришини илтимос қилган эди.

Плацдарм қаршисидаги душман ғарқ бўлаётган кишига ўхшарди: на мулоҳазаси бор, на муҳокамаси! Охирги умид ва охирги кучаниш билан қаршилик билдирар, борйўғини тўплаб майдонга ташларди. Лекин, барибир нияти-

ни рўёбга чиқаролмас, аксинча плацдарм ошаётган хамирдай кўпчиб, кундан-кун кенгайиб борарди, совет солдатлари матонат ва маҳорат билан душман атакаларини рад этиб, улоқтириб ташларди. Сўнгги ҳамла, Берлин штурми учун куч тўпланарди. Госпиталдан чиқиб, запас полкка тушган, ундан бир амаллаб жўнаб, кечагина плацдармга келган Бондарнинг тили билан айтганда, «Тургани бўш ер йўқ» эди. Полклар полкка чатишиб кетган, қўшни батальонларнинг иккитасининг штаби бир ертўлага жойлашган, ротапар бўйрадаккина ерда мудофаа тутарди. Кечаси билан шарқий қирғоқдан бу томонга ўтган тўп-замбараклар тонг ёриши билан сиғишмай, тўпчилар жой талашишар, жўжахўрозлардек бир-бирларига бўйин чўзиб қолишар, кечга бориб ораларидан қил ўтмаган қадрдонлардек «Қани кружкангни тут, ғалаба учун жиндай-жиндай қилиб ташлайлик» деб сувдондан ароқ қуйишар, бир-бирларига закуска тутишар эди. Плацдармда қисмлар шунчалик қалин ва зич эдики, худди бураб-бураб, кичкина қилиб, икки учидан ушлаб турилган узун резинкага ўхшарди. Улар ёзилиб кетишга тайёру, лекин бир имо ва ишорагагина муҳтож эдилар. Бу кучнинг нимага қодир эканини ҳар солдат қалбан ҳис этар, ҳис этарди-ю, улуғ ишонч ва қаҳру ғазаб билан душман мудофааси томонга кўзларини найза қилиб қадарди, автоматининг қўндоғини маҳкам сиқарди. Унинг бу туриши, гўё: «Ҳа, малъун, охирги дақиқаларингни санаяпсанми! Меҳмонга боришни яхши кўргапингдан кейин, меҳмон кутишни ҳам ўрган. Халқ пуфласа довул, ер тепинса зилзила бўлади. Биз улуғ ва бақувват халқмиз, мард халқмиз. Мард йўлида ғов туриш беролмас. Яхшилик эккан эсонлик ўради, ёмонлик эккан жабру заҳмат. Модомики, золим экансан, зулмнинг оқибатини кўр. Замон ҳар бир зулмнинг интиқомини ҳам ўзи билан бирга олиб келади» дер эди...

Бугун нечундир эрталаб бир озгина отишма бўлди, кейин бутун фронт бўйлаб сокинлик чўкди. Фақат солдатларнинг гап-сўзи, котелокларнинг тақир-туқури эшитиларди.

Душмандан юз метрлар чамаси масофада ётган Турдиев отделениесида плацдармда мудофаа тутгандан бери беш киши сафдан чиқди. Иккитаси ҳалок бўлди, учтаси яраланди, бугун эрталабки «нонушта отишма»да Турдиевнинг ўзининг ҳам ҳалок бўлишига сал қолди. Ёрдамчиси билан солдатларнинг жонп дили бўлган гречиха бўтқани обдан тушириб, энди бир пиёла чойга кўнгли суст кетиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўн қадам қўяр-қўймас, мина вижиллаб учиб қолди, Турдиев бошини паст қилиши билан, «шип» этиб тушди-ю, «понғ» этиб портлади. Бундоқ қараса, ҳозиргина котелокни ялаётган ёрдамчи ер тишлаб ётибди. Турдиевнинг юраги шиғиллаб кетди.

— Сени кимдир астойдил яхши кўраркан, Миша, бу ўшанинг бахти,—деди воқеадан хабардор Горкунов траншеядан бошини чиқариб.

— Етимда меҳрибон нима қилсин, дўстим, ажалим етмаган экан, ўлмадим,—деди Турдиев. Лекин унинг ранги оқаринқираган эди.

— Йўқ, йўқ,—деб қаршилик билдирди Горкунов, унга яқин келиб,—хўп де, бу кимнингдир бахти.

Турдиев индамади. Бу мина ва ёрдамчисининг ўлими унинг кўнглини кун бўйи хира қилди. Гўё эндиги мина худди унинг оёғи остида портлайдигандек бўлиб кўринарди. Лекин кун тушдан оққандан кейин кўнгли ёзилиб кетди. Бунга сабаб, бир булбул бўлди. Ертўла оғзида автоматини тиззасига қўйиб ўтирса, бир булбул роса маст бўлиб сайраяпти. Аввалига ўз қулоқларига ишонмади. Яна қулоқ солди. Йўқ, рост. Завқидан ўрнидан туриб кетди. Булбул поласи қанот ёзаётган томонга термилди. У кўринмасди, лекин хуш овози юракларни титратиб, тирнаб, бемалол эшитиларди. У бир йирик шохи синиб, осилиб қолган оқ қайиннинг бутун қолган юксак шохида турганга ўхшарди. У тинчликдан, осойишта ҳаётдан, меҳру муҳаббатдан дарак бераётгандек Турдиевнинг бутун хаёлини ўзига жалб қилиб олди. «Қаёқда экан бечора!—деди кўнглида Турдиев.—Нақадар ёқимли! Отишмалардан чўчиб, қочиб кетмаганини айт». Жиндак қушнинг шундай даҳшатли майдонда юрак ютиб, барала сайраши Турдиевнинг кўнглини кўтариб юборди, гўёки унга булбулнинг куйлари «Қўрқма, шундай сокин дақиқаларда чаманларда сен билан ҳали кўп учрашамиз. Сен кезадиган чаманлар энди уйғониб келмоқда. Қувон! Қувон!» дерди.

Кечки овқат вақтида Турдиев дўсти Горкунов билан шу кунларда солдатларнинг севимли ва ҳеч адо бўлмас мавзуи—ғалаба ҳақида хушхандон суҳбатлашиб ўтирарди.

— Қани энди уруш Биринчи Майгача тугаса, байрамни Берлинда қилсак, зап иш бўларди-да. Ҳужум ҳам бошлана қолмаяпти,—деди. Турдиев қаердандир узиб олган кўм-кўк ўтни ҳидлаб, ундан завқ қилаётгандек, кўзини сузиб:

— Сабр қил, дўстим, кўпи кетиб ози қолди. Қўмондонларимиз ҳам қўл қовуштириб ўтиришмаётгандир. Ўзинг айтасан-ку, қовун пишса, дум беради деб. Бизнинг ҳужум ҳам вақти етиб, ҳали пишмагандир-да, бўлмаса кимнинг тоқати бор чўзишга! Энди байрам масаласига келсак, асло ташвишланма! Гитлер қўл кўтарган кун бизнинг байрамда, Биринчи Май бўлиши шарт эмас.

— Оҳ, қани, ўша кун тезроқ келса. Занғар немиснинг ери захкаш экан, кишининг совуғини ошириб юборди. Очиғини айтсам, палов билан кўк чойни жуда соғиндим. Шу кунда тушимга нуқул дамланган палов киради.

— Соғинган бўлсанг, уруш тугаган куни палов ясаймиз, бўптими?—деди қўл узатиб Горкунов.

— Бўпти. Лекин гўштини қуш тили қилиб ўзим тўғрайман. Битта гуруч, битта гўштдан ола берасан,—деди Турдиев унинг қўлини олиб ва тупугини қилт этиб ютиб қўйди. Шу орада Бондарнинг:

— Ўзингни тут, солдатлар, бутун Европанинг кўзи сенда!—деган товуши эшитилди ва сал ўтмай ўзи кириб келди. Бир оз кайфи бор. Қисиқ кўзлари чарақлайди. Гимнастёркасининг ёқаси очиқ, ундан денгизчилар киядиган йўл-йўл майка кўриниб турибди. Шапка чаккада. «Ғалаба яқин қолди. Берлинга кирадиган голибга ҳусн ҳам керак» деб Польшага кирмасданоқ қўйиб юборган малла сочи шапканинг бир томонидан қубба қилиб чиқарилган. Соқол ҳалигина қирилгану, ўсиқ тирноқ остида кир.

— Мен бир парса ҳақида сенларнинг фикрингни билгани келдим. Анави ертўлага кирсам шунинг тўполони. Қани айтларинг-чи, фашизмнинг устидан қилинган ғалаба эвазига урушдан кейин значок чиқазиладими, йўқми? Чиқазилса, қапақа бўлиши керак,—деди Бондарь. Ҳар вақт теша тегмаган гаплар топиб юрадиган такасалтанг Бондарнинг бу гапи ҳам, ҳар галгидай солдатларнинг диққатини тортди. Ҳар ким ўз фикрини айтди. Бири «Албатта, бўлиши керак, бу жаҳоншумул ғалаба» деди, бошқаси «Кераги йўқ». Шундоқ ҳам ҳаммага маълум. Беш минг-ўн минг одам қатнашган бўлганда бошқа гап эди. Бутун халқ қатнашди, значок етказиб бўладими? Ўша значокка кетадиган металлдан хўжалик, маишат учун зарур асбоб ясаш керак» деса, уни қувватлаб яна бири «Тўғри, значокнинг кераги йўқ. Олий Бош Қўмондон партия ва ҳукумат номидан яхшилаб бир миннатдорчилик билдириб қўя қолса кифоя» деди. Лекин уларни бошқа бир неча солдат ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикрлари билан енгди. Охир, значок чиқазилиши лозим топилди. Ана шундан кейин тоза тортишув бўлди; значокда нима ифодаланиши керак? Бири «Автомат тутиб турган солдат», деса, иккинчиси «Йўқ, бу жуда оддий. Шундай сурат бўлиши керакки, киши ҳайрон қолсин. Минг йил кейин кўрган одам ҳам «Бу совет халқларининг Германия фашизмига қарши кураши значоги» десин. Масалан, «Баҳодир бир солдат найза санчиб фашист белгиси—свастикани парчалаб турибди» деб ўзиникини маъқуллади. Учинчиси узундан-узоқ гапириб «Ер курраси билан Кремль минорасининг сурати жуда мос тушади» деди. Хуллас, бир фикрга келишолмади. Бондарь «Сенлар ҳам ҳал қилолмадиларинг. Қани, тўпчиларга ўтиб кўрай-чи, улар нима деркин. Уларнинг боши биздан кўра бутунроқ. Бизга ўхшаб, атакага кира бериб, мияси ачиб кетмаган» деб қўшниларга ўтиб кетди. Лекин бир оздан кейин қайтиб келиб:

— Генерал айланиб юрибди,—деди ва унга кўринишга тоқати йўқ кишидай, сўнгги кунларда «Полундра!» ўрнига расм қилиб олган «Ўзингни тут, солдатлар, бутун Европанинг кўзи сенда»сини айтиб жўнаб қолди.

— Шу йигитнинг ҳам армони бормикин?—деб қўйди унинг кетидан Турдиев.

Бондарь ваҳима қилгандек генерал дарров кела қолмади. Бутун отделениеси ва қўшниларини огоҳлантирган Турдиев ертўласини тартибга солиб, кийим-бошини кўздан кечирди. «Ўроқ-болғаси тўғри турибдими?» дегандек бошидан шапкасини олиб юлдузига кўз ташлади. Берадиган рапортини ичида бир-икки такрорлаб қўйди. Лекин, барибир, генерал келганда тайёрлаган рапортини унутиб, бошқасини тўкиб юборди. У ҳар гал шунақа бўларди. Бўлмаса, генерал баъзи командирлар сингари димоғдор, такаббур эмас. Елкасида жимжима олтин погони ва шимининг қизил ҳошияси демаса, унинг салобати босадиган ҳеч нимаси йўқ. У жуда содда, камтар, дилкаш. Офицердан кўра солдатни яхши кўради. «Арқоннинг кучи қилдан, армиянинг кучи солдатдан» деб эркаларди. Бир котелокдан овқат ҳам еб кетаверарди.

Бу гал ҳам генерал очиқ юз билан кириб келиб, немисдан, урушдан, ғалабадан анча гаплашди. Дурбинни бериб, «Чиқиб қаранг, Берлин кўринади. Ҳа, ўша, йилтиллаётган шиша қубба рейхстаг бўлади» деб тегишди. Суҳбат иттифоқчиларга тақалганда, энди ўзини босиб олган Турдиев сўраб қолди:

— Ўртоқ генерал, бир нарсани сўрасам мумкинми? Берлинга иттифоқчилар олдин кирадими, бизми?

— Бу саволни мен беришим керак сизга,—деб кулди генерал.—Бу сизнинг ҳужум суръатингизга боғлиқ.

— Иттифоқчиларнинг яқинроқ келишини кутиб турибмиз шекилли.

— Сизча, кутганимиз маъқулми?

Турдиев бир оз ўйлади-ю, шартта деди:

— Менимча, темирни қизиғида босган яхши. Улардан тегадиган нафга ишонмай қўйдим. Ишидан сўзи кўп халқ экан. Бизда бир мақол бор: «Шериклик ошни ит ичмас».

— Демак, кутишдан фойда йўқ, шундайми?—яна табассум билан деди генерал.

— Менимча, йўқ!—деди қатъий кесиб Турдиев ва нима учундир қўлларини мушт қилиб олди.

— Ўзимизнинг кучимиз етиб қолар!—ҳазиломиз деди генерал яна ўша оҳангда «кучимиз» сўзига урғу бериб.

— Ҳеч шаксиз! Амин бўлинг, ўртоқ генерал, етади! Назаримда бизнинг куч-қувватимиз кундан-кун ошаётганга ўхшайди, гўё шунча йил уруш қилган, қурбон берган биз эмас, эндигина урушга кирганмизу, куч-қувватимизнинг ҳали тахи бузилмаган.

— Ҳамма гап шунда-да, сержант, катта урушда кундан-кун ўсиб, техникаси такомиллашиб борган томон ютади. Уруш даврида халқимизнинг ташаббуси, ижод ва кашфиёт булоқларининг янги-янги кўзлари очилиб кетди. Бу социалистик тузумга хос хислат.

Генерал солдатлар билан дўстона суҳбатлашиб, руҳини кўтариб, қаршидаги душман мудофаасининг хусусиятлари ҳақида тафсилот бериб, қўшни қисмга ўтиб кетди. Кетиш олдида разведкачиларнинг рапортини қабул қилди, йўл-йўриқ берди.

— Бу кузатувларингизни тасдиқлаш учун биронта «тил» қўлга туширилганда яна яхши бўларди,—деди.

Генерал билан қилган суҳбатдан мамнун уйқуга кирган Турдиевни эрталаб яна зўр қувонч кутарди. Кеча генерални кузатиб келганда ҳеч нима демаган Элмурод эрталаб Турдиевга «зуд етиб келсин» деб одам юборди. Лекин Турдиев зуд етиб боролмади. Энди кетаман деб турганда душман бирдан танк билан атакага ташланиб қолди. Атака қайтарилиб, энди бормоқчи бўлиб турганда, гитлерчилар контратакага ўтиб қолишимиздан қўрқдими, олдинги қаторга авиация ташлади. Бу аҳволда Турдиевнинг отде-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лениени ташлаб кетиши мумкин эмасди. Эҳтимол, душман авиация кўмагида яна атакасини тиклаб қолар! Авиация кетиб, отишма тинчиб, Турдиев Элмурод олдига кириб борганда кун тик келиб қолган, новча дарахтларнинг сояси ўзидан қисқарганди.

— Хўш, Мамажон, Берлинни штурм қиламизми?—деди Элмурод кулиб мулойимгина. Унинг кўнглида бошқа гапи борлиги яққол сезилиб турарди. Шундай бўлса ҳам Турдиев ҳарбийчасига:

— Албатта!—деди.

Турдиевнинг қалби қандайдир қувончни ҳис этаётгандек ураради. Унинг бунга ҳақи ҳам бор эди. Синглиси Мастуранинг икки кураги ўртасида тожи борлигини билиб фронтга қайтгач, Анна Ивановнани учратолмагандан кейин бутун воқеани бир кеч Элмуродга айтиб берган, ундан кўмак сўраган эди. Анна Ивановнанинг ҳаёт тарихини генералдан эшитган Элмурод, ўз навбатида Турдиевга сўзлаб берган бўлса ҳам «Сен шошма, подадан олдин чанг чиқарма, яна уялиб қолмайлик, дунёда бунақа воқеалар кўп» деган ва Анна Ивановна госпиталдан қайтиши билан ўзи билиб беришга ваъда қилган эди. Гарчанд, Турдиев Анна Ивановнанинг кеча келганини ҳали эшитмаган бўлса ҳам, юраги ниманидир сезиб турарди. Элмуроднинг оғзини пойларди. Элмурод кўп куттирмади, ўрнидан туриб унинг олдига келди-да, оғаларча бағрига босди.

— Муродингга етдинг, дўстим, Анна Ивановна сенинг синглинг экан,—деди.

— А? А? Ростданми?—деб шошиб қолган Турдиевнинг кўзларидан ёш оқарди.

Ярим соатдан кейин янги топишган ака-сингил кўзларида ёш, лабларида табассум билан Элмуроднинг ертўласида суҳбатлашиб ўтиришарди. Бу хушхабарни «симсиз телефон» Бондарь бўлинмаларда тарқатиб юрарди.

III

Анна Ивановнанинг қувончи узоққа чўзилмади.

Совет қўшинлари ўн олтинчи апрелда Одер қирғоғидан шонли сўнгги ҳужумга кўчиб, Берлин кўчаларида жанг олиб бораётганда Турдиев ном-нишонсиз йўқолди. «Жасадини ўз кўзим билан кўрдим» дегувчилар ҳам топилиб қолди. Бу шум хабарни Элмурод олдинига Анна Ивановнага билдирмади, тўғриси, билдиришга ботинолмади. Бунинг устига, ҳали шиддатли жанглар борар, бундай ишлар билан шуғулланиб ўтиришга вақти ҳам йўқ эди. Лекин кимдандир эшитган Анна Ивановна аввалига санбатдан (у энди санбатда ишларди) телефон қоқди. Бунга Элмурод «Бўлмаган гап. Ҳозир взвод командиридан сўрадим, жанг қилиб юрганмиш» деб жавоб қайтарди. Унинг ўз режаси бор эди: биринчидан, у Турдиевнинг бирон ердан чиқиб қолишига умид боғларди, ахир бунақа гаплар жангда, айниқса кўча жангида кам бўладими! Иккинчидан, кечагина севинч тўлқинлари билан лиммо-лим тўлган Анна Ивановнанинг юрагини эзмоқни истамасди. Бу билан ҳам бўлмади. Элмуродга «Жасадини ўз кўзим билан кўрдим» дегувчилардан бири худди шу хабарни Анна Ивановнага ҳам етказибди. Яна бири «Мен кўрганда тирик эди, ингараб ётувди фалон жойда» дебди. Бир маҳал Анна Ивановна кўзлари қизарган, титраган ҳолда келиб қолди:

— Элмурод, сиздан ўтиниб сўрайман, шуни аниқ билиб беринг. Вақтингиз бўлмаса, айтинг, унинг отделениеси қайси томонда урушаётган эди, ўзим бориб хабар оламан.

— Тентак бўлибсиз,—деди Элмурод жеркиб,—шу маҳалда қаёққа борасиз, ким сизга рухсат этади! Қани жўнанг.

— Ахир...—Анна Ивановна бошқа сўз айтолмади, йиғлаб юборди. Юзини кафтларига олиб ўтириб қолди. Унинг нозик бармоқлари орасидан ёш сирқирди. Ташқарида бомба ёрилар, мина, снаряд, граната портлар, ўқлар чарсиллар эди. Баҳор шамоли билан дайдиб юрган порох ва куйинди ҳидлари димоғни ачитарди. Нимадир гумбурлаб ағнарди, аллақайси кўчада қисқа-қисқа «ура!» янграрди.

Элмурод телефонда жангни бошқарарди, алоқа узилиб қолган бўлинмаларга Бондарни зинғиллатарди.

— Алло! Алло!—деди бир маҳал трубкани пуфлаб Элмурод.— Кутубхона дейсизми? Китоблар кўпми? Жуда яхши. Ҳеч кимни киритманг. Эшигига пост қўйинг. Ҳар бир китоб учун жавобгарсиз,—кейин олдига ёзиб олган схема-картага қараб давом этди.—Ҳа, ҳа, эндиги мўлжал қаршингизда кўриниб турган пештоқи гулдор беш қаватли бино. Чапдан иккинчи боради.

Элмурод трубкани телефонистга бериб, ўзи ўрнидан турди-да:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани олдинга сурилдик, кўтаринг аппаратни,—деди ва ертўла эшигидан чиқа бошлади. Бирдан Анна Ивановна эсига тушдими, қайтиб кириб:

— Анна Ивановна, бекорга ўзингизни қийнаяпсиз,— деди-ю, яна чиқиб кетди. Ҳалигина жанг борган кўчанинг йўлкасидан бораётиб Бондарга топшириқ берди:

— Учинчига хабар қил, қўшниларидан узилиб қолмасин.

— Есть!—Бондарь қаршисидан ўқ узилаётгандек олдинга энгашиб, ён кўчага шўнғиб кетди. У Элмурод телефонда тилга олган, ҳалигина қўлга киритилган кутубхона эшиги олдидан ўтаркан, унинг бўсағасида постда турган таниш жангчига тегишиб қўйди:

— Салом, немис маданиятининг посбони! Учинчи рота қаёқда?

Посбон қўли билан кўрсатди. Бондарь «Полундра!» деганича ўша томонга бурилиб кетди.

Ер титраб, кўк ларзага келишини кузатиб турган Турдиев ёнидан кимнингдир «Олға, коммунистлар!» деган нидосига яна аллакимнинг «Қани, ветеранлар, кетдик!» деган товуши қўшилиб кетди. У окопдан сапчиб чиқди. Бундоқ қараса, ҳамма биринчи нидо биланоқ окоплардан чиқиб бўлган, гўё уларнинг ҳаммаси коммунист, ветеран! Прожекторлар нуридан майдон кундуздан ҳам ёрқинроқ ёритилган. Турдиев бу нурнинг қанчалик кучли эканини окопдан чиққанидан сўнггина билди. «Душман бу нурга қараб бўпти, нақ кўзини тешиб юборади» деган фикр кўнглидан ўтди. У, «Айрилганни айиқ, бўлинганни бўри ер» дегандек отделениесини бошлаб, жадал қадамлар билан еларди. Олдинда полк байроғи тонгнинг енгил шабадасида чайқалиб боради. Уни ким кўтариб бораётганини ҳам аниқ кўрди. У—Иванов, полк билан бирликда урушнинг биринчи ҳафтасидан буён жанг қилиб келади, қўша-қўша орденли, азамат йигит!.. Артиллериямиз ўз зарбасини душман мудофаасининг ичкарисига кўчирган бўлса ҳам ҳамон қулоқни қоматга келтиради. «Қани, жанг майдонининг маликалари, мендан узилиб қолма, куч—бирликда!» дегандек танклар ўрмалаб боради. Бутун фронт бўйлаб кўтарилган «ур-ра-а!» замбаракларнинг наърасига, танк ва ўзи юрар тўпларнинг гумбурлашига қўшилиб, уфқларни ларзага келтирди.

Турдиев душман мудофаасини ёриб, шаҳарга кирилганда, нима учундир, уни Берлин деб ўйлаб, анча хижолат тортди. Бўлмаса, жанг олдидан бўлган суҳбатда сиёсий раҳбар оралиқ неча километр эканини айтган эди. Турдиев кейин бундоқ ўйлаб қараса, жанг жуда шиддатли ва оғир бўлганидан кун ва соатларнинг ҳисобини адаштириб, «анча масофа босиб юбордик» деб ўйлаган экан. Ёнида ёнма-ён бораётган дўсти Горкунов буни ҳазилга олди:

— Чарчабсан, Миша, бўшашма! Томчи томиб бўлгунча, дарё оқиб битади. Берлинга ҳам кириб борамиз, ҳали!

— Албатта! Чарчаганим йўқ-ку, «шу Берлин экан» деб ортиқчароқ уриниб қўйдим шекилли,—деб иқрор бўлди Турдиев ва бирдан қошларини чимириб, лабларини қисди.—Айт-чи, Миша, нега бу фрицларинг бунчалик қаршилик қила беради? Барибир бу ҳужумимизда тоғ бўлса талқон қилиб кетамиз.

— Гап бошқа ёқда, дўстим, ҳали сиёсий раҳбарнинг гапини эшитмадингми? Берлинни топшириш у ёқда турсин, уни мустаҳкамлаётган эмиш. Англия-Америкага қарши қўйган қўшинларини ҳам позициядан олиб, бу ёққа ташлаётган эмиш.

— Ана холос! Сабаб?

— Сабаб шуки, у Берлинни бизга топширмоқчи эмас. Шу йўл билан бизнинг ҳужумимизни сустлаштириб, имкони борича шаҳарни кўпроқ қўлида ушлаб турмоқчи. Шу билан бир вақтда, иттифоқчиларимизнинг ҳужумини тезлаштириб, Берлинни уларга қаршиликсиз топширмоқчи. У бизнинг нафратимиздан, ўз қилмишларидан ташвишда, ахир золим ўз зулмидан қўрқади-да!

— Номаъқул бузоқнинг гўштини ебди,— деди Турдиев уларнинг режасини писанд қилмаган кишидек,—энди ихтиёр уларда эмас, бизда, бизнинг мана бу қуролимизда. Қани кетдик. Берлинни бермаганини ҳам кўрамиз.

Турдиев чиндан ҳам толиққан эди. Тўйиб ухламаганига бир ойдан ошгандир, Одердан ўтибдики, тиним йўқ. Юзлари гўшт қочириб, кўзлари киртайган, назарида қулоғи ҳам оғирлашгандек кўринади. Жанг кундан-кун мушкуллашарди. Мана, Берлин учун ҳужум бошланганига ҳам бир ҳафтадан ошди. Ҳар куни эрталаб солдатлар тонг ёришуви билан «ана, ҳув ўша Берлин. Ҳув анави йилтиллаётган рейхстагнинг шиша қуббали томи бўлса керак» деб ҳукм чиқаришади. Куни бўйи жанг қилишади. Кечқурун кириб боришса, бошқа бўлиб чиқади. «Бу лаъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нати Гитлернинг Берлингача қанча шаҳари бор ўзи, ё ўтиб кетдикми-а!» деб кулишади. Кейин билишса, Берлингача талайгина шаҳарчалар бор экан, ҳаммаси деярли бир-бирига туташиб кетган, ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Шундай қилиб, Берлинга ҳам кириб боришганини билмай қолишди: биров ишониб, биров ишонмасди. Чунки унинг ҳам шу кунгача учраган шаҳарчалардан деярли фарқи йўқ эди.

— Шу Берлин бўлдими энди?—деди Турдиев Горкуновга, кечқурун бир котелокдан овқат ея туриб.

— Шу!—деди ишонч билан Миша Горкунов.

— Кечки соясига қараб бўй ўлчаб юрган падар лаънати Гитлери қайси томонда экан? Бундоқ суриштирмадик ҳам.

— Қисиб бора берайлик-чи, инига сув кетган каламушдек ўзи чиқиб қолади, қаёққа қочади дейсан. Қочгани жой, кирганн кавак йўқ энди унга, қопқонга тушган.

— Берлинни ўраб олганимиз чинми?

— Чин! Комбат ёлғон айтадими.

— Яшасин!—деди Турдиев қувониб ва бир ҳафтадан бери тузуккина ювилмаган, тирноқлари остига қора тупроқ тўлган бармоқлари билан қошига тушган каскасини кўтариб қўйди. Оч қолиб ейилган овқатдан у терлаб кетган эди. Дуд, чанг ва тўзон ўтирган пешонасидан лойқа тер сидирди. Ҳорғин кўзлари мамнунлик ва тантана билан чақнарди.

— Берлинда палов қиламиз-а, Миша, эсингдами?—деди тунов кунги гапни эслаб Турдиев.

— Бўлмасам-чи. Гап битта! Лекин кўк чойингнинг кафилини олмайман, ўзинг топасан.

— Миша, мен мана шу европаликларингга қойил эсасман, кўк чой ичмаган умр, умрми! Кофени буюм деб ўтирибди-да. Шунинг учун ҳаммасининг ранги заҳил, чиллак оёқ!

— Ўрганиш-да.

— Кўк чойни татиб кўрмаган. Кўрса-ку, кофени сдачисига олмайди!

— Эҳтимол,— деди Горкунов дўстининг шаҳдини қайтаришни истамай. Бўлмаса у бир маҳал Турдиев яраланиб қишлоғига отпускага борганида ола келган кўк чойдан тотиб кўрган, унга ёқмаган, оғзини сув очириб юборган эди. Буни Турдиевга айтганда «Айб чойда эмас, оғзингда, оғзинг касал. Докторга қарат!» деган эди.

— Эҳтимол эмас, чин!— деди қатъий Турдиев. Эшикда (улар ертўлада эди) взвод командири юборган киши кўринди ва ҳозир ўтадиган танклар билан бирга жанг қилиш лозимлиги ҳақидаги буйруқни топширди.

Ана шунда Анна Ивановнани зўр қайғуга солиб қўйган воқеа рўй берди. Шом қоронғисида бошланган жанг тун ярмига борганда роса авжига минди. Ҳар квартал, ҳар кўча, ҳар бино учун жанг борарди. Қоп-қора тун. Ўқлар учиши, гранаталар портлашигина уни ёритади. Тонгга яқин икки кўчапи кесиб ўтган йўл ёқасида жанг қилаётган Турдиев отделениеси кутмаганда командирини йўқотиб қўйди. У ҳеч қаерда йўқ эди. «Яраланган бўлса хабар қилмай кетмас эди», деса бири, бошқаси «Бирон хилватда ётган бўлмасин» деб ўз ташвишини билдирарди. Эрталаб кун ёришганда қидиришга қарор беришди. Лекин бу насиб бўлмади. Тонгга яқин душман ёрдам олиб, қарши атакага кўчди, баъзи бўлинмаларни бир оз чекинишга мажбур этди. «Командирни тополмадик-ку, эй аттанг!» деганича Турдиев отделениеси ҳам чекинди. Ҳаммадан ҳам Миша Горкунов ўзини қўйгани жой тополмасди. У бирга жанг қилиб турган шеригини қанақа қилиб йўқотиб қўйганини билмай хит эди. Унинг эсида бор: Турдиев эмаклаб олдинга ўтди, бир четда турган душман фаустпатрончисини нишонга олиб ўқ узди, у йиқилгач югуриб бориб, фаустпатронни бир неча ўқи билан олиб келди. У билан душман танкига қарши бир-икки ўқ отди. Ўқи тугагач, «истеъфога чиқди бу ҳам» деб бир чеккага суриб қўйди. Шу маҳал қаршидаги бинонинг чердагидан ўқ ёға бошлади. «Пулемёт-ку!» деди-да, ўзини четга олди, уни йўқотишни илтимос қилиб, тўпчига одам юборди. Тўпчи икки марта ўқ узиши билан пулемёт нафасидан олди. Шунда отделение сапчиб олдинга ташланди, Турдиев бу маҳал ҳам бирга эди. Кейин Горкунов нимагадир банд бўлиб, мундоқ қараса, Турдиев йўқ. У олдинга кетган бўлса керак, деб қаршидаги бинога ўзини олди, чақирди, у йўқ. Ичкарироқ кирди — ҳеч ким йўқ. Қия турган бир эшикка кўзи тушди. Кирмоқчи бўлиб турганда эшикдаги русча ёзувни ёнаётган қўшни бинонинг олов шуъласи ёритиб қолди: «Кириш қатъиян мумкин эмас!» Одатда ман қилинган нарса кишини кўпроқ қизиқтиради. Худди шундай Горкуновда ҳам «Нега мумкин эмас экан?» деган фикр кўнглида туғилди-ю, эшикни аста очиб, автоматини ўқталганича кирди. Хонанинг ўртасида бир СС формасидаги душман офицерининг мурдаси ётар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. «Оббо, лаънати аслзода-ей, ўлигингни ҳам ман тутасан-а!» деб мийиғида кулди-ю, қўшни хоналарга ўтиб кетди. Ундан яна кўчага чиқди. Отишма кучайгандан кучайган, аллақаёқдан пайдо бўлган уч-тўртта душман танки қутурган итдек кўчада изғирди. Горкунов отделение турган ерга келиб, уни тополмади. Дарров фаҳмладики, бўлинма чекинган. Бўлмаса, мана бу танклар бунчалик кезмасди. Ўзини катта бинонинг орқасига олиб, отделениени излаб кетди ва уни икки квартал наридан топди. Жангчиларнинг биринчи саволи «Қаёқда қолдинг? Турдиевни топмадингми?» деган жумла бўлди.

Бу маҳал Турдиев улардан икки квартал олдинда, ҳали Горкунов уни излаб кириб, эшигига «Кириш қатъиян мумкин эмас!» деган ёзувга дуч келган хонали бинонинг остида бомбадан яширинши учун аҳоли тайёрлаган ертўлада ўнг қўлини қўлтиқлаб, автоматини тиззасига қўйиб ўтирарди. Бу шундай бўлган эди: чердакдаги пулемёт тўпимиз ўқи билан нафасидан олгач, Турдиев бир сапчиб, уч киши билан ёнидаги тўрт қаватли бино йўлагига ўтди. Ҳеч ким йўққа ўхшаб кўринган бинода бирдан ўқ чақнаб, ёнидаги бир солдатни йиқитди. Лекин отувчи кори дор бўйлаб қочиб борарди. Турдиев унга ўқ узди. Лекин тегмади, у бир хонага кириб кетди. Турдиев тахмин билан бориб қия қолган бир хонага ўқ узди. Кимдир қичқирди, кетидан «гуп» этиб йиқилди. Эшикни очиб қараса, хонанинг ўртасида бир СС офицери яраланиб ётибди. Турдиевни кўриши билан унга тўппончасини тўғрилай бошлади, лекин Турдиев ундан кўра эпчиллик билан ишини тўғрилади, чангалидан тўппончани олиб ташқари чиқди. Бетартиб отишма борарди. Бино муюлишида душман танки пайдо бўлиб, кўчани узунасига ўққа тута бошлади. Унинг ёнидан яна иккитаси ўтиб кетди. Бир чеккада, ўз отделениесига ўтишни мўлжаллаб турган Турдиев, бирдан ўнг қўлидан яраланиб қолди. Ўқнинг қаёқдан келганини ҳам пайқамади. Панага ўтиб, бир амаллаб қўлини боғлади. Энди у душман ичида қолганди, атрофда фрицлар изғиб юришарди. Яна қайтиб бинога кирди. Аввалига қулай ер топиб фрицларни ўққа тутмоқчи бўлди. Бир-икки шундай ҳам қилди — деразалардан отиб кўрди. граната ташлади. Лекин нафи кам, ўнг қўли ишга ярамайди, яра аламга кириб боряпти. Сўл қўл билан ни иш қилиб бўлади! Бунинг устига, унинг деразадан ўқ отганини пайқабми, бинода душман автоматчилари пайдо

бўлди, унда-мунда ўқ отила бошлади. Турдиев беҳуда қурбон бўлишни лозим топмай, ўзини панага олмоқчи бўлди. «Бизникилар чекинибди шекилли, уч-тўрт соатдан кейин яна ҳужум қилиб келиб қолишади», деб ўйлади. Унинг кўз олдидан сингланси Анна Ивановна кетмас. Унинг жанг олдидан «Ўзингни эҳтиёт қил, энди топишганимизда яна бир-бировимиздан жудо бўлмайлик, жигарим» дегани, кўзига ёш олгани хаёлидан кўтарилмас, дақиқа сари меҳрибонроқ бўлиб кўринарди. Турдиев у билан меҳрибон ака-сингилдек ҳаёт кечирмоқчи, ўша Анна Ивановна ўт ичида қолган, Василиса Титовна олиб чиққан кўҳна уйни, қўрғонни обод қилиб, унда армон билан ўтиб кетган ота-онасининг чирогини ёқмоқчи.

Турдиев бинонинг подвалига тушди. Ундан хотин кишиларнинг товуши келарди, лекин ўзлари кўринмасди. Қулоқ солса, товуш ер остидан чиқяпти. Излаб топди: подвал остида ертўла бор экан. «Тушсаммикин ёки шу ерда ўтира берсаммикин?» деган хаёлда экан, ертўла очилиб, ундан бир хотин чиқди, немисчалаб «Ким бу?» деди, Турдиев мен дегандай кўриниш берди. Хотин унинг совет солдати эканини пайқади-ю «Рус! Рус!» деб бақириб юборди. Ертўлада олағовур бошланди. Яна икки хотин, бир чол чиқди. Чол Турдиевнинг бўйнига осилган қўлини кўрсатиб, хотинларга нималардир деди. Улар тинчишди. Турдиев уларга қўшилиб ертўлага тушди. Анчагина кенг, деворларига пахта ёпиштирилган, ўтириш, ҳатто ётиш учун ярайдиган сўрилар бор. Бурчакда шам милтилларди. Турдиев ўз қўлининг оғриғига қулоқ солиб, бир чеккага ўтирди, ҳар эҳтимолга қарши автоматини ёнига қўймай, тиззасига олди, сўл қўлининг бармоғи тепкида эди.

Ҳеч ким чурқ этмасди. Бурчакдан бола йиғиси эшитилди. У ҳам сал ўтмай жим бўлди. Фақат кимнингдир хириллаганга ўхшаб пишиллаши бемалол эшитилиб турарди. Лекин бу сокинлик узоққа чўзилмади. Кимдир «Бу жаноб бизнинг ичимизда нима қилиб ўтирибди?» деди. Бироқ бунга ҳам жавоб берувчи бўлмади. Фақат ташқаридан кирган ёшгина бир жувон «Ташқарида бизникилар» дегандагина ертўладагиларга жон кириб, тиллари бойронлашди. Бири «ушлаб бериш керак, бўлмаса балога қоламиз» деса, иккинчиси «ушлаб бериш-ку қийин эмас, лекин кейинчалик бир бошга учун минг бош товон тўлаб юрмасак деб қўрқаман» дерди, яна бошқаси «Биз олиб келиб яширибмизми?» деб тасалли берарди. «Ушлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бериш керак» дегувчилар кўпайиб қолди. Ҳалигина ташқаридан кирган ёш жувон масала нима ҳақида кетаётганини англаб, Турдиев олдига борди. Алланималар деди. Турдиев ҳеч бирини тушунмас, кўзини мўлтиллатиб турарди. У, бу ердагиларнинг ҳаммаси қари-қартанг ва хотин-қиз, бола-чақалар эканини аллақачон фаҳмлаб олган, булардан бирон ёмонлик кутмасди. Шунинг учун ҳам ёш жувон унга яқинлашиб гапирганда бирон нарса сўраяпти, эҳтимол, менинг қаерлилигим билан қизиқаётгандир деб ўйлади. Лекин хотиннинг нафрат билан чақнаган кўзига кўзи тушганда, асабий товушини эшитгандагина «эҳтиёт шарт, ифлоснинг эркак-урғочиси бўлмайди» деди-ю, ирғиб ўрнидан турди. Хотин эшикни кўрсатиб, «Кет!» деди. Буни Турдиев тушунди. Нима қилишни билмай қолди. Ўқ билан жавоб қайтарай деса, қуролсиз хотин кишига ўқ узиш номус, чиқиб кетай деса, ташқарида душман изғиб юрибди. Унинг жонига ўрта ёшлардан ўтган, ориқ бир киши оро кирди. У қаёқдандир жувоннинг ёнида пайдо бўлди. Ўзи ориқ, юзлари қаримсиқ, қирра бурун, бошида кўҳна фуражка. У жувонга «кўриб турибсизки, фрау, ярадор. Ярадорни ўққа тутиб бериш мардлик эмас» деди. Жувон унга «Гуманист!» деб тўнғиллади. Ориқ киши яна нималар деб, гап уқтирди. Бўлмади шекилли, Турдиевга қараб рус тилини бузиб «бу ердан кетмасак бўлмайди» деди ва уни бошлаб ташқари чиқди. Улар кетидан жувон ҳам чиқди. Жувон уларнинг олдидан ўтиб, энди подвал зинасига қадам қўйган эди, ориқ киши унинг кетидан етиб бориб, бир мушт билан орқасига уриб йиқитди ва устига ўзини ташлаб, бўға бошлади. Жувон бирпас типирлаб хириллади-ю, кейин жим бўлди. Ориқ киши нафаси оғзига тиқилиб, пишиллаганича ўрнидан турди, «Атрофда ҳеч ким йўқми?» дегандек теваракка назар ташлаб, «Қани кетдик!» деди. Юқорига чиққач, бўғиб ўлдирган жувоннинг фашист эканини, агар шундай қилмаса, панд бериши турган гап эканлигини айтди, «умримда бир марта қотиллик ҳам қилдим», деб қўйди у.

Улар Турдиев билмаган орқа эшикдан кўчага чиқдилар. Олдинда ориқ немис борарди. Икки гапнинг бирида «Адашиб қолманг!» дер эди. У ҳали ҳам ўзига келмаган, жувонни бўғиб ўрнидан турган вақтдагидек энтикиб нафас оларди. Чиндан ҳам унинг илк бор қотиллик қилгани кўриниб турарди.

Кўчада мурдалар ётар, вайрона бинолардан қора тутун буруқсар, аллақаерда гумбурлаб тўп ва замбарак ўқлари портлар, автомат тарсилларди, самолёт қанотларидан турли ҳажмдаги бомбалар даҳшатли вижиллаш билан шўнғир, юракни ларзага келтирувчи ваҳима билан портлар, ер, дарахтлар силкинар, бинолар оёғидан дармони кетгандек қулар, чўкар, эшиклар, деразалар, кесакилар қоғоз сингари пирпирак бўлиб учиб кетар, ойналар, сувоқлар қумдек шувиллаб тўкиларди. Олов илон тилларини кўкда ўйнайди. Ҳамма ёқ чанг, тўзон, тутун ва аллақандай қўланса ҳидлар билан тўлиб кетган. Аллақаерда кимдир фарёд чекади, оғир ярадор инграйди. Кўчалар ғишт, цемент, турли-туман темир-терсак, столбалардан узилиб тушган, чигал бўлиб кетган симлар, ердан учиб кетган вивескалар, тунукалар билан тўла. Куйиб битган юксак бинолардан қолган дераза ва эшикларнинг ўрни ситилиб оққан кўздек даҳшатли кўринади. Тутун тўла баҳор шамоли китоб варақларини, газета ва қоғоз парчаларини учириб юради, гоҳ бир ерга йиғиб ғуж қилади, гоҳ яна аллақаерларга елдириб олиб кетади. Илиниб қолган вивескалар ва дераза ромлари шамолдан тебранади, нола қилгандек товуш чиқаради.

Бу ярим вайрона, куйиб ётган кўча Гансга (ориқ немиснинг исми Ганс эди) болаликдан таниш. Биринчи бор унинг мурғак йиғисини эшитган ҳам, охирги марта турмага кузатиб қолган ҳам шу кўча. Шу кўчадан ўн беш ёшидан бошлаб заводга ишга қатнади. Унда кўзи очилди, ақлини таниди, илғор фикрлар билан танишди. Ганс ана шу фикрлар билан танишган кунни умрининг энг бахтли, сермазмун, ҳаётбахш кунлари ҳисоблайди. У аввалларн инсон кулгиси, табассуми курашида қанча-қанча маъно, эҳтирос борлигини англамас, асл инсон фазилатларини, гўзалликларини англаб етмасди. Унинг назарида инсон бир амаллаб тирикчилик қилиш, фақат тирикчилик қилиш учунгина яшарди, инсоннинг ҳаёти, орзуси, кураши, истиқболи унинг учун туманга бурканган узоқдаги тоққа ўхшарди, уни на аниқ кўрар, на унга етмоқни хаёлига келтирарди. У илғор фикрлар билан танишди-ю, ўзининг шунчалик гўллигидан узоқ вақт кулиб юрди. Ана шундан бошлаб сиёсат оламига кира борганини ўзи ҳам пайқамай қолди. Ундаги бу ўзгариш уни аста-секин фашизмга қарши позицияга олиб келди. Оқибатда у қувғинга учради, концлагерга тушди. Не-не машаққатларни торт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Лагердан коммунистлар кўмагида қочди. Яна қўлга тушди. Бу гал лагерь эмас, турмага тушди. Бир рус офицери билан олти ой яшади, тил ўрганди, тил ўргатди. Рус офицери унинг ҳаётга, озодликка, келажакка бўлган ишончига ишонч қўшди, ақлига ақл, тажрибасига тажриба қўшди. «Фашизмнинг емирилиши шаксиз, Ганс, ёмон уруғдан яхши мева битмайди, у қуриб битади, азизим!» дер эди у рус. Афсус, у офицер озодликни кўрмади, унинг юраги касал эди, бир туни приступ берди-ю, ҳалок этди. У ҳалок бўлган кунининг учинчи ҳафтасида совет танкчилари турмага бостириб кирдилар ва уларни озод этдилар. Илк баҳор билан бошланган унинг шахсий озодлиги қалбида олам-олам севинч яратди, баҳор нафаси билан юраги урди. Ҳаётга, истиқболга бўлган ишончини яшнатиб юборди. Озодлик! Оҳ, озодлик! Сендан кўра тотли, гўзал, сендан кўра олижаноб нарса борми, оламда! Сенинг нафасингда ҳаёт бор, кураш бор, ижод бор, муҳаббат бор, истиқбол бор! Сенинг нафасинг чақир тошларда гул ундиради, саҳроларда чаман яратади, қалбларда ҳавас, умид ва эҳтирос туғдиради, турғунликдан ижодга, тушкунликдан виқорга, ҳаётга чақиради. Оҳ, озодлик! Сенинг нашъабахш ипак қанотларинг остида инсон не-не мўъжизалар яратишга, олтин келажакка битмас-туганмас умидлар боғлашга, уни ўз қўли билан, ўз меҳнати билан жилолашга қодир. Бир қултум сувга зор бўлиб, турма камераси туйнугидан кружка узатиш қаёқда-ю, ўз эркингни барала куйлаб, унинг ҳимоячиси бўлиш, унда дориламон яшаш қаёқда! Ганс саҳро қушларидай эркин эди. У кўп ўйлаб ўтирмади, ўз уйига йўл олди. Не кўз билан кўрсинки, у яшаган бино ўрнида хароба, ғиштлар уюмигина бор эди. «Наҳотки хотиним, ёлғиз ўғлим ҳалок бўлган бўлса, деди-ю, эс-ҳушини йўқотиб, турган ерида ўтириб қолди. Қанча ўтирганини билмади, бир маҳал осмонда самолётлар пайдо бўлди, бири кетидан бири шаҳарни бомбалай бошлади. Бир бомба у ўтирган ердан юз метрлар чамаси нарига тушди. Унинг портлаши Гансни ўзига келтирди. Шу маҳал бир хотин киши «Бу ёққа, бу ёққа!» деб бақирди. Ганс товуш келган томонга қочиб, унинг етакчилигида Турдиев тушиб борган ертўлага яширинди. Турдиев кириб боргандан кейинги гап-сўзларга аввалига парво қилмади, лекин бундоқ қараса, рус солдатини нобуд қилиб қўйишадиган. Унинг юраги «Тур, Ганс, ўз инсонлик бурчингни ўта!

Сенга озодлик берган, ҳаёт берган шулар!» деб типирчилай бошлади ва чидаб туролмади...

Турдиев Ганс етакчилигида гоҳ вайрона бинолар ичидан, гоҳ чердакдан чердакка ўтиб анчагина йўл босди. Гоҳ деворларга қапишиб, бир кўчадан иккинчисига чопиб ўтишарди. Баъзан ётиб эмаклашга тўғри келарди. Турдиев бузуқ девордан ўтаётганда яра қўлини уриб олди. Қўли шундай оғриб кетдики, беихтиёр бақириб юборди. Худди шуни кутиб тургандек автомат тарсиллади, чумчуқ галасидек учиб келган ўқлар Турдиев эндигина ошган деворга қадалишди. Ўқларнинг қаёқдан чақнаганини билишолмади, лекин улар девор остидан чиқиб эмаклашлари билан яна сочилди. У ерни айланиб ўтишга тўғри келди. Бир оздан кейин яна ўқ остида қолишди. Бу гал четлаб ўтишнинг иложи йўқ эди. Қаршилик кўрсатишга тўғри келди. Турдиевнинг қўли оғриққа кириб кетган, ишга ярамасди. Унинг автоматини сўраб олган Ганс қўлидан келганича ўқ чиққан томонга отиб турди. Лекин бу бефойда эди. Қараса, ҳадемай, ўқ тугаб қоладиган. Унда нима? У шундай қарорга келди: у ўқ отиб душманни чалғитиб туради, шу пайтда Турдиев мўлжаллаган ерга ўтиб олади. Худди шундай қилишди. «Қутулдик» деди севинчдан Ганс. Бироқ сал ўтмай яна душман мудофаасида ўтирганларга дуч келиб қолишди. Бу гал отишувга тўғри келмади. Уларни пайқаган Ганс «Бу ёқдан кетдик!» деди-ю, Турдиевни енгидан тортди. Бошқа ёққа бошлади. Унинг кўзлари ишонч билан порларди.

Турдиев ҳақида бирор хабар тополмай, Элмурод олдидан ғамгин қайтган Анна Ивановна узоқ бардош беролмади, сабр косаси тўлиб-тошди. Кечгача, Элмуроднинг ройишига қарамай, унга уч-тўрт телефон қоқди. Ҳатто бир гал Элмурод «Анна Ивановна, кечирасиз, халақит беряпсиз. Жанг кетяпти ахир!» деса ҳам парво қилмади, ичида «Нима қилай, бошқа иложим бўлмаса!» деб ўзини юпатди. У санбатга келган ярадорларни қабул этар, уларга тиббий ёрдам кўрсатар, ора-чора ярадорлардан ўз акасини сўраб қўярди. Ярадорлар худди олдиндан келишиб олгандек «Хабаримиз бўлмади» дейишар, баъзи бири унинг ғамгин сузилиб турган қора кўзларига бир назар ташлаб «Қўрқманг, соғинган бўлсангиз, келиб қолади» деб кулади, суриштирган кишиси ёри бўлса керак деб ўйлайди. Ҳатто баъзи турмуш тажрибасига бойроғи «Хафа бўлиш бефойда, бахтингиз билади, қиз!» дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Анна Ивановна биринчи куни «Ана хабар чиқиб қолар, мана хабар чиқиб қолар» деган умид билан яшади. Гарчанд эрталаб «Кечроқ, ярадорлар оёғи товсиллаган чоқда Элмурод олдига бир бориб, яхшилаб суриштириб келаман» деб кўнглига тугиб қўйган бўлса ҳам, кечга бориб ботинмади. Назарида Турдиев «Зориқтириб қўйганим учун узр, Мастура!» (Турдиев кейинги кунларда уни шу ном билан атарди) деб эшикдан кириб келаётганга ўхшарди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Тун қоронғиси тушуви билан унинг юрагига ҳам қайғу туни, қоп-қора қайғу туни чўкди, қора тун унинг кўнглини эмас, бутун вужудини, фикр-ўйини чулғаб олди. Энди хаёлидан мудҳиш ўйларгина кетмай қолди. Кўзидан ёш тирқиради. Бунинг устига, бир маҳал ҳаммом қиздириб, чўмилишга таклиф этган, унинг тожини кўриб, гўё ҳайрол қолган ширин сўз, меҳрибон ҳамшира кириб қолди.

— Ана холос,— деди у,— йигига бало борми! Дунёда қайғу чекаётган ёлғиз сизми! Менинг эрим ўлмабдими, фарзанд кўммабманми! Агар ҳаммамиз йиғласак ер юзини кўл босиб кетар, ишга бўш вақт қолмас. Тўғри, биз, хотинларнинг дийдамиз бўшроқ бўлади, баъзан йиғи юракни бўшатади. Лекин вақти бор. Сиз нега йиғлайсиз? Эҳтимол тирикдир! Йиғлашга ҳеч вақт кечикмайсиз. «Салом синглим!» деб эшикдан кириб келиб қолса, нима деган киши бўласиз?! Сабр қилинг!

— А, ростданми? Келиб қолармикан, тирикмикан, ҳамширажон!— деди кўнгли ёришиб Анна Ивановна.

— Ажабмас! Ҳали ўшанда ҳам кўз ёши керак бўлади, ҳаммасини адо қилиб қўйманг,— деди меҳрибон ҳамшира Аннанинг елкасидан қучоқлаб, бағрига тортиб.

Меҳрибон ҳамшира унинг анча кўнглини кўтарди, алам ҳовурини босди, юрагига умид-орзу тўлдириб кетди. Анна Ивановна туни билан тинч ухлади. Лекин эрталаб, Элмурод батальонининг аввалги позициясига чекинганини эшитиб, яна юраги шувиллаб кетди. «Модомики, акаси улар билан чекинмабди, демак у ё ўлган, ё яраланиб, душман қўлида қолган», деди-ю, кўз олдига бир фильмда кўрган лавҳа келди: Турдиев душман қўлига тушган. Фриц обдан қийнаб, керакли маълумот ололмагач, уриб-уриб молхонага чиқариб ташлаган. Оғзидан қон оқиб, беҳуш ётибди. Ҳеч кимнинг жони ачимайди...

Анна Ивановнанинг кўз олди қоронғилашиб, оёғи куйган товуқ ҳолатига тушиб қолди. «Майли, трубкани

қўйиб қўйса ҳам, чекиниб, аламда бўлса ҳам яна бир телефон қилай» деб энди эшикка чиққан эди, меҳрибон ҳамшира ярадорлар келтирилганини айтди.

— Биттаси Элмурод батальонидан, оғир ярадор,— деди меҳрибон ҳамшира у билан ёпма-ён бораётиб.

— Элмурод батальонидан?!— деб сўради Анна шошиб.

— Ҳа, кўкрагидан яраланган.

Анна Ивановнанинг назарида у ярадор Турдиевга ўхшаб кетди. У ҳамширанинг ҳам шунга ишора қилганини пайқади. Лекин ҳамшира «Аканг, сенинг акангдир!» деёлмас, чунки у Тудиевни эшитгану, ҳеч кўрмаган эди.

Ярадор, Элмурод батальонининг шу вақтгача алмашсиз штаб бошлиғи, «кўзга ташланмас» Йўлдош Отаев эди. У, бугун, гитлерчилар ғарб томонидаги қўшинларидан мадад олиб контратакага кўчганда «Берлинда чекиниш уят!» деб штаб охранидаги автоматчилар билан қолиб жанг қилди. Батальоннинг қулай позиция тутишига шароит туғдириб берди ва ўзи ярадор бўлди.

Анна Ивановна кирганда у операция столида ётарди. Қора мағиз ранги оқарган, қўй кўзлари ранги оқарганидан қора бўлиб кўринар, ҳар вақтдагидек вазмин, нишон олгандек бир нуқтага ўйчан термиларди. У шахмат ўйнаган чоғида қизишиб кетса ва жиддий тус олса шундай боқиб қолгувчи эди. Лекин нафас олишда қийналаётган бўлса керак, бурун парраклари учиб турарди.

Анна Ивановнани чақиртирган хирург «Яраси оғир, тезда операция қилмасак бўлмайди, ёрдам беринг» деди ва унинг рози бўлишига имони комилдек, ҳамширага асбоблар тайёрлаш ҳақида фармон берди.

Бир соатлар чамаси чўзилган операция кўнгилдагидек ўтди. Ҳаётда босиқ ва оғир бўлган Йўлдош операция давомида «ғиқ» этмай, тишини тишига қўйиб ётди. Жони жуда қийналиб кетган вақтдагина, товуш чиқариб юбориб, уятга қоладигандек, баъзан дам паст, дам юқори лабини тишлаб ётди. Операция тугагандан кейин тишлашдан кўкариб кетган лабларини кўриб, хирург «ана матонату, мана бардош» дегандек бошини силкиб қўйди, нариоқ бориб Анна Ивановнага: «Бу иродаси билан, албатта, тузалиб кетади» деди.

Йўлдош операцияхонадан чиқаётганда Анна Ивановнани имлаб чақирди.

— Турдиевдан ҳали ҳам дарак йўқ. Жанг кўрган яхши йигит эди. Қўрқманг, тегирмонга тушса бутун чи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қади,— деди пичирлаб ва кейинги жумласи ўзига ҳам кор қилдими, юзида табассум пайдо бўлди.

Йўлдошнинг бу сўзи Анна Ивановнанинг ярасини яна тирнагандек бўлди. Хона торлик қилиб кетди. Ташқарига чиқди. Узоқда ҳамон гумбур-гумбур, уфқда олов лоплоп кўтарилиб тушади, қора тутун буруқсаб кўкни тутади. Бу Берлин. Берлин ёнмоқда, Берлин кўчаларида жанг бормоқда, Берлин ўзи бошлаган қонли урушнинг даҳшатларини ўзи синаб кўрмоқда. Унинг осмонидан самолёт аримайди, кўчаларида снаряд, гранаталар портлаши тинмайди, ўқлар гала-гала чуғурчиқлардек учиб юради.

Анна хаёлидан шуларни ўтказиб, Берлинга термилиб тураркан, полк командирининг чопари мотоциклда ўтиб қолди. Анна Ивановнани кўриши билан бирдан тормоз берди, кичик бир доира ясаб, унинг олдида тўхтади:

— Қани, Анна Ивановна, бир ўйинга тушиб юборинг, хушхабар: Турдиев тирик! Ҳозир бир немис олиб келди,— деди оғзининг таноби қочиб. Анна Ивановна қанақа қилиб зинадан тушганини, «Раҳмат! Раҳмат азизим!» деб чопарнинг юз-кўзларидан ўпганини билмай қолди. Бирдан уни қўйиб юборди-ю, елиб қолди. Чопарнинг «Мингашинг, обориб қўйишим мумкин» дегани ҳам қулоғига кирмади. У нафаси оғзига тиқилиб, етиб келганда Турдиев инграб носилкада ётарди. У Ганс билан келаётганда яна қорнидан ҳам ўқ еган, уни Ганс опичлаб, минг азоб билан зўрға олиб келган эди. Ганснинг йўлда жуда қийналгани юз-кўзидан кўриниб турарди: у терга ботган, орик юзидаги томирлари ўйнаб кетган, дам ўтмай манглайидан терини артарди.

Анна Ивановна Турдиевни кўрди-ю, унга ўзини ташлаб юзидан ўпди, бағрига босди.

Элмурод «Дарров қаёқдан хабар топа қолди экан?» деб Анна Ивановнага қараб турарди.

— Секинроқ,— деди Элмурод унга лабида кулиб,— қорнидан яраланган. Қўрқманг демабмидим, кипшни ҳам қон қилиб юбордингиз.

Бу гаплар Анна Ивановнанинг қулоғига ҳозир кирмаслигини билган Элмурод, Ганс билан бошлаган суҳбатини давом эттирди:

— Ҳозир келган йўлинглардан бир бўлинмани бошлаб бора оласизми?— деди Элмурод Гансга. У, Ганснн суриштирган, билган, унинг соф виждонли киши эканига ишонган эди.

— Нега мумкин бўлмасин, албатта, мумкин. Лекин менга ҳам қурол беришингиз керак бўлади.

— Берамиз, хотиржам бўлинг. Душман орқасига ўтиш айни вақтда бизга жуда зарур.

Элмурод полк штаби билан гаплашиб, душман орқасига бўлинма ташлашга розилик олди, тайёрланишга буйруқ берди. «Поход олдидан тўйиб олинг, ўртоқ Гапс!» деб унинг олдига дастурхон ёзди. Овқат унинг томоғидан қувурдан ўтаётган сувдек ғулт-ғулт қилиб ўтарди.

Анна Ивановнанинг бу севинчи ҳам аввалгисидек узоққа чўзилмади, қора либос кийди. Турдиев тонгга яқин санбатда жон берди. Худди шу пайтда Ганс бошлаб кетган бўлинма душман орқасида муваффақият билан жанг олиб борарди. Пайтдан фойдаланган қисм анча олға сурилганди. Элмурод эса ўз штабини Турдиев билан Ганс учраган ўша подвалга кўчириб, олдинга силжиётган батальонга раҳбарлик қиларди.

IV

Бондарь Парижда турган немис қисмида командир бўлган бир офицернинг ҳиқилдоғидан хиппа бўғиб келиб, истеҳзо билан «Мана бу киши жуда табаррук фашист. Бу жаноблари шунинг учун ҳам табаррукдирларки, Парижда Наполеоннинг каравотида уч кеча тунаганлар» деган куннинг эртасига совет қўшинлари Берлинни ишғол қилдилар. Бир ҳафтадан кейин уруш ҳам тугади.

— Ростдан тирик қолдимми, а?— деди яна Бондарь қувониб,— мени ўлдириш учун фриц отган ўқ бирор тонна келиб қолар.

— Бир тракторга етади,— деди Горкунов.

Тўғри, сўнгги вақтда урушнинг шу яқин кунларда тугаши ҳақида кўп гап борарди. Ҳамма ўз режасини айтарди, ҳатто баъзилар «Наҳот тинч кунлар ҳам келади» деб кулиб қўярди, чунки бундайлар уруш бошидан бери жанг майдонида, уларнинг назарида ҳаёт ўзи урушдан иборат, уруш оддий ҳаётга ўхшарди. Гарчанд Берлин олингандан кейин ҳар дақиқа уруш тугашини кутсалар ҳам, лекин бугун-эрта тугашига ишонмагандек бўлардилар. Кимлар «уруш қандай қўққисдан бошланган бўлса, худди шундай бирдан тўхтайди» дерди.

Мана у орзиқиб кутилган кун, ҳар ўқ учган сари яқинлаша-яқинлаша охири ўз дийдорига муяссар қилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

қутлуғ ва шарафли кун келди. О, у куннинг тантанасига, кувончига тенг келгудек не бор! Автоматлар, милтиқлар, тўппончалар оғзидан кўкка қараб ўқ ёғдирилди, бу кўкка қараб, севинч билан, тантана билан, қийқириқ ва шонли «ура!» билан буйруқсиз, бенишон отилган илк ўқлар эди.

Элмурод уруш тугагандан кейин батальонни тартибга солиш, тайинланган ерга жойлаштириш, кийим-бошларини янгилаш билан бўлиб, бир неча кун шаҳарга чиқолмади. Фақат бир баҳона билан чиқиб, кечгача шаҳар кезган Бондардангина «ахборот» эшитди. У, «Шаҳари менга ёқмади! Фашистларнинг ёвуз кўнглидай бинолари ҳам қоп-қора, мудҳиш, вайрона! Кўча тўла одам, бирон-тасининг тилига тушунсам ўлай агар. Буларники бошқача, фронтдагиларникига ўхшамас экан» деб келди ва бошқа кўчага чиқмай қўйди.

Элмурод кўчага чиққанда шаҳарда ҳаёт бошланиб кетганди. Баҳор ўз ҳукмини ўтказган: ҳатто урушда бузилган биноларнинг уюм-уюм ғиштлари орасида ҳам гиёҳлар кўм-кўк ниш урган. Улкан ва салобатли бинолар пештоқидаги, тўғри ва кенг кўчалардаги нақшли, жимжима немисча ёзувлар, кишиларнинг унча яхши таниш бўлмаган тилдаги тинч ва сокин суҳбатлари Элмуродга «чет элда» эканини эслатди. «Ҳа, шундай! Бу, чет эл — Германия», деди у ўзича ва шу замони унинг хаёлидан «Наҳотки, шу тинч, шинам ва файзли уйларда туғилган, улғайган, уйланган, бола-чақа қилган кишилар бизга душманлик қилиб, ёвуз ният билан уруш очдилар, тиштирноғигача қуролланиб, жон-жаҳди билан жанг қилдилар?» деган ўй ўтди. Унинг бунга ишонгиси келмасди. Бақаранг шинелли, қора автоматли, у билан тўрт йил бўйи жанг қилиб, уни уч марта яралаган немис бошқага ўхшаб кўринарди. Улар алоҳида табақа бўлиб, бу ерларда туғилиб ўсмаганга ўхшарди. Чиндан ҳам унинг атрофида ўз ташвишлари, умид-орзулари билан ўтиб бораётган кишиларнинг уруш билан иши йўқ эди. Лекин, нима учундир улар Элмуродга ҳадиксираб, қўрққансимон қараб қўярдилар, гўё уларнинг бу қараши «Истиқболимиз тақдири сенинг қўлингда, ўзингга инсоф берсин!» дерди.

Элмурод шошмас, салмоқлаб юриб борарди. Ҳар бир кўрган нарсасини кўнглига муҳрлаб олмоқчи бўлгандек синчиклаб кузатарди. Икки кўчанинг муюшиға келганда шляпа кийган, енгил нальтосининг ёқасини кўтарган ўрта ёш киши унинг йўлини тўсиб чиқиб, шляпасини

сал кўтарди-да, немисчалаб, «Ўртоқ, совет комендатураси қаерда, биямайсизми?» деб сўради. Элмурод билмаслигини айтди-ю, лекин билмаганига ачинди, орқасидан қараб қолди. Ҳаммадан ҳам унга немиснинг «Ўртоқ» дегани ғалати туюлди. Бу сўз немис оғзидан ажиб бир маънода, Элмурод шу вақтгача салмоқлаб кўрмаган чуқур бир маънода жаранглади, унинг қалбида иссиқ ва самимий туйғу уйғотди, «Чин кўнгилдан, очиқ қалб билан «Ўртоқ» деган бўлсанг, раҳмат!» деб қўйди кўнглида ва юзига табассум тўлқини ёйилди, яна унинг орқасидан қараб қўйди. Немис хотиржам қадам ташлаб борарди.

Элмурод кенг ва очиқ майдонга чиқиши билан қаёқдандир пайдо бўлган каптар худди унинг боши устига келганда рақс билан кўкка кўтарилди ва яна ажойиб муқомлар билан қанотини қанотига уриб, пастга туша бошлади. Унинг учишида, ўйинида кишини мафтун этувчи жозиба, ажойиб санъат бор эди. Каптар бир-икки ўйин кўрсатиб, сўнгги марта майдон устида айланди-да, кўздан ғойиб бўлди. Ана шунда Элмурод кейинги йиллар мобайнида биринчи марта осмонга бехавотир боқди. У, шу кунгача осмонга бефарқ ва бепарво қарамасди. Чунки унда ҳам ажал кезарди, кутмаганда душман самолётлари пайдо бўлиши мумкин эди. Энди-чи? Энди каптар учмоқда. Энг покиза, безиён ва маъсум парранда — каптар учмоқда. Элмурод болалигидан каптарларни яхши кўрарди. У бола экан, уйидан унча парида бўлмаган мадраса қуббаларида каптарлар ғич-ғич эди. Улар дам қўниб, дам сирпаниб гумбазда базм қурардилар. Кеч бўлди дегунча мадраса ёнидаги терак, тўп қайрағочларга ёпирилиб, унинг шохларини эгиштар, оламни ажиб ва маъсум ғу-ғулари билан кўмиб юборардилар. Улар кўк каптар, беозор қушлар эди. Уларга ҳеч ким озор бермас, улар ҳам ҳеч кимга зиён етказмас эдилар.

Элмурод ана шу бегона юртда ногоҳ кўзга ташланган якка каптарнинг ортидан кузатиб, ўзининг ўша она шаҳридаги гала-гала каптарлар базмига боқиб, томоша қилиб ўтказган бегуноҳ болалигини эслаб кетди. Нақадар тотли, нашъали кунлар эди ўша кунлар — беозор каптарларга улфат бўлган кезлар! Дадасига ялиниб-ёлвориб тариқ харид қилдирарди-да, уларга сепарди, уларнинг талашиб, қанотлари билан ел шопириб, ғу-ғулашиб дон чўқишларини янада завқ билан томоша қиларди, олам-олам қувончга тўларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ана шундай беозор кaптарлар сайри безаган осмонда инсонни қириш учун қонли самолётларнинг учиши нақадар даҳшат! Қўй, беғубор, шойи осмонда каптарлар учсин. Боқинг-а! Осмонга у қандай ярашади! Улар инсон кўнглига тинчлик ва ором бахш этади.

Элмурод бениҳоя шод эди. Бу лаҳзада урушнинг бутун даҳшатларини, у туфайли чеккан заҳматларини унутиб юборганди. Кўзига ёт кўринган жимжимали немис ёзувлари ҳам, томлардаги қизил ва майда черепицалар ҳам, серташвиш ва хомуш елиб-югурган кишилар ҳам, ҳатто вайрона бинолар ғиштлари орасидан униб чиққан кўм-кўк майсалар ҳам энди тинчлик, осойишталик истаётгандек, шунга муҳтож ва илҳақ бўлиб яшаётгандек бўлиб кўринди унга. Уларнинг ҳеч бирида у уруш чанқоқлигини, машъумликни кўрмасди, сезмасди, гўё ҳалигина кўздан ғойиб бўлган каптар ҳам тинчлик рақсини кўрсатиб кетганга ўхшарди. Тинчлик! Тинчлик!

Кунлар момақалдироқдан сўнгги сокинликни эслатарди. Наҳот уруш тугади?— кишининг ишонгиси келмасди, гўё катта жанглар ўртасида бўладиган паузага ўхшайди. Йўқ, бу ундай пауза эмас, мангу давом этиши лозим бўлган сокинлик!

Элмуроднинг қанчалик ишонгиси келмаса ҳам, бу, чин тинчлик эди! Ахир шунча йилги жанг суронларидан кейин, бирдан бошланган тинчликка ўрганиш, унга ишониш енгил ғапми!

Элмурод шаҳарнинг бир қисмини томоша қилгач, қайтишда полк штабига кириб борди. Ҳар қачонгидек соқол-мўйлови тоза қирилган, мис тугмалари йилтиллаган, хром этиги боқувга қўйилган отнинг сағринидек ярақлаган полк командири «подполковник-аккурат» у билан қўл олиб кўришди ва қўлини қўйиб юбормай туриб, «майор» унвони берилиши билан уни табриклади. Подполковник унвон олиш навбатдаги оддий ишдай, унинг «раҳмат!» дейишига ҳам қулоқ солмай, ишга кўчди:

— Демобилизация учун, буйруққа кўра, рўйхатни тезлатинг, майор! Миссиямиз тугади.

Бу сўз Элмуродга тинчлик бошланганини яна бир қайта эслатди.

— Эшитаман!— деди у жанг вақтларидагидек тик қотиб. Лекин бу ҳаракати, нима учундир, ўзига эришдек ғалати кўриниб кетди, ярашмаётганга ўхшади.

— Энди иккинчи фронтни, меҳнат фронтини, формасиз, ўқ-дорисиз фронтни тўлдириш керак, дўстим. Меҳнат фронти асл фронт, ҳамма фронтдан кўра шарафли ва олижаноб!

— Мен ҳам худди шу фикрдаман, ўртоқ подполковник!

— Менимча, биз ҳаммамиз шундай фикрдамиз. Бирорта совет солдати топилмаса керакки, буни рад этсин. Улар аслида ўша фронтнинг, меҳнат фронтининг мангу солдати. Бу фронтни ўша фронтга яна мангу қайтиш учунгина ихтиёр этганлар. Афсус, кўплар қайтолмади, сафдан чиқди.

Элмурод кўз олдига «ялт» этиб полковник Ягупов, лейтенант Махалов, комиссар Ракитин, кекса солдат Горкунов, фронтда эсини таниб, тобланиб пишган Мамажон Турдиев, севиклиси Зебо ва яна ўзи билан жанг қилган талайгина кишилар келди. Кўзига ёш қалқди.

— Тўғри, ўртоқ подполковник, бу уруш бизга жуда қимматга тушди, бениҳоя қимматга тушди.

Орага жимлик чўкди, гўё икки жанговар солдат қурбонлар шон-шарафи учун сукут сақлаб, уларни эслаб турарди. Охири подполковник вазмин деди:

— Шундай! Мангу шон-шарафлар бўлсин уларга!

Яна жимлик чўкди. Бир оздан кейин Элмурод ҳарбий қоидани бузиб бўлса ҳам, беижозат хонадан чиқди. У қурбонлар шарафига эгилган бошни кўтаришни, сукунатни бузишни истамади.

Батальонга қайтиши билан Бондарь унга бир хат тутди ва деди:

— Ҳув, Кавказда артистлар билан келиб-кетган жувондан.

— Ким айтди? Очдингми?

— Йўқ. Адресдаги хати кўрсатиб турибди-ку.

Хат чиндан ҳам Муҳаррамдан эди. Элмурод Бондарнинг зийраклигига қойил бўлиб, елкасига қоқди, Бондарь баъзан шундай «мўъжизалари» билан уни қойил қолдирарди.

Элмурод хатни очди. Муҳаррам уни ғалаба билан табриклар, унинг тезроқ она шаҳрига қайтишига кўплар қатори муштоқлигини айтарди. У, шу жумлага алоҳида диққат берган, охирига иккита хитоб қўйиб, «муштоқ» сўзининг остини чизганди. «Гул кўтариб вокзалга чиқишимга шояд қарши бўлмасангиз. Сиз келгунча парклар ҳам роса ҳуснга киради, бу йил ҳафсала билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

парварин қилишянти, жуда кўнгилли бўлса керак, айниқса Комсомол кўлининг оқшомини асти қўйинг! Ойдин тунда қайиқда бир айланиб чиққанга нима етсин!» деган жумла унинг димоғига жуда бошқача, шу кунгача номаълум бўлган ҳид билан урди, кўнглини алланечук нурга тўлдирди.

— Яхшиликми?— деди уни кузатиб турган Бондарь.

— Яхшилик.

— Бундан буёқ яхшилик бўлаверади, ўртоқ капитан,— деди Бондарь гўё хатдаги гапдан хабардордек,— кутадиган кишингиз бўлса бор. Менга оғир. На кутувчим бор, на қайтишга уй-жой. Нима қилишимни билмайман. Мени овутиб турган уруш ҳам тугади. Аввалги «касбим»га қайтмоқчи эмасман. Ўша кунларимни эсласам юрагим орқамга тортиб кетади. Ўша вақтда номус қилмай, яшаб юрганимга ҳайронман ўзим. Бошқа ҳунарим йўқ.

— Аввало мен сенинг сўзингга битта тузатиш бериб қўяй,— деди кулиб Элмурод,— бугундан эътиборан мен капитан эмас, майорман.

Командирини яхши кўрган Бондарь бирдан яшнаб кетди, оғзининг таноби қочди:

— Погонни алиштиринг-да, бўлмаса!

— Топиш сендан.

— Ҳозир интендантдан олиб келаман, лекин зиёфати сиздан. Неча кишилик стол тузаймиз?

— Бу ёғига ҳали тўхтаб тур, ўзим айтаман,— деди Элмурод унинг ҳовлиқишини босиб.— Биласанми, Бондарь, агар хўп десанг сенга бир маслаҳат бор. Мен буни уруш тугагандан бери ўйлаб юрибман. Сен гап очмасанг ҳам ўзим айтмоқчи эдим. Педагог бўлганим учун мен ҳам яқин орада демобилизация этилишим керак. Шунгача буни ҳал қилсак яхши бўларди.

Бондарь «Хўш, бу қандай гап экан?» дегандек унинг оғзини пойлади, умрида унга ҳеч ким ғамхўрлик қилмаганиданми, кўнгли юмшаб, лабига табассум югурди, у мамнун эди.

— Унут бўлган ўтмишингни эслашингнинг энди ўрни йўқ. Болалик хатоинг учун тақдир сени керагича жазолаган. Энди сен у кунлардан асло қайтмас бўлиб ажралгансан. Модомики шундай экан, сени тўғри йўлга солган ҳаётда умрбод қол.

— Солдатликдами?

— Аввало сен солдат эмассан, сержантсан, икки орден, бир медалли сержантсан. Ўқишга кет, офицерликка ўқи, биз тавсия этамиз. Жанговар тажрибанг етарликча бор. Истасанг денгизчилар мактабига боришинг мумкин.

Аввал ажабланиб турган Бондарни сўнгги жумла қувонтириб юборди. Денгизчи бўлиш унинг кўпдан бери орзу қилган айни муддаоси эди.

— Денгизчилар мактабига оладими?

— Нега олмасин, олади.

— Бўпти, мен розиман. Рядовой бўлсам ҳам майли!— деди ҳаяжонланиб Бондарь ва меҳрибон командирининг қўлини сиқди. Бу хушхабарни энг севимли кишисига етказадигандек чопиб кетди. Унинг орқасидан Элмурод «фронт ўзи зўр мактаб» деб кўнглидан ўтказди. У ғойиб бўлгач, Муҳаррамнинг хатини яна қўлига олди. Хатга кўз ташлар экан, Муҳаррамнинг «Гул кўтариб чиқишимга нояб қарши бўлмасангиз...» деган товуши қулоқларида жаранглагандек бўлди. Шу жумладан яна кўнглига аллақандай ёркин нур қуйилаётгандек бўлди.

Элмурод Йўлдошнинг яраланганини эшитиб кузатув пунктидан келганда уни олиб кетиб қолишибди, хайрлашолмай қолди. Санбатга боришга вақти бўлмади — жанг қизғин борарди. Бирор госпиталдан ёзар деб шунча хат кутди, бўлмади. «Эҳтимол Берлин атрофидаги госпиталлардан биридадир, унда бориб кўрмасам уят!» деди-ю, қаёққа жўнатилганини билгани санбатга келди. Унга биринчи учраган киши Анна Ивановна бўлди. У, Турдиев қайғусида анча гўшт қочирган, «мана мен, бутун ҳуси менда, менга боқсанг қалбимни кўрасан» деб ёниб турадиган қора, сузук кўзлари энди сўлғин, маъюс боқади. Қадам олишлари ҳам оғирлашган, бошини қуйи эгиб, сал елкасига ташлаб юради. Уни илк бор кўрган кишиёқ «бунинг юраги қайғу тошлари орасида сиқиқ» деб дарров пайқайди. У Элмуродни хомуш кутиб олди:

— Қандай шамол учирди?

— Сизни соғиндим, кўргани келдим,— деди Элмурод унинг юмшоқ қўлини сиқаркан табассумда.

— Нақадар олижаноблик! Ташаккур! Лекин афсуски, бу келишингизнинг сабаби бошқа.

Элмурод Анна Ивановнанинг уни кутмаганини билар, унинг гапига ишонмаётганини ҳам сезиб турарди. Бунга сабаб бор: Анна Ивановнанинг бошқа кишига, бир хирургга кўнгил қўйганидан хабардор эди. Хирург ҳам уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

кафтида кўтариб пуф-пуфларди. Буни Элмурод десантдан оёғи синиб қайтгандан кейиноқ пайқаган эди. Ярадор бўлиб кетишда йиғлаб қолган Анна Ивановна қайтганда уни совуққина, оддий танишдай кутиб олганди. Ўшандаёқ Элмурод «бунга бир нарса бўлибди» деб ўйлаган ва сабабини кейинчалик билганди. Зебонинг ўлимини эшитганда «ёрингиз қазо қилибди, кўп афсус...» деди-ю, ортиқча кўнгилчанлик кўрсатмади ҳам. Ана шунда Элмурод унинг жоду кўзларига боқиб шуларни ўқиганди: «Эҳтимол, сиз энди менга кўнгил қўярсиз. Очиқ айтаман: кечикдингиз. Тўғри, мен сизни севардим, жондан севардим, ҳатто сизга имо-ишора ҳам қилган эдим. Сиз билиб билмасликка солдингиз. Мен эса очиқ айтишга ботинмадим. Биз, хотин кишилар доим заифмиз... О, ўша кунларнинг кечипмаларини асти сўраманг, туним билан кунимнинг фарқи йўқ эди. Ҳар жанг бошланишидан то тугагунча сизга ҳеч нима қилмадимикин, деб жон ҳовучлардим, ўз жоним кўзимга кўринмас эди. Сиз-чи! Сиз парвойи фалак эдингиз. Ертўлаларингиз остонасини турли баҳоналар билан қатнай бериб, пошнам изидан чўтир қилиб юборгандим. Шуни ҳам кўрмадингиз. Энди-чи, энди кечикдингиз. Қалбимни бошқа одам забт этган. У мени севади, мен ҳам уни яхши кўраман, сиздан илтимос қиламан, ҳадеб, менга кўрина бериб битган ярамни тирнаманг. Муҳаббатингиз учун раҳмат! Энди тинч қўйинг».

Ана шундан кейин Элмурод у билан кам учрашадиган бўлган, у госпиталдан қайтгач, «Нечун батальонга, ўз взводингизга келмадингиз?» деб сўрамаганидек, у ҳам «Борайми?» демаган эди. Бугун Аннанинг «Қандай шамол учирди!» дейишига бу ора узоқлик сабаб эди. Шунинг учун Элмурод ҳам ҳазилга олиб жавоб берганди.

Элмурод келиш мақсадини айтди. Анна Ивановна ўзи бошлаб кириб, катта дафтарни очди-да, госпиталь номерини ёзиб берди.

— Бу госпиталь шу атрофда эмасми?— деди Элмурод.

— Буниси билмадим, суриштириб кўрасиз.

Элмуроднинг Анна Ивановна билан бир оз гаплашиб ўтиргиси, унинг эндиги режалари билан танишиш нияти ҳам йўқ эмасди. Қарасаки, унинг рўйхуши йўқ. Бир маҳал ҳар оғиз сўзига мунтазир қиз энди у билан тезроқ хайрлашувга ошиқади, узун саволларга қисқа жавоб беради. Унинг жавоблари «мен ўзимдан тинчман. Сизга муҳтожлигим йўқ» деган маънони англатарди.

Элмурод Анна Ивановна ҳузуридан чиқиб, дивизия штабидан Йўлдош ётган госпиталнинг адресини аниқлади. У Берлин бўсағасидаги бир шаҳарчада эди. Боришга қарор қилди. Энди Бранденбург дарвозасидан чиқувди ҳамки, Мурзинни учратиб қолди. Бу тасодифий учрашув иккисини ҳам севинтириб юборди, қучоқлашиб, ўпишиб кўришдилар. Мурзин ҳали ҳам старший лейтенант. Лекин кийимлари шай, ўзи ҳам анча эт қўйган, гўштдор лаби устидаги ингичка, қилтириқ грузинча мўйлови жуда ярашган. Ўнга сал қийшайтириб кийилган фуражканинг четидан сочи бир туп садарайҳондек чиқиб турибди. Елкасида пиёда аскар погони бўлса ҳам, оёғида шпорли яхши хром этик, унинг қўнжини манглай ажинидек қатқат қилиб, бири устига бирини қалаштирган. Ҳаётидан жуда мамнунлиги унинг ёниб турган кўзидан, шўх, қувноқ овозидан, ҳаракатидан қўриниб турарди. Элмурод «Ишлар қалай? Хизматинг қаерда?» дейиши билан уни сенсираб, оғзи тўла кулги билан бутун саргузаштини бирпасда сўзлаб ташлади:

— Ҳаммаси ҳам майли-я, лекин самолётдан сакрағанимдан кейин қизил погонларнинг ушлаб олиб сўзимга ишонмагани, кишини қонига ташна қилиб юборгани ҳали-ҳали алам қилади. Уч ой тергов берсам-а! «Ҳой, биродарлар! Масала бундоқ, мен хоин эмасман, суриштиринглар, билинглар» дейман, қани қулоқ солишса, «Ўргатма, ўзимиз биламиз» дейишади. Айниқса, бир Зуханов деган терговчисига тушдим, асти қўя бер, ўлгудай қўпол, шунақа бақирадики, сочи тўкилган бошигача қизариб кетади. Ўзи ҳирсдай бақувват. Бир куни «Бу гавда, бу қўполлик билан айни фронт бопсиз-да!» деб қолмасманми! Қолдим балога! Икки кеча-кундуз ухлатмаса-я! Йўқ, бахтимга бир куни бошқасига ўтқаздилар. Ҳа, айтгандай, Анна Ивановнанинг отаси Кравцов ўша ерда бошлиқлардан бири экан, жонимга ора кирди. Кўп одил киши экан-да! Назаримда, қайси қисмда хизмат қилганимни айтганимдан кейин Аннага хат ёзиб, суриштирди шекилли, бир куни «Батальонингизда врач ким эди?» деб қолди.

— Биздан ҳам баъзи маълумотларни сўраганди,— деди Элмурод.

— Хуллас, чиқариб юборишди. Бир оз вақт улар билан бирга юрдим, мен учрашувим лозим бўлган немис кишиларининг роса додини бердик. Кейин мен запас қисмларда қолиб кетдим. «Берлинни ўзимиз оларканмиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да!» деб қувона-қувона энди йўлга чиқувдик, етиб келгунимизча ўзларинг бу ёғини ҳам тўғрилаб қўйибсизлар. Берлин штурмида бўлдингми?

— Бўлдик.

— Армонинг йўқ. Бахтинг кулган йигитсан. Ҳар қанча мақтансанг арзийди. Хўш, энди нима қиляпсан?

— Демобилизацияни кутяпман.

— Кетасанми? Бе, кетиб нима қиласан? Ҳамма ёқ вайрона, қийинчилик!

Элмурод Мурзин гапининг оҳангидан тушундики, у ёғлиқ ерга ўрнашган, маишати яхши. Элмурод қизиқиб қолди:

— Ўзинг қаердасан?

— Мени сўрама, истасанг сени ҳам ёнимга оламан. Маъмуриятдаман.

— Турмуш ванг дегин,— деди Элмурод истеҳзо билан.

Лекин ўз гапига ўзи маст бўлиб гапираётган Мурзин буни пайқамади. Яна лабининг танобини қочириб, мақтана кетди:

— Бўлмасам-чи! Мана бундай квартира топганман. Генералми, фабрикантникими бўлган экан...

— Турмушдан жуда мамнунман дегин,— яна чертди Элмурод.

— Албатта! Шунча йил урушнинг машаққатини тортдикми? Тортдик. Энди айш-ишрат қилиш керак. Бунга ҳақимиз бор. Шундай айш-ишрат қилиш керакки, бутун тортган машаққатларимиз эсдан чиқиб кетсин. Менинг айш қилганим қолади, энди менга барибир...

— Нима учун сенга барибир бўлади?

— Чунки кутувчим, ҳадик тортадиган кишим йўқ. Биласанми, аввалари Анна Ивановнани севардим. Ростини айтсам, ҳали ҳам севаман. Тунов куни учратиб арзиҳол қилсам, кулади, бурнини жийиради, кўнгли йўқ — — очиқ айтиб қўя қолди. У сени севади. Сен бўлсанг парвойи фалак. Эшитишимча, севган қизинг ўлибди. Шундаймми? Энди сев уни! У сени астойдил севади, худо урсин, астойдил севади.

— Сенга айтдими? Қаёқдан биласан?

— Биламан-да, рентгенман, ичингдагини топаман.

— Тўғри!— деб ҳаққа кўчди Элмурод,— у аввал мени севарди, мен буни билардим. Энди совиган. Бошқа йигити бор, хирург.

— Ростданми? Бўлмаган гап!— деди Мурзин кўзларини катта очиб, ишонмасдан.— Қачон топа қолибди?

— Энди бу ёғини ўзидан сўрайсан.

— Ахир бошлаганингдан кейин охиригача айт-да!

— Ваколатим йўқ,— кулди Элмурод.

— Ке, қўй, топишган бўлса, яхши. Қани, айт-чи, бугун мен билан бўласанми? Ажойиб вином бор. Тонггача айш қиламиз!

— Уят борми сенда?— деди боядан бери нафрат, ғазабини ичига ютиб, зўрға турган Элмурод. Унинг юзи-кўзи алланечук бўлиб кетди. Мурзиннинг талтайиб, кулгидан чўғ бўлиб ёнган юзи музлади, қотиб қолди.

— Хўмрайма, сенга ярашмас экан!— деди у аранг ясама кулиб.

— Беҳазил! Сен ўзинг кимсан? Шу гапларни уялмасдан қайси юзинг билан айтяпсан? Эгнингдаги нима, совет офицерининг мундирими, ёки...— Элмурод дудуқланиб у ёғини айтолмади, ўзини тутиб, охир деди:— Уят, Мурзин, уят! Эсинг борида этагингни ёп, нақ бу ботқоқда чириб кетасан. Бу ишингнинг охири вой.

Элмурод у билан кўчанинг ўртасида учрашиб қолганидан афсусланар, четроқ жой бўлса тарсаки тортиб-тортиб юборишга ҳам тайёрдек кўринарди. Асабидан муштини қисиб, хайрлашмай жўнаб қолди.

Элмуроднинг орқасидан «Ажабо! Нега у мендан хафа бўлади» деб лабларини чўччайтириб, қошларини чимириб, елкасини қисиб қолган Мурзин, бошидан фуражкасини олиб, қайта кийди-да, шаҳар ўртасига қараб йўл олди. Сал юргач, кўнгли хира бўлди. Лекин бу хиралик узоққа чўзилмади. Йўлидан тўсиб чиққан таниш қиз билан бўлган икки минутликкина шакаргуфторлик кўнгил хиралигини ёзиб юборди. Аммо шу икки минут ичида яна унинг диққатини ўзига михлаб олган қизиқ ҳодиса рўй берди. Мурзин хиралик билан қизнинг билагини ушлаб, учрашувга ваъда сўрар экан, қаршидан оддийгина кийинган, узун, ориқ ва ингичка гавдасига ярашмаган савлатли кўзойнак таққан немис келаверди. Олдинига «қаерда кўрган эканман» деб бир зумгина кўзини пирпиратган Мурзин, кейин дарров эслаб олди. Бу, ўша, Мурзин ярадор бўлиб немис қўлига тушганда ўрмондаги жосуслар тайёрлаш мактабида учратган немис майори. Мурзин адашуви мумкин эмас. Фақат ҳарбий формани граждан кийимига алмаштирган, Гитлерга тақлид қилиб бурни остига қўйган тўмтоқ мўйловини олиб ташлаган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

юз-кўзи эса сал ҳам ўзгармаган, савлатли кўзойнаги-ю, худди ўшанинг ўзи. Бу савлатли кўзойнакка Мурзин неча марта қизиқиб қараган, «Ориқ ва кичик юзига мос келадиган ихчамроғини тақса бўлмасмикин» деб кўнглидан ўтказган эди. Худди ўша вақтдагидек ҳозир ҳам бу савлатли кўзойнак унинг кичик ва ориқ юзига ярашмас, ёш бола катталар велосипедини миниб кетаётганга ўхшарди.

Мурзиннинг юраги «шиғ» этиб кетди, кўз олдига ўрмондаги қора кунлари келиб, кўндаланг бўлди. Дарров ўзини тутиб, қиз билан нариган-бери хайрлашди-да, собиқ бошлиғининг кетидан тушди. У етиб боргунча немис анча нарига кетиб қолганди. Мурзин унинг бошидаги катта кепкасини мўлжал олиб, кишилар орасини ёриб, бировни туртиб, бировни итариб елиб қолди. Немис ҳам бирор нарса сезгандек хотиржам, лекин жадал қадам билан борарди. Бир бино муюлишидан қайрилишда орқасига бир назар ташлаб, шартта бурилди. Мурзин бу бино муюшига етиб борганда немис яна ҳам тез юриб борарди. Мурзин «Сезди, занғар! Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди-да!» деди-ю, чопиб қолди. Барибир у етиб боргунча, немис совет оккупация зонаси чегарасидан Америка зонасига ўтиб бўлганди. Шундай бўлса ҳам Мурзин уни тўхтатди. Шошганидан билган сўзларини аранг жамлаб, «Мен билан юринг!» деди. Немис гўё тушунмагандек елкасини қисди. «Бу киши нима дейди, ўзи?» дегандек атрофга аланглади. Мурзин унинг енгидан ушлаб олган, зўр бериб совет зонаси томонга тортарди. Бу орада ўткинчилар пайқаб, одам тўпланди. Улар орасидан иккита Америка солдати чиқиб «Хўш, ўзи нима гап?» деди-ю, комендатурага боришларини таклиф этди. На немис, на инглиз тилида ўз фикрини англатиш уддасидан чиқолмаган Мурзин «хўп!» дейишга мажбур бўлиб қолди. У ўзича ўйларди: албатта ҳозир улар Америка ҳарбий комендатурасига боради. У ерда Мурзин ўз даъвосини айтади. Америкалик комендант, ахир иттифоқчимиз-ку, унинг арзига астойдил қулоқ солади. «Яшанг, бир яширин душманимизни ушлашга ёрдам бердингиз», деб унинг қўлини сиқади ва ёнига иккита солдат қўшиб бериб, «Мана, олиб боринг ўз зонангизга» дейди, қуюқ хайрлашиб қолади.

Улар Америка коменданти ҳузурига кириб бордилар. Комендант бош яланг ўтирарди. Маллага яқин оқ бу кишининг отникига ўхшаган узунчоқ юзли бошининг соч-

лари тўкилиб кетган, фақат жун чамбарга ўхшаб қулоғи тепасида ва бўйнидагина қолган. Шу сочига охирги умидини боғлагандек уни дам ўтмай қўли билан силаб турарди. Унинг йилтироқ, бесоч боши қаршидаги деразадан тушган нур билан баттарроқ йилтиларди. Шерпанжа оёқли вазмин столга қўйилган узун ва нозик бармоқларининг бирида йўғон, бекўз узук бор. Бармоқлари шунчалик сариқ жун билан қопланган эдики, ҳатто бугун-эрта узукни ҳам кўмиб юборишга тайёрдек кўринарди. Ана шу сержун бармоқлар Мурзин кирганда стол ойнасини бепарво чертиб ўтирарди. У бу ҳаракатини улар кирганда ҳам тарк этмади. Унинг бу ҳаракатидан «Мен бу ернинг тўла ҳуқуқли хўжайиниман. Бу ер ҳам ўз уйим, ўлан тўшагим. Мана шу бармоқларимнинг кичик бир ҳаракати анча-мунча ишлар қилиб юборишга қодир» деган такаббурона манманлик сезилиб турарди. «Тўкилган қонларга қиттай бўлсин менинг жоним ачимайди, бу уруш мен учун айни муддао бўлди, бундан мен ютқизмадим, ютдим. Нечун яна бир оз чўзилмади? Сиз, руслар ҳужумни шунчалик жадаллатиб юбормаганларингда, мен арқонни узун ташлаб, яна бирор йил чўзган бўлардим. Бундан менга, мен аъзо химия компаниясига анча наф теккан бўларди, аттанг!» деган мазмун унинг муғомбирона қарашида мавжуд эди. Унинг важоҳатида сунъий бир мулойимлик, лабларида руҳий ифодадан кўра оддий бир маъносиз одатга айланиб қолган табассум бор эди. Худди шу маъносиз табассум билан Мурзинга «Инглиз тилини биласизми?» деди рус тилида, киглиз урғуси билан. Мурзиндан рад жавобини олгач, таржимонни чақирди.

— Хизмат, қулоғим сизда?— деди кейин. Таржимон таржима қилди.

Мурзин ушлаб келган кишисининг кимлигини, қаерда учратгани, қандай вазифада бўлгани — ҳамма-ҳаммасини ўзига хос жўшқинлик ва ҳарорат билан сўзлаб берди.

— Ҳали шундай денг. Бу қизиқ нарса!— деди америкалик комендант, бармоқлари билан стол ойнасини черта туриб. Кейин бир нарса ўйлаётгандек чертишдан тўхтади-да:— Қапи, ўтиринг, ўтиринг. Марҳамат!— деди Мурзинга. Унинг қизиқиб қолганини ҳам ёки бирор режа тузаётганини ҳам билиб бўлмасди. Унинг тоза қириб, қўлингина упа суртилган оқ-сариқ юзи бу икки руҳий ҳолатни ҳам ифодалаётганга ўхшарди. У шундан кейин немисни ҳам ўтиришга таклиф этди. Немисни бошдан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

оёқ кўздан кечириб чиқди. Унинг савлатли кўзойнагига бу ҳам қизиқиб қолдими, узоқ вақт юзига термилди, кейин, Мурзиннинг айтган сўзларини қисқача қилиб таржима этди. Немис «Ажабо, бу мен учун янгилик, ўлимдан хабарим бор, бундай ишлардан хабарим йўқ» дегандек елкасини қисди. Комендант таржима қиларкан, Мурзин «ранги ўзгариши керак-ку» деган ниятда немисдан кўзини олмасди. Лекин немис кишини шубҳага соладиган бирон ҳаракат қилмади. Ҳатто ажабланмади ҳам. Аксинча, «Ҳали шундай бемаъни гап учун мени овора қилиб юрибдими?» деган маъно унинг юз-кўзидан кўриниб турарди. Бунга Мурзин ажабланмади. Чунки разведка ишлари унинг қон-қонига сингиб кетган, у ҳазилакам гестапочи эмасди.

— Исбот керак, бу қуруқ гап-ку!— деди немис бамайлихотир комендант кўрсатган ерга ўтириб. Комендант ўсиқ тирноқлари билан яна стол ойнасини чертиб:

— У бўйнига олмаяпти! Қандай исботингиз бор? Ахир, бир ўхшашликнинг ўзи кифоя эмас,— деди, кейин столда турган қутидан зарга ўралган сигара олиб, лабига қўндирди, гугурт чўпини ботинкасининг таг чармига суриб ёндирди-да, сигарани чекди.

— Фамилиясини биламан,— деди Мурзин энди қўлга туширганига ишониб. Ана шунда комендантнинг юзида «Қўлга тушрадиган бўлдинг-а, зумраша!» детандек бир ўзгариш пайдо бўлди. Охирги марта ўсиқ тирноғи билан стол ойнасини зарб билан чертиб, ўрнидан турди, столни айланиб, ўртага ўтди. Сигарани узун бир тортиб, юз-кўзини тутунга кўмди. Бежирим, ярқиллаб турган ботинкаларини гилам устида юмшоқ ғирчиллатиб, немис олдига келди-да, ундан ҳужжатини сўради. Немис худди комендантдек оғир, салмоқли ҳаракат билан қўйин чўнтагидан паспортини чиқариб берди, сўнгра Мурзинга таниш савлатли кўзойнагини тузатиб қўйди. Оғзи қақрагандек тупук ютинди. Ана шунда ингичка бўйпиппинг териси тортишиб, туртиб чиққан уч бурчак кекирдаги юқорига кўтарилиб тушди. Бу ҳолат Мурзинга жуда таниш. У ўрмонда экан, шу майор уни ўз кабинетига неча марта чақирган бўлса, шунча марта унинг юзига ботиниб қаролмай, нуқул ана шу туртиб чиққан кекирдагига кўз тикиб ўтирарди, унинг чиқиб тушувини томоша қиларди. Бу лавҳалар кечаги кун хотирасидай кўз олдида турибди, унутиши, адашуви асло мумкин эмас. Мурзин, қарписида ўтирган немис худди ўша майорнинг ўзи эканига шак-шубҳа қилмасди. Лекин шундай бўлса ҳам уни бир ваҳима, ташвиш босарди: исбот қилолмаса-я! Бу фикр борлиқ вужудини титратиб юборди.

Комендант паспортни қўлига олиб, шошмасдан кўздан кечирди. Бужмайган лаблари ҳуштак чалишга тайёрдек турарди. У паспортни кўриб бўлгач, салмоқли қадамлар билан Мурзин қошига келди, совуққонлик билан паспортни унга узатиб:

— Марҳамат, жаноб офицер, танишувингиз мумкин, мутлақо бошқа одам,— деди ва яна қайтиб бориб ўз столига ўтирди, ўсиқ тирноқлари билан стол ойнасини черта бошлади, аммо икки кўзи Мурзинда эди.

Мурзин немис тилини билмаса ҳам, алфавитидан хабардор эди. Қайси кўзи билан боқмасин, паспортдаги киши бошқа одам эди, сурати эса худди шу ўтирган немисники. Юраги гуп-гуп уриб, нафаси томоғига тиқилди. Яраланган ҳайвондек бирдан ғазаб ва кучга тўлди. Унинг фикри тез, кутилмаган даражада тез ишларди, бироқ бари бир бир далил келтиришга қобил эмасди. У ҳаяжондан талвасага тушиб қолди.

Ахир ана шу орик немис ўрмондан кетиш олдида филоёқ столли кабинетига Фунфаш билан чақириб, Фунфашни чиқариб юбориб, ёлғиз ўзига апча гаплар уқтирган, охирида «ғалабадан сўнг учрашамиз, албатта учрашамиз» демаганмиди! Наҳот Мурзин адашса?! Мана, чиндан ҳам ғалабадан кейин учрашдилар, лекин орзу қилган вазиятда эмас. Нега энди тонади? Қани унинг ўша вақтдаги ғурури, кибри ҳавоси? Мард бўлса «мана мен» демайдими, ўз мақсади йўлида тик ўлиб кетмайдими? Мурзин кўрган-билганларини яна такрорлаб, янглишуви асло мумкин эмаслигини қайта-қайта тасдиқлади. Қизишиб:

— Ўшанинг ўзи! Худди ўзи! Янглишувим мумкин эмас. Сиз шунга ишонинг, жаноб комендант, ҳатто кўзойнаги худди аввалгининг ўзи,— деди Мурзин.

— Мен-ку, ишонишим мумкин,— деди комендант илжайиб,— лекин қонун ишонмайди. Гумон билан бир кишининг эркини бўғиб, ортиқча олиб туролмайман.

— Қўйиб юборманг, мен исбот этаман. У сохта паспорт олган.

— Жаноб офицер, мен сизнинг гапларингизни бамайлихотир эшитдим. Тузуккина далил келтиролмадингиз, келтирган далилларингиз исботланмади. Адашган бўли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шингиз мумкин. Киши кишига ўхшаши мумкин, хотиржам бўлинг, биз сиз айтган майорни ҳам (тирик бўлса) ушлаб оламиз, ҳеч қаёққа кетмайди. Сизлар ўз разведкангиз кучига қандай ишонсанглар, биз ҳам ўз разведкамиз кучини шунчалик яхши биламиз. У, албатта, ушланади, эҳтимол сизнинг қўлингизга аллақачон тушгандир, сиз бўлсангиз бошқа одамни ўша, деб бекор овора бўлиб юргандирсиз. Ортиқча қизишманг, ёш экансиз, бу сизга зиён.

Мурзин назарида комендант немисни ҳозироқ қўйиб юбораётгандек бўлди. У шошиб қолди.

— Бўлмаса бизнинг зонага ўтказишга ёрдам беринг, биз ўзимиз исбот этамиз. Эҳтимол, яна танийдиганлар топилиб қолар.

Комендант фақат шу сўзгагина муҳтож бўлиб тургандек қаҳ-қаҳ солиб кулди.

— О... О... бу менинг қўлимдан келмайди. Бу мушкул нарса.

Мурзин комендант билан узоқ тортишди. Комендант «адолат шуни тақозо қилади, бошқа иложим йўқ» деб туриб олди. Чор-ночор қолган Мурзин немиснинг турар адреси ва янги фамилиясини олиб, тарвузи қўлтиғидан тушиб, комендатурадан чиқди. Хушмуомала комендант уни эшиккача кузатиб, честь бериб, хайрлашиб қолди.

Комендант кабинетига қайтиб киргач, таржимонига жавоб бериб, немисга яқинлашди ва немисчалаб деди:

— Руслар бало! Бир кўрган кишисини юз йилдан кейин ҳам танийди. Бу ҳали она сути оғзидан кетмаган оддий офицери. Чекисти бўлганда иккаламизни ҳам гангитиб, эсанкиратиб қўярди. У ҳатто кўзойнагингизни ҳам унутмабди-я!

Комендант унинг ёнига стул тортиб ўтирди:

— Қани энди айтинг-чи, у ростдан сизни танийдими?— немис ўнғайсизлангандек бўлди, буни комендант дарров пайқаб, бирпас қараб турди. Кейин столига келиб иккита сигара олди-да, бирини унга тутди ва деди:— Тортинманг, менга ишонишингиз мумкин.

Немис жавоб ўрнида бош иргаб тасдиқлади, юзида ингичка табассум пайдо бўлди.

— Мен биринчи лаҳзадаёқ унинг ҳақлигига шубҳа қилмадим. Бас бойлашиб, бир ярадор немис солдатини кўрсатсангизу, «Бу кимнинг ўқидан бўлган?» десангиз, худо ҳақи, адашмай топиб берадилар, улар ўз ўқларидан бўлган ярани ҳам танийдилар. Улар бало!

— Мен бунга шубҳа қилмайман. Буни бутун уруш давомида ўз кўзим билан кўрдим,— деди немис гапга кириб ва савлатли кўзойнагини олиб дастрўмол билан артди. Сигарани тутатиб, эски қадрдонини топган кишидек ёзилиб ўтириб, Мурзин тарихини айтиб берди ва охирида деди:

— У ёлғиз ўз жонини сақлаб қолганида ҳам майли эди-я, бир қанча кишимизнинг бошини еди.

— Сизникига ҳам қасд қилди-ю, бўлмади, кулиб қўйди комендант.

— Омон қолган ҳаётим учун сиздан бениҳоя миннатдорман,— деди хушомад билан ўрнидан аста қўзғалиб немис. Комендантга бу хушомад ёқиб кетди шекилли, томоқ қоқди ва немиснинг савлатли кўзойнагини энди кўраётгандек унга тикилиб қолди, сўнгра салмоқлаб деди:

— Омон қолган жонингиз закотини энди чиқариш керак, умрингиз фойдага қолди. Руслар қўлига тушганингизда-ю...— комендант «бу ёғи ўзи тушунарли бўлса керак» дегандек гапирмай, кўзини кўзига тикиб қўя қолди. Немис кулиб:

— Шунинг учун ҳам сизнинг зонага қочиб ўтдим. Бўлмаса мени ўз зоналарида пайқаганди,— деб қўйди.

Бир оз дўстона суҳбатдан кейин комендант мақсадини дангал айтиб қўя қолди.

— Келинг, энди бу кўзойнакни менга беринг. Унинг хизмати битди. Энди биз сизга бошқасини берамиз, у билан бу янги дунёга бизнингча қаранг.

Немис ташаккуромиз бош силкиди.

Мурзин эртасига Совет комендатурасининг вакили билан келиб, кечаги немисни сўраганда, америка коменданти хушгакаллуфлик билан «марҳамат, ҳозир чақиртирамиз» деди ва унга одам юборди.

Ўша фамилияда, ўша адресдан бир немис келди. Лекин Мурзин ҳайрон қолиб «У эмас-ку!» деган эди, комендант «адашманг, айнан ўзи» деди сурбетларча ишшайиб.

V

Ёпи улуг солдатлар демобилизация қилингач, Элмурод батальонида ҳеч ким қолмади ҳисоб. Қолганларини ҳам бошқа бўлинмага қўшиб юбордилар, Элмуроднинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзи ҳам педагог бўлгани учун демобилизация навбатини кутарди. Бу орада унинг қадрдони фронтга тушгандан бери йўлдоши Бондарнинг орзуси рўёбга чиқиб, денгизчилар мактабига юбориладиган бўлиб қолди. Бондарь бениҳоя хурсанд, ўз севинчини айтиб тугатолмасди. Беозор шўхликлари, қўрқув билмас довюраклиги, дағал бўлса ҳам самимий меҳрибонлиги билан иқига ўтириб қолган Бондарни Элмурод яхшилаб кузатмоқчи бўлди, уни яқинда Одер қирғоғида ўзбек солдат ва офицерлари ташкил этган қизил чойхонага таклиф қилди, ўз қўли билан палов ясаб, унинг мазасини Бондарнинг оғзида қолдирмоқчи бўлди. Ҳатто шу ниятда аллақаёқдан зиравор ҳам топиб келди.

Чойхонада одам кўп. Баъзан чойнакларнинг қопқоғи шиқиллаб қолади. Бир чеккада аския, кулги, қаҳқаҳа. Кимдир иккита дўстини ёнига олиб, дарёга термилиб хиргойи қилиб ўтирибди. Бирининг бошида чуст дўппи, гўё дўппи она юртининг рамзи, унинг қуёшли тиниқ осмонини, гулларга ғарқ водийсини ёдига соларди, соғинган кўнглига тасалли берарди.

Элмурод гўшт тўғрар экан, Горкунов сўраб қолди:

— «Қуштили» қиляпсизми?

— «Қуштили»ни сен қаёқдан биласан?— деди Элмурод ҳайрон бўлиб.

— Турдиевдан эшитгандим. «Берлинда бир палов қилайлик. Гўштини ўзим «қуштили» қилиб тўғрайман» деган эди, ниятига етмади бечора.

— Яхши йигит эди!— деди Бондарь. Элмурод буни тасдиқлагандек унга назар ташлаб қўйди. Турдиевнинг хотираси учунми ёки ўзига ёқиб қолдими, деярли ярмини тўғраб бўлган гўштни бошқатдан «қуштили» қилиб тўғрай бошлади...

Ош олдидан озгина «дори» бўлди. Бондарга оқ йўл тилаш билан баравар «муродимга етдим деганда йиқилган» дўстлари Турдиевнинг хотираси учун ҳам қадаҳ кўтардилар.

Ошдан кейин Бондарь «Энди лангарни қаерга ташлаймиз?» деган эди, Горкунов:

— Бир таклифим бор, ўртоқлар. Турдиев қабрини зиёрат қилсак,— деб қолди. Бу ҳамманинг дилидаги гап бўлганиданми ҳеч ким қаршилик билдирмади. Элмурод генерал бир вақтлар тақдим этган соатига қараб:

— Бемалол улгурамиз ҳали,— деди. Бу соат Бондарга ёқмас, пайти келганда «алмаштиринг» деб қўярди. Ҳозир ҳам соатга кўзи тушуви билан яна тили қичиди:

— Ўртоқ майор, шу соатингизни янгилаб олишингиз керак эди-да! Не-не антиқалари бор.

— Йўқ, ўзи яхши. Бу соатнинг менга кўп меҳнати сингган, бунинг устига, мукофот, эсдалик. Сен мақтаётган соатларнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ, бизнинг ҳаётимизга бардош беролмайди.

— Шуниси ҳам бор.

— Эсингдами, Кавказда Америка ботинкалари олганимиз. Кўриниши серпардоз хотинларнинг юзидай кўркам эди, ҳамма ўшанга ёпишди, ўзимизникига қарамай қўйишди. «Шир» этиб ёмғир ёғувдики, ҳаммаларининг ҳафсалалари пир бўлди. Ҳар привалда, бечора солдат, пайтава сиқади; ботинка бутуну, ичи тўла сув. «Қаеридан ўтади бу занғарнинг, юрганда очиладиган клапани борми?» деб кулишарди. Ўзимизникини қидириб қолишди. Шунақа, бу Европада усти ялтироқ нарсалар кўп.

Улар йўлдан бир даста гул харид қилиб, қабристонга боришар экан, одам сийрак трамвайда бир қизиқ ҳангомага дуч келдилар.

Ўзига зеб бериб кийинган ўрта ёшлардаги америка офицери газета ўқиб ўтирарди. Унинг ёнида бўшаган ўринга ўтирган шу ёшлардаги бир рус сержанти ҳам ёнидан «Правда» чиқариб кўздан кечира бошлади. Америка офицери унга бош кўтариб бир қаради-ю, кўзини олмай қолди: уни газетанинг ўзиникига ўхшамаган йирик форматими, ёзувими ёки ундаги суратми, нимадир ўзига тортди, билиб бўлмасди. Бирор лаҳзадан кейин унинг юзида ўзга кишини менсимайдиган, ўзининг улуғворлиги, давлати билан кибрланадиган одамлардагина бўладиган таҳқиромиз табассум пайдо бўлди. У рус сержантига гап қотиб қўйди.

— Нега газеталарнинг бунақа кичкина, ниҳояти тўрт бетгина.

Рус сержанти жавоб беришдан олдин унинг башарасига назар ташлади ва тушундики, америка офицери очиқ кўнгиллик билан, чиндан ҳам бунинг сабабини билиш учун эмас, менсимасдан, масхаралаш ниятида бу сўроқни берянти. Сержант ўз қадрини билган, ўз ўрнини топган тажрибали кишилардек вазминлик билан ундан кўзини олиб яна ўз газетасига қаради ва ишонч билан салмоқлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Рост гапни айтмоқ учун кўп қоғознинг кераги йўқ, жаноб офицер, тўрт бет кифоя. Лекин ҳақиқатни яширмоқ учун тўрт юз бет ҳам камлик қилади.

Америка офицери бунақа тўқнашувларга кўп дуч келган, эти ўлиб қолган экан шекилли, индамай, қўлидаги ўн олти бетлик газетанинг навбатдаги саҳифасини очди. Лекин ўқимай, яна қўшнисига қаради, унинг юзида энди такаббурлик, муғомбирлик кезарди. Уни сержантдан алам олиш нияти қийнаётгани ғўлдайган малла киприкли кўзларидан сезилиб турарди.

— Бу қайси партиянинг газетаси?— деди америка офицери, яна ўша такаббурона табассумда сержант қўлидаги газетага имо қилиб.

— Бизда битта партия бор, холос.

— Наҳот!— деди америка офицери гўё буни илгари билмагандек ажаблаиб,— демократик, ҳурриятпарвар бир мамлакатда битта партия бўлиши қандай бўлди? Бу эркинлик, демократияга хилоф-ку!

— Бизга бошқа партиянинг кераги ҳам йўқ,— деди сержант бамайлихотир газетадан бош кўтариб.

— Бизнинг мамлакатда эса бир нечта партия бор,— деди америкалик мағрурланиб, гўё «ҳақиқий озодлик ва демократия ёлғиз бизда» дегандек. Рус сержантини енггандек томоқ қириб йўталиб ҳам қўйди, чўнтагидан шимадиган резина олиб, оғзига ташлади.

— Бунда ажабланадиган ҳеч нарса йўқ, жаноб офицер. Революциядан илгари бизда ҳам дувиллаб чиққан кўзиқоринлай партиялар жуда кўп эди. Буларнинг ҳеч биридан меҳнаткаш халқ сариқ чақалик наф кўргани йўқ. Энди-чи, энди битта Коммунистик партия бор, бу партия асл халқчил, халқнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаряпти, унга раҳбарлик қиляпти. Бизга бошқа партиянинг кераги ҳам йўқ. Лекин, жаноб офицер, кўнгилларига келмасин, мен ўзим коммунист эмасман.

Америка офицери сержантнинг сўзига бардош беролмай, наридан-бери газетасини тахлаб, ўрнидан сапчиб турди-да, юриб кетаётган трамвайдан сакраб тушиб қолди. Унинг ҳаракатини кузатиб турган Бондарь қаҳ-қаҳ солиб кулиб юборди, унга бошқалар қўшилди, трамвайни кулги тўлдирди.

«Ҳали кетишингизнинг дараги йўқми?» деб Ганс келиб кетган куннинг эртасига Элмурод демобилизация ҳақида буйруқ олди. Булар иккиси дилкаш бўлиб қолган, бир-бирларидан хабар олиб туришарди. Бу кунларда Ганс боши билан ишга шўнғиб кетган, шаҳарни уруш харобаларидан тозалаш, тартибга солиш, нормал тинч ҳаёт бошлаб юбориш учун Совет қўмондонлигига яқиндан кўмак берар, шаҳарнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида бошланиб қоладиган митингларда сўзга чиқар, аҳолини тинч ҳаётни тиклашга, уруш жароҳатларини тезроқ тугатишга чақирарди. Баъзан Элмурод тегишиб «Ишлар қалай, Ганс?» деса, «Фашизм ёмон қушдек ўз уясини ахлатга тўлдириб ташлаган экан, изини қолдирмай қириб-қиртишлаяпмиз, астойдил тозалаяпмиз, қатрон қиляпмиз» деб кулиб қўярди, «Озодликни севган киши ҳар дақиқа курашмоғи керак» деб Гётедан шеър ўқирди.

Элмурод тушгача йўл тайёрлигини кўриб, «ўзи келиб қолса, ажабмас» деб Гансни кутди. Қараса келмайдиган, қуёш оғиб боряпти. Бориб хайрлашиб келишга аҳд қилиб кўчага чиқди. Кўчада ҳаёт қайнайди, кишилар ўзларининг кундалик ҳаёт ташвишлари билан банд, энди уларнинг юз-кўзларида «Эртамиз қандай бўлар экан, наҳот ҳаммамизни Сибирга қувадилар?!» деган фашист агитациясининг даҳшат излари йўқ, балки эртага ишонч ва муҳаббат билан боқиш бор. Энди улар совет кишиларига ҳадиксираб, қўрқув аралаш назар ташламайдилар, табассум билан кутиб оладилар.

Кетиши аниқ бўлганиданми, бутун уруш давомида мудҳиш бир уя бўлиб кўринган Берлин энди Элмуроднинг қалбида холис бир дўстона ҳис уйғотар, ўчмас хотира бўлиб юрагига сингиб борарди, у, кечагина харобадан бош кўтара бошлаган улкан шаҳарга суқланиб боқарди. Ана шунда Берлиннинг Америка зонасида кўрган бир лавҳа кўз олдига келди: Элмурод иш билан ўтиб бораётса, уч қаватли бино олдида кишилар тўпланиб турибди. «Нима экан?» деб бундоқ қараса, магазин витринаси. Унда кўркамгина бир немис аёли ялангоч баданига тунда кийиладиган ич кийим кийган, каравотда ётибди. Бир оздан кейин туриб у ёқ-бу ёққа юриб ўзини кўрсатди, гўё у «мана кўришглар, қандай яхши мол, харид қилинглар» деб ички кийимларини кўз-кўз қиларди, харидорни қизиқтирарди. У шуни қилишга мажбур, у беиш!»

Ганс Элмуродни «Кетадиган бўлиб қолдингизми? дея очиқ чеҳра билан қарши олди, ўтиришга жой кўрсатди. Сўз пиёзнинг қобиғига ўхшаган нарса, сўзлаган саринг

www.ziyouz.com kutubxonasi

мағзи очиға беради. Кўпдан бери таниш, сирдош бу икки ўртоқнинг суҳбати ҳам худди шундай дарров мағзига етиб борди, гўёки гаплашилмаган гап қолмади.

— Хайр, дўстим,— деди Элмурод қўзғаларкан,— биздан «куч билан кирдинглар элимизга», деб ўксиманг. Баъзан куч адолатнинг асл йўлдоши бўлади. Адолатсизликни даф этмоқ улуғ бахт. Биз ана шу бахтга муяссар бўлганимиз учун жуда-жуда хурсандмиз. Биз ўзимиз учунгина эмас, сиз учун ҳам жанг қилдик, қурбон бердик. Аминманки, немис халқи бу учун биздан миннатдор.

— Шубҳасиз!— деди Ганс унинг қўлини олиб.

— Шуни унутмангки, дўстим, агар Прометей инсонга олов топиб бериш учун худоларга қарши исён кўтарган бўлса, совет кишилари немис халқининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини қайтариб бериш учун, вабодан олиб қолиш учун ана шу оловга кирди, унда ёнди, ўртанди, бироқ қайтмади, немис халқининг инсоний бахтини асраб қолди, ёлғиз немисни эмас, башариятни даҳшатли, мудҳиш ҳалокатдан сақлаб қолди. Шунинг учун ҳам ҳар бир совет солдатининг хизмати бир прометейча бор.

— Биз буни унутмаймиз, Элмурод! Бахт гарови дўстлик эканини яхши биламиз.

— Ҳамма немис ҳам шу фикрда эмас, Ганс. Ҳамма сен билан мендек бўлганда эди,— деб кулди Элмурод дўстининг икки тирсагидан ушлаб,— бу шаҳарга дарвозабоннинг нима кераги бор эди! Афсус, ёв ёқадан олганда почага ёпишадиган итлар бор ҳали! Пайт пойлайди.

— Энди фашизм ўлди, ёмонлик қилолмайди.

— Сипган игна оёққа кирмас эканми! Пайти келганда битта кичик газанда арслонга панд бериши мумкин, дўстим. Ҳушёр бўлиш керак. Ҳар куннинг севикли юртингга улуғ наф, ўзингга битмас-туганмас севинч, дўстларингга меҳру муҳаббат, садоқат мазмуни билан тўлиб-тошсин, душманларни ўт бўлиб куйдирсин.

Икки дўст ҳовлига чиқишди. Табассумдан суҳбатга, суҳбатдан табассумга кўчиб, ёнма-ён боришарди. Ганс Элмуродни қўлтиқлаб олган. Элмурод уч томонини юксак бинолар қоплаб олган бу ҳовлига неча марта келган бўлса ҳам бир нарсани пайқамаган экан. Қаршидаги бино бомбадан нураган, ғишт ва темир-терсаклари уюм бўлиб ётибди. Лекин қандайдир мўъжиза билан унинг шундоққина олдида ўсган бир туп ёшгина гилос безарар қолган. Кўм-кўк баргларини ёз ҳавосида кўз-кўз қилади, тепа шохидаги уч-тўртта пишган гилос кулда қолган чўғ допаларидек барглари орасида гоҳ кўриниб, гоҳ яширипади, гўё у, «Мана мен тирикман, мен яшаяпман, яшашга қодирман. Сиз ҳам яшанг. Мендек барг ёзинг, мева беринг. Ҳаётнинг кўрки сиз билан бизнинг яшашимизда, гуллаб-яшнашимизда!» дерди одамларга ва ҳаёт мангулигининг шонли рамзи бўлиб турарди.

Элмурод гилосга назар ташлар экан, кўнглидан «Яша, камол топ, яшнаганинг яхши!» деган фикр ўтди ва Гансга яна қўл узатиб:

— Шундай, дўстим Ганс,— деди ўз фикрларига якун ясагандек салмоқлаб,— келажакни эҳтиёт қилинг.

— Амин бўлинг, истиқбол байроғи ишончли қўлларда!— деди Ганс ишонч билан Элмуроднинг қўлини қаттиқ сиқиб.— Раҳмат, Элмурод! Ҳамма-ҳаммаси учун раҳмат! Дўстларга салом айтинг!

Бу сўзлар унинг юрагидан ҳаяжон билан ларза уриб тилига чиқди. Унинг юраги битмас-туганмас ёркин умид ва орзулар, кураш ва истиқбол пашъаси билан лиммолим тўла эди. У қувонч оғушида мамнун эди. Бундай қувонч қаттиқ қишдан сўнг баҳорнинг илк куртакларини кўрганда, баҳорни олқишлаб келган оқтўш қалдирғочларнинг бийрон сайрашларини эшитганда, ҳали қиш ғубори кетмаган боғлардан гунафшалар териб, кўпдан интизор севгилингга тақдим этган ва илк бўсага муяссар бўлган чоғлардагина киши қалбида пайдо бўлади.

Тошкент — Москва
1947—1957 йиллар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм 3
Иккинчи қисм 66
Учинчи қисм 153
Тўртинчи қисм 327
Бешинчи қисм 520

На узбекском языке

Шухрат

ГОДЫ В ШИНЕЛЯХ

Роман

Издание третье

Редактор *С. Йулдошева*
Рассомлар: *Ж. Молдашев, А. Кива*
Расмлар редактори *Н. Холиқов*
Техн. редактор *Т. Смирнова*
Корректор *Ш. Зуҳриддинов*

Босмахонага берилди 21/II—1975 й. Босишга рухсат этилди 1/VII—1975 й. Формат 84×108¹/₃₂ Босма л. 18,5. Шартли босма л. 31,08. Нашр л. 32,6. Тиражи 60000. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 4—75.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида тайёрланган матрицадан 1-босмахонасида № 1 қоғозга босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1975 йил. Заказ № 783. Баҳоси 1 с. 18 т.

www.ziyouz.com kutubxonasi